

ҚҰЧҚОР НОРҚОБИЛ

*Қуёшни қим
уызотади?*



ҚҰЧҚОР НОРҚОБИЛ

**ҚУЁШНИ КИМ
УЙФОТАДИ?**

(Қиссалар, ҳикоялар)

«ШАРҚ» НАИБРИҒ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2007

84(57)
H 828

Норқобил, Кўчқор

Куёшни ким уйғотади?: Қиссалар, ҳикоялар. — Т.: «Шарқ», 2007. — 384-б.

Кўчқор Норқобилнинг «Дарё ортидаги йиғи», «Кулиб тур, азизим», «Ўн саккизга кирмаган мен бор» ва «Қордаги лола» асарлари ҳамда «Куёшни ким уйғотади? — деб номланган кундаликлари ўлим ва ҳаёт, инсон ва уруш мавзусидаги асарлар сирасига киради. Муаллиф ўз қиссаларида уруш даҳшатлари, турли фожиалар, инсон юрагининг оғриқлари билан бир қаторда ҳаётда энг тоза борлиқ — Муҳаббат бор, демоқчи. Уруш ичидаги муҳаббат асар қаҳрамонига энг оғир дамларда куч-қувват, ишонч бахшида этишини ёритиб беришга интилган.

ББК.84(5Ў)

ISBN 978-9943-00-029-2

ИЗТИРОБ

Кўчқор Норқобил шоир. Шунинг учун унинг насриям — шоирона. Мана бу жумлани ўқинг: «**Шоир сигарет тутатди. Нам ҳавода сигарет тутуни буралиб юксакка ўрлади. Бу ҳолат шоир учун мароқли эди. Ёмғир. Ғираширалик. Салқин ҳаво... У кейинги бекатгача яёв юргиси келди**». Бу ерда гап асар қаҳрамонининг шоирлиги ҳақида эмас, умуман тасвир ҳақида — аниқроғи, борлиқни қабул қилиш сонияси ҳақида кетяпти... Лекин Кўчқорнинг насрида мана бундай парчаларниям ўқийсиз: **Манави ҳайкаллар нима қип турибди? — деб сўрайди мухбир. Бригадир жавоб беради: — Ош-нон сўрамаса, турибди-да, ука...**» Нақадар ҳаётий диалог. Энди мана бу даҳшатли парчани ўқиб кўринг, илтимос:

«**Ринат машинани тўхтатиб, кабинадан бошини чиқарди... Кейин АКСУ автоматини олиб, болага тўғрилади.**

— **Нима қиляпсан? Шошма! — У башнядан чиқиб, Ринатнинг устига ўзини ташлади. Бўғиб олди. Юзига тарсаки туширди. Ринат бор овоз билан бақирар, «Отаман, сени ҳам отаман, ўзимни ҳам отаман, ҳаммангни отаман», деб уввос соларди. Кейин машинадан тушиб, қўлида қурол билан ҳовлини гир айланиб югура бошлади. У кабинадан сувли идишни олиб, Ринатнинг йўлини тўсиб чиқди. Чалиб йиқитди. Бошидан идишдаги бор сувни қуйиб юборди. Ринатнинг овози ўчди. Атрофига аланглаб қараркан, эзилиб-эзилиб йиғларди. У Ринатни суяб машинага олиб келаркан, ўзи ҳам унсиз-унсиз йиғларди...»**

Бу қандай таъсир бўлди? Ҳаётий десанг, ўхшамайроқ кетади: қаҳрамонга қўшилиб муаллиф ҳам эловсираётганга ўхшайди.

Ҳамма гап ана шунда, биродарлар!

Кўчқорнинг шоирона насрида реаллик билан нореаллик кўпинча омухта бўлиб кетадики, бунга эришиш жуда қийин-е: биринчидан, бундай ирреалистик наср тажрибалари бизда йўқ. Иккинчидан, бу йўл ман-ман деган адибни ҳам

улоқтириб-ўтлатиб кетади, демак, асар мақсадидан келиб чиқадиган чегарагина уни тўтиб туриши мумкин. Энди, асарнинг мақсади — уруш фожиясини — урушнинг инсон руҳидаги ўзгаришларини, руҳдаги изтиробли тўлғоқларни тасвирлаш ва оқибат унинг фожиа натижасини кўрсатишдан иборат бўлса, ҳали ёш, дунёвий адабиётнинг бу борадаги тажрибалари билан энди таниша бошлаган ва шу асно ўзини кашф этаётган ёзувчига нақадар оғирлик тушади.

Аmmo Кўчқорвой шу оғир йўлни танлаган кўринади. Нимаям дер эдик?

Эй Кўчқоржон, дадил бўлинг! Баланд дорга осилибсиз... Энди туя миниб олишни кўзламоқ керак: бу омукта насрда меросимиз бўлгудек асарлар яратишни мўлжаллаш ва ўзни шунга сафарбар этиш керак!

Акс ҳолда адабиётимиздаги жўн, содда, ишланган йўللардан бирига тушиб олмоқ лозим...

Узр, тағин битта мулоҳаза туғилди: ўз йўлингизда ўта ҳаётийликка интилиб, ҳаётдаги одамларни исми-шарифлари ила ёзишингиз шартмиди?

Менимча, шарт эмас.

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ,
Тошкент, 2003 йил, июнь, Дўрмон.

ДАРЁ ОРТИДАГИ ЙИҒИ

Қисса

МУҚАДДИМА

Сен у ёқдалигингда отанг шўрлик чўкиб колди. Бир куни сендан хат келганда устунга суяниб ўқиди. Кўзлари филтиллади. Бизни кўрмасин, деб ичкарига кириб кетди. Эркакнинг йиғлагани ёмон бўларкан, болам. Шундан пописга ҳам ружу кўйди...

(Аммамнинг айтгани).

* * *

Мен отамни йиғлатган, онамни кексайтирган уруш хақида ёзмаслигим нечорлик оғирлигини хис қилган ҳолда бу ишга қўл урдим. Икки йиллик талотум юрагимга тиф бўлиб санчилаётган кунлар хотираси жонлантирган воқеалар, ўзим каби кимларнингдир кўз қораси, суюкли фарзандлари билан кечган дамларим, айримларига жангтоҳлардан қайтиш насиб этмаганлиги боис, уларнинг руҳи ҳаққи ҳам баҳоли қудрат қоралайин, дедим.

I

Келганимизга бор-йўғи икки ой бўлди. Хануз бизни жангга олиб чиқишгани йўқ. Қисм ички ҳаёти билан танишув имконини беришипти, чамамда. Кўз котиб, у- бу нарсани эшитиб, шароитга мослашишимиз учун жудаям зарур эди бу. Қиш кунлари бўлганлиги сабаб, саф майдонида қор кураймиз, ошхонага хизматга юборишади, озиқ-овқат омборидан иш топилиб қолади. Хуллас, вимир-вимир. Қисм эса тинч ва осуда, янги келганлардан бошқа деярли ҳамма аллақаерларга жангга кетган. Зобитлар ҳам санокли қолган. Яъни полкда фақатгина хўжалик ишлари билан бандлари. Очиғи, уларнинг кўплари уруш кўрмаган, номигагина Афғонда жанг қилишаётганди. Яна бизнинг олдимизда

керилиб-серилишига ўлайликми. Айниқса, аскарлар ошхонаси хўжайини прапоршчик Ничмониянинг: «Бу ерни Афғон дейдилар. Тузалмасанглар хаммаларинг ўлиб кетасан, лапашанглар», дея ўдағайлаши хам дастлабки кунлардагидай кўркинчли туюлмай қолди.

Ничмония эслатмаса хам, Афғондалигимизни билиб турардик. Казармалар бир тусдаги қалин панел деворлар билан тикланиб, сарик бўёқ чапланганди. Баъзан уларни ажрата олмай, ўзимизники қолиб бошқа роталарга хам адашиб кириб кетаверардик. Полкнинг кунчиқар томонида Кобул шаҳри бинолари кўриниб турар, шимолда эса юз кадам нарида айланасига кузатув нуқталари қўйилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида танк ёки «БМП-2»¹лар турарди. Улар ҳечам жангга чиқишмас, тўсатдан бўладиган хужумларга шай турарди.

Ҳар кун ошхонада идиш-товоқ ювишу омборхонадан озик-овқат ташишга боравериндан кўра хавотиру кизиқиш аралаш ҳақиқий жангга боришни афзал кўраётгандик. Ким билади, ишон ҳамиша ўз олдига содиру муқаррар воқеаларни кўришга шошилаверар?

Эрталабдан саф майдонида урушга чиқмаган мундирли хўжайинлар бизни ишга бўлаётиб, полк кетган жойдаги аҳвол ҳақида қисқача ахборот беришарди. Бошқаларни билмадим, бунақа пайтлар менга титроқ тушарди. Шу тинчгина ҳаётга, бамайлихотир зобитлар галасига қараб, қаердодир шу полкнинг аскарлари ўлаётганига ишонмасдим.

Полк жангдан қайтишига икки кун қолганда биз — янгилар, яъни «салага»ларни қоровулга юборишди. Қоровулхона қисм жанубида жойланганди. Биринчи марта совут ва каска кийдим. Истаганча ўқдон олсам бўларкан. Буни устига ўқ-дори хам текин.

Полк теграсидаги ҳар бир кузатув нуқтасида учтадан аскар алмашиб туради. Кимдир хали кўрмаган ўқ-дори омборига, яна ким ёнилғи сақланадиган жойга, биров техника паркига тушди.

Қоровулхона гаупвахтасида иккита «дух»² камалганди. Уларни кўришга кизиқардим. Кечаси махбус эшиги олдига келиб уч-тўрт марта мўраладим. Гаупвахта бетондан қурилганди. Зим-зиё ичкари жудаям совуқ, йўлакка киришинг

¹ Инёдаларнинг жангозар машинаси.

² Шўро аскарлари душманларни шундай атайдиган.

iiiiiiiiifiiiiHiiiiiiiiiiiiiiiiiiiiNiiiiiiiiiiiyitHiiiiHiiiiiiiiia

билан қўланса хид димоғни ёради. Худди ахлатхонага ўхшайди.

Бу ердаги хар нарсага кизиқиб, синчилик қилаётган қоровул бошлиғи, ёшгина лейтенантнинг ҳам Афғонга келганига уч-тўрт кун бўлганди. У ўзини жуда муҳим харбий топшириқни энг оғир вазиятда бажараётгандай хис қиларди. Ксчаси билан сменаларни жўнатаётиб, ўқдонларни қайта-қайта текширар, хушёрлик хақидаги сабоғини канда қилмасди. Бунинг устига у ёқдан-бу ёққа юраркан, бетиним чекарди. Гохида қоровулхона тўрига, ўз хонасига кириб олиб, тўншончасини артар, ўқларини ситиб олар, тагин жойлаштирар, худди кинолардагидай оёқларини чалиштириб, стулда ястаниб олган кўйи қўлидаги қуролни айлантраварарди. Бу менинг қулгимни қўзғатаётганди. Зобит дегани сал босикроқ бўлмайдими?

— Аскар!!!

Мен, ўртоқ лейтенант!

— Егулик опкелишдимми?

Худди шундай, ўртоқ лейтенант!

— Хозир сен билан бирга анавилар олдига овқат олиб қирамиз... — у духларга ишора қилаётганди.

Эшикларни шарақлатиб очдик. Орқароқда қурол ўқталиб турдим. Қоронғи ва зах хонада ҳеч ким кўринмасди. Ичкари шунчалик сасиб кетгандики, қайт қилгим келди.

Тур ўрнингдан! — кичқирди зобит.

Нимадир қимирлади қоронғида.

Йўлакка чик!

Соч-соқоли ўсиб, қоқсуяк юзига яра тошган махбус йўлак ёрувида деворга суяниб қолди. Унинг зимистонга кўниккан кўзлари ичкарига қираётган ёрувликдан камашарди.

— Ўтир! — оёғи билан ер теңди лейтенант.

Махбус чўкаётиб тиззалари қалтираётганини, зўрға ўз вазини тутиб турганини сездим.

Унинг олдига эрталабки нонуштада аскарлардан қолган балиқ қилтаноғи ва нон ушоқлари аралаш картошка қўйдим. Махбус кўзини идишдан узолмай, қимир этмасдан ўтирарди. Зобит овқатни унинг ёнига оёғи билан сурди. «Дух» икки қўллаб идишга ёпишди. У бош кўтармай овқатланарди. Хар эгилганда елкасидан бўртиб турган қоқ суяклари уни янада аянчли кўрсатарди. Зобит сигарет тутатган кўйи

тик турар, кизиксиниб термуларди. Унга бу холни томоша қилиш ёқаётганди. Менинг эса тезроқ чикиб кетгим келар, лекин анави керилма хўрознинг измидалигим учун иложим йўқ эди.

Зобит филофидан тўппонча чиқариб, унинг тумшугига тиради.

– Қани тур... Овқатланиб бўлгандирсан, душман. Ҳозир сен билан суҳбатлашамиз...

Душман унинг гапни тушунмасди. Зобит қўли билан «тур», деб ишора қилди.

– Душманмисан?..

– ...

– Шўравини ёмон кўрасанми?

Махбус дағ-дағ титради.

Хўш, нечта шўрави отдинг?

Шўрави сўзини эшитгач, душман сергак тортиди. Дағ-дағ титраб қичкирди:

Дўст! Шўрави дўст!

– Нима деди? – менга қаради зобит.

– У отмапти, ўртоқ лейтенант, у бизга дўст эмиш.

– О-о-о! Оббо ит-эй.

Зобит кеча келганига, ҳали қоровулхонадан бошқа ерни кўрмаганига қарамай, ўзини афғон жабркаши, гўё кўп жангларда қатнашган, уруш кўрганлардек тутарди. Бу менинг гашимга тегмоқдайди.

– Эй, Душман! Сенларни жангда отиб ташлаш керак. Қанжиклар!!!

Зобит уни эрмак қила бошлади. Қўли билан ишора қилиб, холдан тойгунча ўтириб турғизди. Махбус кўзлари чиққудай бўлиб бизга термулар, бўйни елкаларига қисилиб борарди. Озғин ва нимжон кўллариини юзига яқинлаштириб, бақириб йиғлай бошлади.

– Ё Оллох! Ё Оллох!!!

Афтидан, калтак еявериш безор бўлиб қолган. Ҳар бир ҳаракатимиздан учиб тушарди. Чидаб туролмадим. У эса ерга юзтубан бўлиб чинқиряпти: «Ё Оллох! Ё Оллох!!!».

– Отиб қўя қолинг, яхшиси! Ёки ўзим...

Зобит ялт этиб қаради. Сергак тортиди. «Хузурбахш» ўйинга чек қўйилди. У менинг бу саъй-ҳаракатдан норозилигимни фахмлаганди.

– Тенгакмисан, аскар, кирит ичкарига!

Махбус ортидан шарақлаб ёпилган темир эшик илгагига каттакон қулф осилди.

Кузатув нуктасидан қайтганимдан сўнг қоровулхонадаги аскарлар, душманининг ўзбекчани билишини айтишди. Зобит украин йигит билан ичкарига кириб яна кийнабди. У душманининг афт-ангори, хагги-ҳаракати хақида ҳаяжонланиб гапираётганди.

— Сенинг юртдошинг, — деди у кинояомуз, — Бухородаи экан, ўзбекчаниям билармиш.

Тушлик овқатни яна мен киритдим. Зобит дам олаётган эди. Эшикни очишим билан ичкаридан ихраган овоз эшитилди.

— Чикинг буюққа. Овқатланинг.

Овоз тинди. Хлор ва сафро хидига базўр чидардим.

— Чикинг. Овқатланинг. Истамасангиз қайтариб кетаман...

У эшикка суюниб турарди. Юзидан қон сизади. Қабоғи ёрилиб кетган. Соч-соқоли қип-кизил. Чайқалиб йўлак ўрғасида ўтириб қолди. Олдига косани қўйиб, ташқарида турдим. Унинг бошида туришга ҳожат йўқ эди.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас ичкариладим. У бош кўтармай ўтирибди. Овқатга қарамабди ҳам.

— Ўзбекчани биласизми?

У бош силкиди.

— Чиндан душманмисиз?

Индамади...

— Бухорога борасизми?

Бемажол қўлларини ерга тираб, туришга шайланди. Танаси бир томонга босиб, қўли майишди. Ёнбошига йиқилди. У жудаям енгил эди. Турғазиб қўйишга қийналмадим.

— Мен душман эмас! — қалтирай бошлади у. — Бобом бухоролик ўтган. Айт, мени уришмасин. Ўлдиришмасин. Оилам Хиротда. Бешта болам бор. Барибир ҳукумат уларни боқолмайди.

Ҳалдан ошиқ жирканиб, ташқарида турган сержант ўдабайлади:

— Бас қил, Қўчқор, қама энди.

— Хали овқат емабди.

— Вой, ит эмган. Унга ўзим едираман.

У йўлакдан шаҳдам одимлаб, махбус ёнига келди. Сержант қўл урилмаган косани олгани ҳамоно у юзини бер-

китди. Сержант гужанак танасига зарб билан теңди. Афда-рилиб тушгач, шўрвани юзига селди.

— Ёрдамлаш, ирғитайлик.

Жойимдан жилмадим. Ўзимда на ачиниш, на газаб сазардим.

— Сенга айтганиман, овсар. Тез бўл!..

Мен оёғидан, у кўлидан ушлаб зах хонага ташладик. Сержант бамайлихотир чикиб кулф урди.

— Хайвондай берахмсан...

— Хей жўжа, хали бир-икки марта урушга чик, кейин биласан.

Сержантга ортикча гап килмадим. Унинг кайси бир жангда оғир яралангани ҳақида эшитгандим. Шундан бери хизматни полкда ўтаркан. Икки-уч ойдан сўнг эса уйига кайтади.

II

Икки-уч марта киска муддатли харбий юришларга чикдик. Унчалик отишма бўлмади ҳисоб. Гардезда бир кишлокни тозаладик. Иккита пулемёт, мактанса арзигулик ўкдори топдик. Жалолободдаги Қоратовда беҳуда уч кун юрдик. Саланг йўлида истехкомда турдик. Шу тариха урушнинг унча-мунча машқини ола бошлаган эдик.

Баҳор кирди. Бу орада ротадаги кўпроқ муддат хизмат қилганлар билан ҳам танишиб олдик. Баграмга тайёргарлик кўриларди. Душман қисмимизга қарашли иккинчи батальон жойланган нукталарни яқсон қилибди. Ахён-ахёнда кучли тўқнашувлар юз бериб турарди.

Қутилган кун келди: тунда қисмдан чикиб кетишимиз зарур. Харбий тўрваларга уч кунлик озиқ-овқат, ўкдори жойладик. Казарма ичи ашкол-дашколларга тўлиб кетди — бўшаб қолган яшиқлар, қовозлар уюми. Унда-мунда граната ва мушаклар сочилган. Тўрвага сиғмайдиган парсаларни аскарлар қаравот, тўшаклар остига бекитиб ташладди. Агар командирлар кўриб қолгудай бўлса гаранг қилди, барибир уриб-сўкиб олдиради. Яхшиси кўздан панага тикиш керак. Мухими, озиқ-овқат кўпроқ бўлсин. Ўкдори машиналарда ҳам тикилиб ётибди. Зил-замбил юкни кўтаришнинг ўзи бўладими?..

«Қария» аскарлар анча эпчил чоғи, аллақачон ишни ҳал қилиб, ечинмасдан қаравотга чўзилишган. Фақатгина

мен каби, ёлчитиб жанг қилмаганлар ҳар нарсага қизикси-
ниб, дуч келганини тўрвага уради.

— Бунча куйиб-пишмасанг. Ёт энди, — деди ёнимда
ётган Рашид.

— Озгина қолди.

— Жуда қизиксанлар... Хали кўнгилларинггаям уради.
Мен ҳам энди келганимда сендай эдим, ҳатто биринчи
рейдга икки бронжилет олиб борганман. Ажал етса, қочиб
кутулолмаслигини ўйламабман.

Кўзим илинган экан. Чўчиб уйғондим. Полк штаби-
га -- томга ўрнатилган карнай, тун кўйинини ваҳимага
солиб дахшатли ванфиллагани ҳамоно ҳар бурчакда тасир-
тусур бошланди.

-- Рота ааа!!! Тревога!!! — рота командирининг кички-
рифига сержантларнинг ҳам чийилдоқ, дўрилдоқ овозлари
эш бўлди...

Менинг юкимни кимдир кўтариб кетибди. Дуч келгани-
ни мен ҳам елкаладим. Дуруст... Ўзимникидан анча енгил.

Чироклари кўриниб турган техникалар тизилган май-
донгача ҳаллослаб югуриб бордик. Улар жўнашга шай,
гуруллаб турарди. Ҳар қайси взвод ўзига қарашли БМП-2
га жойлашди. Ҳеч вақт ўтмай йўлга тушдик.

Колоннанинг учи-қуйруғи кўринмасди. Қобулни оралаб
ўтаётганимизда, пастқам бинолар кўримсиз, лекин дунё-
нинг етти иқлимидан келтирилган буюмлар билан лик тўлган
дўконлар олдида дўкондорлар мўлтираб туришар, уйқуси-
ни харом қилган «кесиксизлар» гўрига гишт қалаётганди.
Шаҳар зир титрарди гўё. Техникалар тутунига тўлган мар-
казий кўча атрофида тизилган, чироклари ёник уйчалар
деразасидан одамлар хайрату кўрқув аралаш қараб тури-
шарди. Шўравининг қўпол ва қудратли танклари олдидан
чиқишга ботинолмаган шаҳарлик хайдовчилар машиналари-
ни йўл четда тўхтатишган эди.

Тонгги ғира-ширада Баграм вилоятига кириб келдик.
Олдиндан хавфсиз деб белгиланган жойда тўхтадик. Энди
харитада кўрсатилган нуқталар бўйича ротама-рота ҳаракат
қилишимиз зарур эди.

Атрофда жимлик. Баграмда бошқа вилоятлардаги каби
кальалар кўп экан. Улар энди оқараётган тонг кўйнида
жудаям салобатли ва сирли кўринади. Сукутдан этинг жи-
мирлайди. Аллақандай, хали сенга номаълум, лекин бўли-

ши муқаррар ваҳима хоким. Дилинг бетаскин. Қалбингда гулу. Хавотир ҳар дақиқа хуруж қилаверади. Бўлажак хавфу хатар олдида шайланиш нақадар оғир кечади.

— Хандак қазинглар, — деди тун бўйи онда-сонда алоқадаги чақирувга жавоб берган, лекин бизга чурқ этмай келган взвод командири.

Бўлинма мудофаага киришди. Ҳар ким ўзига ётиб отиш учун хандак қазий бошлади. Белкуракнинг қаттиқ ерда тақиллагани, ҳаракат эвазига сувдонлардаги сувларнинг чайқалиши, оғир-оғир нафаслар эшитилади. Биздан ўн-ўн беш кадам наридаги қўрғонда афғон армияси байроғи кўриниб турарди. Шу бизга озрок илинж берарди. Ҳар холда улар бор, бу ерларда душман изғимаса керак.

Ишлар меъёрига етгач, командирнинг кўнгли тўлди чоғи, овқатланишга рухсат этилди. Қоғоз қутичалар очилди.

Уларда аскарӣ кунлик овқат — темир идишларда гўшт, картошка, боршч ҳамда узум суви, оққанд, қиём, сут, нонқоқи бўларди. Ҳар холда тузуккина тамалди қилишга арзийди. Олов ёкилди. Қозончалар очилди. Уч-тўрт жангчи ўтин тергани кетишди. Сигарет олгани машина ичига кирганим заҳоти борликни қаттиқ портлаш тутди. Назаримда, ер силкингандай эди. кимнингдир дахшатли чинкириғи эшитилди. Ташқарига отилдим. Ёнгинамиздан қора тутун кўтарилар, чанг-тўзон ичида уч-тўрт аскар уймалашарди.

— Ҳеч ким жойидан жилмасин! Қимирламанглар! — дея командир буйрук берди...

— Кўчқор, ҳамма жой миналаштирилган! — машина тагидаги Юранинг рангида қон қолмаганди.

Портлаган жойга қандай борганимни билмайман... Чуқурча ёнида бир оёғи чўрт узилиб кетган Вася дунёни бошига кўтариб додларди. У яримжон танасини у ёқ-бу ёққа ташлаб, боши билан ер чизар, чидаб бўлмас аянчли ахволда эди. Нималар деяётганини тушуна олмадим. Командир зудлик билан қон сизмаётган жойига игна санчиб, оғрикни қолдирувчи суюқлик юборди. Ярадор кўч ўтмай тинчиди...

Сапёрлар ротасидан взвод билан бирга чикқан зобит Васянинг танаси, қондан шалаббо бўлиб кетган иштонини ушлаб, лабларини тишлаган холда бош чайқади.

— Бўлиши мумкинмас...

— Нима деганинг бу, — сўради командир.

— Минани айтяпман...
— Тушунадим.
— БМТ таъқиқлаб қўйган мина ишлатибди.
— Наҳотки?!
— Бунга тушганларнинг юздан биригина насл қолдиришади. Тўғридан-тўғри тухумни йиртиб кетади.
— Уни ҳам?.. — ишора қилди командир.
— Афсус...
— Қанақасига, Серёга, ахир... бу даҳшат-ку.
— Кўраяпсан-ку. Аскарнинг иштонига кара.
— Хей, онангни фалон қилайлар. Хайвонлар! Харом тукингаям алишмаслик керак уларни.

— Ўзидан кетган Васяни машинага ордик. Жангчилар дорда юргандай ҳозиргина юрган ўз изларидан қадам босишарди.

— Витя, бу ерда туриш мумкин эмас. Алока орқали хабар қил, — деди сапёр лейтенант Ермилингга.

Нега ановилар бизни огоҳ этишмади? — лейтенант ёнимиздаги сарондайлар¹ кузатув нуқтасига ишора қилди.

— Ий, барини уларнинг... Қаердан биласан, балки ўзлари қўйишгандир.

— Ишониб бўлмайди уларга. Барибир бизни ёқтиришмайди-ку.

Вася тиббий бўлинмага жўнатилди.

Тутаётган ўйик ер олдида ётган, нималигини англаб бўлмайдиган, бизга маълум ярим оёкни кўмишга фақат сапёр зобит журъат қилди.

Нонуштаси захарга айланган жангчилар эс-хушини йўқотиб қўйди. Энг ёмони руҳан зарба емоқда эдик. Хеч канака отишмасиз, овир ахволда қолдик. Худди кўзи кўр одам сингари талмовсиранг жудаям аянчли эди. Бир қадам хато юрсак, портлаймиз. Танамиз тилка-пора бўлади, наслимиз қурийди. Бу — шармандали урушнинг яна бир шармандали кўриниши, инсон ҳаётининг сариқ чақага ҳам арзимаслиги, хўрлик устига ҳақорат мухрининг босилиши эди.

Биз эгаллаган ерга мина зарядлари сочилганига шубҳа қолмади. Бир уйча жойни сингчўп тикиб айланган сапёр еттита мина тоғди. Бунақада хожат чиқариш учун ҳам жилишга қўрқасан. Бизга нисбатан руҳий курашнинг энг олий йўлини топишганди.

¹ Афғон аскарлари.

— Яна кимнингдир шўри қуримай, тезроқ кетайлик... — сўкинди сапёр.

— Комбатга алоқада маълум қилдим. Биринчи бўлинма хузурига қайтишга рухсат берди.

Лейтенантнинг гапи ўз хандақлари ёнида ҳадиксираётган жангчилар кўнглига осойиш берди. Зум ўтмай машинага ҳамма юк тўрваларини ортди. Қозончаларни олишга кимтинган аскарлар гулханлардан кўз узолмай машина устида ўтиришарди. Эгасиз қолган жанг тўрвасига ҳали очиб улгурмаган, ўтинга кетган аскарнинг қунлик овқати, темир идишларини солиб қўйдик. Саккиз кишилиқ бўлинма билан келган БМП-2 да етти нафар жангчи ўтирарди. Машина овир силтанди.

— Менга алам қилаётир, иложи бўлса, анавиларнинг кўрғончасини яқсон қилсак эди. Қара, бизни хуш-хушвақт кузатишяпти. Қорамиз ўчгунча дурбинда кузатиб ҳам туришади, — деди Юра ёнимиздаги афғон аскарларининг кўрғонига ишора қилиб.

Иккала зобит ҳам ўзини эшитмаганга олди.

— Истаган жойга бурнимизни тикаверсак бундан баттари бўлади, — қўшилди сержант йигит.

Зобит бизга маҳзун термулди. Сапёр босиб-босиб тутатарди.

Ўртоқ лейтенант! Ҳозир биз кетаётган машина миная тушиб, баримиз ўлиб кетсак, иттифоқдагилар нима деб хотирлашади, — киноя билан сўради Андрей Бочкарёв.

— Албатта, овир жангларнинг бирида портлаб кетишди, қахрамонларча ҳалок бўлдилар, жасурлик кўрсатдилар, дейишади, — деб кесатди украин Юхумук.

Командир бош эгди. Гапимиздан изтироб зоҳир юзида қаҳрли жилмайиш пайдо бўлди. Бу йиғи билан баробар эди.

— Юра, ўйлаб кўр-а, ўз уйида тўполон қилган болакайни етти ёт бегона бўла туриб сен дўшослайверсанг, ота-онасининг қаҳри келмайдими? Минг қилса ҳам жигарбанди. Ўз пушти камаридан яралган арзандасини сенсиз ҳам ўзлари таъзирини бериш қўлидан келмаса-да, бир амаллаб инсофга чакирар...

Биз шоир деб хурмат қиладиган Кузменко бу гал ҳам ҳақ гапни айтган эди.

Машина буруксиган тутун қолдиғи-ю, ечимсиз саволлар юкидан зўрға оға силжир эди.

Ш

Афгон баҳори ҳам ўзимизникидай бўлади. Қисм атрофидаги ўрикзор оқ гулга бурканган... Тиник кунлар бошланди. Яқинимиздаги қишлоқдан болаларнинг қий-чуви эшитилар, ҳавони тўлдириб варраклар учарди. Гўё бу ерларда уруш бўлмагандай...

Биз баҳорни ҳеч қанақа рейдсиз ўтказишни истардик. Начора. Уруш ҳеч нарса билан ҳисоблашмайди. Ҳарҳолда бу ерга курортга келмаганимизни ҳис қилардик. Шу боисдан баҳор ҳам омонат эди.

Штабдан икки-уч кундан сўнг Чорикорга «сафар» килишимиз ҳақида хабар келди. Жангчиларни яна ваҳм босди. Негаки, у ёқда вазият нечоғлик танглиги, бизни «яхшилаб»гина «меҳмон» килишлари сир эмасди. Қисм неча-неча жангларда Чорикордан олдинлари энг оғир талофат ва йўқотишлар билан қайтганини билардик. Энг кўп қурбон ўша ерда бўлади. Чорикорни Афгоннинг «оловли нуктаси» дейишарди.

Юриш тағин тунда бўлди. Кобулдан чиққач, кенг ялангликда тунадик. Доира шаклида қуршалган «оромгоҳ»да гитаралар тилга кирди. Гулханларнинг олов тили рақс айлади. Тонга қадар жангчилар кўшиғи тинмади.

Юлдузлари сергак Баграм осмонига термулиб ётарканман, ашулачи Юранинг ўлим, жанггоҳ ҳақидаги кўшиқларини кўнглим сув бўлиб тинглардим.

Назаримда, Юра айтаётган воқеа худди бизнинг ҳам бошимизга тушадигандай эртага.

— Мўмин?!

— Нима?

— Худога ишонасанми?

— Мен ҳар куни худо дейман. Ўлмайин, омон-эсон қайтайин дейман... Ўзинг-чи?

— Мен ҳам.

— Афгондан қаҳрамон бўлиб қайтишни истайсанми?

— Ордени бошини есин афгоннинг. Кўрмасак ҳам, қўймасак ҳам яхши бўларди.

Эрталаб Чорикорга қийналмай кирдик. Бирорта ҳам ўк овози эшитилмади. Бизнинг взвод «мудофаа»га туриши зарур. Тиззага довур майса бўйи чўзган, атроф алвои кўрна тўшалгандек. Лолакизғалдоқзор оралаб югургинг келади.

Машиналар тағин истехкомга қўйилди. Ортдаги йўлдан келаётган озик-овкат юкланган армиямиз тизими қабила ичкарасидаги аскарларимиз кузатув нуқтасига етгунча хушёр туришимиз лозим эди. Йўл бўйлаб БМП-2 ва танклар рўпарадаги дарахтлар тўстан кўрғонларга қарама-қарши тизилди.

...Баграмдан сўнг БМП-2 га операторлик қилардим. Милни тушириб, снарядларни отувга шайладим. Машина атрофида лейтенант Ермилин ва механигим Ринат ҳам ўзларига отишга қулай жой ҳозирлашди. Назаримда, ҳеч қанақа жанг бўлмайдигандай...

Йўлдан юк машиналари ўта бошлади. Кутилмаганда қаршимизда, йигирма-ўттиз қадам нарида гранатамёт ишлаб қолди. Машина ичкарасига кириб, мўлжалга ҳам эътибор бермай босув нуқтасини итардим. Бесаноқ снарядлар учди. Кўрғон чап-тўзон ичида қолди. Қирғин бошланди. Ҳар томондан ўқ ёмғири ичида қолдик. Очиғи, ўқ овозию гумбурлашлар қайси томондан келаётганини ҳам фахмлай олмасдик. Машина қаттик силкиниб, механик хонаси томондан юзимга олов урилди. Эсанкираб қолдим. Жонхотлатда қопқоқни итариб, ташқарига отилдим. Арик саёз бўлса-да, танамни кўрсатмасдан ҳаракат қилардим.

Душман пайқади чоғи, БМП-2 сиртига чингиллаб ўқлар тега бошлади. Қулай фурсат, бор-йўғи уч-тўрт дақиқада югуриб қолиш керак. Мени аллақандай осмоний қудрат, илоҳий куч бошқарарди. Танам кимнингдир ақли билан ишларди гўё. Балки бу онамнинг олислардан йўл кўрсатишимиди?

Бироз ўрмалаб, қандай қилиб арик ёнидаги ўрага тушганимни билмайман. Мен бошқа одамга айлангандим. Кўзимга ҳеч нарса кўринмас, фақат олдинга югурардим. Токзорга ўтишим билан олдинда танклар кўринди.

...Энди ўйласам, биз ўшанда мутлақо қуршовда қолган эканмиз, танклар эса ёрдамга келаётганди. Ханузгача тааж-жубланаман! Қандай қилиб, духлар оёғи остидаги душманни отолмади экан...

Танк панасида хавфсиз жойга етиб келгач, тиббий бўлинма машинаси ёнида лейтенант Ермилинни суяб турган Ринатга кўзим тушди. Командир қаттик жароҳатланганди.

— Қўчқор, тирикмисан?! — кўзларини очиб-юмиб бош силкиди.

— Тирикман, ўртоқ лейтенант! Қуролим ҳам машинада қолиб кетди.

— Ҳозир танк билан судраб чиқишади.

Бошим шанфиллаб, теварак-атроф гир айлана бошлади. Бизникилар қочиб чиқарди. БМП-2 ва танклар ёнида паноҳ тошган пиёдалар урилиб-сурилиб югуришарди.

Токзор ичкарисидан елдай учиб келаётган БМП-2 биз турган тиббий бўлинма майдонига келиб тўхтади. Бу тўртинчи взводники эди. Рота командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, катта лейтенант Шерстюкнинг боши кўринди. У машинадан шахд билан ерга сакради.

— Машинани нега ташлаб чиқдинглар?! Механикни топ.

— Тешиб ташлашди.

— Нима қипти? Қочгандан кўра ўша ёқда ўлсанглар яхшироқ эди. Сенларни деб рогани ерга уришади энди.

— Имкони бўлмади, ўртоқ катта лейтенант!

— Қўрқдингларми? Буни уруш дейдилар... Ҳозирок танкчилар билан ичкарига кирасизлар. Машинани тортиб келинглар.

Ўлим олдидан тўлғонганим жанггоҳга қайтиб киришга юрагим довламасди.

Қалтираб зобит ортидан эргашарканман, ичкарида — ҳозиргина биз ташлаб қочган тарафдан танклар кўринди. Икки танк бизнинг машинани судраб келарди.

Машина сирти илма-тешик бўлиб кетганди. Танкчи зобит совут ҳамда автоматимни бераётиб қаттиқ қучоклади. Кўзларимдан ёш сизди. Бўғзим ачишиб хўнграб юбордим.

Хафа бўлма, аскар! Омадинг бор экан. Сен қахрамонсан. Манавини кўр.

Унинг кўлидаги автомат мили икки жойидан тешилганди. Ким билади, ичкаридан вақтида чикмаганимда, нима бўларди? Автомат оператор хонасига суяб кўйилганди. Балки ичкаридалигимдаёқ мили тешилгандир? Менинг ҳаётимга паҳотки шу бош бармоқдай темир қалқон бўлди?

— Буни Москвага юбориш керак, — деди зобит.

— Занғар, келиб-келиб теккан жойига кара, — қўшилди Ринат.

Автоматни зобитлардан кимдир суратга олди. Машина олдида, кўлимда тешик милли қурол билан, XX аср шўро аскарлари қиёфасида расмга тушдим. Машинани эса шу яқин орадаги кузатув нуқтасига қолдиришга буйруқ олдик.

IV

Кеч кирди. Кўшин Баграмга яқин ялангликда дам оларди. Азбаройи, асабим шу кадар толиққан эдики, нималар юз бергани, энди нималар бўлаётганини англай олмасдим. Кўз олдимда турли хил шарпалар сузарди, холос. Машиналарнинг гулдираб қолишлари, яна алламбало шовқин-суронлар ичида қолгандай, ўзимни кўярга жой тополмасдим. Ўз танамни кўтаришга бемажол кўйи, машина тагида чўзиларканман, уст-бошимдаги қотган қон хидидан кўнглим беҳузурланарди. Бўғила бошладим. Зўрға кўзларимни очаман. Тепамдаги бошнам БМПнинг тумшуғи тобора каттариб бораётгандай. Машина ичи гўё қонга лик тўлгану, унда менинг хаёлимдан элас-элас ўтаётган ота-оғам, укаларим сузиб юргандай. Мен эса қопқа теңасида туриб уларни кузатаяман. Ана отам, кейин укам шўнғиётир. Қонли гирдоб узра онамнинг чехрасини кўриб қоламан. Ана у ҳам... кўринмай кетди... Тағин гирдоб юзига чикди. Сочлари қип-кизил...

— Она-жооон!!! О-о-о!!!

Бошим нимагадир каттиқ урилди. Бу шамол, чанг-тўзондан тўсиш учун қўйилган, девор вазифасини ўтовчи снаряд қутиси эди...

Бошимнинг оғриғи багтар зўрайди. Тарс ёрилгудай. Орқа томондан ҳар сония болға билан кимдир бешафкат урарди. Мен эса тезроқ бошим мажақланиб кетишини, сўнгсиз оғриқдан халос бўлишни истардим.

Орадан «узок йиллар» ўтиб, кўзимни очдим. Тепамдан ротадошларим — Мусурмон, Нурмахон, механигим Ринат ўтирарди.

— Қалайсан?

— Сал-пал тузук, — бош силкийман.

— Роса қийналдинг-а? Яхшиям дўхтир зобит жонингга ора кирди.

— Озгина тобим қочди.

— Ҳозирам калтираяпсан. Энди дадилроқ тут ўзингни. Икки соатдан сўнг полкка қайтамиз. Мен Ҳайларнинг машинасида кетаман...

— Сени ўн учинчига қўйишди. Бурсук қонтузия бўлибди. Ҳали госпиталга олиб кетишди.

— Ҳайдарни... топишолмадими? - мен «ўлигини» деёлмадим.

— Йўқ. Энағарлар, ўлигини ҳам беришмади. Неча маротаба гаплашди бизникилар, — Ринат кўлларини мушт қилиб гапира бошлади. — Улар шунчаликка боришади. Бизнинг жасадимиздан ҳам хун олишади.

— Нега энди?

— Мурдани пулга ёки техникага алишадилар, итлар, — деди Мусурмон.

Хангу манг бўлиб қолдим. Мен бундай бўлишини аклимга сиғдиролмасдим. Нахотки жангчининг жонсиз танасини ҳам?..

— Ёмон томони халок бўлган жангчиларимизни суратга тушираркан. Кейин Покистонга жўнатишади. Баъда бошлиғидан мукофот олишади, ҳаромилар, — деб давом этди биздан олти ой кўп муддат Афғон кезган Мусурмон.

— Агар беришмаса-чи?

— Бўлиши мумкин эмас. Дивизия штабига хабар келган, эрта тонгда оларканмиз...

Чорикор жанги тезда тугаганига қарамай, кўпчилик яраланганди. Уч жангчи жасади эса изсиз йўқолди. Булар ротадош аскарлар -- Ҳайдар, Самад ҳамда пралоршчик. Каливатов эди.

Шунчалик қарахт аҳволда қолганмиз. Ҳатто кечагина биз билан бирга юрган, кулишиб ўйнашган дўстларимиздан ажралганимиз ҳам шунчалик мусибатли туюлмасди, айни кунда. Бу эса ўша човлар дийдаси қотган ўғлонларнинг бошига тушган фожиа эди, холос. Уруш ҳамма нарсага қодирлигини, кўн нарсалар содир бўлишини вақт ўтган сайин кўра бошладик.

— Қўчқор, чекасанми, йўлга яхши?

-- Нима у?

— Дори...

.. Майли... ол бу ёққа.

Ринат эндигина ўралган «Донские» сигаретини тутатди. Милтиллаган чўғ тун қўйнида кўлдан-кўлга ўтиб даврани уч марта айланди. Сўнгги бор тортишимда танам бўшашиб, миямга нимадир «тўқиллаб» урилди. Вужудим снгиллашиб уча бошладим. Мен билан ҳамма нарса учар, юзим музлаб борарди. Дунё азобларидан мутлақо қутилгандим. Бейхтиёр кула бошладим. Ўзимни тўхтата олмасдим. Рўпарамдагилар қиёфаси ажабтовур шакл олар, мендан узоқлашиб кетишар, зўр-базўр нималар дейишаётганини англадим.

Кимдир йиғларди ҳам. Хуллас, мен иккинчи мартаба ўз-ўзимдан узоклашдим. Назаримда, бу ҳаётда йўқ эдим.

Қанча ухлаганимни билмайман. Бакирик-чакириклардан уйғониб кетдим. Машина гур-гурлаб турарди. Фира-шира тонгда қайтишга таралдуд бошланди. Одатдагидай командир йўл олдидан ротани сафлади. У ҳам руҳсиз. Уни биринчи бор шу ахволда кўришим. Олдингидай тантанали нутқ ирод этиб, буйруқ бермади. Боши эгик. Уставга қарши ўларок саф олдида лабидаги сигаретни узлуксиз тортади. Уйқусизликдан қизарган кўзлари қуюқ тутун аро аянчли боқади.

-- Йигитлар, оғайнилар! Кеча сафимиздан уч киши кетди. Яхши йигитлар эди. Азаматлар эди... Улар менинг хотирамда бир умр сақланади. Бу лаънати Афғонистон азобини қалбимиздан ҳеч нарса суғуриб ололмайди. Бир-биримизни авайлайлик... Укаларим, эҳтиёт бўлинглар, — унинг кўзидан ёш сизди, — дўстларимиз хотирасига сукут сақласак.

Саф кимир этмади. Бошларни хасрат эгганди. Хамманинг қалбига шаҳид уч жангчининг муборак номи ёзилаётганди.

Кўп ўтмай, бутун қисм саф тортиди. Қайтиш олдидан аввалгидай уқтирилди. Жангчилар соч-соқолини тартибга келтириши, техникаларда сочилган ўқ-дориларни яшириши лозим. Чунки Кобул яқин. Шаҳарни оралаб ўтиш учун, ўзимизни мажбурий қиёфага солишимиз керак. Иложи бўлса, қуроллардан ўқдонлар ечиб олинса яхши бўлади. Шаҳарда хорижий мухбирлар, сиёсатчилар йўлимизга муштоқ ўтиришарди. Ясаи-тусан, дабдаба билан Кобулдан ўтиш зарур. Гўё ҳеч нарса кўрмагандай. Бизнинг талафотлар эвазига жанг қидаётганимизни кўришмасин улар. Имкони борича хушҳол, яхши кайфиятда кулиб ўтиш керак. Барибир чет элликлар суратга олишади.

Бу сунъий, ёлғон саъй-ҳаракатлар киши қазабини кўзғатарди. Биз бегона ерларда сарсонун хор бўлиб юрганимизни яширардик. Ҳақиқат — босқинчи эканлигимизни тан олмасдик. Ваҳоланки, хорижликлар ҳар нарсадан вокиф эдилар. Шўро армияси аскарларининг беҳуда сарсон-саргардон бўлиб юрганлигини яхши билишади. Мен эса тағин бир аччиқ ҳақиқат — дину эътиқодимиз бир бўлган ўз қариндошларимга тиф кўтараётганимни, мусулмон фарзанд-

ларини зор қақшатаётганини хис қилардим. Аммо мен ўрис армиясининг ихтиёри ўзида эмас ўзбек аскарлари эдим.

Шаҳарга киришимиз билан машиналарда тартиб сақланди. Мудраётганлар уйғонишди. Бутун бошли колонна, маслаксий тўс-тўполон қилиб юрган шўро армияси бегунохларча шаҳарни ларзага солиб ўтарди. Бизнинг бўлинма ёнида эса америкача рақамланган машина шаҳар четига бирга келди. Орқа ўриндикда ястаниб олган, топ-тоза кийинган қора кўзойнакли мухожир сигарет узатди. БМП устидан энгашаётган Юрани кўриб, Мўминнинг қазаби кўзиди.

— Хой, қазёл, тўғри ўтир. Энкайма!

— Нима ишинг бор?

— Ўлиб бораяпсанми?

— Ишинг бўлмасин...

Юра яна узалишга ийманди. Мўмин гудранди.

— Иложи бўлса-ю, битта граната ташлаб гуддон қилсанг, сигарет-мигарети билан.

— Ўчир овозингни...

Хорижий машина секинлай-секинлай ортда қолди. Мўмин унга қарата нафрат билан туфлади. Хаёлидан нималар ўтаётгани менга қоронғу эди. Бирпасдан сўнг Бочкарёв юзига қахрили тус бериб, сувтекин аскарний сассик сигарет тутатди. Хар ким ўз ўйи билан банд. Колонна полк сари илдамлади.

Эртасига маълум бўлди. Учала мурдани ҳам беришибди. Дивизия штабида экан. Ўликларни олиб келиш учун сиёсий ишлар бўйича командир ёрдамчиси лейтенант Шерстюк ва взводдош Мусурмон тайинланди.

Икки кун ичида ротага қайтган Мусурмон ўзгариб қолди. Ҳеч кимга гапирмайди. Нима бўлганини сўрасак, анграяди. Нимадир ёдига тушади чоғи, юзларини буриштиради. Индамай, телбанамо узоқлашади. У бир ҳафта шу алфозда юрди. Зобитлар ҳам ўз майлига қўйиб беришди. Афтидан улар Мусурмоннинг нега гарангсифат бўлиб қолганини сезишганди. Мен асаб касалига йўлиққанмикин, деб хавотирла эдим.

Бир куни рота тушликка кетгач, казармага кирдим. Мусурмон ерга тикилган кўйи каравотда бир ўзи ўтирарди.

— Нега ошхонага бормадингиз? У-бу нарса олиб келайми?

У бош чайқади.

— Мазангиз бўлмаса, айтинг, тиббий қисмга юборишадди.

У мик этмади.

— Ҳозир ротнийга айтаман... Бу холда қийналиб кетасиз.

-- Сўз берасанми?

— Нима учун?

— Ҳеч кимга офиз очма. Учаласининг ҳам олатини кесиб олишган экан, ҳаромилар.

У йиғлаб юборди. Елкалари қаттиқ-қаттиқ силкинарди. Тошдай қотиб қолдим. Бир зум ўзимни йўқотиб қўйдим. Мусурмон иродали йигит эди.

— Хей, энасини фалон қилайлар...

-- Сўқинма. Мен иккинчи бор кўришим. Жонга тегди, ука. Тезроқ қутулсайдик. Олдинги йил Чорикорда биттасини тирик холда дарахтга осиб, олатини кесиб ташлашди. У дух эди. Хануз қулоғимдан чинқириғи кетмайди. Душманга ҳам ҳақоратли-ку бу жабр?

— Нега ундай қилдилар?

— Духлар ҳам авваллари бизникиларга шундай жазо қўллашган. Разведкачилар командири шу кўйга тушган иккала жангчиси учун ўч олганди.

Мен хали кўп нарсалар кўришимга яна бир бор ишондим. Оёқларим қалтираб ташқарига чиқдим. Рота овқатдан «Россия» қўшиғини айтиб қайтарди.

V

Бир ой дам олдик. Ҳар куни механик ва операторлар техника парки, пиёдалар дала машқи, баъзан ошхона, қоровулхонага топширик олишарди... Куним деярли машинамни тузатиш, снарядларни тартибга келтириш, отув миллини тозалаш, алоқани текшириш билан ўтгарди. Хуллас, бўлғуси жанг олдида ҳозирлик кўриларди.

Кечқурунлари казарма ичи қий-чувга тўларди. Пиёдалар қора мойга ботган «броня» (механик ва операторларни шундай дейишади) устидан ўзларича мазах қиладилар. Иккала томон ҳам ўзаро бир-бирини камситгани-камситган. Броня ундок, пиёдалар бундок... Лекин қуролдошлар билан бу тахлит сўқинишларнинг ҳам ўзига яраша лаззати бор эди. Айниқса, учинчи бўлинма командири Рашидга худо берарди.

Бу кеч ҳам у «кўшиғи»ни бошлади.

— Ха, бечора броня. Ўзинга қарасанг ўласанми. Қўлларинг одамникига ўхшамай қолибди. Нима бало, бензинга чўмиласанларми, дейман. Уф, расво қилдинглар ҳаммаёқни, сассиқлар.

Каравотига чўзилаётган Рашидга механиклар бошлиғи Амин ака бир пой этик ирғитди. Этик тўғри унинг бошига тегди. Рашид бўралаб сўкди.

— Хой, чўчка, пехотадан қўлингни торт, — ҳужумга ўтди иккинчи взвод сержанги Хайриддин.

Биз томонга ёстиқ зинғиллаб қолди.

— Агар броня бўлмаса холаларингни учқурроқдан кўрардинглар, — ёўлдирайди Мўмин ечинаётиб.

— Токка амманг чиқаяптими? Шу араванг билан текис йўлда зўрға юрасан, — бидирлайди пиёдалар бўлинмаси командири Саид.

Сен сўкимларни ўша тоғингга довур ортиб борамиз. Йўқса, ярим йўлда фотихангни ўқиб қўярдик, — дейди оператор Нурмахон.

Ротада ўзбеклар кўнчилиги бонс, бошқа аскарлар ҳам ҳар кунги «жанжал» сабабини тушунишади. Улар бизнинг бунчалик дўстона уришииларимизга хавас ҳам қилишади.

Хуллас, ур-тўполон, ҳазил-ҳузул билан аскарлар уйкуга кетишади. Зобитлар ҳам қўниқиб қолишган.

Кўзим илинган экан. Кимнингдир туртишидан уйғониб кетдим. Мўмин ички оқ либосда арвоҳга ўхшаб турарди.

— Тур, ичамиз.

— Эй, бор-ей...

— Ов, сени Рашид чакиряпти. Айримчалик қилма. Тувилган кунини нишонламоқчи. Ҳамма кутиб ўтирибди.

Казарма чироклари ўчган. Рашиднинг каравоти олдида беш-олти киши йиғилганди.

— Чарчадингизми, ўвилтой, — минғирлайди Хайриддин.

— Қани, бизгаям қуй, — дейман унга.

Ғарибона аскарий дастурхон ўзига яраша тузалган. Ошхонадан келтирилган қайнатма балиқ, сариёғ, окканд ҳамда қисм дўконидан «Сиси» ичимлиги, турли хил конфет ва печенье харид қилинганди.

Ўртада, бир литрлик пишада, иккита «Столичный» турибди. Бири озроқ тарқатилган. Хайриддин кружкага босиб қуйди. Бошқаларга яримдан. Бу билан мени жазолаганди.

- Ароқни моделдан¹ олиб келдингларми?
- Ҳа, ўзимизникидан. Коля сурагчи росаям қурумсоқлик қилди. Ҳар шишасини 100 чекдан сотди.
- Вой ярамас-ей, ўзи Кобулдан йигирма чекка сотиб олади, — сўкинди Саид.
- Улар Афғонга пул кувиб келишган.
- Дахшат... Кимдир урушда қурбон бўлиб жон берса-ю, кимдир бойиб қайтса бу ердан, — деди Мусурмон.
- Нимасини айтасан. Инга юборилганларнинг деярли бари чет эл буюмларини орқалаб кетиш, бойлик орттириш учун келишган.

Чиндан ҳам, Афғонга келган фуқаролар аскарларнинг қазабини кўзитарди. Негаки, ҳар кунини казарма олдида тушликка бошдан-оёқ ажнабий кийиниб ўтишар, қолаверса, тайинли бирор иш билан шуғулланиши ҳам бизга қоронғи эди...

Анчагача ўтирдик. Менинг кайфим ошди. Иложи бори-ча ганирмасликка ҳаракат қилдим. Ринат зобитлардан бирортаси кўриб қолмаслиги учун эшик олдидаги тунги навбатчини огоҳлантириб қўйди. Бемалол чека бошладик.

— Агар ўлмай қайтсам, ўлмай қайтсам, албатта, албатта... сизларсиз тўй қилмайман, — Мўмин гапини йўқота бошлади. — Эҳх... Ҳозир биз тенги олифталар ресторани барларда ўтиришибди. Киноларни ҳеч кимга беришмайди. Ўлим ҳақида ўйлашмайди ҳам... Лекин, ошналар, ўлмасам меникига боринглар, тўй қиламан. Агар қайтолмасам, бу ердан уйга бориб онамга айтинглар, мен рози бўлиб ўламан.

Эшитдингларми?

- Ётиш керак, йигитлар, — дейман бошим айланиб.
- Шошмай тур, — қўлини ҳаволатди Амин ака, — падарига лаънат, афғонда юрганим учун ҳам аҳдлашган қизим ташлаб кетди. Ким билади, соғ-омон қайтадимийўкми, деб ўйлагандир. Совчилар келса рози бўлибди.

Амин ака бўш шишага бошини тираб жим қолди. Сўкиниб қўйди. Менинг ёдимга Саланг йўлида мудофаада турган пайтимиздаги бир воқеа тушди. Ҳеч қанақа отишма бўлмаганди ўшанда. Икки кун йўлни кўриқладик. Эртага қайтамиз, деган кунимиз Амин ака автоматини елкалаб, тоғ томонга сой ёкалаб кетди. Тушлик тайёрланди ҳамки, у

¹ Зобитлар яшайдиган уй.

келмади. Хавотирланган взвод командири мени ҳамда украин Юрани унинг оркасидан юборди.

Амин ака харсангда қимир этмай, сувга тикилиб ўтирарди. Ёнидаги тош устида эса сурат, хушрўйгина кизнинг сурати.

Бизнинг келганимизни пайкаб елкаси оша каради. Ўрнидан кўзғалиб, суратни кўлига олди. Телбанамо ҳаракат билан уни олисроқдаги тошга суяб кўйди. Бизнинг ёнимизга қайтгач, унга узок тикилди. Нега ундай қилаётганини на Юра, на мен билардик.

У елкасидан автоматни олди. Узокдаги хушрўй киз суратига қуролни тўғрилади. Бу ҳаракати ноўрин эканлигини айтиб, автоматни олмоқчи ҳам эдик, уришиб берди. Бир зум гавдаси титраб турди-да, сукунатни автоматнинг тариллаши йиртди. Тошга суялган сурат эса аллақачон титилиб бўлган эди. Учаламиз ҳам жим қайтдик. Биз икки-уч ойдан сўнг уйига жавоб бериладиган Амин акага бирор нарса дейишга ботинолмасдик...

...Нимадир қарсиллаб кетди. Ўрнига, дам олишга жўнган Ринат тумбани ағдариб юборди. Мўмин ўзи ҳам тунунмаётган қайсидир хорижий кўшиқни хиргойи қилиб, ўзини каравотга ташлади. Анчагача кўзим илинмади. Полкда бир хилда, бесамар ва беҳуда ўтаётган кунлар жонимга тегаётганди. Эртага ҳам шу: парк, ҳарбий дала машқи, шўрлик пиёдалар борини эса қоровулхона ёхуд ошхонага. Агар ҳарбий юриш бўлса кун тезроқ ўтади, лекин бунинг ҳечам хавас қиладиган томони йўқ эди.

VI

Ўлиб-тирилиб тозалаган техникаларимизнинг бир кунлик дала машқидаёқ дабдаласи чиқади. Шунинг учун ҳам оғир жангга чиқмасак, паркда техникаларга кўл учида қарардик. Бунга яхши билган зобитлар, машиналарни синчиклаб текширар, у ерини ундок, бу ерини бундок қил, деб бошни қотирар, машина ичи-сиргини синчиклаб текширарди. Пишиқрок операторлар, умуман жангга чиқмайдиган бузуқ БМПлардаги пулемётларни ечиб, ўзлариникига ўрнагишар, текширув пайтида «хаммаси жойида»лаб жаврайверарди.

Бундай пайтлар ўрисчани амал-тақаллаб гаширадиган механик Мўмин машинаси устига чиқволиб: «Машина отдай учади, ўртоқ...» деб кулокни еб кўяр, Ринат эса ёғ

қўлларини коржомасига суркаб: «Тузатамиз»дан нарига ўтмасди. Исмаи аламинин биздан олти ой кейин келган оператори Козловдан оларди: «Айёр казёл, сенга шу ерни тозала демабмидим. Қачон одам бўласан гўрсўхта? Калитни очке...» ва хоказо...

Мен механигим, доимо гамхўрим, кўплаб офир дамларда бирга қолган, ҳали яна канчалаб жаханнамларда бирга бўлиш насиб этадиган дўстим Ринатдан оҳиста сўрадим.

– Бизники қалай? Расво бўлмаймизми, ишқилиб?

– Парво қилма, бир гап бўлар!

Ротадаги зобитларга агар дала машқида юқоридан, юлдузи йириклардан кимдир катнашгудай бўлса кун туғарди. Хуллас, оддий аскардан тортиб рога командиригача ўша кундан эсон-омон қутилиб олишни ўйларди. Ҳеч ким ротанинг нуфузли зобит олдида шарманда бўлишини, полкда бу ҳақда овоза тарқалишини истамасди. Тўғри-да, шунча жангу жадалларда бели каттик келган аскарлар учун аллақандай машқда уруш-уруш ўйинида изза бўлишдан ортик уятли ҳол бормикин?!

Эртага дала машқи деган кунимиз тушдан сўнг жангчилар казарманинг у ер-бу ерини сулуриб-сидириш, атрофни тозалаш мақсадида полкда қолишди. Бу – тушдан кейин уйқуни уравринлар, дегани. Аскардан зийрак халқ йўк, «тозалик кун»ни ҳаммамиз яхши тушунидик. Казармада озроқ ур-тўполон бўлди-да, ҳамма ўзини каравотга отди. Ҳатто эринганлар ташқарига ҳам чиқмай, паналатиб ётоқ жойида паширос тутатишди. Кенг казарманинг бир бурчида кўшиқ янгради. Мен уйга сов-омонлигимдан нарига кетмай, уч-тўртта хат ёздим. Сўнгра узала тушиб ховлимизни эсладим. Пушта тоқ, бостирма, офилхона, куймаланаётган онам... Ҳозир биз томонларга ҳам яшиллик югургандир. Ишқилиб мен боргунча катта энам ўлмай турсин. Бечоранинг қўзлари хира тортиб қолганди. Отам нима қиляптийкин? Ҳали ҳам бировларнинг боғини юмшатиб пул тоқаянтимикин? Энди, эсон-омон уйга борсам, отамнинг ёнида бўламан. Аввалларидай сираям уялмайман. Боғ юмшатишга, пахса ўришга кўмаклашаман. Ўз кучинг билан пул топсанг, нимаси уят. Қишлоқнинг қизлари деб, отам билан мардикор ишлашни ор билибман. Шўрлик етти болани боқаман деб, силласи қуриб бўлди. Начора, даланинг қирқўттиз сўмига қараб бола боқиб бўлармиди? Менинг бечора отам, кимнинг боғида ишляпсиз ҳозир? Отажон, мен ўлсам

Сизга янаям қийин бўлади, чўкиб қоласиз. Мени шу умидда бировларнинг хизматини қилиб улғайтибмидингиз? Оғзингиз энди ошга тегаман деганда тўнғичингиздан айрилиб ўтирсангиз. Қишлоқдошларим айтса керак: «Бечора боласининг ҳузурини кўрмади, қиёмат бўлди. Ҳар банданинг раҳмини ўзинг е, кодир эгам!»

Чаккаларимдан ёш сизар, ёстирим жикка хўл эди. Менинг тўйиб-тўйиб йиғлагим келарди. Юзимни ҳеч кимга кўрсатмаслик керак ёстикни қучоқлаб, юзгубан ётдим. Ичим ёниб борарди, димоғимдан аланганинг аччиқ ҳиди ўрларди.

Уйқуга кетган эканман, оёғимни кимнингдир туртишидан кўзимни очдим. Ўгирилиб қарадим. Теламада Ринат турибди. Кўзлари қизаринкираган, юзидан қон қочган, бошини ортига ташлаб чайқаларди.

— Чекасанми?

— Тек ўтир, уйқум келяпти.

— Ихтиёр ўзингда. Бу сафаргиси бир тортқилик экан. Дарров мияннга тешади, — у чўнтагига кўлини тикиб, чайқала-чайқала шерик излагани кетди.

Орадан ҳеч дақиқа ўтмай, гурс-гурс кадам товушлари эшитилди. Уч нафар аскар Ринатга кўшилиб казармадан чиқиб кетаётганди. Зобитлар сезишмасин дейишган чоғи, ташқарида чекишмоқчи. Нашанинг ўткир ҳиди тез тарқалади. Кўча-кўйда, жанггоҳда чекишгани камлик қилгандай, казармада ҳам тутатсалар, албатта зобитларнинг ёшини келтиради.

Тонг ёришгач, механик ва операторлар паркка жўнашди. Ҳаммамизда бронжилет ва кичкина АКС қуроли бор эди. Машиналар парк ташқарисидаги майдонда взводма-взвод катор қилиб тизилди. Алокалар текширилди. Башнянинг қандай бурилаётганини синаб кўрдим. Отув мили кўнгилдагидай кўтарилиб тушарди.

Рота зобитлари «махфий» топшириқни «обдон» тушунтирдилар. Бу гал ҳам худди илгаригисидан фарқи йўқ, менинг кўнглим жойига тушди, машиналар дастлаб «жанг майдонида» занжир шаклида тарқалар, яъни саф торгарди. Мен отув милини туширишим, алоқада ҳушёр туришим зарур. БМПлар сафи бузилмай олдинга ўқдай учарди. Бу пайтда машинани механик ва оператор чинакам урушдагидай ёпиб олишлари лозим. Шу тезликда жангга кирган машиналар кенгликдан ўтиб олгач, тор йўлда яна тизилишар, бир чақиримдан кўпроқ масофадан сўнг тағин кенг-

лик бошланар ва олдинда баландликлар кўринарди. Машиналар яна тизилиб, баландликлар этагига етгунча тезлик ошириларди. Тепаликка уч юз-тўрт юз кадам етмасдан машина тўхтатилар, рўпарадаги тепаликда нишон кўринар, пиёдалар сакраб тушиб машина атрофида ётиб олишарди. Рўпарадаги душман техникасига эса БМП-2 дан ўқ узардим. Агар снаряд беҳато кетса, нишон албатта, йиқиларди.

Машина келиб тўхташи биланок кузатув ойнасидан нишонни ахтардим. Милли ҳар тарафга буриб кўрдим. Негадир нишондан дарак йўқ. Ички алоқада Ринат нега отмаясан, деб сўради. Мен нишон кўринмаяпти, ўзи тўғри келдикми, дедим. Биз ҳар доим шу ерга келиб турардик, деди у. Башня ойнасидан атрофни кузатдим, бошқа БМПлар ҳам ўз йўналишлари бўйича етиб келишганди. Машиналар оралиғидаги масофа юз элик-икки юз кадамча келарди. Ёнбошдаги ўн олтинчи гумбурлаб ота бошлади. Ён тарафимдаги йигирма учинчи ҳам ишга тушди. Негадир меннинг каршимда душман «машинаси» кўринмасди. Ана, кичкина-кичкина нишончалар пайдо бўлди, деди Ринат. Улар олти-та бўлиб, ҳар жой-ҳар жойдан кўтарилди. Булар душман пиёдалари эди. Демак, чалғитиш учун кичкина нишонларни кўтаришибди, мен буларни БМП отув милида эмас, пулемёт билан йўқотим керак эди.

— Рўпарамдан «Серсоқоллар»¹ чиқишли. Ўқ отишга рухсат беринг! Қабулга ўтаман! — дедим командирга алоқада.

— Ишга кириш! — командирнинг кескин жавоби эшитилди.

Мен серсоқолларни пулемётдан битгалаб ер тишлатдим. Ринат ички алоқада «яшавор»лаб турди. Кўп ўтмай яна кўтарилишди. Тагин гумдон килдим. Учунчи гал катта нишон — танк пайдо бўлди. Мен уни БТ снаряди билан тешиб ташладим, сўнгра иккинчи тасма ОФЗ снарядини отдим, бу осколкали снаряд бўлиб, тешилган танк ичидан чиққан душманнинг насибаси эди, тўртинчи сафар эса «пиёдалар» билан бирга «танк» кўтарилди. Олдин танкни йўқот, кейин пиёдаларга от, деди Ринат. Мен унинг айтганидай килдим.

— Жанг тугади, душман йўқотилди, — дедим алоқада командирга.

¹ Махфий ном, яъни душман (пароль).

— Орқага қайтишга рухсат бераман! -- шанғиллади у.

— Ринат, машинани орқага бур, кетамиз, — дедим механикка.

— Яшасин тинчлик!

Машина бир гала зобитлар қуршовида машқларимизни кузатиб ўтирган дивизия командири жойлашган нуктага қараб елдай учарди. Бир маҳал нимадир қарс этди. Башнянинг бошқарув мосламасидаги ёниб турадиган қизғиш чирокчалардан бири ўчганди. Тамом! Машқдан қайтаётганда отув мили ҳамиша машина ҳаракатига қарши тарафга йўналтирилиши керак эди. Мен кузатув ойнасида қарадим. Зобитлар ва дивизия командири саросималик билан мени бир-бирларига кўрсатишар, отув мили улар турган жойга тўғриланиб қолганди. БМП тобора яқинлашиб борарди.

— Башняни орқага қайтар, нима бўлди сенга, — деб Ринат қичқирди.

— Бурилмаяпти. Ток йўқ.

Ринат машинани нишабга олиб тўхтатди. Мен куйган чирокчани алмаштирдим. Алоқада рота командири куйиб-пишиб ҳол сўрар, тезроқ ҳаракатланишни буюрарди.

— Ўн тўртинчи, сенга нима бўлди?

— Чирокча...

— Тезроқ қимирла!

...

Орадан уч дақиқа ўтар-ўтмас Ринат машинани юргизди. Мен отув милини тесқарисига қаратдим. Ҳаммадан охири биз етиб келдик. Механик ва операторлар бир сафга тизилди. Баланд кузатув нуктасидан ҳарбий кийими ўзига нечоғлик ярашган генерал-майор салобат билан тушиб келди. Тахтадай қотиб турардик. У менинг рўпарамга келиб бошдан-оёқ разм солди. Бироз жим турди. Шундагина ўзимни ҳарбийча таништиришим лозимлиги хаёлимга келди.

— Катта сержант Норқобилов! — дедим кекирдагимни узгудай бўлиб.

— Яхши. Бопладинг! Сафдан чиқ, ўрток катта сержант!

— Хўп бўлади! — мен жонҳолатда қадам ташлаб олдингга чиқиб, сафга юзма-юз турдим.

— Дала машқини аъло даражада бажаргани учун катта сержант...га ташаккур билдираман, — генералнинг ортидаги зобитлар ҳам ваз туриб, қўлини чеккасига келтирди.

— Совет Иттифокига хизмат қиламан!..

Сафда турган Мўминнинг юзида кулги ифодаси қалқиди.

— Сафга туринг.

-- Хўп бўлади!

Яна ўшандай юриш билан ўз жойимга келдим. Ёнимда турган Мўмин пичинг қилди:

— Ўла-ўлгунимча Совет Иттифокига хизмат қиламан, дедингми?

— ...

Энди навбат пиёдаларга етганди. Жангчилар тепаликка чумолидай ўрмалаб чиқишар, автоматларнинг тариллашидан чинакамига уруш бўлаётгандай эди, гўё БМП-2 лар пастда кутиб турар, «уруш» тугаши билан пиёдалар олиб қайтиларди.

Тўполон кечгача давом этди. Тўсатдан биринчи взвод командири лейтенант Ермилин рота командиридан «жанг»-ни тўхтатишга изн сўради. Бирор қор-хол юз бергани аниқ эди. Жон қулоғим билан нималар бўлаётганини тинглардим.

— Нега барвақт тугатишибди? ... сўради Ринат.

— Кимнидир отиб қўйишибди, -- жавоб бердим.

— Қанақасига?..

— Бехосдан отишган-да. Жойида ўлибди. Ермилин айтди, тиббий бўлинманинг кераги йўқ экан.

Бронядагилар ким ўлганидан беҳабар эдилар. Хар ким, кимнинг хаётига нуқта қўйилгани, бу лаънати Афғон тағин кимнинг бошига етганини тезроқ билишни истар, айна чоғда ич-ичидан нимадир узилгандай бўларди. Хаммаёк бир зумда сув қуйгандек бўлиб қолди. Факатгина тепаликдан тушаётган ишда аскарлар бронжилетларининг тақиллаши эшитиларди.

Мурдани БМП-2 га жойладик. Кетма-кет теккан ўкнинг белидаги темир сувдонини илма-тешиқ қилиб ташлаганди. Кийимлари қон, юзи дока тусига кирган, лабининг иккала бурчида қуюқ ва қорамтир қон қотиб қолганди. Очик ҳолда қолган кўзларининг қорачиғи орқага тортиб кетган. Аянчли аҳволига боқиб, кишининг бадани жимирлаб кетарди. Бу — хизматга келганига уч ой бўлиб қолган бухоролик йигит эди. Зобитлардан бири жасад ортилган БМПда тиббий қисмга акт тузгани кетди. Кечкурун ротада афғон

урушида, жангларнинг бирида жасурлик кўрсатиб халок бўлди, деган қорахат тайёрланди. Жангчилар ҳеч қандай аянчли воқеа рўй бермагандай уйқуга кетишди.

VII

Эрталабдан ёға бошлаган ёмғир тушликка бориб авжигача чиқди. Осмон қорайиб, кундуз хира торгди. Полкнинг саф майдони четидаги ариқчаларда сув қилкиллаб оқарди. Май ойи ўрталари бўлишига қарамай, баҳор осонликча таслим бўлишни истамаётганидан далолат эди бу.

Ёмғир казарма деразаларига бетиним урилар, картон деворлардан ичкарига чакка томарди. Аскарлар ётоғидан зах хиди келарди. Мен ташқарида ўйнаётган ёмғирранг сенкилларга боқиб, эртага ҳам, индинга ҳам шу ҳол такрорланишини хоҳлардим. Ҳеч қанақа юмушсиз казармада ётиш жуда яхши бўларкан. Лаънати паркка бориб бошдан-оёқ лойга ботиб ишламайсан, адирма-адир халлослаб, ҳеч ким дала машқида югурмайди ҳам. Аммо шу яқин орада урушга чиқишимиз эҳтимоли борлигидан кўнглимга гашлик чўкаётганди. Агар уруш Чорикорда бўлса, урди худо. Бирор кичикроқ тоққа чиқилса унчалик ёмон эмас. Панжширдан бошқа тоғларда отишма камроқ юз беради. Аммо ҳар қандай жангда ҳам кимдир халок бўлиши керак. Ким у? Ким? Балки... Хаёлимга келган фикрдан кўл-оёғим бўшашиб кетди. Мен ўлишни истамайман! Ҳар қандай вазиятда ҳам омон қоламан. Ота-онам ҳузурига, юртимга соғ қайтаман. Отамнинг суянгани — мен. Эй худо, ишқилиб шу ерларда ўлиб кетмайин... Чўнтагимни титкилаб, сўнгги сигаретни тутатдим. Аччиқ тутунни ўпкам тўлгунча торгдим. Бироз енгиллашгандай бўлди кайфиятим. Казармада ғалавовур кўтарилган — хизматга энди келганлари эса оқ ёқа тикишар, қайиш тўқасини ялтиратар, этик мойлашар, хуллас, ҳарбий ўқувдаги одатини тарк этишганича йўқ. Уларнинг ичида бақувватлари ҳам, қуролни зўрға кўтарадиганлари ҳам бор эди. Қизик, инсон боласи икки-уч ой ичида кексайиб, қурол ишлата билиш керак пайти ўзини-ўзи химоя қилиш даражасида чакқон ва эпчил кишига айланиб қолиши мумкинми? Урушда ҳар нарса содир бўлади, уруш одамларни қисқа вақт ичида, умуман бошқача кифога солади. Этигини тозалашни зўрға эплаётган анави нимжон Михайлов ҳам икки-уч марта жангга қатнашиб, кўзи пиш-

гач, ерга урсанг кўкка сапчийдиган бўлиб қолади. Хали бошига не савдолар тунишидан беҳабар боякиш. Балки мен Михайловдан олдин ўларман?.. Иккаламиз ҳам ўлмасмиз балки. Чўнтагимга кўлимни тикдим. Бўшаган кути ва тўкилган тамакидан бошқа нарса йўқ эди. Ринатдан папирос сўрадим. У ётган жойида бир кути «Донские» ирғитди. Бу сафар тортганимда бошим оғриб кетди. Танам мажолсизланди. Охирламаган папиросни полга ташладим.

— Яшасин Совет оператори! Казармани «курилка»га айлантирган жангчига шон-шараф! — кичкирди Ринат.

Унга ҳеч нарса дегим келмади. Кўнглимга кил сизмаётганди. Ташқарига чиқдим. Ёмғир ҳамон босиб ёғар, осмоннинг қовоғи баттар тунд эди. Бундай пайт ҳеч жойга сизмайсан. Қаерларгадир бош олиб кетгинг келади. Мен харбий хизматдан олдинги истакларимга эришажак кунларни кўмсаётгандим. Қанийди ҳозир кишлоғимнинг қок ўрғасида бўлиб қолсам! Уст-бошим шалаббо бўлиб кетса ҳам, хар бир сўқмоғини яёв айланардим. Узумзорларда тоқлар энди барг чиқазиб қолган. Сен эса охири кўринмас узумзорни ёмғирда оралаб юрибсан. Оёқларингга сақичок лой ёпишиб, ғалати овоз чиқаради. Юрган сайин юргинг келади. Кетаверасан то холдан тойғунингча. Йиқилсанг... Нима қипти? Она кишлоғининг ери. Ўзингники... Узала тушмоқ ҳам жонга роҳат.

Казарма эшиги очилиб, кепкасини бостириб олган Ринат кўринди. Мен усти тунука билан ёпилган чекиш жойида ёмғирдан паналаб турардим.

— Ҳа, хаёлпараст. Нега одамлардан қочадиган бўлиб қолдинг?

— Ёмғир яхши ёғаяпти.

Менда чиндан ҳам кейинги пайтлар одамовилик пайдо бўлаётганди.

— Ҳа, кўнгилдагидай... Лекин учинчи ротанинг шўрига шўрва қайнайди диган бўлди.

— Нега?

— Жанг халталари, ўқ-дориларни тайёрлашяпти.

— Шундай ёмғирда зарил келтими?

— Бутун рота жанговар ҳолатда тоққа чиқар экан. Телевизорга туширишармиш.

— Нега энди айнан ёмғир маҳали телевизорга олишмоқчи?

- Эй, кўрдингларми, шўро аскарлари шундай пайтда ҳам қахрамонона жанг қилишмоқда, дейишса керак.

- Одамларнинг раҳминин келтиришмоқчи дегин.

- Ха, ёлгон жасоратлар акс этган хужжатли фильмлар эртага Совет Иттифоки экранларида намойиш қилинади. Ана, учинчи рота ёмғирда ҳам душман ҳужумини қайтара-япти, деган тескари тарғибот юргизилади. Ўзинг айт, бундан ортқ шармандалик, аблахлик бўлиши мумкинми?

- Бечора учинчи роталағилар! Телевизорда кўринамиз деб, ўн чақирим йўлга шалаббоси чиқиб пиёда боришаркан-да. Хали токка чиқишиб, қаерларгадир автоматдан ўк ҳам отишар?..

- Бўлмасам-чи! Фильм жонли чиқиши керак-у. Аскарнинг кадри билан неча пуллик ишлари бор.

Ринат чўнтагидан сигарет олиб тугатди. Унинг оғзидан чиқаётган тутун нам ҳавода буралиб юқориларди. Зум ўтмай саф майдонидан уч катор бўлиб тизилган учинчи рота аскарлари ўтиб кетди. Кўшни казармадан чиққанига карамай, уларнинг кийим-боши нам бўлиб кетган, каскаларидан оқаётган сув бўйинларига оқар, жанг тўрваси ҳамда қурол кўтариб олишган эди. Ротанинг ёнида роз юриш қилиб бораётган катта лейтенант эса ахён-ахёнда «Бургутлар!!!» деб қўярди. То улар оқислагунча бронжилетларининг тақиллаши эшитилиб турди.

VIII

Баҳор чекиниб, ёруғ ва ҳароратли кунлар бошланди. Октябрлар наллада табиатнинг ҳар бир мавжудоти боти-нида бўшанглик етилади. Бунақа ҳолатда кишига ҳеч нарса ёқмайди. Агар ротадагиларга дала машқи, қоровулхонага бориш ҳақида батальон штабидан буйруқ келса, асти қўяверинг. Жангчиларнинг қовок-тумиғуғи осилиб, кўпчилик дарров касал бўлиб қоларди.

Шундай мудроқли кунларнинг бирида полк карнайи важохатли чийиллаб, казарма устидаги қаптарлар тинчи бузилди. Икки дақиқа ўтар-ўтмас саф майдонида тўқис қуролланган аскарлар тизилишиб турарди. Полк командири ҳарбийча саломдан сўнг, барча зобит ва прапоршчикларини ҳузурига чорлади.

Бирор совуқ хабарнинг иси келаяпти, — деди Мўмин. Урушга чиқамиз-ов. Ишқилиб, худо урган жойга бормаёлик-да.

— Афғонистоннинг қаерида оромгоҳ бор? — дея кесатдим мен.

Хархолда, тирик қайтишинга ишонадиган жойлар топилиб қолади...

Навжбир ё Чорикорга дейинса-чи?

Нафасингни ел олен!

— Ел оладими, сел оладими, бўлиши мумкин...

Броня зудлик билан паркка, шёдалар жанг тўрвасини тайёрласин! Битта БМП дўхтирлар билан борадди. Кечқурун йўлга тушамиз, деди рота командири катъий оҳангда.

Кун оққач, парк ортидаги майдонга машиналарни олиб чиқдик.

Ўн тўртинчи, сен тиббий қисмга борасан! деди рота техниги, прапоршчик Довгий.

Мен дўхтирлар билан бирга бўлишдан қувондим. Ринат икковимиз полк тиббий қисмига етиб келганимизда дўхтирлар ҳамма ашқол-дашқолларини ташқарига чиқариб бўлишган, ёнида дўхтирлар белгиси туширилган кўкимтир, иккита усти ёпиқ машинага зарур жиҳозларни юклашаётган эди. Бизни кўзойнак тақиб олган катта лейтенант қарши олди.

Иккинчи ротаданми? Яхши бўлди. Мен сизлар билан бораман.

— Манави машиналар ортидан юрамиз, — деди у очиккўнгиллик билан қўл бериб.

— Қачон йўлга тушамиз, ўртоқ катта лейтенант? — сўрадим мен.

— Икки-уч соатдан кейин. Қоринларинг қалай, очми-сизлар?

— Унчаликмас. У-бу нарса берсангиз ёмон бўлмасди, ўртоқ катта лейтенант, — жавоб қилди Ринат.

Дўхтир зобит худди ёш болага ўхшарди. Биз билан тезда чиқишиб кетди. Афтидан, у бизга ёқишга ҳаракат қилаётганди. Машина тагига ичкаридан темир стол олиб келишди. У ўз қўли остидаги сержантларга тузукроқ егулик келтиришни буюрди. Дастурхонга бир зумда чўчка гўшти, олча киёми, бир қути «Друг» сигарет, киёмсут, сариёғ, сутли кофе тортилди. Ринат қўлларини ишқаб-ишқаб столга чўзилди.

— Булар тозаликни севишади. Қўл ювсак яхши бўларди, — дедим мен ўзбекчалаб.

— Кўявер. Урушдалигимизни сезишсин-да. Машина у-
нга чиқиб сув олиш ёкмаяпти.

Зобит бизга тушунмагандай қаради.

Бу ҳозир озгина мизғиб олсам, деяпти. Йўлда кўзи
илиниши мумкин. Бирор кор-хол юз бермасин. Тун бўйи
йўл юрамиз. Нима бало, тамадди қилмайсанми, майли, бора
қол, — дедим мен.

Ринат кўзини олайтириб қараб қўйди. Зобит инсофлик
чиқиб қолди. «Овқатланиб олсин», деди. «Ха, майли, у-бу
нарса еб ол, тезроқ», дедим. Дурустгина нонунта қилдик.
«Уйқуси келган» Ринат биз билан барабар ўтирди. Зобит
аскарларига оромида ухлатувчи дори олиб келишни айтди.
Ринат, мен яхши ухлайман, ҳожати йўқ, деди. Ичавер, биз
машинага у-бу ортамиз, тақир-туқур кўн бўлади, хали ало-
қани ҳам текшириб кўришим керак. Сенга халал бермай-
лик, дедим.

Ринат ўзбекчалаб бакириб берди:

— Ҳой, сен жуда ақлли бўн қопсанми. Намунча мин-
бирлайсан. Бор, тошингни тер...

Нима гап? — дея суриштирди зобит.

Машинани тузатаман, деяпти.

— Машина бузукми?

— Йўқ, ўрток катта лейтенант!

— Арзимас нарса. Ёғни текшириб кўрмоқчи. Паркдан
тўғри бу ерга келдик, — деб кўниб қўйдим мен.

— Текширинг! — буйрук берди зобит.

Машина бенуксон эди. Катта лейтенант бўлмаганда Ри-
нат мен билан жиккамушт бўлиб қолиши тайин эди. У
поризолик билан ёғ идишга ўлчагич симини тикиб кўрди,
олдаги темир қоққани ёшиб, буралғични маҳкамлади. У
ўздан-ўзи сўкинар, мени кўрарга кўзи йўқ эди.

— Ринат, мен ухламоқчиман. Алоқа ҳам жойида, —
дедим атай зобитга эшиттириб.

— Менга деса ўлиб кетмайсанми, — тўнғиллади у.

Кечки соат ўнда юриш бошланди. Иккала «Урал» ор-
тидан ҳаракатга тушдик. Колоннага тиббий қисмдан чиқи-
ладиган йўл орқали полк ҳудуди тугаган жойда тутандик.
Колонна узундан-узун, уч-қуйруғи кўринмас эди. Полк йўлга
хамisha шундай дабдабали кўринишда, тўйга бораётгандай
чиқарди. Қайтишда эса...

Қатор дўконлару пасткам бинолар тартибсиз жойлан-
ган Кобулнинг марказий кўчасига тушиб олдик. Йўл кент

ва асфальтланган. Ғала-ғовурли, ҳарҳолда осуда шаҳардан тезда чиқиб кетмасликни, шаҳар йўли янада давом этишини истардим мен. У ёқда нима бор? Зимистон, лахшат. Эркинроқ нафас ололмайсан. Кунинг битиши ҳам ҳеч гапмас. Ёнимда шлемофон кийиб олган катта лейтенант жон қулоғи билан алоқани эшитиб борарди. Мен то манзилга етгунча алоқада туриш шарт эмаслигини билардим. Машина сафда кетаётибди, тўхтаса тўхтайсан, юрса юрасан. Мен шлемофонимнинг радиостанция узатгичига уландиган жойини узиб кўйдим. Ўзимни шаҳар бўйлаб машинада сайр қилаётгандай, урушга кетмаётгандай ҳис эта бошладим. Бир лаҳза бўлса-да, хаёл кўзгусидан қўрқувнинг қора кўланкасини сидириб ташласанг, қандай яхши!

Колонна Кобул ҳудудидан Бағрам вилояти текисликларига чиқиб олди. Бироздан сўнг узумзорлар, кейин полиз экинлари ялнатган майдонлар бошланди. Биз жуда ҳам тез ҳаракат қилаётгандик. Агар шу кетишимиз бир соат давом этса, Чорикордан ўн чақирим берироқдаги ялангликка етишимизни чамаладим. Демак, азонгача ҳордик чиқариш мумкин.

Ўйлаганимдай, кечки уч яримда ялангликда тўхтадик. Полк техникалари ҳимоя доирасини ясади. Миллар оғзи хавфли жойларга қаратилди. Ҳар бир рота алоҳида дам олишга жой ҳозирлади. Пиёдаларнинг кўпчилиги машиналар устидаги қоп-кўрпага ўралиб олишди. Айримлари машина тагида ётадиган бўлди. Гулхан ёқини ман қилиди. Мен кунлик бериладиган улушимдан гўштли тунука идишни олиб очдим, совуқлигича паққос туширдим. Устидан узум шарбати ичдим. Афғонда бериладиган овқатдан нолимасак бўларди...

Катта лейтенант Ринат иккимизни чойга таклиф қилди. «Урал» ёнида иккита дўхтир зобит ва сержантлар нонушта қилаётганди. Мен овқатланмайман, дедим. Ринат улар билан бирга тамадди қилди. Мен машина ичкарасига тушдим. Ухлашга қулай бўлсин деб, қоп-кўрпамнинг бош тарафига шлемофон солдим. Полк аскарлари аллақачон пинакка кетишган, техникалар атрофини айланиб ўтаётганда фақатгина қоровулларнинг қадам товуши эшитиларди. Тун тинч ва осуда эди. Эртага нималар бўлиши хақида ҳеч ким ўйлашни истамасди.

Кўзимни очганимда тонг ёришган, аскарлар тўда-тўда бўлиб нонушта қилишар, у ер-бу ерда гулханлар ёнарди.

Қиздирилган гўнг хиди димокка уриларди. Жангчиларнинг айримлари машина устида мудраб ўтирар, баъзилар панирос тутатарди. Бизнинг дўхтирлар ҳам аллақачон уйғонишган, ўша темир стулга қиздирилган картошка ва қарам шўрва, колбаса идишларини очиб қўйишганди. Мен мулозамат қилиб ўтирмадим. Дарров аскарий тўрвамдан оққанд ва қиёмсут олиб уларнинг ёнига тушдим. Катта лейтенантнинг айтишича, биз ичкарига кирмас эканмиз. Бирор хилватроқ ерда туриб, ярадорларга ёрдам кўрсатиш, зарур пайти уларни Баграм шаҳридаги госпиталга олиб бориш кўзда тутиларди. Яъни, биз полк тиббий қисми ҳисобланардик.

Чорикорга дастлаб қисмнинг илғор ротаси — кузатувчилар кирди. Ортидан танкчилар батальони, сўнг пиёдалар йўл олди. Охирида, кечаси дам олган жойимиздан икки чақирим берирокда биз ўрнашдик. Бу ер умуман хавфсиз эди...

Зум ўтмай тўс-тўполон авжига чиқди. Кучли портлашлар эшитилди, танк ва БМПлар гўмбурлаши тоғли тўзғиниб юборди. Ер силкинар, ваъжохатли қасирлашлардан қулоқлар том битарди. Узоқроқда кўришган кўрғонлардан чапг кўтариларди кўкка. Ким қаёққа отаётганини билиб бўлмасди.

БМП олдида икки кишилик хандақ қазиб қўйдик. «Урал»лар устига ток кесиб ёпдик. БМП тумшугини узумзор тарафга тўғриладим. Чорикорга яна битта полк кирди. Ортидан десантчилар, батальон ҳам ўтди. Ичкарида қиёмат қойим содир бўлаётган эди. Алоқа тинмай ишлар, полк командирининг овози тез-тез эшитилар, унинг ҳам саросимага тушиб қолганини англаш қийин эмасди. Илгари кирганларни душман тутдай тўқаётганди. Бизнинг олдимизга ҳам унча-мунча «Эрэс» снаряди кетма-кет келиб тушди. Атроф чапг-тўзон ичида қолди.

Ўзимни ичкарига урдим. Узумзорни БМПдан ўққа тутдим. Кузатгичдан ток новдаларининг силкингани, ўша ердан олов кўтарилигани, япроқларнинг баландга тўзғини кўришиб турарди. Мен кўнглим тўлмаган жойларга отардим. Қопқани очиб ташқарига бош чиқазганим захоти хавода балати овоз чиқариб снаряд учди. Бу миномёт эди. Душман яқин орада, биздан тахминан иккиюз-учюз метр нарида отаётганди. Мен алоқа орқали вазиятни рота командирига хабар қилдим. У «мен сени тушундим, «Таблет-

ка»¹ диққат билан кузат, бирор кор-хол бўлса, химояга тур», деди. «Бубен, сизни тушундим, кузатаман ва мудофаада тураман, қабулга ўтаман», дедим.

— Ишга туш, Таблетка! — деди Бубен.

Мисли кўрилмаган, шиддатли отишма кетарди. Ҳатто жанг майдонидан олисдаги биз учун ҳам тинчлик йўқ эди. Бизнинг ён-веримизга ҳам снарядлар тушар, бундай танг аҳволда ҳали қолиб кўрмаган дўхтирлар машина тагидан чиқолмай қолишди. Ҳар снаряд вангиллаб учганда, менинг ичимдан нимадир узилгандай бўлар, аъзойи-баданим бўшашиб кетарди. Тобора ҳолсизланиб борардим. Оёқларим қалтирай бошлади, хаёлим ўзимда эмас эди.

Ҳавони йиртиб тағин бир снаряд учди. Унинг ваҳимали товушидан ич-ичингдан тамом бўлишинг ҳеч гап эмасди. Кўркинчли вангиллаш чор атрофни титратиб юборди. Мен, шу снаряд устимизга тушади, тамом, энди асфаласофинга кетдик, деб ўйлардим. Йўқ, хайриятки, у БМПдан ўн-ўн беш қадам наридан кўним тоқди, қора тутун кўтарилиб кичик темир парчалари, тошу кесак атрофга учди. Катта лейтенант ва колганлар «Урал»нинг тағига кириб олишганди. Ўзимча ўйладим: агар жиндек берирокқа мўлжал олишса, БМП билан қўшмазор бўламан, нарироққа олишса «Урал» цурали билан нариги дунёга кетишади. Эй худо, тезроқ тугасайди!

Олдинда қасира-қусир авжига минган. Гўёки сру кўк зириллар, кўз олдим хиралашиб борарди. Алоқанинг «ту-ту»лаши, турли хил хитоблардан қулоқларим тош битиб қолаёзди. Ютинсам, бошимда нимадир вийкиллаб овоз беради. Шлемофонни счай десам, чакириб қолишлари мумкин. Бошимдан тер қуйилар, аъзойи-баданим кизиб борарди.

— Таблетка, Таблетка... мен Бубен, қабулга ўтаман.

— Бубен, мен Таблетка, эшитаман.

— Таблетка, hozир қутичада уч юзинчи қалам боради.

— Сизни тушундим, Бубен. Уч юзинчи қаламни қабул қиламан ва... нуктага элиб қўяман.

Зум ўтмай рўпарадаги дарахтлар ичида БМП-2 отилиб чиқди. У биз тарафга ўқдай учиб келади. Ринат машинани ўт олди, катта лейтенант ва иккита дўхтир сержант «Урал»дан замбил туширишди. Ярадор ортилган БМП-2

¹ Махфий ном, паролъ.

шу тезликда келиб бизнинг ёнимизда бурилиб олди. Машина устидан сакраб тушган икки аскарнинг ранг-рўйига одам қараб бўлмас, кир-чир юзларида аллақандай тундлик қотиб қолган, йилтираб турган нигоҳларида кўрқувдан ҳам даҳшатлироқ нимадир зоҳир эди.

Улар зудлик билан «десант» — орқа бўлмани очишди. Ичкаридан ярадор аскарни тортиб олдилар. У беҳуш, уст-боши қон, алланима деб бақирар, тўлғанар, хаёли кирарли-чиқарли эди. Ярадорни замбилга ётқизиб, машинанинг орқа бўлмасига жойладик. Уни кечиктирмай, Баграмдаги харбий госпиталга олиб бориш керак эди. Катта лейтенант менинг ёнимга чиқди. Иккала сержант машина устига жойлашиб олди. Ринат БМПни Баграмга хайдади. Машина қишлоқнинг тор кўчаси оралаб пастқам кулбалардан ҳадигу хавотир билан қараётган одамлар юрагига титроқ солиб, елдек учиб борарди. Хар силкинишидан жони ҳалқумида турган ярадор йиғитга нечоғлик азоб бўлаётганини хис этиб турардим.

Баграм госпиталида ярадорни жуда тез қабул қилишди. У энди тинчиб қолганди. Боя машинага ортаётиб катта лейтенант оғриқни мутлақо сездирмайдиган укол қилган экан.

Биз орқага қайтдик. Ринат машинани бемалол, шошилмай бошқариб борарди. Ҳеч биримиз жанггоҳга қайтиб киришни исгамаётгандик. Қолаверса, у ерда бизни яхшилик кутмаётгани маълум эди. Доимо инсон учун юрагини олдириб қўйган бирор ишни қайта такрорлаш азоб бўлади. Чунки кўнглинг безиллаб қолади. Урушда ҳам бир талофат еган жойга қайта оёқ босиш учун нечоғлик даҳшатли ҳолни бошдан кечирмоқ керак. Назарингда, рўпарангдан ўлим чиқиб қоладигандай бўлаверади. Хар бир лаҳзада қуннинг битилини, шу ёруғ дунёни кўриш бошқа насиб этмаслигини кўнглингга туйиб туриш нақадар қийин. Бутун борлигини нимадир таталайверади. Сени ўзингга ўхшаган яна бир маҳлук кузатиб тургандай туюлаверади. Ичингда хуруж қилаётган, тоғ янглиғ улканлашаётган кўрқувни бекитмоқчи бўласан. Ўзинг билан ўзинг олишиб, ироданг деворлари емирила бошлайди.

Жанггоҳга киришимиз билан рота командири алоқада тагин «уч юзишчи қалам» бораётганини маълум қилди. Боя турган жойимизда, «Урал» олдида иккита БМП турар, қолган дўхтирлар машина панасига ётқизилган ярадорларга

ёрдам кўрсатарди. Улар иккита эди. Бири бошидан яраланган бўлиб, юзи аралаш қуюқ қон сизарди. Ўқ иккинчисининг сонига тетибди. У тинмай дод солар, шимининг бир томони почасигача қип-кизил қон эди. Иккаласига ҳам оғриқдан чалғитадиган дори берилди. Уларни ҳам госпиталга ташлаб келдик. Бу ўйин кун бўйи давом этадиганга ўхшарди. Тушга бориб жанг яна кучайди. Ярадорлар сони тобора ортиб борарди. Баграм билан Чорикор орасида бўзчининг моксидек қатнардик. Хамма ёғимдан қон хиди келар, кўнглим айшиётган эди. Биз элтган ярадорларнинг иккитасининг госпиталда жони узилибди. Мен ўша бошидан яраланган ва елкасидан ўқ еган аскарларнинг куни битганига шубҳа қилмасдим.

Тўғридаги қалъалар томондан чиқиб келган БМПда яна битта ярадор олиб келишди. Унинг баданига қараб бўлмасди. Хамма жойига кичик-кичик темир парчалари санчилиб қолган, уст-боши алвон тусига кириб бўлганди. У дунёни бузиб дод соларди. Ярадорни энди замбилга солаётувдик ҳамки, қишлоқ тарафдан полк командири ёрдамчиси майор Купинни олиб юрадиган БТР келиб тўхтади. Машина ичидан Купиннинг боши кўринди. У ерга сакраб тушиши билан ярадорни олиб келган зобитга ўшқирди.

— Нима бўлди!!!

— Ярадор. Темир парчаси...

— Ҳали бронжилет киймабдими, аблах! Мана олифталикнинг оқибати. Сенинг кўзинг қаерда эди?

Зобит каловланиб турарди. Купин замбилда алаҳсираётган аскарнинг бошига келиб турди, жахл билан қичқира бошлади.

— Казёл... Нега бронжилет киймадинг. Ҳе, онангни...

Ярадор баттар қичқира бошлади.

— Ўчир овозингни!

Купин аскарни тепкилай бошлади.

— Ҳозирнинг ўзида ўттиз бешта ярадор бор полкда.

Ўн бир киши ўлди. Казёллар. Бронжилет кийишмайди, булар. Оқибати мана!

У қисмда энг раҳмсиз зобит саналарди. Ҳатто, зобитларни ҳам хузурига чақириб, тарсаки тортиб юбораверарди. Шунинг учун ҳам бутун бошли қисм Купин деса дафдаф титрарди. Лекин, мен жони узилай деб турган ярадор аскарни тепкилашини ҳеч тасаввуримга сиғдира олмаедим.

IX

Полкка қайтгач, икки кеча-кундуз мижжа қокмадим, бошим гувиллар, ютинсам кулоқларимда нимадир чийилларди. Асабим зор қакшарди. Ротадошлар билан сухбатлашишга ҳам мажолим йўқ эди. Назаримда хамма нарса бетартиб, аралаш-қуралаш бўлиб кетгандай. Катта казарма ичи ва ташида ғимирлашаётган аскарлар ҳам кўзимга ёмон кўринар, наинки улар билан гаплашиш, балки уларни кўришни ҳам истамаётгандим. Мен қаттиқ толиққандим, хилватни қўмсаётгандим. Иложи бўлса, сукунат қўйнига бош олиб кетсам. Бошимнинг орқа томони эс лўқиллаб оғрир, хаёлимда Чорикор жангининг олақуюн манзараси ахён-ахён жоиланиб қоларди. Бундай ҳолларда атрофда нималар содир бўлаётганини ҳам унутиб, ўзимни кўярга жой тополмасдим. Ички бир оғриқ хуружидан аъзойи танамни титроқ босар, мен оёқда туриб алахсирардим.

Учинчи куни иссиғим чиқди. Кўзларим ёшланиб, нимадир санчилар, уйқусизлик тобора иродамни смириб бормокда эди. Нафас олсам оғзи-бурнимдан ўт чиқаётганди. Холсизлана бошладим. Мен тузалиш ўрнига дардим оғирлашаётганини сездим. Бу кетишда яхшиликдан умид йўқ ҳисоби. Қайси гўрданам шу дўхтирлар билан жангга кириш насиб қилган экан, оқибати кўз ўнгимда оғзи-бурнимдан қон сизаётган ярадорларнинг оқиш юзларига янада аянчлироқ тус бераётган сўник нигоҳлари қотиб қолган эди. Кулоқларим тагидан эса алоқанинг «туту»лаши, ўқларнинг чийиллаши нари кетмасди.

Ошхонага, эрталабки нонуштага ҳам бормадим. Ринат қоврилган балиқ олиб келди. Иштахам йўқ эди. Бошим тобора оғирлашиб, кўзларим хира торта бошлади. Казармадаги шовқин-сурон эса баттар асабимни қакшатар, кенг дунё биргина мен учун торайиб қолганди. Ринат ёнимга келиб ўтирди. Мен каравотда ёнбошим билан гужанак бўлиб ётиб олдим. Гўё шундай қилсам ҳаммаси ўтиб кетадигандай, бутун борлиғимни ўз исканжасида сиқувга олаётган бу ҳолат чекинадигандай. Ринат бошимга кўлини теккизди.

— Иссиғинг борга ўхшайди. Дўхтирга учраш. Қаеринг оғрияпти, ўзи?

— Миям тиркираб отилиб кетай деяпти. Мажолим йўқ.

— Сени ўзим олиб бораман. Индамаса, ўн кун бўлса ҳам ётаверасан. Ўлганингча.

Ўтқизишса керак... Ё ишонмайдими?..

— Нима бало, уларга албатта, бирор жойингдан қон чиқиб туриши шартми, — кесиб гапирди Ринат.

Дўхтирхона саф майдонининг нариги тарафида, бизнинг казармадан икки юз эллик қадамлар чамаси нарида жойлашганди. Ринат иккимизни ҳамшира қиз қарши олди. У одатий сўров — нима бўлди, қасринг оғрияпти, дея дафтарига нималарнидир ёзиб қўйди. Харорат ўлчагични қўлтигим тагига қўйганини ҳисобга олмаганда боя казармада Ринат ундан яхшироқ ҳол сўраганди.

— Бунга ётқизасизларми?

Ринатнинг кутилмаган саволи ҳамширага эриш туюлди чоғи, саволга савол билан жавоб қайтарди.

— Нега энди, аҳволи дуруст, бироз шамоллабди. Ис-сиги ҳам унчалик баландмас.

— Демак, ўлим ҳолатда келса қабул қиласизларми? — зардаси тошди Ринатнинг.

Менинг эса ўз аҳволим ўзимга аён эди. Ринатни янада яхши кўриб кетдим.

— Ахир тушунсанг-чи, менга гап тегди... Бўш жой ҳам йўқ.

— Шундай де, қани бошлигинг ўзи?..

Ҳамшира қиз бир ўжар аскар Ринатга, бир менга қараб деди:

— Ҳали бирор аскар бу ерга келиб дўқ урмаган. Майли, катта лейтенантни чақираман... Кўрамиз, даф-давангнинг баландлиги қандай бўларкан. Ўргилдим сендақа инсонпарвардан... Фақат сен Афғонда жанг қиляпсанми?

У дўшослаган болақайни онасига чакмоқчи бўлган эрка қиздай коридор бўйлаб шилдираб қолди. Ринат унинг ортидан бўралаб сўқди.

— Хе... сендай фоҳишани!..

Ҳаял ўтмай ҳамширанинг ортидан кўзойнакли зобит чиқиб келди. У биз билан урушга кирган катта лейтенант эди.

О, салом йигитлар! Хабарлашай депсизлар-да. Жуда яхши... Кайфият қалай, кайфият?!

У иккаламиз билан ҳам самимий қўл чўзиб саломлашди. Мен мазам қочиб турганини айтдим.

— Чакки бўлибди, — деди у. — Жанг асорати. Анчагина чарчаган кўринасан. Асабга таъсир қилган шекилли...

— Ўртоқ катта лейтенант! Бу уч-тўрт кун сизнинг кўлингизда даволансам, деб келди, — кўшилди Ринат.

— Айни муддао. Ярим соатдан кейин машина бўлади.

Катта лейтенантнинг бизга бу чорлик қадрдонлигини пайқаган ҳамшира тараддудланиб қолди. Гўё муҳим ишни унутган каби коридор охирига чопкиллаб кетди.

— Ундай бўлса мен ротага бориб келай, у-бу нарса олишим керак, — дедим.

— Сен ўтир шу ерда, Ринат келтиради.

Ярим соатдан кейин Кобулга жўнаш учун машина шай турарди.

Ринат казармадан сочиқ, совун, тиш порошогим ва тозалагичимни олиб келди. Чўптагимда ўттиз чек бор экан. Ринатдан эса йигирма чек қарз олдим. Катта лейтенант бу орада касаллигим хақида кўрсатма тайёрлади. Хатто, мен боришим керак бўлган бўлимнинг бош врачига яқин ўртоғи экан, хат ёзиб берди.

— Бир ҳафтада тузалиб кетасан. Сенга яхшилаб қарайдилар, — деди у машинага чиқаётганимда кўлимни сиқиб.

Ринат билан кучоқлашиб хайрлашдим. Унинг кўзлари нам эди. Юрагим сув бўлиб кетди. Қанчалаб кийин дамларда бирга бўлган метин иродали дўстимнинг йиёлаганини биринчи бор кўришим эди. Бўғзимга аччиқ нарса тиқилди. Бу ҳали отилишга шай кўз ёшларим эди. Лабларим пирпираб, нигоҳимни олиб қочдим.

— Мен тезда қайтаман, ошна. Биз ҳали бирга бўламиз, уйга ҳам бирга қайтамиз, — дедим зўрға.

Машинада мендан бошқа тўртта аскар бор эди. Иккитаси сариқ билан оғриган, яна бири кўлтиқтаёққа суянган, оёғи танғирайиб шишиб кетганди. Тўртинчи аскар ўшам шамоллаган, деди. Мен унинг сил касалига дучор бўлганини сезиб турардим. Мендан сўрашганда, бошим гувиллайди, деб жавоб бердим. «Контузиямисан?» деди кўлтиқтаёқли. Худо асрасин, дедим, бироқ ички бир ваҳмдан титраб кетдим. Наҳотки? Кобулга етгунча контузия бўлганмикинман, деган ўй кемириб борди миямни.

Кобулда бизни касалликнинг турига қараб бўлимларга ажратишди. Кўлтиқтаёқлини Марказий касалхонага олиб кетишди, тўртовимиз эса юқумли хасталиклар госпиталида қолдик. Меми тўртинчи бўлимга жойладилар. Катта лейтенант бериб юборган хатни ҳамшира киздан бўлим бош врачига етказишни илтимос қилдим.

Касалларнинг кўкимтир кўйлак-иштонида ўзимни бош-кача сеза бошладим. Гўё ёш болага ўхшаб қолгандим. Палата кенг ва шинам эди. Олтита каравот қўйилганди. Мен дераза олдига жойлашдим. Хамшира оқ чойшаб олиб келиб, жой ҳозирлади. Уйқим келганди, бироқ хонадошларим билан яхшилаб танишиб олиш истаги кучайиб борарди менда. Эшикка яқин каравотда сариқ сочига мос юзлари кенг, қийиқ кўз, бўйни йўғон, бесўнақай гавдаси кўллари-нинг узунлигини ҳам яшириб турган йигит ёнбошлаб олиб мени кузатарди. У жудаям бақувват эди. Афтидан украин ё белорус бўлса керак. Ким билсин, балки ўрисдир. Хар-холда палатадагилар ичида у ажралиб турарди. Мен унга ўзимча «Йўғон бўйин» деб ном қўйдим. Бошқалар ўзим каби ирик-чирик аскарлар эди. Йўғон бўйин атрофга бепи-сандлик билан боқар, шу ерда ҳам ўзига бино қўйгани сезилиб турарди. У госпитал кийимини ҳам торайтиб тикиб олган, бошқаларникидай иштон-кўйлаги қулғили тарзда хил-пираган, кенг эмасди. Пегадир у касал одамга сираям ўхшамас, бошқа аскарларни ёнига чақириб уни қил, бунни қил, деб иш буюрарди. Кимнидир сувга юборди, яна би-ровни ошхонада овқат қачон тайёр бўлишини билиб келиш учун жўнатди. Хатто бурчакдаги каравотга қўлидаги гу-гурт қутисини отиб, ухлаётган беморни уйғотди. Аскар чўчиб ўрнидан туриб, «йўғон бўйин»нинг олдига югуриб келди.

— Эшитаман.

— Дембиллар¹ кўшигини айт...

— ...

Аскар уйга кетадиганлар тўқиган, беҳаё сўзлар кори-шиқ кўшиқни айта бошлади. «Йўғон бўйин» ёнбошлаган кўйи хиришлар эди:

— Етади, бор ухла!

Аскар афтидан олти ой хизмат қилган эди. Лекин мен Афғонда хали «қариялик» ҳукми мавжудлигини билмас экашман. Бизнинг қисмда бунчаликка боришмайди. Уруш-га тез-тез чиқиб туришимиз боис хаммамиз бир ота-она болаларидек кадрдонлашиб кетгандик. Кўп хизмат қил-ганлар анчагина босиқ бўлиб қолишганди. Хуллас, аскар аскарнинг ҳурматини жойига қўярди. Бу ерда эса... Мен анави олифтаннинг жангга чиқиб, рухий дунёси озор топ-ганига, ўлим билан рўбарў келганига, бир лахза бўлса-да,

¹ Ҳарбийдан бўшатилувчилар.

инсоний кадр-қиммат учун қон ютиб йиғлаганига ишонмасдим. Кўзимга балодай кўрина бошлади у.

— Тўхта!.. -- қичқирди у эндигина каравотига ечиниб, чойшабни кўтараётган ҳалиги аскарга, — бу ёкка кел!!!

Аскарнинг кўзларидан мунг тошар, бошини қуйи солиб эшик томон борарди.

· Мен қачон уйга кетаман?

· Уч ярим ойдан озроқ, яъни бир юз ўн икки куну... — у соат ва дақиқаларни ҳам тўлик айтди.

«Йўвон бўйин»нинг бир ярим йил хизмат қилгани, у госпиталнинг «шеф»и эканлигини билиб олдим. Менинг нафсониятим кўзиди. Агар бизнинг ротадаги ёш аскарга шундай қилганинда, онангни кўрардинг, дарров манглайингда қизил гул очиларди... Уйқум қочиб, каравотга чўзилдим, очиги, қаерга тушиб қолганимни тасаввур қилолмасдим. Наҳотки, шу палатада жангчилар ётишган бўлса? Бошимнинг сувиллаши зўрайиб борарди. Тик этган товуш қулоғимга ёкмасди. Аскарлардан бири чўккалаб, пол артарди. Зарил келганикин, бемор холига? Бу ерда бор-йўни икки соат мобайнида ҳамма нарса телба-тескарисига содир бўлаётганлигини хис қилдим. Агар даволайдиган госпитали шу бўлса, бир кун ҳам туролмасам керак: манавилар қандай чидаялтийкин? Ё урушга чиққандан кўра шундай яшаш авломикин улар учун. Йўф-е...

Палатага ҳамшира киз кириб келди, мени бош врач чақираётганини айтди. Мен унинг ортидан эрташиб, коридор бўйлаб юрдим. Чап қўлдаги эшиклардан бирига кирдик... Аллақандай қоғозларга тикилиб ўтирган кичик жусса корейс майор менга синчковлик билан тикилди. Бондан-оёқ бироз разм солди.

· Хўш, жангчи, ахволлар қалай?.. Чорикорда жасорат кўрсатибсан. Яхши, яхши... Хафа бўлма, тезда соғайиб кетасан... Хозир ўзингни қандай тутаялсан, тузукмисан? — У кетма-кет савол берар, гапиршимни ҳам қутмай улаб кетарди.

-- Ёмонмас, бироз қулоғим... -- дедим.

Қайнурма, бу жудаям кўрқинчли эмас... Керакли дори-дармонлар оласан... Аня, — деди у ҳамширага карата, жангчидан текширувга қон олинг, эрталабга тайёр бўлсин.

Мен чиқиб кетаётганимда, бош врач, «ўзим сен билан тез-тез хабарлашаман, нима камчилик бўлса айтиб тур», деди меҳрибонлик билан.

Палатага киришим билан бемор аскарлар тинчиб қолишди. Ҳаммаси менга қараб туришарди. Охиста чўзилдим жойимга. Ҳамшира дори бериб кетди. Иссиғимни ўлчади, кечкурун яна хабарлашажагини айтди.

Бир кунни амаллаб ўтказдим. Тун бўйи ҳалиги қилтириқ аскар Игнатъев уйга кетувчилар кўшигини айтиб, Гаврилов пол ювиб чиқди. «Йўғон бўйин» ва тагин иккита аскар карта ўйнашини канда қилмади. Фақатгина мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Бироргаси, исминг ким, қаерликсан ёхуд қайси полкдан келдинг, деб ҳам сўрамади. Эрталаб ҳамшира қиз ҳол сўраб кирди. Менга ҳар қанақа муолажа ўрнига фақат тинчлик, осойишталик хаводек зарур эди.

— Тузукмисиз, жангчи? -- ҳамширанинг овози кечагидан ёқимли эди.

— Чидаса бўлади, — дедим мен, — иложи бўлса — тинчроқ палатага ўтсам.

Палатадагилар Андрей деб гиргиттон бўлаётган «йўғон бўйин» киноя билан хуштак тортиб бошини чайқади.

Аня, бизларни ҳам алоҳида, махсус хоналарга жойласанг-чи, кесатикли оҳангда гап қотди бурчаклаги караватда оёқларини чалиштириб чалқанча ётган аскар.

Мен унинг атайини, мазах қилиб сўзлаётганини пайқадим. Палатадагилар Андрей ва унинг измида, яъни улар «хўжайин», бошқалар иккаласига қарам эди, назаримда.

Аня чиқиб кетгач, қилтириқ аскар ёнимга келиб, наша сўради. Мен чекмайман, умуман, чўнтагимда олиб юрмайман, дедим.

— Афғонга келганингга қанча бўлди? — дея ундан сўрадим.

— Уч ой. Нима сен, наша чекмоқчимсан?

Йўқ, Андрей сўраяпти.

Мен ётган жойимда Андрейга қарадим. У «Беломорканал» тамақисини тушираётганди. Бўшаб қолган папирос қовозга тамақи аралаш наша эзиндисини сола бошлади. У бу ишни шунчалик тез ва усталик билан бажарардики, асти қўяверасиз. Зум ўтмай папирос тайёр бўлди. Андрей бояги кесатикли гап қилган аскар билан ташқарига чиқиб кетди. Гаврилов яна этик олдида чўнқайиб пол артишга тушди. Менинг унга раҳмим келди.

— Гаврилов, бу ёққа кел, — дея чақирдим уни.

У остонада тик турган кўйини, менга ажабсиниб қаради.

Негаки, бу палатада Андрейдан бошқа уни ҳеч ким бунақа оҳангда чакиролмас эди, нимаки иш буюрса фақатгина Андрей хаклидай эди. Гўё Гаврилов, менга бирор юмуш буюради, деб ўйлади шекилли, тош қотиб тураверди.

— Ке, дўстим, гап бор, -- қайтардим мен.

Гаврилов тепамда нурсиз кўзларини ерга қадаб турар, «менда нима ишинг бор», дегандай бош эгиб олганди. Қаршимда инсоний хис-туйғуларига нимадир чап солган, ўз кадру қимматини унутиб қўйган ўн тўққиз ёшли йигит эмас, эс-ақлидан жудо бир одамсифат махлук турарди. Мен бу одамнинг бизникидай исми, шарифи, юраги, кўзлари борлигига, кўнгли дунёси ҳам вайрон бўлмаган, бироқ таёқлар зарбига бардон беролмай, кўрқув туйғусига вақтинчалик маҳкум бўлганига ишонч ҳосил қилдим. Юраги безиллаб қолган бу ўғлоннинг иродасини бу ерда икки-уч мунгумзўр сиңдириб бўлгани алам қиларди.

Гаврилов, бор, дамингни ол. Сен палатанинг фахрий фаррошлигидан бугундан бошлаб озодсан!

Гаврилов безрайиб тураверди.

— Нима бало, гапимни тушунмадингми? Латгани ташла, жойингга бориб ёт!

Буйрук оҳангини итоаткорона қабул қилишга аллақачон кўникиб бўлган Гаврилов каравотига бориб ўтирди. У хар қандай одамнинг раҳмини келтирадиган даражада нимжон ва ориқ эди. Унинг эзгин ҳолатидан кўнглим бузилди. Палатадагиларнинг бари, буёғи қандок бўлар экан, деган маънода мум тишлаб ўтиришар эди. Улар Андрей ва бояги киноячи аскарни кутишмоқда эди.

Хаял ўтмай иккови олдинма-қейин кириб келишди. Андрей ўз жойига чўзилар экан, Игнатьевга кўшиқ куйлашни буюрди. Игнатьев ҳам шуни кутиб тургандек «чирк-чирк...» деган бепарда кўшиқни бошлаб юборди. Кейин Андрейнинг хизмат муддати тугашига қанча вақт қолганини ойу қун, соату дақиқаларигача айтиб берди.

— Бугун бизнинг палатадан бўлимга навбатчи туриши керак. Кимнинг гапи келди?.. Бундай ўйлаб қарасам, оиламизнинг янги аъзоси бир хизмат қилсалар, чакки бўлмас экан.

Андрей менга шаъма қилаётган эди. Мен очиви бунақанги буйрукни кутмаган эдим. Қоним қайнаб кетди. Охири нима бўларкан, деб тишимни тишимга қўйиб ётдим.

Кечкурун биллагига латта бовлаган эски навбатчи бўлин-
мамиз остонасига бориб, тушги қоровулликни қабул қили-
шимни айтиб чиқиб кетди. Андрей ётган жойида, кизарган
кўзлари еб кўйгудек бўлиб, менга қаради. Мен, нега энди
аллақаердаги кимсанинг танини олишим керак экан, деб
ўйладим. Хўш, Андрей ким бўлибди? Ёки мени ҳам мана-
вилар каби кўзидан ўтини оламан, деб ўйлаётими? Йўқ,
ошма! Мен бу ерга сенинг шармандали ўйинларингга чи-
дайвераман, деб келмаганман. Сен билмасанг, мен ўз қад-
римни биламан. Қолаверса, менга буйруқ беришга сираям
ҳақкинг йўқ... Хаёлимдан шуларни ўтказиб ётарканман,
Андрейнинг тўнғиллагани баттар ғашимни келтирди.

- Эй, сен бориб навбатчини алмашгир. Кутиб қол-
ди, — деди у менга қарата сўзларини чўзиб-чўзиб.

Нима?

-- Сен навбатчисан!

-- Нимаааа?

Сен бу кеча навбатчисан, кармисан, нима бало?

- Менинг навбатчилик қилишим кераклигини сенга
ким айтди? — дедим бепарволикка тиришиб.

Андрей ётган жойидан бир сапчиб турди ва ғоз ўтириш
қилиб, кўлларини сонига қўйди. Вазохатини сездирмаслик
учун гап оҳангини пастлатди.

- Мен айтдим.

— Сен кимсан ўзи?

— Эй, шундай де, зўрсан-ку! Демак, навбатчи бўлма-
сан?

-- Керак бўлса навбатчиликка ўзинг тур. Мени Гаври-
лов деб ўйлаялсанми?

— Эй ўзбек, бас қил, -- деди Андрей билан бирга
наша чекиб келган аскар.

Бошқалар нафас югиб ўтирардилар.

— Охирги марта сўраялман, турмайсанми, казёл.

-- Ғанимни эпитгандирсан, казёл!

— Владик, эсини киритиб қўйиш керакка ўхшайди, —
улар мен томонга юршиди.

Бошқалар жим эди. Бошқалар йўқдек эди, гўё.

Мен қад ростлаб турганим ҳамоно кўкрагимга тушган
кучли мушт зарбидан каравотга ўтириб қолдим. Қулоқла-
рим том битиб, оғзимда тахир таъм туйдим. Еру осмон
чаплашиб кетган эди. Мен зўрға турдим ва йиқилиб кет-
маслик учун каравотни ушлаб олдим. Учинчи бор белимга

тепки тушди. Каравот силтаниб кетди. Бас қилинглар, дедим шикиллаб.

Қалайсан, босмачи, навбагчиликка энди турарсан?

– Бас қилинглар, – дедим ва каравот теңасидаги ушлагични суғуриб олдим. Андрей ва унинг шериги кўзимга балодек кўринарди. Темирни кўтариб уларга ташландим. Менинг ажирам отлангани шу эди. Бор куч билан Андрейнинг белига туширдим. У ихраганча гупуллаб кулади. Владик кутилмаган хамла энди ўзига аталганини сезиб «кўлингидagini ташла, жиннимисан!» дея орқаси билан эшик томон юра бошлади. У қочиб чиқмоқчи эди.

– Қонингни ичаман, – дедим унга хансираб.

Владикнинг ранги оқариб кетганди. Эшикка икки-уч қадам қолганда темир билан бошига туширдим. У чинқириб ташқарига отланди. Каравотим ёнида биқинини ушлаган кўйи Андрей қотиб турарди.

– Энди сени қонингни тўкаман, итвачча!

Мен кўлимдаги темирни маҳкам ушлаб олгандим.

У орқага чекина бошлади. Кўрққанидан «керак эмас, ташла темирни!» дея жаврарди.

Бугун сени қонингни тўкишим шарт, ифлос! – дедим мен.

Очиги, нималар қилаётганимни англай олмас эдим.

Андрейни ўлдириб қўйишим ҳеч гап эмасди. Жон-жаҳдим билан тағин белини мўлжаллаб урмоқчи эдим, у чап бериб қолди, ўзимни ўнглаганимча эса узоклашиб бўлган Андрей эшикка қараб югурди. Мен кўзим тиниб каравотимга зўрға етдим. Негадир аъзойи-баданам дағ-дағ титрарди. Иситмам чиқаётган эди. Аммо юрагимда заррача кўрқув йўқ, эди, балки анавиларни хуморимдан чиқиб калтаклаганимга кўнглим жойига тушгандир. Уёғи нима бўларкин, деб ёғишдан бошқа иложим йўқ эди.

Палата жим-жит, қолганларнинг забони йўқ эди гўё. Бу сукутни Гавриловнинг оёқ товуши бузди.

– Ҳозирок деразадан ташқарига чиқиб кет. Йўқса улар бошқа палаталардан юртдошларини олиб келишади. Сени майиб қилиб қўйишади.

Мен Гавриловга ҳечқиси йўқ, дегандай қўл силтадим. Буларнинг олдида мард бўлиб охиригача туриб беришим кераклигини, қочган кўрқоқлик эканини ҳис қилгандим. Гавриловга яқинроқ келиш учун имладим. У мен томонга бироз энкайди.

Бу ерда қандай қилиб болга топсам бўлади, секингина, бошқаларга эшигмайдиغان қилиб сўрадим. Гаврилов сесканиб тушди.

— Қўрқма, ҳеч кимни чопмайман. Анави ифлосларни кўрқитиб қўймоқчиман.

Мен, бу кеча, албатта, улар ўчини олишди деган хаёлга бордим. Гавриловнинг айтишича, госпитал ёнбошидаги қисмга қарашли хаммом ўтхонасидан болта тошини мумкин экан. Қисм ва госпитал ораси ўн бели-ўн қадам келарди. Чиндан ҳам ўтхонада олов ёнар, бурчакла, қундалар орасида болталар ётарди. Мен кичкинасини кўринмайдиغان қилиб қўйинимга солдим ва палатага келиб келдим. Билин-тирмай ёстигим остига қўйдим ва хавотир билан қараб турган Гавриловга кўз қисдим. У тушунди...

Мен Андрей билан Владикнинг келишини кутиб ётдим. Қоронғу тушиб бўлди ҳамки, мени халиги эски навбатчи сўраб келмади. Орадан икки соатлар ўтгач, палата эшиги очилиб, тасур-тусур қилиб тўртга ўрис кириб келди. Мен уларни каравотда ёнбошлаб қузатардим. Ортидан Андрей ва Владик кирди. Владикнинг ўнг кабови шишиб кетган, қонни ювиб ташлаган чоғи, кўк ястаги ёқалари нам эди. Тўртгови ҳам менга яқинлаша бошлади. Беихтиёр ўршимдан туриб кетдим. Госпиталдан тузалиш ўрнига, ўлигим чиқади шекилли, деган ўйга бордим. Барибир уларга иложим етмаслиги, ўртада қоптоқ бўлишим аниқ эди. Ёстик тагидан шахд билан болтани олиб каравот ёнига ўтдим.

— Қани, битта-биттадан келинлар. Шошиланглар, ҳаммангни чопиб ташлайман, — дедим кескин оҳангда.

Улар қаловланиб қолишди. Болта кўтариб пешвоз чиқишимни кутишмаган шекилли, такқа тўхташди. Ҳаммасининг кўзи менда эди. Андрей эшик туткичидан маҳкам ушлаб олган, Владик каравотга суяниб қўли билан шишган қовоғини ушлаб ўтирарди. Улар маънави тўртталаси менинг таъзиримни беришларига роса ишонганди. Бироқ ҳаммага жон керак. Бир зум қотиб қолишди. Мен ўнбайроқ бўлиши учун ўнг қўлим билан болта сопининг учидан ушлаб бир-икки хаволатиб қўйдим.

— Қасам ичаман, бирортангни чопиб ташламагунча тинчимайман, — дедим ғазаб билан, — қани, яқинроқ келинлар.

Ха, эй ўзбек, ўзингни бос, юртдош, нима кераги бор шунча ғағғони, — деди улардан бири синолик билан. У афтидан чўчиб турарди.

— Хўш, нима демокчисан...

— Яхшиси келишайлик, тентаклик қилма...

Нимани келишасан...

— Бор-йўғи бир йил хизмат қилибсан-ку? Бу кеча навбатчилик қил. Ахир, ҳамма жойда ёш аскарлар хизматда бўлишади, қолаверса бу сен учун зарурат.

— Нега энди сен дам олиб, мен навбатчи бўларканман.

— Менчалик хизмат қилсанг, сен ҳам дам оласан.

— Бор гапинг шуми? Биринчидан, сенларга малай тутишмайман. Иккинчидан, касалман, асабим ёмон... Яхшиси, кетинглар...

— Майли ётсин, — деди улардан бири, — эргалаб гаплашамиз.

Улар билан Андрей ва Владик ҳам чиқиб кетди. Мен болтани бошимга қўйиб ухламоқчи бўлдим. Бошқалар гўёки ҳеч нарсани эшитмаётгандай, жим эди. Ёнимга биргина Гаврилов келди. Палатада ҳокимият қулаганидан анча саросимага тушиб қолганди у. Гаврилов билан кечки ўн иккиларгача гаплашиб ўтирдик. У Москва шаҳридан бўлиб, севган қизи, иккита синглиси бор эди. Отаси заводда ишлар экан. Онаси — уй бекаси. Институтга кириши учун бир балл етмай қолибди. Эсон-осон борсам, албатта, ўқишга кираман, деди у. Гавриловнинг айтишича, бўлимда врач билан келинса бўлар экан, яъни бош врачга пул беришадиди-да, қисмига қайтмай шу ерда юраверишади. Айримлар шу ердан уйга қайтар экан. Гавриловга ўхшаган тўрт-бешта «кичик ияклар» эса палаталарда, тозаликни саклаш, бўлимнинг майда-чуйда юмушларини бажариш учун жудаям зарур. Агар ёш аскарнинг бўйни бўш чиқиб қолса, то хизмати тугагунча шу ерда қолиши мумкин эди. Касаллик варақасига бошлаб, яроқсиз деб ёзишлари кифоя. Жангда ўлимга дуч келавериндан кўра шу ерда димиқиб яшашни аъло билгувчиларнинг топилишига шубҳа қилмасдим. Бу беҳуда урушда ҳар қандай қинғирликлар содир бўлишига яна бир қарра ишондим. Урушнинг табиати шундай, унда иштирок этувчилар ўз инсоний қиёфасидан аллақачон маҳрум бўлиб улгурадилар.

Бошимнинг гувиллаши баттар қўзили. Миямда ковоқарилар уя қуриб олгандай эди. Бошимни кўрпа тагига қанчалик буркамай, бефойда эди. Ковоқарилар бири қўйиб, бири учишни қанда қилмасди. Ковоқарининг учиши гоҳо, мия томирларимни кимнингдир арралаши билан алмашарди.

Мен баттар азоб тортардим, бир лахзагина ором истардим, бироқ, мия томирим қалинлашаверар, арранинг фирфирлаши эса сираям тинмасди.

Хамширадан дори сўраш мақсадида коридорга чиқдим. Хаммаёқ сув селгандай жимжит эди. Коридор ўртасида дам олиш жойи бўлиб, диванлар қўйилган, телевизор ўрнатилганди. Дам олиш жойида кейинги, ичкарисидан парда тортилган ойнаванд эшик хамширанинг ётоғи эди. Мен эшикни тақиллатдим. Хеч қанақа жавоб бўлмади. Ухлаётгандир, деган ўй билан эшикни яна тақиллатдим. Ичкаридаги гоҳ хансираган овоз, гоҳ шивир-шивир бемалол эшитилиб турарди. Мен қизиксиниб пардалар туташган тиркиш орқали ичкарига мўраладим. Каравотда икки тана бири-бирига қапишиб ҳаракатланар, аёл кишининг кайф билан инграши яққол қулоқка чалинарди. Улар дунёнинг жамики айшу ишратлари устидан волиб келганликларини нишонламоқда эдилар. Мен суқ билан қарашни ўзимга эн кўрмасам-да, ичкарида содир бўлаётган холдан ич-ичимга гайритабиий титроқ кирди. Афсуски, бу лаззат бошқага, келиб-келиб Андрейга насиб қилганидан ёнардим. «Энағарди, майиб қилиб ташласам бўларкан...»

Эрталаб хамшира қиз дори келтирди. У кўзимга чўф бўлиб кўринса-да, кечаги кунни Андрей билан ўтказгани вижинимни келтирди. Саломига ҳам индамай қўя қолдим. Гавриловнинг айтишича, Андрей унга «Панасоник» маркали магнитофон ва япон рўмоли совға қилибди. Деярли ҳар кеча айшу ишрат сураркан... Аня бўлимдаги бошқа бемор аскарларининг ҳам кўнглини овлайди. Бир кечага 50 чек берсанг етади, деди Гаврилов. Мен хамма билан ётаверадими, дегандим, у бир ярим-икки йил хизмат қилган аскарларни ёктиради, дея жавоб қилди. Госпитал баттар таъбимни тирриқ этди. Тушга яқин бош врачга «менга жавоб беринг, қисмга қайтаман...» деб туриб олдим.

Хали тузалиб кетмагансан, деди у.

Хечқиси йўқ. Қисмда яхши. Барибир госпиталда даволана олмайман...

Бош врач Аняга икки соат ичида ҳарбий кийим келтириб, керакли қовоз ва ҳужжатларимни тўғрилаб беришни тайинлади.

Мен палатада Гаврилов билан хайрлашдим. Андрей ва Владик бурчакда карта ўйнашарди. Бошқалар жим эди...

Кенг, ёруғ ташқари тобора кенгаймоқда эди. Қисмдагилар олдиға қайтаётганимдан кўнглимдаги хижиллик тарқаб борарди.

Х

Чорикорда иккала қузатув нуқтамиз кийин ахволда қолганлиги хақида хабар келди. Душман кеча-кундуз тинчлик бермаётган экан. Қузатув нуқталарини қайси йўл билан бўлмасин кўчириш керак эди.

Қузатув нуқталари Чорикорнинг ичкарасида жойлашган, ҳар бирида 10 чоғли аскар, БМП ва танк муҳофаада турарди. Аммо Чорикордай ажалнинг уясида бу ҳеч нарса эмасди. Негадир шу пайтгача қузатув нуқталарини эгаллаб олишмагани мени хайратга соларди. Негаки у ердан бутун бошли армия керагича совға билан сандираклаб чиқарди. Шу боис ҳам полкда «Чорикордаги нуқталар ва аскарларимизга душман тегмайди. Улар дўстлашиб олишган», деган гаплар юрарди. Очигини айтганда, мен бунига ишонардим. Олдинги гап Чорикорга кирганимизда, химояда турувчи таниш аскар «бизнинг олдимизга духлар тез-тез ташириф буюрадилар...» деганди. Мен сизларга тегмайдими, деганимда: «Содда экансан, агар қасдлашишса, бир кундаёқ йўқ қилиб ташлайдилар, у-бу нарса бериб турамиз», деб жавоб қайтарди. Мен бу урушда нималар содир бўлаётганини оғриниб хис этгандим. Умуман, инсон ҳаёти, ўй-орзулари кимнингдир қўлида ўйин-юк бўлаётганини англаётганинг сайин юрагингда нишлаётган чексиз нафрат туйғуси ич-этингни сиркиратиб емирарди. Бу биргина менинг ҳаётим, ўй-орзуларимнинг увол бўлиши эмас, балки миллионлаб кишилар тақдирининг ёвузлик қомида топталиши, орзу-армонларининг чилпарчин қилиниши эди. Йигирманчи аср юзига оёқ қўйилиши — тарих саҳифасига қора ранг чапланиши эди. Кейинчалик бу доғ бесанок кўнгилларда мангу бўлиб қолишини ўша захотиёқ пайқаш имконида эмаслигини қарахту лол бўлиб қурол тутганлар, одам ўлдирганлар яхши билишади. Урушда одамий қиёфада бўлмайсан, ҳаммаси тутагачгина сен ҳам инсон эканлигинг, ҳақоратланганинг ёдинга тушади. Хотира азоби, деган бир оғир дард ҳаётингнинг энг сўнгги лахзаларигача сенга азоб бераверади, англайсанки, уруш доимо ғалаба қилиб келган, урушда қатнашганларнинг бари маълум бўлиб дунёдан кўз юмадилар...

Душманнинг Чорикордаги кузатув нуқталаримизга шуни-ча пайт талофат етказмай, қўққисдан ҳужум қилиб қолиши қисм аскарларининг ҳам баҳсу мунозарасига сабаб бўлмоқда эди. Ҳақиқатан ҳам душман Шўро армияси кузатув нуқталари ўрнашган жойларни олдиндан билмасмиди? Мен агар душман ҳужум қилса, бир кечадаёқ уларни дабдала қилиб ташлайди, деб ўйлардим. Ҳарқалай кузатув нуқтасидагилар духлар билан келишиб кун кўраётганига ҳам шубҳа қилмасдим. Ҳозиргача индамабдими, демак шафқат қилишибди. Кузатув нуқталарини кўчиришдан бошқа илож йўқ...

Чорикорга жангга чиқишимиз тайин бўлгач, мен каби ротадошларда ҳам ички бир норозилик пайдо бўлган эди. Бу ўкинчга ўхшаш ботиний изтироб уларнинг юз-кўзларига соя ташлаганди. Мен паркда БМП-2нинг отув миля ва снаряд ленталарини хар галгидан яхшироқ қилиб тозаладим. Хар эҳтимолга қарши ўқ-дори бўлмасига тўрт яшик Ф-1 гранатасини солиб қўйдим. Пулемёт учун 7,62 маркали олти қути ўқ олдим. Снарядлар етарли эди.

Чиқиш тунги соат учга мўлжалланган эди. Техника паркидан юмушларини бажариб келгач, механик ва операторлар кечки овқатдан кейин, уйқуга ҳозирлик кўришди. Пиёда аскарлар жанг тўрвасини тайёрлаш билан банд эдилар. Бундай пайт казарма ичи худди бозорга ўхшаб кетади. Ҳамма нарса очилиб-сочилиб ётади. Ҳали у етишмайди, хали бу. Кимдир бошқа аскарнинг хандақкурагини ўзининг тўрвасига урса, бошқаси кимнингдир ўқдонини ўғирлаб олади. Хуллас, то зобитлар текшируви бошлангунга қадар хар бир аскарнинг жанг тўрвасида учтадан сувдон, олтидан зиёд ўқдон, резина сув идиш, учта қизил, кўк ранг хабармушак, оловмушак, дудмушак, ўқ-дори, учтадан Ф-1 ва РГД-5 гранатаси ҳамда ичига жангчининг исми-фамилияси ва уй адреси, қурол номери ёзиблик қоғозча солинган иккита 5,45 диаметрли автомат гилзаси бўлиши шарт эди. Жангда бу нарсалар аскар учун ҳаводек зарур.

Тақир-туқурдан, аскарларнинг бакирик-чақиривидан уйқум келмас эди. Атайин кўзимни юмиб кўрдим, бироқ хаёл мени ўз йўриғига бошлади. Ёнимдаги каравотда ётган Ринатга қарайдим, у ҳам ухламабди. Олдида содир бўладиган жангни ўйлаб юрагим ўйнарди. Кўнглим ғашлигидан холсизланиб борардим. Дунё зимистон, кўнглимга чирок ёқса ёришмасди. Мен тагин Ринатга ўгирилдим. У нималарни-

дир хаёл суриб ётарди. Ринат ҳам, мен ҳам, бошқалар ҳам кўрқаётгандилар. Хамманинг танаси бейхтиёр ҳаракат қилар, руҳан кўркинч лашқари тузоғида тўлғонларди. Чунки, эртага кимларнидир ўлим кутаяпти. Кимлардир, албатта, ўлиши керак! Қови тўкилиши шарт. Бу -- урушнинг лаънати қонуни. Кимларгадир дилга азоб бахшида этгувчи манави ёғоч казармани кўриш ҳам индинга насиб қилмайди. Кимларнингдир кўзлари мангуга юмилади. Хаммамиз ўзимизни ўша КИМЛАРНИНГДИР орасида хис этардик. Гўё эртага кунимиз битадигандек. Омон қайтишинг учун ҳам ҳеч ким қафолат беролмасди. Ўша КИМЛАРДИР мен эдим, Ринат эди. Хаммамиз эдик.

Аъзойи-тазим бўшашиб кетди. Ич-эгимда нимадир қирлаётган эди. Мени кўркув, беҳуда ўлиб кетиш ўйи кемирмоқда эди. Зўрга ёстигим тағидаги суралар ёзилган дафтарни олдим. Ўқисам, бироз енгиллик хис қиладигандек эдим. Менга бу дафтарни Салангга борганимизда, отаси самарқандлик ўтган ўзбек кишиси тортиқ қилганди. У одамнинг «сизни шўрави хароб қилди, ота юртии ғайридинга талатмоқ увол», деган гаплари жаранглади кулоғимда. Мен мусулмонмисан, деган сўров олдида айтилиши фарз бўлган сурани ўқидим. Ўзимча хилу хешим, етти пуштим, азиз-авлиёларга тиловат қилдим. Эй, худо шу ерларда ўлиб кетмайин. Худо йўлига айтган, бойлаганларим бор... Насиб этса, эна ҳовлида қурбонликлар қиламан... Униб-ўсган кишлоғим нақадар олисларда қолганидан юрак-бағрим ўртаниб кетди. Кўз ўнгимда тағии бировнинг ҳовлисида паҳса девор тиклаётган отам пайдо бўлди. Сурхоннинг аффондагидай иссиғида оилам хору зор бўлмасин, деб бировларнинг юмушини бажараётган отам, айни дамда мени эслаётган бўлсалар керак. Олов кечиб юрган ўғлининг бошидан нималар ўтаётгани ҳақида қайғуриб ўйлагани сайин эгик қалди баттар эгилиб қолгандир. Ё раббим! Отамга раҳминг келсин. Менинг ортимдан қонлар ютиб, бўзлаб қолишини истамайман. Омон борсам, олти укамнинг бошқалардан кам бўлмаслиги учун ҳам отамга ёрдам бераман. Девор деса, девор урамиз, устачилик деса, устачилик қиламиз, ишқилиб мудом кўмак берамиз. Шунда энам менинг ҳам катта одам бўлиб қолганимга ишонади. Фақат ўлиб кетмай! Укаларимнинг кўзлари жавдираб қолмасин. Нима гуноҳи бор уларнинг? Акасида ажралган гўдакларнинг кўз ёшлари бу урушни бошлаганларнинг кўзини кўр қилса эди...

Ринат ётган томонга тагин ўтирилиб қарадим. У юкорига термилган кўйи хаёл сурарди.

— Ринат...

— Ҳа... — у ялт этиб қаради.

— Ошхонадан озиқ-овқат олиб, машинага кўйиб келсак бўларкан.

— Ҳеч нарса ёқмаяпти.

Балки уч-тўрт кун қолиб кетармиз Чорикорда. Тагин ошпазлардан жиллақурса гўшт, сабзи-пиёз олайлик.

— Чорикор сенга бошқа жой бўлса эканки, бемалол ўтириб овқат пишираверсанг.

— Менимча, бу сафар ҳам оладиганимизни олиб қайтсак керак. Айтишларича, биз кўчиришимиз зарур нуқталар анча ичкарига жойлашган экан.

— Ҳаммасига ўзимизникилар айбдор. У ердаги аскарлар ё тинч аҳолига ўқ отишган ё бирор бемаънилик қилишган...

— Қизик, шу пайтгача нуқтадагилар отишмасиз яшаётган эди.

— Улар душманга товон тўлаб келишарди. Чорикорда сену менга отилган миналар, пулемёт ўқларининг ҳаммаси ҳам Покистондан келтирилган деб ўйлайсанми?

— Буни яхши биламан.

— Билсанг, ошнам, бу сафар лаънатилар ё танк ё БМП сўрашган бўлиши мумкин. Нуқтадагиларнинг эса бундан эҳсонаси чиқиб кетган...

— Кўйсанг-чи...

— Боя паркда рота техниги шундай деди. Агар кузатув нуқтасидаги аскарларимиздан бирортасини қўлга туширишса борми, омон қайтишлари эвазига бир эмас, иккита танк сўрашлари мумкин.

— Сен душманни танкларимиз эвазига асирга тушганларни алмаштиришига ишонасанми?

— Биласанми, чорикордагилар учун техника жудаям зарур.

— Тоғлик эмасда у жой.

— Энди ўзингга келдинг... Бизга ўхшаб уларга минглаб техникаларнинг хожати йўқ. Иккита-учта БМП билан бутун бошли армияни эшлайдилар...

Ринат ётган жойида сигарет тутатди. У оғир-оғир, босиб-босиб тортарди. Қазармада эса жонлари қўрқув талвасида қолган, ихтиёрсиз, лекин вужудлари ҳаракатланаётган кимсалар ёғирларди.

Полк кишлокни оралаб кетди. Кузатув нуқталари жойланган томонга қаратилган техникалар кишлок аҳлининг кўзига балодай кўринаётгани тайин эди. Биз Чорикорга қарашли кишлокда турардик. Олдинда куюқ дарахтлар билан ястанган ям-яшил водий кўриниб турарди. Бу жанггоҳ эди. Ундан омон-эсон чиқишнинг эса ўзи бўлмасди.

Эрталабки нонуштани техникалар устида қилдик. Аскарларнинг фикри-зикри тўрт-беш чақирим нарида кўзга ташланиб турган яшил дунёда эди. Ҳаммамиз бирор тасодиф рўй бериб, орқага қайтишни жуда-жуда хохлаётгандик. Техникалар устида буйруқни кутаётган аскарларнинг ранг-рўйи кўрқув зўридан сарғайиб кетган, бироқ ҳамма сиртига сув юктиргиси келмас, ҳар ким ўзини бефарқ қилиб кўрсатар, аммо кўзлар кўзларга тўқнашганда мунглилар зохир қароқлардан бир оғир дард, юракларнинг безовталигини англаш мумкин эди. Барчамизнинг суянчигимиз сигарет эди. Жангчиларнинг яшагиси келарди. Биз истакхохиши Ватан ниқобини кийган давр сиёсати қўлида эззиланаётган инўрпешоналар эдик, холос. Бизни шармандаларча алдадилар, руҳан мажруҳ қилиб ташладилар, энди билсам. Қисқаси, Кремлнинг гуноҳлари бўйи баробар юксалаётган эди. Негаки бу ёқларда эндигина оқ-қорани таниётган йигитлар қирилаётган эди, тириклар ҳам ўлиб бўлган эди.

Полк икки соат ўтди ҳамки, қимирламади. Барибир содир бўлиши муқаррар даҳшатни кутаётганинда юрак зўрикади, асаблар зириллаб оғрий бошлайди. Қизик — инсон қувончга ҳам, мусибатга ҳам бирдай ошиқар экан.

Мен Ринатга «Ҳали-вери кирмасак керак, бирор егулик қиздирмаймизми», дедим. Биз гўштли консервани очиб, қиздирдик. Овқатлангач, яна сигарет тутатдим. Ринат механик бўлмасига тушиб уйқуга кетди. Кўп ўтмай, устига карнай ўрнатилган БТР сафбошига қараб юрди. Унда кўзойнакли, сочи елкасига тушадиган фуқаро кийимидаги икки киши, бир полковник ва тўрт аскар бор эди. БТР Шўро элчихонасидан келган бўлса керак. Икки-уч дақиқадан сўнг карнай орқали душманга қарата мурожаат янгради. Унда қандай гаплар айтилганини билмасак-да, ҳарҳолда, тинч ва дўстона муносабатда бўлишга, беҳуда қон тўкмасликка даъват этилаётганини тушуниб турардик. Мурожаатнома элчихонадан магнитофонга ёзиб келинган эди. Тўрт маротаба қайтарилгач, карнай орқали Қуръони карим оятларидан ўқилди. Қандай бўлмасин душман базабини тушириш, сулҳ

тузишимиз шарт эди. Бир оз ўтгач, дарахтзор ичидан кетма-кет уч бор биз тарафга ўқ узилди. Ҳамма ўзини машиналар ортига урди. Бу душманнинг порозилик билдирганидан далолат эди. Рўнарадан миномётлар ишлаб, атрофимизга снаряд келиб туша бошлади. Сичконнинг ини минг танга бўлиб кетди. Энди дарахтзорга киришимиз, кирвинбарот бошланиши кафтдагидай аниқланди. Ҳозиргина афғонча жавраган карнай ўрисча кўшик куйлаб юборди. Бу айни пайтда бизнинг устимиздан яна бир карра мазах қилинаётганидан дарак эди. Биз «Жангчилар орден билан тақдирланурлар...» кўшиги остида жангга кираётган эдик. БМЦлар оғир силтанди, дилларда хавотир. Карнайда эса ҳам хазин, ҳам жарангли кўшик эшитиларди: «Баландлик... баландлик... Жангчилар орден билан тақдирланурлар...»

Ўн беш-йигирма қадамлар олдинда кетаётган танк минага тушиб портлади. Механикнинг шу заҳоти жони узилди. Экипаж аъзолари ярадор бўлишди. Тўрт-беш қадам нарида тагин танк портлади, сўнгра сапёрлар ротасига тегишли БТР минага тушди. Ҳали йигирма қадам юрмасдан шунча талофат кўрдик. Ҳаммаёқ миналаштирилган, ҳар қадамда ажал уруғи экилганди. Мен ички алоқада Ринатга эҳтиёт бўлиб юришни, олдиндаги машина изидан ярим қарич ҳам четга чиқмай бошқаришни қайта-қайта уқтириб борардим. Узумзор бошланиши билан отув милини настлатдим. Машина устидаги пиёдалар сакраб тушишди. Бизнинг взвод шу ерда қолиши ва олдинга разведкачилар кетиши керак эди. Биз бошқа техникаларни олдинга ўтказиб юбордик. Пиёдалар ўзларига хандак тайёрланди. Кузатув нукталарига етгунча ҳар икки юз-уч юз қадамда биттадан бўлинма қолдирилди. Мен атрофни яхшилаб кузатдим. Ичкарига кираётганларга қараганда унчалик хавфли бўлмаса-да, ён томондан ҳужум қилишлари мумкин эди. Техникалар узлуксиз минага тушаётганди. Қисмимиздаги танкчилар батальони кўп талафот кўрди. Тагин икки танк минага тушганини хабар қилишди. Устига-устак душман ичкарида биздан беш-олти чакирим нарида қаттиқ қаршилиқ кўрсатарди. Ҳатто олддаги танклар яқинига келиб, гранатомёт билан бемалол мўлжалга олишаётганди. Кузатув нукталаридан анча узоқда жойлашган бўлсак ҳам, шундок ёнимизга миномёт снарядлари туша бошлади. Ўнг тарафдан душман автоматдан ўқ узиб бош кўтартирмай қўйди. Мен автомат ишлаётган тарафга БМЦдан ўқ отдим. Душманлар мино-

мётлардан ота бошлади. Пиёдалардан бири оғир яраланди. У оғриқнинг зўридан дод-вой солар, дунёнинг бунчалик шовкин-сурони унинг даҳшати олдида ҳеч нарса эмасди. Мен алоқада комбатга хабар қилдим. У ярадорни тиббий қисм жойлашган ерга олиб чиқишни буюрди. Тиббий қисмда ярадорларнинг ҳисоби йўқ эди.

Яна ўз жойимизга кайтдик. Пиёдалар оғир аҳволда қолишганди. Бетиним тушаётган миномёт снарядлари шўрликларнинг ўтақасини ёриб юборар, ҳар вақиллаганда бари ерга қапишиб оларди. Мен эса кузатув ойнаси орқали снаряднинг қаерга келиб тушганини, темир парчалари аралаш чанг-тўзон хаволаганини кўриб турардим. Ўтаётган ҳар бир лаҳза мен учун кунлардан узунроқ туюлар, тезроқ чиқиб кетишимизни истардим.

Бир оздан сўнг душман уяси жойлашган томонга артиллерия ўт оча бошлади. Биз худди ракета янглиғ учаётган снарядларни осмонда бемалол кўриб турардик, улар мўлжалдаги жойга тушиши билан кучли портлаш эшитилар, дунёнинг бир томони ўпирилиб кетганга ўхшарди. Снарядлар қишлоқ томонга учар, жанг майдонидан анча нарига бориб тушарди. Душман албатта, қишлоқ ичкарасига чекиниши шарт эди. Негаки, анча талафотлар эвазига армиямиз Чорикорнинг ичкарасига кириб борганди. Аскар-ру техникаларнинг сон-саноғи йўқ эди, БМП-2 ва танк, БТР ва тошбақасимон «Саушка»лар дарахтзор ичра туриб қолган, ҳаракатланиши жуда мушкул эди. Артиллерия эса Чорикордаги қишлоқларни тинмай элақдан ўтказарди. Бизга кўринмас жойда қўним топган тўпчилар бўлинмаси ҳам ишга тушди. Тўплардан отилган снаряд қишлоқ тепасидан ўн-ўн беш қадам баландликда қуюқ тутун қолдириб портларди. Хуллас, неки тирик жон бўлса, шўрига шўрва қайнардди. Чорикорда гуноҳқору беғуноҳ одамларни аёвсиз қираётганимизни ҳар бир аскар билиб турарди, бу галги юришимиз чиндан ҳам даҳшатли эди. Артиллерия тингач, осмонда самолётларимиз учди. Дунёни ларзага солиб, ҳозиргина хонавайрон қилинган, ер билан битта бўлган қишлоқлар устидан тонналаб бомбалар ташланди. Ақл бовар қилиб бўлмас ҳолдаги қирғин-қиёмат бўлаётганди. Шу даҳшатли манзаранинг барини одамзод амалга ошираётгани тасаввурга сиемасди. Уруш инсоният ақлу идрокига бўйсунмай қолиши, унда ҳам ўзига яраша шаккоклик мавжудлигини англадим. Бу шаккоклик ер юзидаги жами фожияларнинг

энг улкани хамда энг мусибатлиси. Энг мусибатли деганимнинг сабаби шуки, урушда бир ёки ўнлаб эмас, юзлаб, минглаб, ўн минглаб одамларнинг ҳаёти бир лахзадаёқ интиҳо топади. Уруш учун инсон умрининг тугаши; тирклик булогининг қуриши ҳеч қачон фожиа саналмайди. Уруш – ўлмак демакдир. Одамлар ўз оёқлари билан унинг қаршисига борадилар-у, энди ўлишлари муқаррар эканлигини ҳис қилишгач, эсанкираб қоладилар. Бу ерда кишилар бир-бирининг бошига етмайдилар, аксинча уруш уларнинг ҳаётига зомин бўлади. Урушга сен қотилсан, дейиш аҳмоқликдир.

Чорикорда жанг бўларича бўлди. Бизникиларга нисбатан афғонлар ўн баравар кўпроқ қирилди. Қишлоқда бирор майса тик қолганига гумон қиламан. Ҳаммаёқни снряд бўлаклари кўмиб ташлаганди. Қишлоқ дарахтлар ортида, биз турган ердан анча нарида эди. Отишма анча сусая бошлади. Онда-сонда душман АҚМлари ишлаб қолар, ўша ёққа эса бизникилар танку БМП, БТР ва миномётлардан ўт очишга тушар, душман томонга ўк ёриларди. Дарахтлар ичкарасидаги сўқмоқдан бирин-кетин техникалар чиқиб кела бошлади. Олдинда разведкачилар бўлинмаси йўл бошлаган эди. Сўнгра шалаёи чиққан БМП ва танкларни судраган баҳайбат ва қудратли махсус таъмирловчи техникалар кўринди. Улар ичкаридан кўчирилаётган нуқталарга тегишли эски техникаларни судраб чиқинларди. Кузатув нуқтасида туравериш занглаб кетган, фақатгина отув мили ишлайдиган бу ҳарбий машиналарни бизнинг қисмда портлатиб ёки бирор тепаликдан қулатиб, акт тузиб қўя қолишарди. Энди улар афғон урушига яроқсиз эди. Мен техникаларнинг ҳар бирига диққат билан қарардим. Танк судраб чиқаётган навбатдаги БМП-2 кўзимга таниш учради. Юрагим ҳанқириб кетди. Дархол унинг ёнбошидаги рақамга қарардим. Олти юз ўн тўртинчи... Бу бизнинг ўша жангда, Чорикорда қолдириб чиққан машинамиз эди.

– Ринат, олти юз ўн тўртинчиси олиб чиқишмоқда, – дедим ички алоқада.

– Кўраяниман, ўзимизнинг қадрдон машинамиз, қара, кўзга қандай иссиқ кўринади.

– Олти марта тешилгандан кейин ҳам фойдаси текканига қойилман.

– Ҳарбий билетинг ҳам машинада қолиб кетганди, ҳозир бориб кўр.

– Эй, қўйсанг-чи, биз машинани ташлаб қочганимиздан сўнг душман ичкарини текшириб кўрган, танкчилар батальонидаги майор айтувди-ку, душман машинага чиқишга улгурган, деб.

– Агар танкчилар бўлмаганда машина душман қўлида қоларди.

Юрагим эзилганча, машина ортидан кузатиб қолдим. У шунчалик менга қадрдон бўлиб қолган экан. Ринат ҳам шу ҳолатни бошидан кечираётганини сезиб турардим. Сўнгги техника ичкаридан чиқиб келгач, мудофаа а турганларга ҳам сўқмоқ орқали ортга қайтишга буйруқ берилди. Артиллерия тағин ишга киришди. Ҳозиргина халос этилган кузатув нуқталари жойлашган ерга қарата отишар эди. Биз кучли шанғиллашлар ва ваҳимали портлашлар остида изимизга қайта бошладик. Мен бу жангда уч соат эмас, балки уч йил иштирок этгандай, узоқ вақт мобайнида осуда ҳаётдан айро яшагандай эдим. Бошим говуллаб оғрир, кўнглим алафда бўла бошлади. Қанийди, одам оёғи етмайдиган хавфсиз жой бўлса-ю, мазза қилиб ухласам!

Чорикорга кираверишда тўхтаган жойда тағин бир оз оёқ илишга рухсат берилди. Қишлоқда эса эрталабгидай япасқи уйлар томи устида болалар ўйнашмас, ҳаммаёқ сокин ва осойишта эди. Аскарларнинг юз-кўзлари тутун ва чангдан қоп-қора бўлиб кетганди. Мен машина ичкарисидан сигарет олиб тутатдим. Бошимнинг зил-замбиллигига бир оз барҳам берилгандай эди. Айлана қилиб танклар мудофаага қўйилган ялангликда аскарларнинг бетартиб ҳаракати, бақир-чақир ҳукмрон эди. Мен қорним анча очикқанини ҳис этдим. Машина ичкарисидан картошкалик консервани олиб очдим ва ерда ўт ёқиб овқат иситаётган Бочкарёвга узатдим. У менинг овқатимни гулханга қўйди. Мен ишда аскарлар даврасига тушишдан кўра, машина устида овқатланишни афзал билдим. Негаки, қаттиқ чарчагандим. Пастга тушиб чиқишга ҳам мажолим йўқ эди.

Бочкарёв қизиган картошка шўрвалик консервани узатди. Мен иштаха билан овқатланиб бўлганим ҳамано олти юз йигирма тўртинчи БМП-2 нинг механиги Мўмин чақириб қолди. Мен нима гап, деб сўрадим. У қулимсираб қўли билан имлай бошлади. Пастга тушиб Мўминнинг олдига бордим.

– Нима дейсан?

У бу ёққа чиқ, дегандай қўлини чўзди. Мўминнинг бирор кизик воқеадан хабардор бўлганлиги сезилиб турарди.

— Нима дейсан? — такрор сўрадим.

— Юхумик сумак тошиб олибди. Бизнинг бўлима истеҳкомда турган жойда эски қалъа бор эди, ўша ердан.

— Қапака сумак?

— Чақалокларнинг сумаги.

— Нима қишти шунга?

— Мендан бу нима, деб сўради, тамаки солинадиган трубка, дедим. Ирғишлаб қолди, бирам хурсанд бўлди-ей, асти қўяверасан. Терисига сиғмай юрибди, шўрлик.

Юхумик тўртинчи бўлима командири ўрибосари эди. Бақувват, яғриндор, қўллари белкуракдай. Анчагина соддалиги боис, ротадагилар уни тез-тез мазах қилиб турар, бироқ ҳаммамиз яхши кўрардик.

— Билиб қолса, сени уриб ўлдиради, — дедим.

— Олдин томонани кўр, кейин бир гап бўлар.

Мўмин Юхумик тунлик қилаётган тўдани кўрсатди.

— Ҳозир чекиб қолади, ўлай агар, бу ўрислар шунга хам билишмас экан. Хидлаб-хидлаб, олдин бирор ашаддий кашанданики экан, ҳечқиси йўқ, деб қўйди. Бу Чорикордан эсдалик эмиш. Уйига олиб кетармиш... — Мўмин қорнини унлаган қўйи ётиб-ётиб куларди.

Бирпасдан кейин Юхумик чўнтагидан сигарет олди ва қўйнидан Мўмин айтган сумакни чиқариб, сигарет тамакисини тўқа бошлади. Ёнидаги ўрис ва украин йигитлар кизиксишиб қарашарди. Сумак боши тамакига тўлгач, чинакам трубкалардай, лабининг бурчига олиб борди ва гургурт чақиб тутатди. Мен ўзимни тўхтатолмай кулиб юбордим. Мўмин машина ичида кулавериш, вужанак бўлиб қолди. Бир маҳал «трубка» қўлма-қўл бўлиб давра айлана бошлади. Даврадагилар хурсанд эди.

Кеч кириши билан қисм йўлга тушди. Мен тезроқ полкка етиб боришни истардим. Коля суратчидан бир шиша «Столичный» сотиб оламан-да, бир ўзим майдалайман, бу харҳолда нападан яхши-ку, деб ўйладим. Менинг жуда-жуда ароқ ичгим, дунёни унутгим, кайфиятимни кўтаргим келарди.

Хали олдинда нималар кутаётгани, тақдири азалда нелар битилгани номаълум эди. Умуман, урушнинг эса чеку чегараси бўлмаслигини нафакат мен, балки ҳаммамиз, хатто афғон халқи хам ўқинч билан тая олаётганди.

XI

Кўкда юлдузлар вужғон. Осмон бирам яқин, тикилганинг сайин балаңдлашаётгандай бўласан. Сунбуланинг сокин ва титроқли бундай кечалари кўнглинг ёлғизликни кўмсайди. Тун сени дунёнинг майда ва улкан ташвишлари чапғалидан юлқиб, ўз бағрига яшираётгандай туюлади. Хеч ким билмас олисларга кетишни хоҳлайсан. Хатто доимо талотўн аримайдиган, бақир-чақирларнинг макони аскарлар казармалари ҳам сеҳрланиб қолганга ўхшайди. Хамма ёқда жимлик. Казарма эшиги олдидаги туңги навбатчилар ҳам қуролига суянганча хуррак отишади. Узоқларда, Баграм ва Поғман томонларда ёнувчи ўқлар отилиб, қизил нукталар тизмасини ҳосил қилади. Казармада паркдан чарчаб қайтган, қимир этмай ухлаётган механик ва операторлардан бошқалар қисм ошхонасига навбатчиликка кетишган. Мен кеч соат биргача қисм атрофини айландим: чироклари ёник турган қисм штабида навбатчи зобитнинг чекаётгани деразадан кўришиб турарди. Саф майдони бўйлаб ошхонага келсам, навбатчилик қилаётган ротадош шёдалар ошхонадаёқ уйқуга кетишибди. Менинг қорним очикқанди. Бир амаллаб аскарлар овқатланадиган иккала залдан бирига киришим керак эди. Мен биринчи зал эшигини тақиллатдим. Ичкаридан, сержант Труцюкнинг овози эшитилди. Мени таниб эшикни очди. Унинг кўзлари қизариб кетган, овзидан бадбўй хид анкирди.

— Ҳа, иш ўрнига байрам қиялсизми, жаноби олийлари?

Кир, биров кўрмасин, — у кўлимдан ичкарига тортиб, эшикни қулфлади.

Стул ва тахта ўриндиқлар кўйилган узун зал ялтираб турар, хаммаёқ эрталабки нонуштага ҳозирланган эди. Тўрдаги стол дид билан безатилган. Юхумик билан Анишин чайқалиб ўтиришарди. Тўрт жангчи эса ўриндиқларда чўзилиб, хуррак отарди.

— О, байрам зўр-ку! — дедим иштаха билан.

— Кел, ўртоқ сержант. Айни пайтда, уйқу қочмайди, — Юхумик жой кўрсатди.

Уларнинг учаласи ҳам маст эди, бироқ столда арок шишаси кўринмасди.

— Тугатибсизлар-ку? Ҳа майли, шунисига ҳам шукур.

-- Бир сента етади. Анишин гандираклар бориб ёнимиздаги стол тағидан худди «Тройной» одеколоница ўхшаш иккита шишача олди. Булар -- қисм магазинида сотилаётган, юзга суртиш учун фойдаланиладиган «Атиргул сувни» эди. Мен хали бунишни ичиб кўрмаган эдим. У шишачалардан бирининг оғзини очиб кружкага яримгалаб қўйди.

Қани, кўтар!

-- Шунини ичмасизларми?

-- Ароқ тополмадик, бориға барака, кўтар! -- қўшилди Юхумик.

Қандай бўлади буёни... -- дедим каловланиб.

-- Ол, энди, биз ўлмадик-ку, зўр кайф беради, миномётчилару разведкачилар доимо шундан ичишаркан. Ҳам арзон.

Труцюк ўзига ҳам қўйди. Биз икковимиз бирга кўтардик. Ичим ёниб кетди. Чиндан ҳам ичимликдан атиргул хиди келарди. У бир оз бемаза эди, бироқ, бошга яхши теширкан. Мен иккинчи кружкани кўтарганимда унча ноҳушлик сезмадим. Учирчисини тўлатиброқ қўйинди. Анишин ва Юхумик сулайиб қолди. Труцюк тагин мен билан бирга олди. Мен юзим совий бошлаганини, мажолим қолмаётганини сездим. Труцюк каршимда тебраниб ўтирарди.

-- Юра, мен казармага боришим керак, -- дедим.

-- Шу ерда ётиб қолавер.

-- Йўқ, менга сигарет бер, кетаман.

Юра сигарет узатди. Мен маст бўлгандим. Ташкарига зўрға чиқдим, кўнглим айнаётганди. Оёқларим оғирлик қилиб, бошим карахт бўлиб қолганди, гўё. Менга казарма эшиги олдида рота командири дуч келди. Уни пайкамабман. Ўзи туртиб тўхтатди. Боя ошхонада оғзимга солган сигаретни, лабимдан туширмай чекиб келаётгандим. Миямга ҳарбийча салом бериш фикри урилди. Мен ўнг қўлим билан эмас, чапини чеккага теккизганимни ҳам билмайман. Рота командири қўли билан ўнг қўлимни чеккамга олиб борди. Мен иккаласини ҳам қулоғимга теккизиб тураверибман.

-- Намозни эрталаб ўқийсан, аскар. Қаерда санғиб юрибсан?

-- М... М...

-- Бу нима қилик, қаерда ичдинг? Жавоб бер!

Мен гапиролмасдим. Командирнинг бакиргани бўралаб сўкканини сезиб турардим. У навбатчини чақириб, жойим-

га олиб боришни тайинлади. Икки аскар мени судраб бориб каравотимга улоктиришди...

Эрталаб бошим гангиб уйғондим. Биринчи залдаги навбатчилар ухлаб қолишгани туфайли нонушта ярим соатга кечикди. Рота командири Юхумик, Труцюк ҳамда Анишинни роса тузлади. Улар кечаси ротага навбатчиликка турадиган бўлди. Менга ҳам бирор жазо бормикин, дегандим, хайрият, индамали. Афғонда аскарни тушунадиган зобитларни беҳудлага мужик демасдик. Бизнинг рота командиримиз ҳам ана шунақа, кўл остидаги жангчиларига нисбатан кечиримли ва меҳрибон эди. Анави учаласи алчагина ошириб юборишган эди. Командир уларни кечаси ичгани учунмас, топирикни бажармагани учун жазолаган эди.

Ротада ган тарқалди: Чорикорга қилган юришимиз учун полкка медаль ва орденлар келибди. Такдирланганлар орасида бизнинг ротадан кўпчилик бор экан. Мен Чорикорда бўлиб ўтган ўша жангни эсладим. Жуда оғир кечган эди. Ўшандагидай отишимани хали кўрганимча йўк! Жангдан сўнг алаҳсиб юрганим, олти юз ўн тўртинчи БМШ-2 машинани Ринат иккаламиз тапшаб қолганимиз, мизни тешилан автоматим, душман уч аскарнинг мурдасини ўғирлаб, олтини кесиб тапшагани, Мусурмоннинг учала аскар ўлигининг ҳам хор бўлганини кўриб, қисмда уч кун гарансиб юргани бари-бари кўз ўнгимда жонланди. Мен ўша жангда ўлиб кетмаганим учун яна бир бор шукур қилдим.

Кечқурун рота командирининг техника ишлари бўйича ўринбосари, прапоршчик Довгий казармага келди. Мен Ринат билан каравотда ёнбошлаб ётардим. Довгий казарма ўртасида тик туриб мени имлаб чақирди. У ширакайф эди.

— Табриқлайман. Бронядан сен, Мезенцев, Бурсук такдирланибди.

Ким айтди?

— Полк штабида рўйхатни кўрдим. Эртага тарқатишади.

— Бошқа ҳеч ким йўқми, ўртоқ прапоршчик?

.. Йўқ.

-- Ринат ёки Мўминни ҳам такдирлашлари керак эди...

— Э, кўявер, ҳаммаси замполитнинг иши. Ўзига яқинларини ёзади у.

Менинг замполит билан ҳеч қанақанги яқин алоқам йўқ, ўртоқ прапоршчик!..

— Ахир, сенинг машинанг ёниб кетди!

-- Нима кишти? Машина Ринатники ҳам. У механик-ку.

Эй, ҳаммасига туфла. Мен механик ва операторлардан етти кишининг исми-шарифи мукофотга ёзилганини кўрганман. Бари шунчаки рўйхат учун қилинган экан. Заполитнинг ўзи штабда тўполончилар деб беш аскарни рўйхатдан ўчирибди.

-- Нохаклик-ку бу!!!

— Юр, ташқарига чиқайлик, гап бор.

Казармадаги аскарлар бизнинг орамизда кечган суҳбатни фахмлаб улгуришмади. Довгий билан ташқарига чиқдим. Унинг болаларча соддалиги, аскарлар зобитга бир хил муомаллада бўлиши, ўзини баланд тутмаслиги учун бир мен эмас, бошқа жангчилар ҳам яхши кўрарди.

У мени казарма четдаги хандакқача эргаштириб борди. Одам одамни элас-элас танийдиган маҳал эди. Зобитлар уйи томондан хорижий куй-қўшиқ эшитиларди.

Қўчқор, сени яхши кўраман, сенга ишонаман. Лаънати Афғонистон жонимга мана шундай тегди. Ҳаммасига тушураман. Билдингми, роса эзилиб кетдим. Ротада мени арокхўр деб ўйлашади. Нима қилай, куйганимдан ичаман. Ҳатто шу ерда уруш бўлаётган жойда ҳам минг карра ифлосликлар рўй берапти.

— Қўйинг, ўртоқ прапоршчик. Оз қолди. Ҳаммаси ўтиб кетади.

Довгий анчагина кизиган эди. Қайфи ошганидан кўнглидаги бор аламларини тўкиб соларди. Менинг дилим гашланди. Прапоршчик ҳақ гапни айтаётган эди.

— Менга қара, Ринатга берилиши керак бўлган медални штабдаги жанг кўрмаган жўжа зобитлардан бири ўз юртдошига ёзиб юборганига қандай чидаш мумкин? Билсанми, қанчалаб кишилар пана-пасткам жойларда ўтириб, жанг кўрмай қахрамон бўлиб қайтишмоқда.

— Ўлиб кетмайдими бари!

— Тўғри, қўл силташ керак буларга. Аммо ротанинг ўзидаёқ қанча нохакликлар бўлаётганидан хабардормисан? Менга фарқи йўқ, кимнинг қайси миллатданлиги. Лекин зобитлар, ҳа-ҳа, сизлар билан бирга жангга чиқадиган зобитлар нима учун сизларни бунча ёқтиришмайди. Ўзбекистондан бўлганларинг учунми?

— Бунга ўзим яхши биламан. Лекин ҳаммаси ҳам унақа эмас. Тоза юраклари ҳам бор.

— Лекин кўплари сиз — ўзбекларни ёмон кўришади, гўёлончи, гапга кирмас дейишади. Мана, мен олти йилдан бери шу ерда жанг қиламан. Бироқ бирор ўзбекнинг кўрқоқлик қилганини билмайман.

— Қизиққонлигимиз учун хушлашмас керак.

— Зобитлар даврасида неча бор талашиб-тортишганман. Сени, Мўмин ва Ринатни, ҳамма ўзбекларни юракдан хурмат қиламан. Мен Афғонистонда ўзбекларнинг бир-бирига қанчалик оқибатли эканлигини билиб олганман. Ўрисларга қараганда сизларда миллатдошлик туйғуси анча юксак.

Ўртоқ прапоршчик, шахсан мен сизни ротадаги зобитларнинг энг ажойиби деб биламан. Юринг, сизни моделгача кузагаман.

Эй, моделда нима қилардим. Ҳозир ҳар қайси зобитнинг хонасида биттадан хонимча бор. Бу зобит зотига... бўлса бас экан. Қанжиклар қаердан ҳам Афғонга хизматга келишди экан, — Довгий полкда хўжалик юмушларини бажараётган аёлларни сўка бошлади. Улар чиндан ҳам кейинги пайтлар қисмда жуда кўнайиб кетганди. Аскарларнинг кўзини куйдириб юришарди.

Биз Довгийнинг хонасида ичиб ўтирардик. Девори картондан тикланган модел коридорида қадам товушлари, эшикларнинг очилиб-ёпилиши эшитиларди. Довгий гапидан чалғий бошлади. Турли хил сураглар илинган шинамгина хона ва чет элларда тайёрланадиган ширинликлар билан безатилган стол менинг кайфиятимни кўтарарди. Очиги, бунчалик ором олиб, бемалол ўтирмагандим хали. Мен дам олардим. Фақатгина Довгийнинг полкдаги хаёт ҳақида ижирганиб алжирашлари, ундан-бундан норози гап очиши ошиқча эди. Биз бир шишани майдаладик. Довгий бошини у ёқ-бу ёққа ташлаб... ни кўришни истайсанми, деб сўради. Мен «аёлларга хушим йўқ, казармага бораман», дедим. Довгий кийимларини ҳам ечмай, худраниб ўзини каравотга отди. Мен ташқарида аёллар моделидан чиқиб келаётган биринчи рота командирига дуч келдим. У ўзича хиргойи қилиб, ўтиб кетди. Кайфи баланд эди. Казармалар чироғи ўчган эди.

Эрталаб аскарлар саф майдонига тизилишди. Кунлик иш режими белгилангандан кейин, нонуштага рухсат берилди. Бугун ҳамма қисмда бўлиши тайинланди. Москвадан телевидение ходимлари келишибди, мукофотлар тарка-

тиларкан. Тушлик маҳалига бир соат қолганда қисм қарнайи ваҳимали вангиллади. Хамма саф майдонига йиғилди.

Мукофотларни дивизия командири топширди. Менга «Жанговар хизматлари учун» медалини беришди. Ўша жангда яраланган, биз билан бирга бўлган взвод командири Ермилин «Қизил юлдуз» орденини олди. Учинчи киши — Ермилин ва менинг ёнимдан бир қадам ҳам жилмаган, неки дахшатли манзара юз берган бўлса, хаммасидан воқиф Ринатга ҳеч нарса ёзишмагани ўнғайсизлик туғдирди. Мен Ринатнинг олдида хижолат чека бошладим. Сафдошлар орасида, уни кўз югуртириб топдим. Медал чўнтагимга оғирлик қилаётган эди. Ҳеч ким кўрмайдиган жойга кетгим, ротадослар кўз олдидан яширингим келарди. Қаттиқ хижолат чекардим. Қанчалик бепарво бўлишга ҳаракат қилмай, кўнглимнинг бир бурчида ғашлик чўкиб ётарди.

Тушликдан сўнг қисмимизга Англия ва Италия мамлакатларидан журналистлар келишди. Рота командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, катта лейтенант Шерстюк менга «журналистлар саволларига сен жавоб берасан», деб айтди. У, биз доимо химояда турамыз, урушга чиқмаймыз, инқилоб тарафдоримиз, деб гапиришимни уқтирди.

Улар уч киши эди. Уччаласи ҳам қора кўзойнак тақиб олган, сочлари ўсиқ, ўрта ёш эди. Қисм штабидаги хоналардан бирида мен ва улар савол-жавоб қиларди. Уччаласи ҳам ўрис тилини пухта билишар экан. Гап оҳангидан уларда шўро аскарларига нисбатан ачиниш хисси борлигини сездим. Журналистларнинг «сиз ўзингизни қаҳрамон ҳисоблайсизми?» деган сўрови юрагимга ғашлик солди. Яна улар, «сиз ҳали ёшсиз, лекин Ватани химоя қилиш учун ўзга юрт чегарасидан ошиб ўтиш шартмиди?» дейишганда, тамоман ўзимни йўқотиб қўйдим. Улар мен сингари минглаб алданган шўро аскарларига ачинишаётганди. Мен журналистларнинг бундан кейинги саволларига жавоб беролмаслигимга амин бўлдим. Ўзимни беҳол сезаяман, деб ротага қайтдим. Казармада кутиб турган катта лейтенант «нима бўлди?» деб сўради. Мен, «хориждагилар бу ерларда беҳуда сарсон-саргардон юрганлигимизни яхши билишадди. Совет Иттифоқининг раҳми келмаса ҳам ўшалар бизга ачинишмоқда!» — дедим кесатиб. Шерстюк нигоҳи билан ер чизарди. Менинг эса ўкириб-ўкириб йиғлагим келарди. Шерстюк менинг нимага шама қилаётганимни тушунди.

Мен афғон халқини хонавайрон қилишни истамайман, ҳаммамиз алданганмиз, деганимда эсанкираб қолди. Менинг қаршимда ўзини гуноҳкордай ҳис қиларди. Аслида Кремлнинг истибдод ҳоким сиёсати эзиб тащлаган халқнинг фарзанди, шўро армиясининг аскарлари эканлигидан жирканаётганини у ноҳақликка йўймаётганди. Ҳамиша шовқин-сурон ҳоким казармада аскарлар ўз ишлари билан банд эдилар. Кимдир тумбочкага кўкрагини бериб хат ёзмоқда, кимдир ҳарбий кийимга тугма қадайдди, яна биров тасма тўғноғичини артмоқда. Қилар иши нотайин жангчилар эса у ёқдан-бу ёққа ўтаверадилар. Мен бу ерда ҳаммамизнинг бетайин эканлигимизни англадим.

ХИ

Сунбуланинг охирлари. Ёзнинг ҳарорати пасайган. Бепоен узумзорлар ястаниб ётган Баграм вилоятида айни пишиқчилик. Тоғ ён бағригача чўзилган экин майдонларида турли-туман полиз маҳсулотлари етилган. Йўл четидаги қишлоқ аҳлига қарашиб бу экин майдонларида маҳсулотлар шўро армияси учун етиштирилгандай гўё. Биз уларни хоҳлаганимизча териб олсак ҳам, ҳеч ким нима қилаяпсан, демасди. Машиналарни картошка ва помидорлар билан тўлғаздик. Саримсоқдан тортиб бақлажонгача бизга «мунтазир» эди.

Деворларни ўпириб ўтаётган офир техникалар полизларда такқа тўхтаб қолар, шуни кутиб туришган пиёдалар эса ерга сакраб тушишар, ўзиники сингари нима дуч келса териб машинага юклашарди. Хуллас, биз Баграмдаги экинзорларни пайхонлаб борардик. Қисм белгиланган жойга етиб боргунга қадар дуч келган уй ҳайвонларини ҳам отавердик. Йўлда эшак ва қўй-қўзилар, ҳатто сигирлар ўлиб ётарди. Тўс-тўполон ичида ким нима қилаётганини билиб бўлмасди, бироқ бир нарса маълум — шу ишларнинг барисини шўро аскарлари хавас билан бажараётган эди. Зобитлар эса кўриб-кўрмасликка олишарди. Нима ҳам дейишсин? Бундай ҳол биринчи мартаба бўлаётган эмасди. Мен ҳали бу ишларим учун бир умр виждон азобида қолишим муқаррарлигини тушунардим. Ич-ичимдан зил кетардим. Биз ваҳшийлар эдик. Аммо бизни шу ишларни қилишга Кремль сиёсатининг қонли қўли мажбурлаётганди. Мен афғондаги жамики қирғинлар учун ўрис давлати сиёсати айбдор деб ҳисоблайман.

Экинзордан кейин яйдоқ дала ястаниб ётарди. Ўнг ва сўл тарафимизда кишлоклар кўриниб турарди. Полк шу куп-қуруқ ерда жойлашди. Хар жой-хар жойга танк ва БМП-2, БТР ва «Савушка»лар қўйилди. Пиёдалар машиналарга якин жойлардан хандаклар казишди. Кишлоқ узок, узумзор икки-уч чақирим нарида эди. Бу ялангликда қандай қилиб жанг қилишимизга хайрон бўлдим. Умуман, шу сафарни юришимиздан қандай мақсад кўзда тутилганини ҳеч ким билмасди.

Хар галгидек кишлоқни дастлаб артиллерия ўққа тутди. Мен иккинчи бўлинма командири лейтенант Сидоровдан «кишлоққа кирамизми?» деб сўрадим. У, шу ердан қайтсак керак, деди. Икки-уч марта кишлоқ томондан «эрж» снарядлари учиб келганини айтмаганда, бизга карата унчалик қаршилик кўрсатишмади. Ялангликда бемалол дам олардик. Хар-хар замонда танклардан кишлоқ томонга ўт очиларди, бу ҳам номига, душманни чўчитиб қўйиш учун қилинарди. Бир кечани тинч ўтказдик. Мен кечаси уч марта БМП-2 дан узумзор томонга ўт очдим. Тунги қорувлар хар беш дақиқада автоматдан ўқ отиб турдилар. Тонг ёришгач, кишлоқ ахлининг турнақатор тизилиб тоғ томонга кўчиб кетаётганини кўрдик.

— Энди кишлоққа кирсак керак, — деди Ринат.

— Яхшиси зобитдан сўра, шу билини мумкин.

— Ўртоқ лейтенант! Ростданам шу ердан қайтамизми, ё... — мен кишлоққа ишора қилдим.

— Йўқ, кишлоққа кирмаймиз, — деди десант бўлмасида дам олаётган Сидоров.

— Бечораларга кийин бўлди, ҳаммаси болалар ва аёллар...

Чамамда, шўрави кишлоққа бостириб киради, деб кўркишган шўрликлар.

Зобитнинг уларга ачинганини ҳам, мазах қилаётганини ҳам сезмадим.

— Артиллерия дабдаласини чиқариб бўлди-ку, бундай отишма билан кичкина кишлоқ нари турсин, шаҳарларнинг ҳам кулини кўкка совуриш мумкин. Манави тоққа кочиб чиқаётган бечоралар, тирик қолишганига шукур қилишаётгандир, — деди Ринат.

У ҳақ гапни айтган эди.

Узумзор томонни қузатаётган аскар чошиб келди. У рўпарада бир гала қўйлар юрганини айтди. Мен, Ринат

хамда лейтенант Сидоров машинадан чиқиб аскар кўрсатган томонга қарадик. Чиндан ҳам кунботар томонда қўйлар ўтлаб юрарди, улар бу ерга қандай келиб қолгани номаълум эди, чунки қишлоқлар анча узок бўлиб, бу атрофда уй кўринмасди.

Зобит пиёда аскарлардан икковини қўйларни ҳайдаб келиш учун юборди.

— Кабоб ўз оёни билан келаяпти, — деди у.

Мен охири қандай тугашини кутардим. Ринат механик бўлмасига кириб ётиб олди. Хаял ўтмай иккала жангчи ўн иккита семиз-семиз қўйларни ҳайдаб келди. Бўлинма жангчиларининг оғзи қулоғида эди. Зобитга ҳам худо берди.

— Кўчкор, сўйини биласанми, — деб сўради у менадан.

— Чумчукниям сўйиб кўрмаганман...

— Ринатдан сўраб кўр, балки у билар...

Менга қолса отиб ўлдириш керак. Шу ҳам муаммо бўлди-ю, — деди механик бўлмасида ётган Ринат.

Охири аскарлардан бири қўйларнинг эш семизини автомат милига ўрнатиладиган ўтмас пичоқда бўғизлади. Машинада қозон бор эди. Думба ёғига гўшт қовурдик. Бир қўйнинг гўшти етти кишига бемалол етди. Қолган қўйларга қоровуллар кўз-қулоқ бўлиб туришди. Лейтенант батальон командирига алоқада махсус, келишилган частотага ўтишни илтимос қилди. Ўзаро махфий гаплар айтилиши лозим бўлса, ҳар бир батальонда алоқада махсус частота бўйича иш юритиларди. Сидоров комбат билан алоқада бемалол гаплашди. Зум ўтмай комбатни олиб юрадиган БМП-2 келди. Лейтенант тўртта қўйни бериб юборди. Тагин иккитасини қисм командирига «совға» қилди. Кечқурун тагин биттасини сўйдик. Бу бекорчиликдан нима қиларини билмай қолганлар учун ҳарна бўлса-да, эрмак эди. Негаки, биз унчалик оч эмасдик. Машинада кунлик озик-овқат етарли эди.

Эрталаб биз турган жойга прапоршчик Довгий келди. У қўй боқаётганимизни эшитганди. Сидоров Довгийга ҳам бир қўй инъом қилди. Довгий ўзида йўқ хурсанд эди. Механик Мўминга қўйни эҳтиётлаб машинага босишни буюрди. Сўнгра мени ўзгача бир яқинлик билан имлаб чақирди.

— Анави узумзорга бордингларми?

— Йўқ...

— Кеча биз Мўмин билан икки бидон узум тердик.
— Шунча узумни нима қиласиз, ўртоқ прапоршчик?
— Кўраянсанми, у БМП-2 орқасида сув солиш учун олинган махсус бидонларга ишора қилди. — иккови ҳам узумнинг суви билан тўлиб турибди. Эрта-индин ачиб винога айланади. Ўзиям сувли узум экан.

— Полкка қайтиб борганда мазза қиларкансиз-да?

— Механик ва операторларга стади. Паркда ишлаётганда бир-икки кружка симириб қўйсанг, бай-бай. Тетик бўлиб юрасан...

Довгий улфатларга хос кайфиятда қўл ташлаб хайрланди.

Учинчи кун Баграмга кираётиб қандай вайронагарчилик қилган бўлсак, ундан ҳам бешбаттарок ўйинлар кўрсатиб қайтдик. Экинзорларни тағин яқсон эдик, қишлоқларни ўкка тутдик, бузилган уй ва кўнорилган деворларгина омон қолди. Аҳолиси кўркканидан ташлаб кетган қишлоқлар харобага айланган эди. Биз инсоний хис-туйғуларини унутган, ҳар қандай ёвузликдан тап тортмайдиган, лекин дунё ёвузликдан иборатлигини англаб улгура олмаётган махлукларга айланган эдик... Эй, Худо! Бундан ортиқ шармандалик бормикин?! Дунёга шунчалик гуноҳ иш қилиш учун келганмидим?

Қисмда яна аввалгидай сокин ва зерикарли кунлар бошланди. Куз ойлари умуман жангга чиқмадик. Икки уч марта дала машқида бўлдик. Уч марта полк чегарасини Пагман тоғлари томонидан душман ўкка тутди. Кунлар анча совиб қолганди. Қишки уст-бош беришди. Қавс ойининг ўрталарида ёғингарчилик бошланди. Бу орада биздан олти ой аввал хизмат бошлаган Мусурмон, Рашид ва Хайридинлар уйига қайтишди. Қазарма файзсиз ва ғариб кўришиб қолди. Ротада «қария» аскарлардан бирига айланган эдим. Негаки, хизматнинг охири кўришиб қолаётган эди. Ринаг «иложи бўлса, бошқа жангга чиқмаслик керак», деди. Мўмин энди бизни жангга олиб боришмаса керак, деган фикрни айтди. Мен ҳам, гарчанд зерикарли бўлса-да, қисмда қолишни, омон-эсон уйга қайтишни ўйлаётган эдим. Афғонистон жонимизга текканди. Беҳуда ва бемақсад юришлар, даҳшатли жанглардан юрак олдириб қўйган эдик. Ҳаммамиз жангга киришдан кўрқардик.

Қавснинг охирларида бутун армия Хост тоғларига юриш қилди. Харитада кўрсатилган жойга уч кунда етиб бордик.

Шу ердан ҳар бир рота ўзига юклатилган махсус топшириқли бажариши керак эди. Бизнинг батальон кичикрок бир тепаликда жойлашди. Олдинда баланд тоғлар қад кўтарган, тоғ ёнбағирларида эса арчалар ўсиб ётарди. Бунақанги чиройли манзарани ҳеч қачон кўрмагандик. Муздай ҳаво кўнгилга ором бахш этарди.

Биз турган тепаликка миномёт снарядлари келиб туша бошлади. Душман бизнинг шу ерни танлашимизни олдиндан биларди, чамаси, тўғридаги баланд чўққилардан бизни роса мўлжалга олишарди. Уч киши яраланди. Аҳвол танг эди. Мен бошимни тош панасига бекитиб олдим. Душман автоматлардан ўққа тутганини ҳисобга олганда, рўпарадаги тоғ чўққилари бир чақирим ҳам келмасди. Тавин артиллерия жонимизга ора кирди. Тоғлар гард, ураган ва тўнлар билан ўққа тутилди. Сўнгра икки соат мобайнида самолётлар бомба ташлади. Душман тиниб қолди. Биз шомгача бир оз нафас ростладик. Агар биз тоғларга чиқиб олсак, тоғлар ортидан қишлоқларга бориш йўллари бизнинг қўлимизга ўтарди.

Тоғни эгаллаш ҳам осон кечмади. Гарчанд душман қаршилик кўрсатмаса ҳам, баландликка кўтарилиш азоб бўлди. Жангчилар ҳориб қолишди. Энг юқори чўққини бизнинг бўлима эгаллади. Қисм тоғда уч ой қолиб кетди. Янги йилни ҳам тоғда кутдик. Бу орада Шўро матбуоти бир неча бор биз ҳақимизда ёлғон мақолалар эълон қилди. Айниқса, «Известия» рўзномаси «Афғонистон армияси шўро қўшинлари ёрдамида Ҳост тоғини эгалладилар ва вилоятдаги барча йўллар душмандан озод қилинди», деб ёзди. Аслида биз афғон армиясини бу юришда кўрмаган эдик.

Хут ойининг охирида қисмга қайтдик. Соч-соқолимиз ўсиб кетган эди. Мен жавзога қадар кунларни эсон-омон ўтказишни истардим. Агар ҳамал ойида жангга бормасак, шу охиригиси бўлади, деб ўйлардим. Чиндан ҳам бошқа жангга чиқмадик. Кунлар ўтмасди ҳисоб. Баҳорда уйга қайтадиганлар учун энди дам олишга, фақатгина қисмда бўлишга руҳсат бердилар. Қолганлар Гарdez вилоятига жангга кетишди.

Мен, Ринат ва Мўмин қисмда ҳар куни ичардик. Кунлар узун, тунлар азобли эди. Ҳар биримизнинг ўй-хаёлимиз уйга қайтишда бўлиб қолган эди...

1990 йил.

КУЛИБ ТУР, АЗИЗИМ

*Хаётни борича тасвирлаш не-
чоғлик қийин. Кўриб турганинг, ҳо-
дисаларни қоголга тушира билсанг
ва шунга ўзинг ҳам ишонсанг яхши.
Агар буни эллай олмасанг, ёзганла-
ринг сени бадном қилади.*

Муаллиф

I

Ташқари тиниқ эди. (У айни шундай дейишни яхши кўрали.) Дсраза рахига суяниб, боғ адоғигача чўзилган йўлакка разм солди. Йўлак оққа бўялган хашаматли темир эшикка бориб такалалди. Тўрт кундирки, ҳар кун эрталаб ўрнидан туриши ҳамано ана шу эшикка қарайди. Тўғри, хали коровул уйғонмаган бўлади. Эшик ҳам ёшиқ. Азонлаб касалхонага биров йўқлаб ҳам келмаслигини яхши биллади. Негадир, шу ёққа, дарвоза томон тез-тез қараб кўяверди. Чой ичаётганда, бирор китобни мутолаа қилиб чарчаганда ёки бекорчиликдан нима қиларини билмай диққати ошган паллада. Касалхона ҳовлисидаги боғ баҳор нафасини сезиб уйғонай-уйғонай деб турибди. Ҳаво илик, ёқимли. Ўрик куртаклари бўртиб қолган. Эрта-индин гулга киради. Ана шундай бир ажиб манзара намоён бўлади. Ҳар холда гул яхши, кўнглинг кўтарилди. Яшагинг келади. Сурхонга аллақачон баҳор кел қўйди, бодом гуллаганига ўн беш кун бўлди, деган ўй ўтди хаёлидан. Шоир нега гулни яхши кўришини, умуман гулни яхши кўрадими ўзи, тушунолмади қолди. «Йўқ, гулни яхши кўрмасам керак. Шунчаки, баҳорда қийғос гулга кирган дов-дарахт яшаш яхши деган ўйни кўнглимга жо этгани учун гулни севсам керак» деб ўйлади. Қизик, баъзи бировлар тўйлар, туғилган кунлар, байрамлар қолиб, шу касалхонага, беморни кўргани ҳам гул кўтариб келишади. Ажойиб кунларда-ку тушунарли. Бетоб одамга нимага гул беришади? «Шу ерга тушганинг

яхши бўлибди, табриклаймиз», дейишгами?... «Деразангга шу гулни қўйиб қўй, кайфиятиг кўтарилади», дегани бўлса керак. Умуман олганда, ҳамма нарсани яхши-ёмон томонга бурса бўлади.

Шоир дераза қанотини очиб қўйди. Эрта баҳор хиди, енгил насимлар уфуриб кирди хонага. Очик деразадан узоклашаётиб боғ адоғидаги темир эшикка яна бир разм солди. Қоровул деганиям шунча ухлайдими... Очиб қўйса ўлармикин.

Ўрнига чўзилди. Тўрт кундирки, хотинини шу эшикдан кириб келишини кутиб ўна ёкка қарайди. Каерда, хотини эса ухлаётганда, китоб ўқиётганда ёки чалқанча ётиб хаёл сураётганда палатага бостириб келади. Ёнида ўғли ёки кизини эргаштириб олган бўлади.

– Адажон! – деб бўйнига осилади ўғли (ё кизи)...

– Э-э..., – эсанкираб қолади. Бағрига босади. Вой бунча ширин бўлмаса. Кўнгли ийиб кетади.

Барно эса: «Тузукмисиз, яхшимисиз, камчилик йўқми»дан нарига ўтмай қаравот бошидаги тумбага ул-бул нарса қўйган бўлади. Чорак соат ўтар-ўтмай она-бола уйга қайтишга тараддулланади. Кичкина кизчасига кўшинининг боласи қараб қолган. Кеч қолмаса бўлмайди. Дили оврийдимини, бу атама Барноники. Унингча, ҳеч кимнинг дили овримаслиги керак... Кўн гапирди шу сўзни... «Вой дилини овритманг, дили оврибди-да... Сиз ҳам қайсарсиз-да, дили оврийди, деб ўйламадингизми?..» Қачонки хотини шу сўзни овзига олса тамом – мураса-ю мадорага чек қўйилади. Шоир жим бўлади – хотинининг гапи гап.

Шоир емак столи устидан ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг қайта нашрдан чиққан «Ўн саккизга кирмаган ким бор...» китобини олиб, тағин чалқанча тушган қўйи ўқий бошлади. У бу китобни аввалги нашрда уч марта ўқиб чиққан. Хар гал мутолаа ниҳоясида хайратга тушган. Қандай қилиб шундай ёзиш мумкин? Бунчалар кучли бўлмаса, Шукур ака. Биронга ортикча сўз йўқ китобида. Ҳаммасининг ўрни бор. Кўнглидаги туйғу ва хаяжонни қовозга тўқини жараёни ҳам одам боласи учун осон кечмайди-ку, ахир. Дилингдагини ёзиб бериш, ҳаммани ўз ҳолатингга солиш учун илҳомдан бошқа яна нимадир керакдир. Ана шу нимани эса ҳеч ким билмайди... Шоир шундай кайфиятда китобдаги манзаралар ичра, юқоридаги ўй-хаёлларга берилар, ўқигани сари ўша нимадирни ахтарар, иккинчи

бир томондан эса китобдан жазиллаб сачраган ўт унинг борлигини чулгаб, куйдирар эди.

У китобнинг анчагина саҳифасини ўқиб қўйди. Бир оз толиккандай бўлди, лекин қўлдан қўйгиси келмади. Очик саҳифани юзига босди. «Эҳ, Холмирзаев, Холмирзаев! Агар шу одам уруш кўрганда борми, менга ўхшаб майда-чуйда нарсаларни ёзиб ўтирмасди. Хар лахзани, урушнинг хар кунини битта китоб қиларди...» Унинг ичида оғриқ қўзғалди. Ўрнидан даст туриб, тумба устидаги сигаретга ёпинди. Нонушта қилмай эрталабдан тутатганиданми, кечаси билан ухлай олмаганиданми кўнгли беҳузур бўлди. Икки-уч бор тортиб, чала хумор ҳолда сигаретни кулдонда эзғилади.

Деразага тирсаклаб ташқарига қаради. Дарвоза очилибди. Яхши. «Бугун битта-ярим дўстларим келади, бир амаллаб кунни ўтказаман. Эртага уйга боришга жавоб оларман. Нима кишти, бир кунга. Врач кечаги гапига тармашиб қолмас, рухсат берар...» — деган юпанч билан ўзини овутди.

Шоирнинг касалхонага тушганига тўрт кун бўлди.

Олдин қайсарлиги тутиб юраверди. Ўтказиб юбораман, деди. Йўқ, бўлмади. Юраги сиқилиб, нафас олиши оғирлашди. Боши ғувиллаб оғриди. Ишда охирги кун бужмайиб ўтирганча, боши билан столга йиқилди. Ўзига келтиришиб ҳамкасблари уйига олиб келишди. Бош муҳаррир шоир Суюн Азиз орага тушиб касалхонага ётқизишди. Шоир халқи содда ва меҳрибон бўлади-да. Бош муҳаррир касалхона бош ҳаками билан гаплашиб, Ўзбекистондаги зўр ёш шоир шу, менинг ўринбосарим бўлади, дебди. Шоирнинг ўша кун бир саҳифа маколasi босилган «Ўзбекистон овози»ни касалхона маъмуриятига бериб юборибди. Хуллас, шоирга бу ерда назорат кучайди. Алоҳида хона. Телевизор. Врачнинг хонасига кириб бемалол телефон қилиши мумкин. Овқатни ҳам палатага олиб келиб беришади. Дори-дармон, укол ўз вақтида. Бир дақиқа ҳам кечикмайди.

Ҳамшира эрталабки нонушта келтирди. Ярим соатдан кейин уколга, деб чиқиб кетди.

Шоир қандай қилиб бўлса ҳам бош врачнинг кўнглини юмшатиш чораларини излади. Тузукрок баҳонали сабаб тополмади.

Кеча кечқурун бош ҳаким бу масалага чек қўйди: «Мана жой. Нима камчилигингиз бор? Ҳаммасини сестра киламиз.

Лекин уйга ярим кунга ҳам жавоб бермайман. Нима кинти? Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Кўнглингизга қараб сизга ёмонлик қилишим мумкинлигини сезаянсизми, ахир? Хўп, туғилган кунингиз бўлса, шу ерда иккаламиз бирга нишонлаймиз».

— Ахир, уйда жўралар, ака-укалар...

— Тўғри... Қиттай-қиттай, ўйин-қулги. Кейин яна, аҳволингиз, аввалгидай-а, шундайми?

— Сўз бераман... Ичмайман.

— Тушунган йигитсиз... Нима қиласиз, ортиқча гапни. Шахсан мен Сизга асло руҳсат бермайман. Бу ерда мен тартиб-интизомга, керак бўлса Сизнинг соғлигингиз, айта-верайми, ҳаётингиз учун жавоб бераман. Мақолани эса зўр ёзган экансиз, яна ана шундай мақолалар ёзаман, деган ниятингиз бўлса, укам, гапимга қулоқ солинг. Ҳозирча хайр! Бош ҳақим жиддий ва самимий қараш билан бош силкиб, чиқиб кетди.

Шоир бўлиб ўтган шу гап-сўзларни эслади: «Бу бир сўзли одам, барибир жавоб бермайди. Онангни эмгур, армиядаги офицер бўли кет-ей», — деб қулдиради. Столдаги сутли овқатдан бир-икки қошиқ татиб кўрди. Бўлмади. У умуман сутли овқатни, ширинликни ичолмайди. Ҳозир хотиним кеп қолса ажабмас, тузукроқ нарса келтирар, деган ўй билан столдаги идиш-товоқни йиғиштиришга уринди.

Ташқарида одамлар нимираб қолган. Катта эшик ланг очик. «Тез ёрдам»лар, касалхонага келган енгил машиналар кириб-чиқиб турибди. Қоровул эса ўтган-кетган машиналарга, хайдовчиларга бош эгиб салом беради. Уларнинг дуосини олади. Пулиниям олади. Ҳа, йўқса, кириб кўрсинчи... Ана, машинасини эшик ортида қолдирсин. Эх, тавба, ҳамма жойда пул ўлгур. Ҳаммаси оламан дейди... Савоб ҳам, салом ҳам пул бўлиб борапти. Балки чолга ҳам қийиндир... Болалари йўқдир. Ёлғиздир. Хўп, болалари бор, дейлик. Уларнинг ҳам рўзвори, бола-чақаси, иссиқ-совуғи бор. Бугун ҳеч ким ўзидан ортмайди. Чоли тушмагур камзулининг устидан ўнг кўксига қиррали нишон тақиб олган. Демак урушда бўлган. Жанг кўрган. Одам отган. Ҳаёт-да энди бу. Лекин шу кўксидагини бекор кўз-кўз қилаяпти-да. Урушда бўлган одамнинг ўтган-кетган хайдовчилардан қўл чўзиб пул сўраши яхшимас.

Шоир ўз фикрини ўзи тасдиқлаб, деразани қарсиллатиб ёпди. Телевизор қўйди. «Ассалом, Ўзбекистон» бўла-

япти. Кўрсатувни Салом Содик деган шоир олиб борапти. Агар телевизор тортиб кетмаса, у яхши шоир, ҳозирги ёшларнинг ичида дадали шу. Лирик кайфият билан эркаланиб ёзади у. Салом билан шоир университетда бирга ўқишди. Оралари анчагина яқин. Ўрталарида борди-келди ҳам бор. Саломнинг шеъриятида водийга хос бир ёқимтойлик, чиройли тавозеъ, ички бир оғрик, жуда гўзал образлилик мавжуд. Кейин у осмондан шеър қидирмайдиган шоир... Буниси ўзи бошқачарок чашани, исён, дард, хаяжон. Хуллас, икки кутб. Одамнинг табиати юриш-туришида, қарашларида тўлиқ намоён бўлади. Ижодкор ҳам худди шундай. Ўзидан келиб чиқиб ёзади, ижодига унибўстан жойининг нуқси уриб қолади.

Телевизорда айтилаётган жуда жўн, алмойи-жалмойи кўшиқ шоирнинг энцисини котирди. Кўзини юмди. Бошини ёстик остига беркитди. Шундай паллада нарсани бутун мамлакатга кўшиқ деб айтаётган дикиллаксифатни сўқди. Қараса, хали-вери тугамайдигандай. Бошида оғрик турди. Хе, пандавақи. Уялмайсанми, шунга кўшиқ дегани. Сенга буни қайси халиғифуруш ёзиб берди. У ўрнидан даст туриб, телевизорни ўчирди. Кейинги пайтлар жаззакчи бўлиб кетаётганини, арзимас нарсаларга эътибор бериб, жаззакчи чиқиб қолаётганини сизди. Аммо бугун халққа алжираб куйлаб, ювкензлик қилишни арзимас нарса ҳам деб бўлмайдди.

У каравотга узала тушди. Хаёлга толди. Доимо ана шундай маҳали туғилган кунда бир гап чиқиб туриши тайин. У иримга ишонмайди. Лекин бугун оғриниб қўйди. Ўтган йили туғилган кунда ҳам хаста эди. Олдинги йили хотинининг акаси ўлди. Қайси бир йили сафарда эди самолёт учмади. Афғондалигида туғилган кунининг икки йилида ҳам госпиталда бўлди. Яна бир йили қизи сарик касал бўлди. Бу йил бундай. Асаби кўзийди, орқа мия шамоллабди. Хуллас, ётиш керак.

Шоир бошида кўзгалган оғрикни ўтказиб юбориш учун кўзларини юмди. Қанийдди, ухлай олса... Бошини иккита темир орасига олиб аллақандай қуч қисаётгандай. Бош томирлари тортилиб, қанча оғрияпти...

У базўр ётган жойида тумба тортмасини очиб дори ичди. Кўзлари ич-ичига тортиб кетаяпти... Ўрнидан турай деса, халиги темир қўллар бошини мажаклаб, эзилаб ташлайди. Йўқ, оғриққа чидаб бўлмайди. У каравот чети

тегиб турган деворга суяниб ўрнидан турмоқчи бўлди... Эплай олмади. Жойига қайтиб йиқилди. Ҳозир бошида нимадир овоз чиқариб, дахшатли гувиллайди. Шунгача нимадир қилиш керак. У бор овози билан бақирди...

- Дўхгир... Воҳ...

Хонада нимадир тарақлади. Эшик очилди, шекилли... Бир зумда шоирнинг тепасида бўлимдаги шифокорлар, ҳамширалар йиғилди. Икки-уч хил укол қилинди. Қон босими кўтарилиб кетибди.

Туш маҳали ўзига келди. Боши анча енгиллашиб қолган. Ёнида Барнони кўрди. Қизи оёқ учида ўтирибди. Оёғини уқалаётти. Қовоғида овирлик сезди. Жилмайгиси келди, уддалай олмади. Бош силкиб қўйди. Кейин ҳамшира кириб кизини ҳам, хотинини ҳам олиб чиқиб кетди.

II

- Қонгузия асорати. Яхши даволанмаган. Бугун сиқилганга ўхшайди.

- Яна укол берайми?

-- Албатта. Седуксин беринг. Томирга манний жўнатинг. Йигирма фоизли мониза қуйинг. Лозекс борми, яхши. Ўнликдан укол қилинг. Хонадан ортиқча кишиларни чиқаринг. Сиз доимо ёнида бўлинг.

- Бу сафаргиси ўтиши қийин кечса керак.

- Телевизорга нима бор, олиш керак.

-- Ўзингиз айтувдингиз...

- Олиб чиқинг...

Шоир тепасидагилар билан гаплашгиси келиб, уларни кўришни истади. Уколлар таъсирида яна уйқуга кетди. Бошини лойқа сув қоплагандай, умуман ўзини бўтана ичида гарк бўлаётгандек сезди. Нима бўлаётганини англай олмади. Қаерладир, кимлардир узук-юлук гапираяпти. Хар замонда бошининг орқа томиридан ушлаб кимдир қаттиқ тортаяпти. Шу азоб берапти. Бошининг орқасидан ўтган ингичка ип томирни бояги қўл тортиши билан ихрайди, шунда кимларнингдир овози яна кучаяди. Аёл кишининг овози... Йўқ эркак ҳам гапиряпти. Кейин жони бир оз ором топди. Бош оғриғидан кутулгандек бўлди. Овозлар ҳам ўчди.

Ҳамшира целлонасига кафтини босди. Иссиғи пасайибди. Қон босими ҳануз баланд. Тағин битта укол қилди. У

бош хақимнинг айтганига мувофиқ тумба ичидаги ортикча нарсаларни йиштириб қўйди. Қиз Хемингуэй, Ремарк, Эдгор По, Бальзак, Лермонтов, Пикуль каби таниш-нотаниш улуғларнинг китобини елим халтага жойлади. Беморнинг ортидан келувчиларга бериб юбораман, деб ўйлади. Унга китоб ўқиш ҳам мумкин эмас. Ўзи эса шоир ётган каравот ёнидаги ўриндикда мункайиб ўтирган кўйи «Ўн саккизга кирмаган ким бор...»ни ўқий бошлади. Айтиш мумкинки, қиз дастлаб китобни вақт ўтказиш учун ўқиётган бўлса, бориб-бориб хаяжонга тушди, саҳифалардан бош кўтаролмай қолди. Бунча таниш воқеалар? (Хамшира қиз адабиётчилар тилида манзаралар демокчи). Бунчалар хаётий. Худди кўриб турганингдек бўласан-а. Қиз кўнгли китобга ошно бўлди. Хамшира ўн саккизда эди.

Шоир кўзини очди. Ёнида унинг хол-ахволига жавобгар қиз китоб ўқияпти. «Мен эса тузукрок нарса ёзолмадим... Демак, шунча кунларим беҳуда кетибди». Шоирнинг ичини оловли бир ўқивч қуйдириб ўтди.

Ха. У уруш хақида ёзмок юқини елкасига олган эди. Демак, шунчалар кунларим беҳуда кетибди». Шоирнинг ичини оловли бир ўқивч қуйдириб ўтди. Лекин, ўзининг тахминича бу ишни эплай олмади. Мана, умр дегани ҳам шамолдай учаркан... Йўқ, умр шам, шу шамни умринг шамоли истаган пайтида ўчириши мумкин. Сендан сўраб ўтирмайди. Сен эса бошқалар кўрмаган урушни ўз кўзинг билан кўргансан, сен зўр ёзасан, деб юрган экансан. Шоирнинг юраги санчди. Кўзига ёш келди. Гапирмоқчи бўлиб тисланди. Хамшира уни тинчлантирди. Кўкрагидан оҳиста ушлаб, жимнинг ишорасини килди.

— Китоб.., — у шундай деди.

— Китоб. Яхши китоб экан, — қиз негадир миннатдорона боқди.

— Мен... яхши ёзаман ҳали.., — у қийналди.

— Ухланг. Илтимос. Сизга гапириш мумкинмас. Озгина ухланг, ўтиб кетади.

Қиз беморга дори ичирди.

«Мен кўп нарсалар қилишим керак эди...»

Шоир «Кулиб тур, азизим» деган романига уч йил олдин қўл урди. Негадир кейин ёзолмади. Юраги бетламади. Чала қолди.

...Иккала томонида одам бўйи баробар пахса девор тикланган йўл қишлоққа олиб боради. Икки чақирим юрил-

гач, кўрғонлар бошланади. У кузатувчилик қилаётган жанговар машина (БМП-2) кишлокка кираверишда тўхтади. Машина устидаги шиёдалар деворни паналаб кишлокка киришди. Орқада взводнинг тўртта ҳарбий машинаси келиб тўхтади ва уларда ўрнашган шиёда аскарлар ҳам худди шу тарзда кишлок оралаб кетишди.

Кузнинг сокин тонги. Яланғоч дарахтлар килт этмайдди. Совуқ этни жунжиктиради. Бу сирли сокинлик ичра ўлим ваҳми кезади. Кичик уйлар, хароба ховлилар расом тасвирлаган аллақандай сувратни эсга солади. Взвод шу кишлокни ёриб ўтиб, Баграм йўлида ҳимояга туриши керак. Кобулдан Саланг тоғларига озиқ-овқат олиб ўтаётган машиналарни кўриқлаб туриши лозим. Бу ер ўлим маскани, деб номланган Чорикорнинг бошланиш қисми.

Шиёдалар кишлокка кириб бўлди. Машиналарда ҳайдовчи ва кузатувчи-отувчилар қолди. У БМП-2 ичкарасига кириб, бошидаги шлемафон учини алоқа қутисига тикди. Керакли ракамларни топиб, взвод командири билан алоқа ўрнатди. Машинанинг отув милини рўпарадаги ховлига тўғрилаб, снаряд лентасини юқорига сурди. Отишга мослаб қўйди. Пулемёт лентасини отишга тайёрлади. Ўқдори етарли. Ҳайдовчи билан ички алоқани текширди. Жоёида.

– Ринат, нега бунча жимлик? – деди ички алоқада ҳайдовчига.

Билмадим. Отишга тайёрланиб тур. Ташқи алоқада комбат ҳеч нарса демадимми?..

-- Йўқ, демади.

-- Агар қочиб чиқиш керак бўлса, орқадаги учта машина бизга халақит беради.

– Агар орқадан ҳужум қилишса-чи?

– Унда машинани олдинга қаратиб хайдайман. Сен тўхтовсиз отаверасан. Алоқани узма.

-- Хўп.

Беш дақиқа ўтди. Жимлик. Бундай пайтда иймонинг олти бўлади. Кўрқув ичингни кемириб, тўкиб - адоин тамом қилади. Тезроқ бошлансайди, деб сабрсизлик билан ўзингни даҳшат қомига ургинг келаверади.

Ичкаридан, кишлок тарафдан ўқ овози эшитилмади. Кишлоқ гўёки бир аждаҳо, бутун бошли взводни ютиб юборгандек эди. Бу осудаликнинг ичида мудҳиш кўргулик борлигини хис қила бошлади. Отув мили белгисини кўрса-

тувчи ойнакдан боқиб, башняни ток билан айлантириб, ўнгу сўлга қараб чиқди.

— Эшитяпсанми? — деди Ринат ички алоқада безовталик билан.

— Нимани, — деб сўради у.

Комбат алоқада ҳеч нарса демадимми?

— Уф... Йўқ... Комбатингни ҳам, взводни ҳам ер ютганга ўхшайди. Энди мени чалғитмагин...

У оёқларини асабий кимирлатиб, қалтираган кўйи машина ичкарисига чека бошлади. Сигарет тутунини босиб-босиб тортар, бетиним музлаб борарди. Урушда энг даҳшати шу — қачон, қай маҳал жанг бошланиб, сени ўққа тутишларини кутиб ўтириш. Бир маҳал ташки алоқада комбатнинг хириллоқ овози эшитилди.

«Размах». «Размах?». Мен «Сена»... Мен «Сена», қабулга ўтаман.

— Мен «Размах», — деб жавоб берди қишлоқ ичкарисига ўн дақиқа олдин кириб жойлашган взвод командири.

«Размах»! Мен «Сена»! Ин ортидан серсоқоллар таёк ва бодринг ушлаб ўтинаяпти... Фақат олдинга қараб олганим бир.

— Мен «Размах»! Сизни тушундим. Ҳамма қутичалар, мен «Размах», соат 12.00 бўйича 61.

Серсоқоллар — душман. Таёк — курол. Бодринг — миномёт. 61 — ҳаракатлан. Юр, дегани. Демак, душман ўраб олибди.

— Ринат! Тайёрлан... Машинани ёқ. Олдинга юр. Қопконга тушибмиз. Биз қуршовдамиз, — деди у хайдовчига.

Алоқада қий-чув бошланди. Қопка жойлашган ойнак орқали у орқага қаради. Шу захоти гумбурлаган овоз эшитилди. Ортадаги охириги машина портлаб кетди.

— Ринат, бос! Тез. Ҳайда.

Машина олдга силжиди. Шу маҳал кўрғонлардан миномёт ва гранатомётлар ишлаб қолди. Саллалаи душманлар тўп-тўп бўлиб чиқиниб машиналарга қарата ўт очди. Алоқада қий-чув бошланди. У сўл қўли билан пулемёт, ўнг қўли билан снаряд тугмасини босди. Башняни ўнгу-сўлга автоматик равишда буриб, кўзи тушган душманга қарата отаверди. Машина хароба бинолар ичкарисига кириб борди. Қишлоқнинг қоқ ўртасига бориб қолди. Қишлоқ душманнинг уяси эди. Пиёдалар учун қочиб чиқиш йўллари

беркилганди. У машинага қараб югуриб келаётган пиёда аскарни кўрди. Аскар жон-жаҳди билан чопяпти. Шу маҳал девор панасидан уни пойлаб турган душман гранатомёди олов пуркади. Оний бир ҳолатда аскар танаси тир тўзғиб кетди. Ўрнида қуюқ тутун кўтарилди. У шахд билан башняни душманга қарата буриб, пушкадан кетма-кет снаряд отди. Девор қултепага айланди. Душман бурда-бурда бўлиб кетди. У кўрқувни унутди. Умуман қарахт ҳолга тушди. Сўлдаги ховлилардан биридан чолиб чиқаётган душманини кўрди.

– Ринат чапга! Чапга ол!

Машина душманга тўғри бўлди.

– Устидан хайда, онағарнинг! Бос. Тезроқ бос! Қув. Душман қўлидаги қурол билан рўпарадаги яқинлашиб қолган баҳайбат машинани кўриб, ҳеч нарса қилолмаслигини сезди ва кўрқувнинг зўридан ўзини девор панасига олишини ҳам унутиб урра қочди.

– Бос! Тезроқ бос!

Душман жон ҳолатда югурди. Машина паст-баландликдан чайқалиб олдга учади. Ниҳоят душман машинанинг занжирли гилдирақлари остида қолади. У қутуриб боради. Ринат қутуради. Машина қутуради. Башня тишимсиз айланади. Отув мили оғзидан олов сочиб, снаряд отади. Пулимёт тишимсиз ишлайди. Ичкаридан порох хиди, ачимсик тутун ўрлайди.

– Ўнг томонга от, ўнга от!

У башняни ўнгга олади. Япаски уй деразасидан автомат ўт очаяпти. Уй бурчагида ўз взводдошининг ўлигини кўрди. У отув милини деразага тўғрилади. Ва отди.

– Мана сенга! Мана! Мана! — телбанамо кичкира бошлади.

– Тўхтат энди! Тўхтат...

Рўпарадаги кулба чапга тўзон ичида қолди.

Машина чуқур ариқдан тумшувни ерга тегиб селкиниб ўтди. Унинг юзи тўғридаги кузатув мосламасига тегди. Оғриқни мутлақо сезмади. Башня тепасидаги қутига гранатомёт снаряди келиб тегди. Қути сочилиб кетди. Душман орқадан отди.

– Тезроқ хайда! Қочиб қолайлик... Онасини...

Ринат машинани хавфсиз йўл — бепоён тоқзор ичига бурди. БМП-2 чуқур ариқли тоқзорни, пушталар узра тоҳ насайиб, тоҳ юқорилаб кесиб ўтарди. Бу анча ишончли

уриниш эди. Алокадан комбатнинг шангиллагани эшитилди.

... Хамма «Размах» кутиларига буюраман. Барчангиз «Размах» — ўн тўртинчи кутининг орқасидан юринглар... «Размах» ўн тўртинчининг ортидан олтмиш бир..

Токзор тугаб яланглик бошланди. Машина ўкдай учди. Катта йўлга чикиб олинса бўлди. Қисм ўша жойда тўпланади. Ўн чакирим йўл босгандан сўнг кўшни қиллоқ бошланди. Қишлоқни тор йўл кесиб ўтади. Ринат БМП-2ни тор кўча четидаги деворга қарата бурди. Машина деворни ўпириб ўтди. Ивирсиган, тўзғиб кетган, хонавайрон бир ховлига кириб борди. Кулба ичидан беш яшарлар чамасидаги болакай югуриб чиқди ва девор томон чопа кетди. — Ринат машинани тўхтатиб, кабинадан бошини чиқарди... Кабинадан АКСУ автоматини олиб болага тўғрилади.

— Нима килаяпсан? Шошма!

— Отаман, Хаммасини отаман. Уруғини куйдираман...

У башнядан чикиб, ўзини Ринатнинг устига ташлади. Бўғиб олди. Юзига тарсаки туширди. Ринат бор овоз билан бакирар, тентакнамо бўлиб қичкирар, «отаман, сени хам отаман, ўзимни хам отаман, хаммангни отаман!», дсб уввос соларди. Машинадан тушиб кўлида қурол, телбанамо кўйи ховлини гир айланиб, дод солиб югура бошлади. У кабинадаги сув идишни олиб Ринатнинг йўлини тўсиб чиқди. Силтаб йикитди. Бошидан идишдаги бор сувни куйиб юборди. Ринатнинг овози ўчди. Атрофига аланглаб қаради. Манглайини чангаллаб, унсиз эзилиб-эзилиб йиғлади. У Ринатни суяб машинага олиб келди. Бўғзига нимадир тикилди. У хам йиғлади... Хароба ичидан чикиб келган жувон эса икки кўлини фалакка чўзиб ув солар, шафқатсиз шўро аскарини қарғар, афтидан Ринат иккисига Худодан ўлим сўрар, ҳозиргина кўрқиб қочган боласини улар отиб ўлдирдилар, деган ўй билан зор қажар эди.

Лекин болакай қочган томондан бошқа машиналар хам келаётгани аниқ, шўро аскарлари мислсиз вазабга минган эди.

Зум ўтмай орқадан келиб тўхтаган БМП-2 устидаги аскарлар аёлга ўк узди. Аёл бир силтанди, кўли хавола-ниб, ичкарига сўнгги бора талшинди. Башня мили кулбани нишонга олди. Кетма-кет снаряд учди. Деворлари тўкил-

ган кулба ичидав қип-кизил кўйлак кийган кизалоқ чирил-
лаб чикиб, ўзини аёл устига отди.

У кўзларини чирт юмиб олди. Машина юргандай бўлди...
Алоқадан буйруқ келди...

Отишмани тўхтатинглар. Тезроқ йўлга чиқинглар.
Нима қилаясанлар?

Урушда вақт қандай ўтганини сезмайсан. Взвод катта
йўлда тўхтаган қисмга келиб қўшилганда, қуёш уфққа
оғган эди. Взводдан олти нафар жангчи омон қолди. Бит-
та машина ёниб кетди. Ўн олти нафар жангчи ҳалок бўлди.
Ўнта аскар яраланган эди.

Кечга бориб оғир артиллерия қишлоқни ўққа тутди.
Самолётлар бомба ташлади. Унинг қулоқлари шанғиллаб,
иситмаси кўтарилиб, кўз олди қоронғулашиб борарди. Қисм
фельдшери узатган ампула таъсир қилмади. Ринат «Охот-
ничие» сигаретига наша «юклаб» тутди. Икки бора босиб
тортди. Бир оз чалғиди, оғриқ пасайгандай бўлди. Кейин
замбилга солишди. Тепасида меровланиб турган Ринатни
кўрди. Кўзини юмди. Қовоқлари шишиб борарди гўё. Боши
зил-замбил.

— Тезроқ, вертолётга олиб чиқинглар, — деган гап
қулоғига чалинди. Кейин нима бўлди - билмайди.

* * *

Бошида ғунғур-ғунғур қилаётганларни пайқаб-пайқамай
ётибди. У госпиталдаман, деган хаёлга борди. Тириклигига
амин бўлди.

— Боши қаттиқ лат еган. Контузия. Бу урушнинг
асорати. Касали компрессияга айланса чатоқ бўлади. Ол-
дини олиш зарур. Тутқаноғи тутяпти.

Улар беморга оғриқни оладиган укол қилишди.

— Миясида шиши оғриқ беряпти.

— Дўхтир, айтган дорингизни хотини тошиб келди.

— Ҳозирмас. Етарли.

— Олдига ҳеч кимни қўйманг...

— Икки соатдан кейин сизга қўнғироқ қиламан дўхтир...

— Яхши, профессор.

У тепасида айтилган гапларни узук-юлук эшитиб турар,
лекин идрок этолмасди.

— Ринат... Ринат, — деди зўрға.

— Тутқаноғи тутяпти, тағин. Глюкоза қуяйлик.

— Ринат. Вохбошим... От, Ринат!

Шифохона бош врач, невролог дўхтир ҳамда аллақадан чақирилган профессор палатани тарк этинди. Ҳамшира унинг қон босимини ўлчади... Томирига пироцетам уколини юборди. Стол устида ҳозиргина Барно келтирган Фивоборбитал, маннитол, лазекс ва турли хил дорилар турарди.

Ташқарида баҳорий безовталиқ. Ҳаво тоза. Осмон мусаффо. Тирикликка жон кира бошлаган. Ҳовлидаги ўриндикда кенжа қизчасини бағрига босиб, Барно у ётган палата деразасига боқиб, юм-юм йиғлаяпти. Лаблари пирпираб учеди. Эндигина йигирма беш ёшга кирган жувон урушни қарғаб, қирғин-баротларни лаънатлаб-лаънатлаб йиғлаяпти.

Ким билсин, уруш туфайли хонавайрон бўлган, бошига мусибат тушган кишиларнинг қарғишию бесуноҳ болақайларнинг ох-зорлари боис ҳам эри шу жазога мустаҳиқдир. Бироқ, жувон бу ҳақда сира ўйламас эди. У эрига яратгандан шифо сўрарди...

Ш

- Ринат, от. А-а-а-а! От!

Одам ўлим чангалида қолганда кўз олдиндан ҳамма нарса кинотасвирдайин лип-лип этиб ўтаверади. Оний бир пайтда, масалан, қаршинда турган душман сени отиб ўлдириши мумкинлигини англаган маҳалинг, яқинларинг, ўзинг учун қадрдон нарсалар хаёлингда бирма-бир жонланади. Шoirнинг аҳволи оғир эди. Бу дард уни олиб кетиши ҳам мумкин. Ҳозирги ҳолатида унинг умри биргина Аллоҳнинг қўлида эди. Буни шифокорлар ҳам дил-дилдан ҳис қилар, ўзи билан ўзи бўлиб ётган беморга фақат Парвардигор даво бериши мумкинлигини англашарди. Дўхтирларки шу кўйга тушибдими, демак, унинг тирик қолишига мўъжиза деб қарамоқ ҳам керак. Кун бўйи берилган дори-уколлар унчалик таъсир қилмасди.

Унинг бошидаги оғриқ мия чайқалиши ё эзилиш эмас, балки касали компрессияга айланиб бўлган эди. Бошдаги зўриқиш, юқори ҳарорат беморни ҳушидан кеткизарди. Тутқаноқ ичида жон таслим қилиши ҳам ҳеч гап эмас эди. Бундай пайтда ўз-ўзидан кўз томирлари ҳам тортилиб, таранглашиб боради.

Кўзини очди. Шифт. Бошини қимирлатишга мажоли йўқ. Юқорига базўр қараб кўрди. Қовоғидан аллақандай

куч босаётгандай бўлди. Боши оркага тортиб кетаяпти. Ихраб юборди. Пешонасини кимдир пайпаслади. Кириқларини очолмади. Тагин хушини йўқотди. Бошининг ичига кириб олиб нимадир тариллар, борган сайин мияси ташқарига отилиб чиққудай бўлар, кўз олдида оқ ҳарир булутлар сузар, тоҳида бу оқлик зимистонлик ичра гарк бўлар, шунда орқа миясини аллақандай темир қўл жон-жаҳди билан суғуриб олишга уринарди. Жони бўғзига тикилиб, оғрик зўридан талвасага тушарди.

Бир зумда палатада дўхтирлар тўпланди. Эрталабки профессор, бош врач, невролог, хамшира, яна иккита дўхтир шоирнинг тенасида ҳозир бўлишди.

— Глюкоза қўйинглар. Пироцетам уқолини томирига юборини керак. Бошқа дориларни таъсири сезилмади, деди профессор.

Осма укол қўйдилар. Профессор айтган амбулани беморнинг томирига жўнатилди. Бир оз ўтиб, шайтонлаб ётган бемор тинчлангандай бўлди. Жонига шу дорилар бир озгина ором берди. У уйқуга кетди. Мияси тиниклаша бошлади.

IV

Шоир телевидениеда тушпа-тузук ишлаб юрган эди. Кўрсатувлари ҳам эл оғзига тушиб қолган эди. Кўпинча долзарб мавзуларда жонли эфирда чиқар, шундай бўлсада, у олиб бораётган кўрсатувлар томошабинни бефарк қолдирмас эди. Бюрократлар, эскича фикрдаги раҳбарлар, порахўрларнинг ҳиқилдоғига ёпишадиган мавзуларга қўл урарди. Қайсар эди. «Ҳаётни борича ҳикоя қиламан, шундайлигича кўрсатаман, экраннинг вазифаси у, унга тикилиб турган миллионлаб нигоҳларга чўн суқолмайман, экранда алдаш шу халққа нисбатан хиёнатдир», деб ўйларди. Ва шу тушунча билан иш юритарди. Унинг бу феъл-атвори айримларга ёкмади. Айрим нулар унинг устидан ипхонасига шикоят ёзишди. Қўли баландроқлари эса, тўғридан-тўғри телевидение раҳбариятига ультиматум қўйди: «Шу болангизни тартибга солинг ё ишдан кеткизинг!» У парво қилмади. Бадиий кенгаш тузилиб, телебошловчилар синовидан ўтказилди. Шоирга эфирга чиқишга руҳсат беришмади. Нега? Экранда намгин кўринар эмиш. Майли, деди. Кўрсатувларга сценарий ёзиб, муҳаррирлик қилиб юравсер-

ди. Кунлардан бир куни кўрсатуви жонли эфирга қўйилган тележурналист бетоб бўлиб қолган экан, ишга келмади. Дирекция бошлиғи шоирни чақириб, оғайни, кутқаринг, бир амаллаб йигирма дақиқалик кўрсатувни олиб бординг, деди. Ким келади, кимни чақирасизлар, қайси мавзуда? Хеч ким билмайди. Энди ўзингиздан қолар гап йўқ, биродар, hozир қайси йўналиш долзарб - бирорга олимими, сиёсатшуносими чақириб суҳбатлашинг.

Суҳбат бўлиб ўтди. Матбуотнинг зиммасидаги масъулияят хусусида. Шоир топган суҳбатдон ҳам дангал ва дадил сўзлади. Ҳозирги газеталар деярли бир хил йўналишда чоп этиляпти. ЎЗА ахборотлари ва мақолаларини кўчириб босиб билан чекланиб қоляпти, газеталар шижоат кўрсатишмаяпти. Бу кўрсатув ҳам катта газеталардан бирининг бош муҳарририга ёкмабди. У телевидение раҳбариятига кўнғирок килди. Дирекция бошлиғидан тортиб оддий маъмургача тушунтириш хати ёзди. Шоир оқ қаргадай ажралиб, «ёмоноглик» бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси унинг эвсасини қотирарди.

* * *

Жазирама ёз куни. Қуёш нури ерга тиндай санчилади. Беадок далада хотин-халаж чошиқ қилаяпти. Йўл чегида дала шийпони. Шундоқ катта йўлдан кўриниб турибди. Нафас олсанг олов ютадиган даражадаги иссиқда ишлаётган аёлларга, офтобда қуриб-қорайиб бораётган оналарга қараб ич-ичингдан тутайсан. Уларни ҳеч ким далага уриб-сўкиб ҳайдамагандир, ахир. Бирор бир манфаати бордир. Майли, шундай экан, чошиқчи аёллар овқатланиб, хордиқ оладиган дала шийпониди ахвол қандай экан? Шоир телеоператорни эргаштириб шийпонга кирди. Бу шармандалик эди. Шийпон молхонадан ҳам хароб, ичи ўйилиб ётди. Тўшамча солинмаган. Ҳар жой-ҳар жойда ўзини пашшага талатиб кир-чир болақайлар думалаб-сумалаб ётишибди. Шийпоннинг эски устунларига халинчаклар осилган. Пешоб хиди анқийди. Боғча она алюмен товоқда айрон тайёрлаяпти. Шийпоннинг ярмига офтоб келиб қолган. Ўн кадам наридаги чуқурликда ҳар хил кимёвий дорилар уюми. Уюм ёнидан ўтган ариқ шийпон ҳовлисидаги ёғоч сўри тагидан оқади. Боғча она ариқдан сўлокмондек чўмичда сув олиб товоққа қуйиб, катикни сўйилтиришга киришди.

Бундан ҳам даҳшатли манзара, шийшоннинг кунчиқар томони, ўнгай бетида баҳайбат учта ҳайкал қад ростлаб турибди. Ярашмаган ямоққа ўхшаш бу манзаранинг даҳшатли томони шундаки, истиклолнинг бешинчи йили кетаётган бир пайтда миллатни, халқни таназзулга учрашига сабаб бўлган, салтанат даҳолари ҳайкаллари улугланиб, атрофига райхонлар, алвон гуллар экилиб қўйилган эди. Бу ёқда болалар афтода аҳволда. Учта доҳийнинг ҳайкали эса, бу кунингдан ўл, қирилиб кет хамманг, эҳ подонлар дейишаётгандай.

Шоирни титроқ босди.

— Қани бригадир... Қаерга кетди у? деб сўради у куймангланаётган онадан.

· Билмасам, журиб эди. Чоқиқ бошига кетгандирда...

· Шу сувни ичяпсизми... Нега шийшон хароб. Манови гўрсўхталарнинг ҳайкали атрофига ким гул экди?.. Эҳ... — тишлари вижирлади шоирнинг.

Юрагида санчик турди. Аёлга гапириш бекфойда эди. Одам боласи шунчалар ўз қаддини ерга урадимми?! Бу ернинг рансини кўзи борми, ҳокими қаёққа қарайди? Уйнинг куйгур мана шу катга йўлдан ҳар кунни ўн мартаба ўтади. Рансининг ҳам, ҳокимнинг ҳам уйига шу катга асфальт кўча олиб боради. Энг катга кўча шу. Тошкентга олиб боради. Истиклолни қўлга киритганимизга беш йил бўлсаю у занбарлар халиям ўша доҳийларга сивиниб юрса! Атрофини гулу райхонга кўмганини кўр!

Ол, тасвирга тушир, - деди операторга, - аввал шийшоннинг шармандали аҳволини ол, кейин болаларга қарат камерани, бугун бизда шундай жойлар борлигини ҳамма билсин. Кейин манави доҳийларни ол. Бу ерлаги раҳбарлар уларни халиям ўз отасидай иззат қилишни билсинлар.

Шоир жаҳл устида аччиқ-аччиқ, кесиб-кесиб гапирди, операторгами, анқовсираб турган, офтобда қорайиб кетган мушгицаргами, ўзигами, англай олмади. Ҳар ҳолда ичидагини тўкиб солди.

Ердаш чиқдимми, осмондан тушдимми, бригадир пайдо бўлди.

— Нима гап мухбир укалар, - деди қалтираб-салтираб...

— Шийшонни, манови аҳволини суратга олаяпмиз...

— Эртан тузатамиз... Қони, журиг, бир пиёло чай ичайлик. Журиг оға, хей анови жойда солқин жер бор... Жўл журиб кегансизар...

Бригадир нима бўлаётганини англамай, хаёлоти бўлиб караб турди. Шўрлик дехкон-да, барибир. Газет ўқишгайм, телевизор кўришгайм вақти бўлмайди. Бунинг кўлидан нима келарди. Хов анови белидан пасти офтобда қолиб ухлаётган болакайга гаширдинг нима, бунга гаширдинг нима?

Манови хайкаллар нима қип турибди?

— Нима қилайик, олайикма?

Унга гаширини фойдасиз эди...

— Кеча Термиздан катталар келиб эди. Даламизди моктаб кетди. Ғўзамиз авж, укалар. Майли, хайкаллар ҳам нон-ош сўрамаса, турибди-да.

Юраги эзилди шоирнинг. Жони сим-сим оғриди. Бошини ерга эгиб, индамай изига қайтди.

... Кўрсатув пайванддан чиқди. Кечкурун эфирга узатилиши керак. Раҳбар уни хузурига чақирди.

— Кўрсатувнинг бўлмайди!

— Нега?

— Шуни эфирга бериб бўладими?

— Нега, бу ахир... хаёт-ку?.. Қачонгача?..

— Шундай нарсаларнинг борлиги кулгули, — деди бошлик тебраниб.

— Ахир камеранинг кўзи алдамайди-ку. Ўзингиз тасвирда кўриб турибсиз. Кечки теледастурда ҳам бор... «Йигирма биру ўттизда «Миллат» кўрсатуви», деб ёзиб қўйилган.

— Сен тушунасанми?! Нима сени деб, бошқалар гап эшитиши керакми? Қачон қараса, шунақа нарсаларни топиб юрасан.

— Бу нарса эмас. Шу бугуннинг гаши. Бугун айтмасак, эртага кеч бўлади. Матбуот айрим кишилар олдида таъзим қиладиган бўлса, бундай тарбиявий воситанинг боридан йўғи.

— Менга нима деясан?.. Сен борган жойнинг хокими юқорига қўнғироқ қилибди...

— Шунинг учун кўрсатувни... эфирга узатишга рухсат бермаялсизми? Ўша хоким учун миллат қисмати ҳам, эртаги ҳам бир пул. Агар шу кўрсатувни бермасак, ўшандай калтабишлар яна кучаяди. Устимиздан кулади. Телевиденисни мазах қилади. Биласизми, ўша куни, туман хокими

менга нима деди? «Яхши, гапга кўнмадинг. Барибир кўрсатувиңг чиқмайди, тирикчилигиңг бўлса айт, қилиб берай, сен ҳам давра кўрган одамдирсан, ахир», деб мени муттаҳам қилмоқчи бўлди. Охири нима деди дейми? «Сенсиз ҳам таклифимга юрадиганлар топилади», деди.

Бошлиқ ўйга чўмган бўлиб, бир нуктага тикилиб турди.

- Яхши, сен боравер. Керак бўлсанг чақираман.

Шоирни бошқа чақирмади. Кўрсатув эфирга берилмади. Кассетани кимдир билмасдан ўчириб юборибди.

Орадан бир ой ўтиб, қайсибир видоятда бир порахўрлик фони этилди. Гапнинг учи вилоят хокимининг оёғидан тортадигандек эди. Кўрсатув бу гал силлиқкина эфирга кетди-ю, эртаси сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетди. Вилоят хокими тўполон кўтарибди. Кеча кўрсатувни экранда намойиш қилиш зарурлигини маъқуллаб, шоирни табриклаган кичик раҳбарларнинг ҳам бугун қовоғи уюлиб турибди. Эрталаб раҳбарнинг хонасида йиғилиш бўлди. Хамма ўринбосарлар, раҳбарлар ва шоир. Бири кўйиб-бири олаяти. Шоирни сиёсий жихатдан саводсизликда, умуман, журналистикани тушунасизликда айблади. Хўн, шундай экан, шу ердагиларнинг кўнчилиги кеча кўрсатувни қабул қилиб олиш жараёнида роса макташган эди-ку. Булар ким?! Одамми шулар. Буларнинг кўзи нечта? Ичларида шайтон яшириниб олганми? Уларнинг ботинида хоинлик ўрнашиб олганми? Буларнинг ичи борми? Суврати-ю сийрати борми, буларнинг? Нега шунчалар ўриндифига ёнишиб, чумчук шир этса, юраклари шир этади? Шулар билан телевидениенинг савиясини кўтариб бўладими? Яхши журналистлар кўп. Лекин, телевидение раҳбарлари ичида уларни қўллайдиган шижоатли, довюрағи борми ўзи? Шоир ҳақиқатни эди аңлади. Буларга сўяниб бўлмайди. Буларнинг беқарор кайфияти баҳор ҳавосига ўхшаб кетарди. Булар учун миллат ҳам, мафкура ҳам, истиклол ҳам... (тилига гап келмади).

Йиғин вилоятдаги вазиятни ўрганиб, ҳолис кўрсатув тайёрлаш учун телевидениедан бошқа тележурналистларни юборадиган бўлди. Юқори идоралардан шу масала бўйича комиссия тузилибди. Вилоят хокими жанжал кўтараётган эмиш. Шоирга алам қилгани шу бўлдики соқолтой раҳбар билан, жиш-жишлаган аёл раҳбар рус тилида гапирди. Шоирнинг устидан мағзава ағдардилар. Шу жойга келганда унинг тоқатиток бўлиб, сабр қосади сиңди.

— Нега бушча вахима соласиз? Ана, судга берсин. Агар мен ноҳақ бўлсам жавоб беришга тайёрман. Мен ўз кадримни билман. Бировга оёқ ости бўлиб қараб туравермайман. Шу миллат, шу халқнинг фарзандимиз ҳаммамиз. Унинг дардини айтмасак, келажагимиз йўлидаги тўсиқларни ошқора кўрсатмасак, телевидениенинг нима кераги бор? Ҳатто ўз она тилида гапиришни эплотмайдиган айрим раҳбарларнинг ҳозирги бетутуриқ гапларини сира тушунмаянман. Улар кимнинг ёнини олаяти? Халқними ё бир тўда мутгаҳамларними? Лоақал, тилимизни ҳурмат қилмайдиган, ўзбек бўла туриб ўзбекчани билмайди, бундай кимсалар ижод аҳли ишлайдиган ишхонада раҳбарлигини ўзи мантиқсизлик.

Шоир титраб-қакшади. Ҳалиги аёл ўрнидан туриб кетди.

— Просто кошмар, — деди.

Ҳамманинг рангидан қон қочди.

Аёл эшикка етганда чарм халтачасида уяли телефоннинг жиринглаши эшитилди.

— Алло! Слушаюсь. Я сейчас еду. Да, проста так... ничего...

Эшикни тарақлатиб ёпиб кетди. Аёлнинг амали телевидениеда баланд эди. Шунинг учун бўлса керак, мажлис тугади-қўйди.

Ташқарида кичик раҳбар шоирни қўлтиқлаб, таскин берган бўлди.

— Хафа бўлманг. Ўйлашгаям арзимамайди.

— Ўйлашга арзимаса, нимага арзийди? Ўтганларгина фикрламайди.

Кечки кузак ҳавоси совий бошлаган. Борлиқдан намлик уфурарди.

Ёмғир томчилай бошлади. Осмон билан ер бир-бирига яқинлашиб бораётгандай, кишида эзгин кайфиятни уйғотарди. Шоирнинг юраги санчди. Босиб-босиб чекиб эди, бошига оғриқ кирди. У ишхонадан тезроқ узоқлашиш мақсадида шаҳдам кадам ташлади. Санъат саройидан ўтиб, йўл четидаги емакхонага қараб юрди. Икки юз грамм отиб олгани ва ҳаммасига қўл силкишни истади.

Миясида бир фикр айланарди: «Ўлган одамларгина фикрламайди... Ўлган одамларгина фикрламайди...»

Ўлган одамларгина фикрламайди. Ўлмаслик керак...

Атрофга аланглади. Эшик кия очик турибди. Хамшира йўлакда столга кўксини бериб алланималарни ёзарди. Шоирнинг уйғонганини сезиб ичкарига кирди. Чехраси самимий, бокишлари беозор.

— Яхши бўлди турганингиз. Хозир сизга лимонли чой ошкеламан. Анчагина ухладингиз, — деди у хеч нарса билмагандек.

— Шу... бошим оғриб тортишди, кейин ухладим, шекилли.

— Йўк, Сиз чарчаган экансиз. Укол қилдим. Кўпроқ ухладингиз, холос. Ҳозир.. Ахволингиз анча тузук. Қани энди, рухсатингиз билан манави лимонли чойни ичиб олинг. Қани, қўлингизни беринг...

Қиз унинг қон босимини ўлчади.

— Яхши. Бошингизнинг оғриғи ҳам пасайди, човимда. Энди ором оласиз. Дарвоқе, Барно опам билан ҳам танишиб олдик. Келиб кетдилар. Ухлаётгандингиз, безовта қилмайин дедилар. Сизга товук шўрва олиб кептилар. Хозир хеч бўлмаса ярим косагина ичиб олинг.

— Барно кетдими?

— Кечроқ келадилар... Ахволингиз яхши эди, хотиржам бўлиб жўнадилар. Ялиниб-ёлвордилар, мана шу шўрвани ичаркансиз. Қани, озгина бошингизни кўтаринг. Йўк, косани ўзим ушлаб тураман.

Шоир қошиққа чўзган ўнг қўлида оғриқ сезди. Игна излари... қизариб турарди. Сўл қўлида ҳам худди шундай. Шоир хамширага саволомуз қаради.

— Энди хавотир олманг. Ўзингизни аянг. Ўтиб кетди.

Шоир шўрвадан уч-тўрт қошиқ хўплаган бўлди. Бошидаги «тутқи» яна тортишди.

— Мен ётай...

Меҳрибонлик қилаётган қиз қаршисида хижолат тортиди.

— Майли. Сиз кўпроқ ухлаб, камроқ фикрлашингиз керак. Ҳозир сизга финобарбитал қиламан. Олдин манавини ичиб олинг.

«Камроқ фикрлашингиз керак». Шоирнинг лаблари беихтиёр пичирлади: Ўлган одамларгина фикрламайдилар. Қачон, қаерда айтувди бу гаини? Эслай олмади. Унинг мияси чарчаган, ўйлаш учун хеч бир куч тополмасди ўзида. Идрокини кетма-кет берилган дори-уколлар босиб, жиловлаб турарди. У шу холида қаршисида эмранибгина тур-

ган, уни деб ўзини койитаётган, соғайиб кетишини жондидан истаётган қизга нимадир дегиси, яхши гап айтгиси келди. Ўзини қарздор деб билди. Уялгандай бўлди. Бирор гап айтиб ўртадаги хижолат туманини таркатгиси келарди.

Шоир хамширанинг бурчи шундай, мен беморман, у менга қарашни керак, деб тушунолмасди. Унинг учун бурч совуққонликка ўхшаган бир нарса эди инсон меҳрини олдида бош эгиш ва бу туйғуни эъзозлаш керак, деб тушунарди у.

Бу кайфият унда болалигидаёқ пайдо бўлган эди. Ким яхши гапирса ўша одамни қалбига яқин оларди. Айёрликни билмасди. Хамқишлоқлар ток юмпатиш, лойсувоқ ёки ўт ўришга хашарга чакирса бас, хаммадан олдин борарди. Шу одамнинг иши тушибди, деб бошқа ўртоқларига нисбатан кўнроқ ишлар, тиним билмасди. Хашар охирига етмагунча кетмасди. Гўёки, у бу ердан кетса, иш тўхтаб қоладигандай тасаввур қиларди.

Ёшлигида эшакнинг устида кўкарди ўт ташиди. Уйдаги мол-холнинг тапшиши унинг бўйнида эди. Саратоннинг жибанагида кўйиб-ичириб, далама-дала ўт ахтариб юрарди. Чап кўлининг барча бармовини икки-уч бора ўроқка олдириб бўлганди. Каналнинг ости, каналнинг усти, Обшир қишлоқ даласи, говтўда, жона, чорбоғ, беш гектар, ок тена, бақироқ кўл сингари ёввойи ўт кўп далалар халак, шоирнинг болалиги халак, чўлоқ эшаги халак эди у паллалар. Лагерда дам олинн нималигини билмади. Ёзги мактаб таътилида катта шаҳарларга саёҳат нималигини билмади. Билгани шу дала, хуржун тўла ўт, еб тўймаг мол-хол бўлди. Юқори синфга кўчганда отасининг кўлига ора кирди. Ота-бола пахса уришди. Дастлаб уялгандай бўлди. Бировларнинг ишини қилиш, деворини уриб беришга юзи бўлмади. Лекин, отасини кўзи қиймади. Бир ўзи оилани бокишга қийналиб қолаяпти. Кейин ота-боланинг бирга пахса уришига одамлар ҳам кўникди. Домлалар, мактабдошлари ҳам ўрганиб қолишди. Синфдош қизларидан ҳам уялмайдиган бўлди. Отасининг бир гапини юрагига мухрлаб олди: Фақат ўз меҳнатинг билан унасан. Тоза тошанинг татийди.

Баҳорда одамларнинг боғини юмшатиб, ёзда деворини тиклаб ўсмирлик билан хайрланди. Ёшлигиданок ҳаётнинг наст-балаандини чамалаб кўрди. Қушлари қўйинчилик билан кечганиданми, эзилгани кўрса кўнгли ачийди, бағри куя-

ди. Ўзига нисбатан яхшилик қилганларни бошига кўтаргиси келади.

Шоир ўзини яхши хис қила бошлади. Ҳарорати тушиб, жикка бўлиб терлади. Ҳамшира дори-дармон терилган стол устидан аллақандай шишачага шприц тикиб, суюкликни тортиб олаяпти.

– Синглим, энди буниси қандай укол бўлди, – деди у зада бўлган оҳангда.

– Кўркманг, билинмайди. Аччик эмас. Лазекс деган укол бу. Мускул орасига юборилади. Асабингизни тинчлантиради.

– Раҳмат, Сизга. Бу яхшилигингизни қачон қайтараман... Мендан қайтмаса, Худодан қайтсин.

– Мен Сизга нима яхшилик қилибман... Мактаб уялтирманг. Қани энди орқангизни ўгиришг. Шу уколни ҳам берсак тамоман тузалиб кетасиз. Ух-ху, терлабсиз-ку. Бу яхшилик аломати.

– Синглим, Сизнинг олдингизда барибир қарздорман...

– Унда бундай қиламиз... Худди Шукур Холмирзаевникидай хаётий қилиб (ха, у айнан хаётий деб айтди) ёзилган китоблар топиб берасиз. Совайиб кетсангиз, кейин шеърларингиздан ўкиб берасиз, деди.

– Келишдик. Шукур аканинг китоби ёқдимми?

– Жуда зўр. Хозирча ўкиб тугатмадим.

– Янгангиз келса айтаман, уйда у кишининг бошқа китоблариям бор, олиб келади. Сизга совға қиламан.

– Вой, бунча зўр...

– Адабиётни яхши кўрасизми?

– Ҳа. Майли, гаплашиб ҳам олдик... Уколдан кейин бироз мизғиб олишингиз керак... Режимга риоя қилсак, тез тузаламиз.

Қун бўйи оғрик хуружидан чарчаган шоирни яна уйқу элитди. Толғинлик уйқу орасида ўтиб кетаётганидан қувонган ҳамшира беморнинг бошига оҳиста кўл юбормоқчи бўлди: ўз хатти-харакатидан уялиб, кўлини қайтиб олди. Атрофга аланглаб қаради-да, дув кизариб, эшик томонга юрди.

Сарҳадсиз текислик. Атроф оипок туман қўйнида. Шоир қушдай енгил бўлиб югуриб борапти. Хаёли осмон қадар кенг. Негадир тинимсиз кулади. Ялангоёқ чоғиб борапти. Ям-яшил майсалар оёвига хуш ёқади. Бундай гўзал кеча ҳеч қачон бўлмайди, бу эзгулик кечаси, деб қичкиради у.

Борлик ошюк рангга фарқ бўлган. Фалакда юлдузлар зўрға кўринади. Нур ёрмайди, дейишганди, бекор гап экан, мана, оқ нур ҳам ёғаркан, дейди ўз-ўзига ... Шу маҳал қаршида уфқранг шойи либосга бурканиб олган катта энаси (рахматли момосини эна дерди) турганини кўрди. Энам тирик эканда, деб из-из йиғлаяпти. Катта энаси эса кўлини силкиб қайт, ишорасини қилди. Келган томонига кўлини ниқаб, алланималардир демокчи бўлди. Шоир тўхтаб, орқага қаради. Ортида учта фарзанди, Барнони кўрди. Улар кўл силтаб чорлашаяпти. Раҳматли энаси ҳамон орқашга қайт, деган ишорани қилаяпти. Бир фарзандларига, бир катта энасига қарайди. Шу пайт катта энаси кўздан ғойиб бўлди. Энам мени фарзандларимга ташлаб кетди, деган ўй келиб урилди хаёлига. Болалари ёнига қайтди. Уларни бирма-бир қучиб, дув-дув кўз ёши тўкаверди. Энам мени олиб кетмади, қайтиб келдим. Сизлар билан қоламан, деб уларни бағрига боса бошлади.

Энам мени олиб кетмади... Қайтиб келдим. Сизлар билан қоламан...

Барно унинг кўз ёшларини артаётганмиш. У туйқус кўзини очди. Тепасида учта фарзанди билан Барно турибди. Барно унинг чаккаларига тушган кўз ёшларини рўмолчаи билан артаяпти.

– Дадаси, ҳар нарса деб кўрқитманг бизни. Мана келдик. Анчагина тузуксиз. Хаммаси ўтиб кетди, энди. Қани адажонларинг билан кўришинглар...

У фарзандларининг кўлларини кўзига босди. Ўзини ўнглаб олди. Айни дамда чиройи очилди.

– Дадаси, кеч бўп қолди. Мана кайнатма шўрва олиб келдик... Овқатланиб олинг, зўрға кирдик, икки дақиқага. Катта дўхтир кўриб қолмасин, ишқилиб. Барака топгур, Гўзалга ёлвордик, рухсат берди. Ўзи эшик олдида қорувлик қилиб турибди. Дўхтирлар сезиб қолинса, унга ҳам гап тегеди.

Шоир фарзандларини кўриб кўнгли кўтарилди. Улар билан хушлашаётган човда эса фикри ёришгандай бўлди.

V

Шоирнинг ўй-хаёли ўша кундан бери зимистон эди. Ўлим тўшагига олиб келган ўша кунги воқеа фарзандлари кўзидаги хавотиру ҳадик олдида бир чақага ҳам арзимаслигини у ҳозир, мана шу дамда, фарзандларини бағрига

босаётганида чуқур хис қилди. Бу ҳол унга қанот, куч бағишлади. Уруш асабини емира бонлаган инсон учун бу дунёда энг ишончли суянчиқнинг борлиги нақадар ёқимли бўлишини у англаб етди. Унинг учун бирдан бир суянч фарзандлари эди.

VI

Хуллас, шоир телевидение биносидан кимдир ортидан югуриб келаётганидек, гўёки қайрилиб қараса, уни чақириб қолгани мумкиндек тез-тез юриб муюлишдаги емакхонага бурилди. Ҳозиргина содир бўлган ҳодиса хақида ўйла-масликка ҳаракат қиларди. Лекин, ўз-ўзидан газаби тошаётганини хис этди. «Одам боласи шунчалар ҳам тутуруксиз, турланувчан бўладими-а, қан-қатта одамлар. Айтган гапларини қулоқлари эшитмайди...», дерди ўзига ўзи.

Совуқ этни жунжиктиради. Ёмғир кучайди. Муздай шамол урилади юзига. Об-ҳавонинг тундлиги шоирнинг кайфиятига мос эди. У ёмғирпўни ёқасини кўтариб олди.

Емакхона рўпарасидаги бекатда шоир Эшқобил Шукруни кўрди. Улар бирга ишлашади. Уйига кетаяпти чоғи. Шоир ҳамқасбини имлаб чақирди. Емакхонага ишора қилиб, халифидан урамиз белгисини билдирди. Бекатдаги шоир ҳам шуни кутиб тургани каби емакхона томон юрди.

Стolni шоирона қилишди -- битта ароқ, салат, қовурилган картошка, икки шиша Тошкент суви.

— Ҳавоям на у ёқлик ва бу ёқлик бўлди, — деди шоир қўлларини бир-бирига ишқаб, — олдикми?

— Энди ёғади. Совуқлашаяпти. Осмон булут бўлган кезлар кўнглим сиқилади -- деди шериги.

Яхшилик учун!

Улар бир кўтаришда идишларни қуритдилар. Столдаги бор нарсалардан татиб кўрган бўлишди.

— Қаёққа кетаяпсиз, ҳозир иш тугамади-ку?..

— Уйга. Эртанги кунга сценарий ёзмокчийдим. Ишхонани биласиз, ғалванинг уяси униса киради, буниси киради, чалғийсиз, кунни валаклатиб ўтказасиз. Ўзингизга йўл бўлсин?

— Мен шу ерга. Жиндай отиб олиб дунёни унутиб, уйга жўнашни мўлжаллаган эдим. Мана Сиз шерик бўлдингиз, бу жуда яхши.

— Бугун «отиш»ни шунчаки кўнглингиз тусаганми-ди?..

— Ха. Аниқроғи, шундай бўлиб қолди. Ярим соат аввал мен роса дўшослашди. Очиғи, миямни эговлашди. Ишхонанинг казо-казолари дашномини эшитиб бўлгач, бу ёкка қараб югурдим.

Нима бўлди?..

Эй, арзимаёди. Ўзингизга таниш ҳол. Кеча мақталган кўрсатув кимларгадир ёкмаган, тўғриси чимчилаб олган шекилли, буларнинг бошига гурзи билан туширган. Энди гурзи еб гандираклаганлар менга осилишяпти. Эй, одамнинг биқик ўйлаб, майда қаричлашга мажбур бўлиб қолганидан кўрқиш керак экан. Хуллас, бугун телевиденида ким ёмон — мен ёмон. Қани биттадан урайлик. Ўйлаймизки, булар ўткинчи...

— Қани оламиз, гапингиз рост. Шу майда-чуйдаларга ўралашиб қолмаслик лозим. Ҳозир ижодингиз чаккimas. «Ёшлик»да босилган «Қоронғу уй» қиссангизни ўқиб чиқдим. Зўр. «Дарё ортидаги йиғи» китобингизда ҳам, бу асарингизда ҳам уруш фожиясини шафқатсиз чизгансиз. Яхши. Шу йўлни маҳкам тутиш керак. Қолганлари қапейка... Адабиётда ўчмайдиган қилиб олов ёқиш керак. Абдулло акадай, Шукур ака, Усмон акалардай гуриллаб ёниш керак... Гугуртингизни беринг...

Эшқобил Шукур сигарет тутатди.

Шоирнинг кайфияти анча тетиклашди. Ўз дарди қобига ўралиб аза очишдан кўра, ўлмайдиган, энг юксак мавзу, тоза тушунча — ижод ҳақида суҳбатлашаётганидан, қаршисидаги ўзбекнинг навқирон шоири билан фикрлашиб ўтирганидан анча хаяжонда эди. Бу ҳол жудаям ёқимли эди.

Улар тағин биттадан сиққоришди. Қизишди. Гаплари тобора қовушиб борарди.

— Менга фарқи йўқ. Минғир-синғир қилиб, шинғирлашаверсин. Шу ишхонада ишламаслигим ҳам мумкин. Лекин, шу майда-чуйда, иприски гап-сўзлар ҳам қалбингни кемириб тургани чатоқ. Ўлай агар, телеюлдуз бўлиш орзуси кўнглим кўчасидан ўтмаган. Мен бунга сира-сира истамайман. Фақат ёзсам дейман. Эҳ, ёзишим учун эса, яна ўша лаънати уруш, азоблар ҳақида ўйлашга мажбурлигим мени қийнайди.

— Одам ўзига яқин ва таниш манзарани яхши тасвирлайди. Уруш ҳақида ёзишнинг ўзи бўлмайди. Бу дунё адабиётини кексайтирган мавзу. Яхши биласиз. Лекин мен

ишонаман, сиз ўзбек прозасига уруш мавзусини дадил олиб кираяпсиз. Сиз учун бошқа йўл йўқ. Худо насиб қилса, кўрамиз, китобларингиз талаш бўлиб кетади. Уруш хақидаги кичик бир ҳикоя ёки ёстиқдай романни, бу фалон жойда содир этилган уруш тўғрисидаги асар деб эмас, инсониятнинг фожиаси, ёвузлиги фош қилинган асар деб қаралмоғи керак. Ана шундай даражадаги асарни яратиш ҳар қандай ёзувчининг қўлидан келмайди. Уруш асари Инсон ва унинг таҳқирланган орзулари, ўққа учган муҳаббати, издан чиққан ҳаётини ҳикоя қилмоғи лозим. Уруш адабиёти тириклик ва ўлим, эзгулик ва ёвузлик оралиғидаги мунгли бир қўшиқдир. Ҳамма миллат ва элатларга тушунарли қўшиқ. Мисол учун афғон уруши. Вьетнам уруши, Иккинчи жаҳон уруши, ёйинки ер юзидаги барча урушларни битта ном — Уруш деб аташ керак. Демак, инсонни жиддий ўйга толдирадиган, башарият кўнглига оғриқ солувчи дард бу. Қолган нарсаларга чалғиманг. Урушни кўргансиз... Ёзинг. Ҳозир куч-қувватингиз бор. Кўп гапирдим... Мано-ви ҳаёлимни айлантирди, шекилли? Оламизми?

— Қани олдиқ. Хурсандман. Очиги, Эшқобил ака Хемингуэй, Ремарк, Толстойлар тасвирлаб кетган урушлар замин қадар, ҳаёт қадар китобхон юрагини ларзага солаверади. Ҳарорат ҳам бор, совуққонлик ҳам бор, севги ҳам бор, ўлим ҳам бор — қисқаси ҳаёт бор. Во, ҳаёт. Уруш. Уруш... Уруш... Менинг кўнглимда нима нам бор?... Ўзимга аён, ака... Афсус, айрим хумқаллалар шунчалар бир паст ишларни қилиб, нервимни қўзитганига тутаб кетман... Нега унақасан, унга ён бос, бунга ён бос, халигини ҳурматини қил, у катта, бу катта — мансаби бор... Эй, шуларни бир зиёли деб, шулар билан бирга нафас олиб бўладими? Майли шундай палавда бўлиб дунёга келган экансан, нима қиласан бошқаларни ҳам ўзингнинг сафингга тортиб. Бугун... шундай шармандали ҳолатни кўрдим, айтгилик-дегилиги йўқ...

— Эй, кўйинг, шуларни. Копейка... Бир тийинга киммаг нарсалар булар...

— Узр. Яна чалғидим. Бир роман қоралаяман. Қўлёмасини бераман. Ўқиб кўрасиз... Ўзи урушдан қайтган, лекин мен урушдан қайтиб келмадим, деб китоб ёзаётган бир ёзувчининг ҳаёти хақида... Ҳа, шундай... Уруш кўрган одамнинг урушда қолиб, уруш ичида яшаши тўғрисида бир асар...

— Ғалати фикрлар...

— Ака, бир гап айтаман... Яқинда Шукур акага, Холмирзаевга... ...Эй, охири колибди, келинг кўтарайлик, шуниям... Яхши бўлаяпти...

— Энг гўзал туйғу, адабиёт учун...

— Адабиёт учун.

Охиргисини ҳам олдилар. Аччиқ салат газак ўрнида бўлди.

- Хўш... Нима деяётувдим. Уф, шунини ўзи яхши. Лекин, курғур эсни олади...

- Ҳозир... ҳозир... Ха, Шукур ака деяётувдингиз.

— Во! Яқинда Шукур ака билан бирга чой ичдик. Шукур ака, дедим бир гап айтайинми, дедим. Айт деди. Ўртада мановиндан бор эди. Қайфиятимиз чаккимас эди. Хўш, ха, кейин Шукур акага халиги гапни айтдим. У кишининг чеҳраси ғалати бўлди, қошлари уюлди... Менга ўқрайиб қарагандай бўлди. Разм солдим. Мени кўрмаяпти. Кейин, ерга қараб сукутга чўмди-да, яна менга анграйиб қаради. Даҳшат-а?, деди. Сўнг кўзларига ликқа-ликқа ёш келди. Йиғлаяпти.

— Нима дедингиз?

— Шукур ака, мен яқинда кишлоққа бордим. Афғонда бўлган дўстим ўзини осиб қўйибди. Кейинги пайтлар одамови бўлиб қолган экан, дедим. «Нега шундай бўлибди, биласизми?», деди у мунгли охангда. Ҳеч нарса деёлмай қотиб туравердим. «Ха, билмайсиз. Агар урушдан қайтган одамнинг нима сабабдан ўзини осиб қўйишини тушунтиришга қурбингиз етса, эди... У бекорга ўзини осмаган. Мана сизга урушнинг аянчли тасвири. Шунини ёзиш керак...», деди Шукур ака. Уф, ха, майли.

— Кейин нима бўлди?

— Кейин Шукур ака туз тотмай ўтираверди. Ароқ ҳам ичмади. «Ука, кетайлик», -- деди секингина. Эҳ... Ака яна битта айтайлик. Ҳозир... барвақт. Уйдаям нима қиламиз.

— Етар, балки.

— Йўқ... Бир кўнгил очилди-да.

— Майли...

Улар яна биттани стол устига дўккайтириб қўйдилар. Бу гал газакка шўр бодринг, сузма, тўрт бўлак қовурилган балиқ буюришди. Қадахлар тўлғазилди. Ҳамсухбатлар бир-бирига энгашиброқ ўтирдилар.

— Баъзи бировлар, ҳамма нарсаси етарли бўлгандагина, тўқ яшасагина ёзувчи шоирлар яхши ижод қиладилар, деб ўйлайдилар. Бир қараганда шу гап...

— Оч бўлсангиз ҳам кўнглингиз хотиржам бўлиши керак, ака... менимча.

— Менимча ҳам шу гап тўғри... Бошимни олди... манови...

— Эшқобил ака, мана менинг ижод ташвишимни ҳаётдаги ташвишларим босиб кетганга ўхшайди. Мана, танишбилишлардан қарз-ҳавола қилиб, қарз қилиб, қарздор... бўлиб уй олдим... Билмайман, қандай қутуламан. Лекин... лекин. Уйинг, оиланг бўлмаса ҳам... пойтахтда яшаб бўлмайди-да.

— Майли, омон бўлайлик... Энг асосийси, ижодни маҳкам ушлаш керак.

— Эй, бари бир тийин... Қани... биргаликда... Уф... Гугуртингизни узатинг. Хўш, мен хали урушни гапирдим... Онасини... урушни. Яраландим... Кейин... қисмимизда бир, йўқ санчасда бир ҳамшира қиз бор эди. У менинг яраларимни боғларди. Кейин Баграмдаги жангга у ҳам чиққан экан. Исми Аня эди... Машинаси минани босибди, портлаб кетди. Қизнинг чап юзидан ва сўл қўлига осколка тегди. Кобулга, госпиталга олиб бордик... Аёл кишининг ярадор бўлиб қонига бўялиб ётиши аянчли кўринаркан. Шунда ўзимни тутолмай, йиғлаганман. Уч ойдан кейин контузия бўлиб госпиталга тушдим. Аняни кўриб қолдим. Қўли тирсагидан кесиб ташланган. Оқсаб ҳам юрибди. Оёғи ҳам жароҳатланган экан. Юзини айтгиллиги йўқ. Қарасангиз кўрқиб кетасиз. Мени таниди. Қараб турди. Айтдим-ку, санчасда ярамни боғлар эди, деб. Ёнимга келолмади. Бурилиб кетди. Шунда бунақанги кунларни лаънатлаганман. Тирикликим учун ўзимдан ҳам нафратланганман. Гулдай очилиб юрган жувон майиб-мажруҳ, боқсанг этинг жимирлайдиган хунук бир махлуққа айланиб қолган эди. Ким билсин, балки урушга пул топиш учун келгандир, балки ҳаётнинг тақозоси ўлароқ бу ерларга келишга мажбур бўлгандир... Хар ҳолда, ханузгача шу қиёфа, шу ҳолат ёдимга тушса, юрагим музлаб кетади.

— Дахшат.

— Дахшат ҳам гапми, ака... Энди ўша аёл бир умр урушни қарғаб, йиғлаб, ич-ичидан тўкилиб яшайди. Наридорса у ҳозир ўттиз ёшга киргандир. Ха, ўттиз ёшида

ўтинга айланган гўзаллик... Уруш оловига улоқтирилган гул... Кайфим ошди... Узр.

– Турамизми?

– Ха. Турдик.

Ташкарига ғира-шира қоронғулик чўкди. Эзиб ёмғир ёғар, кенг кўчадан машиналар сув сачратиб ўтарди. Йўлакда кўлмакчалар пайдо бўлган. Дарахтлардан узилиб тушган сўнгги япроқларини ёмғир савалаб, бетон йўлак билан битта қилиб ташламоқчидай.

Шоир сигарет тутатди. Нам хавода сигарет тутуни буралиб юксакка ўрлади. Бу ҳолат шоир учун мароқли эди. Ёмғир. Ғира-ширалик. Салкин хаво... У кейинги бекатгача яёв юргиси келди. Борлиқда алланечук махзуулик бор эди. Кузнинг ўзига хос бу манзараси айнаи чоғда шоирга хуш ёқар эди. Унинг кайфияти анча баланд эди.

Ҳозирги улфатчилик жуда мароқли ўтди. «Агар юрагинг оғирлик қилса, ўзинг кўтаришга дош беролмасанг, яқин, садоқатли биродарларинг кўмак берадилар», деган ўй ўтди хаёлидан. Шоир ўз фалсафасидан мағрурланиб, жилмайиб қўйди.

VII

– Аҳволи қандай?

– Ухляпти, дўхтир.

– Қон босими, хароратини ўлчадингизми?

– Анча тузук, тушиб қолди. Алахсираши йўқолди. Икки соатдан бери ухляпти.

– Ҳа... Ўтиб кетгани чин бўлсин. Асаблари чарчаган. Урушда бошига зарар етган. Яхши даволанмаган. Бугунга келиб, эски дарди кучайиб, хуруж қилапти. Беморга фақат тинчлик, хотиржамлик керак. Ҳаётдаги турли хил ташвишлар ҳам зарба бўлган. Бундай касаллик билан оғриган бемор учун аччиқланиш сира-сира мумкин эмас. Ўқигансиз, тушунасиз. Иложи борича, беморга хотиржамлик зарурлигини унутманг. Ҳеч кимни олдига қўйманг. Соат тўққиз бўлди. Анча кеч. Бунақа пайтда ҳеч ким келмаса керак. Ҳа, эсимдан чиқай дебди, хотинига айтинг, ҳеч қандай дори-дармонга оввора бўлмасин. Афғонда бўлганлар учун алоҳида захира бор. Бепул ажратилади дорилар. Эрталаб профессорнинг олдига одамни хижолат қлдингиз. Ким айтган эди, хотинига дори олиб кел, деб, бош врач хамширага саволомуз қарали.

— Врач Исмоилов айтувди.
— Эси жойидами унинг! Айтинг эрталаб менинг олдимга кирсин! Бўпти, эҳтиёт бўлинг. Мен кетдим. Бирор корхол юз берса уйга қўнғироқ қилинглар... Айтмоқчи, Исмоилов кани?

— Теладаги беморнинг хузурида...

— Бундан ҳам оғир бемормикан? Ахир, кўриб турибсизлар-ку бунинг ахволини... Айтиб чиқинг бу ёкка... Теладаги канака касал у...

— Прокурор бор-ку. Эртага жавоб бериладиган... Кетади, ... деди ҳамшира.

— Оббо! Нега шунака булар. Нега одамига караб ирғишлайди булар... Нима бошқалар одам эмасми-а? Нима, касалхонада ҳамма бир хил бемор эканлигини, беморнинг ҳам оғир ёки енгил касаллангани бўлиши мумкинлиги булар тушунишмайдими-а? Тушунишади... Лекин, эҳ. Чакиринг Исмоиловни!

Хамшира хонадан югургилаб чиқиб кетди. Бош врач асабий ҳолда ортига қайтиб, шоирнинг ёнига келди. Хайрият ухлаетти. Уйқуси тоза. Боши енгил тортган.

Чакирдингизми, Акром Тохирович?!

Остонада Исмоилов кўринди.

— Ука, биз учун hozирча жиддий ва ҳушёрлик билан назорат қилишимиз, бутун диққат-эътиборимизни қаратишимиз лозим бўлган, ахволи оғир касал мана бу киши. Тушундингизми?

— Туш...тушундим... Акром Тохирович. Мен, беморни қон босимини ўлчаётган эдим...

— Сиз мени яхши тушундингизми?

— Тушундим.

Гўзалга тайинладим. Ҳушёр турунглари. Шу қаватдан жилманг. Ҳар чорак соатда бемордан хабар олиб турунглари. Ҳа, айтмоқчи, нега беморнинг хотинига дори олиб келишини буюрдигиз? Сизга ким айтди, шундай қилиш керак деб?

— Мен... мен. Ўзингиз белгилаган дориларни айтувдим.

— Мен сизга шу дориларни беморнинг ёнидан сотиб оламиз деб айтдимми?

— Йўқ... йўқ.

— Исмоилов, одамда фаросат бўлиши керак. Одамда виждон бўлиши керак. Касаллик варақасини ўқинг. Кўзин-

гиз бор-ми? Уруш қатнашчиси бу. Қолаверса, ахволи ўзингизга маълум. Қачонгача бировлардан юламан, юлғичлик қиламан дейишимиз керак. Мен Сизни огоҳлантираман. Бундай ўйинни охириги марта қилинг. Қулоғингизга қуйиб олинг. Тена палатадаги прокурор, раис ва ҳоказоларнинг Худога шуқур ахволи анча тузук. Уларга бир нарса керак бўлса, ана Гўзал боради. Тушунарлими? Сиздакаларнинг тили билан айтганда, ётган бемор ҳам «кичкина» одам эмас.

— Туш... тушундим.

Бош врач Исмоиловга бир ўкрайиб қаради-да, палатадан чиқиб кетди. Исмоиловнинг жони товонига тушди. Ҳамшира киз Гўзал йўлакда ҳангу манг бўлиб турарди. У бўлиб ўтган воқеани пайқаманликка олиб, ўриндикка чўқди ва столга энкайиб нималарнидир ёза бошлади.

— Қайфиятни расво қилди. Бемор каттанинг одамими? — деб сўради у Гўзалдан.

— Нега энди... Йўқ. Аммо, жудаям яхши одам. Тузалиб кетсин, ишкилиб.

Гўзал бу гапларни оҳистагина ўзига айтдимиз, Исмоиловга айтдимиз, англаб бўлмас эди. Унинг чакмоқ кўзлари бир нуқтада қотиб турарди. У палатага кириб, тумба устидаги идишларни йиғиштирди. Нон бўлагини елим халтага солиб, тумба ичкарасига қўяётиб китобсифат ёндафтарни тушириб юборди. Қора муқовали, ўртасида сариқ телефон аппарати тасвирланган ён дафтар саҳифалари очилиб қолди. Гўзал ён дафтарнинг очик саҳифасидаги қуйидаги жумлаларга кўз ташлади: Агар юрагинг оғирлик қилиб, сен уни кўтаролмасанг садоқатли дўстларинг кўмак берадилар... Гўзалга бу гап бир оз валати туюлди. Сўнгра кейинги қаторни ўқиди. У бўлмаганида эди, ўлим мени аллақачон ўлдирар эди.

Қиз ҳаяжонга тушди. Юзидан чўғ сачради. Ичида алланечук оғрик сезгандай бўлди. Шу лаҳзанинг ўзида ўша У ким экан, деган ўй фикрини чакмоқдай ёриб ўтди. Кейин... хаёлига келган гандан ўзи уялди. Ён дафтарни ёнди-да, тумбанинг иккинчи тахтачасига солиб қўйди. «Ўн саккизга кирмаган ким бор»нинг сўнги саҳифаларини ўқий бошлади.

Шоир тинчгина мизғирди. Юзини бир оз оқаринқираганини ҳисобга олмаганда, дунёнинг ташвишту вамларидан холи бахтиёр одам ухлаяпти, деб ўйлаш мумкин эди. Ле-

кин беғам одам касалхонанинг бунақанги бўлимига тушмас эди.

— Касалимизнинг холи қандай?, — Исмоилов эшикдан бошини суқди.

— Яхши. Ухляпти. Менимча дорининг хожати йўқ.

— Гўзал, мен хонадаман. Телевизорда яхши нарсa бўлаяпти... «Қора камар» деган спектакль. Бир гап бўлса чиқарсиз, Исмоиловнинг боши эшикдан қандай пайдо бўлган бўлса, ана шундай холатда гойиб бўлди.

Гўзал «Ўн саккизга кирмаган ким бор»ни тугатиб, анчагача хаёлга толди. Қанақадир ўзига таниш воқеалар эсига тушди. Доим шунақа. Қандай китоб ўқимасин, ўз хаётига тааллуқли ҳодисаларни топади. Гўёки, дунёнинг барча китобларидан Гўзал деган бир кизнинг хаёти, қарашлари акс этиши керакдай.

У негадир ўша, тумба ичидаги қалин муқовали ён дафтарни варақлагиси келаётганини хис қилди. Қайсидир бир куч дилидаги бу истакни аланга олдиран, очиги, кизнинг шоирга кизикиши ортиб борар, буни шунчаки бир хис деб изоҳлаб беришларининг хожати йўқлигини ўқувчи тушуниб турган бўлса керак.

Гўзал астагина, авайлаб тумба коңқасини очди-да, ён дафтарни варақлаб кўрди. Бармоқларига ўт югургандай бўлди. У нега бу йигит билан шунчалар кизикиб, ўзига яқин олаётганини англамаган ҳолда ғайриихтиёрий ҳаракат қиларди. Ён дафтар саҳифасида турли хил маъноли (ҳар ҳолда Гўзал шундай деб ўйлади) гаплар, кўчирмаларни ўқий бошлади. У галдаги саҳифада катта ҳарфлар «Янги романимга кўшимча» деб ёзилиб тагига чизилган жумлани ўқиди... Жумла пастида, хунук, чумоли юриш дастхат билан шундай ёзилган эди:

VIII

«...Мен ўлимдан кўрқмайман. Шоир айтади-ку, ўлимга ҳурмат қилганимдан бошимни эгдим, деб. Азизим, фақат сен кулиб тур, қайғуга тиз чўкма: Узр, мен бошқача бўлишини истаган эдим. Ҳозир, ўз дарду ташвишларинг етмагани каби, менинг ҳам хасратимга шерик бўлиб турибсан. Лекин, мен нима қилай? Кимгадир айтишим керак-ку. Мени биргина Сен тушунасан. Сен билан яшаётганимдан бахтиёрман. Сени севаман. Сен мени хаётга қайтариб қолдинг. Суянч бўлдинг. Фарзандлар кўрдик. Агар Сизлар бўлма-

сангиз, бу хаёт маънисиз, оғриқлар гирдобида гарк бўлаётган кема янглиғ, менинг ишонч-умидларим шамини аллақачон сўндирарди. Хаёт нима? Тириклик. Тирикликнинг моҳияти нимада? Ўз кадрингни топмоғингда. Кимгадир кераклигингни ҳис қилиб яшаётганингда. Худога шукур, Сенга азоб берсам-да, Сенга кераклигимни англаб қоламан. Шунда ўзимдан хурсанд бўлиб кетаман. Барпожон, бугун жиддийроқ гаплашамиз. Романим, ўзим ҳақимда. Биласан буни. Лекин тугатолмаянман. Ўлим ҳақида гапириш оғир. Ўлим ҳақида, аяпчи ўлим ҳақида ёзиш, уни тасвирлаб бериш эса ҳар қандай қаламни музлатиб қўяркан. Сен тез-тез, деярли ҳар куни бир хил манзарани хаёлингга келтириб, ундан нафратланиб, ғам-андухга тушиб яшай оласанми? Менимча, қотиллар, энг оғир гуноҳ иш қилган кимсаларнинг ёвузликлари ана шундай ҳолда кўз олдингда қотиб қолса керак. Буни кейин хотира деб атайдилар. Яъниким, шу ҳолатни тез-тез эсга оладиган бўлганман, деб ўйлайдилар. Мен ҳам ана шундай хотира оғриғига дучор бўлган одамман. Ҳар куни эслайман. Тўкиламан, синаман. Миям зир қакшайди. Ҳамма-ҳаммасидан қутулгим келади. Чорасини тополмайман. Шунда хаёлимга бир фикр ярк этиб урилади, дилим чароғон тортади гўё. Ўзимдан жирканиблар кетаман. Мен ижодим чала қолади, романимни тугаллай олмадим, деб ўзимга ортиқча бино қўядиганлардан эмасман. Сенинг олдингда бу хаётни шунчаки мазмунсиз ва аҳамиятсиз экан, билгинки, ижодимни Сенга тенглаштириб, Сен каби азиз билиш мен учун умуман аҳамиятсиздир, бу қулгули. Сенинг шу нарсани тушуниб етишингни жудаям хоҳлаётганимни сезсанг эди. Барно, сен қуйида ёзганларимни ўқиб хаёлимни ҳар куни банд қиладиган манзарага бир назар сол. Майли, бугун шундай қарорга келдим. Буни хаёт билан ўлим оралиғида жанг қилавериб хориган одамнинг ёзганлари деб қабул қил.

...Мени кўпинча тушларимда ошпоқ салла ўраган ёки товоқ телпакли, устида узун халатсифат кийим ва иштонли, соқол қўйган кишилар қўлида қурол билан қувлашади. Игна ютган ит каби ўзимни қўярга жой тополмай, қочаман. Гоҳида тутиб олишади, уларнинг кўзларида ўт чакнайди. Озғин ва чайир бу одамлар — биз билан жанг қилган, урушда кўрганим афғонлар мени дарахтга боғлашади. Рўпарамда қуролини ҳасса каби ерга тираб мени томоша қилишади. Шунда улардан бири қуролни мангла-

йимга тўғрилайди. Бошқалари тиржайиб, кахр билан қараб турадилар. Халиги ғазабкор менга яқинлашаверади. Автомат милини пешонамга текизишади. Қўлини тепкига олиб боради. Мен жон ваҳмида бакираман. Уйғониб кетаман. Сен ўрнингдан сапчиб туриб ошхонага югурасан. Нималардир деб пичирлаб, косада муздай сув олиб келасан. Ўзимга келолмай қалтирайман. Сенинг олдингда уялиб, ожизларча, нотавонларча ерга қарайман. Бошимдан тер оқади. Анчага довур ухлолмайман. Гоҳида сенинг ўксиб-ўксиб йиғлаётганинг, Худога нола қилаётганинг эшитилади. Сен раҳмдилсан.

Менга бу воқеани ҳикоя қилиш, кофозга тушириш нечоғлик азоб. Лекин қалбим шаррос ёмғир қуяётган баҳорнинг тунд осмони каби хасратга лиммо-лим. Мени ё қайғу адо қилиши керак, ёки мен қайғунинг қийноқларига дош бериб, тантана қилишим лозим. Ҳар иккала ҳолатда ҳам уруш дахшати тўлалигича намоён бўлади. Мен урушни фош этаман ёки уруш мени ҳам ўтида ёкиб, кул қилади. Уруш устидан ғалаба ғозониш учун эса унинг юзига тик қарай олсам бас.

...Қисмда икки кундирки осудалик. Ўтган куни жангдан қайтдик. Аскарлар уст-бошини тартибга келтирди. Ҳаммомга тушдик. Саф майдони яна файзга тўлди. Аскарлар ва офицерлар хоналарида ишлаётган жувонлар казармалар олдидан калта белкўйлак, кўкраги очик бурма кофта кийиб ўтишадиган бўлишди. Полкнинг ўртаси кумга тўлғазилиб, икки ёқлама картондан тикланган казармалар олди, чекиш жойлари кепкасини бошга дол қўйиб, эгнига олиноқ ёқали аскаркийим илган аскарлар билан гавжумлашди. Оёқларида гармонсифат фосонга келтирилган кирза этиклар чунонам мойланганки, қуёш нури тегса ялтиллайди. Лабининг бир бурчига сигарет қистириб олган айрим олифтанамолари (демак, улар яқинда уйга қайтишади) унчалик пўрим даражасига етмаган кичикияк аскарларга ҳар замонда иш буюриб қўяди.

— Оёк тозалагични олиб ке.

— Дўконга бориб ке.

— Ма, сигарет олиб ке.

Тасмамни тозалаб тур.

Иванни чакир казармадан...

Хуллас, иши йўқ итини суғорар. Ташқаридан кузатсангиз, хаёлингизга келмайди. Кечагина шу йигитлар лойга

беланиб, афт-ангори қорамтир тусга тўлиб, жон олиб, жон беришди. Ўлимдан беркиниб қолишди. Топширикни аъло даражада бажаришди. Уларнинг кўпчилиги орден ва медаллар олишган. Хаттоки улар ичида Қаҳрамон нишонига эга бўлганлари ҳам бор. Шу олифта, шу босар-тусарини билмайдигандай туюлган, безоринамо йигитлар ўлимга дуч келавериб, жанг қилавериб пишиб кетишган. Улар бугунчалик хурсандчилик қилишади. Эртага эса ўлим сари юз буришади, иркит-сиркит холда қонга беланиб, жанг майдонида ажал билан курашадилар. Улар бутунчалик тирикман, эртага нима бўларкин, деб ўз-ўзини қийнаб, юрагини ним-талаб, тонгни қарши олишади. Шунинг учун жангсиз кунлар полк майдони файзга тўлади. Қисм жангга чиқиб кетган кезлар полк ичи жим-жит бўлиб қолади. Бу ерда қолган баъзи ярадорлар, ҳар хил юмушларда ишлагани келган жувонлар, баъзи бир сабабларга кўра жангга чиқмаган солдатлар худди жанозада каби ўйчан, сукутга чўмиб, жим юришади. Қисм урушга кетган пайтда полкда ўйинкулги бўлмайди. Атрофи тоғлар билан ўралган жойда ўрнашган қисмимиз худудида эса кўрикловчи батальон, артиллериялар, жангчилар, миномётчилар хушёр туришади.

Бугун эса бошқача. Жангсиз, талафотсиз кун қисмдаги картон девор казармалар ёнидан турли-туман духилар бўйини таратиб ўтиб қоладиган аёллар аскарларнинг кўзини куйдиради. Ҳаммаси гап отади. Оғзи ёмошлар тап тортмай уларни ҳалигингта... таклиф қилади. Руснинг меҳрибон, такаббур, самимий аёллари бунга парво қилмайдилар. Айримлари жойида шахд тўхтаб:

— Кечқурун. Кел модулга, кел. Ўзим сенинг ақлингни киритаман, — дейди.

Баҳорнинг чаровон кунлари, тиниқ осмон заминга яқинлашиб қолгандай бўлди. Полкнинг жанубида кўриниб турган катта кишлокдаги дов-дарахтлар, бовлар қийғос гулга кирган. Олам ёруғ. Бегубор. Баҳорий муаттарлик ҳукмрон. Шундай ёрқинлик дилдаги ғуборларни дарё суви каби шарқираб ювиб кетади. Уруш бўлаётганига ҳам ишонгинг келмайди.

Кеч кириши билан эса казарма бурчагида тўда-тўда бўлиб наша чеккан, ароқ ичган, хуллас, тараллабедод аскарларнинг учарвойлари аёллар моделига (казарма), офицерлар ошхонасига, полк дўконига, хуллас, тўғри келган жойга, бу ерга ишлашга келган рус аёллари билан маишат

қилгани кетади. Улар жангдан қайтаётиб катта-кичик қишлоқлар, шаҳарлар дўконларидан ўмарган ёки афғон дўкондорларини кўрқитиб олган японии рўмол, спорт камзулиштон, японии магнитофон, фаранг духиси, тақинчоқлар, қисқаси, нимаки топган бўлсалар Россиянинг тантиқ жувонларига совға қилиш учун аскар костюми кўйнига солиб овга чиқишади. Егулик турли хил ноз-неъматлар, ичкиликка ҳожат сезилмайди. Бу ёғини полкдаги жувонларнинг ўзлари эплайдилар. Одам боласи урушда ҳам, даҳшат ичида ҳам доимо аёл, гўзалликка интилиб яшаши муқаррар экан. Бугун тирикман, эрта ўлиб кетишим мумкин, деган аскар аёл меҳри, унинг қўлларининг ҳароратли эркалаши боис урушга ўз тириклигининг тантанасини кўрсатиб кўймоқчи бўладилар. Аскарлар офицерларнинг кўзини шамғалат қилиб жувонларга яқинлашсалар, жувонлар эса эрта-индин жувонмарг бўлиб ўтиб кетувчи бу гўдакларга раҳми келганликлари учун ҳам борлигини ҳады этадилар. Шундай қилиб урушдаги ҳаётнинг ҳам ўзига яраша фароватли оилари бўлади. Шу жувонлар бу ерда ҳар куни ўлим домига бориб жанг қилувчи аскарлар масканида осмондан тушган фаришталарга қиёсланарди. Хуллас, шўро ўз фарзандларини беҳудага ўлимга юборар, шу билан бирга уларни ўз аёллари билан «сийлаб» ҳам кўярди. Мабодо, уларни биз шунчаки фоҳишалар деб атасак, янглишардик. Улар бизни қутуриб кетмаслигимиз учун ҳам бу ерларга келгандир, десак тўғри бўларди.

Ана шундай кунларнинг бирида бутун рота кутилмаганда казарма олдида саф тортди. Тушлик маҳалига анча эрта эди. Биз жангга чиқиш учун топшириқ келган деб ўйласак, жанг ваҳимаси икки-уч кун олдин етиб келарди. Рота командири шахдам қадамлар билан казармадан чиқиб келди. Ўзига хос сиполик ва дўстона кайфиятда бошини ғоз тутиб:

— Салом, бургутлар, — деди.

— Соғ-саломатлик тилаймиз, ўртоқ катта лейтенант, — қичқирди аскарлар бор овози билан полкни бошларига кўтариб.

— Кайфиятлар аъломи, бургутлар!

— Худди шундай, ўртоқ катта лейтенант, — бирваракайига қичқирди рота.

— Эшитмадим, — деди рота командири керилинқираб,

кўз кири билан сафга бокиб, — кайфиятлар аъломи, бургутлар!

— Худди шундай, ўртоқ катта лейтенант!!! саф гумбирлаб жавоб қайтарди.

-- Бу бошқа гап! Яшанглар! Хўш, гап бундай. Икки соатдан кейин бизнинг ротадан битта БМР-2 йўлга чиқади. Қаергалигини штабдаги офицерлар тушунтиради. Махфий топширик. Шунинг учун 614-машина — механик Ринат Исанбаев ҳамда Норқобилов, пиёда аскар Михайлов хозирликларининг кўринглар. Сапёрлар взводидан битта БМП-2 ажратилади. Штабдан иккита офицер ҳам боради. Бизнинг машинадагиларга санчастан битта дўхтир кўшилади. Сен машинада рахбарлик қиласан, — деди у менга. — Хуллас, соат ўн иккида полкдан иккита БМП-2 чиқиб кетиши шарт. Саволлар борми?

— Йўқ, ўртоқ катта лейтенант, — яна жўровоз бўлди рота.

— Тарқалинглари. Сен буёққа кел, -- чақирди командир. Вазият жиддий, — деди у, тирсагимдан ушлаб чекиш жойига бошларкан. — Эҳтиёт бўл. Штаб офицерларининг буйруғига биноан иш юрит. Хушёр бўл. Сенга ишонаман. Агар топшириқни омон-эсон бажарсанг «Қизил Юлдуз»га ёзаман. Уйингга ҳаммадан олдин кетасан. Уч ой қолди-я. Ўтиб кетади. Хозир механик билан техника паркига бориб, машинани текшириб кўринглар. Ўқ-дори етарли бўлсин. Уч кунлик озик-овқат ол! Балки эртароқ қайтарсизлар, лекин ортикчаси зиён қилмайди. Хўш, бўпти. Икки соат вақтларинг қолди. Тушлик йўлда бўлади.

Қисм штаби ёнида тўхтадик. Сапёрларнинг машинаси ҳам етиб келди. Штабдан иккита офицер чиқди. Уларнинг бири, яъни кўзойнак таккан, йигирма бешга ҳам кирмаган, ёш офицер бизнинг машинага чиқди. Пиёда аскар Михайлов олдиндаги сапёрлар машинасига жойлашди.

— Сен қариямисан (кўп хизмат қилганмисан демокчи) — деб сўради.

— Қарияман. Яқинда уйга...

— Яхши. Ҳамма нарсанг жойидами?

— Тушунмадим.

— Манави пушка, башня, яхши ишлайдими?

— Албатта.

— Яхши ота оласанми?

— Ҳа.

— Механик хам қариями?

— Ҳа.

Офицер ҳамма нарсани сўрайвериб сил қилиб юборди. Энсам қотди. Шўрлик Афғонистонга кечагина келгани сезилиб турарди. Бу биринчи жанги бўлса керак...

— Кеча келдингизми? — деб сўрадим пайтини пойлаб.

— Нега энди? Ўн кун бўлди.

— Тушунарли, — дедим эснаб, — демак мўрт экансиз, хали хомсиз. Пишмагансиз. Ҳечқиси йўқ, ўрганиб кетасиз. Бигта-яримта дайди ўқ яралаб ўтгач, ўқдан тез учадиган бўлиб урушга кўникиб қоласиз.

Мен атайлаб шундай дедим. Офицернинг ранги оқарди. У ёқ-бу ёққа қимирлаб қўйди. Асабига беҳато уриб, овозини ўчирганимдан хурсанд бўлиб, бошимни ирғаб хуштак чала бошладим. Ёш офицер сигарет тутатди. Чекасанми, ишорасини қилди.

— Ҳозирча йўқ. Жангдан кейин керак бўлади, — дедим.

— Шундай де?

— Албатта. Бугун рота командири: «Топшириқни ба-жарсанг, «Қизил Юлдуз»га тавсия қилинасан» — деди. Демак, ўлимга кетаяпмиз. Тирик келсак орденни кўрамиз. Йўкса тобутимиз билан бирга уйга жўнатишмоқчи...

— Ахир, бутун полк юриш қилганда талафот кўриш мумкин, — дейишадикун?

— Талафот, қанақа талафот? Ким айтди Сизга бутун бошли полкка қирғин келтирувчи душман иккита машинани жимгина қўйвориб, оқ йўл тилайди деб?

— Бу гал урушга чиқмаяпмиз-ку?

— Нима бало, курортга кетаяпмизми? Эй, ана нозанин, дўхтир хоним тўрвачасини кўтариб келаяпти. Айтганингиз чиқиб қолди-ку, оҳ-оҳ, курортга кетаётганга ўхшаймиз. Хоним, бекорга чиқмаётгандир, ҳар ҳолда!

Лейтенант машинага яқинлашиб қолган врач аёлга қалати қараш қилди.

Жувон лейтенантга салом берди. Лейтенант ўлганининг кунидан базўр алиқ олди. Врач орқа эшик орқали машина устига кўтарилди. Тилла соч, кўк кўз, чехраси тип-тиник, адл қад жувонга ҳарбий кийим жуда ярашган, унинг ҳаракатлари анча чаққон эди. У тўрвачасини башня ёнига ташлаб, лейтенантинг ёнидан жой олди. Аёлга афтидан тўлиқ тушунтириш берилган, олддаги вазифадан манови кўрқоқ

лейтенантнинг ҳам хабари бор, лекин у бу ишнинг мохиятини тўлиқ англаб столмаган эди. Мен эса қаёққа кетаямиз, нима учун, қачон қайтишимиз кераклигини билмасдим. Фақат ёнимдаги қизиқувчан лейтенантга суяниб бўлмаслигини сезиб қолгандим.

— Ўртоқ прапоршчик, қайси манзилларга саёҳат қиламиз?, — деб сўрадим аёлдан.

— Гардезга.

— Вазифа аниқми?

— Ҳа.

— Демак, биз яралансак. Сиз... шунинг учун?..

— Худо асрасин.

Олдиндаги машинадагилар жойлашиб бўлишди. Юриш таралдудига тушишди. Мен сапёрлар взводи машинасида ўрнашган офицердан сўрадим:

— Ўртоқ майор. Бизнинг атамамиз қанақа?

— Бубен. Бизнинг машина Бубен-1, сизлар Бубен-2.

— Тушундим. Алоқани қайси частотага қўяй?

— Тўққиз юз саксон олтига. Тезроқ ула. Мен билан алоқада бўл!

— Хўп бўлади!

Шу пайт полк штабидан биттадан коп елкалаган тўртта аскар чиқди-да, тўғри биз томонга юра бошлади.

— Ўртоқ лейтенант, булар ҳам биз билан боринадими?

— Йўқ. Юкларни бизга беришади. Машинанинг десант бўлмасини оч. Уларни ўша жойга соламиз.

Мен машинадан тушиб орқа эшикларни очдим. Десант бўлмаларига иккитадан қилиб қопларни жойлаштирдик. Қоплар зил-замбил офир эди.

— Бу нима? — сўрадим аскарлардан.

— Пул.

— Шунча пулни қаерга... нима учун?

— Мен қаёқдан билай. Ҳарҳолда буларни ёкиб овқат пиширмасанглр керак, — деди аскар.

Машиналар жойидан жилди. Гардезгача уч соатлик йўл. Кобулдан чиққач, катта қишлоқ бошланади. Сўнгра икки томони тоғлар билан ўралган йўлга тушамиз. Тоғли доводдан ўтгач, Гардезга кириб борамиз. Лейтенантимиз аланг-жаланг бўлиб ҳар томонни қузатиб бораяпти. Аёлнинг парвойи фалак. Кўриниб турибди, жангларга чиқавериш вазири ва сипо бўлиб қолган. Кўзи пишган.

-- Ўртоқ прапоршчик, исми-шарифингни ким деб айтай?

-- Нина Григоревна.

-- Хурсандман, Нина хоним!

Мен машина ичкарасига тушиб, ўз жойимни эгалладим. Нина Григоревна ва лейтенант башня тепасида қолишди. Кузатгич ойнак оркали атрофга разм солдим. Яланглик. Заминга яшиллик югурган. Йўл четидан ярим чақирим нарида қишлоқ бошланади. Кичик уйчалар атрофи одам бели барабар кўтарилган наст деворлар билан ўралган ховлиларда емирлаётган аҳолини кўриш мумкин. Болалар, хотин-халаж, киз-жуванлар қишлоқ юмуш гирдобида. Улар қишлоқнинг шундай ёнгинасидаги йўлдан ўтиб бораётган шўро армияси машиналарига эътибор беришмасди. Бу йўлдан ҳар куни печа маротаба техника ўтади. Аҳоли эса ўрганиб қолган. Қобулга яқин жойлашгани, атрофи шўро полклари билан ўраб олингани боис қишлоқда душман бўлиши, бу қишлоқнинг шўравига қарши қурол ўкталиши мумкин эмас эди. Қишлоқ аҳли наиложликдан нафасини ичига ютиб яшарди. Бош кўтарса, шу ердан бирорга ўк учса, қишлоқнинг ёниб кул бўлиши, ер баробар текисланиши аниқ эди. Агар шу қишлоққа қарага жанг қилиш зарурати тувилса, тевақалда жойлашган қисмлардан артиллериядан ўк отилса кифоя эди. Бу ҳам етмагандай қисмларнинг биқинида шўро қўшинига ҳаммаслак, инқилоб химоячиси, сарондойлар полки, яъни, афғон армияси ўрнашиб олган эди. Совет полклари, ҳарбий техникалари, турли хил қурол-яровларга эга инқилоб қалқонлари бўлмиш, афғон армияси қишлоқда бирорга ноҳуш ҳол юз бермаслиги учун жонжаҳди билан курашар, хўжасига содиқ ит каби қишлоқ осойишталиги учун жонини беришга шай турар эди. Буларда асосан инқилоб душманларига қарши курашиш иштиёқидан кўра, шўро армиясининг ғазаби қайнаб, қовоқ-тумшуғи осилишидан чўчинч хисси минг чандон баланд эди. Агар шўро қўшини Афғонистонни тарк этса, буларнинг холи хароб бўларди. Шунда сарондойлар учун иккита йўл қолади -- ўлиш ёки душман томонга ўтиб, инқилобни бўғизлаш. Бироқ афғон армияси учун иккинчи йўлни танлаши ҳақиқатга яқинроқ эди.

Муюлишга келганда афғон армиясининг постига дуч келдик. Майор машинадан тушиб афғон офицери билан ниманидир гаплашди. Афғон тиржайди. Мен башнядан

бошимни чиқариб, автоматимни олдим-да, ўзимни бепарво тутиб, куролни ҳалиги офицерга тўғрилаган бўлдим. Пушкани тушириб, алока мосламаси сими чикиб турган бинога мўлжалладим. БМП-2 отув милини алока биносига тўғрилаб қўйилиши барибир афғон офицерига таъсир қилди. У бошини силкиб-силкиб, сунъий табассум қилиб четга сурилди. Йўлни очиқди. Ўтаётим автоматни мўлжаллаб, офицерга кўзимни қисиб қўйдим. У довдираб қолди. Лейтенант атрофга қизиқиб қараб турарди.

— Қизик, — деб қўйди, у, орқага, афғон пости томонга қараб.

— Қизими, кейинроқ, жанг майдонида бўлади, — дедим.

— Ҳа-я, албатта, — деди лейтенант.

Нина Григоревна менга қараб турди-да, кулимсиради. Кейин лейтенантга назар ташлади. Унинг бу қарашидан: «Ҳали шу билан урушга бораяманми?», деган фикрни англаш мумкин эди. У ҳарҳолда лейтенантга раҳми келиб қарагани аниқ эди. Мен пайтдан фойдаландим.

— Нина Григоревна, ўртоқ лейтенантнинг бугун урушга биринчи бор чиқиши. Айтишади-ку, биринчи жанг биринчи бўса каби ҳаяжонли кечади.

Лейтенант, елкасини қисиб, бизга ҳазил қилмоқчи бўлди. Лекин эпллолмади. Аёл шарақлаб кулиб юборди. Аскар кийими чўнтагидан сигарет олиб тутатди. Мен машина ичкарасидан нави паст бўлса-да ўзимнинг «Охотничие» сигаретимни олдим. Машина кишлоққа туташ сўқмоққа яқинлашганда йўл четида қўлини силкиб турган болакайга «ниманг бор?», ишорасини қилиб бош ирғадим. Бола исқирт кийимда, яшил читдан тикилган кўйлак-иштони ҳеваридай, оёқ яланг эди. У озгин қўлини ёнидаги тўрвачасига тикиб кулчага ўхшаш, дум-думалоқ нарса олиб кўрсатди. Бош ва жимолоқ бармоғини тик қилиб, ўрталик уч бармоғини буклаб, бош бармоғини обизга олиб келди. Мен тушундим. Наша экан. Бу ёққа от, маъносида қўлимни силкитдим-да, жанг тўрвадан гўшт, картошқа, қуюқ сут солинган темир идишларни олдим. Улар боланинг оёғи остига тушди. Бола консерва идишларни чакқонлик билан олди-да, олдинга қараб югургилади ва қўлидаги кулча шаклига келтирилиб тайёрланган чарс, яъни, нашани биз томонга ирғитди.

— Нима бу? — лейтенант қўлига олиб қизиксинди.

— Кулча, — дедим.

- Мен жиддий сўраяман.

- Чарс. Биласизми? Керак бўлади...

Лейтенант менга маъноли қараб, қўлида чўғ ушлагандай тиширчилади. «Отиб юбормасин», деган ўй билан, чарсни қўлидан юлиб олдим-да, машина ичига, ўриндикка ташладим. Нина Григоревна бизга шунчаки, бемаъно қараб турар, айни дамда ҳеч нарсани ўйламас, қурук, аммо жозибали сурат бўлиб машина устида қўққайиб ўтирарди. Кепкаси гирдидан чиқиб тўрган малларанг сочлари енгил шамолда титранар, тияик ва беғубор кўк кўзларини олисларга тикканди. Қабоҳату разолат ботқоғи бижғиб ётган бу кир дунё — уруш қучоғига хоҳиш-иродаси билан ўзини ташлаган хушрўй рус аёлининг айни дам хаёлидан нима кечаётгани биргина ўзига аён эди. Шундай бўлса-да, унинг орамизда бўлиши ёқимли бир ҳол эди. Машови лейтенантнинг ҳозир бу аёл ҳақида қандай ўй-хаёлда эканини билмадим, лекин аёл билан ёйма-ён турганим боис кайфиятим аъло эди. Очиги, лейтенант умуман мени қизиқтирмай қўйди. Унда кўнгил, фаросат борлигига ҳам шубҳа қила бошладим. Кўрқоклиги шундоғам билиниб турибди.

Текис йўл тугаб, тошлок кўча бошланди, зум ўтмай наст-баландлик, ўйдим-чуқурда машина силтанарди. Гардес ҳудудига етиб келдик. Яна ўн чақиримдан сўнг қишлоққа етамиз. Олдинги машинадаги майор алокага чиқиб жанговар ҳолатга киришимизни буюрди. Лейтенант аёл эса бемалол, ўша-ўша ҳолатда кетар, зирх кийими башня ёнида, жувоннинг оёғи остида ётарди.

- Ўртоқ пропоршчик, Нина Григоревна, бошланиб қолса керак, ҳозир. Бир гап бўлса, ўзингизни машина ичкарасига уринг, — лейтенант ташқарида қолаверсин, деган маънода гап қилдим.

- Раҳмат, — деди у қулимсираб. Қулги жувонга ярашар, у қулса янаям гулгун яшнар эди.

- Нина Григоревна, ҳозир аниқ нима қилишимиз керак. Бизга кўпинча кўзда тутилган манзилга боргач, топшириқ берилади. Балки Сиз биларсиз, — мен атайлаб лейтенантдан сўрамадим.

Лейтенант менга гўёки: «Сен билмасанг, мен билман аскар», деган мазмунда қараб қўйди. Бироқ, Нина Григоревнанинг шадлодлиги ҳам бор экан. У энди бизга эл бўла бошлади чоғи, нима сабабдан бораётганимизни икки оғиз гап билан айтди-қўйди:

— Разведвзвод кеча шу кишлокка кирган. Жанг бўлган. Иккита жангчининг ўлиги қолган. Шуларни олиб қайтамиз. Душман тараф билан келишилган.

Кутилмаган гапдан анқайиб қолдим. Мен кишлоқ ичкарасида ўзимизникилар химояда турган кузатув нуқталарига бораяпмиз, улар орасида душман билан келишмовчилик содир бўлгандир, пул шунинг учун керакдир, деб ўйлаб келардим. Чуқки кишлоқлар атрофидаги кузатув нуқталаридаги аскарларимиз доимо душманга у-бу нарса бериб туриши, баъзида шу йўл билан жон сақлаши сир эмас эди.

— Демак, душман билан юзма-юз келамиз. Ўтган йили, энди афғонга келган пайтим, ёш аскарлардан бири билмасдан офицерни отиб қўйди. Офицер ёш эди. Аскарни эса Жалолободга, учинчи батальонга жўнатишди. Халиги офицерга ўлимидан сўнг «Қизил Юлдуз» ордени беришди. Ха, шармисорлик бу, — дедим, мавзунни буриб, ўзимни чалғитиш учун.

— Бу қандай бемаънилик. Даҳшат, — гапга қўшилди лейтенант.

— Нимаси даҳшат. Ёш офицер аскарга ёқмаган, отиб қўйган, — дедим кесатиб, — ёки шўрлик лейтенантнинг ордени олгани даҳшатми?

Лейтенантнинг уни ўчди. Мен у билан ўчакишиб қолгандим. Буни аёл сизди. У тўрвасидан узум соки солинган темир идишчани олиб, очқич билан икки томонини тешиб, очди-да, симира бошлади. Мен қорним очикқанини сиздим. Ичкари тушиб жанг тўрвандан гўшт солинган темир идишни олиб очқич билан очдим. Идишдан гўшт олиб, қуритилган нон билан едим. Узум соки ичдим. Энди юқорига чиқаман деб тургандим ички алоқада Ринатнинг овози эшитилди:

— Қара, тўғримизда афғонлар юрибди. Эҳтиёт бўлиш керак.

Мен рўпарамдаги одамларни кўрдим. Улар қуролсиз эди. Кишлоқ аҳли. Биз томонга келаяпти.

— Булар душман эмас, — дедим.

— Биламан, душман эмас. Шундай бўлса ҳам айтдим-қўйдим-да. Қўрқаяпти, деб ўйлама тагин.

— Сен менинг энг довюрак дўстимсан, — дедим уни мақтаб.

Бапнядан бошимни ташқари чиқариб атрофга қарардим. Биз кишлокка кириб боргандик. Машина устида лейтенант

теваракка аланглаб турибди. Аёл эса бепарво. Олдга караб бораяпти. Шундай бўлса-да анча хушёр.

Қишлоқни оралаб ўтдик. Ўқ отилмади. Ўн еттинчи кузатув нуқтасига етиб бордик. Атрофи баланд девор билан ўралган қалъа. Унинг уч тарафида махсус истехкомлар қурилиб, танклар қўйилган эди. Кузатувчи аскарлар ҳар кунлик ишимиз шу, атрофни кузатиб турибмиз дегандай, қўлни иягига тираб хаёл суриб туришарди.

Ичкарида эса, ховлида ўчок, тандир, қудук, супа. Қисқаси, қўрғон бой кишининг ховлиси бўлганлиги билиниб турибди. Ховлининг кунботарида сарҳадсиз токзор чўзилган. Узум новдалари пиндик отиб, барг чиқариб қолган эди. Сўл томонда эса улкан боғ ястанган. Ўриклар оппоқ гулга кирган. Қўрғон ичкарисига кенг хоналарнинг бирида йигирма чоғли аскарга ётоқ жой ҳозирланган. Кейинги хона ошхона. Бириси офицерлар ётоғи. Кичик хонага алоқа қурилмалари, турли хил ускуналар ўрнатилган. Ховли сатҳида ҳар хил ҳажмдаги ўқ гилзалари, БМП-2, танк снарядлари сочилиб ётарди. Супа ёнида снарядлар жойлашган қутилар тахланиб турар, берирокдаги чуқурда эса ток тарқатувчи двигател жойлаштирилганди.

Биз машиналарни токзор бошланишида, кунботарга қаратиб қўйдик. Майор қўрғон ичкарисига кириб, бу ердаги офицерлар билан нималарнидир гаплашмаяпти.

— Нина Григоревна, бутун бошли полкни юз чоғли душман зир титратади. Тубканинг тубидаги бу нуқтани душман йўқ қилиб юбормагани фалати.

— Буларга ишонма. Булар душман билан дўст. Буларга тегмайди, — деди у қулимсираб.

Шу пайт ичкаридан майор чиқиб келди. Шу ердаги аскарлардан бири ўқ-дори солинган машинанинг десант бўлмасини очди. Каттақон қутиларни тушириб тахлади. Бизнинг машинадаги тўрт қоп афғони пулни олдилар. Қўрғонда жанговар ҳолат эълон қилинди. Мен машина ичкарисига кириб, рўпарадаги токзорни кузатдим. Врач аёл командир ўриндиғига жойлашиб люкни ёпиб қўйди. Лейтенант пастда, машина тагида етиб тўғрини кузата бошлади. Кўп ўтмай, кунботардан токзорга туташ йўлда, биз «бурбухайка» деб атагувчи юк машинаси кўринди. Биз билан келган майор қўрғондан бир офицер ва тўртта аскар, тўртта қопни кўтариб токзорни оралаб «бурбахайка» томонга юришди. Улар узумзор ўртасига бориб тўхтаб

туришди. Офицер кўлидаги оқ байроқни ҳавода силкиди. «Бурбухайка» тўхтади. Ичидан олти нафар аффон тушди. Иккитаси олдинда қолган тўрттаси иккита замбилни кўтариб, бизникилар томон юрди. Биз вужудимиз кўзга айланиб уларни кузатиб турибмиз. Мен отув милини тушириб аффонларга тўғрилаб қўйдим. Иккала томон бир-бири билан учрашди. Аскарлар қопни топшириб, замбилни олишди. Шунда тоқзор четидаги йўлдан отув мили орқага қаратиб бурилган БТР елдай учиб борди ва «Бурбухайка» олдида тўхтади. БТР устидаги аскарлар hozirгина биз келтирган ўк-дориларни ерга ағдарди. Шу заҳоти БТР орқага қайтди.

Биз иккита полкдошларнинг мурдасини олиб изимизга бурилдик, йўлга тушдик. Хеч кимнинг кайфияти йўқ эди. Десант бўлмаларида энди ўлик олиб қайтаётгандик. Ўйдим-чуқурлик тугаб кишлоққа киришимиз билан олдиндаги машина ёнида портлаш содир бўлди. Ён томондан чийиллаб келаётган снаряд товуши эшитилди. Узоқдан қалъаларда кузатиб турган душман бизни олис масофага учувчи ракета билан ўққа тутаётганди.

— Нима бу, нега, ахир? Биз келишганмиз-ку?! — лейтенант эсанкираб кичкириб юборди.

— Ха, ифлослар, отишаяпти. Ринат, тезроқ хайда!

Ён атрофга кетма-кет снарядлар туша бошлади. Бир чақирим юрмасимиздан автомат ўклари тепамиздан чийиллаб учди. Ёнимиздаги қалъаларда душман беркиниб олганини сездик. Лейтенант кўрққанидан тентакнамо кўйга тушиб бакириб юборди. Прапоршчик башня орқали ичкарига тушди-да, десант бўлмага, ўликнинг ёнига ўтди. Лейтенант командир ўриндигига ўтириб олди. Мен тепадаги қопқани ёпдим. Ўнг томонга ўт очдим. Қалъа деворларидан чанг-тўзон кўтарилди. Бир маҳал девор ортидан олов сачрагандай бўлди — гранатамёт ишлаб қолди. Снаряд машинанинг ёнигинасида портлади. Башня устига осколка, темир парчалари келиб тушди. Мен гранатамёт отилган жойга снаряд ёғдирдим. Пулемётдан ҳам ўт очдим. Узлуксиз отилган овоз эшитилди. Машина такка тўхтади. Бошим зарб билан алоқа қутисига урилди. Шундай бўлса-да, душман ўрнашган томонга ўт очавердим.

— Олдимиздаги машинани гранатамёт билан уришди, — Ринат алоқала чинкириб юборди.

— Нима килиш керак?

— Занжири узилибди. Пастки кисмидан тегибди.

— Тўхтат!

Машина тўхтади. Мен қалъа томонга ўт очиб турдим. Ринат механик хонасидан олдиндаги машина томон югурди. Ёнимда лейтенант бошини кузатув ойнасига тираб қунишиб олган. Хеч қаерга қарамайди. Дағ-дағ титрайди.

Ўртоқ лейтенант, чикиб десант бўлмасини очинг. Олдинги машинани уришибди... Улар бизга киришади, — дедим бакириб.

Вақт жуда тивиз эди. Мени бир куч бошқарар, кўрқув деган туйғу шу пайт менга бегона эди. Миям зўриққанидан вахимани унутиб кўйгандим. Лейтенант баттар елкасини қисаяпти. Мен уни туртдим. Қалтираб-қакшаб қараб, яна пушиб олди. Жаҳлим чикиб силтадим... Шу орада, қалъа томон қарадим-да, отув милини ўнга-чапга буриб автоматик равишда снаряд отдим.

Чиқ, сенга айтаяпман, эчки. Ҳа онангни... тур, десант бўлмасини оч, — аччиқ устида лейтенантнинг бошига туширдим.

У талмовсираб, анграйиб менга қарайди.

— Овангни фалон қилай... Десантни оч!.. Десантни.

Бсфойда. Ўзим қонқани очиб, тапқарига чиқдим. Шу маҳал вариллаб ўқлар учиб ўтди. машина тепасидан юриб орқага ўтдим-да, десант бўлмани очдим. Ринат олдинги БМП-2 томондан югуриб келиб ўзини механикка урди. Машинанинг пушкаси тинимсиз ўт очаяпти. Демак, юқори қисми талафот кўрмаган. Мен сўл десант бўлмаси орқали ўз жойимга чиқдим. Ўнг бўлмадаги туйнукдан автоматини чиқариб Нина Григоревна ўт очар, гилзалар тарақлар, бўлманинг темир сатҳига уриларди. Ринат машинани юргизди. Мен яна пушкани пулемёт босув нуктасини бараварига босиб, душман томонни мўлжалга олдим. Шу пайт занжири узилган БМП-2 нинг экипажи оператор — отувчи, механик, Михайлов десантнинг очик бўлмасига кириб олишди. Майор эшикка яқинлашиб, кўлидаги гранатани талафотга учраган машинага қарата ирғитиб, ўзини ичкарига урди. Мен энди душман йўлимизни тўсади деб ўйладим. Айтганим тўғри чикди. Ички алоқада Ринат кичкириб юборди:

— Олдимизда духлар! От!

Зудлик билан башняни тўғрига айлантирдим. Машинанинг чап занжири олдида портлаган снаряд парчалари башня тепасига келиб тушди. Кузатув ойнасини чапг қоплади.

— Тўғрига от. От. Отавер... Қаршимиздан чиқишайпти. Мен ҳеч нарса кўрмасам ҳам тўғрига қарата отавердим.

Худонинг қудрати билан кишлоқдан соғ-омон чиқиб олдик. Текис йўлда кетаётибмиз. Десант бўлмасидагиларга энгашиб қарадим. Ҳамма ўз ўйи билан банд.

— Бу ёвида энди кишлоқ йўқ. Хавфсиз. Машинани тўхтатайми? Десантдагилар тепага чиқишсин. Ўликларни босиб ташлашди, — деди Ринат.

— Майли.

Иккала бўлмадагилар юқорига чиқишди. Мен ҳам башня тепасига чиқиб ўтирдим. Бахорнинг тоза хавосидан тўйиб нафас олдим. Томоғимга порох хиди ўрнашиб қолган эди. Майор отув милига суяниб сигарет тутатаяпти. Михайловнинг оёғини осколка ялаб ўтибди. Нина Григоревна унинг ярасини боғлаяпти. Лейтенант бошини ерга эгиб олган. Чурқ этмади. Машина Кобул сари яқинлашиб бормоқда.

Мен эрталаб йўлда афғон бола берган кулча сифат чарсни олиб ушатдим-да, «Охотничис» сигарет тамакиси билан аралаштириб эзфиладим. Таранг қилиб сигарет қоғозини тўлдириб «юкладим». Бошим ғувиллар, ҳозирги жанг шууримни музлатиб қўйган эди, гўё. Чарсдан босиб-босиб иккита тортдим. Ўзимни енгил хис қилдим. Майор ҳеч нима демади. Чарсни Михайловга узатдим. У ҳам икки-уч тортган бўлди-да, ярасини боғлаб қўйган врачга мулозамат қилди. Аёл бош чайқади. Юзим бир оз совигандай бўлди. Уйқум келди. Бемаъно, тенгакнамо юришимизнинг азобларини унутиш, уларни эсламаслик учун ҳам, манови кўрқоқ-мурда лейтенантваччани кўрмаслик учун ҳам, ҳозир чарс чекдим. Ўзимни ичкарига олдим. Қовоғим оғирлашди. Кўзим олдида булутлар сузиб юргандай эди.

Бир нарса қаттиқ тарақлаб, машина силкиниб кетди. Мен бошимни башнядан чиқардим. Машина устида майор думалаб ётар. чаккасидан оққан қон жанг тўрваси атрофига ёйилиб борарди. Михайлов ғужанак бўлиб олган, бор овоз билан бақирар, силкиниб-силкиниб қўярди. Душман машинанинг қоқ белидан гранатамёт билан урганди. Галасидан ажралган турна каби адашиб қолган, яъни, колошадан холи кслаётган машинани бу ерларда ёш бола ҳам ўққа тутиши ҳеч гап эмас эди. Бу ердаги уйларда гранатамёт, ўқ-дори қурол борлигига эса шубҳа қилмасак ҳам бўларди. Нина Григоревна майорнинг юзини ўнглаб, чалқанча ётқиз-

ди. У типирчилар, хириллаб нафас олар, бўйнидан қон сизар, елкаси орасига темир парчаси кириб кетган эди. Аёл унга оғриқни тўхтатувчи укол юборди. Ярасига бинт босди. Қон тўхтамас, майорнинг юзи оқариб борарди. Шу заҳоти снаряд отилган томонни машинада ўққа тутдим. Тўғри келган ҳовлига ўқ ёвдиравердим. Ҳовлиларда кий-чув бошланиб хотин-халаж, болалар югургилар, баъзилар силтаниб қулар, мен эса ҳушим кўтарилиб, кутуриб борардим. Ичкарида лейтенант елка қисиб қалтираб ўтирар, менга бенур кўзларини тикар, юзида қон йўқ, худди майорнинг юзидай оқариб кетган, дағ-дағ титрарди. У кўзимга жудаям жирканч аҳволда кўриниб кетди. Шу маҳал қонқани очиб бошимга уриб, алланималар деб бақираётган Нина Григоревнага қарадим. У башня устида энгашиб, тепадан ичкарига, менга отишни тўхтат, деб қичкирар эди. Мен башняга ярим белим билан кўтарилдим. Тутқанок тутгандай ўзимни бошқаролмасдим.

– Кобулга яқинлашдик. Отишни бас қил, – бақирди аёл.

– Бу ифлослар барибир бизни отиш пайида бўладилар. Нима бўпти... Кобулда ҳам отишимиз керак буларни.

– Ўзинг бос!.. Мумкин эмас. Ринагга айт, машинани тўхтатсин.

Машина тўхтади. Майор ҳеч нарса билмай офтобда беҳол ётарди. Баъур инқиллаб кўярди... Овози шунчалар беҳол ва ожиз эдики, шу мунгли ихраши билан унинг жони чиқиб бораётганга ўхшарди. Мен уни опичлаб десант бўлмасига олиб кирдим. Михайловнинг яраси енгил. Чап оёғига осколка тегибди. Уни ўнг бўлмага жойлаштирдим. Бўлмадаги мурдалар сафига иккита ярадор кўшилди.

Мен башнядан ичкарига кириб лейтенантни силкидим.

– Ташқарига чиқ-да, десант бўлмасига кир. Тепада ҳеч ким қолмади. Битта аёлнинг ўзи тепада кетаверсинми? Чиқ, ташқарига дедим.

Лейтенант ялинганнамо оҳангда деди:

– Ахир бўлмада ярадорлар, мурдалар бор-ку.

– Хой ит, сенинг мурдадан нима фарқинг бор. Бир аёлчалик юрагинг йўқ, ифлос. Чиқ, тепага онангни... Хозир отиб ташлайман. Автоматни олиб, унинг кўкрагига тирадим. Лейтенант телбанома қиёфада ташқарига кўтарилди.

– Тез-тез бўл, отиб қўйишмасин. Чакконроқ бўл.

Уни турткилаб ташқарига чиқардим. Нина Григоревна

ичкарига, командир ўриндигига жойлашди. Унинг кийимлари, ваҳм оралаган юзига қон сачраган эди.

Ринат машинаси елдай учириб хайдаяпти. Кобул шаҳрига кириб келдик. Нина Григоревна кузатув ойнасига юзини босиб юм-юм йиғлар, унинг кўз ёшлари юзида қолган қонни ювиб борарди.

Мен «Охотничис» сигаретига наша ўраб чека бошладим. Нина Григоревна эзгинди қиёфада қараб, қўлини чўзди. Мен яримлаган сигаретни унга тутдим. Аёл босиб-босиб икки бора тортди-да, кўзларини чирт юмди. Мен туман ичида қолгандай бўлдим.

Қисмга етиб келганмиз чамамда, Ринат машина қопқасини очиб бошимга қўлини болға қилиб ураяпти.

– Нима дейсан?..

– Уйғондингми?.. Туш. Комбат келди. Ўликларни олиб кетишди. Сени сўраяпти.

Ёнимга қарадим. Нина Григоревна жойида йўқ. Қалтираган ҳолда машинадан чиқдим. Пастда батальон командири турибди. У машинага яқин келиб қўлини чўзди. Қўл узатдим. Сакраб пастга тушдим. Батальон командири мени бағрига босди.

– Яша! Сен чин эркаксан... Чарчадингми? -- деди елкамга қоқиб.

– Йўқ. Ҳаммаси жойида, ўртоқ майор!

– Кўзларинг қип-қизариб кетибди. Тебраниб турибсан. Чарчабсан. Ҳозир казармага бориб ухла. Икки кун дам оласан. Йўқламага чиқиб сафга турмайсан. Қисм командири сизларга ташаккур айтди. Сени бугуннинг ўзидаёқ «Қизил Юлдуз»га тавсия қиламан. Ҳаммаларинг жасорат кўрсатдинглар. Топшириқ бажарилди.

Кўнглим айнияти. Командирнинг тезроқ даф бўлишини истаяпман. У чайқалиб турганимни фахмласа-да, билмасликка олди.

Казармада икки кун донг қотиб ухладим. Шкафимда жангга чиққан кезлар бериладиган «Қурук овқат» - темир қутида сақлангучи гўшт, борщ, сули бўтқаси, қуюк сут бор эди. Овқатланаман, ухлайман. Айқаш-уйқаш манзаралар намоён бўлади. Нина Григоревнанинг қон сизган чехраси, ўша ўлик аскарлар қиёфаси, яраланган майор, йиғлаётган лейтенант, сон-саноксиз техникалар, қурол ўқталган, саллали, маҳаллий кийимдаги афғонлар хаёлимдан

бир-бир ўтар, уйқу аралаш кимлар биландир гаплашардим.
Бу — жудаям офир ҳол эди...

...Гўзал шу мисраларни ўқиб, ёшли кўзларини беморга тикди. У қизга қараб турибди. Қиз саросимага тушди.

— Мен, мени кечиринг. Уйғондингизми?

— Бироз ухладим. Бу — жудаям офир ҳол эди. Энди яхшиман.

«Бу жуда офир ҳол эди...» Қиз ҳозиргина ўқиганларини такрорлаган шоирга қараб анграйиб қолди.

— Ўқийверинг. Барибир китоб ёзмоқчи эмасман?..

— Нега! Яхши. Таъсирли.

Гап фақат таъсирли нарсаларда эмас.

Шоир оғрингандай бўлди.

Шу маҳал эшиқ очилиб дўхтир Исмоилов кириб келди.

— О, ана, бемор уйғонибди. Кайфият қалай?

Сўнгра Гўзалга қараб бидирлаб сўз қотди:

— «Қора камар» яхши видеофильм экан. Шукур Холмирзаев ёзибди. Қойил. Ҳакконий. Зўр. Кўрмадингиз-да.

Гўзал шоирга маъноли қаради.

— Ана, кўрдингизми, Шукур ака зўр, — деди шоир жилмайиб, — бир кун у киши билан Сизни таништирдиман. Китобига дастхат ёзиб беради.

Шоирнинг кайфияти хуш эди. Қиз ҳам жилмайиб турарди. Исмоилов уларга ғалати қараш қилди.

IX

Кузак ёмғири эзиб ёғаётган ўша кеч шоирнинг хонадо-нида шундай гап-сўз бўлди:

— Дадаси, бугун кўп ичибсиз. Соғлигингизни ўйланг. Сизга мумкин эмас.

Барно чайқалиб ўтирган эрига ёстик узатди. Шоир узала тушди. Аянчли кулди.

— Эшқобил Шукур билан бирга эдим. Кайфиятим кўтарилди... Ўзим ҳам майда-чуйда ишларга аралашиб қолибман. Ҳик.

— Қўйинг. Эътибор берманг.

— Мен, мен... энди телевизорда ишламоқчи эмасман.

— Шунинг учун шунча... қуюнаёптисизми?

— Йўқ... йўқ... Менга қаранг... Одам, барибир йиқилмаслиги керак, кайфим ошди, тўғри. Лекин ақлим жойида. Эшитинг... Бугун мажлис чақиришиб, мени муҳокама қилишди. Қуённинг юрагини кўтариб юрмаганим учун. Эх,

одамлар, одамлар... Гап шу, эртага ариза ёзаман... Иш топилар.

— Овқатданмасангиз, ухланг энди...

— Эҳ. Ҳик... Ухлаб бўладими!.. Бугун яна телефон қилдимми?

— Ким?

— Кимни назарда тутаётганимни яхши биласиз. Уф-ф, жонга тегди... Шу Бурхоновдан бекор қарз олдим. Бундан кўра ётоқхонада яшаганимиз минг бор аъло эди. Уй, уй, деб хит қилдингиз... Ҳар ҳолда... Биров безовта қилмаётган эди. Бу нима гап. Ҳар куни... телефон. Пулни топ, деб ўшқиради.

— Пул топгуниimizча индамайди, қачон қайтарсак ҳам рози дедингиз-ку...

— Ҳа, Бурхонов шу пулга қараб қолгани йўқ. Катта-конт. Республикадаги раҳбарлардан бири. Бунинг устига ҳамюртлиги бор...

— Нега унда бунча кўнғирок қилади?

— Ишни ўзим ҳам қилган эканман. Ўшанда унинг вилоятдаги ташкилоти телевизорда танқид қилиниши керак экан. Бошлиғи бизнинг кишлоқдан. Олдимга келди. Анча-мунча ялиқди. Орага туш, деди. Отанг салом айтди, онанг сўраб қолди, деди. Тўхтатайлик, деди. Хўжайини, шу Бурхонов ҳам илтимос қилганини гапирди. Мен бу ишга аралашмайман, дедим. Хафа бўлди. У кетди, шалвираб... Эртасига Бурхонов кўнғирок қилди. Ука, деди, бир учрашайлик гап бор, деди. Учрашдик, эртасига. У ҳаммамиз бир жойданлигимизни айтди. Кейин, ётоқхонада туришимни гапирди. Ҳа, тўғри дедим. Уй оларман, лекин халимас, кейинроқ, дедим. У биз земляклармиз, яхши шоир экансиз, биз ҳамюрт бўлиб ёрдам берайлик. Уйсиз юрсангиз уят бўлади, деди. Мен, уни адабиётни, шоирни яхши кўраркан, деб ўйладим. Майли, дедим, ха, ҳаммаси Сизнинг минғирлаб, уй йўқ, уй йўқ, деб куйинаверганингиздан кейин бошланди, аслида. Ҳик. Кейин, мен Сиз қарз беринг, мен уй олай, фақат анчадан кейин қайтараман, дедим. Эсингиздами, кечкурун шофёри пул ташлаб кетди. Лекин, танқидга аралашмайман дедим. Барибир телевизор танқил қилди. Ҳалиги раҳбар, кишлоқдошим ишдан кетди. Кейин Бурхонов мендан пулимни қайтар деди. У номардлик қилди. Қарзни қайтариш муддати менга боғлиқ эди-ку... Ахир қачон пул топсам бераман дедим-ку. Энди бир гапни

такрорлагани такрорлаган. Бировдан олиб берувдим, қўйма-япти, қистаяпти, дейди. Министр одамнинг гапини қара. Ишхонага ҳам ҳар куни кўнғироқ қилиб бэзор қилди. Эртага ўзи борса керак. Бошим қотиб қолди. Бу дунёда яхшилик учун, самимий кўмак берадиган одам кам экан. Йўқ экан. Бурхоновнинг туваги тиллодан... Миллионлаб пули бор. У менга қарз учун берган пулини бир кунлик маишатига сарфлайди. Агар худди ўша кунгидай бирорта танқидий кўрсатувнинг исини сезса, яна пул кўтариб югур-гилайди. У шундай одам. Отанг, ака-уканг ёрдам бермаса қийин экан. Тошкентга келиб ёзувчи бўлишнинг учун бойнинг боласи, бу ёғинг бақувват бўлиши керак экан. Йўкса, ётоқхонама-ётоқхона, ижарама-ижара сарсонинг чиқиб, ароқ ичиб, пивога чўмилиб, жигаринг эзилиб хор бўласан. Эй хаёт, яшаш бунча қийин бўлмаса... Ўзим тенги ижодкор ошналаримнинг ҳам аҳволи меникидан яхши эмас. Ётоқ, ижара, қарзга олинган уй... Ҳаммасининг дарди ўхшаш. Лекин, улар ёзаяпти. Яхши ёзаётгани ҳам бор. Кимнинг қалласи ишласа, номард одамдан қарз олмайди. Ишхонадаги она процентга қарз берди. Судхўрлик бу. Лекин, уйсиз қолишдан қўрқиб унинг шартига кўндим. Кишлоқдан майиз, сиғир-қўйларни сотиб олиб келган пули онага бердим. Индамай олди, судхўр. Муддати ўтиб кетгани учун яна қўшимча пул олди. Энди отамдан пул сўролмайман. Мени деб бечора шип-шийдон бўлди. Укаларимнинг ризқи қийилди. Боре, деб қишлоққа кетсак, томорқа йўқ. Уй қуриш керак. Ташвишлар тўрт томонимдан босаяпти...

— Қўйинг, бир гап бўлар. Яна мазангиз қочади... Мана чой. Ухламасангиз, бир пиёла иссиқ чой ичинг. Жон дадаси, қўйинг, сиқилманг. Бир гап бўлар. Бошингиз омон бўлсин. Хўп, десангиз эртага дадамга кўнғироқ қиламан. Ёрдам берадилар.

— Эй, йўқ. Куёвим тамом бўйги, дейди. У киши шоир-ёзувчини яхши яшайди, бой, телевизорда ишлайдиган одам, келиб-келиб, мендай дехқондан пул сўрабди, деб ўйлайди.

— Ахир, ўзингиз айтаянчисиз-ку, аҳволимиз оғир деб...

— Кишлоққа бораман. Товамдан пул сўрайман. Охирги умидим шундан... Ҳа... Эртага ишхонага аризани тошпириб, қишлоққа жўнайман. Бурхонов яна телефон қилса... пул қидириб қишлоққа кетди денг. У энди мени тинч қўймайди, уф... Ичим куйиб кетяпти. Сув оп кенг. Йўқ, чой керакмас...

Барно косада сув келтирди. У муштдай бўлиб, ожиз ва мунгайиб қолган эрига ачиниб қаради. Ич-ичидаи ўзини койиди. Ётоқхонада яшамаймиз, уй олинг, деб хархаша қилганини эслаб, пушаймон бўлди. Гуноҳкорона ерга қараб ўйга толди.

Шоир хизматдан келиб, университетнинг журналистика факультетида ўқишни давом эттирди. Иккинчи курсдан. Барно биринчи курсда тахсил оларди. Нимаси биландир қиз йигитни қалбига яқин олди. Қарашлари, хатти-ҳаракати бошқалардан ажралиб турарди. Матбуотда деярли ҳар куни мақолалар билан чиқиш қиларди. Факультетдаги талабалар ичида обрўси ҳам баланд эди. Учинчи курсда «Шарқ юлдузи» журналича қиссаси эълон қилинди. Қиссани адабий жамоатчилик мақтади. Танқидчилар бу асар ҳақида мақолалар эълон қилишди. Талабалар орасида шоирнинг обрўси бир чандон ошди. Шеърый китобчаси чоп этилди, катта шоир оқ йўл тилади.

Шоир деярли ҳеч кимга қўшилмасди. Сабокдан сўнг, танаффусда йўлак бурчагидаги ўриндикда ёлғиз ўзи чекиб ўтирарди. У галати эди. Баъзилар буни машҳурлик хавосини олиб, ўзини атайлаб шундай тутати дейишса, бошқа бировлар, у одамови, ҳеч нарса билан иши йўқ, дарвеш-девона дерди. Униси ҳам, буниси ҳам эмасди. Бор-йўғи у бошқалар билан тез танишиб, даврага қўшилиб кетолмасди. У ўзини анчагина кексайиб қолгандай ҳис этарди. Ўйин-кулгуга ўч ёшлик завқидан шодланиш, лаззату ором олиб яйраш шавқи шоир учун бегона бир туйғу эди.

Шоир дарсдан танаффусга чиққан кезлари ўриндикда узундан-узун тутатиб ўтирган кезлари бир ҳолат ҳар куни такрорланишини яхши биларди. Бурчакдаги дарс жадвали илинган тахта ёнига биринчи курсда ўқийдиган бир қиз келади-да, жадвални ўқийди. Кейин шоирга охиста қарайди. Салом беради. Шоир алик олади. Сўнгра қиз хурсанд бўлган алфозда дугоналари, курсдошлари тўласига югуртилайди. Гўёки жажжигина қизалокнинг бошидан силаб, сен яхшисан, деб қўлига ширинлик тутсангиз, қувониб чопкиллашига ўхшаб кетарди бу. Кейинчалик шоир ўриндикда хаяжон билан чекадиган, кўзини аудитория эшигига тикиб, қизни сабрсизлик билан кутадиган бўлди. Қиз ҳам дарс жадвал тахтасига келиб тикилишни ва шоирга салом беришни қанда қилмасди. Кунлар шундай ўтаверди.

Бир куни «Ёш ленинчи» газетасида шоирнинг туркум шеърлари эълон қилинди. Дарсда ўта билимдон, қаттиққўл домла, раҳматли Очил Тобаев шоирга илиқ гап айтди. Шеърлар домлага маъқул келибди. Эрталаб биринчи курсдаги талабаларга ҳам шеърларингни мактадим. Эҳтиёт бўл, талтайма, терлаб ишла, деди устоз. Шоирнинг юраги галати бўлди. Биринчи курсларга ҳам шеърларимни айтган бўлса, у бормикин, у ҳам эпитдимикин, бу шеърларни мен ёзганимни билармикин... Унинг хаёли чексиз нурлар ичра тўзғигандай бўлди. Тезроқ сабоқ тугагини сабрсизлик билан кутар, юраги хапқириб урар, ботинида хаяжон, ширин бир оғрик кўзгалганди.

Ана қиз келди. Тахтачага кўз тикди. Ўқиди. Шоирга қаради. Қизнинг чеҳраси гулгун порлаб, кўзлари чакнапти. Ним табассум инган лаблари пичирлади – салом берди. Шоир ҳам хаяжон оловида қақшаб, эсанкираган куйи алик олди. Улар бир зум тикилиб қолишди. Нигоҳлар чақин чакди. Юраклар чинқириб юбораяпти. Вужудларни чакмоқ урди. Ёруғлик эди. Унинг бу одамлар ичра шу ерда, мана шу йўлакда туриши ғайри одатий эди. Негадир, шоир бугун, ўзини бошқаролмас, гангиб қолган эди. Қиз хижолатлик ичра бош эгиб, ортга қайтди. Йигитнинг юраги орқасига тортди. Ичидан бир нарса узилгандай бўлди.

Энди у узун кечалар муҳаббат оташида қовриларди. Ишқнинг бедаво ўрташларига дош беролмай оҳ урар, ишқ ханжарини қалбга санчиб шеърлар ёзарди. Муҳаббат унга куч берар, илоҳий қудрат намоён бўлар, эҳтиросли жумлалар шуурига қуйилар, ўтли-ўтли шеърлар пайдо бўларди. Шоир қизни кўрмасам ўлиб қолсам керак деб ўйлар, энди йўлакларда учрашиб туришига қаноатланмас эди. Кундуз на сабоқ, на бошқа ташвишлар уни чалғитолмас, фикри-хаёли қиз билан банд бўлди.

Муҳаббат ҳар қандай метин иродали кишини ҳам ўз йўриғига солади. Шоир ҳамма нарсага рози эди. Фақат қиздан айрилиб қолишини, уни йўқотиб қўйишини тасаввурига сиғдиrolмасди. Эҳтиросли одамнинг севгиси аланга олса, куйдириб кул қилади. Апрельнинг чароғон ва озорли кунларида шоир бир курсдоши билан ётоқхонага яқин, ўша пайтда талабалар тилида «ЖАР» деб аталадиган пиво-хонага боришди. Кечгача пивоҳўрлик қилдилар. Шоирнинг хира-шира тасаввурида қизнинг чакнаган кўзлари котиб қолган, гўёки уни кузатиб турарди.

- Шароф, ошна, мен... мен... уфф.. яқинда жинни бўлиб қоламан. Мен уни яхши кўраман... яхши қиз. Жуда яхши. Уни севаман.

- Ким у?! Кўксингга ўқ бўлиб кадалган. Бунча йиғлайсан. Қиз тикилиб ётибди. Йўқ, деярми? Ким айтади Сени урунда бўлган деб.

- Тўхта... эшит. Йўқ, аввал яна бир бакалдан пиво буюр... яхши. Энди айтаман. Биринчи курсда ўқийди... Намангандан экан. Чиройли. Кулма, нега куласан, мен сени одам деб... Унинг каерданлигининг фарқи йўқ, гапни эшит. Хуллас, шу қизни севаман. Хозир, ётоққа борганда, Сен унга менинг севишимни айтасан. Сендан бошқага ишонмайман. Айт, агар кўнглида, куйиб кетдим, агар кўнглида бошқа бирови бўлса, униям айтсин. Буёғи нешона, ошна... Қани, симирайлик... Закускага курт ҳам тугабди... Олдик! Менга қара. Сен... менинг дўстимсан. Айтганинг бўлади. Исми нима унинг.

- Барно!

- Яхши. Есть қиламиз. Нима, осмондаги оймиди? Сендай шоирга курснинг ҳамма қизлари ошиқ. Олдиндан оққан сувнинг кадри йўқ, деб айтишади-ку... Майли, қовоғингни осма, кетдик. Хозироқ хонасига борамиз...

- Мен боролмайман... Ўзинг. Илтимос, Шарофжон! Ўзинг ҳал қил шуни.

- Яхши. Пивони пулини тўлайсанми?

-- Тўлайман... тўлайман. Мана. Хохласанг эртага ҳам пивохомага келамиз. Фақат бугун Брнони...

-- Бўпти. Эзмалама. Турдик. Сен хонангда бўл... Диванда чўзилиб ёт. Шест секундда ҳал қиламан...

Улар ётоқхонага келишди. Шоир Шарофнинг амрига бўйсинди. Диванда чўзилиб олди. Юраги кинидан чиқиб кетай деяпти. Қайфи ҳам тарқалиб бўлди. Бир маҳал эшик очилди. Шоир ўгирилиб қаради. Шароф. Ўрнидан сакраб турди. Шароф унга ёт ишорасини қилиб яна қайтиб чиқиб кетди. Йўлакда унинг овози эшитилди... Зум ўтмай эшик очилиб Шароф ичкарига ўқдай учиб кирди-да, шоирнинг устига чойшаб ташлади.

- Кўзингни юм. Ухла. Ўрниндан кўзгалма.

Шоир нима бўлаётганини англай билмас, Шарофга ботиниб бирор сўз деёлмас, унинг измига бўйсинарди...

Эшик тақиллади.

– Келинг, келинг, Шароф кимгалир мулозамат қилапти, – мана, шоирнинг ахволи чатоқ. Иссини ба- ланд. Алахсираяпти. Қизлардан бирортасини чақириб ке, деб илтимос қилди. Менимча, дори-пори сўраса керак. Мен тошиб келаман, десам, номи вазати, унақа дорини умримда эшитмаганман... Балки сиз биларсиз деб чақир- дим... Ўзимам кўркиб кетаяпман. Ўлиб-петиб қолмасин... Хар холда Сиз менга караганда, биларсиз...

Шоир кўзини очиб, хонада барно турганини кўрди. Ток ургандай бўлди. Юраги увишди. Юзидан тер оқа бошлади.

– Дўхтир чақирин керак... – Барнонинг овози ма- йин, ёқимли эди. Хонага баҳор насимлари апрель борлиғи- нинг муаттар бўйларини олиб келгандай бўлди. Бу ёқимли ва хуш бўйдан шоир сархуш эди...

– Хозир, хозир... мен унда тез ёрдамга кўнғирок қиламан... Сиз ёнида туринг... Айтмоқчи, менинг иссиғим ошса, уйимдагилар аччиккина угра ош ичиришарди. Балки, буни ҳам қилармиз... Шароф яна шоирнинг тепасига қай- тиб, кўлини пешонасига теккизди, не, иссини бироз туш- гандай... Шу, угра ош бўлганда эди...

– Майли, майли... Мен тайёрлаб бераман. Агар хохла- санлар, -- деди Барно кўнғирокдай овоз билан.

Шоир ўкинчдан йиғлаб юборай деди. У хали ўзига нис- батан бундай меҳр ва ардоқни шу пайтгача кўрмаган эди.

Хоҳлайди. Нега хоҳламас экан. Туз тотмади... Ўзим мажбурлаб ичираман. Сизни ташвишга кўядиган бўлдик- да. Агар ишингиз бўлса, курсдош қизларга айтардик...

– Неганга... Мен ўзим.

Барно хонадан шошиб чиқиб кетди.

Шоир ишониб-ишонмай Шарофга қаради.

У тиржайиб турибди.

– Энди угра ичадиган бўлдинг. Бугун севги изхор қилишинг учун имконият туғилди. Бўш келма, Наполеон.

– Қандай қилиб?

– Угра ошни ичиб бўласан... Кейин, кўлёмаларингни мен ушга бераман... Хозир толиқиб турибди. Илтимос, шу- ларни машинкалаб беринг, дейман. Ушга бераман. Сен бир қовозга Барно, Сизни севаман. Сиздан бошқа бу оламда ҳеч кимим йўқ деб ёзасан. Изхори дилингни шеърларинг орасига солиб кўямиз. Агар сени сева, шеърларингни кўчи- риб беради. Йўкса, кўлингга паттангни тутказади. Бошқа

ёр излайсан... Ха, бўпти, менга ўқрайма. Касал одам ҳам шундай ўқрайдими? Энди чўзилиб, қачон Барно угра ош олиб келади, деб Худога илтижо қилиб ётавер.

Ўша куни Шароф айтганидай бўлди. Наполеон зафар кучди. Эртасига дўстининг илтимоси билан у дарсга бормади. Ўзини касалликка олди. Барно яна угра ош, кўкат, энди бозорга чиққан помидор-бодринг қилиб касалдан хол сўради. Тўғри, бу нарсаларни шоирнинг хонасига ўзи олиб келмади. Шарофдан бериб юборди. Шароф ҳам юзини қаттиқ қилиб, Барнога мишнатдорчилик билдирди.

Шоирнинг шеърларини машинкадан чиқаргач, Барно кечқурун минг бир хаяжон ичида эшик чертди. Остонада Барнони кўриб жони бўғзига тикилди. Довдиради.

- Кел... келинг,... ха. Ҳозир... Кириг.
- Йўқ. Яхши шеърлар экан. Мана олинг.
- ...Чой... ичинг.
- Раҳмат, тузалиб қолдингизми?..
- Худога шукур, Сиз... майли, — шоир гапини йўқотди.
- Агар бир юмушнингиз бўлса айтарсиз. Тафин шеърларингиз бўлса беринг, мен кўчириб бераман... Майли. Мен борай.

Қизнинг ҳам қарашида йигитдан кўра кўпроқ қийналаётгани, изтиробли алфозда турганини пайқаш мумкин эди.

Шундай қилиб икки қалб орасида мухаббат риштаси тортилди. Қиз ва йигит учун ниҳоятда қийин туюлган даҳшатли тўқнашув содир бўлди. Қунлар ўтди. Улар бири бири билан кўришиш, гаплашиш учун бахоналар излашадиган бўлди. Кейинчалик, улар ҳамманинг кўз ўнгида бирга юришадиган бўлишди. Мухаббат илоҳи яна бир Лайли ва Мажнунни яратди.

Ёшликнинг гулгулгун чоғлари, берубор орзулар ҳаёт синовлари олдида кўп бор ёдга тушди. Ҳаёт, турмуш ташвишлари гоҳида севилган юракларда ўқинч, армон ҳисларини уйғотди. Бироқ ўртадаги меҳр, мухаббат уларни омон сақлади.

...Барно ўз дардини дастурхон қилиб уйкуга кетган эрига ачиниб қаради. «Қийналиб кетди, ишқилиб ўзини олдириб қўймасин», деган ўй кечди ҳаёлидан. Барно шоирнинг кейинги пайтда ичкиликка ружу қўйганидан хавотирда эди. Шундай чоғда эрининг ёнида туриш, унга кўмаклашиши, кўнглини кўтариши, ортида суянчиғи йўқлигини билдирмаслиги зарурлигини англаб етганди. Агар ҳозир

эри ўрнидан туриб, кетдик, кишлокка борамиз, дехқончилик қиламиз, мен энди ҳеч нарса ёзмайман, шаҳарда яшмаймиз, деса ҳам рози бўларди. У эри билан дунёнинг бир четига бориш учун ҳам тайёр эди.

Эргасига телевидениега борди. Ариза ёзди. Ишдан бўшадди. Нима қиларини билмай бурчакдаги нивохонага кирди. Ичди. Ҳовури босилди... Яна ичди. Дунёни бир оз улутгандай бўлди. Кечқурун уйига тентираб кайтди. Барнони тагин ҳам босди. Бу ҳол бир hafta давом этди. Бурхонов кунора кўнғирок қилиб ўшқириб турди. Барно эрим кишлокка кетган, пул олиб келади, деб ёлғон гапиришни қанда қилмади. Шоир эса бошини чангаллаган кўйи чора излар, ҳеч қандай ёруғ йўл кўрмасди. Орада таниш-билиш, ёзувчи, шоирлардан қарз сўради. Айримлари ачинди, ёрдам беролмаслигини айтишди. Баъзи бировлари унинг ортидан кулди. Кўз ўнгида бир шоир турмуш икир-чикирларига ўралашиб, йўқолиб кетаётганидан севинганлар бўлди. Шундай зимистон ва аянчли кунларнинг бирида тоғаси Тошкентга келди. Қайсидир, каттаконлар жойлашадиган мехмонхонадан кўнғирок қилди. Етиб кел, деди. Барнонинг кўнглида ҳам умид учқунлари уйғонди. Эрига тоза кийимлар кийгизди, галстугини тақди. Тифлисини мойлади. Ёлворди, йиғлаб-сиктади, «Бегона эмас, тоғамиз. Ҳоким кишида пул бўлади. Қарз сўраш. Қайтарарсиз. Бошқа чорангиз йўқлигини билиб турибсиз-ку... Кеча Бурхонов уйингни тортиб олиш кўлимдан келади, деб дағдаға қилди. Сизга айтмадим», деди. Шоир эзилди.

Тоғаси ҳашаматли хонада диванда чайқалиб ўтирарди. Ўртадаги айлана стол шохона тузатилган. Ичимликлар, ноз-неъматлар тур-тури билан товланиб турибди. Шоирни дастурхонга чорлади.

— Шоир жаноблари, ишлар қандай. Бормай кўйдинг..., тоғанинг овози гулдираб чиқди.

— Шу... юрибман... Иш.

— Ишдан кетибсан-ку... Нима бўлди?

— Ёқмади.

— Нима? Телевидениега қим, қанча одам етишолмай юрибди. Сенга ёқмай қолдимми? Ёки айб иш қилдингми?..

— Йўқ.

— Кеча бизнинг районга ҳам телевизорчиларнинг борувди. Суриштирсам, бўшатиб юборишди, дейишди. Ҳар хил гаплар қилишди. Мен уларингдан, билдирмай сўраб

олдим. Тоғасиман, десам айтилмасди... Энди, битта-ярим-тага танилдим деганда бу нимаси...

— Ким билсин. Шундай бўлиб қолди.

— Ким айтади, сени ҳаётни, қийинчиликни, урушни кўрган бола деб. Ёш бола эмассан-ку... Катталаринг гапирса хўп десанг, камтарроқ бўлсанг, камайиб қоласанми? Шуйтиб бекорчиман де...

— Энди...

— Эдингни қўй. мановилардан ол. Қани... ичадиларми?

— Йўқ.

— Хо, шоирлар ичмаса илҳом келмайди, дейишади. Қани, ол. Ҳйлама. Ҳаёт шундай. Яхши-ёмон қушлар бўлиб туради. Соғлик бўлсин.

Тоға-жиян баравар кўтардилар. Шу пайт остонада пакана, тўладан келган, пўрим қийинган киши пайдо бўлди.

— Файбулла Шерматович, бориб келдим, деди у тоғага хушомад қараш билан мулозамат қилиб.

— Яхши. Ке, ўтир.

Пакана қуллуқ дегандай қўлига кўксини қўйиб столга яқинлашди. Шоирга букилиб қўл узатди. Стулни четроққа суриб ўтирди-да, тоғага жовдираб қаради.

— Танишиб қўй. Шоир жияним. Телевизорга чигиб турадигони шу..., — деди тоға қўлидаги олма пўстини пичок билан артаркан, ликопчадан кўз узмай.

Пакана дарров шоир томонга бурилиб таъзим қилди. Илжайди.

— Бу кишини танийман. Телевизорда кўп чигиб туради, — деди-да, тоғанинг ликопчаси ёнига туниган олма пўчоғини йиғиштириб олди, бўш ликопчага солди.

— Қани, сенам битта урасанми?

Тоғанинг бу гапи ўзига қарата айтилганини сезган пакана лик этиб ўрнидан туриб, шишани қўлига олди. Тоға-жиянга тавозе билан ароқ қуйиб тутди.

— Мен, Файбулла Шерматович, ишлар кўпроқ-ку. Ичмасам девдим, — деди жовдираб.

Шу маҳал тоға шалалоқ тортаман деса бетини, тепаман деса кетини тутиб беришга тайёр паканага шоирнинг раҳми келди. Ачинди. Бундай қилиб, хушомад билан қандай яшаётганига ҳайрон қолди.

— Ич, кўп гапирма. Қани анови пиёлани, нима кайфинг борми, довдирайсан, катта пиёлани ол. Ҳа, шуни

ўзингга қуй. Тўлатиб қуй. Энди кўтар. Қани шоир, бир нарса де.

Шоир ҳаммага соғлик тилади. Бир кўтаришда ичди. Тоға ҳам шундай қилди. Катта пиёладаги лик тўла ароққа қараб мўлтираб турган пакана шошиб қолди.

— Ич. Нега шумшаясан, — деди тоға бир паррак қазини газак қиларкан.

Пакана ниёлани бир кўтариб бўшатди. Бўйнини эгиб, ўриндикка чўқди. Шу захоти ўрнидан диқ этиб турди-да, кўксига қўлини қўйибтоғага саволомуз бокди:

— Мен бораверайми, Файбулла Шерматович? Нима қилай?

— Шоир билан бизга қуй. Ҳозир сенга иш борга ўхшайди.

Меҳмондорчилик яхши бўлди. Ароқ таъсириданми хоким тоғасига шоирнинг меҳри ийди. Иккинчи шишанинг охири кўрингач, тоға гапнинг индаллосига кўчди.

— Энди, жиян яна бир гап. Кеча уканг бор гапни энангга айтибди. Энанг уйга йиғлаб келди. Уй масаласида..., — шу жойда гапни узиб паканага ўқрайди. Пакана ғойиб бўлди, — шу уй олиб қарздор бўлибсан... Хабарим бор. Тошкентда ишим бор эди... Ҳам шу масалангни ҳал қилиб кетишим керак...

Тоға шоирга тикилиб қаради:

— Содик! Ҳо, Содик!

Лаббай, Файбулла Шерматович?! — пакана югуриб кирди.

— Завод нима бўлди?

— Ҳал бўлди. Жойида. Эртага пул туширамиз.

— Ҳозир шоирни уйига олиб борасан.

— Хўп бўлади.

— Шоир, уйдан қанча қарз қолди?

— Шу...

— Айт. Тез бўл, чайналма... Ланжфеъл бўлма, бола. Гапир...

— Икки юз...

— Нима икки юз?

— Икки юз мин...

Тоға мийиғида кулди. Жиян ерга кириб кетай деб турибди. Содик пакана тоға-жиян орасидаги гапга қизиқсиниб, бешиктербатардай тебранди.

— Содик, тушундингми, — деди тоға паканага қараб.

— Тушундим... Тушундим.

— Бўпти, — тоға қўл чўзди. — Бу хайр, дегани эди.

Шоир тоға ёнидан қандай чиққанини билмайди. Пакананинг юзига қарай олмади. Ховлида салқин ва тоза хаводан энтикиб нафас олди.

— Ака, кетдик, ана машина, — деди Пакана қип-кизил «Нексия»га ишора қилиб.

Шоирникига жўнадилар. Шоир миқ этмади. Пакана бепарво, хуштак чалади.

Катганинг жияни бўларкансиз-да?

— Шундай.

— Катта зўр хоким. Яхши одам.

Шоир жим эди. Эшитмасликка олди. Уйга келишди. Пакана «Нексия»нинг юкхонасини очиб, ярмигача нимадир солинган ялтироқ елим халтани олиб шоирга тутди.

— Нима бу?

Пакана шоирга хайратомуз, бақрайиб қаради:

— Катта айтди-ку. Олинг.

Ха-я, ...Уйга кирмайсизми?

— Йўқ, бошқа сафар...

Машина ўрнидан жилди. Ўралган елим халтани кўтарганча шоир анграйиб қолди. Кўз ўнгида хоким тоғасининг саволомуз тикилиб турган сиймоси гавдаланди. Оёқ-қўли бўшашиб, кўзига ёни келди. Бенхтиёр. «Бир куни қайтгарман», — деб пичирлади. Ўзини ўнглаб ичкарига юрди ва зинапоялардан ишонч билан кўтарила бошлади.

Ичкарида жон ховучлаб кутиб турган Барнонинг оёғи остига пул солинган елим халтани тапиллатиб ташлади. Барно тиеланди...

— Ма... Онасини... шу ҳаётни. Ол. Бурхонов телефон қилдимми?

— Йўқ...

— Бу нима дадаси?

— Пул...

— Тоғангиз... бердиларми? Вой, Худойимга шукур-а. Энди яхши бўлади, дадаси?

— Ха, ўлдириб олдим.

— Вой, бу нима дегангиз?

— Ўлдирдим...

— Нега ундай дейсиз? Барно анграйиб турарди.

— Ўлдирдим. Ўзимни ўлдирдим.

Х

Эртаси куни шоир Бурхоновнинг хашаматли қабулхонасида ярим соат сарғайди. Хаммадан сўнг котиба унга каттанинг хузурига киришга изн берди.

- Ҳа, мулла, келибдилар-да, деди Бурхонов димоғ билан.

У кенг, узун стол ўрнатилган хонанинг тўрида, одам бўйи келадиган қора чармли ўриндикда юм-юмалоқ бўлиб ўтирарди. Кўзлари ғазабдан йилтиллаб кетди.

Шоир довдиради. Бу ўша кунги кўрсатувни тўхтатайлик, деб ялинган, мулоҳим Бурхоновга сира ўхшамасди. Шоир ўзини қўлга олди. У ҳам бенисандлик билан елим халтани тарс этказиб столга кўйдди.

Мана, оп келдим. Олинг.

Бурхонов истехзоли илжайди.

- Шундайми? Ўтиринг-чи. Салом-алик, муомала деган нарса бор. Ҳар ҳолда биз ака-укалармиз. Лекин, Сиз гапимизга кирмасангиз ҳам Сизга ёмонлик қилган жойимиз йўқ. Бу, ишдан ҳам кетибсиз... Йигит киши бир жойда ўсади, ука. Энди шеър ёзиб, шоир бўлганлар кўп. Лекин, ўша мен зўр деган шоирларингизнинг ҳам чўнтагида хемириси йўқ. Ёшсиз, бунча қайсарлик яхши эмас... Ахир сиз одамгарчилик қилганингизда эди, мен...

- Сиз пулни сўрамасдингиз. Сиз мени эгри йўлга бошламоқчи бўлдингиз. Мен бор нарсани яширолмайман, қолаверса, ҳақиқатдан бўйин товлай олмайман, камбағалман, лекин пора ололмайман. Мен ҳаром нон еб катта бўлмаганман...

Бўлди қил, шоирвачча!

- Нега энди тутаяпсиз?

- Бас, қанча ошкелдинг... Шунини тўртта шеър ёзиб топдим, ёки ойлигимни йиғиб олиб келдим деяпсанми? Шу пулинг ҳалолми?

- Мен учун ҳалол. Тоғамдан олдим. Санамадим ҳам. Икки юзта деди. Ичини очиб ҳам қарамадим. Бир куни қайтараман...

- Нима? Тоғажонингни мен яхши биламан. Унинг пуллари қаердан келишини ҳам яхши биламан... Сендай ҳақиқатгўйдан ўргилдим.

- Тоғамнинг қандай одамлиги билан сизнинг ишингиз бўлмасин. Лекин кимларгадир ўхшаб номардлик қилмайди.

Айтган гапни қайтариб олмайди. Қолаверса, вақти-соати етгач бу пулни унга қайтараман...

Бурхонов меш қорнини ушлаб чайқалиб олди. Сўл қўли билан лабини артган кўйи шоирга ўқрайиб қаради.

– Чик, йўқол. Ҳозир, тоға-поғанг билан уруғингни қуритаман!.. Марш Отсуда!!

Бурхоновнинг тутканоғи тутиб қолди. У титраб-қақшаб, лаблари пирлирар, юзи гезариб кетганди. Шоирнинг миясида чакмоқ чаккандай бўлди. Кутилмаганда ҳамладан довдираб эшикка қараб юрди. Остонага бориб ўзини ўнглади-да, ортига тезлик билан бурилиб, оғзига келган гапни тўхтатиб қололмади.

– Онангни... хароми! Мен Сени ўлдираман!!!

Эшикни тешиб очди-да, шарақлатиб ёлиб чиқиб кетди.

Қабулхонада бундай ҳолни кўрмаган, эсхонасидан айрилган котиба шоирнинг ортидан жеркиб берди:

– Деревняк!

Шоир буни эшитди. Тишларини гижирлатиб қизга ўқрайди:

Иди ты... знаешь куда?... – ва ғазаб билан йўлакка отилди.

Ташқари намчил ва совуқ... Шоирга хаво етишмасди. Катта идорадан равон йўлга чиққунга қадар нафаси қисди. Бўғилди. Оёғидан мадори кетди. У бекатдаги ўридикка зўрға етиб келди. Охир чўқди. Асаби зўриққанидан қўллари калтирай бошлади. Афтода бир холда чўнтакларини титкилаб сигарет қутисини тонди. Битта сигарет олиб тутади. Унинг бармоқлари титрарди. Кўз олди қуюқ туман босиб, қоронғу тортиди. Унинг бундай аянчли аҳволи ташқаридан қараган одамнинг эңсасини қотирар, танаси бошқадард билмас деганларидек, юраксиз, калтаўйлар шоирнинг устидан қулиб ўтишлари ҳам бор эди. Беҳис кимсалар табийки, бу одамнинг Ҳаксизлик, инсон қадрини таҳқирланиши учун чидай билмай ўз ёғида қоврилаётганини сезишмасди. Шоирнинг ич-этидан тошаётган ғазаб ва нафрат оловини айни дам ҳеч нарса сўндиролмасди. Чунки бу ўз қадрини билган одамнинг иймонини ютиб, шаъни ва помусини тупроққа қорган кимсаларга шисбатан исёни эди. Бурхоновнинг ҳеч қандай қадр-қимматига полимаслиги, унинг ўз чиркин фалсафаси борлиги ва буни ёриб чиқиб кетиши учун бундай кимсанинг асло куч-қудрати йўқлигини шоир

яхши англар, айна дам ғазабнинг зўридан бу ҳақиқатни тан олгиси келмасди.

Автобус келиб тўхтади. Шоир уйга қайтишни мўлжаллади. Бошқа қаерга ҳам боради. Кенг дунёда ўзини ёлғиз, нотавон ҳис қилди. Яна уй. Хотиннинг мунгли нигоҳига қараб, мунғайиб ўтириши керак. Овунадиган, чалғийдиган нарсанинг ўзи йўқ. Бирор нарса ёзиш учун ҳам кайфият зарур. Кўнглинг тинч, рухнинг хотиржам бўлмаса, қийин экан. Эркак киши кўчага яратилган, кўчанинг одами деган гап чин. Кап-катта одамнинг ишсиз, уйда қамалиб ўтириши эп эмас. Шоир хаёлига келган ҳар хил ўйлар гирдобида автобус деразасидан бокиб, атрофга шунчаки назар ташлаб борарди.

Нашриёт биниси ёнидан ўтаётганда ҳарбий кийим кийган дум-думалок, хўппасемиз кишини кўрди. У баргрезон йўлакда пилдираб келаяпти. Йўловчилар орасида алоҳида ажралиб бораётган семиз пакана шоирнинг таажжубини тоширди. Қаерда кўргандим... Ким эди, бу... Ана, чехрасиям таниш. Шоир шунча эслашга уринмасин хотирани тиклай олмади. Автобус пакананинг ёнидан ўтгач, шоир ток ургандай сескалиб кетди. Эҳ, бу Бурхоновнинг худди ўзику! Шаҳд билан деразадан ортга қаради. Пакана дўмбиллаб кетиб борарди. Тавба, одам дегани шунчалар ҳам ўхшаши бўладими-а? Шоир автобус муюлишга етгунга қадар паканадан кўз узмади... Хаёлида лип эгиб, капитан Купиннинг, батальон командирининг ўринбосари, миждов ва ахмоқ офицернинг қиёфаси жонланди. Йўловчи кўзларининг чакчақиб боқиши, турқи совуклиги, бақалоклиги билан Купинни ёдга соларди. Бундан ўн йил аввал жанг майдонида бўлиб ўтган воқеа ёдига тушди.

Батальон командири галдаги урушда қатнашмади. Унинг ўрнига ўринбосари -- капитан Купин борадиган бўлди. Бу ҳамманинг вақини келтирди. Улғудай калтабин, мактанчоқ, довдир Купинни оғир жангда батальонни бошқара олмаслигига оддий аскарнинг ҳам фаҳми етарди. Купин фақат полкда ўралашиб, батальон жангчиларининг кийим-бошини текшириш, казарманинг тозалигини назорат қилиш, дуч келганга бақириб-чақириб, асабини бузишдан бошқа нарсага ярамасди. Негадир у сира жангга чиқмас, бу билан ҳеч ким қизиқмас, бу ҳам етмагандай жон олиб-жон бериб урушда юрадиган, ўк ёмғири ичида тасодиф боис тирик қайтган аскарларни ҳақоратлайдиган сўконғич бу бақалок-

ни ҳеч ким тартибга чақирмас эди. Фақат қисмда тухум қўйиб, курк босиб, семирган бадфеъл Купинни аскарлар жуда ёмон кўрар, буни сезган аламзада хомсемиз ҳам уларга захрини сочшдан тийилмас эди. Шундай қилиб курктовук номини олган Купин жангга чиқадиган бўлди...

Ҳар доимгидай батальон саф майдонида тизилди. Купин аскарларнинг жангга тайёргарлигини текшириб кўрди. Ўқ-дорини кам олган аскарларни ўртага чиқариб болаҳонадор қилиб сўқди. Айниқса, қуролини тозаламагансан деб ўзбек йигитининг онасини ўртага қўшгани сафдаги ўзбекларни анча газаблантирди. Бу ҳам етмагандай сен ўзбеклар босмачисанлар, сенлар афғонлардан фарқинг йўқ, қўйиб берса, ўшалар томонга ўтиб кетасанлар, қўйлар, ахмоқлар деб сасигани ўзбек болаларининг жон-жонидан ўтиб кетди. Сафда турган қахрамонимиз — шоирнинг тоқати-тоқ бўлди:

Ўртоқ капитан, мурожаат қилишга рухсат этинг,
деди ниҳоят.

— Рухсат! Нима дейсан?

Нега сизлар миллатимизни, биз — ўзбекларни бунча ёмон кўрасизлар? Биз ўзимиздан қолган халқ эмасмиз. Ўзимизни эшлаб юрамиз. Оримиз мустаҳкам. Илтимос, ўзбекларни ҳақоратламанг.

Нима?... Нима деясан? Сен... ахмоқлар, қўйлар... аввал гапингни эшлаб гапир... Кўрсаводлигингча ўлиб кетардинглар..., — Купин тиржанглаб, кеноклаб сўзлади.

— Биз кўрсавод эмасмиз... Ювуқсиз юрмаймиз. Тоза миллатимиз... Яхши жанг қилаяпмиз. Қўрқоқ эмасмиз...

— Ота-бобонг босмачи, қонхўр ўтгач, жанг қиласанда... Сенларни яшил байроқ остида тўнлаш керак. тушундингми, солдат..., — Купин захрини сочди. Кўзидан ўт чакнади.

Шоир нафасини ичига ютиб жим қолди. Ўзини базўр қўлга олди. Купин хезланиб сафга яқинроқ, шоирнинг қаршисига келди. Шоир лабини тишлаб юзини сўлга буриб, кўзи билан ер чизди. У Купиннинг совуқ нигоҳи ўқдай қадалиб, авзойида оғриқ бераётганини ҳис қилди.

— Солдат, тўғри тур! Сен мени тушундингми?
деди газабнок охангда.

Шоир индамади. Сафга сув сепгандай жимлик чўкканди. Қатор руслар ва бошқа миллат ўғиллари ҳам Купиннинг ахмоқлигидан нафратланар, ўз қуролдошларини ноҳақ ҳақоратланаётганини ҳис қилиб туришарди.

— Тушундингми! Солдат... Ёки сен менга, совет офицерига халигингни (уят сўз) кўйиб кўйдингми?

Шоир жим... Сафдошлар жим. Жанг кўрган нигоҳларда мунг. Нафрат... Шоирнинг бўғзига бир сўз тикилди: Лаблари пичирлади: Ўлдираман! Отиб ўлдираман!

— Солдат! Тушундингми? — Купин кутура бошлади.

— Йўк, тушунмадим!

Нима! Хе, оiangни...

— Йўк, тушунмадим.

— Чик, ўртага, солдат...

Шоир икки кадам ташлаб ўртага чиқди-да, бурилиб сафга юзма-юз турди...

— Офицер сўзига амал қилмагани, тартиб интизомсизлиги, ҳарбий низомга бўйсунмаганлиги учун, оддий аскар Норқобиловга уч кунлик қамок эълон қиламан!, деди Купин баланд овозда ва кўшиб кўйди, албатта жангдан тирик қайтсанг сени уч кунлик қамок кутади... Бор жойингга!

Шоир Купиннинг буйруғига итоат этди. Ботинида зардоб оқди. Ўкинди. Нега булар бунчалик бизни камситишади, буларга нимамиз ёқмайди, нима учун ўлимнинг оғзидан тирик қайтиб келсак-да, довюраклик қилсак-да, жангда чекинмасак-да, бизнинг хизматимиз буларнинг кўзига кўринмайди, мукофотларни ўзлари олишади, ўзбекни эсдан чиқаришади? Биз буларнинг малайими? Биз буларнинг арпасини хом ўрдикми?.. Ахир афгонлар ҳам бизни Сенлар шўрависан, шўравига ўзингни топширгансан, деб ёмон кўради. Шўравидан нафратланиб, бизга ачиниб қарашади. Муслмонимиз десак ҳам, йўк, шўрависан деб айтишади. Нега энди биз осиеликлар буларнинг кўлида ўйинчоқ бўлишимиз керак? Нега энди булар бизни ўз куйига солиб ўйнатиши керак? Ўлдираман, онағар бақалоқ Купинни шу жангда, отиб ўлдираман... Шоирнинг ўйлари қаҳрга айланди. У сафда ўз хаёллари билан банд бўлиб, ўз дарди дунёсига кўмилиб, тарқалинлар, деган буйруқни ҳам эшитмади. Ёнида аскарнинг турткилаганидан сўнг ўзига келди.

Батальон Панжшер тоғининг этагида жойлашди. Кеч кириб қолган, аскарлар емак тайёрлашга уринишар, ҳар жой-ҳар жойда гулханлар ёнарди. Коронғулик куюқлашгани сари тоғ чўққилари бахайбат кўрина бошлади. Кўп ўтмай настлик сари энгашиб бораётгандай ваҳимали тус

олди. Диккат билан разм солинса чўкқилар батальон устига ағнаб, босиб коладигандай туюларди.

Кечки овқатга ҳар ким ўзича уринди. Жанг тўрвалардаги кунлик озуқалардан ҳар ким истаганича тановул қилди. Шоир темир идишдаги гўштни қиздирди. Ринат картошка солинган идишни очди. Узок гулхан ёқини мумкин эмасди. Тоғда разведкачилар ва пиёда аскарлар жойлашганига қарамасдан, жанг удуми бўйича сергак туриш лозим. Душман снарядчилари гулхан атрофидагиларни беҳато нишонга олади. Буни аскарлар билишарди. Иккинчи взвод жойлашган ерда гитара чертиб, қўшиқ айтаётган аскарнинг мунгли овози юракни сел қилди. Қўшиқ аффонда ўкка учган аскарлар хақида эди. Маъноли. Анча таъсирчан. Қўшиқ тугаши билан Купиннинг буйруғи эшитилди.

— Тамом! Гулханлар ўчирилсин... Жангда эканликларинг ёддан чикмасин. Кузатувчилар хушёр туринглар. Ҳар ўн беш минутда ўзим кузатаман. Ким мудраётган бўлса ўзидан кўрсин. Иягини синдираман. Қани бўл, бу сенларга ҳам тааллуқли. Ўчир гулхани! Овқатни қиздирмай есанг ҳам ўлмайсан. Солдат, нима бало тушунмаянсанми? Икки минутдан кейин ким гулхан ёқиб атрофида ўтирган бўлса, мендан яхшилик кутмасин. Вақт кетди...

Жангчилар Купиннинг қаҳрли амрига бўйсунди. Улар норози оҳангда тўғиллаб командирнинг гўрига гишт қалар, шундан тезроқ қутилишни исташар эди. Офицернинг овози шунчалар совуқ эшитилардики, тинглаган одамнинг эти учиб, сесканар эди.

— Уф, бунча бемаъни бўлмаса! Одам боласига ўхшамайди, деди Ринат гулханга сувдонидан сув сепаркан...

— Эрталаб полкда кўрдик-ку, ифлослик қилганини. Мен уни отиб ўлдираман..., — деди шоир жиддий оҳангда бозиллаб ўчаётган оловга ўйчан боқиб...

— Жиддий гапираяпсанми?, — Ринат ишонкирамади.

— Қасам ичишим керакми?

— Йўк.

— Ундай бўлса, жанг бошлансин кўрасан... Ўйлайманки, сен ҳеч кимга сотмайсан.

— Асло. Нега бунчалик қаҳрга тўлаясан?

— Миллатимизни ерга уриш, халкимизни камситиш, бизни қўйга чиқариб мазах қилишларига индамай ўтираверайми? Ўч оламан. Шу армиясидан ҳам, Купинга ўхшаган ёвуз офицерларнинг гапларидан ҳам тўйиб кетдим.

— Ахир жуда яхши офицерлар кўп-ку! Улар бизни ўз ўғлидай, укаси, дўстидай кўришади.

— Мен улар ҳақида ёмон фикр айтмаяпман сенга. Лекил Купиннинг эрталабки гапи кўксимни тешиб ўтди. Бундан кўра юзимга тарсаки тортиб, тепкилагани, майиб қилиб ташлагани яхши эди, — шоирнинг муштлари тугилди, кўзида азаб аланга олди.

-- Сен уни қандай қилиб отмोकчисан? — деди Ринат атрофга олазарак боқиб паст товушда.

Теваракда аскарлар тўп-тўп бўлишиб, ўз ҳолича суҳбат қуришар, унда-бунда қийқиришлар эшитиларди.

-- Шундай қилиб, бешу қирқ беш миллиметрли ўқнинг биттаси Купиннинг семиз танасига кифоя... Нима мен уни замбаракнинг оғзига бойлаб отармидим?..

Жиннисан, ўлай агар. Бу гапларингни кўй, қани, кетдик озроқ мизғиб олайлик, — Ринат тўшамчини йиғиштириб ухлагани машина томон юрди. Шоир ҳам башняга уйқу кўрнани ирғитаётди гудранди:

-- Майли, ухлаймиз...

Шу маҳал хавода ваҳимали овоз пайдо бўлди. Снаряд учаяпти. Шоир ўзини машинанинг тагига урди. Гумбурлаган портланг содир бўлди, атроф ёришиб кетди. Хавони яна шундай кетма-кет ванғиллаган овоз йиртиб, батальон ўрнашган жой тўс-тўполон ичида қолди. Борликни аскарларнинг чинқириши, дод-фарёди тутди. Снаряд тушиши ҳамано зимистонлик қисқа сонияда ёришиб, ер лопиллаб кетади. Ана шунда кимдир яраланади, кимдир ҳалок бўлади, тирикларнинг ичини кўрқув емиради, тириклар ерга қанишиб олади. Тирикларнинг юзига ўлим шарпаси урилиб ўтади. Душман батальонни беҳато мўлжалга олаяпти. Снарядлар тоғ тарафдан эмас, чап томондан, қишлоқ ичкари-сидан учаётган эди.

Қоронғунинг кўзи кўр, деганларидек туйқус ҳужум бошланганидан гандираклаган аскарлар нима қиларини билмай қолдилар. Взвод командирлари «Жангга» деб қичқирар, лекин қасрга, кимга, қайси тарафга қарата ўқ узиш кераклигини билишмас эди. БМП-2лар гуриллаб ҳаракатга келди. Отув миллари қишлоққа қаратилди... Батальон ўрнашган жойдан анча пастликдаги қишлоққа замбараклар, танклар ўт оча бошлади. Қишлоққа кириб бўлмасди. Йўл четида каттакон дарё оқар, дарёнинг сўл қирғоғидан анча нарида, пастликда жойлашган қишлоқни эгаллаш осон эмасди.

Бунинг учун тор кўприқдан ўтишга тўғри келади. Техникаларни қишлоққа қарата йўналтириш сира бефойда. Йўл йўқ. Разведкачи ва пиёдалар эса, тоққа чиқиб кетишган. Душманнинг ҳаммаси фақат тоғ томондан бўлади, деб қишлоққа эътибор бермаган Купин бутун бошли батальонни халокат жари ёқасига келтириб қўйди. Аскарлар кўкка қизил мушак отиб тоғ чўққиларида ўрнашиб олган пиёда аскарларни ёрдамга чакира бошлади. Ахвол ниҳоятда оғир эди. Агар душман дарёдан ўтиб келса, бу ердаги техникаларни портлатиб йўқ қилиши, отувчи ва хайдовчиларни осонликча кириб ташлаши мумкин эди. Чунки тоғ пастида ўрнашганларни химоя қиладиган куч етарли эмас эди. Бу ерда фақат отувчилар ва хайдовчилар бир сўз билан айтганда техник жангчилар қолган эди. Бундан ташқари, зимистон кечала БМП-2 билан жанг қилиб бўлмайди.

Батальон дарёнинг нарғи соҳили — қишлоқни ўққа тутди. Қишлоқ ҳам вазабга минганди. Энди у томондан миномётлар, гранатамётлар, АКМ қуроллари ишга тушди. Техникаларнинг чироғи ўчирилгани билан батальон мислсиз талафот кўрарди. Душман отган снарядлар нишонга тўғри тегарди.

Тоғдаги пиёдалар билан алоқа боғланди. Улар пастига тушишлари керак эди. Бу жаҳаннамдан қутилишнинг бирдан-бир йўли — қочиб қолиш.

Пиёдалар ҳа, деганда тушавермади. Чорак соат вақт ичида батальоннинг учта машинаси ёниб кетди. Учала техниканинг ҳам механик ва хайдовчиси халок бўлди. Ердан лопиллаб олов кўтарилиб портлаш содир бўлар, ана ўша жойга снаряд тушганини фаххламоқ мумкин эди, бундан ташқари шу атрофдагилар чиқирар, дод солар, снаряд парчалари қимларнингдир ризқ насибасини бу ҳаётдан батамом узарди.

Шоир БМП-2 ичкарасидаги кузатгич ойнасидан ахён-ахёнда ялт-ялт этиб ёруғлик чиқаётган нуқтани тоқди. Бир чақирим наридаги худди шу жойдан РС снарядлари участкани аниқ эди. У отув милини ўша нуқтага тўғрилаб, нишонга олди, снаряд етиб борадиган даражадаги масофага махсус белгини сурди, яъни, кузатув ойнасидаги чизикли шкала орқали бир рақамга қўйди. Энди бир чақиримлик нишонни беҳато уриш мумкин эди. У узлуксиз равишда ота бошлади. Снарядлар тўғри бориб, мўлжалга олинган ерга тушди. Шоир ойнак орқали кузатди. Жимлик.

Ялт-ялт йўқолди. Хавони ёриб учувчи РС снарядларининг ҳам овози ўчди. Аждархонинг бир боши кесилди. Душман ортда ишлаб турган РСга ишонган бўлса керак — дарё яқинига келиб соҳил атрофида автоматлардан ўқ узар, гранатамётларнинг баданглаши эшитилиб қоларди. Душман дарёнинг сўл қирғоғидан ўт очар, батальонга жудаям яқинлашиб қолганди. Пиёдалар тушгунга қадар чекинишнинг сира иложи йўқ. Уларни техниклар мудофаа қилмаса душман қириб ташлаши аниқ эди. Яна иккита машина портлади. Энди душманнинг дарё томондан бақир-чақири эшитилиб турар, бу эса аскарларни баттар довдиратиб кўярди. Қисм командири алоқага чиқди.

— Барча Рапираларга! Мен Сатурн! Қабулга ўтаман.

— Сатурн! Сатурн! Мен Рапира-1! Сизни эшитаяпман.

— Яхши, Рапира-1!

— Сатурн! Мен Рапира-2

— Сатурн! Мен Рапира-3!

— Барча Рапиралар! Юқоридан пиёдалар тушиши билан ортга қараб олтмиш бир. Рапира-1! Сен биринчи бўлиб йўлга тушасан... Рапира — юлдуз қани?! Нега мен Рапира юлдузни эшитмаяпман...

Пиёдалар тушиши билан хашишагидай орқага қочиб чиқишимиз керак эди. Техникалар чекинишга шайлана бошлади. Қисм командири алоқада Рапира — юлдуз қаердасан, деб кўп бора, капитан Купинни сўраяпти. Жавоб йўқ. Купиндан садо йўқ.

— Рапира-1, мен Сатурн, қабулга ўтаман...

— Сатурн, мен Рапира-1, Сизни эшитаман...

— Сен Рапира — юлдуз жойлашган тўртинчи қутичанинг ёнига бор... Нега алоқага чиқишмаяпти. Рапира-юлдуз сенинг қутичанга чиқсин... Вақт тифиз... Таёқлар ҳам тоғдан тушиб бўлишди. Беш минутдан сўнг ип тортигларда, олтмиш бир...

— Сизни тушундим, — деди шоир алоқада.

Ринат БМП-2ни Купин турган тўртинчи взвод томон ҳайдади... Дарё қирғоғига яқинроқда тўхтаган тўртинчи взводга қарашли БМП-2 тутаб ёнар, машина атрофида ҳеч ким кўринмас, талафот кўрган шериклари томон яқинлашаётган БМП-2 га қарата душман автоматдан узлуксиз ўқ отарди. Шоир зудлик билан бағниани қишлоққа қаратиб, БМП-2 дан ўт очди... У душманга ўқ отишга имконият бермай турди. Ринат эса ҳайдовчи хонасидан чиқиб ишдан

чикқан БМП-2 томон югурди. Башняни очиб ичкарига бош сукди. У ерда кимдир судрай бошлади... Шоир кузатув ойнаси оркали караб ахволни гушунди. Алокага чикди.

— Сатурн! Сатурн! Мен Рапира-1! Рапира - юлдуз жойлашган нуктани сереколлам ишрол қилибди... Таёқлар икки юз ёки уч юз... холатида... Биз уларни қутичага олаимиз...

— Бардам бўл, Рапира-1. Ишга кириш!

Ринат ўққа учган ёки снаряд парчасидан ўлган хайдовчини судраб келди. Десант бўлмасини очиб мурдани ичкарига жойлади. Сўнгра энкайган кўйи яна чошиб кетди. Шоир қинлоқни узлуксиз ўққа тутиб, душман шаштини сусайтириб турди. Бу орада пиёдалар техникаларга ўрнашиб бўлган, батальон орқага чекинаётган эди... Ринат портлаган БМП-2 орқасида узала ётган машина отувчисини топди. Уни ҳам судрамоқчи бўлиб қўлидан тортган эди, сўл қўли узилиб кетди. Снаряд жангчининг чап елкасидан теккан. Чап қўли эгига зўрға илашиб турган эди. Ринат энгашиб уни елкасига олди. Боши жангчининг снаряд олиб кетган сўл елкасига тегди. Елкадан изган қон Ринатнинг бўйнидан сизиб, танасига оқиб кирди. Қон хали совумаган, жангчига снаряд текканига бир-икки дақиқа бўлган эди. Ринат ўз машинаси ёнига келиб десант бўлмани очаётиб мункиб кетди. Ёнбошига ағнади. Елкасидаги мурда қони унинг юзига оқиб тушди. Илмилик қон хидидан кўнгли ўкчиди. У десант бўлмаси эшигини тешиб очди-да, халок бўлган жангчини ичкарига ташлади... Бу пайтда Шоир дарё томонга зўр бериб пушка ва пулемётда ўқ ёғдирар, нима қилиб бўлса-да, душманни якин йўлатмаслик чораларини кўрарди. Ринат тагин снаряд теккан БМП-2 томон югуриб кетди. У машина атрофини айланиб чикди... Шу захоти ундан уч-тўрт қадам нарига миномёт ўқи тушиб портлади. Вузиллаб учган темир парча юзини ялаб ўтди. Ўзини ерга ташлаб бошини беркитиб олди. Кўнни кўрган жангчи сифатида хозир иккинчи снаряд келиб тушишини сизди. Галдаги портлашни кутди. Ҳавода ваҳимали овоз чиқариб кейинги снаряд портлади. Атроф ёришиб кетди. Буниси Ринатдан узокроққа келиб тушди. Ринат БМП-2нинг эшиги тутқичидан осилиб башняга чикди-да, машина устини кўздан кечирди. У башнянинг олд қисмида кимдир ихраётганини сизди. Қоронғуда бирор темир-тер-

сакка уришиб йиқилмаслик учун эҳтиётлаб оёқ босди. Аянчли овоз чиқариб инграётган ярадор олдига борди. Таниди -- каниган Купин. Дум-думалок бўлиб, дўмнайиб ётибди. У ярадорни силкилади. Купин тагин ихради. Уни машинадан судраб туширишининг ўзи бўлмасди. Бу хўша-семиз офицерни кўтариш учун Ринатнинг мажоли йўқ эди... У Купиннинг танасини сийшалаб кўрди. Қўл-оёғи бут. Шунда оёғи олдида ётган алоқа қурилмасига қўли тегди... Мосламани олиб бошига кийди... Ишлайпти... Хатто алоқадан кий-чув, ўқ овозлари эшитилиб турибди. У алоқада қисм командирига вазиятни тушунтирди. Батальон йўлга тушган эди.

-- Рашира-1. Яна, ўғлим. Ўзингни тут! Ҳозир сенга битта қутича ёрдамга боради...

Разведкачиларга қарашли БМП-2 келиб тўхтаганда Ринат канишани судраб, тушириш осон бўлиш учун машина четига олиб келган эди. Иккига разведкачи Купинни оёқ-қўлидан кўтариб Ринатнинг машинасига олиб боришди. Уни ҳам десант бўлмасига жойладилар. Шоир ҳамон кишлоқни ўққа тутарди... Разведкачилардан сўнг Ринат ҳам машинани ўт олди. Улар батальонга етиб олишди... Ринат машинани қисм тўпланиши кўзда тутилган ялангликдаги тиббиёт пункти томон хайдади... БМП-2 фараси ёришиб турган палатка ичидан ҳарбий кийимли аёл югуриб чиқди... Бу олдин ҳам бир гал Шоир ва Ринат билан битта экипаж бўлиб жавғга чиққан Нина Григоревна эди. Улар аввал Купинни олишди. Замбилга жойлашди. У ўқчиб-ўқчиб хириллар, инграр эди...

-- Қопқовидан енгил яраланибди, -- деди Нина Григоревна...

Шоир Купиннинг тепасига келди. БМП-2 фарасининг хира ёруғида унинг оқарган юзини кўрди. Купин тепасида юзини яқин қилиб тикилиб турган Шоирга қараб:

— Раҳмат сизларга, -- деди.

-- Бутун бошли батальоннинг бошига етдинг, -- деди шоир сенсираб, у Купиннинг эрталаб полкдаги ҳақоратли сўзларини эслаб, янада ғазаби кўширди, -- лекин, бир нарсани билиб қўй, ўзбеклар ҳеч қачон кўрқоклик қилмайди, жангда шерикларини ташлаб келмайди ҳам. Эрталабки ҳақоратинг учун жангда мен Сени отиб ўлдирмоқчи эдим. Лекин, Худонинг ўзи сени жазолади... Галимни эшит, Сен мени қўйсан дединг, Сен ... дунёдаги энг ифлос махлук-

сан. Энди шу билан... икки-уч ой госпиталда, инграйсан, агар, Худо раҳмимни еса, мен уйга қайтаман... Сенинг туркингни қўриш менга бошқа насиб қилмасин... Бу гапларим ҳеч қачон эсингдан чиқмасин... Инсонни ўзини ҳақоратла, лекин миллатига тил теккизма, ўзбек сенинг онангни ҳалигидай қилмаган...

— Бас қил, солдат... бас қил, Купин титрай бошлади.

— Тўғриси, мен Сени отиб ўлдиришим мумкин эди. Бироқ, сен менинг қўлимдан ўлишга ҳам арзимаёсан. Туф сенга!

Шу пайт Нина Григоревна шоирнинг елкасидан ушлаб четга торгди...

— Ўзингни бос... Кераги йўқ... Илтимос, ўзингни қўлга ол, аскар. Мен Сени хурмат қиламан... ярадор-ку бу...

Икки жангчи Купин ётган замбилни кўтариб палата томонга юришди. Десант бўлмасидаги ўликларни тушираётганда шоирнинг кўзига жикқа ёш келди... Сен шу жангчиларнинг тирноғига ҳам арзимасдинг Купин... Сенинг ҳали кўзинг очилмаган эди, Купин. Агар сен кабилар бўлмаса ёвузлик ҳам бўлмасди. Сенлар одамларни ёмон кўрасан... Сенлар одамларни ёмон кўрасан...

Шоирнинг лаблари пичирлар... Кўз ўнгида Купин ва Бурхонов котиб турарди.

— Кечирасиз, мазангиз қочдимиз?.. Автобусни тўхта тайми?

Шоир ёнида кетаётган аёлга анграйиб қаради. Йигирма беш ёшлардаги жувон тикилиб турибди. Бироқ боқинлари беозор. Мунис. Мехрибон. Барнонинг қарашларига уйғун. Шоир бу куйинчак жувонга миннатдорчилик билдириб, ўз савдойилигидан уялди.

Автобусдан тушиши лозим бўлган «Табассум» бекатидан икки бекат ўтиб кетганини пайқади.

Дорихона бекатида тушиб қолди. Тунд киёфада, ўз ўйлари билан андармон ортига пиёда кайтди. Эти жунжикди. Ҳаво совиган. Худди қор ёғиши олдидан содир бўладиган алфозда. Бунчалар файзсиз кун, деб ўйлади шоир. Бунинг бари Бурхонов туфайли. Эҳ, бу одамнинг зуваласи қон ёки захарли сув билан қорилган бўлса керак... Агар, шу зуғумини менга урушда қилганда, аниқ отиб ўлдираддим. Шоир хаёлига келган гапдан бир оз таскин тошиб, ховури пасайди. Мен чиндан ҳам жангда уни отармидим?

Ахир, Купинни отмадим-ку... Йўқ, отолмасдим, барибир Худога солардим.

— Бурхонов, сени Худога солдим...

XI

— Мен сени Худога солдим шўрави! Худога солдим...

Шоир уйғониб кетди. Ҳансиради. Уйқуси озор тошиб, нохуш туш кўрди. Буни туш эканлигига ишонч ҳосил қилиб, бироз хаяжони босилди. Деразадан кўринган бир нарча осмон оқариб келарди. Тонг яқин. У ичи ловиллаб ёнаётган, лаблари қуруб-қакшаб бораётганини хис қилди. Атрофга аланглади. Эшикка яқин столга бош қўйиб Гўзал ухляпти. Чарчаган шекилли. «Жиккаккина бўлсаям, ўз ишига ҳалол бу», деган ўй ўрмалади шоир кўнглида.

— Уф... Сув. Чанқадим, деди у секин ўзига ўзи алланечук илинж билан. Гўёки шундай деса истаги вожиб бўладигандай, кимдир унга сув тутадигандай эди. Аммо, шундай бўлса-да, Гўзалнинг уйғонишини, уйқусини бузишни сира-сира хоҳламади. Айни дам, бундай ночор аҳволда қиздан уяларди.

Йўқ. Гўзал хушёр эди. Тик этган товушдан уйғонарди. Унинг уйқуси сергак эди. Қасби тақозоси ўлароқ, бошқалар каби донг қотиб ухлай олмасди. У кечами, кундузми ҳамшира учун битта иш беморга ёрдам бериш, унинг ҳаётини асраш зарурати елкасидан босиб туришини яхши англади.

Гўзал ўрнидан туриб, термосдаги чойни пиёлага қуйди. Енгил қадам билан шоирнинг ёнига келди.

Мана ичволинг, — унинг кўзлари қизаринқираган, қовоқлари зўриққан эди.

— Раҳмат сизга. Соат неччи бўлдийкин?

Тўрт ярим. Ҳадемай тонг отади, — деди қиз халати чўнтагидан соат олиб қараркан.

— Сизни кийнаб қўйдим. Энди бемалол ухлайверинг. Мен тонггача уйғоқ бўламан... Барибир уйқум келмайди.

— Айниқса, бугун. Сиз учун энг яхши кун, — деди Гўзал жилмайишга қаракат қилиб...

— Нега, — деди шоир Гўзалнинг нимага шама қилаётганини англаб-англамай.

Ия, бугун Сизнинг туғилган кунингиз. Нима бало, бизни билмайди, деб ўйлайсизми?

— Сизга ким айтди?

-- Ия, ўзим биламан. Бош врачдан жавоб сўрагансиз... Барно опам кеча айтгандилар...

— Ха, майли раҳмат. Шундай пайтда сиздай меҳрибон сингилнинг ёнимда бўлиши яхши Гўзал, бу яхшиликларингизни, Худо хоҳласа қайтараман.

-- Доим шундай дейсиз... Шу гапингиздан ўзга мактов йўқ, шоир ака...

— Гўзал, мана сиз тушунасиз. Инсоннинг боши, мияси, ўзи хоҳласа-да, хотирасига ўрнашган айрим воқеа-ходисаларни ўчириб ташлай олмайдими? Ахир бош меники-ку? Нега энди хоҳлаган пайтим яхши кунларим хақида ўй-хаёлга берилишим мумкин эмас. Нега энди кутилмаганда ўз хоҳиш-истагимга терс ҳолда фавқулодда ўта аянчли ходисалар хотирамда тагин жонланиб қолади?..

— Хотирани ўчириб ташлаш мумкинмас. Буни яхши биласиз. Сиз фақат яхши нарсаларни эсга олишга ҳаракат қилинг. Бошингизни даволаш ўз қўлингизда. Уйчалик қайғу-кулфат комида кўмилиб яшайдан тийилинг. Ха, майли, бироз мизғиб олинг...

Шоир кўзини юминдан зада эди. Кейинги пайтлар униш туши айниди. Айқаш-уйқаш, турли-туман воқеалар гирдобда қолар, таниш-нотаниш кишиларни тушида кўрарди. Очиги, бу чалама-чагги, тарқоқ манзараларни туш деб бўлмас эди. Алахсиран ёки босинқирани десак тўғри бўларди.

Бу кеч ҳам шундай бўлди. Тушида олти ёшли қизини кўрди. У афғон қизалоқлари қиядиган кийимда эмиш. Ховли. Лой томли пасткам кулбанинг бир бурчи ўпирилган. Бери-роқдаги бостирма вайрон бўлиб ётибди. Бостирма тўсини, каттакон болор қулаб тушиб, семиз, наслдор сигирни босиб қолган. Сигир танграйиб ўлиб ётибди. Шишиб кетган. Қизи ховлини ўртасида дод солиб йиғлаяпти. У чўк тушиб олган. Қўлларини ҳавога чўзиб нола қиляпти. Шоирнинг кулоқларига кўрғошиндай қуюлаётган қарғишни қизи кимга айтаяпти, шоир атрофга алашгади, ҳеч ким йўқ...

«Мен сени Худога солдим, шўрави! Худоё-худованда бир умр азоб тортгин, шўрави!»

Қизалоқ худди жойида ўтирволиб садир тушаётгандай, боши, елкаси, гавдаси билан ўнгдан чапга тебранар, қўллари ҳавода муаллақ қотиб тиграрди...

— Мен Сени Худога солдим, шўрави» Мени ҳам ўлдир шўрави!

Шоирнинг оёқ-қўли бўшашиб ўтириб қолди. Тушунди.

Бу ер — Афғонистон. Унинг кўзидан кайноқ ёшлар сиза бошлади. Қизи сари яқинлашиб борди. Қизалок дод солиб ўрнидан турди-да, кулба томон югурди. Шунда автомат тариқлагани эшитилди. Қизалок жойида тўхтаб чайқалиб кетди. Орқага тиеланди. Гупиллаб йиқилди. Шоир дод солиб бақирди.

Уйқуси учди. Уйғониб кетди. Унинг додлаганини Гўзал ҳам эшитди. Бу оғрик зўрайиши эмас, балки шоирнинг алахсираганини тушунди. Хозиргина кўз очган шоирнинг хижолат тортмаслиги учун ўзини ухлаганга солди. Столга кўксини бериб, кўзларини чирт юмиб олди.

Шоир вос-вос касалига йўлиқиб қолишдан, ақлдан озишдан қўрқарди. Чунки дарди шу томонга бурилиб кетиши мумкинлигини англаб етарди. У улуг ёзувчи Хемингуэйнинг «Уруш даҳшатини англаганлар ақлдан озишлари мумкин», деган гапини тез-тез эсларди. Ҳар қандай оғриққа чидаши мумкин, лекин инсон ҳеч қачон хотира азобига дош беролмайди, деб ўйлади. Шу тобда ёнида нималарнидир ёзиб турган ҳамширага қараб, шу киз ундан кўра нечоғлик бахтиёр эканлигини ҳис этди. Шунинг учун кўзлари тиниқ ва беғубор бўлса керак.

Гўзал, яна бир пиёла чой узатасизми, — деди у ҳамон нималарнидир ёзаётган қизга.

Хўп бўлади. Шоир ака, манови дорини ҳам ичволдинг... Янаям енгил тортасиз.

— Бу қандай дори?

— Асабни юмшатади. Бош оғриғини қувлайди, — киз кулди.

— Майли. Фақат ухлатиб қўймасангиз бўлди.

— Ий, йўқ. Хозир Сизга уйқунинг кераги йўқ. Кўз тегмасин. Анча яхшисиз. Қийин ҳолатдан ўтиб олдингиз. Укол-дориларнинг фойдаси тегди.

— Раҳмат, Гўзал.

Шоир яна сукутга чўкди. Кўзини шифтга тикиб жим қолди... Бугун кайфиятимни баланд қилиб, хушчақчақ ўтказишга ҳаракат қилишим керак, деган фикр ўтди. Бироздан сўнг тонг ёришади. Қуёни чиқади. Уйдагиларим келади. Уларни хушҳол қаршилашим керак, деб ўйлади. Хотини, ўғли ва икки қизини кўз олдига келтириб, юзига илик табассум олди. Оиласида энг яхши кўрадиган Юлдуз қизини бағрига босаётгандай ҳис қилди. Ана, ийманиб, кулимсирабгина дадасининг бағрига бош қўйяпти... Қуралай кўзла-

ри кулади. Дадасининг бору жахонини нурга тўлдирувчи – эркатой, бўлакча, феъл-атвори ҳам ҳеч кимга ўхшамайдиган Юлдуз гўдаклигида кўп касал бўлди. Худойим уни кўп бора қайтариб берди. Шунданми, шоирнинг Юлдузга меҳри ўзгача. У йиғласа шоирнинг юрак-бағри ўпирилиб кетади. Бирор жойи лат еса ота ўзини қўярга жой тополмай қолади.

Шоир хаёлларидан чалғиб, яна тушини эслади. Ховли. Бостирма. Хароба уй. Ховли ўртасида афғон кизалоклари кийимидаги Юлдуз. Қўлини ҳавога чўзиб қарғаяпти. Кимни? Дадасини. Дадасининг қўлда қуроли бор эмиш. У яна Афғонистонда эмиш. Юлдуз дод солиб йиғлаяпти.

– Сени Худога солдим, шўрани! Худога солдим.

Кизи уни танимасмиш. Шоир карахт холда кизи томон юрганди, у ўрнидан туриб кулба томон чолди. Шунда автомат тариллади. Кизи ҳавода чайкалиб турди-да, орқаси билан йиқилди. Шоир ким отганини, нима бўлаётганини англамай ён-верига қаради, ҳеч ким йўқ... эмиш...

Шоир кўзларини чирт юмиб олди. Бадани жимирлаб кетди. Ўзини бўғилаётгандай ҳис қилди. Лабларини каттик тишлади. Оғрикнинг зўридан иғраб юборди. Гўзал қоғоз-қаламдан бош қўтариб беморга қаради.

– Тинчликми? Бездовталанаюксиз... яна оғрияпсизми?

Киз хавотирли алфозда шоирнинг қон босимини ўлчади. Ёмон эмас. У дераза канотларини очди. Ичкарига баҳорий бўй ва тонги мусавффолик оқиб кирди.

– Гўзал сизга бир нарса айтиб берайми? Эшитасизми? Шундай қилсам, яхши, вақт ўтади.

– Бемалол. Фақат, аввал айтинг, бошингиз оғримаяптими?

– Йўқ. Бошим яхши. Анча енгил. Тонггача зерикмайин деяман. Ахир сиз чарчаган бўлсангиз...

– Нега энди, айтинг. Эшитаман.

– Гўзал, одам ҳар қандай гуноҳи учун жазосини оларкан. Бировни хонавайрон қилиш, ўлдиришнинг гуноҳи, бир куни ҳар кимнинг ёқасидан тутали. Мен урушда одам отишим мумкин, бу урушнинг даҳшати, мен шундай қилишга маҳқумман, урушда бошқача бўлиши мумкинмас, деб ўйлардим. Афғон урушидаги воқеаларини айтаяман. Ўшанда ўн саккиз ёш орасида эдим. Қўрқмасдим. Балжахл, шафқатсиз жангчига айлангандим. Раҳм-шафқат туйғуси хақида тўхталишга ҳожат йўқ эди. Уруш мени қуролга айланти-

риб кўйганди... Бу гапларни ўз ўтмишимнинг фожиали кечгани хусусида сўзлаб сизнинг раҳмингизни келтириш ниятида эмасман. Фақат хотира азобининг хуни, яъни, барча гуноҳларингнинг хуни вақти келиб гирибондан бўғиб, барча қилмишларингизни ёдга солгач, дунёда сендан кўра бебахт одам йўқлигини англаб қоларкансан. Хотира хун сўраса ёмон бўлади.

Бир оз олдин уйқумда қизимни кўрдим. У ҳам урушда юрган эмиш. Мени уни... Ҳа, майли, ҳозир, ётган жойимда бир нарсага амин бўлдим. Бу даҳшат... Буни Сизга айтиб беролмайман... Лекин, энди бошладим. Сиз мени кўриб кўйинг. Кимман. Хўш, эшитинг...

Ўшанда байрам эди... Янги йил. Қисмимиздаги иккита БМП-2 ни экипажи билан Кобулдаги совет элчихонасини кўриклашга олиб боришди. Ҳар байрамда шундай қилишарди. Кобулдаги шўро маслаҳатчилари уйи олдига машиналарни кўйдик... Айём чоғи хушёрликни ошириш, пойтахтдаги ўзимизникиларни кўриклаш мақсадида қилинган бу иш ҳар ҳолда жангга боришдан кўра афзалроқ эди. Шаҳарда отишма бўлмайди. Бундан ташқари шўро маслаҳатчилари, уларнинг оиласи байрамда бизни совға-саломлар билан сийлайдилар. Ҳатто ичкарига, атрофи баланд девор ўралган кўп қаватли уйга таклиф қилишади. Бу ерда ҳамма нарса бор. Ўзингизни Европанинг бирорта ҳашаматли саройларидан бирида юргандай ҳис қиласиз. Бассейн, стадион, ресторан, бар, боғча, мактаб... ҳамма нарса... Бу ерда маслаҳатчи сиёсий арбобларнинг хотинлари, келишган хушбичим рус жувонлари, балоғат ёшидаги қизлар айш-ишрат, фароғатда яшайдилар. Ярим яланғоч бу эркатой ойимчалар уруш нафасини туйиб, кир-чир, афтода ҳолдаги, ғам-ғуссадан бошқа нарсани кўрмаган аскарларнинг кўзига чўғ бўлиб кўринар, ичида олов тошириб, кўнгилларини беҳол қиларди. Бизни ичкарига таклиф қилишди. Пастда рус қизлари билан чўмилдик. Ресторанда умримизда кўрмаган спиртли ичимликларни татиб кўрдик... Хуллас, русиянинг тантиқ ва эрка жувон-қизлари биз урушнинг мушги болаларини ўша кун кўнглимизни хушланди.

Кечқурун, куёш уфққа оға бошлаган кезде постда турдик... Кеча яхши ўтди. Эртаси эрталаб, шунда аскар шеригим, рус йигити шаҳарга кирайлик, бу ерда яхши нарсалар кўп, харид қиламиз деб туриб олди.

Одамлар гавжум. Оғзи ланг очик дўконларда одамнинг

жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Лекин бесарамжонлик. Бешарм журналлар, апельсин, атир-упа, кийим-кечак, турли хил ичимликлар, пойафзаллар, сигареталар тур-тури билан, ҳамма-хаммаси бор. Аралаш-қуралаш. Биз ана шундай дўконлардан бирига яқинлашдик. Дўкон эшиги ёнидаги оломон четга сурилиб бизга йўл берди. Сотувчи билан нималар деб тортишаётган харидор ҳам жим бўлди. Дўкондор бизга олазарак каради. Қуролланган боскинчилар келишди, буларнинг қўлидан хар нарса келади, деб ёвқараш қилган оломон секин тарқала бошлади. Шеригим кўзи ўйнаб, дўконни кўздан кечираяпти. Дўкондор ёнидаги жажжигина қизалоқ мунчоқ кўзларини тикиб анграйиб, хайратомуз қарайди. У қўлидаги қуролни ўйнатиб, апельсин жойланган қутилар ёнида терилган сигаретага ишора қилди.

— Ну-ка, покажи...

Дўкондор тушунмади.

— Ай, босмач! Я твоя мат... дай сигарет!

Дўкондор орқага тисланди. Аскар қуролни ўқталди. Шунда халиги қизалоқ қулоқларини беркигиб чинқириб йиғлай бошлади...

Аскарнинг азаби кўзиди.

— Молчи! Рот закрой... Чего орёш, дикарка?!

Қизалоқ Кобулни бошига кўтариб чинқирар, азборойи қўрқувдан ранги пахта каби оқариб кетганди. Мен шеригимни бир силтаб ўзимга тортдим-да, ияги тагидан ўнг қўлим билан қаттиқ сиқдим.

— Хой, хозир ичак-чавофингни чиқариб ташлашади. Бор эшикда кутиб тур. Ўзим олиб бораман, ўша исқоти сигаретингни.

Хамрохим қутилмаган килиғимдан тайсаллашиб қолди. Мен уни эшик томон итардим. Шунда осмондан тушдимми, ё ердан чиқдимми, билмайман, қон-қора либос кийган, узун саллалик, афт-ангори важоҳатли, соқолли бир дорроз кимса пайдо бўлди-да, қўйнидан яраклаган тиг чиқариб шеригимнинг бўйнига қўл силтади. Аскар пихиллаб, чир айланаиб қулади... Оёғини икки-уч бор ётган жойида жон ухмида силтаб, типирчилай бошлади. Мен нима бўлаётганини англамай, қўлимдаги қуролдан атрофга тир айланиб ўқ уздим. Уч-тўрт кишининг силтаниб йиқилганини кўрдим. Атроф кий-чувга тўлди. Бу жуда қисқа, оний лахзаларда содир бўлди. Дўкон ичкарисидаги қизча қонига бўялиб

ғужанак бўлиб ётган дадаси устига чинқириб ўзини отди. Мен дўкондан югуриб чикдим. Рўпарада ўқдай учиб келаётган БТРга қўл силкидим. Бу ҳарбий йўл назоратчилари машинаси эди. БТР дўкон ёнига келиб тўхтади. Вазиятни тушунган ҳарбийлар машинадан сакраб тушдилар-да, ўзларини дўкон ичкарасига уришди. Бу пайтда оломон тиртўзиган, ичкарида қонига бўялиб, ўрис аскар ва ўққа учган бир нечта афғонлар чўзилиб ётарди. Фақат ҳалиги қизалоқ титраб-какшаб қалтирар, дам аскарларга мўлтираб термулар, тиззаларини бир-бирига ковуштириб, иккала қўли билан энкайган қўйи киндигидан пастини ушлаб турар — у хаддан зиёд кўркиб кетган эди.

Ҳарбийлар аскарни олиб чиқишди. У жон берганди. Мени сўроқ қилиш учун армия штабига олиб чиқишди. Тушдан кейин қўйиб юборишди.

Эртаси куни қисмга қайтдик. Штаб бошлиғи бўлган воқеани суриштирди. Мен ўша ҳолатни оқизмай-томизмай айтиб бердим...

— Демак, душман сизларга ҳамла қилибди, — деди ўйга толиб.

— Билмадим...

— Хой, нега билмайсан? Худди шундай бўлди, де. Ахир қанақа боласан?! Бу ерда армиямиз шаъни ҳақида гап кетяпти. Душман қилмишига яраша жазо олган... Сизларга йўлда хужум қилган. Аскар Ивановни эса бўғизлаган. Шунда сен уларга қарата ўк узгансан. Зўрға жон саклагансан. Йўл назоратчилари етиб келгач, душман чекишан. Армия штабида ҳам шундай хулосага келишди. Тушундингми?

— Ҳа. Тушундим.

— Бор энди.

Офицер мени ортимдан нафрат билан қараб қолди. Ўзимни хўрланганй хис қилдим... Бу жудаям оғир ҳол эди.

... Шоир жим қолди. Гўзал унга ачиниб ва хавотир билан қараб турарди.

— Оғир... Сизга оғир. Даҳшат-а? — деди Гўзал.

— Даҳшат. Ўша чинқириб йиғлаган қизалоқ кеча қизим Юлдуз сиймосида тушимга кирди. Бу нарса мени ҳеч қачон тинч қўймаса керак...

— Қўл ўйламанг, — Гўзалнинг овози қалтираб чиқди.

– Мен ўйламайман. Лекин гуноҳларим мени тинч қўймайди. Ўша кизалоқнинг қарниши мени уради... Мана бу жудаям оғир ҳол.

Тонг оқарди... Гўзал шоирнинг ёнида туришга негадир ўзини ноқулай сизди. У идиш-товоқларни ювишни баҳона қилиб ташқарига йўналди... Гўзал йўлакка чиқиб юм-юм йиғларди.

ХИ

– Салом, дадажон!

Эшикдан югуриб кирган олти ёшли кизалоқ бемор дадасининг бошидан қучиб, пешонасидан ўпди. Шоирнинг кўнгли алланечук бўлди. Кўнгли бузилди. Ичидан йиғиға ўхшаш бир туйғу ўралади. Ночорлиги, ўзини катталардай тутиб, дадасининг кўнглини овлашга уринган қизчанинг хозирги қилиқларидан музтар бўлди. Бошига куи тушса болалар ҳам кексайиб қоладилар, катталарга ўхшайдилар, деган хаёл билан Юлдузга термулди. Ўзини ўнглаб ярим-бел бўлиб ўтирмоқчи бўлди. Унинг ҳаракатини кўрган Юлдуз кичик қўллари билан охиста кўксидан босди:

– Ётинг... ётинг... Дадажон ётинг!

– Майли, кизим. Ўтира қолай. Қандайсизлар! Қани аяжонинг?

– Кайидойда... Келаянтилай... Зинадан чиққан бўлсалай кейак... Мен чопдим...

Яша ўзимнинг онам... Ҳеч ким сени уришмаянтими?..

– Йўқ... Кеча ойим даданг тузалиб чиқсинлай ҳаммангни айтиб уйдияман дедилай... Сиз биззи уясизми?..

– Йўқ. Сира... Шундай асал қизни ҳам уриб бўлади-ми?..

– Дадажон... Айтмоқчи... Тугилган кунингиз билан табииклайман... кизалоқ шоирнинг юзидан яна ўпиб қўйди, – биласизми, ойижоним сизга гул сотиб олдилай... Ана, ўзлайи ҳам келдилай...

Шу маҳал остопада бир қўлида елимхалта, бир қўлида бир даста кип-қизил чиннигул кўтарган Барно пайдо бўлди. Аёл жудаям жозибали эди. Деразадан баҳорий бир тиниклик иниб, хонани, бутун дунёни ёруғ этган лаҳзада, остопада нуру гулга тўлиб, гулдай чароғон очилиб, нурдай сочилиб турган жувоннинг қўлидаги гуллар чиройли эди, йўқ, унинг ўзи гул эди, у гулдан чиройли эди... Порлаётган нигоҳларидан кулги сачрар ва бу сочки шоирнинг

авзойи баданини куйдирар, гўё тўшак билан биргаликда мовий юксакликда учиб борарди.

Шоир сархуш холда аёлга ютоқиб термулди. Бош силкиди. Аёл ҳам жилмайди. Охиста кадамлар билан шоирнинг ёнига келди...

Тузалиб қолдингизми... Туғилган кунингиз муборак бўлсин, дадаси...

— Раҳмат, Барножон... Яхши ўтирибсизларми..., — шоир бошқа гапиролмади. Кўнгли ийиб кетди. Шу топда каршисидаги жувонга, манави, бижилдок қизчасига раҳми келди. Мен бари бир бахтли эркакман, мени севишади, деган ўй кўнглини ёритди. Ҳеч бўлмаса шуларнинг севгиси, жовдир-жовдир нигоҳи учун яшашим керак. Эй, Худойим, бариси тезроқ ўтиб кетсайди.

Гўзал гул учун гулдон олиб келди. Сув қуйиб гулларни солиб қўйди. Уларни холи қолдириб, ташқарига чиқиб кетди.

— Менга бугун уйга боришимга рухсат беришмаскан. Кеча бироз мазам қочди.

— Хабарим бор. Тузалиб чикканингизда туғилган кунингизни бирга нишонлаймиз. Ҳозирча уйдан хавотир олманг. Эртага ойим келадилар. Кичкинанингизга қараб турадилар. Шундан ўзим кун бўйи ёнингизда бўламан. Зерикмайсиз.

Барно қандай қилиб бўлса-да, эрининг кўнглини олиш илинжида эди. Юлдуз дадасининг оёқларини уқалаётти.

Бу ерда зерикарли эмас. Лекин, сизлар анча ташвишда қолдингиз. Уйда пул ҳам тутагандир. Кеча ишхонамизда ойлик бергандир. Юсуфга, Юсуф Худойкулга телефон қилинг, ойлигимни, гонораримни олиб берсин. Бухгалтерга Юсуф вазиятни тушунтирса, бераверади. Барибир уйда пул турмаса ёмон.

— Майли Сиз бу нарсаларни ўйламанг. Мана, манти олиб келдим. Иссиқкина. Еб олинг. Гўзалнинг айтишича, кам овқат еярсизкан. Озгина бошингизни кўтаринг. Ҳеч киси йўқ, сочикни тўшайман. Олинг, Барно елимхалтадан косада манти олиб шоирнинг кўлига тутди. Косанинг бир четидан ушлаб турди.

Палатани зира қўшиб пиширилган мантининг хиди тутди. Она ва қиз дадасининг овқатланишига завқланиб қараб туришди. Иштаҳаси очилган шоир она-болани шод қилиш учун ҳам таомни охиригача еди. Қурук косани айлантириб,

яна бир коса манти топиб беринглар, — деб хазиллашган бўлди. Қиз кулди. Она кулди. Ота кулди — хона ичи нурга тўлди. Ана шундай хуш хуш кайфият билан улар хайрлашдилар. Кетаётиб Барно нима овқат олиб келай, деди. Шоир ўзингиз биласиз, деди. Айтинг, кўнглингиз нимани тусаяпти, деди. Шоир айтсам айтдим-да, кесган ош олиб келинг, деди. Аёл кулимсиради. Шоир жилмайиб қўйди. Юлдуз қиз оёғига эргашиб, бармоғини лабига босиб, дадасига хавода ўнич йўллади. Дада ҳам худди шундай қилди.

Улар чиқиб кетиши билан ашқол-дашқолларини кўтариб ҳамшира қиз Гўзал кириб келди. Яна осма укол. Шоир зада бўлган кўйи қизга қаради.

— Янами?...

— Албатта. Аввал ёнбошингизга манови уколни қиламан. Сўнгра гемодез оласиз. Қарабсизки, бугун оёкка туриб кетасиз. Худога шукур, анча тузуксиз. Барно ошам ҳам хурсанд бўлиб чиқиб кетдилар... Бош врачимиз бир оздан кейин сизни кўрадилар. Қани, ёнбошингизни очинг. Ўзингизни бўш қўйинг. Мунча чўчийсиз. Ким айтади сизни энг қийин пайтда касалликни енгиб ўтган киши деб. Ҳа, мана. Ҳатто билинмадиям. Кеча оғир жараёнидан ўтиб олдингиз. Бугун реанимацияга оғир беморни олиб келишган. Ўзини билмай ётибди. Қон босими жуда юкори. Бу хавфли. Эрталаб ишхонасида хуруж килиб қолибди. Инфаркт экан. Министр эмиш. ТошМИдан профессор чақирилди, — Гўзал осма укол қўйгунча шу гапларни айтиб бўлди.

— Инфаркт ҳам ёмон дард-а?

— Ҳа. Хавфли. Олиб кетади. Анови министрнинг ҳам ахволи чаток дейишяпти.

— Қайси министр экан.

— Билмадим. Фамилияси Бурхонов! Касаллик варақасига кўзим тушди. 1946 йил турилган. Ёш экан бечора.

— Фамилияси Бурхонов?

— Ҳа, Бурхонов. Миокард-инфаркт. Иккинчи босқич. Реанимацияда...

— Их-хе! Худо бор Бурхонов! Худо бор! Ҳеч ким дунёга устун эмас. Давлат, мансаб ўлимнинг олдида бир пул, Бурхонов...

Шоир бехосдан ўзига ўзи гапира бошлаганидан анграйиб қолган Гўзал.

— Вой, ўлмасам Сизга нима бўлди? — деди.

— Мен Бурхоновни айтаяпман. Ҳа; Мени азоблаган, осмонни ушлаб турибман деган министр у. Биз битта вилоятданмиз. Лекин, яхши одам эмас. Жамият, халқ деган нарсани билмайди. Билгани мансаб, пул. Ўзидан бошқани тан олмайди. Эзгилаб ташласам, дейди ёвуз.

— Хой, ўзингизни босинг. Майли ким қилса ўзига. Сиз ўзингизни ўйланг.

... Бугун эрталаб Бурхоновнинг ходими пора устида кўлга олинади. Пулни Бурхоновга олиб бориши керак бўлади. Жудда катта сумма. айтиш ҳам ноқулай. Бунинг тафсилотиши ёзиб асаримизни булғаб ўтирмайлик. Кейин буни эшитиб мишистр бақадай бақрайиб туради-да, столдан йиқилади. Инфаркти, кўзиб қолади. Бўлган воқеа шу. Мана энди реанимацияда ётибди.

Бугун бошқа кунларга қараганда бошқача эди. Ёруғмиёй, чиройлимиёй, файзлимиёй. Энг қизини, эрталабдан қалати хабарларни эшитди. Бурхоновга ачингандай бўлди. Болачақаси бор одам. Ҳеч ким ўлмасин. Майли, ўзи ёмон бўлсаям, фарзандлари бор. Улар учун яхши. Уларни ўқитиб одам қилиш керак. Ҳеч кимнинг оиласи зор қалмасин, деган хаёлга борди.

Тушга яқин газетада бирга ишлайдиган жўралари келди. Анча яхши бўлди. У ёқ-буёқдан гаплашишди. Шоирнинг ойлигини шу ерга олиб келишибди. Ёрдам пули ҳам ёзишган экан. Улардан миннатдор бўлди.

Бугун ҳамма нарса бошқача кўринди. Одамлар ҳам. У бугун Бурхоновга ҳам раҳми келди. Кечирди. Ишқилиб ўлмасин, деди. Айниқса, ҳамкасбининг «Кеча телевидения бошлиғи ва ўринбосари ишдан бўшади», деган янгилиги ҳам унчалик таъсир қилмади. Буни табиий ҳол деб қаради. Негадир улар менга зулм ўтказувчи, энди жазосини олибди, деган хаёлга ҳам бормади. Аксинча уларга ҳам раҳми келди. Бугун шоир анча ўзгарган эди.

Кечаги қийинчилик, ўлим билан олишув, ўлим нафасини туйиш, ўлим олдида инсоннинг ожизлиги, тинч ҳаётининг нақадар азизлиги, барчаси шоирнинг ўй-хаёлларини ўзгартирди. У энди ҳаётдаги арзимас нарсаларни эслаб, бирор манфаат учун талашиб-тортишиб, ноўрин, тирикликни қадрламоқ энг олий хислат эканлигини хис қилгандай эди.

Нима бўлганда ҳам яшамоқ гўзал. Тириклик афзал.

Қолганлари майда гап. Чархнинг шунчаки ўйини қолганлари. Куйиб-пишиб ётганинг билан ўз оиланг, яқинларинг тушуниши мумкин. Шулар раҳмингни сыйиши мумкин. Тўғри, ноҳақликка қарши курашмоқ бор гап. Лекин ўзингни майиб-мажруҳ қилиб ташлаш эвазига эмас.

Бу шаҳар катта. Жудаям катта. Одамлари кўп. Биров-бировни танимайди. Ҳаёт қайнайди. Ҳамманинг ўз ташвиши бор. Касалхоналари кўп бу шаҳарнинг. Беморлари ҳам. Шу сония кимдир ўлим билан юзлашиб турибди. Ҳозир жон беради. Агар у тасодиф туфайли тирик қолса, ўлимни енгиб ўтса, бу ҳаёт, бу дераза, осмон, одамлар кўзига бошқача кўринади. Ҳамма-ҳаммаси жондай азиз бўлиб туюлади. Чунки инсон жонининг ришталари борлиқ билан боғланиб туради. Шу ришталар узилмасин.

Ҳозир ҳам ер юзининг қайси бир бурчагида уруш кетаяпти. Одамлар бир-бирини ўлдираяпти. Қираяпти... Одамзот ўзи учун фожиа пайдо қилаяпти. Ўша лаънати уруш қанчалар кишиларни мажруҳ қилиб ташлайди. Қанчалаб оилалар изтироб уммонига гарқ бўлмоқда. Шу нарсени тушунмаган одамлар тинч кунларда ҳам бир-бирини тинч қўйишмайди. Эговлашади. Рухиятини азоблайди. Инфаркт қиладилар. Бир-бирининг устидан маъзава ағдаришади. Қаердадир хали ўк учаяпти. Қаердадир эса осойиш ҳаётнинг айниган одамлари бир-бири билан зимдан курашади. Бир-бирини янчиб ташламоқчи бўладилар... Баъзида сўздан ўк ясаб, захарга ботириб отадилар. Бир-бирини қулатадилар. Аямайдилар бир-бирини... Ахир ҳаётда ҳамманинг ўз ўрни, насибаси бор-ку. Ахир ҳар кимнинг қорни бир бурда ношга тўяди-ку. Ҳеч кимнинг қабрига мол-дунё, мансаб сизмайди-ку. Бу қуёш ҳамманики. Бу ер ҳамманики.

Шоир ўйлади — ҳаётда барча кийинчиликлар ўтқинчи экан, фақат ўлмаслик керак.

Уруш-чи?. Уруш?. Уруш дахшатига иродаси тош кимсалар бардош беради. Иродаси метин кишилар яшашга ҳақлидирлар.

У ўрнидан қўзғалди. Каравотда қўлларига суяниб ўтирди. Ташқарига қарагиси келди. Оёкка туриб, бир икки қадам юрди, чайқалди, ўзини тутди. Дераза раҳига борди. Ўша йўлакка туташ темир дарвозага боқди. Барнонинг кириб келишини жудаям хоҳлади... Тасодифми бу?. Эшик очилиб Барно, Шукур ака, қизалоғи Юлдуз кўринди. Шукур аками шу?. Ҳа, Шукур ака?. Ана қоровул чол уларга

салом бериб таъзим қилди. Қизик, Шукур ака қўлига гул олибди. Шукур аканинг гул кўтаришини шоир тасаввурига ҳам сиғдирмаганди. Эғнида ўша жигарранг ёмғирлиқ, бошида ўша маллотон шляпа... Салмокланиб келяпти. Барно унга қўли билан шоир қараб турган деразани кўрсатди. У кулди. Шоир кулди. Ҳатто қўлни кўтариб қўйди. У ҳам шундай қилди...

Остонада таажжуб билан қараб турган Гўзалга айтди!

— Қўркманг, мен тузукман...

— Бугун жуда яхшисиз... Хурсандман...

— Гўзал!

Лаббай.

— Бери келинг. Бери келинг.

Қиз унинг ёнига келди. Шоир боши йўлакка имо қилди. Улар яқинлашиб қолган эди. Қиз деразадан уларга қаради.

— Анови, шляпали киши ким?

— Шукур ака, Шукур Холмирзаев!

Шоирнинг чеҳраси чарақлади. Қиз шодланганидан чапак чалиб юборди.

— Ана, Сизга сўз берувдим. Катта ёзувчимиз ҳам келдилар...

Гўзал шоирнинг тўшагини текислаган бўлди. Тумба устидаги у-бу нарсаларни йиғиштирди. Кроват олдига бўш стул олиб келди. Деразанинг иккала қанотини ҳам очиб юборди. Деразадан шу тобда ўлимнинг шарпаси чикиб кетгандай бўлди. Хона ичи нурга, муаттарликка тўлди.

Гўзал Сизга бир нарса айтганими? — деди шоир қара-
вотга яқинлашиб.

— Майли.

— Мен шу бир кун ичида азобли жангларда қатнашдим. Ўлим қаршисида хотиралар жонланиб қоларкан.

— Балким...

— Чин. Яна бир гап бу урушда, бу азобларда сиз ҳам мен билан бирга бўлдингиз.

— Шоир ака, сиз ўша романингизни тугатинг.

— Майли.

— Номи ҳам чиройли экан. «Кулиб тур, азизим!»

Шу пайт йўлакда кадам товушлари эшитилди. Иккаласи ҳам эшикка термулиб қолдилар.

* * *

Орадан ўттиз йил ўтди. Шахардаги бообрў касалхоналардан бирига Ўзбекистон Халқ Ёзувчисини олиб келдилар. Беморнинг бошида асорати бор эди...

Унинг тепасида дўхтирлар кун бўйи жилмадилар...

Ёзувчи уйқуга кетди.

Ховли. Пасткам қулба. Қулбанинг бир бурчи ўпирилиб кетган. Деразалари тўкилиб ётибди. Ховли ўртасида бир қизалоқ озғин ва кичик қўлларини хавога чўзиб йиғлаётди. Бор овоз билан бақираётди:

– Сени Худога солдим, шўрави! Мени ҳам ўлдир, шўрави!

Қизалоқ бир чайқалиб йиқилди.

Ёзувчи ихраб юборди. Кўзини сўйиги бор очди. Шифтни кўрди.

Бу, ўша, «Кулиб тур, азизим!» романини ёзган, уруш хақида ўйлаб киссалар яратган машҳур ёзувчи эди.

2003 йил

ЎН САККИЗГА КИРМАГАН МЕН БОР

Мен ҳаммасини, бор ҳақиқатни ёзишга ҳаракат қилдим,
афсуски, ҳеч нарса ёзолмадим.

Муаллиф

I

Кун бўйи осмоннинг зардаси босилмади. Кечга бориб ёмғир тавин авжига чиқди. Ҳаво совиди. Казармалар, аскар ва зобитларнинг ошхоналари ваҳимали туюлади. Деразалардан хира ёғдулар аранг кўзга ташланади. Қисмнинг саф майдони шунчалар файзсиз кўринадики, агар зобитларнинг штаби пештоқига ўрнатилган карнайдаи ҳазин мусика янграмаётганда эди, борлиқни гўё юракни тилкаловчи нохушлик қонларди. Йўлаклар бўйлаб ҳамда казармалар қаршисида одам бўйи қад кўтариб қолган арча, терак, чинорга боқиб ўйга топасан. Инсон ҳаминша ўзига тирикликдан таскин излайди, яшашни яхши кўради. У гарчанд уруш қомида қолган бўлса-да, эртага ҳаёти нима билан тугашини сезмаса-да, яшашнинг ҳеч ким қашф қилмаган қонунлари измидан чиқолмайди. Дарахт экади ёки манови совуқ биноларни (ҳеч қанака эҳтиёж бўлмаса ҳам) бўяб чиқади, йўлакларга тош ётқизади, казармалар олдига оёқ буюмларини тозалаш учун махсус қурилма ясайди, бу ҳам етмагандай ҳар бир эшик қаршисида чекиш хоналарини қуриб ташлайди. Хуллас, ўзини чалғитади.

Эртага бу қисмнинг аскарлари жангга чиқади. Уйларни ёндиради, сувларни захарлайди, боғларни ёқиб юборади, одамларни ўлдиради, ўлади, неки бор қирилади. Булар кирган боғларда мангу кузак фасли бошланади. умуман, уруш чоғи қилинган ҳар қандай «савоб» иш иккиюзламачилик каби ифлос бир тушунчадан ҳам шармандалирокдир.

Урушда юрганлар ўзини яшашга ҳақли эканликларини одам ўлдирибгина исботлайдилар. У дарахт экадими, мусика тинглайдими, нима бўлса ҳам, ўзидан ташқарида, ову-

иши учун бажаради. Аскар тирикчилигига ишониши учун кўзлари дунёни кўриб турса бас. Манови казармалар, атрофи тоғлар билан ўралган қисм худуди, кун чиқиш томондан Кобул шахрининг бадинга уриб кетган совук кўриши, кийим бошлари бир хил, ўй-хаёллари сеникидан даярли фарк қилмайдиган тирик ўлик тақдирдошларнинг, бемаъни кечаётган кунлар - хамма-хаммаси, худлас, бир умр эсан чикмайдиган дунёдир.

Мен бошимга бу ўйлар қаердан илакишиб қолганига хайрон эдим. Қисми тош қонлаган йўлаклар бўйлаб, айланиб чиқдим. Кийимларим нам бўлиб кетди. Агар хаво оғирлашгудай бўлса, айниқса, ёмғир ёққан махали роса сиқиламан. Шунинг учун ҳам казармага қайтишни хохламадим. Шахталик ёқасини кўтариб, то артиллериячилар казармасигача бордим. Казармани айланиб, қисм штаби ёнидан ўтаётганимда, ичкаридан чиққан прапоршчик сигарет сўради. Ўзим ҳам битта «Донское»ни тутатдим. Прапоршчик об-хаводан нолиди. Агар жангга чиқмасак, қисмда ёрилиб ўламан, деди у. Мен ундан неча йилдан бери бу ердалигини сўрадим. Инқилоб бошланган кезлари Баграмга келганман, кейин уч йил Жалолобод, икки йил Гордез, икки йил Қундузда бўлдим. Тўрт йилдирки, Кобулдаман, деди. Прапоршчикнинг иккита Қизил Юлдузи бор экан. Гап оҳангидан унинг уришавериб, кўзи қотиб кетганга ўхшарди.

Мен сездим. Прапоршчик ёмғирнинг эзворганидан эмас, қисмга навбатчи бўлганлиги учун нолиётганди. Бунақа юмушларни жанг кўрганлар ўзига эп кўрмас, урушга энди келганларнинг иши деб билишарди. Прапоршчик яна иккита сигарет қолдиришимни илтимос қилди. Мен казармага яқинлашганимда, эшик олдидаги ротага яқинда келган навбатчи аскар бор овоз билан қичқирди.

- Тўхта! Парол икки!

Менинг кулгим қистади. Чинданам янги келган аскарлар вазирати бўлади. Хар бир ишни қойилмақом қилиб бажариши, қахрамонлик қилишни яхши кўришади. Йўқса, қисм ичкарида душманга нишириб кўйибдими, бунча эҳтиёткор бўлинмасе?! Агар бунинг ўрнида «кекса»лардан бири бўлганида нарвойинга ҳам келмасди. Ўргулдим сендай хушёр аскардан.

Мен унга эътибор бермай, яқинлашавердим. Аскар яна қичқирди:

— Тўхта! Парол икки!

Менинг гашим келди. Бироқ бу касофат айтганини қилмасам, отиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмасди. Парол бу кеча олти эди. Мен ҳозир тўрт деб жавоб беришим керак. Чунки, навбатчи қайси сонни айтиб тўхтатса, ўша сон билан мен айтган сон йиғиндиси паролга тенг бўлиши шарт эди. Мен тўхтаб турдим. Аскар тагин қичқирди. Казармадан рота командири чиқиб келди. Мен энди паролни навбатчига эшиттириб, бақирдим.

— Парол тўрт! Ўзингникиман.

Мен командирга харбийчасига салом бериб, ичкарига кирмоқчи эдим, у тўхтатди.

— Қаерда юрибсан?

— Биринчи ротадайдим, ўртоқ катта лейтенант.

— Нега?

— Баъзан хатлар адашиб кетаяптикан. Менга хат бормикан, деб борувдим.

Санқиманглар, бунақа. Бир соатдан кейин пашша ҳам учмасин. Ухланглар.

— Хўп бўлади, ўртоқ командир!

Рота командири офицерлар модул¹и томонга кетди. Казарма ичи талатўн бўлиб ётарди. Киришим ҳамоно пайтаваларнинг сассик ҳиди димоғимга урилди. Ҳеч ким ухламаганди. Қий-чув, тўс-тўполон. Биров каравот устида ўтирволиб, хат ёзаяпти, кимлардир этигини тозалаяпти, бошқалар гимнастёркасига оқ ёқа тикаяпти, бировлар курашга тушмоқда, баъзилар гуруҳ-гуруҳ бўлиб бурчак-бурчакда овкатланишмоқда, тапқари чиқинга хафсаласи йўқлар казармада чекишмоқда. Кимдир гитара чертиб, қўшиқ айтаяпти. Ҳамма нарса телба тескарисига давом этаётганди.

Умуман, урушда ҳеч нима бир маромда, ўз йўлида кетмайди.

Мен ечиниб, жойимга чўзилдим. Уст-бошимни тезроқ қуритиш учун пар қувурга осдим. Толиққан эдим, казармадаги бақир-чақирларга ҳам эътибор бермай, ўраниб ётдим. Тўшак танамга ором бағишлаётганди. Ичим илиди. Шу тобда ҳеч ким тиңчимни бузишини истамасдим. Бироқ бир дақиқа ҳам вақт ўтмай кимдир туртди. Ўзимни ухлаганга

¹ Модул — зобитлар ётоғи.

солиб ётавердим. У яна турткилади. Оғриниб, тўшакдан бошимни чиқардим. Тенамда механигим Ринаг турарди.

— Нима дейсан? — дедим.

— Тур, ташқарига чиқамиз.

Ўзим хозир келдим. Уст-бошим ивиб кетди.

— Бир иш бор. Хўп де.

Ана, Мўмин билан боравер.

— Э, у овсарроқ-да. Тур энди.

— Айтдим-ку, мазам йўқ. Қара, кийимларим ҳам ивиб кетди. Қўй, нима қилсанг ҳам ўзинг қил. Бормайман.

Шундай деб, ағдарилиб ётдим. Устимга тўшакни тортиб тагин бекиниб олдим.

Ринаг яқин дўстим эди. Биз у билан энг оғир чоғларда бирга битта машинада жанг қилгандик. Тагин қанчалаб кўргиликларни бошимиздан кечиришимиз иккимизга ҳам ноаён бўлса-да, бизнинг ҳаётимиз маълум маънода бир-биримизнинг қўлимизда эди. Негаки, моҳир механиккина ўт ичидан, ўлим чағалидан машинани бешикаст олиб чиқа оларди. Ринаг ҳам мени ўзинча яхши оператор, керакли аскар сифатида ҳурмат қиларди.

Йўқ, аслида гап бизнинг битта машинанинг оператори ёки механиги эканлигимизда эмасди, биз бир-биримизни энг даҳшатли пайтларда сўзсиз тушуна олардик. Мен уни ҳамisha оғир жангдан сўнг бағримга босгим келар, бироқ нимадир бунга халал берарди. Иккимиз ҳам бир-биримизга термулиб, босиб-босиб чекардик. Мен дўстимга ўзимни довюрак қилиб кўрсатгим келарди, айни пайтда унда ҳам шу туйғулар кечаётганига шубҳа қилмасдим. Биз Ринаг билан кутилмаганда мангуга ажралиб қолиши мумкин бўлган минг йиллик кадрдон эдик. Умрининг барча йилларини яшаб бўлган, кексайиб қолган чоғлардай ўтаётган кунларга шукроналар айтардик.

Биз анча олдин, ҳеч нарсани кўрмай, кўп нарсани билиб олгандик. Инсон қартайиб қолиши учун жуда кўп йиллар яшани шарт эмаслигини, аллақачон, илк жанглардаёқ хис қилгандик. Тез-тез ўлимни ўйлайдиган одамлар ўзларини печоғлик бепарво, иродали тутмасинлар, барибир ичларидан тўкилиб бўлишади. Ботинан ваҳм ўтида қоврилаётган одамлар зохиран савдойи кўришади, буни бепарволикка йўймаслик учун эса ўша одамларнинг орасида бўлиш, уларнинг бошида ўйнаётган чархи-дун қилмишларидан бир

чимдим татиб кўриш кифоя эди. Ротада аскарларнинг деярли ҳаммаси нима қилишини билмай, савдойи бўлиб қолишган, улар инсон руҳиятини чилчарчин қиладиган қора кунлар ҳукмини тортиш жазосига мубтало эдилар. Уларнинг ичларини ваҳима таталарди, ҳар лаҳзада ўлиш, ўкка учиш, мињада портлаш, лаънати урушда содир этилиши муқаррар ҳар қандай мусибатни кутиб яшардилар.

Менинг назаримда, бу ерга жўнатишганларнинг фақат сувратлари қолган, сийраглари тўкилиб бўлганди. Дунёда одам боласидай ёвуз махлук йўқ, у ҳамма ишни қойилмаком қилиб бажаради, яна одам боласидай ожиз махлук йўқ, ўз юрагининг азобларидан, ботиқий оғриқлари, кўнглини қоплаган хижилликлардан қочиш қутилмайдди. Ҳар нарсани, ҳатто бир-бирини қиришни-да машқини олган инсон, барибир ўз кўнглидан, юрагидан маълум бўлади. Ичкарисини буг одамгина ҳеч қандай кўргуликка ўзини олдирмайдди.

Урушнинг дахшати ҳам шундаки, унда қатнашганларнинг барчаси мажруҳ ҳолга тушадилар, ботиқий туйғулар ўрнини қуйиб, кулга айланган қарахгликнинг бир ҳовуч кули эгаллайди. Одам билан қурол орасида битта кўндок ва тепкичалик масофа бўлади.

Мен урушнинг хавосига кўника бошлаганим сайин, агрофимдагиларни, барча аскарларни зобитларни ҳаётдан тамоман узилиб қолгандай ҳис қилаётгандим. Гўё бизни аллақандай ёвуз қўл улкан жиноятларимиз эвазига жазолаш учун шу ерларга, ажал қаршисига улоқтириб таплагандай эди. Биз бу ерларда туйғуларимизни йўқотаётгандик.

Мен агар инсон кўлига қурол унласа, худди ҳайвонлар каби бири бирини ваҳишдай мунофиқликдан ҳам ҳазар қилмаслигини тушуниб етдим. Ҳайвоннинг инсонга айланиши ҳақида бир нарса деёлмайман-у, бироқ, инсонларнинг ҳайвоний ёвузликдан ҳам баттарроқ ҳислатни қандай қилиб яшириб юришларига ақлим бовар қилмай қолди. Инсон қурол унласа, ёвузлик тан беради. Аммо ҳар қандай юраги тоза, маънаф соғлом кишиларнинг ҳам ҳаётини уруш яқсон қилиб таплайди.

Ринат тагин турткилади. Каравотга беҳол ўтирдим. У бошимда тик турган кўйи, елкамга кўлини таплайди. Қазарма олақуюн -- октойлоқ бўлиб кетганди. Бақир-чақир авжга мишган, ҳар ким ўз билгани билан овора.

Ринат каршимдаги каравотга чўкди. Ўзига оро берган кўринади, кийими дазмолланган, телпаги сиёх рангда, кайиши тўғаси, ҳамда телпагига ўрнатилган юлдузча ялтирайди, этигиниям бошлаб бўяпти, кўзини олади, бунинг устига кўнжани гармон шаклига келтирибди.

Унинг ясашиб олгани эсимни котириди. Бу ҳам етмагандай, ён чўнтагидан америка сигаретасини олиб, лабининг бурчагига кистирди.

Нима гап, жуда ясашиб қолибсан?

Битта идея бор.

· Менсиз бажарилар идеяни?

Энди, Сенам беҳабар қолмагин, девдим.

— Ошна, мен ёгайин, чарчадим.

Бўпти, бироз эшит. Сен шу, яхши боласан-даку, лекин одамни туншунмайсан. Бир оз сабр қил.

Тезроқ гапир. айтмоқчи, машинани беркитганмидик. Агар рога техниги паркка боргудай бўлса, дабдала қилади-я.

Машинани кўйиб тур. Ха, беркитганман, эшикларга иш тортиб, пломба ҳам босдим. Техник тугул командир полкнинг паркни текширсаям ҳеч қандай айб тополмайди.

Ринат этигини ҳам ечмай, каравотга ёнбошлаб, чўзилди. Телпагини бошига кўндириб, олифталик билан яримлаган сигаретни зўр бериб торта бошлади.

Ринат, майли, сенинг бемаъни гапингга ишониб, ўрнимдан турибман-а?! Э-э-э.

· Ҳой, шопма, у шифтга қарата тутун пуркади, — ҳозир бир жойга борамиз. Кийин.

— Эсинг жойидами. Ташқари ёмғир. Бунинг устига ҳамма казармалар эшигига «чижик»ларни навбатчи қилиб кўйишибди. Отиб ташлашади.

· Занғарлар-ей. Жудаям ҳовликма-да. шу янги келганлар. Қўрққанидан қалтираб-салтираб, икки соатни зўрға ўтказишади. Буларга ишониб бўлмайди, тўғри айтасан. Лекин биз барибир боришимиз керак. бу зарур, хўи де!

· Аввал каергалигини айт-да, одамга ўхшаб.

— Модулга, билдингми. Бормасак бўлмайди.

— Нима? Модулга нима қиламиз.

— Иш бор. Шивирини чиқармайсан, сени шерикликка олиб бораман.

— Сигаретингдан бер.

Мен Ринат нимага шама қилаётганини тушундим. Бироқ, бунга сираям ишонишнинг иложи йўқ эди. Бу иш менинг тасаввуримга сифмасди. Ринат аёллар модулини назарда тутаётганди. Бизнинг қисмда аёллар ҳам хизмат қилишарди. Улар қисм ичкарасидаги юмушларни бажаришарди. Кирхона, ошхона, қисм штабининг молиявий бўлими, магазин, иссиқлик юборадиган станция, кўплари табобат хонаси, кутубхонада ишлашарди.

Бироқ уларнинг юмушини деярли аскарлар бажарарди. хуллас, қисмда аёллар етарлича эди. Рота нонуштага саф торган кезлари, казарма олдидан кўзни куйдириб, сурув-сурув бўлиб аёллар ҳам ўтиб қолишарди.

Жангда юрган аскар учун ҳар қандай аёл бир ховуч нурдай кўринади. Бизнинг казарма билан аёллар модули ораси 10 қаламча келарди. Чекиш жойида сигарет тутатиб, биз аёлларнинг кириб-чиқишларини томоша қилиб ўтирардик. Уларнинг исмини ҳам билардик. Ҳатто, неча ойдан кейин кетишларигача маълумот тўплаб қўярдик. Ишлаш учун келган аёлларнинг нима сабабдан бу ерларда сарсон бўлиб юрганини мен тушунмасдим. Жонларини хавф-хатарга тикиб, пул учун урушга келишлари шартми? Тўғри, улар жангга чиқишмайди, бироқ, қисмда ҳам ўлим нафаси сезилади. Урушга чиққан маҳаллар ўнлаб аскарларнинг ўлиги, бесанок ярадорлар келтирилади. Товлардан гоҳ-гоҳида қисм ҳудудига қарата ракеталардан ўққа тутишади. Барибир жангларда аскарлари жон олиб, жон берувчи, 40-армиянинг энг илфор қисмида хотинларнинг юриши жудаям варойиб эди. Улар бу ерда ўз юмушларини бажармасалар-да, зобитларнинг кўнгилини хушлашлари жудаям зарур эди. Аёлларнинг кўнчилиги қисмдаги зобитлар билан бемалол дон олишиб юришганини аскарлар ҳам билишарди. Айримларининг «боши очик», тўғри келгани билан савдо қиларди. Уларнинг ичида шундай гўзаллари ҳам бор эдики, уй-жойидан безиб, бу ерларда оввора бўлиб юрганини кечириб бўлмасди. Кўпинча бундай аёлларни юлдузи катта, обрўйли зобитлар — хўжайинлар ўзиники қилиб олишганди. Аскарлар кўпинча зобитлар ошхонаси ёки табобат хонасидан аёлларни кидиришарди.

Зобитлар ошхонасида 19 ёшли Лилия исмли қадди қома-ти келишган жувон ишларди. Унинг бўйи кичкина, хипча бел, лаблари гунчадай, юзи тип-тиник, кўзлари катта-катта, тим қора эди. Шим кийиб, кофтада чиққанида, айниқ-

са, қоматининг расолиғи, балиқдай гавдаси юракни суғуриб кетарди. У доимо қон-қора сөчларини елкасига ташлаб юрар, кўринишиндан кавказ ёки осиеликларга ўхшаса-да, асли россиялик эди.

Лилия чиройли оёқларини кўз-кўз қилиш учун бўлса керак, атайлаб калта юбка кияр, таранг, вужудни кўзгатувчи сопларидан кўз узиб бўлмасди. Унинг орқасидан аскарлар қичқириб қолар, у эса парвойига хам келтирмасди. Лилия тарсиллаб пишган олмага ўхшарди. Хамма бир тишласам, дерди. Бироқ, бу боғда тишланмаган, қурт емаган олмаларнинг бўлиши мумкин эмасди. Шундай гўзал, хушбичим, кўкраклариди икки қуш потирлаб турган аёлни кўзларига қон тўлган эркаклар маконида ёлғиз ётишини ҳеч ким тасаввур қилолмасди. Лилия жуда гўзал, бироқ; у сотиларди, кўнглини тонсанг, эрирди. Зобитлар билан қисмдаги аёллар орасида кўприк қолмаган, улар тўнни бирга ўтказишлари учун бир оғиз гап кифоя қиларди. Бироқ, аскарларни осмондаги ойимтиллалар назарига хам илмасди.

Борасанми? Ҳа, нима бунча юрагинг орқангга тортиб кетди?

У ёққа бориш бефойдалигини кўнглим сезаётганди.

— Менга қара, озроқ ўйлаб гапир, борганинг билан дабдурустдан ким билан гаплашасан?

— Буёғи менинг ишим. Сен тезроқ бўл. Кийин. Ҳозир Мўминнинг бушлатини олиб келаман. Шунини кий.

Ринат тўдалашиб, овқат еб ўтирганлар ёнига борди. Мўмин ўша ерда эди. Ринат унинг қулоғига бир нарса деб шипшиди. Мўмин бушлатни ечаётғиб, менга қараб, кулиб қўйди.

Мен кийиниб бўлгач, этигимни мойладим. Ринат тумбасидан бир литрлик «Столичный» ароғини олиб, қўйнига урди. Бушлати чўнтаги хам тўпшайиб турарди. Икковимиз бир-биримизга тикилиб қолдик.

— Менга очигини айт, шу ишинг жиддийми?

— Гаплашиб қўйдим. Нима бунча ховликасан. Ҳозир борганда кўрасан. Озроқ оғиб оласанми?

.. Бер-чи.

— Ана Мўминлар ичишайпти. Труцюк Кобулдан олиб келибди. Иккита экан, биттасини олиб қўйдим.

Даврадагиларнинг хаммаси бир ярим йил хизмат қилиб қўйган, сафдошларим Афғонистонга мен билан бирга кел-

ган йиғитлар эди. Мўмин кружкани тўлдириб, «Столичный» куйди. Илжайиб узатаркан, деди:

— Омадларингни берсин. Ишкилиб, эртага полкда шармаңдаларинг чикиб, гауивахтага тушмасанглар бўлгани. Қани ол, дўстим.

— Нима бўлсаям, пешонадан. Одам барибир, эртага нима бўлишини билмайди. Жонга тегди. Ха.

Ич. э, онасини эмсин. Нима улар фариштамиди.

Мен кружканинг охиригача симирдим. Столичный томоримни куйдириб ўтди, айна дам ичимга ёқимли иликлик инди.

Ринат эшик олдидаги навбатчи аскарга биз кеч қайтишимизни, агар зобитлардан бирортаси ротани текшириб қолса, ҳамма дам олаётгани, казармадан ҳеч ким чикиб кетмаганини айтишни уқтираётганди. Миям равшан тортиб, кайфиягим енгилланди. Ринатга «кетдик», ишорасини қилиб, бош силкидим.

Фрейштэн! — деди Ринат немисчалаб навбатчи аскарнинг бронжилетига уриб.

Аскар орқага тисланиб кетди. Автомати тақирлаб, эшикка тегди. Кўксига осилган «каскаси» бир томонга овди.

— Фрейштэн! — деди «чижикча» ҳам.

Менинг кулгим қиетади. Ўзимни енгил хис қилаётгандим. Шифалаб ёваётган ёмғир ҳам ёқимли, кеча сирлидай туюлди. Биз казарма бўйлаб, тор йўлдан борарканмиз, рўнарадаги аёллар модулининг эшиги очиқ, узун йўлакнинг чироғи ўчмаган, ўз хоналаридан кириб чикиб турган аёллар кўринарди. Модулга яқинлашгач, Ринатни тўхтатдим.

— Менга кара! Кимнинг олдига борамиз. Фойдаси борми?

— Лилвянинг.

— А-а! Алдаянсан. Аҳмоқ қилма одамни?

— Энди ов бароридан келсин деб, худойла. Кеча зобитлар ошхонасида гаплашдим. Панасоник магнитофонини тортиқ қилдим. Мана, кеча Юра уч минг афғони¹га япон рўмоли ҳам олиб келди, — у чўнтагини кўрсатди.

Мен ишонкирамай туриб қолдим. Унинг магнитофони бор эди, бир эмас, икки-учта япон рўмолига ҳам пули етарди. Афғонда аскар учун пул қахат эмас. Қисм Кобул-

¹ Афғонли — афғонлар пули.

да яқин жойлашган. Дўконлар тикилиб ётибди. Ҳатто, қисм шимолидаги яқин қишлоқдан бача¹ларнинг ўзлари ҳам у бу нарса олиб, алюмин қошиқми, ёки чойнакми, консерваларгами алмаштириб кетарди. Бу ерда одамлар савдо-сотик деса ўзларини шунчалик томдан ташлашардики, аскарларнинг эски-туски кийим бошлари, этик-пайтавасигача талаб кетардилар. Етти-саккиз ёшли болалар ҳам немис сақичи, чарс, япон соатларини сотишарди. Улар ҳатто, хабармушаклар, гранаталарни ҳам сотиб олмоқчи бўлишарди. Техникаларга нокерак темир-терсаклар, албатта, бачаларга асқотарди. Афғонда пул топишнинг ҳеч қандай кийин томони йўқ эди. Аммо, оддий аскарнинг қисмдаги кўзга яқин аёллардан бири билан, гарчанд бу ерга уларнинг ўзлари деярли шу нарсани истаб келган бўлсалар ҳам тил топишиши мўъжиза бўлибгина қолмай, жамики қисм жангчиларининг орзуси эди.

– Сен унчалик маст эмассан-ку!.. Эсингни йиғ, Ринат. Ҳаммаси расво бўлиши мумкин.

Ринат сигарет олиб, тутатди. Нам хавода унинг учқуни милтиллаб кўринарди. Ёмғир бир меъёрда саваларди. Биз ивий бошлагандик. Полкнинг атрофидаги танкчилар постларидан аҳён-аҳёнда, галма-гал кўкка яшил мушаклар отиларди. Бу — постдагиларнинг бир-бири билан сўзлашиши, яъни, полк атрофида осойишталик ҳокимлигидан далолат эди. Биз Ринат билан модул томонга сўзсиз қараб турардик. Орадан уч-тўрт дақиқа ўтгач, Ринат:

Кетдик, — деди.

Мен эргашдим. Юрагим ҳаққирар, ичимда худди жанг олдидагидай, бироқ анча лаззатли ваҳм ўрмаларди. «Аёл учун ўлмоқ — қаҳрамонлик»дир, деган гап миямни тиелаб ўтди. Қаерда ўқиганман, кимдан эшитувдим эслай олмадим.

— Қўрқаяпсан-а? — дедим, Ринатга модулга беш-олти кадам қолгач.

— Ёнида бирор офицер бўлмаса гўргайди.

– Эҳ. Сенга ўзи айтганмиди, кел, деб? Боқланмасак, бўлди.

— Э, чўрт сней! Юравер.

Шу пайт эшик қанотига ёмғирдан пана бўлиб турган шекилли, навбатчи аскар шанғиллаб қолди.

¹ Бача — афғон боласи.

Тўхта! Пароль! Беш!

— Пароль уч! — деб жавоб берди Ринат.

Мен аёллар модулида пароль саккиз эканини билдим. Ринат буни ҳам суриштириб аниқлаган эди.

Биз йўлакка кирганимизда қоврилган чўчка гўшти, қайнатма шўрва каби турли-туман овқатларнинг хиди димовни китикларди. Мен шу пайтгача аёллар модулига кирмовдим. Менга йўлак файзли бўлиб кўринди. Хамма ёк топ-тоза. Аёллар яшаётгани шундоқ сезилиб турарди. Ўрта йўлак, иккала томондаги эшикларга саналар осилган эди. Худди меҳмонхона шаклида қурилган, бундай караганда киз-жувонлар тахсил кўрадиган бирор билим юртининг ётоқхонасига ҳам ўхшаб кетарди. Ринат олдилаб юрди. Мен эргашавердим. Оёқларим негадир қалтирай бошлади. Хаяжонланганимдан бўғзимга нимадир тикилиб қолгандай бўлди. Ринат ўнг томондаги саккизичи эшик қаршида тўхтади, шу дегандай бош чайқади, унинг юзидан саросима сезилиб турарди. Мен «Столичный»дан тағин бир кружка ичиб олганимга ўқиндим, хар холда сал-сал тетикланардим. Нима бўлса, бўлди эди. Қайтиш йўк.

Ринат эшикни тақиллатди. Хиёл ўтмай ичкаридан илгак кўтарилиб, қулф шарақлади. Ярим қия очилган эшикдан аёл кишининг боши кўринди. Кўзлари пирпираб турарди. Мен ўзимни кўярга жой тополмай қолдим, жула ноқулай ҳолат пайдо бўлганди. Лилия қулмсираб, йўлакка чиқди.

У эгнига юққа, тугмасиз ҳалат ташлаб олган, сонлари қорнигача очилиб турарди. Сочларини тўзғитган, юзлари тиш-тиник, лабидан ним табассум ёғиларди. Ошпок кўкракларини қия ёқасидан кўришиб турарди. Дунёнинг жамики мусибатлари, кир-чирлари, кирвинбарот жанглари кўравериб, тошга айланиб улгурмаган кўзлардаги эхтиросни пайқаган жувон бизни ҳам қутилмаган ғайритабиийлик билан қарши олди.

О, менинг меҳмонларим! Рома, ниҳоят келдингми? Очиги, сени бугун келмасанг керак девдим, — Лилия эшикни очиб, бизни ичкарига бошлади.

Нега эди, бораман девдим-ку! Сўзсиз, — Ринат ўзини қўлга олди. «Ўзингни бос, дердим мен хаёлан, ўзингни бос, ҳаммаси жойида бўлади».

Биз ичкарига кирдик. Лилия столи дид билан безаган эди. Хона деворларида турли-туман машхур эркакларнинг, шир яланғоч сулувларнинг сувратлари осилган эди. Дераза

тарафда икки тасмали япон магнитофони жойлаштирилган. Бурчакда беш-олти жомадон тахланган эди. Столда Югославия мураббо ва ширинликлари, турли хил чет эл конфетлари, қуюқ сут, қовурилган балиқ, колбаса, америка сигаретаси ва ялтироқ, қимматбаҳо қадахлар турарди. Хонанинг бир бурчини устига қимхоб тортилган икки кишилик диван эгаллаганди. Бу ердаги нарсалар Лилиянинг ўзи каби гўзал эди.

Лилия биз билан очилиб-сочилиб гаплашди. Гўёки биз урушда эмасмиз-у, шаҳар айланиб, ўн йиллик таниш жувоннинг уйига тушиб қолгандай эдик. У бизнинг нима сабабдан ҳузурига келганимизни пайқамаслиги мумкин эмасди.

— Ҳозир, бир секундга йигитлар. Сизлар бемалол ўтиравеинлар, — у чойнак олиб йўлакка чой қуйгани чиқди. Мен Ринатга энласак бўларкан, дедим. Ринат, ўзини эркин тутиб, ҳазил-ҳузул қилавер, деди. Лилия қайтгунча Ринат столга «Столичный»ни тиккайтириб қўйди. Илгакдаги осилган бушлати чўнтагидан япон рўмолини олиб, гимнастёркаси қўйнига солди.

Лилия столдаги «Литр»ликни кўриб, қувониб кетди. Ўша аснода Ринат қўйнидаги совгани чиқариб, жувонга узатди. Лилия ўрнидан дик туриб, Ринатнинг манглайдан ўпиб олди.

— Раҳмат, Рома!

Менинг кўз ўнгимда изоҳлаш мумкин бўлмаган воқеа содир бўлаётганди. Лилия бир зумда ўз инон-ихтиёрини Ринатга топширишга шай эди. У менинг бу ердалигимга ҳам эътибор бермасди. Мен столдан сигарет олиб, тутатдим. Лилия Ринатнинг ёнига бориб ўтирди.

— Йигитлар! Маювини очмайсизларми?

Ринат қадахларни тўлатиб қўйди. Лилия ҳозир ўзини печоёлик енгил тутатган бўлса-да, кўзларининг тубида яширин сир зоҳир эди, у беҳад чиройли, истараси қўйдириб кул қилажак даражада иссиқ эди. Қадахлар қўлга олингач, Лилия мезбон сифатида бизни хуш кўриб, қадах сўз айтди. Бараварига тасдиқладик.

Биз урушда юрганимизни унутишга ҳаракат қилардик. Қаршимиздаги манови сулув аёл, байрамои дастурхон, куй, қўшиқ мени элитаётганди. Борган сайин кайфиятим кўтарилар, неғадир шўхлик қилгим келар, ҳазил-ҳузул гапларимдан Лилия чайқалиб кулар, кўкси ҳар силтанган са-

йин юрагим ўйнарди. Мухими, Лилия бизга наст назар билан қарамаётганди, аюк-чапок қувнашиб ўтирардик.

Шиша охирлайвергач, Лилия хона чироғини ўчириб, тунги чироқни ёкиб қўйди. Ташқаридан бирорта зобит хид билишини у сира ҳам истамаётганди. Хира ёғдуда аёлнинг кўзлари порлаб турар, оханграбодай ўзига чорларди.

- Қўймайсанми, Рома?!

- Хўп бўлади, маликам.

- Рома, дўстинг тортинчок экан.

- Нега энди? Мен Сизга махлиё бўлиб караяпман.

Умуман, сизни ёқгириб қолдим, - дедим.

- Ростданми? Фақат шугинами?

- Чинданам.

- Кел, сен бу томонимда ўтир. Ах, бир эзилайлик.

Мен Лилиянинг ёнбошига бориб ўтирдим. У кўлларини Ринат иккаламизнинг елкамизга ташлаб олди. Гоҳ Ринат, гоҳ мен томонга қараб гапира бошлади. Унинг кайфи ошаётганди. Ринат ҳам чайқалар, унинг юз-кўзларидан ўнар, гоҳо бутун гавдаси билан унга ўзини ташлар, Лилия дарҳол уни турвазиб қўярди.

Яна қадахлар тўлдирилди.

Ўйигитлар! Менинг эркатойларим! Сизларнинг уйингизга, ота-онангиз қаршисига омон-эсон боришингиз учун ичрайлик, деди Лилия. Унинг овози ҳазин эшитилди. Уф торгди.

- Агар насиб этса борамиз. Хаёт кўрсатади. Ўйқса, манови лаънати афғонда қолиб кетамиз, - Ринат қадахни кўз илғамас тезликда ичиб, бўшатди. Лилия унга газак тутди. Ринат манглайига кўлини тираб, тирсагини столга қўйди. Негадир бош чайқар, ердан бош узмасди. Мен, ўтиришимиз охири кўнгиляхушлик билан тугамаслигини истардим. Биз Лилия икковимиз баравар қадах кўтардик. Ринат илкис бошини баландлатиб, Лилияга тикилди.

- Лилия, Онасини фалон қилай афғонини. Тушундингми? Биз хор бўлдик, Лилия. Сен бу ерда нечоғлик дахнатли воқеалар содир бўлишини билмайсан. Фақат эшитгансан, тушундингми! Афғон ўйин эмас, билсанг. Уруш одамни ифлос қилиб ташлайди, билдингми.

Ринат, ўзингни бос, оғайни. Фойдаси йўқ, дедим ўзбекчага. Очиғи, мен ҳам маст бўлгандим. Фикрим ўзимда, хаёлим жойида эди.

— Сен аралашма! Булар афғонга нега келган ўзи? Буларни машинага босиб, жангга олиб чиқиш керак. Истаган маҳалинг қилишинг керак. — у столга бошини қўйиб олди, — кўнглим беҳузур бўлаяпти.

Лилия бизнинг гапимизни тушунмаётганди. У Ринатни диванга олишимни илтимос қилди. Ҳар холда биздан ижирванмаяпти, деб ўйладим. Мен Ринатни Лилиянинг диванига ётқиздим. У ўзбекчалаб тинмай гапирар, жангларда рўй берган, менга ҳам таниш воқеаларни сўзлар, от, тезроқ от, деб қичқирарди. Лилия унинг бошига нам латта келтириб босди. Унинг ҳаракатлари самимий эди.

Нега тез маст бўлди? — деди у хайрон бўлиб.

Билмадим. Бу ерга келишдан олдин чеккан бўлиши керак.

— А-а-а! — Лилия «тушундим, дегандай бошини силкиди.

Ринат уйқуга кетди. Лилия иккимиз ёлғиз қолдик.

Тун жозибали, аллақандай фараҳли эди. Биз тагин озхоздан ичдик. Лилия тумбасидан яримлаган ароқ келтирди. Хона ичи тутунга тўлганди. Деразанинг бир канотини очиб қўйдим. Ичкарига тоза ҳаво, ёмғир хиди урилди. Тасаввурим тиниклашди. Ўзимни анча тетик хис қила бошладим. Лилия дунёдаги энг чиройли аёлга айланиб бораётганди. Мен унга ошқора суқланиб қарардим. У буни пайқайди. Юзига кулгу инди.

Аёлдан узоқлашиб яшаш шунчалар оғирми? — деди у.

— Шундай шекилли?

Уруш даҳшат. Сизларни севаман. Эшитяпсанми, ҳаммангизни бағримга босиб, эркалим келади. Сизларга ачинаман. Сизлар бугун борсизлар, эртага йўқ. Бироқ, мен Ринат иккалангни тирик қолишларингни истаяпман. Очир, бу ерга пул ишлагани келувдим, аммо тўйиб кетдим, пушаймон ёйабман. Ҳар куни ваҳима, ҳар куни ўлим. Ҳар куни бир хил ҳаёт. Биласанми, мен аскарларнинг барини бағримга босиб, уларнинг омон-эсон қайтиши учун илтижо қилгим келади. Сизлар жангга чиққанингизда қисм ҳувиллаб қолади. Шунда кимдир ўлаётгани, кимдир жон олиб-жон бераётгани, кимдир ўқлар орасида жанг қилаётганини кўз ўнгимга келтираман. Ўзимдан жирканиб кетаман. Шу ерларга, ҳар куни бесаноқ аскарларини йўкотадиган, жанг майдонларида ажал билан тўқнашадиган қисмга келиб, пул ишлаётганимдан нафратлашаман. Бироқ, нима қилай, айт.

Россияда ҳозир мен одамлардай яшай олмайман. Хеч кимим йўқ. Яқин одамим ташлаб кетган. Кўчаларда фохишалик қилиб ҳам кун кўролмаймам. Хеч нарсамга етмайди. Хар кадамда талончилар, ўғри, безорилар, киссавурлар тикилиб ётибди. Сен ёки Ринат бу ерларда ҳору зорсизлар. У ёқда ресторанлар, барлар, кафеларда бойвачча тенгдошларинг маинат қилишмоқда. Зўрлашмоқда, ўлдиришмоқда. Хаёт ваҳшійлашиб бораяпти. Мен ўзимни окламаймам. Бироқ, яшашга ҳақлиман-ку! Тонмайман. Шу пайтгача фохишалик қилиб яшадим. 10-синфни тугатмасимдан синф раҳбарим ўзига илакиштирди. Уйланмаганди, бирга яшадик. Тўй бўлмасдан олдин хомиладор бўлдим. У мени ташлаб кетди. Дадамни билмайман. Ойим 14 ёшимда машина ҳалокатидан ҳалок бўлган. Бувимнинг қўлида улғайдим. Бошимга оғир кун тушганда бувим ҳам қазо қилди. Сўнгра фабрикага ишга кирдим. У ерда ҳам ишим юришиб кетмади. Таниш-билишлар орттирдим. Хуллас, бир шиша виноми, бир кути сигаретми узатиб, кўнглимни овлаш пайида бўлишди. Тўйиб кетдим. Кун кўриш, яшаш учун нимадир қилиш керак-ку, ахир.

Лекин, мен афғонда гарчанд Россиядагидан юз баравар кўп ишласам ҳам, бу ерга келиб хато қилганимни пайкадим.

Биласанми, қисмдаги аёлларнинг деярли ҳаммаси кўнгилахушлик, бойлик йиғиш илинжида келишган. Хар кеча улар зобитлар қучоғида ётишади, керак бўлса, сен етти ухлаб тушингда кўрмаган буюмларни Кобулдан сотиб олишади. Урушда ҳам аёллар керак бўлади, бизни атайин юборишади, биз офицерларга керакмиз. Улар бизсиз чиқолмайдилар.

Дилни гапни йўқотаётган бўлса ҳам, ҳақиқатни айтаётганди. Мен қадахларга тагин тўлдириб қўйдим. Биз урушдан омон қайтиш учун кўтардик. У бир пуктага гамгин тикиларди. Бошини охиста кўтариб, менга термулди.

— Яқинда яна жангга чиқасизлар. Бу сафаргисидаям бутун армия қатнашади. Гарdez томондаги постлар қуршовда экан.

— Сен қаердан биласан? Хали биз тайёргарлик кўраётганимиз йўқ.

— Штабдаги офицерлардан бири айтди.

Қачон?

— Кеча. Армия штабидан топшириқ келибди. Менимча, узокка чўзилмаса керак.

Мен қисм ичкарасидагилар ҳамма гапдан воқиф бўлишларини олдин эшитгандим. Хали взвод командирлари билмаган бу сир шу аёлнинг қулоғига етиб келгани хайратимни оширарди.

— Офицер алдаган. Хали-бери жанг бўлмайди, — дедим. Мен бу гапни нега айтаётганимни ўзим ҳам тушунмасдим. Очиги, жанг бўлишини сираям истамай қолгандим.

Назаримда аёл буни сизди:

— Сен жуда кўп урушларда қатнашгансан. Кўрқмайсан-а, тўғрими?

— Биласанми, барибир беҳуда ўлиб кетинг, мақсадсиз тентираш, азият чекишнинг нима кераги бор?

— Тушунаман. Шу ерда англадим. Бу уруш ҳеч қачон Совет армиясини оқламайди.

— Лилия, биз расво бўлганмиз. Аянчлисиз, шу ерда ўлиб кетсак, эртага бизни эсламайдилар. Балки номимизни қарши билан тилга олишади.

— Сизларни ҳеч ким қармамайди. Фақат бу урушнинг моҳият-мақсадини чуқур таҳлил қиладилар. Э, ўйлама, жонинг омон қолса бас.

— Барибир кўзинг етмаса қийин. Хали олдинда нима бор, ким билади, дейсан.

— Сен биринчи батальондансан-а?

— Ха.

— Комбатларинг яхши одам. Қуён юрак эмас. Яхши одам. Аскарни тушунади, ақли хуши жойида. Офицерларнинг ичида шунақа 4-5 та эркаги бор. Қолганлари унчаликмас.

Нега?

— Майда-чуйда гапларга ўралашиб қолишган.

— Бизнинг рота командири ҳам анча довюррак, фахмли офицер.

— Стоногингми? Ҳа, биламан. Умуман, шёдалардаги офицерлар ичида чин эркаклари кўп.

Мен сигарет олиб, тутатдим. Хаёлим анча чалғиганди. Назаримда мен Лилия билан кўп йиллардан бери суҳбатлашаётгандим. У ҳам лабига сигарет қистириб, гугурт чакди. Орага бироз жимлик чўқди. Хона совий бошлаган эди. Лилия деразани ёнди. Танқаридан оқиб кираётган сирли ваҳм йўли беркитилга қандай бўлди. Хонада ўзимни эркинроқ ҳис қила бошладим. Ринаг диванда тош қотиб ухларди. Мен уни ҳозир олиб кетолмасдим.

– Ринатни нима қилсам экан-а, – дедим, ўрнимдан кўзғалиб.

– Тегишма унга. Сен ҳам кетмайсан, шу ерда ётиб коласан, -- деди у дераза пардасини тортаётиб. У чирокни ўчирди. Кайфим аллақачон тарқаганди.

Мен ўша кеч ўзимни ёш боладай ҳис қилиб ётдим. Дунёда энг тўзал эркаланиш лаззатидан маст эдим. Мен сираям тонг отишини истамас, бир умр шундай қолишини жуда-жуда хоҳлардим. Ўша лаънати казармалар, танк ва БМП-2 лар, офицерларни сира-сира кўрмасам дердим. Мен шунча йиллардан бери фақатгина бир кеча яшаётгандим, бу кеча тирилгандим.

Биз тонггача ухламадик. Лилия менга кўп нарсаларни айтиб берди. Ҳар ҳолда у аёл эди. Хаёт эди. Дунёнинг шундай чиркин ўйинларини оралаб юрган йигит учун ягона овунчок эди.

У бўйнимдан қучиб қулоғимга шивирлади:

– Менинг аскарчам. Сўз берасан-а?..

Нима деб?

– Менинг аскарчам, айт, сўз бер, мен тирик қоламан, де, мен ўлмайман де, сени буидан кейин ҳар доим эслаб юраман де. Сен яхшисан, ўлмагин. Хўпми, сен тирик қол. У ўксиб-ўксиб йиғларди. Кўз ёшлари дувиллаб оқарди. Юрагим шунчалик вайрон бўлдики, мен уни бағримга босдим. Томоғимга нимадир тикилди. У кўзимга шунчалик яхши кўришиб кетдики, бу ерда мен учун ҳали ҳеч ким мана шу аёл каби кайғурмаган эди.

– Тирик қоламан Лилия. Мен бу лаънати жойда ўлиб кетмайман. Хафа бўлма. Мен омон қоламан, – кўзимдан иссиқ ёш қуйилди.

Тонг оқара бошлаганда туриб ювиндим. Ювиниш хонаси йўлакнинг охирида эди. Лилия оркамдан сочик, совун, шамшун олиб келди. Уни янада яхши кўриб кетдим.

Ўзимизни тартибга солгач, Ринатни уйротдик. Лилия унга ҳам сочик, совун ва шамшун тутди. У ҳозир қаерга келганлигини элас-элас англаётганди чамамда.

Лилия бизни самимий муносабат билан кузатди. Ташқари анча ёришиб қолганди. Айрим казармалар эшиги олдида навбатчилар донг қотиб ухлашарди. Бизнинг «чижик»чамиз автоматига суянган кўйи бутун рога хаётини ўз ҳаловатига алиштириб, хуррак отарди. Биз билдирмай эшик олдига келдик. Менинг кайфиятим баланд эди. Ҳеч нарса-

ни ўйламасдим. Модулдан мик этмай келаётган Ринат навбатчини чунонам тегиб юбордики, у гупиллаб йиқилдида, эсанкираб қолди.

-- Хой шг. Ротани дух сўйиб кетди-ку. Ха, опангни.

Аскар гашиб ўрнидан турди. Биз унга эътибор бермай, казармага кирдик. Аскарлар дунёнинг гўзаллигидан беҳаббар, тирик юрганларига шукрона айтган каби тош қотиб ухлашарди. Казарма жудаям аянчли ва совуқ кўринди. Кечаси билан кўз юлмаган бўлсам ҳам, чарчоқ сезмасдим. Ринат тушмайган кўйи ечинмасдан ўзини каравотига отди. Ёмбир тинганди. Рота уйқудан уйғонгач, паркка борилса керак, деб ўйладим. Пиёдалар қуроолларини тозаласа керак. Мен каравотимда чалқанчасига шифтга тикилиб ётардим. Рухим анча тетик бўлса ҳамки, оёқларим бироз оғирлашиб, бўғинларим бўшашиб қолгандай эди. Мен Лилияни ўйладим. Хаёлимга чароёнлик инди.

II

Рота казарма олдида саф тортиди. Одатдагидай рота командири харбий салом-аликдан сўнг бугун бажариладиган тошшириклар билан таништирди. Пиёдалар эрталабки нонуштадан сўнг қуроол тозаларкан, броня-механик ва операторлар техникаларни жангга тайёрлайди, алокалар текширилади, отув миллари кўздан кечирилади, тасмаларга снарядлар солинади, машиналарга ёғ қуйилади. Яқин ўртада урушга чиқишимиз аниқ эди.

Эрталабки нонуштага қайнатилган балик ва бўтқа тайёрланганди. Бирорта столда овқатга қўл урилмади. Факат оқканд ва кофе ичилди. Бир суртим сарёф билан нон едик. Афвонда эсиши таниганлар сира бўтқа ва қайнатилган балик емасдилар. Чунки бу овқатни тановвул қилганлар удум бўйича энг паст аскар саналарди. Қимки бўтқа еса ўзига ЧМО деган уятли лақаб орттирар, кўпчиликдан ажралиб қоларди. Ўз кадрини билган жангчи очдан ўлаётган бўлса ҳам, ошхонанинг бундай «ювиндися»ни оғзига олмасди.

Мен Ринат билан ошхонадан чиқиб кетмоқчи бўлиб тургандик, бондаги столда ўтирган Мўмин чакириб қолди. Бизнинг улфатлар Нурмахон билан Юра ҳам ўша ерда эди.

— Ха, овқат ўтмадими? - деди Мўмин сурилиб жой бўшатаркан.

— Ишгаха йўқ, -- дедим мен.

— Кўтаринглар, бир кружкадан кофе ичайлик, кейин бирор нарсани ўйлаб кўрармиз.

— Ҳозир паркка борамиз-ку. Ўша ёқда овқат пиширамиз. Фақат омборхонадан у бу нарса олволайлик, деди Нурмахон.

Биз апил-тапил тамалди килиб, ротадан олдин чиқдик.

Мўмин билан Нурмахон қисминг озиқ-овқат омборхонасига, Юра дўконга кетди. Ринат иккаламиз аскарларни жанг тўрвалари, эски-туски кишки кийимлар, қопкўрпалар сақланадиган омборхона «холодный колтёрка»га бориб, жой ҳозирладик. Бугун шунун кун бўйи макон қилишга келишдик.

Нурмахон ротадаги энг яхши отувчи, аммо ўлгудай содда эди. Мўмин БМП-2да механик. Русчага анча нўноқ эди, бироқ машинани кўнгилдагидай бошқарарди. Юранинг айёрлигини ҳисобламаганда, довюрак жангчи, пиёдалар бўлинимасининг командири эди. У ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини йўқотиб қўймаганди. Бешовимиз ҳам аффондаги «кекса» аскарлар сирасига кирардик. Бу ернинг паст-баланди, ҳаёт оқимини анча-мунча сезиб улгургандик. Бизни омборхонада қолганимизни рота командири билиб қолмаса бас, бошқа зобитларни алдаб-сулдаб тинчитардик. Улар ҳам «қария» аскарларнинг кўнгилни офритгиси келмас, кўнлаб жангларда кўзи қотган аскарлар иш беришини яхши билишарди. Умуман Афғонистонда зобитлар жангчилар билан эҳтиёт бўлиб муомала қилардилар. Урушда ўлим зобит ва аскар танлаб ўтирмайди-да; барибир кимдир кимнингдир жасадини судраб чиқади, бошқа биров шеригининг ярасига малҳам бўлади, ҳаётини сақлаб қолади. Фақатгина сен яшаб турган кунлар, тириклигинг ваниматдир. Қолган икир-чикирларга туфлаш керак.

Йигитлар ҳамма нарсани мухайё қилишди. Омборхонанинг бир бурчини тозалаб, эски шинелларни тўшадик. Мўмин ош пиширишга киришди. Юра у ёқ бу ёқдан лагифа айтиб турди. Мен жанг тўрвани бошимга болиш қилиб, ухланга ҳозирлик кўрдим. Ринат Юра келтирган юзга суртиладиган «Атиргул суви» деган атирдан икки хўплам ичди. Изидан сигарет тутатди. Нурмахон жанг тўрвадан хандақ курак олиб, ўқ-дори яшиқларини ўтин қилиб, ош тагига олов ёқиб турди.

Омборхонада ҳамма нарса айқаш-уйқаш сочилиб ётарди. Гранатадан тортиб, дутмушак, сувдонларгача топиларди. Цийма ва этиклар, сичқон еган қон-кўриалар, барибариси. Жангга нимаки зарур бўлса, шу ерда сақланарди.

Хона ичи тутунга тўлди. Эшикни бир оз қия очиб қўйдик. Омборхонадан йигирма-ўттиз қадамлар нарида, казарма олдидаги йўлакда аскарлар қурол тозалаяпти. Оператор ва механиклар саф тортиб турарди. Рота техниги прапоршчик Довгий бизнинг гўримизга нишг қалаб, аламини бошқалардан олаётганди. Мен прапоршчикнинг жаҳл билан у ёқдан-бу ёққа бориб келаётганини кузатиб турардим.

Довгий улфати одам эди. Лов этиб ёнарди-ю, бир пастда ўчарди. Аскарни тушунарди. Бугун бирорга айб қилиб, кўзига кўринмай юрсанг, эртасига эсидан чиқариб юборарди. У бизни бел дақиқалар чамаси кутди. Йўқолиб қолганимизга ишонч ҳосил қилгач, броняни паркка бошлаб кетди.

Мен яхши ухлай олмадим. Шерикларимнинг гала-говури тинчимиз бузди. Битта «Донский»ни тутатиб, Юрадан бирорга латифа айтиб беришни илтимос қилдим. Ўзим шуни кутиб турганимкин, Юра ўзи тўқиган латифалардан айта бошлади. Менга унинг «Мияси ишламайдиган зобит», «Автомат ҳамда чиройли қиз» хақидаги латифаси ёқиб қолди. Бошқалар ҳам роса кулишди. Мўмин ошни дам едириб қўйди. Ҳаммамиз бир хўпладан «Атиргул суви» ичдик. Ичимликдан чиндан ҳам атиргул хиди келар, бироқ, ичак-чавоғинини куйдириб юборарди. Ринат чўнтагидан ўровлик қоғоз чиқариб, ичини очди. Печенье шаклидаги қоп-қора чарсдан ушатиб, «Донский» тамакиси билан аралаштирди-да, қайтадан сигарет қоғозига жойлади. Чарс роса ўткир экан. Иккинчи бор айлангач, миямга бир нарса тўқиллаб урилгандай бўлди. Мен ўз мувозанатимни йўқотаётганимизни кўриб, Учинчи бор айланганини ошдан кейинга қолдирдик. Мўмин паловни қозони билан ўртага қўйди. Чарс чеккан одам жуда кўп овқат сўди. Биз дарҳол бир қозон паловни еб бўлдик. Изидан иккита хонни ҳам тугатдик. Сўнгра атиргул сувидан бир хўпладан ичдик. Чарс билан аралашган ичимлик ўз кучини кўрсата бошлади. Негадир жангда ўлган жўраларимни эслаб, гапиргим келарди. Кўзимдан ёш сиза бошлади. Ринатни бағримга босиб, йиғладим. Хаёлимда ўтган галги Чорикор жангга қотиб қолгани. Ринат икковимизни ҳам душман қўлига асир тушиб қолишимиз ҳеч гап эмасди, ўшанда.

Бизни танкчилар кутқарди, Ринат! Йўкса, дабдаламиз чиқиб, Покистонда банди бўлиб юрардик.

Ринатнинг кўзларида ёш филтиллади. Нурмахон, Мўмин, Юра ҳаммамиз йиғлаётгандик.

Ўтган гал Андрейни ўзим кўтариб чиқдим. Зўр йиғит эди-я. Кўкси ёрилиб кетганди. Қони устимга, қўлларимга тегди, Мўмин бармоқларига тикилиб сўзларди. Мен қисмимиздан энди ҳеч ким ўлишини истамайман, тушунаянсизларми, жангга боришдан қўрқиб қолибман. Тайёргарлик кўринглар дейишса, юрагим увишади. Тезроқ туғасайди. Жонимга тегиб кетди. Сувдан ол буёкка, Ринат, у сувдонни ютоқиб симириди.

-- Жўралар, менинг отам йўқ. Қари энам бор. Ўлиб кетсам, шўрлик энам жинни бўлиб қолади. Тушунаянсизларми, энам тенгак бўлиб қолади. Мен энамдан кўп яшадим, аммо яна яшашим керак, тирик қайтишим керак. Менинг ўлишга ҳақким йўқ.

- Нурмахон, мениям отам йўқ. Онамнинг суянганиман. Бечора онамнинг ёзган хатларини ўқисанглар эди. Юрагим эзилиб кетади. Урушга кираверсам, кўз олдимдан онам липиллаб ўтаверади. Онам мендан оғир кунларни бошидан ўтказаяпти. Она. Онажон, ўғлингиз, наща чекди, умрида кўрмаган нарсаларни ичаяпти, Онажон. Сизни соғиндим. Телпагини оёғи остига ташлади. Чирт этказиб туфларди дамо-дам.

Биз ақлдан озган, алахсираётган одамларга ўхшардик. Яна чарс тутатдик. Бир мартадан тортдик. Менинг юзим совиётганди. Батамом ўзимни йўқотиб қўйдим. Қўл-оёқларим ўзимга бўйсунмай қўйди. Гўё ердан баландлашаётгандай, учаётгандай эдим. Олислардан йиғи эшитилар, аллақандай жимир-жимир тўлқинлар кўринарди. Сувсизликдан лабларим тобора қуруқшарди. Мен ҳеч нарсани идрок қилолмасдим. Мен ўлик-тириклигимни билмай қолдим. Факат йини товуши эшитиларди. Мен йўқ эдим, ҳаётда яшамагандим. Урушни ҳам кўрмагандим.

Ш

Менга нима бўлганлигини англай олмай уйғондим. Бошимда Ринат ўтирибди. Кўзи қизаринкираган, қовоқлари уйқусизликдан анча салки тортган. Бошим карахт ахволда гувилларди, худди гурзи тушгандай лўкиллаб оғрирди. Та-

намда куч қолмаганди гўё. Қоршим роса очиккан, лабларим қуриб қовжирарди.

— Ринат, ановилар қасрга кетишди, — дедим ўршимдан базўр жангтўрвага суюниб кўзғаларканман.

— Егулик олиб келгани кетишди, тезда кайтишади. Биз ҳам ҳозир турдик. Ҳаммамиз қотиб қолибмиз. Яхшиям бирорта шохол билиб қолмабди.

— Сувдонни бер.

Ринат камарига осилган темир сувдонни ечиб, узатди. Ичим ёнаётганди. Бир кўтаришда сувдонни қуритдим. Танамга бир оз жон кириб, бошимнинг сувиллаши босилгандай бўлди. Омборхона эшигини қиялатиб очдик. Ташқаридан намиққан тупроқ хиди урилди. Мен тезроқ овқат толиб келишларини сабрсизлик билан кутардим. Қоринни тўйғазиб, бу ердан кўзғалиш, ротага бориш зарур эди. Агар кун бўйи қочиб юрганимизни рота командири сезиб қолса, ротанинг олдида шарманда қилиб, бир хафта навбатчиликка қўйиши аниқ.

Бошим қарахт эди. Омборхонанинг захлиги билина бошлади. Мен совуқ қотдим. Қўл-оёғим уюшиб, қалтирай бошладим. Ҳалпям туман ичида юргандайман. Хаёлимдан кечаётган ўйларим узук-юлуқ, бир нарса ҳақида тўлик фикрлай олмасдим, тасаввуримда намоён бўлаётган воқеалар чалқаш-чулқаш, бир-бирига уланиб кетаяпти. Назаримда, номозшомгача ухлагандайдим. Ичимни ит таталаяпти. Роса очикдим. Эски шинел ҳамда ашқол-дашқолларнинг димоғим қўниққан бўйи энди қўнғилими айнирта бошлади. Муздай сув сипқориб, тинчроқ, хушманзара бирор жой бўлса тагин мизғиб олишни жон-жоним билан хоҳлаётгандим. Рўпарамда чайкалиб турган, кўзлари қизариб кетган, юзидан маъно ўқиш маҳол Ринатни ҳам кўргим келмаётганди. Қанийди, қуёш чарақлаб турса, кишлоғимнинг адоғидаги Хазарбоғ ариғи бўйлаб ястанган бедазорда оёқ узатиб ётсам. Осмон тип-тиник, даланинг поёни йўқ. Ҳа, айтмоқчи, ҳозир беда авжи гуркираган маҳал-а, бригадир ким экан бедазорда, э, нима фарқи бор.

Ташиллаган овоздан чўчиб тушдим. Эшикка бораётган Ринат жанг тўрвага урилиб йиқилди. Одамзод бошини йўқотса, қасрга юришини билмай қоларкан. Менинг назаримда биз кўршапалакка ўхшаб қолгандик. Ринат нимадир деб тўнғиллади.

— Ҳа, қаттиқ йиқилдингми?

-- Э онасини. Ўзимни тутолмаянман.

-- Иложи бўлса шу лаънати, жўра, камрок чекайлик.

-- Ўрганиб қолганмиз, шекилли. барибир эмасми. Чекиш яхши. Расво бўлаяпмиз. Бунақа йўл билан кун ўтказиб бўлмайди. Урушга чиққанимиз яхшийди қайтанга. Кунлар жуда тез ўтади. Менимча, қанчалик тўс-тўполовли жанг бўлса, ўша пайтда ҳеч нарсани англай олмайсан. Жангда ваҳимали бўлмаскан унча. Фақат урушдан кейин эслаб эсинг чиқиб кетади. Аллергиянг тошади.

- Агар тирик қолсанг, эслаш насиб қилса.

Ринат анчагина чиниққан, эпчил йигит. Бирок ёш болагаям ўхшайди. Баъзан аразлаб ҳам қолади. Ринатни уйда эрка ўсганини, ёлғиз фарзандлигини пайқаб олса бўларди. У гапга чечан, ишни кўзини биларди. Шу пайтгача уни кўрқоқлик қилганини сезмаганман. Жангда ҳеч қачон қиёфасидан кўрқув ё эсанкираш аломатини сезмасдим. У аёллар ҳақида гапирини хуш кўрарди. Армияга чакирилгунга қадар қилган қилмишларини эшитиб ёкамни ушладим. Ўзиям мазза қилган-да. Гоҳида йигитлар унга сен кўп аёл билан бўлгансан — ўлиб кетсанг унчалик қайғули эмас. Биз қишлоқилар ҳали бирортасига тузукрок гап ҳам отмаганмиз, хизматдан қайтгач, жононларинг билан таништириб қўясан-а, дейишарди. Ротада Валерий ҳамда Валис деган аскар йигитлар хотинидан мактуб оларди. Назаримда, улар кўп нарсани кўриб улгургандай эдилар. Хамма шу икковига ҳавас қиларди. Бошқалар гўёки ёш бола эди ҳали, бошқалар ёрдан олдин қуролни кўкрагига босишганди. Умуман, ўн саккиз — йигирма ёшли йигитчалар учун ҳаёт ўз накли-шамойилини кўрсатиб улгурмаганди, қисмат шўрликларнинг манглайларига қора чизик тортганди. Пешонаси қора эди уларнинг.

- Ринат, жангда нимани ўйлайсан, тўғриси айт.

- Очиги, каллам ишламай қолади. Ҳеч нарсани тушунмайман. Ўзимни кутилмаган бир мўъжиза туфайли бошқараман. Агар снаряд учса ёки отилса қандай қилиб, тезлик билан ётиб олганимни билмайман. Мени нимадир бошқаради.

- Гапинг тўғри. Йўқса снаряд товуши билан биргалликда одам ўзини химояга чоғлаши вазирати. Одам снаряддан тезроқ ҳаракат қилади, одам ўқдан тез учади.

- Жанг пайтидаги ахволингги хеч қачон тушунтириб беролмайсан, - деди Ринат.

Биз биттадан «Донские» тутатдик. Мен ухлаб турганим учун совук котяпман деб ўйловдим. Аслида иссиғим балан-длашаётгандай эди. Мен ёкимсиз хид ўрнашиб қолган шинеллардан бирини олиб, устимга ёндим-да, яна узала тушдим. Қандай қилиб бўлса ҳам куннинг ўтишини истардим. Бадбўй омборхонанинг нимкоронғу бурчагида шинелга ўралиб олиб, Лилия хақида ўйладим. Мен кечаги воқеаларнинг содир бўлганини тасаввур қилолмадим. Негадир бу туш деб ўйладим ва бунга ишондим.

Эшик очилиб, Нурмахоннинг шаъфиллаган овози эшитилди.

- Ойкездим, биродарлар. Тушликни ҳам шу ерда қилиб, кейин чиқамиз.

У қўйнидан битта буханка пош чиқарди. Чўнтагидан уч-тўртта оққанд олиб қўйди. Ринат бўшаган сувдонни олиб ташқарига чиқди. Энди омборхонанинг қоронғу бурчакларига ҳам кўзим кўникди. Нурмахон пошни бўлаклаб эски тўшакча устига қўйди.

Рога қуролларини тозалаб бўлди. Броня паркдан қайтибди. Тушдан кейин бу ердан тўрваларни олгани келишаркан.

- Жангга чиқарканмизми? Сенга ким айтди?..

- Рогада шундай гап. Хали номаълум. Тайёргарлик кўришмоқчи шекилли. Механик-операторлар ўқ-дори омборига бориб, снаряд, граната олишади дейишяпти, - Нурхон гўё ўзини бепарво тутиб гапирётган бўлсам, ваҳимага тушаётганини билиб турардим. Мен ўзимни хеч нарсага эътибор бермаётганга олдим.

- Полкдаги бир хил кунам одамнинг меъдасига тегади. Айланиб туриш керак. Казарма, ошхона, коровулхона, парк. Жуда зерикарли-ку бу. Бизам у-бу нарсани тайёрлаб қўяйлик. Ким билади дейсан, бу кечаёқ йўлга тушишимиз мумкин. Овқатлангач, шу ерда тўрваларни тайёрлаб, казармага олиб борамиз. Кийим-кечакнинг янғисидан ажратиш керак. Иложи бўлса, ошхонадан сабзи-пиёз, ёғ олволайлик. Бизга беришадиган кунлик овқати етмай қолиши мумкин. Неча кунга кетаётганимиз номаълум. Хамиша икки-уч кун дейишади, кейин ойлаб қолиб кетамиз.

- Шу ердаям қорнингги ўйлайсан, Бойбиш. Худди

очдан ўладигап одамга ўхшайсан. Назаримда, овқат учун тувилгансан.

Э, бу ерда одам галати бўлиб қоларкан.

· Хеч нарсадан хазар ҳам қилмаскан.

– Нима демокчисан?

· Айтмоқчиманки, биз хайвонга ўхшаймиз.

· Бўлди, донолитинг кўзимасин, энди.

· Ха, майли. фақат анови тўрвани олиб оёғимни таги-га қўй, илтимос. жуда совук қотаяпман. У менинг чўзилиб олиб иш буюришимга нарво ҳам қилмади.

Сенга бир гап. Шундай қилиб ошна, афғондан кейин ўқишни давом эттирасанми?

Албатта. Хўш, нима демокчисан?

Малим бўлиб чиқасанми?

Балким.

Сен пединститутни бигириб, офицер бўлмайсан-ку, буни устига сал хардамхаёдроқсан.

Менга кара, Бойбиш. Сендан тузукроқ экандирманки, ўқишга кирганман. Институтда ўқиганман. Озми-кўими тушунчам бор, оғайни. Болакайларни ўқитиб юравераманда.

– Ўрис тили малими бўламан де?

· Нимага плама қияпсан, хой.

· Ха, энди ўрисчани сувдай симириб юборгансан, алоқада комбатга берган ахборотишгни эшитиб, роса кулдим. Кимки алоқада турган бўлса ичаги узилди. Сенинг қовушмаган гапингни шўрлик комбат зўрға англади-ёв, ўзиям роса уялиб кетди. Ротний сени «ўрис адабиёти институти» да ўқийди, зиёли, деб оператор қилиб қўйувди.

– Ўрисчага сал йўқман, барибир институтда биринчи курсни бешга битирдим. Хархолда ўрис адабиётини оз-моз биламан. Тил билмаслик илмсизлик дегани эмас. Сен тушунармидинг буни.

– Ха, бўпти. Бироқ, сал нервиннироқсан. Болаларни ўриб-сўкиб тащлама, деялман-да.

· Хов, менга кара. Жағлари очилдими? Сенга ким айтаяпти, болаларни ўқитаман деб.

– Ўзинг.

– Ҳазилингни қўй, Бойбиш. Афғондан кейин, ишлашимга кўзим етмаяпти, ошна. Тўғриси, мен у-бу нарса ёзмокчиман. Ўқишни журналистикага айлантираман. Насиб

қилса, ёзувчи бўламан, умуман одамлар хақида, сен тўғ-рингда ёзаман.

— Армиядан олдин ҳам ёзганмисан. Тўғриси, айрим гапларинг чолларникига ўхшаб кетади, сени балатирок деб ўйлаб юрардим.

— Бойбиш, бизнинг ёшлигимиз қолмади, ошна. Болалик, навқиронлик, дарёнинг нариги томонида қолиб кетди. Бу ерда ўлим ва сен борсан. Уруш. Манави қоронғу дунё бор. Билдингми. Сен ўзингни ўн тўққиз ёшдаман деб ўйлайсанми ҳалиям. Одамзод танаси навқирон бўлиши мумкин, бироқ кўзидан қарийди. Бизнинг кўзларимиз кўп нарсани кўрди. Бойбиш, агар кўзига ёш келса одам шу лахзанинг ўзида беш йил яшаб қўйган бўлади. Ёш келавериб, бизнинг дийдамиз котиб кетди, ошна. Мен шундай темир бўлиб қолганлигимиз, кўксимизда муштдек тош котиб қолгани хақида ёзмоқчиман.

· Уруш фақат қаҳрамонлик эмаслиги хақида ёз.

— Уруш ҳеч нарса эмаслиги, бу ҳақда ёзини нақадар оғир эканлигини одамларга тушунтирсам бўлди.

— Уруш кўркув. Кўркув — эсингни йўқотиш. Эсингни йўқотганингда эса сенга барибир. Мен жангда тириклигимниям, ўликлигимниям унутиб қўяман. Чорикордаги жангни эсла, ҳамма тентакка ўхшаб, югуриб қолувди, одам қутуриб кетаркан. Жангдан кейин кўпчилик, ярадор бўлмаса-да госпиталга жўнатилади. Ўзини эплаганлар ҳам анча кунгача аслига қайтолмай юрди. Шундан бери урушга чиқамиз, деса оёқ-қўлим бўшашиб, юрагим увишади.

— Бойбиш, сен бизчалик ҳеч ким хору сарсон бўлмаслигини ўйлаганмисан?

— Оз-моз.

· Биз бу ерда беҳуда дабдаламиз чиқиб юрганимизни хис қилоласанми? Бойбиш, биз расволар ва нодонлармиз.

— Нима қилиш керак? Урушга чиқмай қолишни йўлини тополасанми?

— Йўқ. Урушда ўликларгина урушга чиқмайди.

· Буни яхши биламан. Мана сенинг ўзингни ҳам аффонга ўтгандан кейин кўзинг очилди. Ҳарбий ўқув пайти ҳеч нарсани тушунмасдинг. Аффонистонни — қаҳрамонлик майдони дердинг. Мана сенга жасурлик кўрсатишининг вақти келди. Эртага урушга чиқамиз, отамиз. Танклар, БМПлар, БТРлар, портлашларни кўрасан, шундайми? Бизни роса алданган-да, энағарлар.

– Бу Давлатнинг ўйини. Қўй, э, онасини.

Ўйиннинг бунакасини нима деб аташ мумкин. Ниманинг ҳазили бўлмайди, ёзувчи бола биласанми?

Нурмахон жим бўлиб қолди. Бошим дўқиллаб овирди. Қовоғим овирлашди. Ринат яримлатиб ташлаб кетган сигаретни олиб лабимга кистирдим. Гугурт чакмоқчи бўлгандим, кўлларим калтираётгани баттар хўрлигимни келтирди. Энди ичмасликка, исқоти чарсини чекмасликка аҳд қилдим. Шунини чекиб олсанг кўн нарсани унутасан, муҳими қўрқув хисси йўқолади, урушда шу ҳодиса эса кўл келади. Зобитлар чекиб олганини билишади, бироқ ҳеч нарса демайди. Уларга ҳам сенинг жасур бўлиб қолишинг керак. Умуман, сен ўзингдан йироқлашмай туриб, ёвуз ишларни бажаролмайсан. Урушда ақлинг жойида туриши бўлмаган гап.

Ташқаридан қадам товўшлари эшитилди. Дархол бурчакда уюлиб ётган ашқоқ-данқоқлар орасига беркиниб олдик. Эшик бир зарбда очилиб, Мўмин билан Юра кириб келди. Қўйинлари дўннайиб турибди. Биз ўрнимиздан туриб, уларни роса санғиганидан қойидик. Ошхонадан овқат олиб келишибди. Биз шинел устига қозонни қўйиб, Ринатни кутдик. Зах қоллаган омборхонани шўрва хиди тутди. Менинг иштахам очилди. Бироздан сўнг Ринат темир қутида қуюлтирилган ширин суг, печенье ва сув олиб келди. Биз роса очикқандик. Дархол, чурқ этмай, овқатни туширдик. Қорин гами кетгач, омборхонани титкилаб, ҳар биримиз ўзимиз учун жанг тўрвасини тайёрладик. Жанг тўрвага учтадан сувдон, олтига ўқдон, пийма, қол кўрна, хандаккурак жойладик. Ўқ дори, хабармушак ва озиқ-овқат казармада тарқатилади. Умуман олганда, техникалар паркидаги темир-терсак омборхонасидан қолган-қутган камчиликларни тўғрилаб қўйсак бўларди. Жанг тўрвалар ҳозирлангач, бурчакка яшириб, ташқарига чиқдик.

Хаво тоза эди. Ёмғирда чайилган тоғ-адирлар гўё кўл узатсанг етгудай яқинлашиб қолган. Атроф тин-тиник. Қисм худудига ҳам аллақандай файз кирган. Казармалар кечагидай ғариб ахволда эмас. Осмонда паға-паға нур ичириб эркалаётгандай – тоғ борлигини чароғон этади, тоғ сурув булутлар ортида паналайди.

Казармада ҳамма ўз иши билан банд. Аскарлар уруш тадоригини кўришмоқда. Ичкарида ўқ-дори, қисмларга ажратилган яроқлар сочилиб ётибди. Жашгчилар тўп-тўп бўлиб,

яроғини тозаланимоқда. Мен қуролхонадан автоматимни олиб, текшириб кўрдим. Қуролимни жангда панд бермаслигига ишонч ҳосил қилдим. Эрталаб йўлга тушишимиз аниқ бўлгач, омборхонага яшириб қўйган жангтўрвани олиб келдим. Каравотим тагига жойлаштириб, навбатчидан кўзқулоқ бўлиб туришини илтимос қилдим. Механик ва операторлар ҳали техника паркидан қайтмаган эди. Мен Ринатдан машина жангга шайми, деб сўрадим. У менга шубҳа қилма, ўзинг снарядларни тўлиқ юклаган бўлсанг бас, отув милини тозалаганмисан, деди. Умуман олганда, машинани ўтган кунни урушга ҳозирлаб қўйгандик. Мен кечки овқатгача ухлаб олишга қарор қилдим. Ечинишга ҳам эриниб, ўзимни каравотга отдим. Нурмахон билан Мўмин техника паркига кетишди. Ринат ҳам ухлайман, деди. Юра қурол тозалашга киришди. Казармада авжига чиққан бақир-чақир оғушида уйқуга кетдим.

IV

Кечки понушта пайти уйғондим. Ротанинг тенг ярми ҳовлида саф тортган эди. Казармада взвод командири Ермелин қолганларни тезроқ ҳовлига чиқиб, қаторга туриш учун кисталанг қилаяпти.

— Ҳе, онангни фалон қилай! Тезроқ бўл, кимирла!

Телпагини кўлига олиб, айримлари гимнастёркасининг бир енгини кийишга ҳам улгурмаган ёш аскарлар тапур-тупур қилиб кўчага отилишди. Бундан рухланган Ермелин овозини тағин бир парда баландлатди.

— Тезроқ кимирланглар. Нима онангни курортида дам олаяпсанларми? Озгина имкон берсак, бошимиздан туриб, ҳамма ёқни булғатасанлар, ҳамма кўчага. Учгача санайман. Бир, икки... икки ярим...

Мен ўрнимдан шошилмасдан туриб, ювингани чиқдим. Ермилини менга бир қараб қўйди-да, тағин, яқинда келган аскарларга ўшқира кетди, ҳали айрим «қари аскарлар» каравотда доғ қотиб ухларди. Ермилан ўчини ҳам «чижик»лардан олаётганди. Мен ювиниб келиб, Ринатни туртиб уйғотдим. Бу пайт ҳамма «қария»лар казармани тарк этаётганди. Кечки овқатга бориш учун сафга туришимиз шарт эди, чунки рота командирининг ўзи назорат қиларди. Рота энг охириги аскар келиб сафга қўшилмагунча кўчада турди. Бошқа роталар аллақачон ошхонага кириб бўлган, биз командирнинг инжиқлиги учун эмас, тартиб шитизомни

мутлақо бўшаштириб юборганимиз учун «жазоланаётган» эдик гўё. Рота нонуштага ярим соат кечикиб кирди. Овқатланаётганимизда ҳам командир кузатиб турди. Ҳеч ким бошқа столга кўз олайтирмади. Ҳеч ким ҳеч кимнинг бошига чўмич ё ликопча билан туширмади... Назари очларни командирнинг салобати босиб турди... Кечки нонуштадан сўнг рота казарма олдида яна саф тортди. Командир эртага жангга кетишимизни маълум қилди. Керакли асбоб-ускуна, анжом-аслаҳаларни шай қилишни, йўкса бутун рота бу кеча ухламаслигини айтди. Кўпчиликнинг гезабини кўзитса ҳам у албатта, айтганини бажартирар, бир сўзли, самимий, довюрак инсон эди... Барибир аскарлар рота командирини яхши кўрардилар. Урушда юраги бор, иродаси мустаҳкам зобитлар қанчалик қаттиққул ва бешавқат бўлмасин, уларга ҳамма хавас қилади, кўпчиликнинг эътиборида бўлади. Зобит учун эса энг муҳими қўл остидагилар назарига тушишдан ёзга юксак шуҳрат ва мукофот йўқ...

Казарма ичи тўс-тўполон... Аскарлар тезроқ жангга тайёргарлигини кўриб, эрталабгача ухлаб олиш пайида. Ҳамма нарсасини тахлаб улгурганлар темир совут, автомат ва каскасини каравоти ёнига қўйиб, уйкуга кетишган. Мен ташқарига чиқиб, сигарет чекдим. Кўкда юлдузлар гужбон. Ой охишта сузади, гоҳо пар булутлар орасида кўринмай кетади, бироздан сўнг яна қалқиб чиқади, тун бошидан шовуллаб ой сути — тиниқ нурлар тўкилади. Менинг назаримда зулмат билан ёрувлик жанг қилаётганга ўхшайди. Бирпасда зим-зиё тун чўқади, тагин ойдинлик инади, ой ёғду сочади. Олисида, тоғ томонида кўкка ёнувчи ўқлар тизмаси санчилади. Пулемёт ё автоматларнинг тариллагани элас-элас қулоққа чалинади. Ёнувчи ўқлар тизмаси энди хар томондан учади. Душман ота ётибдими, бизникиларми билиб бўлмайди. Бундай тиниқ кечалари уйқунг келмайди, руҳинг тетиклашади. Кенгликларни айлансанг, анови кенгликлар бағрини ёриб кўкка узлуксиз ўқлар учяпти, одамларнинг ич-ташини хавотир смираяпти. қанчалаб кишилар кирилиб кетаяпти.

Мен кайфиятимни кўтаришга, имкон қадар бўлмагур хаёлларга чалғимасликка ҳаракат қилардим. Кайфиятимни туширмайдам олишим зарур эди. Эртага барвақт туриб, йўлга тушамиз. Бошим чароғон бўлиши керак. Ҳеч қандай ваҳимага ўрин бермайман. Пенюнада борини кўраман. Ахир биринчи марта эмас-ку. Э, одам қанчалик эътибор берса,

шунча ваҳимага тушади. Қарасанг-чи, ойдин кеча, атроф пурли, осмон сирли. Баҳор ҳавоси кўнгилни яйратади-я. Мен яна битта чекаман-да, бориб ухлайман, эрталаб эса азонда туришим зарур, йўлга тушамиз. Нима кишти, икки-уч куп айланиб келамиз-да. Ҳозир унчалик отишма бўлмаса керак. Гарdez Чорикордай хавфли жоймас. Эй, кўй, шунга ўзингни кўярга жой тополмай қолдингми. Ўзингни бос, ҳеч қандай кўрқув бўлмаслиги керак юрагингда. Биринчи гал рейдга чиққанингдаги ҳолни эсла. Шер эдинг гўё. Кизик, ҳаётингга ҳеч нарса келмабди-я. Тезроқ душманга дуч келсам деб ошиқибман. Мана битта чекаман. О, ўзиям «Охогничий» яхши сигарет. «Донские» бошни тамом қилади. Рота хали ухламайди. Қисмини айлансаммикан?.. Нима кераги бор. Бундай кечаларда кишлоқнингни кўчаларида юрсанг, атрофингдаги кишлоқларнинг чироклари гужгон кўринади. Мормин, Хўжасоат, Обпир, Чен. Худди, юлдузлар ўша кишлоқлар тепасида муаллақ туриб қолганга ўхшайди, аслида улар уйларда порлаган чироклар бўлиб чиқади. итлар тинмай ҳуради. Ҳамма ширин уйқуда. Майин шабада эсади. Сен эса сайр қилаверасан. Ҳозиргидай ҳузур-халоватни гўзал кеча оғушида фақатгина кишлоқнинг, ота-онани оғушида ухласанг мазза-да. Бизнинг уйдагилар ҳозир нима қилишмаяптикин. Отам ухлаб қолган. Бечора ишдан роса чарчаб қайтган. Онам, укаларим, катта энам уйғок. Нима ҳақида гаплашишмаяптикин. Балки, мени эслашаётгандир. Ахир мен ҳам уларни ёдга олашиман-ку. Улар мевдан хавотирланишади. Бу ерда уруш. Ўлиб кетишинг мумкин. Мен ўлишни ҳеч қачон истамайман. Мен сизларни ташлаб кетмайман, хали учрашамиз жигарларим. Эй, худо, ўлмайин, бу сафарги жангдан ҳам омон қайтай. Ўлмайлик, ярадор бўлмайин. Худойим, ўзинг паноҳингда асра.

Мен ҳаёл билан бўлиб, аёллар модулига яқинланиб қолибман. Бироз кимир отмай турдим. Яна сигарет тутатдим. Модул эшиги олдидаги қоровулни аниқ кўрдим. Аёлларни кўриб туриш жангга боришдан минг марта оғирлигини сезаётганимкин у. Бундай ойдинликда беркиниб бўлмайди. Уни бел-олти қадам наридан туриб қайси ротадан эканлигини таниш мумкин. Афвонда қанча хизмат қилдикин? Агар «қария» бўлса, аёллар модулига қоровулликка туришдан ҳазар қиларди. Ўлдириб ташласанг, кечаси билан бу жойни «боқиб» чиқмайди. Чижиклардан бирортаси-

ни кўйишгандир. Хали бирор марта бизнинг ротадан аёллар модули, хонага навбатчиликка туришмаган. Йўқ, урушга чиқадиганлар, жангга яроқлиларни ҳеч қачон хотинлар қорувли эгиб тайинламайдилар. Штабдан бошқа жойни кўрмаган, югурдак ёзарлардан бўлса керак. Уларга бари бир, ўлдирсанг ўлдир, ичимга тепма деб ётиб олишади, урушга чиқмасалар бас, қисмдаги ҳар қандай юмушни бажарилсини ор билмайдиган бу тахлит кимсаларни «штаб товуклари» деб тўғри айтишади. Йўқса, штабга ёзар бўлишармиди, думба бойлаб, тўйиб ухлаб, озода кийиниб юришармиди. Бу оқбиллақлар умрида автомат отиб кўрмаган, жанг деса иштонини хўллаб кўйишади. Бироқ қисмга келадиган жами махфий буйруқ ва тошшириқларни энг аввал шулар эшитишади. Улар ўзларини қора аскарларга нисбатан балаandroк тутиб урушда уруш кўрмай юрганларига шукрона айтишади. Жангчилар уларнинг айримларидан қаттиқ нафратланишарди, чунки штабдан чиқмай кўксига «Қизил Юлдуз» ёки «Жасорати учун»ни такиб олган ёзарлар, жангда ўлиб-тирилган аскарларга аталган мукофотни ўзларига ёзиб юборишади. Ҳеч ким ҳеч нарсани суриштириб ўтирмайди, афсонада жанг қилаянғими, демак қаҳрамон бўлишлари керак. Э, э, ҳамма томоннинг дабдаласи чиқиб кетган. Хатто ҳарбийда ҳам ҳақиқат йўқ. Урушда ҳам бир-бирини алдайдилар булар.

Модулга киришга негадир хафсалам йўқ эди. Кўнглимга кил сигмаяпти. Ўзимни шунчалик абгорхол сезардимки, ҳеч кимга дуч келишни истамасдим. Қанийди, ҳозир ҳеч кимса йўқ кенгликка тушиб қолсанг. Ўзидан ўзи хўрлиги келаётган одамнинг кўнглига ҳеч нарсаси малҳам бўлолмайди. Агар ҳозир мендан кўнглинг нимани истаётир деб сўралса, лом-лим деёлмасдим. Чунки мен карахт эдим. Мен ҳаммадан ҳаётдан, ўзимдан нафратланаётгандим, тўйиб кетгандим. Лилиянинг олдига бориш учун мен ўзимни кадрлай олишим, ўзимда шу нарсага маънавий тайёргарлик кўришим керак эди. Одам ўзини тамоман йўқ деб ҳис қилса ва бунга ишонса, у кўп нарсадан маҳрум бўлганлигини пайкаб қолади. Хўш, нима дейман? Қийишанглаб, Лилия мен эртага урушга чиқаяман дейманми? Тағни ундан мурувват тилайманми, эркаланаманми? Қандай қилиб? Ахир мен ич-ичимдан идраб, тутдай тўкилиб бораяман-ку?!..

Қайтиш бегир эди, аммо мен казармада дам олишим керак, эртага йўлга чиқамиз.

Казармада шовқин-сурон тинмаганди. Аскарлар бурчак-бурчакда ўтирволиб овқатланишяпти, чекишмоқда. Бошқалар жангга тайёрланишмоқда. Янги келган жангчиларнинг тараддуди халиям битмаган. Нимаки дуч келса, жанг тўрвага солишмоқда. Жангчиларнинг ҳазул-хузули, «онанг-ниси» эшитилади, тохида бир томондан бошқа тарафга кирса этик учиб қолади. Кимдир войвойлаб, ғазаб билан сўкинади, кулгу кўтарилади. Кўпчилик тумба устига энгашиб олиб уйга мактуб ёзишмоқда. Жанг олдидан одат бўйича, ҳамма яқинларига хат жўнатади. Мен онамга мактуб ёзиб, каравотга чўзилдим. Эртанги кун ҳаяжони юрагимни ғани қила бошлади. Кўзимга уйқу келмади. Мен ўлим ва тириклик оралигидаги масофада тебранаётган кимсага айлангандим. Хаёл суриш, азобланишга маҳкум этилгандим. Шу ерда, мана шу казарма ичида мен билан бирга нафас олаётган, эртага мен билан бирга жанг қиладиган, эҳтимол, эҳтимол мен билан бирга ярадор бўладиган ёки ўладиган қуролдошлар ҳам менчалик эзилаяптимикин, улар ҳам мен каби ўзларини тушунмаяптимикин? Ёки одам ўлими яқинлашиб, ё бирор фалокатни сезса, худди менинг ахволимга тушиб қолармикин? Ахир менда илгарилари бундай ҳолат бўлмаган-ку сира? Мен ўрнимдан туриб, қуролхонадан қалин темир нимчани танлаб, бошимга келтириб кўйдим. Хар эҳтимолга қарши олтига ўқдон олиб, жанг тўрвамга жойладим. Ўқ-дори машинада етарли эди. Старшинадан ўн қути сигарет олиб тўрвага солдим. Тагин нимадир қилишим керакдай эди. «Чижик»лардан бирини чақириб, гимнастёркамга оқ ёқа тикишни буюрдим. Ўзим мажбурлаб бўлса-да, ухланам керак эди.

Инсон ҳар қандай вазиятда ҳам ўзининг бахтли эканлигини, гарчанд бахт сўзи нисбий эрса-да, бахтиёрлигини сезиб қолади, демакки, олдида бундан-да кесмикрок, нотугал, ғамгин кунлар бор. Назаримда бу кечалик бахтим — менинг тириклигимда эди. Бутун инсоният бахт ва бахтсизлик тушунчаларини ўзини овутиш учун ўйлаб топгандир. Хаёт ва ўлим оралигидаги қўрқув қанчалик улғайган сари, инсон ўзини халокатга шунчалик тез тайёрлайди ва кўникиб боради. Биз айтган «тириклик — бахт»! деган зўракилик эса жудаям қулгили бўлиб қолади.

Барибир ухлай олмадим. Казармада энди у ёқдан бу ёққа беҳуда ўтавериб, асабни сгувчилар камайиб қолганди.

Тўртинчи взвод ётоғида овқатланиб бўлган Ринат ёнимга келди. Кайфияти тетик. Тағин тортишибди.

— Нега бизнинг олдимизга бормадинг, — деди у каравотига ўтириб. Ринатнинг юзидан қон қочган, кўзлари қизаришқираган эди.

Иштахам йўқ.

— Зўр дори бор экан. Бир тортсанг вообше, тахта қилади.

— Ҳамма нарсангни тайёрлаб қўйдингми?

— Ҳам ема. Аллақачон тўғрилаганман. Мени биласан-ку. Биринчи сафар чиқаётганимиз йўқ-ку. Яхши томони, бутун армия қатнашаркан бу сафар ҳам.

— Бутун армия қатнашса байрам бўладими, — дедим ёғжиниб.

— Ҳар ҳолда шунча дабдаба — техника-ю бесаноқ одамнинг ичидан бир сенга ўқ келиб тегмас. Тағин ким билади, пешонангдан кўрасан. Душман ҳозир анойи эмас. Тўрттаси бир полкни ётқизиб турғизади.

— Шу ерда туғилиб-ўсгандан сўнг, наст-баланд, ўнқир-чўнқирини яхши билгач, албатта афғоннинг қўли устун бўлади-да.

— Э, булар тоғнинг ичига кирволиб, ҳар замон-ҳар замон бир отиб қўяди, шундаям кимнингдир ёстиғини қуритади. Биз бўлсак дарров артиллерия билан соатлаб ўққа тугамиз, сўнгра самолётларни юборамиз, охири пиёдалар чиқади. Шунда тутдай тўкиб ташлайдилар.

— Ринат, шу сафар жангга сираям чиққим келмаяпти. Сен барибир мен билан бўласан-ку, бир фалокат рўй бермаса гўрғайди.

— Э, ҳаммада бўлади бу кайфият. Биз ҳозир нега чекдик, нега. Э опасини, салғийсан-да. Чекамизми?

— Яхшилаб ўра, майли.

Ринат бир зумда «Донские» сигарети тамакисини кафтига тўкиб, чарс билан қўшиб эзғилади. Зобитлардан бирортаси кўриб қолмасин учун мен эшик томонга қараб турдим. Чарс тайёр бўлгач, икковимиз ташқарига чиқдик.

— Бу кўйлик қилади. Роса кўн кўшдим. Сен анови бурчакда кутиб тур. Мўмин билан Юрани бошлаб чиқаман, — деди Ринат ва ичкарига қайтиб кирди. Мен ой ёруғида, казарма бурчагида паналаб турдим. Учаласи келишгач, модул тарафга ўтиб, чарс тутатдик. Ҳавони бирдан чарснинг ўткир хиди қоплади. Чарс чинданам ўткир

эди. Бир тортишимданок миям карахтлашиб, юзим совуқ-котди. Мен лаҳза сайин мутлақо бошқа одамга айлана бошладим. Иккинчи галги тортиш мени тамом гапгитиб кўйди. Кўзим юмиллиб, атроф чириллаб айлана бошлади. Ютинсам, кулоқларим битиб қолаверди. Мен ёнимдагиларга ҳам эътибор бермай, казармага қараб югурдим. Қушдай еншил, назаримда учаётгандай эдим. Кўнглимда ҳеч қандай ғам-андухнинг сояси қолмади. Негадир кулдим. Казармага кирганимда томоғим бўғилди. Бир амаллаб жойимга бориб куладим.

V

Сахарлаб техникалар сайилгоҳ ёнидаги ялангликда тизилди. Дастлаб саф бошига танклар қўйилди. Санёрлар ротасига тегишли БТРлар йўл текширувчи тухумли¹ танклардан кейин турарди. Сўнгра разведкачиларнинг БМПлари йўлга тушади. Кейин мотоўқчи батальоннинг роталарига тегишли БМПлар ҳаракатланади.

Алоқалар келишилган санага мосланиб текширилди. Ҳар бир рога ўз атамасига эга эди. Деярли ҳар бир ҳаракат рақамлар орқали ё бирор нарсага нисбат бериб айтилар, алоқада сир сақлашга катъиян эътибор қаратиларди. Дейлик, олдга юришга буйруқ берилса, 73 дейиларди, 61 тўхташ ишораси. Хуллас, алоқада мутлақо сирли гаплашилларди. Рота командирларига юриш харитасидан ташқари, алоқада қўлланиладиган, сўз ўрнини босувчи турли хил рақамлар ёзилган қоғоз ва уларнинг изоҳи берилган эди. Бундан ҳар бир аскар, асосан БМП-2 операторлари хабардор бўлишлари керак эди. Чунки оператор ҳамisha алоқада туриши, механикка йўл кўрсатиши, керак пайти буйруқ асосида машинани бошқара билиши шарт эди.

Қисм тонг пайти йўлга тушди. Мен шлемофоннинг қий-чувидан асабим бузилиб мудраб борардим. Колонна полк ҳудудидан чиққач, «операторлар ҳушёр турсин», деган буйруқ бўлди.

Мен сигарет тутатиб, бамайлихотир борардим. Барибир то Кобулдан чиққунча бизни ҳеч ким отмасди. 5-6 километрдан сўнг Кобул шаҳри бошланади. Сўнг шаҳарни кесиб ўтардик-да, жануб томон -- Гардез тарафга бурилардик. Шунда аскарлар машина устида мудраб боришарди.

¹ Тухумли — танк олдиданги мослама.

Ахён-ахёнда Юра кўзи уйқуга кетган аскарларнинг бошига автомат қўндоғи билан тушириб қоларди. Нима тўполонлигидан беҳабар жангчи шўрликнинг кўзи ола-кула бўлиб кетарди.

— Нега ухлайсан-а! Хе, онангни. Ҳозир машинадан кулаб тушсанг, заводнингга қайтиб кириб кетасан.

Аскар чурқ этмай, бошқа томонга қараб, сигарет тутатарди. Бу ерда қоровулликда туриб ё жангга кетаётиб, машина устида ухлаш уят саналарди.

Кобул шаҳри аҳли дунёни ларзага солиб ўтаётган шўро қўшинларига даҳшату хавотир билан қараб қоларди. Йўлда ҳар қандай машина биз ўтиб кетгунимизга қадар ҳаракат қилмай четда турарди. Дўқондорлар совуқ ва ясама табасум билан, кўркқанидан жилмайиб, таъзим қилиб кўярди. Савдо-сотик деса томдан ташлайдиган бу қавмдан кўра кўрқоқроқ зотлар йўқ эди дунёда.

Лекин бир нарсасини сотиб олмоқчи бўлсангиз, сизни авраб ташлардилар. Ҳарҳолда Кобул тинч шаҳар эди. Ҳар муюлишида Совет аскарлари ва маслаҳатчиларини кўриш мумкин эди. Элчихона атрофида эса ўрис аёллари бемалол юришарди.

Колоцца шаҳардан чиқиб, жанубга қайрилгач, атрофи тоғлар билан ўралган текис йўлга тушиб олди. Баҳор хавоси кишига тетиклик бахшида этарди. Осмон пасайиб қолгандай, тин-тиник. Тоғлар жуда чиройли кўринади. Йўл нишаблика кўтарилган сари қуйида ястанган кўм-кўк яланглик, тез оқар дарё, пастқам-пастқам уйларни кўмиб юборган яшилланган дарахтлар тугал бир гўзал манзарани намён этмоқда. Шундоқ пойимизда табиат деган улкан мусаввир мангу гўзаллик сувратини чизаётганди. Табиатнинг сариқ чақалик иши йўқ, сен билан. Кўлингга қуролинг борми, отаянсанми, ўлаянсанми. Самолёт ва артиллериянг билан давдага қилаянсанми, унга асло аҳамияти йўқ эди. Ён-атрофни истаса, мановиндай яшилликка бўяйди, истаса, оққа ё сарғишга, хоҳласа, борлиқни шир яланғоч қилиб тасвирлайди. Шундай бир мўъжизакор қуч борлигини тасаввур қилолмаган, талмовсираган сўқирдил инсонлар тириклик илдизини қирқиш, бир-бирини ўлдириш, кўзларини ўйиш, юрагини еб, ҳузурланиш пайида эдилар. Урушда одамлар бир-бирини эмас, тирикликни йўқотаётган эдилар.

Биз нишабликнинг энг баланд чўққисига кўтарилганимиздан сўнг, Гардезгача тағин 15 чақирим йўл қолган эди.

Бу йўлдан кечадан бери 5-6 та қисм ўтиб бўлганди. Дастлаб юрган қисмлар йўлда мудофаада турарди. То Гардезгача ўша олдин келган қисмлар йўлни қўриқлаётганди. Биз тундан сўнг Гардезга етиб келдик. Кенг майдонда икки соат дам олишга рухсат берилди.

БМП-2 ва танклар доира шаклида жойлаштирилди. Отув миллари ҳар томонга тўғриланди. Жангчилар техникалар панасида олов ёқишиб, картошка ва гўшт солинган идишларни очиб, қиздирдилар. Хавони димокни қитикловчи хид тутди. Тўрт томонга қоровул қўйилди. Овқат еб тугатилган идишларда ҳар ким ўзи учун чой қайнатди. Биз жуда тез тамадди қилдик. Олдиндаги йўлда ҳеч қайси қисм ёки батальон химояда турмасди. Бизнинг полкка Лангар деган жойга кириб бориш ва вазиятга қараб иш тутиш юклатилди. Шундай экан, ҳали Лангарда қандай томонга бўлиши на бизга, на штабдаги йирик қолдузларга маълум эди.

Вазиятга қараб иш тут дегани, ҳар ким ўзини эпласин, қайси йўл билан бўлса-да тошпирикни бажарсин, ҳам жони омон қолсин, дегани эди.

Колонна оғир силтанди. Беш-олти чақирим ялангликдан сўнг қишлоқ бошланди. Йўл яқинида уйлар кўринмас, атроф дарахтзор эди. Кўча бўйлаб портлаган ҳарбий техникалар, ўк гилзалари уюлиб ётарди. Қишлоқнинг бошланишиданок ваҳима сезиларди. Техникалар тезланди. Ўпирилган уй ва қулаган деворлар, хумрайган қўрғонларга қараб, этинг жулжикиб кетади. Армияни кўз илғамас бир шарча таъкиб қилиб келаётганга ўхшарди.

Колонна ичкарига кириб бўлди. Бизнинг батальон сайхонликда томлари кўринган уйлар рўпарасидан анча берирокда, дарахтлар панасида ўрнашди. БМПлар аниқ масофадаги ораликда қишлоққа қаратиб қўйилди. Пиёдалар машиналар атрофида хандак қаздилар. Отув милларининг оғзи нураб улгурмаган уйларга тўғриланди. Мен атрофни диққат билан қўзатдим. Пастликда уйлар ва дарахтларнинг гина кўриш мумкин эди. Агар отишма бошланса, тўғридан тўғри сайхонликка снаряд ёғдириш мумкин. Алоқада батальон командири жангга шай туришимизни, агар бирорта ҳаракатни сезсак, ҳеч бир сўровсиз отишмани бошлашимизга рухсат берди. Қишлоқда бир шарча қимирламаслиги, уни ўлик ҳолда ушлаб туриш биз учун зарурат эди.

Осмон ерни босиб қоладигандай. Жимлик. Дарахтларнинг учи қилт этмайди. Совуқ сукунат. Шлемофонни

очиб, алоқани узиб қўйдим. Хавонинг тафти иссиқ. Мен ўзимни бўғилаётгандай хис қилдим. Рота командири машина ичкарасида ўтириб, кузатув ойнаси орқали атрофни томоша қилаяпти. Менга шундай туюлди. У жанг кўрмаган, қизиқади. Афғонга яқинда келган. Унга қараб кулгим қистади, очиги, ачиндим. шўринг қургур, ҳали чинакам жанг қандай бўлишини тасаввурига ҳам келтиролмас керак. У бор-йўғи бошлиқ, зобит, бироқ жангчи эмас. Қанақа жангчи эканлигини эса жангда кўрамиз. Урушда асаби мустаҳкамлар, ичидан тўкилиб, адо бўлмайдиганлар ўзларининг расво бўлганликларини, бироқ бунга чидаш зарурлигини тушуниб етадилар. Кўрқоклик ва жасурлик борасида жанг кўрмаган жангчига бир нарса деб сифат бериш адолатдан эмас.

Яна бир даҳшатли ҳақиқат шуки, жанггоҳда кўрқоклик қилганларни, ўзини йўқотиб қўйганларни тушиниш мумкин. Инсон асло темир эмас. Агар уруш даҳшатини англай билиш, фахмланг хисси мавжуд экан, уларга қўл силташни ҳақорат деб тушунаман. Кимдир даҳшатни шу заҳоти, кимдир кечикиб, бошқалар йиллар давомида англаб, юрагини гижимлаб яшайверадилар.

Одамзот урушда икки тоифага ажралади: Иродаси мустаҳкамлар қаҳрамон бўлиб, асаби дарз кетганлар эса кўрқок деб ном чиқаришади.

Рота командири алоқада бошлиқларга биз жойлашган нуқтада осойишталик эканлиги ҳамда жангчиларнинг хушёр туришгани ҳақида маълумот берди. Мен машинани отишга шайлаб қўйдим. Ўқ-дори старли эди. Агар қаршимиздаги уйлардан эмас, ёнбошимиздаги кўрғонлардан ўт очишса, дамимизни чиқармай қўйишади. Мен Ринатга агар кўрғонлардан хужум қилишса, ҳеч иккиланмай машинани орқага олишни ва оптимизгга, катта йўл томонга хайдашни уқтирдим. Бунақа вазиятда жангчилар ўз таралдудларини ўзлари кўришлари керак. Ринат буни яхши билади. Нима қипти, жонни сақлаб қолиш керак қочиб чиқамиз. Битта граната туфайли машина-пошинамиз билан нариги дунёга зинвиллаб қолмасак бўлгани.

Мен отишма бўлишини жудаям хохлаётгандим. Манови командир бўлмишининг жанг пайтидаги ахволини бир кўриб қўйиш орзуйим эди. У чинакам урушни кўрмаган, барибир довдираб қолса керак. Балки абжирроқдир, қаҳрамонона жанг қилар, кўрқув парвойига ҳам келмас. Агар чинданам

юраги бақувват бўлса, аскарлар ичида дарров хурмат топади. Гапига қулоқ солишади. Мабодо қуённинг юрагини олиб юрган бўлса, унда расвоси чиқади. Бутун ротадагилар олдида шармандали ном орттиради — ЧМО. Ҳозир Евдокимов улкан бир синов олдида турганини хис қилаянтимикин? Балким у ҳеч ким мени кўрмайди-ку, менинг аҳволимни ҳатто сезишмайдиам, кўрқоқ, ботир эканлигимни қаердан билишади, деб ўйлаётгандир. Хали у бу ернинг ўзига яраша гап-сўзлари борлигидан беҳабар. Барибир ротадаги аскарлар унинг мавқеини бугунги жангда ўзини қандай тутишига қараб белгилашади. Афғондаги зобитларнинг кўнчилиги жангдан кейингина ўз қўл остидагилар билан тил топишади. Агар улардан бирортаси кўрқоқлик қилса ёки ўзини йўқотиб қўйса, аскарларнинг назаридан четда қолади.

Мен Евдокимовни шу жангдаёқ синашни хоҳлардим. Ҳозир айни пайти эди. Агар чинданам довжорак бўлса, сиртига сув юқтирмайди, олдий бир аскар олдида ер билан яксон бўлмайди, хурмати ошади. Мабодо, кўрқоқлик қилса, уни кўрарга кўзим қолмаса керак. Даҳшат! Эгнида қолдузчаси бўлгани учун ҳам унга шунчалик ёнишиб олиш шартмикан. Ахир зобит одам эмасми? Йўқ, урунда зобит ва олдий аскар, ботирлар ё юраксизлар бўлади. Агар инсон ўзини тамомила йўқотиб қўйса, гарангсиб, ўлимга тик боқса, жасоратми?

Жимлик дарахтларнинг учига довур ваҳм кўнғировини оingan эди. Қаршимиздан кўринмас хавф дарахтлар, настқам уйлар, сайхонликни кўтариб, яқинлашиб келаётгандай эди. Ринаг механик хонасининг тена эшигини ичкарасидан қулфлаб, миқ этмай ўтирибди. Ёнимда командир ўриндиғидаги кузатув ойнаси орқали теvarакка қараётган Евдокимовнинг юзидан бирор ҳолатни найқаш амру маҳол. Қизғини, у хали бирортаям сигарет чекмади. Асаби жойида. Чинакамига отишма бошланиб кетса, чидаш берса керак. Шу билан бекор урушга чиқдик. Унинг тош қотган киёфаси фашимни кўзватарди. Шу ротадагиларгаям хайронман. Жангда зобитнинг қадамни пойлайдилар. Қўрқоқлик қилган аскарни тушунадилар, зобитни лаънатлайдилар.

Евдокимов нимадир деб гулдираб қўйди. Кузатув ойнагидан кўзини узмай мени тўртқилади. У безовта эди. Мен ойнақдан тўғрига қарадим. Қаршимиздаги сайхонликдан бир тўда қўй кўринди. Бир оздан сўнг жониворлар арик бўйлаб

ёйилдилар. Сўнгра қўй ҳайдаб чиқаётган болакайни аниқ кўрдим. У бошига гулдўзи дўппи кийиб олган. Қўлидаги таёғи учи билан аҳён-аҳёнда ерга уриб қўяди. Бола атрофга бепарво эди. Бугун қўшиннинг нигоҳи болага қадалганди. Замбараклар, БМПлар, танклар тумшуғи болага тўғри-лаб қўйилган эди.

Орадан чорак дақиқа вақт ўтди. Дунё шу миттигина болакай олдида тиз чўкса, урушни тўхтат деб ёлворса, чинқирса арзирди. Қўй боқаётган болани мен укамга ўхшатдим. Жулдургина кийиниб олибди бояқиш. У ҳозир тақдирга тан бериб чиккан. Бола чинданам ўлим хақида ўйлаб кўрдимикин? Боланинг ёши еттидами? Меининг назаримда болакай ҳаммамиздан кексарок эди.

Бу қишлоқда душман йўқлигига, одамлари хайрихоҳлигига ишона бошлаган қўшинни, ўнг томондаги қўрғонлардан бирида гумбирлаб эшитилган оловли портлаш эсанкиратиб қўйди, сўнгра кетма-кет гранатамётлар ишлаб, борлик ўқларнинг чийиллаши ичида қолиб кетди. Душман иккала томондаги қўрғонларда жойлашиб олиб, бизни ўққа тугаётганди. Хамма ёқ остин устин бўлиб кетди. Танк ва БМПлар ишга тушди. Қўрғонларга карата тўхтовсиз ўт очдик. Автоматлар узлуксиз тариллади. Рўнарадаги қишлоқ устидан ҳам снарядлар ёвила бошлади. Мен отув мили ойнаги орқали бола қўй боқиб турган жойга қарадим. Ердан олов аралаш портлаган снаряд парчалари кўтарилди. Қишлоқ тараф эса чанг-тўзон ичида қолганди.

Душман ҳам жон-жаҳди билан бизга карата зарба бера-япти. Машина теңасига темир парчалари келиб тушар, еру кўк зирилларди. Мен беихтиёр отув милига қўл юбордим. Машина силтаниб бесаноқ снарядлар учди. Ичкарига порох хиди урилди. Сўлдаги қўрғонлардан бирининг олов пуркаётган дарчасини нишонга олиб отдим. Бироз жимлик чўкди. Сўнгра таёғи олов кўтарилди. Мен яна отдим. Бироздан сўнг ўша дарчадан таёғи олов отилди. Машина олдида кучли портлаш содир бўлди. Душман бизни мўлжалга олаётганди. Евдокимов алоқа орқали комбатга ахвол жиддий тус олгани, душман бизни сиқиб келаётгани хақида ҳовлиқиб хабар бера бошлади. У командир хонасида тиграб-қақшар, ён-веримизда портлаш содир бўлганда менга кескин бурилиб қарар, от деб қичқирарди. Кўзлари косасига сиймай, у ёқ-буёққа алангларди. Қўрғонни танклар ишғол қилдилар. деворлар қулай берди. Мен Ринатга ички

алоқа орқали машинани орқага юргизишни, то йўлгача чекинишни буюрдим. Евдокимов қушишиб олганди. Энди алоқа билан ҳам иши йўқ, лом-лим демасди. Ўлик-тиригим бир пул, деб ўтириб олгани гашимни қўзитди.

Машина орқага силжиди. Пиёдалар ҳам шундай бўлишни кутиб ўтиришганди, дарҳол чекина бошладилар. Биз химояда туришимиз керак бўлган жойни ташлаб чиқдик. Катта йўлга етгунга қадар сайхонликка қарата отиб турдим. Биз тарафга қаердан туриб отишаётганини билолмасдик. Қўрғонлардан наридаги нукталарда жанг бу ердаги каби авжга чиқмаётганди. Арининг уясига қўл тикиб, улушини тўлик олмасдан қочиб қолиш ҳам ҳаммага насиб қилавермайди. Агар биз ўрнимиздан қимирламай, отишмани давом эттираверсак, дабдала қилишарди. Ақлни оларли даражадаги душман қаршилиги олдида бизнинг техникамиз, қуролларимиз ҳеч нарса эмас, йўқ ҳисоби эди.

Қишлоқни артиллерия элакдан ўтказди. Қуюк туман узра фарқ бўлган сайхонликда қиёмат қўпти. Ваҳми гумбурлашлардан сўнг томларнинг ўпирилиши, юракни лоҳас қиладиган бақриқ остида юрган одамлар кўзга чалинади. Еру-кўкни титратиб самолётларимиз қишлоқ устидан бомба ташлай бошлашди. Ҳар бомба тушганда борлик лопиллаб кетар, қулоқни тешгудай қарсиллашдан гангиб қолардим. Аҳён-аҳёнда ҳавода оқ тутун пайдо бўлар, қарсиллаган овоз эшитиларди. Артиллерия замбараклардан шрапнел¹ отаётганди. Қишлоқ игналар ёмғири ичида қолди. Бундан бир неча соат гуркираб турган дов-дарахтлар ўртасидан қарс-қарс бўлинган, таналари қорайиб тутаб ётарди. Қишлоқ уюлган гўр каби совуқ кўринарди. Ҳаводан ачитки хил келарди. Ҳаво иссиқ эди. Аллақандай лоҳасликдан кўнглим безовталанарди. Мажолсизланиб борардим.

Машинани йўл яқинига қўйдик. Атрофда қўрғонлар йўқ, яланглик. Отишмадан йироқ жой. Танг аҳволда қолсак, барибир қочини учун йўлга чиқишимиз керак. Буни устига душман гранатамёт билан бизни мўлжалга олган тақдирда ҳам унчалик хавфли эмас. Гранатамёт билан фақат яқиндан, паналаб келиб уриш мумкин. Ҳаммаёк кафтдагидай кўришиб турибди. Йўлдан қишлоқнинг қушботар томонидан чиққан БМП-2 ва саушкалар физиллаб ўтишмоқда. Техникалар милларининг учи қорайиб кетган. Ме-

¹ Шрапнел — игна.

ханик ва отувчиларнинг афт-ангори чанг-тўзон, фақат кўзларигина ёниб туради. Шундан билса бўладики, ичкарида бу ердагидан ҳам дахшатлироқ жанг кетаяпти.

Ялангликка миномёт снарядлари келиб тушди. Ёнгина-мизда порглан содир бўлди. Мен кўрғон томондаги масофани белгилаб ўт очдим. Евдокимов племофонни ҳам ечиб ташлаган. Хар замонда «ух сука», «ух билат» деб кўяди. Кўллари калтираб, гужанак бўлиб олган. Юзи тунд. Машина тагида ётиб, ўт очаётган пиёдаларни химоялаш учун ҳам мен узлуксиз отиб туришим керак эди. Назаримда узок йиллардан бери жанг килаётганга ўхшардим. Ачирки хид, ўқдори иси мени элтиб кўяётганди. Кўзларим тиниб кетди. Кўлимда дармон қолмади. Зобитнинг эса ўлик-тириги бир пул эди. Карахт бўлиб қолган. Тили калимага келмаяпти. Мен чанқай бошладим. Томовим какраб кетганди. Бошим зил-замбил бўлиб оғирланди. Назаримда, машина чирширак бўлиб айланаётгандай. Бутун жанггоҳ кийчув, вахимали гумбурлашлари билан биргалликда ҳавога кўтарилаётгандай эди. Мен ўзимни заминдан узилиб қолаётгандай ҳис қилдим. Кўнглим алаёда эди. Шлимофондан эшитилиб турган алоқадаги бақир-чақирлар миямга арра солаяпти. Ички алоқа нуқтасини босиб Ринатга уландим.

- Ринат, сув бер, сувдонни узат.
- Хозир, бир минут. яшикнинг тагида эди.
- Ринат, нафасим бўғилаяпти, люкни очаман.
- Қалланг борми, тўғри тепадан тушмасин.
- Сувни ол, тез бўл, ошна, hozир димиқиб ўламиз.
- Ма, юзингизиям чайиб ол.

Ринат механик хонасидан чўзилиб, темир сувдончани узатди. Мен бир кўтаришда сипқордим. Сувдонни снаряд қутисига ташладим. Бироқ ичим яхлади. Бўғзимда аччиқ таъм туйдим. Бошимни отув нуқтасига тираб, кўзимни юмдим. Мени лохаслик кийнади. Манглайимдан муздай тер оқди. Шлимофонни ечиб ташладим. Ташкарига чиқиб, ерга чўзилгани, кўлларимни ёзиб ухлагани жуда-жуда кўмсаётгандим. Ҳеч нимани англай олмай қолдим. Биқинимдан нимадир қаттиқ ботди — Евдокимов туртаяпти. Ўликникидай юзига боқиб, баттар фикриндим.

- Нима гап, ўртоқ катта лейтенант?
- Ухлайсанми?.. Нега отмаясан?.. Сенга нима бўлди?
- От, От. Нега ухлайсан. Ҳозир нариги дунёга жўнатилади.

От солдат, — у бор овози билан қичкирарди. Худди эсдан оккан одамга ўхшаб аланглайди.

— Мен чарчадим. Иложим йўқ, отолмайман.

— От. Аҳмоқ. Отсанг-чи? Мен сенга кўрсатиб қўяман ҳали. Ой, худойим-ей. От. Мен сенга кўрсатиб қўяман, ҳе, онангни.

Ўзингни онангни фалон қилай, қанжиқ. Нима, сен отолмайсанми. Кўрмоқ, шохол.

Яна отув нуқтасига бошимни қўйдим. Агар яна бир марта Евдокимов шанвилласа, люкни очиб, тапқарига чиқаман, деб ўйладим. Индама, бир энасини кўрсин.

У яна туртди. Ялинган оҳангда гапира бошлади:

Ахир солдат. Чида. Бу уруш-ку. Биринчи марта жанг қилаётганинг йўқ-ку. Ўзингни тут. Эркаксан-ку, дўст.

Чарчадим. Бўғилаяпман.

Шлимофонни кий. Буюраман.

У ғазабланган кўйи, кўлларини мушт қилиб, гужанак бўлиб олди. Меншлимофонни кийиб, алоқада комбат билан боғландим.

Билет, билет, мен бункерман, бункер ўн учинчидан, қабулга ўтаман.

Бункер, ўн уч, мен Билет, қабулга ўтаман.

Билет, менинг қутичамга серсоколлар бодринг ташлашайпти. Таёқ кўтариб олган серсоколлар ҳам кўринаяпти.

Бункер, ўн уч. Вазият оғирлашаётган бўлса ҳозир тортиладиган ип ортидан етмиш уч. Мен турган нуқтанинг шимолида олтмиш бир.

Сизни тушундим, Бункер.

Ишга туш. Қаламлар зинҳор қутича устига чиқмасин, улар учун қутича панасида етмиш уч.

Сизни тушундим.

Катта каламга айт, қутичада эмас, каламлар билан бирга бўлсин.

— Сизни тушундим. Ҳозир каламчалар олдига тушади.

— Ишга туш, ўғлим, ишга туш.

Тушундим, Бункер, тушундим.

Батальон командири ҳеч қачон ўзини йўқотиб қўймасди. Ҳар қандай вазиятда ҳам чора топа оларди. Мен бир оз тетикландим. Ишқилиб, лаънати отишма ичидан чиқадиган бўлдик. Ички алоқа орқали Ринатга ҳозир батальон штаби турган жойга қайтишимизни айтдим. У қувонгани-

дан «Худога шукр, яшасин комбат», деб қўйди. Мен Евдокимов пиёдалар билан бирга машина орқасидан ҳаллослаб югурар экан, деганимда Ринат кувониб кетди.

Командир ҳамон карахт эди. Хар бир портлашдан кейин сўкинади. Унга нафрат аралаш ачиниш билан дедим:

— Ўртоқ, катта лейтенант. Машинадан ташқарига чиқаркансиз. Комбат буюраяпти. Ҳозир орқага қайтамиз.

Нега? деди у жовдираб.

— Мен қаердан билай? Орқага чекинамиз, буйруқ шунақа. Сиз пиёдалар билан машина панасида борасиз. Жангчилар бешикаст олиб чиқилиши шарт, деяпти комбат. Тезроқ тушинг, ўртоқ катта лейтенант. Буйруқ, буйруқ, ё машинада кетасизми?

Евдокимов эсанкираб қолди. Алап-жалапг бўлиб бир менга, бир люкка қарайди.

— Жин урсин. Менга ўқдонларни узатасан.

У қалтираб-салтираб люкни очди. Энди бошини чиқаргандиямки, чийиллаган товуш эшитилди. Машина ёнида қучли портлаш рўй берди. У жон ҳолатда ўзини ичкарига урди.

— Эҳ, қанжиклар. Роса бошлашаяпти. Бу даҳшат, даҳшат!

Ўртоқ катта лейтенант, бу ердан тезроқ кетмасак, бу галгиси тўғри машинанинг устидан тушади. Кейин, кейин...

Менинг кўзим тиниб, бошим гувиллай бошлади. Евдокимовнинг қандай қилиб ташқарига чиққанини билмайман. Қулоғим шангиллаб қолди. Ер чайқалиб кетаяпти. Олислардан гувиллаган овоз келади. Элас, элас қуролларнингми. ниманидир шарақлаганини эшитаяпман. Атроф ғира-пира. Худди тонгги туман қоплагандай. Узокда, хув анови тоғлар томонда англаб бўлмас овозлар. Мен эрталабки нам ажриқзор устида чўзилиб ётибман. Танамда чарчок ўрнини оғрик ағаллагандай. Баданим зирқирайди. Кўзимни очолмайман. Баъзан ер тебранаётгандай бўлади, баъзан тишиб қолади — мен нам ажриқзор устида ухлайман.

Мен қушдай енгилландим. Осмон қирмизи тусда. Шафакранг кенглик ичида бир аёл имлаяпти. Кўйлаклари ошюк. Мен кўлимни узатдим. У хавода учаяпти. Чорла-йин дедим, овозим чиқмади, кўл силкидим. У кўлларини ёзиб, мен томон пастгай бошлади. Танидим — Лиля. Юзларидан кип-кизил ёғду таралаяпти. Нур товланаётган танасини фақатгина оқ харир либос билан ўраб олган. Соч-

лари елкасида шовуллаяпти. Кўкраклари, бутун аъзойи бадани кўриниб турибди. Қанот — енглибоси нияпираб ёнимга тушди. Бармоқлари, билаклари танамни куйдираяпти. Унинг харорати мени тамоман жодулаяпти. Уни бағримга тортдим. Вужудим пардай тўзғиди.

— Келдингми?

— Келдим. Тур, кетамиз.

— Лилия, одамлар қани. Мен қаердаман?

— Факат мен б-о-о-р.

— Лилия. Сен яхшисан. Сени узоқ кутдим.

— Сен ухладинг, ухла-а-адинг.

— Барибир тушунмаялман. Биз қаердамиз. Нега ҳамма нарса учаяпти.

— Хеч нарса учмаяпти.

— Ахир.

— Фа-а-кат. Мен. Се-е-и. Ту-у-у-р.

— Мени олиб кетасан-а.

— Би-и-з би-и-рга-а кета-а-миз. Биз бирга кета-а-м-и-и-и-из. Туур.

Мен Лилияни тағин кучоғимга тортдим. Борлигим олов ичида қолди. У бир қизғиш нурга айланиб танимга сингиб кетди. Ботиний шууримда овир энтикишни туйдим. Нимадир қарсиллаб кетди. Қабоғим тортилиб, кўзимни араш очдим. Шафақ қонига чайилган паға-паға оловтус булутларни кўрдим. Қулоқларим залворли қасирлашдан том биттаёзди. Ён-веримда бесаранжом аскарлар тўда-тўда бўлиб ўтириб олишган. Жангдан чиққан БМП-2 ва танклар устида ҳам чалқанча ётиб сигарет тутагаётган аскарларни кўрдим. Ўрнимдан кўзғалмоқчи бўлгандим, бошим овирлик қилди. Қўл-оёғимни ҳаракатлантириб кўрдим. Бирор жойимга ўк тегмабди. Фақат бошим ўзимники эмасди.

Кўшин тўпланган жойдан нарида ҳамон артиллерия ишляяпти. Бизникилар бетиним отишмоқда. Ураган¹ ва град²ларнинг хавони йиртиб, ўт очишига дош бериш қийин. Мен чанқаган эдим. Тағимга тўшалган қоп кўрпа четида сувдон турарди. Ютоқиб сув ичдим. Бир оз тетиклашдим. Мени ерга ким ётқиздийкин? Ринат қани? Машинага нима бўлди? Ўрнимдан кўзғолиб, турмоқчийдим, бошим гириллаб айлана бошлади. Чалқайрамон бўлиб, ўзимни зўрға тутдим. Кимдир келиб, елкамдан ушлаб ётқизди. Кўзимни

^{1,2} Ураган, град — артиллерия қуроллари

очиб, юз-кўзи қон-қора тутун бўлиб кетган Ринатни кўрдим.

Ўзинга келиб қолдингми? Қандайсан. Батальон фельдшери бироз дамни олсин. Тузалмаса, санчагга жўнатамиз, деди. Очиги, ўзим сени санчагга кетишингни хохламадим. Ўтиб кетади-а. Чарчагансан.

Ринат пешонамдан ушлаб, иссиғимни ўлчаган бўлди.

- Бошим оғрияпти. Ҳозир полкка қайтамизми?

Ха, бир-икки соатдан кейин. Нонушта қилволиш керак. Агар кечаси бу ерда қоладиган бўлсак, ҳаммамизни сўйиб кетади. Лаънатилар, қутургандай отишаяпти. Қорин қалай, оғайни?

- Оч шекилли.

- Эх, ёмон бўлди-да. Ротадан саккиз киши яраланди. Евдокимовниям госпиталга олиб кетишди.

Нима? Нима бўлди унга?

- Қорнига осколка тегибди. Бечора дунёни бузиб додлади. Кўп қон йўқотди. Ишқилиб, тирик қолсин. Биринчи жангдаёқ ўлимни ўйлаб, хавотирланишнинг оқибати. Ўзиям турган битгани фалокат экан-да. Шу билан уни қайтариб юборишди, яроксиз деявер.

Яна кимлар яраланди?

-- Тўрттаси, янги келганлардан. Бирини украин, қолганлари ўрис. Сасин борқу, тўртинчи взводдаги, ўша билан Михайловнинг яраси енгил экан. Бурсук контузия бўлиб қолибди. БМП миёнага тушибди. Қорақулоқлардан¹ ҳеч ким жароҳатланмаган. Бир сени ҳисобга олмаганда, --- Ринат елкамга қокиб қўйди.

-- Ринат, сигаретингдан бер. Бошим ғувиллаб кетаяпти.

- Бариси асабдан. Ҳозир ўтиб кетади. Сигарет Мўминнинг машинасида тикилиб ётибди. Олиб келади. Егулик тайёрладик. Биргаликда овқатланамиз.

Жиндақ мизғиган эканман, Ринат уйғотди. Темир нимчаларни тўшаб чордана қуриб ўтирган Мўмин, Нурмахон ҳамда Юра менинг туришимни қутушаётган экан. Темир қутичаларда қиздирилган гўшт, картошка ҳамда сухари едик. Алмисоқдан қолган чойнақда чой ҳам қайнатишибди. Қорин қайғуси чекинган, биттадан сигарет тутатдик. Мен дўстларим даврасида ўзимни анча енгил хис қилдим. Юра қўшиқ айтиб юракни эзди. Ҳарбийга чақирилгунга қадар

¹ Қорақулоқ - осийлик маъноснда.

анча олифта бўлганлиги кўришиб турибди. Елкасига гитарани осиволиб, кўчаларда қизлар билан мазза қилиб яйраган. Гапларниям тоҳида кифтини келтириб, кийиб қўяди.

Жангдан кейин аскарлар хорғин кайфиятда бўладилар, кийёфаси тундлашади. Ҳеч ким ҳуда-беҳуда вайсамайди. Худди ўласи қилиб калтакланган ит каби сулайиб қолишади. Хамманинг қадам олиши оғирлашади. Бунақа пайтлар рухнинг фақатгина кўшиқ сингиди. Йиғлагинг келади. Ҳеч нима ҳақида берилиб ҳаёл суролмайсан. Дунё бир мискин қоронғулик ичида гарқ бўлганга ўхшайди. Сен ҳаётнинг давомида фақатгина мана шу зим-зиё бўшлиқ давригача яшаб бўлганингни хис қиласан. Урушми уруш энг тоза кунларингни соғиниш, деган ҳулосага келасан ва ҳеч қандай маъини англаторовчи ўйиннинг бир четида милтиллаган таскин чироғи ёғду сочиб туради. Яъни, мен тирикман, дейсан, парижонхотирлик билан. Сенинг миянгда тирик қолиш учун кайғуриш оғриғи зиркирайверади.

Мен узок йиллардан бери жангда юрган каби кўникма ҳосил қилаётганимдан ҳайрон эдим. Бугунги икки ярим соатлик тўқнашув назаримда ўн кунлаб давом этганга ўхшарди. Ҳар доим ўлим ҳақида ўйлаш ва ганириш шунчалар зерикарли ва кайғули эдики, назаримда умрим ошиқчалик қилиб борар, кунларим тобора узаярди.

Қуёш кўкка санчилган чўккилар узра қон сачратиб ботди. Йўлга тушиб учун буйруқ берилишини кутаямиз. Пиёдалар машиналар устига ўрнашиб олишди. Биз тагин биттадан тутатдик. Юра гитарасини машинага ташлаб келгани жўнади. Ринат механик хонасига ухлаб олгани тушди. Темир совутларни йиғиштириб, энди ўрнимиздан туришга човлангандик ҳамки, ёнимизга разведкачилар взводига қарашли БМП-2 шидат билан келиб тўхтади. Машинанинг тумшуги худди тўлқин зарбига учраган кемадай тебраниди. Қуюқ чанг кўтарилди. Люкдан бошини чиқарган оператор абжирлик билан сакраб тушди. Тўғри бизнинг қаршимизга келиб деди:

- Йигитлар, чекиндан топилмайдими?
- Истаганинча бор, деди Мўмин.

О, яшавор, дўст. Бир қути бергин. Ўлаёзим. Хумори бошни еб кетаяпти.

Мўмин чўнтагидан бир қути «Донские» узатди.

— Ма, ол. Қачон йўлга тушамиз. Ҳеч гап йўқми? деб сўрадим.

— Эй, биласан-ку, биз — разведкачиларнинг ҳамма нарсадан хабаримиз бўлади. Чорак соатдан кейин йўлдан алоқачилар полки ўтади. Сўнгра бизга етмиш уч.

— Биздан кейин қайси полк чиқади?

— Бир юз саксон биринчи. Қўрқма, охирида калтакни бошқалар ейди.

Разведкачи шошиб-пишиб сигарет тутатаркан, машинага қараб кўйди. Машина устида каска кийиб, қуролларига суюниб ўтирган, темир нимчалик аскарларнинг кўпчилиги унга мўлтираб қараб туришибди. «Аскар учун урушда энг зўр қурол — тамаки», деб бекорга айтишмаган. Унинг хумори хар қандай чиройли аёлнинг ўрнини ҳам босиб кетади, деб ўйладим.

— Ха, хайратланаёсанми, зўр иш бўптими? — деди у машина томонга боши билан ишора қилиб.

— Нега хайратланай? Тушунмадим.

Ие, хали кўрмадингми, разведкачи эмассан-да, барибир? Қойилман-э. Сенам хеч нарсага эътибор бермадингми? — у ёнбошлаб олиб, чой ичаётган Мўминдан сўради.

Бу орада унинг бу чоғлик энгиклиги маъносини тушуниб бўлгандим. Чиндан хайратлангандим.

Менга кара, хой, разведкачи! Сигаретни олдинг. энди кисиб кетавер. Бир кружка чой ичасанми? — деди ўзини ухлаганга олиб ётган Нурмахон.

Ўрнидан туриб кетган Мўмин ҳам машинага тикилган кўйи анграйиб қолганди.

Нима бало, умрларингда душман кўрмаганмисанлар? Онангни фалон қилайинни кишлокдан ушладик. Мушукдай чаққон экан ўзиям.

Машинада пиёдалар орасида кўкиш яқтак ишгон кийиб, қора салла ўраган, қўл-оёқлари чандиб боғланган, бўйнига гранатамёт осилган кимса бошини ҳам қилиб ўтирарди. Мен негадир сесканиб кетдим. Шу билан бирга унга қизиқсиниб қарадим.

— Қаёққа олиб бормокчисизлар, — деди Мўмин.

— Тўғри полкка. Бир икки кун қамаб кўйилади. Кейин бирор чорасини қилишар. Очиғи, комбат қисмга олиб борамиз демаганида, машина тагида эзгилардим.

Тапга тушунадими? Бирор нарса делими? — сўрадим.

— Лом-мим демайди. Қанжиқни асбобини кесиб ташлаш керак эди, машинага ортиб юрмай.

— Дўстим, бир гаплашсак бўларди у билан, — деди Мўмин.

— Майли. Бу атрофда шохолларинг¹ йўқми?

— Шохол нима дерди? Чакиртир, — дедим.

Разведкачи бўпти ишорасида кўл силтади ва машинага қараб украинча талаффузда қичқирди:

— Игор! Бахшишни ирғитвор.

БМП-2даги аскарлардан бири ўрнидан тура солиб банди духни елкасидан судраб, машина четига олиб келди-да, зарб билан тешиб юборди. Дух гупиллаб ерга ағанади. Разведкачи унинг ёқасидан ушлаб, ўтиргизиб кўйди. Душман ҳансираб нафас олар, кўзи косасидан чиққудай алфозда алангларди. У аянчли аҳволда эди. Соқоллари куйдирилган, оғзидан қон сизарди. Яктаги жикқа хўл эди. Бошининг орқа томони ёрилиб кетган, озгин ва чайир кўллари унинг томирлари қон ўтмай қолганидан бўртиб чиққанди. У муштдек бўлиб, қунишиб олганидан боши елкалари орасига кириб бораётганга ўхшарди. Танаси дағ-дағ титрарди. Менинг унга яқинроқ боришга юрагим бетламади.

— Хой ит! Сигарет чекмайсанми? — разведкачи оёғи билан унинг иягидан кўтарди, — буни қаранглар-а! Бу кишим гранатамёт билан жанг қиладилар. О-о-о! Нақадар жасурлик. Хе, онангни фалон қилай! Гапир! Гапир-чи, нечта БМП, нечта танк, нечта БТР ва қанча шўравийни гумдон қилдинг. Гапир! Гапир, — ит! Онангни фалон қилай. Гапирмайсан-а? Мана сенга. Мана.

Разведкачи ғазаб билан унинг бўйнида осилиб турган гранатамётга тумшуғи аралаш зарб билан икки марта тепди. Банди вангиллаб қулади. Оғзидан оққан қон яктагини бўяди. Устки лабини йиртилиб кетгани ва тишларининг ўпирилганига қараб тоқат қилолмадим.

— Бас қил. Тезроқ йўқот буни, — дедим фикриниб.

Мўмин маъносиз термулиб, сигарет тортарди.

Нурмахон орқага бурилиб кетди.

Мен ўзимда ҳеч қандай ачинишни сезмадим.

Разведкачи бепарво эди.

— Ҳа, раҳминг келдими? Балки кўйворишимни хоҳларсан. Эртага манглайингдан тешиб кўяди бу аблах. Буларнинг уруғи билан қуритиш керак. Ҳеч қачон яхшилик қилмайди бизга.

¹ Шохол — офицер, командир маъносида.

— Менга деса хозирок гўштини емайсанми? Факат ёкмаяпти менга. Тезроқ кетсанг бўларди, — дедим.

Пиёдалардан иккитаси духни яна машинага тортиб олишди. Разведкачи норизо бўлиб, ерга чирт эткизиб туфладида, БМП-2га чиқди. У башняга ўтириб, ҳамма пиёдаларга сигарет улашди-да, шлимофонни кийиб олди. Машина тезлик билан ҳаракатга келди, қисм томонга равона бўлди.

— Биласанми, -- деди анча пайтгача чурк этмай турган Мўмин, -- бизнинг ҳеч қанақа ҳаққимиз йўқ, — унинг кўзи ёниб турарди.

— Нимага бундай деясан?

— Ҳаммасига. Ҳа, ҳаммасига бизнинг ҳаққимиз йўқ. Бировнинг кишлоғини куйдириш, асир олиш, итдай кийнаш. Жонга теги, ошна. Мен қумурсқага озор бермасдим. Ёвуз бўлиб кетдик.

— Барибир уруш сенинг ройи-хоҳишинг билан ҳисоблашмайди-да. Менга қолса, қисмдан чиқмасдим, сира. Асабим тамом бўлган. Бугун жангда бошим айланиб, ўлаёздим. Ринатдан сўра, чекинганимиздан кейин то сизлар келгунча ўзимни билмай қолибман. Бу ҳолда жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас.

— Анави, энағар разведкачи шафқатсиз экан. Асаби ҳам темирдан шекилли.

-- У ҳам сенга ўхшаб болалигида мусичаи беозор бўлган. Асабига келсак, аллақачон «анақароқ» бўлиб қолган, кўриниб турибди. Факат у ўзининг ваҳшийлашиб кетганлигини сени мендан яхши билади.

— Сен оз-моз фахмлай оласан. Бу уруш яна қанча давом этади деб ўйлайсан.

— Юз йил. Афғон уруши бу кетишда тўхтамайди. Халқи ҳеч қанақа инкилобни тушунмайди.

— Унда биз бу ерга нима учун кириб келдик?

— Бунисини билмадим. Ўзингни айёрликка солма. Афғондаги вазиятни мендан яхшироқ тушуниб қолгансан.

— Афғонлар биз билан энди ҳеч қачон чиқишолмаса керак.

— Тўғри айтасан, энди буларнинг шўрави билан у дунёни бу дунё суви тинмайди, -- дедим.

Мўмин темир цимчасини елкасига тащлаб, ўз машинасига кетди. Мен машина ичида, механик хонасида дам олаётган Ринатни уйғотдим. Қисмнинг боши йўлга чиқарилган эди. Биз алоқачилар полкининг ўтиб бўлишини

— Дўстим, бир гаплашсак бўларди у билан, — деди Мўмин.

— Майли. Бу атрофда шохолларинг¹ йўқми?

— Шохол нима дерди? Чақиртир, — дедим.

Разведкачи бўпти ишорасида қўл сизгади ва машинага қараб украинча талаффузда қичқирди:

— Игор! Бахшишни иргитвор.

БМП-2даги аскарлардан бири ўрнидан тура солиб банди духни елкасидан судраб, машина четига олиб келди-да, зарб билан тепиб юборди. Дух гупиллаб ерга аванади. Разведкачи унинг ёқасидан ушлаб, ўтиргизиб қўйди. Душман хансираб нафас олар, кўзи косасидан чиққудай алфозда алавларди. У аянчли аҳволда эди. Соколлари куйдирилган, оғзидан қон сизарди. Яктаги жикка хўл эди. Бошининг орқа томони ёрилиб кетган, оғзин ва чайир қўллари томирлари қон ўтмай қолганидан бўртиб чиққанди. У муштдек бўлиб, қунишиб олганидан боши елкалари орасига кириб бораётганга ўхшарди. Танаси дағ-дағ титрарди. Менинг унга яқинроқ боришга юрагим бетламади.

— Хой ит! Сигарет чекмайсанми? — разведкачи оёғи билан унинг иягидан кўтарди, — бунни қаранглар-а! Бу кишим гранатамёт билан жанг қиладилар. О-о-о! Накадар жасурлик. Хе, онангни фалон қилай! Гапир! Гапир-чи, нечта БМП, нечта танк, нечта БТР ва қанча шўравийни гумдон қилдинг. Гапир! Гапир, — ит! Онангни фалон қилай. Гапирмайсан-а? Мана сенга. Мана.

Разведкачи вазаб билан унинг бўйнида осилиб турган гранатамётга тумшуги аралаш зарб билан икки марта тебди. Банди вангиллаб қулади. Оғзидан оққан қон яктагини бўяди. Устки лабини йиртилиб кетгани ва тишларининг ўширилганига қараб тоқат қилолмадим.

— Бас қил. Тезроқ йўқот бунни, — дедим вижаниб.

Мўмин маъносиз термулиб, сигарет тортарди.

Нурмахон орқага бурилиб кетди.

Мен ўзимда ҳеч қандай ачинишни сезмадим.

Разведкачи бепарво эди.

— Ха, раҳминг келдими? Балки қўйворишимни хоҳларсан. Эртага манглайингдан тешиб қўяди бу аблах. Буларнинг уруғи билан қуришни керак. Ҳеч қачон яхшилик қилмайди бизга.

¹ Шохол — офицер, командир маъносига.

– Менга деса ҳозирок гўштини емайсанми? Фақат ёкмаяпти менга. Тезроқ кетсанг бўларди, – дедим.

Пиёдалардан иккитаси духни яна машинага тортиб олишди. Разведкачи норизо бўлиб, ерга чирт эткизиб туфлади-да, БМН-2га чиқди. У башняга ўтириб, ҳамма пиёдаларга сигарет уланди-да, шлимофонни кийиб олди. Машина тезлик билан ҳаракатга келди, қисм томонга равона бўлди.

– Биласанми, – деди анча пайтгача чурқ этмай турган Мўмин, – бизнинг ҳеч қанақа ҳаққимиз йўқ, – унинг кўзи ёниб турарди.

– Нимага бундай деясан?

– Ҳаммасига. Ҳа, ҳаммасига бизнинг ҳаққимиз йўқ. Бировнинг кишлоғини куйдириш, асир олиш, итдай қийнаш. Жонга тегди, ошна. Мен қумурсқага озор бермасдим. Ёвуз бўлиб кетдик.

Барибир уруш сенинг ройи-хоҳишинг билан ҳисоблашмайди-да. Менга қолса, қисмдан чиқмасдим, сира. Асабим тамом бўлган. Бугун жангда бошим айланиб, ўлаёзим. Ринатдан сўра, чекинганимиздан кейин то сизлар келгунча ўзимни билмай қолибман. Бу ҳолда жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас.

– Анави, энағар разведкачи шафқатсиз экан. Асаби ҳам темирдан шекилли.

– У ҳам сенга ўхшаб болалигида мусичаи беозор бўлган. Асабига келсак, аллақачон «анақароқ» бўлиб қолган, кўриниб турибди. Фақат у ўзининг вахшийлашиб кетганлигини сену менадан яхши билади.

– Сен оз-моз фаҳмлай оласан. Бу уруш яна қанча давом этади деб ўйлайсан.

– Юз йил. Афғон уруши бу кетинда тўхтамайди. Халқи ҳеч қанақа инкилобни тушунамайди.

Унда биз бу ерга нима учун кириб келдик?

– Бунисини билмадим. Ўзингни айёрликка солма. Афғондаги вазиятни менадан яхшироқ тушуниб қолгансан.

– Афғонлар биз билан энди ҳеч қачон чиқишолмаса керак.

– Тўғри айтасан, энди буларнинг шўрави билан у дунёйи бу дунё суви тинмайди, – дедим.

Мўмин темир нимчасини елкасига ташлаб, ўз машинасига кетди. Мен машина ичида, механик хонасида дам олаётган Ринатни уйғотдим. Қисмнинг боши йўлга чиқарилган эди. Биз алоқачилар полкининг ўтиб бўлишини

кутаётгандик. Мен шлюмофони узатгичга улаб, кийиб олдим. Алоқада батальон командири ҳаракатга шай туришни уқтирди.

Орадан бир сигарет чекиб бўлгулик вақт ўтгач, батальон командирининг буйруғи эшитилди.

– Мен Бункер, буюраман, етмиш уч.

Қисм номозшомда ортга қайтди. Қимларгадир шу йўл бўйлаб ястанган баландлик пойида буюк мусаввир – табиат чизган эрталабки манзараларнинг кечки кўринишидан ҳам завқ туйиш насиб қилмаган эди. Энди улар йўқ эдилар. Колонна оғир силжирди. Баъзан йўлда соатлаб туриб қоларди.

VI

Кўшин ярим кечаси Кобул шаҳри худудига яқин жойдаги атрофи тоғлар билан ўралган текисликда тўхтади. Жанголдидан тайёргарлик кўриладиган пайтларда техникаларга «дам бериларди». Машиналар доира шаклида жойлаштирилди. Бизга гулхан ёкиб овқат иситишга рухсат берилди. Икки соатдан кейин яна йўлга тушишимиз маълум бўлди. Биз ҳеч қачон жангдан қайтаётиб, Кобул майдонида дам олиб, понушта қилмовдик.

Зим-зиё тун кўйида гулханлар ёнди. Ўлик сукут измидаги тоғ ёнбарригача чўзилган тен-текис майдонда аскарний ҳаёт жонланди. Жангчиларнинг бақир-чақирлари, дами баланд зобитларнинг буйруқлари, қурол-аслаҳаларнинг тарак-туруви, машиналарнинг гуриллашидан бу ердаги синоатли жимлик чекиниб бўлганди. Мана шу текисликка бундан кейин, бутун умримиз давомида тавин бирор кеч қайтиб келишимиз ёки умуман қадам босмаслигимиз хақида ўйлаб кўрмасдик. Бунга ҳожат ҳам йўқ эди. Мен шу кечаси, шу ерда понушта қилиш, бироз мизғиб олиш ёзимга битилганини ҳис қилдим. Тақдир менинг кунларимни дақиқаларга бўлиб, етти ухлаб тушимга кирмаган жойларга сочиб юборганига ҳайрон эдим. Аслида урушнинг ўзига яраша қонунларини ҳисобга олсак, ҳозирги дам олишлар, қоронғу кеча, ўн чақирим наридаги Кобул, қисмга қайтмай яна жангга кетиш, юзлаб таниш ва нотаниш аскарлар, дунёнинг бир бурчида туғилиб улғайган, сен шу пайтгача унинг қимлигициям билмаган, ўзинг қаби бу ерларда ўлимга дуч келиб юрган, бир қозондан овқат еб, бир хил мусибатга юзма-юз келаётган аскар орасидаги боғлиқлик,

тақдири азалнинг битиги хақида ўй суриш кулгулидай туюларди.

Мен ўзим хақида қанчалик ўйламайин, барибир аллақандай ўқинч аралаш таскин ахтара бошлаётганимни тан оладиган бўлиб қолдим. Овуниш учун, ўзимни алдайман – ўлиб кетмаганингга шукр қил, ҳозирча тўрт мучанг соғ. Сен жуда кўп одамларга насиб қилмаган тирик дунёни кўриб турибсан. Ўлишдан осони, яшаб қолишдан қийини йўқ. Мен минг афсуски, ўзимга терс қараган ҳолда бу тахлит юпанчинг ичига бекиниб олган эдим. Мен тушуниб етган хақиқат шулки, урушда интирок этаётган ҳар бир жангчи фақат тирикликни пеп қилиб, ичида етилган йиғидан ҳам оғир дардини елгиб яшайди. Хунрезликнинг мусибатлари беадоклиги каби, бу оврикнинг азоби ҳам бедаводир.

Инсоннинг бутун умри давомидаги ўйлари, хатти-ҳаракати кўзга кўринамас самовий бир қудрат билан боғлиқлигига шубҳа қилмайман. Ҳозир менинг сигарет чекиш учун чўнтак қовлашим ёки бошимдаги шлиммофонни алмаштириш учун машина устидаги қутини очиб тимирскиланишим ҳам беҳудага содир бўлмайди. Мен ҳозир қоронғуда, машина устида сигарет чекаяман. Душман снайперда кузатиб тургандир. Ринат машинани нега айнан шу ерга олиб келди, бир қадам олға ёки орқага олиб тўхтатмади. Полк нима учун фақат шу ерда, шу маҳалда дам олаяпти. Нега мен айнан шу машинанинг оператор -- отувчисиман, ёки Ринат билан бирга юришга, бир машинада жанг қилишга маҳкумман. Бизнинг машина балки сира милага тушмас, шунинг учун Ринат икковимиз бир экипажда жанг қилаётгандирмиз. Евдокимов агар бошқа БМП-2да урушга чиққанида ярадор бўлмаслиги мумкин эди-ку. Уруш ҳам, манови машиналар ҳам, аскарлар ҳам бир бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Менга бошқа БМПда операторлик қилсам ёки сигарет чекмасам ҳалок бўлишим мумкин, деган маъниқни тушувтириш нечоғлик оғир бўлмасин, барибир инсон ҳаёти ўзидан ташқарида улкан, мўъжизавий таъсир йўриғида давом этиши ёхуд тўхташи мумкин деган тушунча ҳаёлимга қачон ўрнашиб қолганига хайрон эдим. Қўрқув ва ваҳима туйғусиғина эҳтиёткорлик заруратини ҳамда ўлимни эслатиб туради. Мен тирик қоламан деган одамдан кўра, мен ўлмайман деган одамнинг юрагини ваҳм кўпроқ емиради, унда кўрқоклик жазаваси бир поғона ба-

ландроқ кўтарилади. Хар сония ўлим хақида хаёлга ботиш силлангани қуритиб юборишнинг билсанг-да, урушда барибир ўлимни ўйлайсан, ич-ичингдан қурий бошлайсан. Яшанинг ис-тагани, кўкка таллинган ниҳолдан фарқли ўларок, қуёш, ҳаво, сувга зориқмаган инсоннинг тирик қолиши, бевақт сўлмаслиги учун яна бир зарурат – ички осойиш керак бўлади.

Ринат машина ёнидан жой ҳозирлайди. Мен оператор хонасидан гўлт ва картошкали темир қутичани олиб, оғзини очдим. Машина ортида темир нимчаларини тўшаб овқатланаётган пиёдалар ёккан гулханга тутдим. Овқат қизигунча одатдагидай Мўмин билан Нурмахон меҳмонга келишди. Биз қон кўрна устида чўзилиб, овқатлана бошлаган эдик ҳамки, тўртинчи взвод томондан Юра келиб қолди. Қўлида икки литрлик резина сувдон. Гоҳо ҳавога отиб-отиб қўяди.

– Ҳа, шалпангқулоқлар, менсиз йиғилибсанларми?

– Ке, ўтир, – деди Мўмин, – иззатингни оширмай келавермайсанми ўзинг.

– Энди минг қилсаям пиёдалар сержанги. Обрўси бор. Тўғри айтаяпти, бизга ўхшаб оддий аскар бўлса бошқа гап. Сержант зобитга яқин одам. Буйруқ бериши мумкин. Мўмин, сен барибир овсарлигинга борасан-да. Тартибқоида ни ўрганиб қўй.

– Хўп, Бойбин, эзмаланма. Сенга бир парсани гаширмаслик керак. Нима қиламиз энди? – деди Юра сувдонни тўқиллатиб ерга қўяркан чўккалаб.

– Нима қилардинг. Овқатлангани келганингдан кейин қорнингни тўйгазиб кетасан-да, – Нурмахон кайфияти кўтарилса ҳазилни ўрнига қўярди.

– Мен демоқчиманки, захарларингга манови зормандадан бир татиб кўрсаларинг. Анча ўткир экан. Разведкачи юртдошларим тайёрлашибди. Ўзиям брашкामисан брашка¹ экан. Зўр ачиган.

– Ў-ў, яшавор, Юра. Ажойибсан кадрдон. Ринат ёнбошлаган қўйи сувдонни олиб силкиб қўйди.

– Юра, бу зўр иш бўлди, дўст, – деди ўрнидан туриб чордана қурган Мўмин, – қани, бир хўшлаб кўрай-чи.

Мўмин сувдонни даст кўтариб, икки ютум ичди. Бошини чайқаб, «қойил», деб қўйди.

¹ Брашка – гинимлик.

— Ишкилиб тошиб келган нарсанг ошқозонда қотиб қолиб, ичимизда нон пишмайдами? — Нурмахон тагин наст келмади.

-- Бойбиш, сен ичмайсан, — деди Юра. Сен нима-нинг фаҳмига борардинг.

— Ичаман деб ўлиб турганим йўқ, фақат менинг қарзларимни узишинг керак. Бир ўзбек билсанг, «пулим қуйган», деб гармдорини еган экан. Ўша ўзбек менинг бобом бўлади.

Ичимлик чинданам зўр эди. Бир хўплагандим, томовимни қириб кетди. Биз брашкани сувдоннинг оғзига қўйиб, галма-галига ича бошладик. Ярим хўплам қилиб ичаётган бўлсак-да, сувдоннинг оғзи даврани жуда кўп айлангани боис, кайфимиз кўтарила бошлади. Менга брашка таъсир қилди. Бошқалар ҳам мен каби дақиқа сайин сигарет тутатишар, ҳар гугурт чақилганда юзлардаги сўлғинлик, нигоҳларнинг ўйчанлик беркитган тун пардаси сидирилар, қайғу ва муш қотган сиймолар бир сония қизғиш ёруғликда кўришиб, қоронғулик ичра фарқ бўлиб кетарди. Сувдон бўшади. Биз чурқ этмай тутатардик.

— Хўш, ўртоқ сержанг, энди қаёққа юриш қиламиз? Тўғри полкка қайтарканмизми, — деди Нурмахон жимликни бузиб.

Ҳаммамиз бутун бошли армиянинг қисматини хал қиладиган генерал каби Юранинг оғзини пойлардик. Юра полкка борамиз, бошқа ёққа кетмаймиз, дейишини жуда-жуда истардик, бироқ у ҳам биздан ҳеч қанақа фарқи йўқ, оддий бир жангчи эди.

— Мен қаердан билай. Нима, ўзинг фаҳмламаяпсанми? Кўриб турибсан-ку. Бу ерда беҳуда дам олмаяпмиз. Қобул ўн чакирим келади. Агар полкка кетадиган бўлсак, вақтни беҳуда ўтказиб, ноҳушта қилармидик. Разведкачилар техникаларга ёқили солиб бўлишди. Улар аввалроқ йўлга тушишади.

-- Ҳе онасини, яна қирамиз дегин. Очиғи, шу лаънати жойга тўхтаганимиздан кўнглим сезувди, — деди Мўмин.

— Бўлди қилинглар. Фақат сўкинишдан, ўзларингни ейверишдан нима фойда? Эй, онасини эмсин! Бир гап бўлар, ўлсак ўлармиз. Шунчалик ваҳманинг нима кераги бор?! Сизлар бемалол эзилишиб ўтираверинглар. Мен машинага кириб мизиб олай. Хали худо билади. Панжшерга қараб жўнаймизми?

Ринат ўзини бепарволикка олиб, машинага чиқди. Мўмин Панжшерниям, афғонициям, армиясиниям, хаммасини бўралаб сўқди. Пурмахон чурқ этмай ўрнидан турди-да, автомадини елкалаб машинаси томон кетди. Мен кўрпани йиғиштирмоқчи бўлганимни сезишгач, Юра билан Мўмин ҳам ўрнидан турдилар. Пиёдалар машина устида донг қотиб ухлашар, техникалар атрофида фақат коровуллар у ёқдан-бу ёққа юришибди. Ахён-ахёнда уларнинг «Тўхта, пароль» деб бақиргани эшитилади, текширувчи зобит ёки ёзилгани чиққан солдат тўнвиллаб «Пароль олти» деб қўяди. Мен оператор хонасига тушиб ўриндиқлар оралиғига автоматини қўйиб, устидан темир нимчамни ташладим. Оёқни чўзиб ухлашга жой хозирладим. Бошимга шлимофонни кийиб, узатгични алоқа қутисига улалдим-да, чўзилиб ётдим. Кўзимга анча пайтгача уйқу келмади. Ташқарида юрган коровулларнинг темир нимчасига қурол қўндоғи урилиб тақиллаган овоз чиқаради. Худди узоклардан оғлар келаётганга ўхшайди. Ҳар замонда механик хонасида ўриндиқ тийқиллаб қўяди. Ринатнинг ҳам уйқуси кочганини фахмлаяман. Гоҳ у ён, гоҳ бу ёнга ағдарилиб бир нарсалар деб тўнвиллайди.

Ринатга менга караганда анча кийин. У баъзан тун бўйи машина бошқаради. Олти юз чакиримлаб масофани кечалари босиб ўтишга тўғри келган кезлари, у белим тахта бўлим қолди, деб нолирди. Колоннанинг чанг-тўзони ичида кабинадан бошини чиқариб юрмаса бўлмайди. Ўшанда юзида чанг-тўзон қотиб коллар, кўзлари кич-қизариб кетарди. Баъзида биз каби ёш болага каттакон БМП-2ни тошшириб қўйишганига хайрон бўлардим. Ринат машинани барибир яхши тушунарди. Мен дастлаб отишдан қанчалик чўчимайин, кейинчалик бу мушкул иш шунчаки бир юмушга айланиб қолди. Мен хатто машина ичидаёқ снарядларни лентаси тикилиб қолгудай бўлса тузата олиш ёки пулемёт лентасарини қисқа фуреат ичида ўқлаш даражасига етдим. Отишма бошланиши биланоқ Ринатга ички алоқада йўналиш бера олардим. Отув милини душман ҳамла қилган томонга тўғриланим учун ярим дақиқа вақт кифоя эди.

Хуллас, биз жангнинг ҳадисини олиб ўргангандик. Ҳар қандай вазиятда ҳам Ринатнинг машинани бешикаст олиб чиқишига, эсанқираб қолмаслиғига ишонардим. БМП-2 афғон урушида энг ишончли ва қудай техникалардан бири бўлиш билан биргаликда, уни бошқаришни ўрганиш кийин

эмасди. БМП-2 жангчининг қўлидаги автоматдан кўра ихчам ҳамда ваҳимали курол эди. Бу курол билан энди ўн тўққизга ҳағлаған икки йигит қатга-қатга қишлоқларни вайрон қилиб, одамларини тир тизғитиб, кириши мумкин.

Ринат қопқонини очди. Ичкари баҳорнинг енгил хавосига тўлди. У машинадан ташқарига чиқиб, ерга сакраган эди ҳамки, қоровул қичқириб қолди:

Тўхта, пароль!

– Олти. Ҳе итдан айниган. Кўзинг кўрми? Гаврилов!..

Мен роса қулдим. Ринат темир қутичаларни тарақлатиб тепди-да, яна сўқинди. Мен оператор хонасининг қопқасини очиб, машинадан беш-олти қадам нарида турган қоровулдан сўрадим:

Қачон йўлга тушарканмиз, Гаврилов!

– Замполит батальон штабига бориб келди. Ярим соатдан кейин ротани уйғотасан, деди.

– Қаерга борамиз, деб сўрамадингми?

– Айй, Баграмга дейишибди. Постларимиз¹ни дабдала қиллопаяпти экан. Ўн тўртинчи қуршовда қолибди.

Баграм худо урган жой. Бугунги эрталабки томошадан баттарровини кўрасан. Сен биринчи марта жангга чиқаясан-а, қалай, қизиқмикин?

– Умуман, кўрқинчли. Очқини айтсам, чинакам уруш бошқача бўларкан. Агар ҳаммаси шунака бўлса, даҳшат! Қаерга отинингниям билмай қоласан.

– Отиб нима қиласан. Жонингни асрасанг бас. Агар ўлишинг аниқ бўлса, отсанг-отмасанг барибир. Сен ҳали кўп жангларни кўрасан. Хизматингни энди бошлаясан-да. Ҳар ҳолда зийракрок туришинг керак. Йўқса, ажалинг оёғингни остидан чиқиб, асфаласофинга жўнатворади.

– Ҳа, тўғри, ҳали сизлар каби кўп нарсани кўришга мажбурмиз. Сизларга оз қолди. Яқинда кетасизлар.

– Мен ҳам сендайлигимда «қария»ларга ҳавас қилардим.

– Афғоннинг ҳамма жойида бўлганмисан?

– Деярли. Буёғи Панжшердан тортиб то Саланггача, Чорикор, Пагман, Жалолобол, Қундуз – юзлаб қишлоқларни айтавер.

Жангдан бизникилардан ҳам кўп киши ўладими?

– Бу тошпирикқа боғлиқ. Баъзи ҳолларда роса киришди.

¹ Пост – мудоғал нуқтаси.

-- Уларда-чи, улардаям ўликлар бўладими?

— Духларни камдан-кам холларда кўрасан.

— Нега?

-- Э, хали тушунмайсан барибир. Улар кўринмай отади. Тешикми, форми ҳаммасини беш бармоқдай билишади. Шу ерда яшагандан кейин сени истаган ўйинга солишлари мумкин-ку.

— Бизнинг тўпларимиз, ракеталаримиз, шунча кўп техникаларимиз бор. Наҳотки, духлар шундай куч олдида енгилмаса.

— Улар бўйин эгиши мумкин эмас. Ахир Ватан, манави тупроқ, ер уларники-ку! Техникаларинг эса, ошнам, фақат тинч аҳолини хонавайрон қилади, хотин-халаж, егим-есир, бола-чақани қиради. Духсиз қолган кишлокка отаверади.

-- Ўша ерда барибир битта яримта душман қолади-ку.

Гаврилов машинага суюниб олди. Унга уруш хақида гаплашиш кизик туюлаётганди. Афғонга келганига бор-йўғи икки ой бўлган бу йигитчанинг ҳар нарсага саросима аралаш қарани, қизиксиниши табиий эди. У хали жангни жасорат майдони, деб ўйлайди, совет армиясининг куч-қуввати, ақл-заковатига ишонади. Дунёдаги энг зўр армия -- бизники деб тушунади. Мен ҳам Гаврилов каби уруш нималигини англамай туриб, ҳарбий ўқув тайёргарлигидан сўнг, шу туйғу эхтиросида афғонга шошилганман. Афсус, минг афсуски, ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. Энди чидаш керак. Бу ерда ягона мақсад омон қолиш, бошқалар учун эса ўлик-тиригинг бир пул.

Афғонда ҳалок бўлган совет солдатини бир куни «килтмишига яраша жазо олди», деб изоҳлайдилар. Бундан ортиқроқ ҳақорат бўлмайди.

Гаврилов тағин нималарнидир сўрамокчи бўлиб энтикди. Менинг кайфиятим бузилди. Кўнгилга гап сирмай қолди. Унга озгина бўлса-да, мизғиб олай дедим. Шу пайт ўн беш қадам наридан биз тарафга бир шарпа яқинлашиб келарди. Пайқадим, Ринат бўшанглашиб келаяпти. Гаврилов шарпа томонга зудлик билан ўтрилиб, автоматини тўғрилади ва қичқирди:

— Тўхта, парол!

Шарпа эшитмаганга олиб яқинлашаверди.

Гавриловнинг овози тағин баландроқ чиқди.

— Тўхта, парол! Тўхта! Отаман.

Шарпа хуштак чалиб келаверди.

Менинг кулгим кистади, ўзимни зўрға тутиб турдим.

— Тўхта, отаман!

Гаврилов қуролини шарақлатиб, отишга ҳозирлади.

Шарпа биров тўхтаб турди:

— Пароль олти. Олти, Гаврил! Мен Ринатман. Отиб қўйма тагин, чижик.

Мен Ринатнинг юзи қахрли тус олиб, лабларини ирриратганини қоронғуда кўрмаган бўлсам-да, кўз олдимга келтирдим. Кулиб юбордим. Гаврилов ҳеч нарса бўлмагандай штаб томонга юрди. Ринат машина олдига келиб менга ўшқирди:

— Нега бунча куласан?

— Тўғриси, сени душман деб ўйлабмиз, — ҳазилга бурдим.

У беш-олти қадам олислаган Гавриловдан аламини олмаса ховуридан тушмайдиганга ўхшайди. Ерга чирт эткизиб тушурди. Бошини кашлаб қўйди. Менинг олдимда изза бўлгани оғир ботди. Ҳамияти кўзиганини хуштак чалганиданок сезувдим.

— Хой, Гаврил! Қани бу ёкка кел, — у ғазаб билан қичқирди.

Ринат, нима қилмоқчисан?

— Сенинг ишинг бўлмасин.

— Индама, урма уни, ахир чижик-да, ҳамиша уставга риоя қилиш керак деб ўйлайди. Ҳали урушни кўрмаган, қоровулда турганда чўчийди, — дедим уни юмшатиш учун.

Гаврилов Ринатга яқинлашди.

— Ҳей, ит. Онангни. Гаврил, кўрмисан? Ё атайин мени мазах қилдингми, чижик. Мен сенга кўрсатиб қўяман, хайвон! Мана! У Гавриловнинг бошига қўйиб юборди. Қоровул силтаниб, темир нимча ва автомати тақиллаб кетди.

— Ринат, нима учун, Ринат, қайси гуноҳим учун?

Гаврилов орқага тисланаверди.

— Тўхта, ит. Сен ифлос, машинадан чиқиб кетганимни кўрувдинг-ку! Нега мени ўйнатдинг. Мана сенга пароль, манови, отаман деганинг учун! — у тепди.

— Ахир мен қоровул-ку! Ринат, комбат қаттиқ тайинлаганди. Мен сергак туриш керак деб тушунаман.

— Хе, сендай сергакдан ўргилдим. Бор йўқол. Онафар, индамаса отиб қўяй деди, — Ринат ғазабланганидан Гавриловга ўзбекчалаб гапириб юборди.

Бекор урлинг-да, хали кўп нарсага кўникмаган. Душман келаяпти деб ўйлаган, – дедим Ринат механик хонасига тушгач.

– Сен бас кил!

VII

Тонгги вира-шира. Катта йўл ёқасидаги қишлоқни талафотсиз оралаб ўтган кўшин Баграм худудидаги кенг узумзорда тўхтади. Пунгаларда тарвақайлаган тоқларнинг повдаси машиналарнинг занжири остида эзилди. Танклар кўндалангига кесиб ўтган жўяклар тупроққа тўлди. Бесаноқ техникалар ини бўзилган чумолидай тарқалиб, киндик ота бошлаган нодаларни ер билан битта қилди. Кимларнингдир ризки боғланган боғ таг-туғи билан қуриди ҳисоб. Баҳорда қуриган бу тоқлар қайтиб ўзини ўнглай олмайди. Қаршимиздаги кулбалари тивиз солишган қишлоқ ахли ҳар жой-ҳар жойдан одам белчалик дувол билан сарҳадлаб ажратилган боғларини ҳеч бир сабабсиз вайрон қилиб ташлаганимиз боис, биздан нечоғлик нафратланишини тасаввур қилиш қийин эмасди. Биз ҳаммасини тушунган ҳолда ўта бемаъни ҳатти-ҳаракат қилаётган туриксиз ёш болаларга ўхшардик. Айнан узумзорда тўхташ зарурмиди, деган хаёлга борсак, ҳеч қандай ваз-қарсоннинг ҳожати йўқ. Қишлоққа кириш учун шу узумзор орқали ўтилса қулай бўларди. Агар қисм катта йўл орқали юрса қишлоқнинг орқа томонидан айланиб киришга тўғри келарди. Шу боисдан, биз тоқзор ичидан кесиб ўтишни мўлжаллагандик.

Қишлоққа разведкачилар взводи юборилгандан сўнг техникаларни жанговар ҳолатда шайлаб ҳаракат қилдик. Олдинда танкчилар батальони, сўнгра пиёдалар борарди. Миномётчилар ва оғир артиллерия тоқзорда қолди.

Қишлоқ тор кўча бўйлаб чўзилган кўримсиз кулбалар, ҳовлилардаги мевали дарахтлар панасидан кимдир қурол ўқталиб тургандай ваҳимали эди. Уйларда ҳеч ким кўринмас, одамлар юйиб бўлишганди. Эшик-орада фақатгина уй эгаларининг мол-холи, товуқлари кўзга ташланади. Ҳатто деворлар оша қизиқсиниб қаровчи болақайларнинг ҳам қораси кўринмайди. Халқ қишлоқни ташлаб, тоққа чиқиб кетганди. Агарки, душман бола-чақаси, аёлларини хилват жойга кўчирибдими, демак, қиёматли жанг бўлиши муқаррар. Нега унда бизни қаршиликсиз ўтказиб юборишга янги ё ностларга мададга келишимизни олдиндан билишгани учун индашмаяптимики? Балки қайтаётганимизда ҳужум қилишар?

Механик ва операторлар машиналар ичкарасида жанговар ҳолатда ўрнашиб олишганди. БМП-2 устидаги пиёдалар жонларини ховучлаб, атрофга олазarak қараб боришарди. Ўқ овози эшитилиши билан улар ерга сакрайдилар, машиналар панасида хужумга ўтишади.

Қисм қишлоқнинг қок ўртасига кириб бўлгач, колонна ортидан ўқ отилди. Олд томонда портлаш содир бўлди, бир зумда ҳар тарафдан гранатамётлар ишлаб қолди. Бирор нарча сезилмаган қишлоқ жон-жаҳди билан бизга зарба берди. Колонна таққа тўхтаб, БМП-2 ва танклар йўлнинг иккала томонига, қишлоққа қарата ўт очди. Кутилмаганда душмanning еру кўкдан ўқ ёвдириши кўшинни эсанкиратиб қўйди. Оқим бўйлаб бемалол сузаётган, туйқус гирдобга тушиб, чирпирак бўлиб айланаётган қайиқ ва унинг ичидаги сайёҳлар каби гандираклаб қолдик. Биз қуршовга олинганимизни пайқадик. Танкларнинг қишлоқни ёриб ўтган йўлда химояга зўр беришдан бошқа чораси йўқ эди. Пиёдалар машиналар тагида ётиб, қишлоқни ўққа тутди. Ассий кучни қайси томонга йўналтиришни билалмасдик. Йўлда туриб қолган колоннага душман ўнгусўлдан қакшатқич зарба берар, автоматларнинг тариллаши ва гумбирлаган портлашлар ичида қолиб кетдик. Атрофни бир зумда чанг-тўзон, қуюқ туман қоплади. Аскарлар жаҳаннам ичида қолгандай жон талвасасида югуришар, ўзларини дуч келган жойга уришар, бирор тош панасими ёки чуқурликни дархол паналаб олишар, айримлари ерга юзтубан ёпишиб, бўйинларини елкалари орасига қисинган қўйи кимир этмасдилар. Улар жанг пайтида машинадан беш-олти қадам узоқда бўлишлари керак эди. Чунки душман биринчи галда техникаларни нишонга оларди.

Алоқани бақир-чақир, саросимали қичқариқлар тутди. Ўлганлар ва ярадорлар ҳақида зобитлар тинимсиз алоқада қисм командирини огоҳ этишар, БМП-2 ва танклар беҳато уришаётганини хабар қилишарди. Айниқса, пиёдалар ўт-олов ичида қолиб кетганди. Ҳаводан шафқиллаб учган снарядларнинг санови йўқ эди. Мен отув милини тўғридаги уйлардан бирига мўлжаллаб узлуксиз отавердим. Ким қасрга, нимани нишонга олайти, билиб бўлмайдди. Алоқадан бирор нарсани англаш шунчалик кийинки, турли хил овозлар бир-бирига қўшилиб кетгани камлик қилгандай, ҳатто ўқ овози ва портлашлар ҳам эшитиларди. Машина ён-верига снарядлар келиб тушар, ҳар портлашдан сўнг ат-

рофин тутун ва чапг қоллар, кузатув ойнасидан ҳеч нарса-ни кўрмай қолардим. Пазаримда, деворлар ва дарахтлар, уйларга жон битиб, биздан беаёв ўч олаётгандай эди.

Мен бу жойдан тирик чиқишимизга ишонмадим. Қайтиш йўли ҳам беркилиб қолган эди. Портлаган техникаларни йўлдан суриб ташлаш учун хали узоқ вақт керак эди. Пиёдалар кирилиб кетади. Машина сиртига чапгиллаб тегаётган ўқлар ваҳмасидан ичимда титроқ уйғонади, бўшашиб қоламан. Мен беихтиёр ўзимни йўқотиб қўйгандим, қандай ҳаракат қилаётганимни ҳам сезмасдим. Қўлларим отув нуқтасига ёпишиб қолгандай эди гўё, кетма-кет отавердим, снарядлар учганда машина силганар, ичкарини аччиқ дуд – порох ҳиди тутиб кетганди. Мен отув милини гоҳ чапга, гоҳ сўлга, гоҳ тўғрига қаратиб ўт очардим. Снарядлар теккан жой ёришиб кетарди. Отишма менга ёкиб қолаётганига хайрон эдим. Гўёки мен лаззатли бир ўйинни бажараётгандайман. Ким билсин, балки одам ақлдан озса шундай ҳолни бошидан кечирар, балки куни битган одам учун қурбон бўлиш асло дахшатли туюлмас. Мен ўлим ҳақида сираям ўйламай қўйдим, кўрқувнинг энг олий даражаси қарахтлик боис ақлим кирди-чиқди бўлиб қолганига ажабланмасдим. Қизиқ, одам ўлимга шунчалик қисқа вақт ичида чоғланиши мумкинми? Мен умуман, ҳеч нарса-ни хаёлимга келтирмасдим. Фақат отишдан, снарядлар мен кўзлаган нуқталарга тушаётганидан ҳузурланардим.

Дарчаларига чўпдан тўсин килинган кўримсиз кулбаларнинг деворлари анча мустаҳкам тикланган. Уйлардан бирини қанчалик мўлжаллаб отмай, барибир тўкилиб бўлиши осон кечмади. Снаряд теккан жой ўйилиб қолар, девор қилт этмасди. Мен даричаларни кўзлаб ўт очардим. Бехато бориб етган снарядларнинг кўпчилиги ичкарида портларди. Аҳён-аҳёнда ўша кулбага танк снарядлари ҳам келиб тушар, ортидан ҳавода қизил чизик тортиб автоматларнинг ёнувчи ўқлари зувуллаб учар, кулба деворларига тегиб, ўз йўналишини ўзгартирар, сўнгра, кўкда, икки одам бўйи баландликка санчилган ёнувчан ўқ ғойиб бўлиб қоларди. Бу манзара шунчалик қисқа вақт ичида бир кичрик қоқғулик фурсатда содир бўларди.

Дарахтлар панасида олов пурқаб гранатамётлар ишлар, ўпирилган кулбалардан АКМ¹лар бизни чийиллаб ўққа тутар, кишлоқ ичкарасидан миномётлар отиларди. Гоҳо «Ер-

¹ Автомат русуми.

Ер» ва «РС»лар¹ учарди. Душман ўзини кўрсатмай, хаддан зиёд энциклик билан ҳаракат қилапти. Йўл ўртасида тикилиб қолган колоннанинг ҳар тарафдан зарбага учраши, яраланган арслоннинг итларга таланишига ўхшарди. Отишма тобора авжига чиққан сайин, ошшоқ яқтак-иштонини селбиратиб, мушукдай сакраб, дарахт ёки девор орқасига беркиниб, бизга қарата қарнилик қилаётган душманни кўриб қолардим. Мен дух паналаган жойга ўқ отиб улгурмасимдан, машина кескин силтанди, қулоқни йиртар даражадаги гумбурлашдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Машина ичкарисидан аччиқ қуйинди — дудга тўлди. Нафас олиш мумкин бўлмай қолди. Бунинг устига кўзим ҳеч нарсага илғамас, бошим чирпирак бўлиб айланаётганди. Хаёлимни машина портлади, уриб ташладилар, деган ўй чакмоқдай тиглаб ўтди. Мен жон ҳолатда қонқани итариб ташқарига отилдим. Машина устида бош кўтармай ётдим. Тепамдан визиллаб ўқ ўтар, қимир этишнинг имкони йўқ эди. Ичкаридан очик қонқа орқали тутун ўрляпти. Мен Ринатга нима бўлганини аниқлаш мақсадида тагин ичкарига тушмоқчи бўлиб, башняда эмгаклаган эдим ҳамки, бармоқларим тутган кузатув ойнасидан бир қарич настига чанғиллаб ўқ тегди. Душман мени кузатиб турганини ҳис қилдим. Қўлларим беихтиёр танамдан отилиб кетгудай даражада силтанар, мен ўзимни йиғолмай қолгандим. Бор овозим билан «Ринат» деб қичқирдим. Атрофни тутган қиёматли шовқин-сурон менинг овозимни ямлаб кетиши хаёлимга келмасди. Мен механикнинг хонасига эмаклаб бордим-да, қонқани очдим. Ичкарида машина чамбарагини тутган Ринат без бўлиб ўтирибди. У тош каби қотиб қолгандай эди. Юзи доқадай оқарган, кўзлари косасидан чиққудай бўлиб каттариб кетган, қимир этмасди. Гўёки музлаб қолганди. Ичкарига бошимни суқиб тагин Ринатлаб бақирдим. У қимирламади. Мен механик хонасига тепадан қўлимни суқиб, хайкалга айланган Ринатнинг бошига муштладим. У бошини илкис чайқаб, тепага, менга қаради-да, бақириб юборди. Одам боласининг кўркувдан бунчалик аянчли аҳволга тушиб қолишини, қичқирганда юзлари буришиб кетишини асло кўрмагандим. Ринат қалтираган қўлларининг панжаларини очиб, менга «кет» инорасида кескин силтаб қичқирарди. Атрофда рўй бераётган аянчли жангдан кўра, Ринатнинг телтакнамо чинқиргани ваҳималироқ эди. Негадир унга қараб

¹ Ракеталар русуми.

туриб, мен ҳам бақриб йиғлаб юбордим. Ўрнимдан даст туриб, душманга кўксимни тутим ёки бизга шунчалик кўрқув солган кишлоққа қараб югургим келди. Мен ортикча чидай олмасдим. Теграмдаги дахшатли манзарани бошқа қабул қилолмасдим, очини миям зўриқиб, ўзим англамаган қандайдир куч таъсирида ҳаракат қилаётгандим. Мен бошимни кўтариб, олдинга қардим — колоннанинг ярми аллақачон, йўлнинг сўл томонидаги сувсиз канал бўйлаб орқага қайтган, портлаган машиналарни судраган танклар ўтаётганди. Биздан учта машина олдиндаги БМП-2 ловуллаб ёнаяпти. Машинамиз атрофида ерга ёнишган кўйи икки пиёда кишлоққа қарата ўқ отаяпти. Улардан нарида яна биттаси эмаклаб биз томон келаяпти. Мен биздан кейинги БМП-2нинг ҳам орқага қайтаётганини кўрдим. Чекинишга буйруқ берилганини фахмладим. Ринат ичкарида гужанак бўлиб қалтирарди. Машина рўпарасидаги харобазордан чиққан бир тўда душман, бизнинг оғир талафот кўрганимизни, БМП-2 ишдан чиққанини англаганди. Улар биз томонга гоҳ энқайиб, гоҳ эмаклаб яқинлай бошлади. Баданим чўедай кизиб кетди. Ичимдан аллақандай нафрат тошди. Газабдан ўзимни кўярга жой тополмасдим. Ановиларнинг ҳаммасини тиркиратиб конини тўкким келаётганди. Қандай қилиб механик хонасига тушганимни билмайман, шлимофонни алоқа узатгичга улаб, башняни ҳаракатлантирмоқчи бўлдим. Бирок ток билан ишлайдиган нукталар ишдан чиққан эди. Мен башняни механик айлантргич орқали қўл билан буриб, отув милини пасайтирдим. Кузатгичдан хароба биноларни топдим ва отув милини ўша томонга тўғрилаб, бир оз пасайтириб, эмаклаб келаётган душманни кўрдим. Улар тўртта эди. Ўртадагисининг қўлида гранатамёт. Негадир тўхтаб қолишди. Отув мили билан биргаликда пулемётчи ҳам босишга қарор қилдим. Душман икки юз қадамлар чамаси яқин қолганди. Пулемёт тепкисига сўл қўлимни, отув мили тортмасига ўнг қўлимни теккизиб, пайт пойладим. Ўртадагиси бир оз қалдини кўтариб, гранатамётни бизнинг машинага тўғрилади, бошқалари автоматларини рўпара қилишган. Мен отув милининг масофа белгиси ўрсаткичини бир юз эллик метрга қўйиб, нишон кўрсаткичининг қорнига мўлжалладим. Пулемётнинг нишон кўрсаткичи ҳам гранатамётли душманга тўғриланганди. У гранатамёт осилган ўнг елкасини ичкарига олиб, бироз ёнбош ҳолатга келиб отишга тайланди. Мен қўлларимга қардим.

Шовуллаб тер оқаётганди. Кўзимни чирт юмиб, отув мили хамда пулимёт тежкисини иккала кўлим билан ёпишдим. Снаряд узлуксиз отилар, пулемёт тариллаб, бўшаган гилзалар ичкаридаги махсус темир кутига тушарди. Кўлларим тежкига ёпишиб қолган эди.

Кейин, кейин орқага, алоқа қурилмасига бошимни тираб, уйқуга кетдим. Ҳавода самолётларнинг ванвиллагани, еру кўкни ваҳимага солиб, гумбурлаган портлашлар эшитилди. Мен қишлоқнинг ўртасида югураяман. Нафасим қайтмаяпти. Осмондан тушиб келган бошлар ёғилаяпти. Ер тили чиқиб қолган, кесилган каллаларга тўлиб кетган. Мен каллалар бошимга тушмаслиги учун кўлим билан бошимни тўсиб олдим. Бошларнинг соколари кинг-қизил қон. Кўзлари чакчайган. Ерга тушган калла тупроққа қоришиб филдирайди-да, тўхтаб қолади. Теварак осмондан тушган бошларга тўлиб кетди. Мен қаёққа қараб чекинишимни билмайман. Оёғим ўзимга бўйсунмайди. Жойимдан қимирлай олмай қолдим. Югуришга ҳолим етмайди. Бир маҳал оёқларим остига Лилиянинг кесилган боши келиб тушди. Бош бироз думалаб тўхтади. Қон аралаш сочлари тупроққа қоришган, кўзлари ичидан чивиллар учиб чиқар, тили бир қарич бўлиб осилиб ётарди. Менинг аъзойи баданимдан мадор қуриб, ичим куйиб кетди, бақирай десам кўлоқларим шанвиллаб, овозим чикмасди. Ҳеч нарсани кўрмай қолдим. Мен Лилиянинг бошини ердан кўтариб олдим. У қонтоқ каби енгил, бироқ аъзойи баданимни куйдирарди. Бошим нимагадир урилиб, бўғилиб кўзимни очдим. Машинани қандайдир куч олдинга судраяпти. Тенадан дўпиллаб калла тушаяпти. Агар қонқа ёшилмаса, машина ичи кесилган бошга тўлиб кетади, деган ўй бир лаҳзада миямга ўрнашиб қолди. Нима бўлаяпти ўзи. Машина ичкарисига қандай қилиб кириб қолдим. Ҳозиргина мен қаерда эдим? Бошим лўкиллаб муздай бошлади. Қовоқларим оғирлашиб борар, кўзимни юмиб очин азоб эди.

Бир маҳал машина ташқарисидан нимадир дуқирлаб, қонқа очилди. Мен бир сесканиб, тенага қарадим – Мўминнинг боши кўринди. Этим жимирлаб бақириб юбордим. Чинданам осмондан бош ёғаётганди. Баданим жиққа хўл бўлиб кетди. Елкамдан кимдир туртар, мен очик қонқа томонга юзлана олмасдим. Кимнингдир чақиргани қулоғимга чалинди. Юзимга муздай сув қуйилди. Мен кўзимни

очиб, яна елкам оша тепага қарадим. Башнядан туриб ичкарига бошини суққан Мўмин кўлидаги темир сувдондан менга сув сенаётганди. Унинг боши елкасида эди. Машина олдинга силтаниб-силтаниб юраётганди.

– Ха, нима бўлди? Хамма жойинг соғми? Озгина чида, hozир етиб оламиз.

– ...

– Эй, роса қуршовда қолдик.

– Ринат қани?

– У анча яхши. Ана, механикда ўтирибди.

– Сен нега бу ердасан?

Мўмин башнядан ичкарига тушди-да, қопқани ёшиб олди.

– Менинг машинамни рота техники Довид хайдаяпти.

– Машинанг қани?

– Ана, олдинда. Сенинг машинангни судраяпти.

– ...

– Машинанг ишдан чиқибди. Тўғри двигателдан уришибди, онағарлар.

– Мўмин, энди тугадими? – мен қаттиқ чарчагандим, зўрға гапирардим, ҳатто кўзларим беихтиёр юмилиб қолганди.

– Тамом. Полкнинг шармандаси чиқди. Постларга етиб боролмадик. Энди Кобулга қайтамиз. Тугади. Бунақаси бўлган эмас ҳеч қачон. Биласанми, нечта машинани уриб ташлади. Пиёдалар жудаям кўп.

Мен Мўминнинг бошқа гапларини эшитмадим. Жанг тугагани, бизнинг машинани уриб ташлагани ва судраб боришаётганини билиб турардим, холос.

Полк эрталабки узумзорга қайтиб чиққан эди. Мен оператор хонасидан қоп тўрвани олиб машина устига тўшадим. Ҳар жой-ҳар жойда қиёфаси эзгин пиёдалар берух, бошлари ҳам ўтиришар, уларнинг афт-ангори кир бўлиб кетган, кўзларида сўнгсиз ҳасрат қотиб қолган эди. Улар дунёнинг жамики аламлари, бошларига тушган мусибат ўчини тамакидан олишаётганди. Айни дам ҳеч ким ўзининг тирик қолганидан фахрланиши, кўнглига таскин беришни хаёлига ҳам келтирмас, даҳшатли жанг манзарасини кўз ўнгидан сидириб ташлай олмасди. Мен жангдан сўнг кўз ёшларини оқизмай йиғлаш, ўзининг тирик қолганига ҳам кўнглида шукрона айтишга ор қилиш аскар учун ўлимдан ҳам ёмонроқ эканлигини ҳис қилдим. Чинакам жангдан кейин одам ўлим ҳақида ўйламайди, балки урушнинг чегараси йўқ бе-

даво азобини ҳис қилади. Чунки бу азобнинг оғриғи уни бир умр тарк этмайди.

Кун қиялаб қолганда полк ортга, Кобул сари йўл олди. Йўл четда танграйиб ўлиб ётган эшак, ит, моллару қўй-эчкилар тепасида чивинлар ғужғон ўйнар, аллақачон ўлим-тик ҳидини олган қарғалар атрофда олазарак бўлиб туришарди. Баъзи ховлиларнинг деворлар билан ўралган ичка-рисидан оқимтир қуюқ тутун ўрлар, айрим уйларнинг томлари ўнирилиб тушганди. Қулаган деворлар панасида ахён-ахёнда ўлиб ётган одамлар кўзга чалинади. Қишлоқ ўлик сукунат уммонида фарк бўлган кемага ўхшайди. бир эрта-лаб ўтганимиздаги қишлоқ манзараси харобага айланганди. Даричалардан қизиксиниб қараган, томларда мусичадай тизилиб олган беозор болаларнинг қорасиям кўринмайди. Ахир бу қишлоқда жанг бўлмовди-ку, Баграм ичка-рисига шу йўлдан ўтганимизда ҳамма нарса бошқача эди-ку? Қишлоқни ким вайрон қилди? Қайси аскар, қайси қўшин, қайси армия?.. Ахир бу қишлоқни ўтга солмадик-ку? Демак Баграм ичка-рисига ўтаётганимизда, армия ўзини тинчлик-парвар қилиб кўрсатган, чўнга ҳам зиён етказмади. Қайтиб чиқаётганимизда эса олдаги қишлоқларни артиллерия душмандан тозалаб қўйган. Уйларнинг деразасига, томлар устига оқ байроқлар илинган, қишлоқ яловлар қадалган қабристонга ўхшарди. Бу қабристонга тириклар қамалганди.

Колоннанинг қок белида портлаш юз берди. Кетма-кет ўқлар учди. Кутилмаган ҳужумдан сўнг пиёдалар ерга сакрашди. Сўл томондан гранатамёт отилганди. Қўшин ёппасига ҳужумга ўтди. Деворлар ўпирилди, дарахтларнинг шохлари қарсиллаб сина бошлади, уйларнинг ойналари зириллаб тўкилди. Қишлоқ олақуюн — оқтайлоқ ичида қолиб кетди, танклар гумбирлади, БМП-2лар донг-донглаб ишга тушди. Гранатамёт қайси тешикдан, қайси хонадондан отилганини ахамияти йўқ эди. Душман ҳамла қилганди. Душманнинг қанчалиги, кимлар эканига ҳам қизикмасдик, қишлоқ қаршилиқ кўрсатаётганди. Уйларнинг устидаги оқ яловлар қулар, неки кўринган нарса борки, ҳавас билан отаётган совет армияси солдатининг нишонига айланди. Ховлиларда хотин-халаж бош яланг, тентакнамо ув солиб югурар, айримлари гўдақларини кўксига босиб, ташқарига отиларди. Ёш болалар томлар устига ўрмалаб чиқишар, қўлларини отманглар нишорасида силқишар, айримлари ўққа учиб кабутардай ўмбалок ошиб қуларди. Қишлоқнинг эркаклари кўринмайди, тоққа чикиб кетишган.

Колонна тезликни ошириб, олдинга ҳаракат қилар, қишлоқни зўр бериб ўққа тутарди. Танклар тумшуги тивимсиз олов пуркаган кўйи, хароба қулбаларни ортда қолдирар, сўнгра олдиндаги ховлиларнинг тепасидан ажал ёдирар, орқадаги БМП-2 ва оғир техникалар эса олдагилар пайҳонлаган жойга етиб келгунча, қолган қутган қулбаларни илма-тешиқ қилиб келарди. Дуч келган жонзот борки, беаёв отилмоқда.

Колонна бурилишга етганда йўлга яқин ховлилардан бирининг девори оша тўнкарилган катта сават ортига югуриб ўтган ёш жувонни кўрдим. У бош-оёқ зангор кийинганди. Қомати адл. Мен саватдан кўзимни узмай қараб турдим. Машина олдинга ҳаракатланар, сават орқасига беркинган қизни жон-жоним билан омон қолишини, бизникилар пайқамаслигини хоҳлардим. Назаримда хали охири кўринмайдиган колоннадаги қайсидир танк ёки БМП-2 саватни ҳам нишонга олаётгандай, йўқ, қизга эмас, отувмилини менга тўғрилаб туришгандай эди. Ичимда оғриқ кўзролди. Колоннанинг кети кўринмасди. Мен жувонни отишлари сираям мумкин эмас, деган ўйни миямга сингдириб бўлдим. Билмайман, жувон менинг энг яқин одамимга айланиб қолганди. Мен кимдир соғинган эдим. Мен кимнингдир оёғига бош қўйиб осуда уйқуга кетишни истагандим. Ҳарир зангор либос кийган афғон аёли бу кирга ботган дунёни зангор нурларга тўлдирувчи мўъжизадай эди гўё. Ахлат ва чиқиндилар орасида зангори гул очилиб турганди. Уни узишга, хазон қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эди. Ундан фақат кўзлар баҳра олиши керак. У бизнинг моғорлаган онгу шууримиз ҳамда хаёлотимизга чароғонлик бахшида этади.

Ховли ортда қолаяпти. Менинг нигоҳларим саватга кадалган. Кий-чув, ура-ур, гулдур-гулда омон турган сават ичида жоним симиллаяпти. Менга ҳеч ниманинг зиғирчаллик ахамияти йўқ, бутун Афғонистон ёниб қул бўлмайдим, бутун бошли Совет армиясини ер ўз қомига тортиб кетмайдими, фақатгина, сават ортидаги жувон тирик қолса бас. Мен бу фикрга қандай келганимни англай олмасдим, зеро, бунинг сабабини ахтаришнинг ҳам ҳеч қандай кизиги қолмаганди.

Мен саватдан кўзимни узмасдим. Қисм командирининг отишни бас қилишни буюриб, ўқ узмасликни қатъий талаб қилишини қутардим. Алоқада эса бунинг тескариси эшити-

ларди. Бир маҳал, сават атрофида олов кўтарилиб, кўкка тўзон кўтарилди. Оптимиздаги танкнинг даҳшатли гумбурлаши эшитилди. Бу шунчалик қисқа вақт ичида содир бўлдики, сават ўрнига осмондан парча-парча қорамтир тошга ўхшаш нарсалар тушганини илғадим. Танк саватни, жувонни тўзғитиб юборди. Ўзимни машина ичкарасига уриб, қопқани ёниб олдим.

VIII

Ернинг нами кетмаган. Чарақлаб чиққан қуёш тафти кишининг борлигида бўшаглик пайдо қилади, уйқуга элтади. Октябрлар палла бошланди. Ховури кўтарилаётган адирларга яшиклик югурди. Илик узилди палланинг ён-ёруғ кунларида неки тирик жон бор, уйқусираётганга ўхшайди, ҳаловат истайди. Аскарлар пана-насткам жойларни топиб, уйқунни уриш пайида бўлишади. Одамга ҳеч нарса ёқмай қолади. Фақат муздек хилват жой топиб, оёқни узатиб, томирларингни яйратсанг. Табиат қўйнидаги лоҳасликни уйқу билан енгсанг.

Қисм тамакиси тутаган кашандадай гандиракларди. Жангчилар полк дўконининг эшиги олдидан бери келишмасди. Сиси, Югослав мурабболари, «Атиргул суви» харид қилишар, хаммасиданам дўкондаги тантик дўндикчаларнинг жеркиб беришларидан хузурланишарди. Хаммаёқни эркак босган замонда аёлга гап отиш мазза-да. Аёлга тикилиб, оч нигоҳни тўйғизиш мумкинлигини ҳисобга олсанг, унга тўшакда етишишнинг нақадар оромбахш эканлигини айтмасанг ҳам бўлади. Урушда, ўлим остонасида изғиётган одамнинг юрагида ҳаёт ва гўзалликка ўчлик туйғуси кун ўтган сайин юксаклашиб боради. Полкдаги аёллар бизга тирик қолишимиз зарурлигини эслатиб туришарди. Хоҳ қисм тиббий пунктида, хоҳ ошхонада, хоҳ штабда ишлашмасин, хоҳ киборли таманнолари билан фашизмни қўзғатишмасин, барибир улар полкда навозиш билан очилиб турган атиргуллардан фарқ қилмасди. Фақат бу атиргулларни аскарлар хидлашдан мосуво эди. Улар хамиша этиклари ялтиллаб тургувчи, кадамидан ўт чақнайдиган, кепкани иштиёқ билан бошига қўндириб юривчи жасур зобитларнинг бағрида очилишарди. Шўрлик аскарлар учун кўзларини тўйдириб, хаёлий маншат қилишдан бошқа илож йўқ эди. Улар алами келганидан қисмдаги аёлларни хумори чиққунча сўкишар, афғонга сенларни излаб келгансан-

лар, дейишарди. Одамзотнинг имкони етмаган ишдан қаттиқ нафратланиши унинг табиатига сишиб кетган хислатлардан биридир. Аскарлар урушда аёлларни жудаям кераклигини, улар вазиятни ушлаб турувчи ягона куч ва армиянинг ичидаги сезилмас «қўмондон»лар эканлигини англашса-да, тан олишга фурурлари қайсарлик қиларди. Дарахтнинг учида товланаётган кузги олманинг жилваси кўнгилларни куйдириб, бошқа бировларга насиб қиларди. Хуллас, бу боннинг олмаларини даста узунлар ушлардилар.

Бугун кун ярақлаб кетди полк штаби томидаги карнайдан Алла куйларди: «Прости, поверь, я тебе открою дверь. прости, поверь, я тебе.» Осмон нур акси қайтаётган зангори кўзгуга монанд. Қисм худудидан нарида ястанган текисликка кўм-кўк ранг ишган. Қишлоқнинг бошланишидаги ўрикзор оппоқ гулга тўлган. Чароғон кун қучоғида замин улкан оқ гулдаста ясаб, фалакка тутаётгандай. Тоғлар қисм тепасидан энқайиб қараётгандай туюлар, улар биз томонга яқинлашиб қолгандай эди. Табиат офир холсизланиб, уйқудан уйғонаётган ўн саккиз яшар қиздайин назокатли эди. Ҳамма нарса мудраб уйғонаётган эди. Дунё тириллаяпти. Қурт-қумурска ризқ излаб, ёруғликка чиққан. Тошнинг ҳам, гулнинг ҳам, нима, нимаки бор, яшагиси келаяпти. Майсани боссанг чинқиради, новдани синдирсанг силтаниб беради. Неки тирик жон бор, нобуд бўлмоққа ҳақки йўқ. Бу кунларда фақат яшашнинг керак, кўзинг очик турсин.

Мен қисм дўконига етгунча атрофнинг яшариб, яшнаб кетганини ҳис қилдим. Полк майдонида вимирлаб юрган аскарларнинг совуқ сўхталари ҳам ёхуд ҳарбий тартибга мўлжалланган казарма ва чекиш жойлари ҳам, кўзимиз кўникиб кетган тунука девор, ошхона ва омборхона ҳам, бадга урган интизом, қоидага мос топшириқлар ва ҳарбий-часига юриш машқлари ўргатиладиган саф майдонлари ҳам табиатнинг хушманзара жилваси кўйнида асабимга тегмади. Дўконнинг эшиги олдида автомат остан, темир нимча ва бошига каска кийиб олган икки қоровул туришибди. Аскарлар ташқарида қанчалик ур-тўполоқ қилишмасин, дўконнинг ичкарасидаги илгак шарақлаб, битта-иккитадан аскар киритилмоқда. Навбат кутиш жонига теккан жангчилар сотувчиларни сўкишади:

— Ҳе, нима, ичкарида, ҳалигидақа қилишаяптими.

Бошқалар ҳам кўрса яхши бўларди, - дейди узун бўйли тиббиёт белгисини таққан аскар.

Сен, санчастанда тўймадингми. Зўрлари ўша ёқда-ку. Жаннатда яшасанг ҳам, биз фақирларнинг ризқига қўл чўзаяпсан, дўст. Мен касал бўлайин, санчастанда қизларни кўрайин деб ёлвораман. Эй, сени қара-ю, — деди танкчилар белгисини осган жангчи.

— Одамзотнинг шу нарсадан тўйганини эшитганмисан? — деди миномётчи, — бунинг устига ичкарида, бемалол дёб туришибди.

— Эй, улардан нима кетди. Дўкондаям шу ишни қилишлари мумкин.

— Фақат сен билан менга қийин, қийналиб юраверамиз, — деди халиги танкчи.

Эшик очилиб, ялтироқ қутида конфет, мураббо, вафли кўтариб олган иккита аскар чиқди.

— Ха, ҳаққига қўлларингдагини бердим, — миномётчининг гапидан ҳамма гуррос кулиб юборди.

— Ха, шуни берди, — деди қути кўтарган аскар, сенга бошқа нарса тайёрлаб қўйибди. Бемалол киравер.

Тағин кулги бўлди.

— Агар миномётчилигингни айтсанг, оғирроқ қилиб беради. Кўтариб кетишингга ишонади, — деди ичкаридан чиққан иккинчи аскар.

— Чёрт побери — миномётчи ерга чирт эткизиб туфлади.

Мен навбатим етгунча ошхонадан ярим кило қовурилган балиқ олиб келдим. Дўкондан уч қути конфет, югослав мураббоси, тўртта Сиси, уч қути печенье, «Ростов на Дону» сигарети, лаб-қалам ҳамда духи сотиб олдим. Ҳаммасини дўкончи жувондан эланиб олганимбўш қутига жойладим. Дўкончи Лилиянинг олдида кўримсиз эди. Бесўнақай семириб кетгани, қулоғининг тагига доғур қизил бўёқ суртиб олгани, хумдай бошига сариқ жингалак соч паригини кийдириб қўйганга ўхшарди! Унинг аскарларга нисбатан ҳамиша белпандлиги аччиғимни чиқарди. Сочини киртишлаб, шир яланғоч қилиб, полкни айлантириб югуртирса яхши бўларди, деган ўйдан лаззатландим.

Дўкончи жувон беш чек уриб қолди. Пачакилашиб ўтирмай, казармага келдим. Ҳамишагидай хар ён остин-устун, гала-ғовур. Қутини тумба устига қўйиб, ёш аскарлардан бирини чақириб юз чек бердим. Фуқаролар модулидан бир шиша «Столичный» олиб келишга жўнатдим. Казарма бурчагида уятли карта томонга қилиб, хиринглашиб ўтирган Ринат билан Мўминни бир оз кузатдим-да,

Ўзимни каравотга тапладим. Ринатнинг олдида хижолат чека бошладим. Гўёки, унга исбатан номардлик қилаётгандай эдим. Хижиллик юрагимга чанг солаётганди. Ҳозир Ринатга айтишим керак, иккаламиз бирга борамиз, деган ўй кўнглимга таскин берар, айни дам Ринатнинг кўшилишини ҳам истамасдим.

Мен улар билан бирга шармисор карталарни кўриб бўлганимдан сўнг, Ринатнинг куловига мақсадимни айтдим.

— Бемалол, мен бормайман. Йўлини қилиб тўғрилай-вер, — деди у дабдурустдан.

— Очиғи, бирга борсак, яхши бўларди.

— Йўқ, дедим-ку, сенга. Ҳозир жиним суймаяпти. Қўй ўзинг боравер. Ана, модул, бир кадам.

— О, жа овинг бароридан келаяпти-да. Ҳузурини сен кўриб, Ринат қурук қолаяпти-да, — кесатди Мўмин.

— Сен суқилма. Ринатга айтаяман, ўзи хоҳламаяпти, — дедим бепарволик қилиб.

— Бизни таклиф қилинг. Мўмин акангиз қайтмайдиганлардан. Бирга борамиз, ёрдамланамиз.

— Сен билан борсам уйига киритмайди. Кейин, хар бир ишнинг одами бор, ошнам.

— Бизам бир кўрайлик, оғайни. Таништириб қўй.

— Сенинг эртага навбатинг. Эртагача сал-сал одамбашара бўлиб тур. Бугун ўзимни таништираман.

— Ҳозир иштаҳа бор эди.

Унда ўзинг бор, боравер. Шунақа деб айт.

Мўмин возчасига ўтириб, ўмганини кериб бир энтикди.

— Ростданам ўзим борсам нима қиларкан-а. Иккинчи ротаданман, фалончилар билан бирга жангга чиқамиз, дейман.

— Медалингни ҳам тақиб олсанг зўр бўлади, — деди Ринат.

— У ёқ-бу ёғингга одеколон суртиш эсингдан чикмасин, — дедим.

— Сенларга эзмалик бўлса бас. Мен тўғри маънода айтаяман. Шу кунларда ўлиб юрибман. Қийин бўларкан. Тушларим ҳам айниган. Лоақал бир марта борсам ҳам майлигайди.

Айтдим-ку сенга, ўзинг боравер, ўлиб юрибман, қийналдим, менга ёқасан дегин. Буни мушкул томони йўқ. Агар ўрисчада тутилсанг, ўзбекчасига гапирарвер, йивла-сиқта, додингни эшитади, — дедим.

Сенларга кийшиқ гап бўлса бас, Мўмин хўрсинди, майли, ўзларинг биласанлар, биз томондаям офтоб чиқар.

Ухлаб ётаверсанг офтобни кўрмайсан.

Унда айт, йўлини кўрсат.

Қандай йўл?

— Тузоқ қўйиш сирини-да. Шунини тушунтирсанг бас.

Бу осон. Тушлик махали битта «Столичный»ни чўнтакка уриб, дўкондан майда-чуйда оласан. Хар эҳтимолга қарши қўлига тутқазиш учун икки юз чекни калта иштоннинг липпасига қистириб қўясан. Кейин, зобитлар овқатга келгунга қадар ошхонага кириб, бор нарсани унинг олдига қўясан, тамом. Тузофингда кабутар итирлаб турибди.

Мўмин юзига тошган хаяжонни яшириш учун дераза томонга қаради. Тиззаларига шапчатилаб, оёқлари билан полни тақиллата бошлади. У хаёлида Лилия билан айш сураётганди. Бешарводай кўринса-да, ўзини қўярга жой тополмай қолгани сезилиб турарди.

— Иложи бўлса, унинг олдига бораётганингда қўйингга битта граната солиб ол, — деди Ринат.

Мўмин солдалик билан Ринатга қараб бироз яқинроқ сурилди.

— Нега?

— У гранатани яхши кўради.

Мен ўзимни босолмадим, кулиб юбордим. Ҳазилидан наша қилган Ринат ҳам хоҳолади. Мўмин ерга туфлаб, ўридан туриб, Ринат ўтирган каравотни бир тепди.

— Сен ифлосларга одамни мазах қилишдан бошқа иш йўқ. Сен нега кулаясан. Сенларниям, Лилияниям. Э, сенларни одам деб ўтирибман. Эҳ, чўрт.

У кўл силтаб, ўзини каравотга ташлади. Қаттиқ хафа бўлганди. Биз ловуллаб ёнган Мўминнинг тезда ўчишини билардик. Кўнглида кир сақлаб, ковок тумшук қилиб юрмасди. Қўлига конфет тутқазиб, бир қулчи десанг, йиғини унутиб юборадиган ёш болага ўхшарди у.

Мўмин, хафа бўлма, сенга яқин ошнамлигинг учун хазиллашаман. Ахир биз бир-биримизни яхши тушунамиз-ку? Қани, тур, битта Лилия билан таништириш у ёқда турсин, жонимни сўрамайсанми, — деди Ринат.

— Қўй, ошна, ўзинг содласан, ҳазилни тушунмайсан. Ке, арзимас нарса учун аразлама. Ахир сендай йигит учун бу нима дегани, — дедим мен.

Мўмин ўридан қўзғолди. Тумбасини очиб, сигарет олди-да, лабига қистирди. Казарма деразасини қия очиб, тутунни ташқарига туфлади. Юзидаги қахр нишонини аввалги самимият қоплади. У босиб-босиб тортаркан, ўйга ботиброқ деди:

— Шу десанглар, эртагаёқ Лилияни илтираман.

Мен ароққа жўнатган аскар қўйни дўшайиб, казармага кириб келгач, қўлим билан «ўша ёқда тур», ишорасини қилдим. У тумбамга суяниб, мени кўтди. Хамсухбатлар билан гапни узиб, каравотим олдида турган «чижик»нинг ёнига келдим.

— Ха, топдингми?

-- Мана.

Шохоллар сезмадимми?

Йўқ.

— Раҳмат, дўстим. Чекасанми! Ма, манови чек сенга. Сигарет оласан.

— Раҳмат. Мен «Донские» чексам ҳам бўлаверади.

-- Ҳечқиси йўқ. Самимий узатаяман. Олавер. Хизматинг учун. «Чижик» бўлсанг ҳам анча пишиқ ишларкансан. Ол, оғайни.

— Йўқ. Мен «Донские» чекавсраман. Фақат сиздан бир илтимос, сержантга айтинг, бугун мени «дневальный!» қилиб тайинламасин.

-- Қайси сержантга айтишим керак?

— Сизлар билан тенг хизмат қилган Юра — бизнинг бўлинма командири.

— Анови, Юра Трусювми?

Ха.

— Бўпти, боравер. Сен бир ҳафтагача навбатчи бўлмайсан. Фақат менинг ишим тушганда ими-жимида бажариб турасан.

— Хўп бўлади!

Аскар тоғдай қадланиб жўнаб қолди. Мен қорозга ўралган бир литрлик «Столичный»ни дўкондан харид қилган егуликлар солинган қутичага жойладим. Казарма йўлаги бўйлаб зобитлар хонаси олдига кузатувчи қўйиб, қутичани унинг ишорасига биноан кўтариб ташқарига чиқдим. Ҳеч ким кўрмади. Аёллар модули томон югурдим.

IV

Устол дид билан тузалган эди. Висоцкий кўнгилни оқизиб куйлаяпти. Хонани муаттар хид тутган, атиргул бўйини олиб эсаётган майин шабда оғушида мастона чайкалардим. Ҳамма нарса титраб турар, ҳамма нарса нафисва гўзал эди. Лилия чиннидай чарақлаган хонанинг деразаларини очиб юборди. Унинг эғнидаги харир зангор кўйлак охишта, сезилиб-сезилмай калтирарди. Либоси ортидан қордай тийнати, қуш банди қилинган кўкраклари, хишча бели, жодули ошпоқ торсиллаган сонлари кўриниб турарди. Лилия атайлаб, яланғоч баданига юпқа зангор кўйлак илиб олганди. Тим қора кўзларини юракни ўйнатиб сузар, ёноқлари нақш олмадай товланар, сочи елкаси узра шовуллаб оқарди. Стол устида одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса муҳайё эди. Ялтироқ қадахлар, хали мен номини билмайдиган ширинлик ва таомлар, ажабтовур, қалпоғли буролғичи ёқутранг занжирча билан беркитилган шиша, фақат икки кишига мўлжалланиб қўйилган турли туман егулик ва газакларни кўриб, кўзим тингудай бўлди. Мен дўкондан харид қилган нарсаларни дастурхонга қўйишнинг хожати ҳам йўқ эди. Қутичани очиб «Столичный» ва «Ростов на Дону» сигаретини столга қўйдим. Лилия рўпарамга ўтирди. Мен дабдурустдан сигаретга тармақдим. У халиги шишани очиб, иккита қадахни тўлатди. «Сиси» ичимлигини бошқа қадахларга қуйди. «Сиси» ароқдан сўнг зўр газак бўлади, дарров захрини қирқади. Ичимлик анча ўткир экан, бироқ таъми тахир эди, дабдабали кўринишини айтмаганда менга ёкмади. Мен бунчалик кўнгилхушлик ва хашамдан ўзимни ноқулай сезаётгандим. Лилияга канчалик ўрганиб қолган бўлмайин, барибир шу дастурхон, шу хонава гўзал аёлга номуносиб ақаллигимни тап олганим сайин, ўзимни хаяжон домида хис қилардим. Бу ҳолат тушга ўхшарди. Мени Лилиянинг қаршисида титроқ босаверар, унинг гапларига узук юлук жавоб қайтарардим. Мен қаршимдаги зангор кабутарни учириб юборишдан чўчирдим, айни дам унинг ройиш-истагига мос ҳаракат қилиш йўлини излаб қийналаётгандим. Лилия бу сафар «Столичный»ни очди. Мен қадахларни тўлғиздим. Буниси ёқимлироқ эди. Сигарадан биттадан тутатдик. Ўзимни анча эркин тута бошладим.

— Нега бунчалик тортинаясан. Олавер. Буларнинг барини Сен учун тайёрладим. Сени яхши кўриб қолганга ўхшайман. Сени тез-тез кўргим келаверади.

Лил, ке, ёнимга ке.

У ўрнидан сизил кўзғалиб, ёнбошимдаги стулга ўтирди. Куюк қора сочини кўллари билан тўзғитиб, бошини кўксимга кўйди. Ич-ичимдан ҳаяжон тошиб, унинг кизиллик урган юзини ўзимга қаратдим. Ошюк бўйни, сеҳружоду билан сузилган қароғи мени тамоман сархуш этди. Нозик бармоқлари кўксимни силар, оловдай эхтирос тафтидан борлигим эриб кетаётгандай эди. У кенг харир либосининг тўғноғичини ечиб юборди. Кумундай беғубор танасидан кўйлаги белигача сирғалиб тушди. Мен деразани беркигиб, пардани тушириб кўйдим.

Куннинг ярми ярим дақиқага тенг бўлди. Лилия кўзгу қаршида эгнига ошпок чойшаб илиб, хўл сочларини қуритаётганда завк билан томоша қилдим. Ювиниб қайтгандан сўнг, у узок пардозланди. Икковимиз кўзгу олдида тик турган кўйи ярим қадахдан «Столичный» ичдик. Майнинг таъмини унчалик сезмадим. Қорним роса очикқанди. Иштаха билан овқатландик. Қайфиятим анча тетик, ўзимни ҳаётимда илк бор яхши кўрдим, ҳали меҳр деган улуг тушунча мендан юз ўгирмаганини, ёруғ ва чиройли лаҳзалар, нурга қоришиқ сониялар тамоман зулмат оғушига фарк бўлиб кетмаганини хис қилдим. Одам боласи барибир яшашни керак, инсон умри ҳамиша қаро кунлардан иборат эмаслиги учун ҳам яшашни керак.

Лилия «Сиси»ли қадахни лабига теккизиб ўйга толди. Кўксимга бошини кўйиб, бироздан сўнг деди:

- Казармага кечқурун кетсанг ҳам бўлади-а?
- Нима эди, агар истасанг, шу ерда қолишим мумкин.
- Мен қолишингни истайман.
- Қоламан, сен зерикмасанг бас.
- Йўқ, ҳеч қачон зерикмайман.
- Казармага бормасанг, сени қидиришадими?

Албатта. Кечқурун рота бўйича йўқлама қилинади. Агар бирорта аскар йўқолиб қолса, ҳеч кимга тинчлик йўқ. Ернинг тагидан бўлсаям ахтариб топилади.

Командирингга тушунтириб кўйсанг бўлади-ку.

- Армиянинг ўзига яраша сирри бор-да, Лил.
- Сирри эмас, тартиб-интизоми, дегин.
- Фарқи нима?

-- Албатта, фарқи бор. Сен ўрисчага баъзан қийналиб қоласан.

— Барибир фикримни уқтиролмаёпман-ку. Қишлоқда яшаганман. Ўрислар йўқ биз томонда. Сен билан тил топишдик-ку!

— Бу борада тил топиш учун тил билиш шарт эмас. Мен Сени ёқтириб қолдим, тамом. Соддасан, лекин ёқим-тойгинасан. Бировга озор бермайдиган боласан.

— Лил, очигини айт. Сенга ким билан бўлсанг ҳам барибир-ку?

— Йўқ, илтимос қиламан, сен ундай хаёлга бормаслигинг керак. Тўғри, бу ердаги аёллар бузуклик қилишади, мен ҳам. Бироқ пул учун, лаънати майда-чуйда матохлар учун. Аммо, кўнгилнинг измида кимшидир тусасанг, нимаси ёмон.

Лилия ўйга ботган кўйи жим қотди. У бир нуқтага тикилиб сўзларди. «Ростов на Дону»ни бармоқлари билан айлантириб лабининг бир бурчига қистириб, гугурт чакди. Ҳорғинлик билан тутун сурқаб, менга тикилиб қолди. Юрагим увушиб кетди.

Унинг кўзларидан мени тамоман жодулайдиган меҳр қоришиқ қайғу сизарди. Уни бағримга босиб, сочларини силадим. У титраб-титраб йиғларди. Менинг ҳам кўнглим бузилди. Тошга айланиб бўлган дунёнинг, зимистон дунёнинг даҳшатли ўйинларидан қалтираб ёнаётган бир ожизаи нотавоннинг менинг кўксимдан паноҳ топгани боис ҳам бўғзимга ёш тикилди. Жангда йўқотган дўстларимнинг бошидагина шундай ахволга тушардим, бўғзимни изтироб тиглари тилкалаб ташларди. Бугун, айни дам, Лилиянинг айши-ишратга мойил хонасида, мен улурф бир куч, аёл меҳридан қониқиш ҳар қандай қайғу сафодан лаззатлироқ эканини англадим.

— Йиғлама, мен сени.

— Сен яхшисан.

— Айт, мен кимман?

— Менга ёқасан, ишов, сен бошқачасан.

— Яна бир нарса де, яна, — у бўйнимга чирмашиб олди. Юзига кўз ёшлари сизганди.

— Чиройлисан. Лил, ўзингни бос.

У жимиб қолди. Туйқус кўзларимга қаради-да, лабларини тишлаб, ўзини орқага олди.

— Ичамиз, тўлагиб қуй. Менинг йиғлаганимга эътибор берма. Менда ҳеч қандай ҳис-ҳаяжон қолмаган, эхтиросим сўнган. Мен қуриб бўлган дарахтман. Мен, мен севиш-

севилишига асло нолойикман, тушунаяпсанми. Сен хали нимани кўрдинг - гўдаксан. Йўқ, сен гўдак эмас, эрта хазон бўлдинг. Мен Сени севиб қолганиман. Ах, майли, бир фоҳишанинг севгисини тушунсанг бўлди.

У қадахни бир кўтаришда симирди. Мен бир хўплаш билан тугатдим. Яримлаган «Столичный»ни қадахларга тўлдириб қуйдим. Лилия тобора сулуврок кўринар, очилиб борарди. У дунёнинг энг чиройли аёлига айланганди.

— Мен кечки йўкламадан сўнг сеникига келаман, — дедим.

— Албатта. Ўша казармангга бориб кўриниш бер. Кейин кечаси билан менинг ёнимда бўласан. Сени қўйиб юбормайман. Ола, ичамиз, аскарчам. Кўтар! Сенинг жангларда омон юришинг учун. Афғондан соғ қайтишинг учун. У хориган кўйи стулга келиб ўтирди.

Мен балиқ, салат еб, «Сиси» ичдим. Лилия югослав мураббоси тановул қилди. Кеч кириб қолганди. Қисмнинг саф майдонида «кечки овқат»га чорловчи карнай садоси янгради. Лилия менга қараб маъноли кулиб қўйди:

— Менинг қорни оч, аскарчам! Қани тезроқ, сени овқатга чақиринг.

— Мени ошхонага бормаслигимга рухсат беришг, ўртоқ Генерал!

— Йўқ, солдат! Армияда тартиб-интизом бор. Ҳамма нарса устав бўйича бўлиши керак. Сен бу ерда ўйнаб юрганинг йўқ! Қани, ошхонага «бегом марш!»

— Хўб бўлади, ўртоқ генерал!

Лилия шарақлаб кулди.

Биз кечгача хайрлашдик.

Қисм овқатга сафланганди.

Х

Аёллар модулидан чиккач, казармани айланиб ўтиб ичкарига кирдим. Ҳамма ёқ жим-жит, сув қуйгандай. Коридорда навбатчи мудраб ўтирибди. Бошқа пайтда бўлганда, уни сўкиб ўтардим. Қайфиятим аъло эди, эътибор бермадим. Каравотимга бориб, ўзимни таппа ташладим. Кўзимга уйқу келмади. Авваллари сайлгоҳдан чарчаб қайтгач, ёки жангдан сўнг рохатижон бўлиб туюлган казарма кўзимга бариб ва совуқ кўринди. Икки қаватли каравотлар, сарғиш картон деворлар, ювилавериш, бўёғи кўчиб кетган пол, ажабтовур хид ўрнашиб қолган казарма тип-тиник анхор

ичидан балчиқ ичига тушиб қолганим сингари фижишимни келтирди. Ҳозир менга кимдир БМII-2ни ёғга ботиб тузатишимни ёки жангга чиқишимни айтса, дод деб бақириб юборардим, дунё зимистонга айланарди. Мен хали то ҳарбий хизматга қадар аёл билан бўлмагандим, бунчалик кўнгилшодлик килиб яйрамагандим.

Каравот силганиб кетди. Тепамда рота командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари Шерстюк чақчайиб турибди.

— Ухляяпсизми, қари?

Ўрнимдан сапчиб туриб, кийимимни тузатдим. Ўзимни тутиб дедим:

— Худди шундай, ўртоқ катта лейтенант. Тобим йўқ. Бошим айланаяпти. Овқатланишни хоҳламаяман.

У менга яқинроқ келиб бош чайқади.

Яхши! Қани айт-чи, қария аскар хизматга қўл силтаб, ҳамма нарсага қўйиб қўйиши керакми, солдат?

Мен илдамай туравердим.

— Гапир, сендан сўраяман.

— Нсга энди, ўртоқ катта лейтенант.

У кўзимга термулиб тагин жазавага миңди:

Офицер солдатдан гап сўраса шундай жавоб бериладими?

— Ни как нет, ўртоқ катта лейтенант.

Унда айт-чи, қария аскар, уставга, интизомга қўйиб қўйилмаса, нега сен ошхонадамас, бу ердасан. Нега оғзинг сасияпти. Қаерда, қачон, ким билан ичдинг?

Мен жим турдим. Бошимни эгиб, чурқ этмадим.

— Тилингни ютдингми? Айт? Нега ичдинг? Йўқса, гаупвахтага жўнайсан. Ўргулдим сендай жангчидан.

— Биринчи ротада эдим, ўртоқ катта лейтенант. Юртошимнинг туфилган куни экан, озгина-озгина ичдик. Бошқа қайтарилмайди, энди.

— Сен ўзбеклар бир-бирингни ерни тагидан бўлсаям топиб оласанлар. Ошхонадаям сенлар, омборхонадаям сенлар — қаерда бўлма тўдалашасанлар. Нима, сенлардан бошқа халқ йўқми? Афғонистонга тўйга келганмисанлар.

— Жанг қилгани, ўртоқ катта лейтенант ва жанг қилаянимиз ҳам.

Замполит мендан бу жавобни кутмовди, бироз саросималанди. Ротадаги сержантларнинг деярли бари ўзбеклар эди, умуман, қисмда барча мушкул юмушларни Ўрта Осиё-

ликлар эплашаётганди. Ошпаздан тортиб, нон кесувчигача, омборхоначиларнинг бари жангчилар таъбири билан айтсак, қорақулоқлар эди.

Зобит бироз даст тушса-да, сездирмай амирона деди:

— Бошқа такрорлама. Сен ёш аскарларга ўрناق бўл, ўргат, йўл кўрсат. Хозир дамнингни ол.

«Мен ёш аскарларга отишни, ўлдиришни ўргатайинми», деб юборишимга оз колди.

— Хўп бўлади, албатта, ўргатаман, ўртоқ катта лейтенант. Кечки йўқламага довур дам олишга рухсат беринг, ўртоқ катта лейтенант!

Рухсат бераман. Бошқа аскарлар ичганингни билмасин, — деди у ва бурилиб кетаётиб тўнғиллади, проста бардак, что за, й.

Мен эзма зобитдан осон қутулганимга шукр килиб, ўрнимга чўзилдим. У ротадаги зобитлар ичида энг ёмони, хар нарсага аралашавериб одамнинг энсасини қотирарди. Устав деса ўзини томдан ташлашдан ҳам қайтмас, армия қонунчилигини сувдай симирган, ўз касбига сидқидилдан меҳр қўйганди. Икки гапнинг бирида уставдан келарди. Замполит ротанинг онаси бўлади, деганлари чин эди. У абжир, эпчил ва қайсар жангчилардан кўра кўпроқ бўйни бўши, интизомли аскарларни яхши кўрарди. Урушда ўша телбафеъл, тўнолончи аскарлар жасорат кўрсатишини билса-да, уларни бетартиблиги боис хушламасди. Бошқа зобитлар эса ундан фарқли ўларок жанг кила оладиганларга ишонардилар, кези келгач, уларни замполитнинг майдачуйда таибехларидан химоя килардилар.

Рота кечки овқатдан қайтгач, казарма вағир-вугурга тўлди. Йўқламагача ётоқни тартибга келтирдик, Тўшаклар қайтадан текисланиб, тумбалардаги ашқол-дошқоллар тартибга солинди. Каравотлар тўғриланди. Деразалар очилди. Йўлакда ювиниб артингач, аскарлар ташқарига чикишди. Эшик олдидаги чекиш жойида тўп-тўп бўлишиб, «Донские» тутатишди. Мен Жалолободдаги нуқталардан бизга юборишган аскарлар ёнига суҳбатлашиш учун бордим. Улар қурол тозалаш учун ўрнатилган ёғоч столга чиқиб чекишарди. Икки кундан бери ротага қўшилмай, қимтиниб юришибди. Бошқа жойдан келганликлари учун ўзларини бегона ҳисоблашишди чоғи, йўкса бунчалик одамови бўлиб ўтиришмасди. Мен нега энди ротада кўпчилик ўзбек бўла туриб, учинчи батальондан келган шу беш ўзбек йигитни

ёлғизланиб юришини тушуномасдим. Хали кўникиб кетишади, бироз торғинишаяпти, жангга чиқишгач, мишг йиллик кадрдонга айланадилар.

Ишлар қалай, йигитлар. Ўрганиб қолдингларми?

— Ёмонмас, — деди қайишини қўлига айлангириб ўраб олган гавдали йигит, — фақат бу ерда тартиб-интизом кучлироқ экан.

— Ўрганиб кетасан. Жангга чиқиб турсанг бунчалик қаттиқ режимнинг ҳам ўзига яраша лаззати борлигини биласан.

Жалолободда уруш бўлмайди, демокчимсан, — у тўнвиллаб шерикларига қараб қўйди.

— Хар ҳолда.

— Э, оғайни у ерда ҳам хужум қилишади. Баъзан постга яқин келишади. Тумшувингнинг тагида кўриниб қолишади. Полкка бостириб киришмайди, битта взвод ўриланган постларни эса ҳар кечаси дабдала қиладилар.

Биз душманнынг уясига ўзимиз кириб борамиз, ўзимизга ўзимиз гўр қазиймиз. Полкда фақат устав бўйича яшайдилар, деб ўйласанг янглишасан, Армиянинг энг жанговар қисми шу ер, шу батальон. «Тозаловчилар» деб эшитгандирсан.

Барибир бу ерда кун ўтиши қийин. Аскарни ўз холига қўймадилар. Бундан кўра жангда юрган яхши.

Ким аскарни ўз холига қўймайди?

Зобитлар.

Зобитлар сен ўйлаганчалик зувимгар эмас. Улар тушунадилар.

Йигитлардан бири, новчаси оёқларини бир-бирига теккизиб тўпиллатди. Столдан тушиб казарма томон кетди. Қолганлар чурк этмай ўтиришарди. Мен қисмдаги аҳвол ҳақида куйиб-пишиб гапирмайин, сираям уларга ёқмаётганини сездим. Улар аллақандай безовталиқ ва ҳадик билан тинглашар, умуман, Жалолободдан бу ерга жўнатилганликлари учун норизо эдилар.

Сизларни нега изга юборишди, — сўрадим ҳалиги аскардан.

— Э опасини. ҳаммаси анови Сайдалининг қасофати, — деди у казарма бурчагига ишора қилиб.

— Қайси Сайдали?

Ана бурчақда, рогадонларинг олиб чиқиб уришаяпти. Ўлиб кетмайдими, менга деса. Шу онангин эмгурни

деб бизни жойимиздан кўчирди. Ана энди унга кўшилиб тўртта қорақулоқ абжағимиз чиқади.

· Жанжал кўтардингларми?

— Йўқ, анови одам отиб қўйди, постда, ўзимизнинг взводдаги бир украинни ўлдирди. Ўлган бола мужик эди. Хизматиям охирлаб қолувди, шўрликнинг.

— Нега отади?

-- Постда ухлаб ўтирган экан. Урган шекилли.

-- Ким ухлаб ўтирган. Ким кимни урган?

— Сайдали қоровуллик махали постда ухлаб қолган. Сергей бориб қараса, жар томондаги постда ҳеч ким кўринмайди. Акамиз постдагиларнинг хаётини уйқуга алмаштириб, хуррак отаяптикан. Кейин. Сергей уни тепади. Эсанкираб қолган Сайдали уни отиб ташлайди. Ишқилиб, ўзбекларни расво қилди. Сергейнинг юртдошлари Сайдалини ёки бирорта ўзбекни отиб ўлдирамиз деб онг ичган. Шунинг учун бизни шу ерга юборишди. Сенинг хабаринг йўқмиди?

— Мен қаердан билай? Ҳозир эшитиб турибман. Демак, шарманда бўлдик, дегин.

-- Бундан кўра жанжалкашлигимиз учун бошқа қисмга ёки «дицбат»¹га тушсак яхшийди. Эй лаънат бўлсин, барига.

— Сайдалини ҳозир бизникилар дабдала қилади. Уларга бошқачароқ тушунтирсанглар бўлмасмиди?

-- Э, менга нима дейсан. Очиғини айтдим, тўғриси полкингизда ўзбекларнинг бунчалик ори кучлилигини қаердан билай.

— Билмаган бўлсанг энди биласан. Сайдалинг ўлди, деявер. Уни ҳозир сулайтиб ташлашгандир. Ўйлаш керак эди. Шунчалик аҳмоқ бўлмасанглар, шу гапни ташқарига чиқарармидинглар.

Мен казарманинг орқасига айланиб ўтдим. Бир тўда аскарлар Сайдалини деворга тираб, бири қўйиб бири саволга тутаяпти. Аҳён-аҳёнда нимадир деб тўнғиллаб қўйган Сайдалига кутилмаганда тепки ёки мушг тушади. Уч ўзиб ниграйди. Аскарлар сўкиниб, тағин гапга соладилар. У жавоб қайтармай, бошқаси туширади. Ўзбек ўзбекни шунчалар қийнаётганига, вазоҳат билан уришаётганига биргина Ор тушунчаси эмас, балки урушда инсон дунёсини

¹ «Дицбат» – харбий аскарлар камокхонаси.

чалғитган мавҳум бир туйғу, ҳар лаҳза одамни ўз-ўзидан нафратлантирувчи ҳиссиёт бугун Сайдалига қаратилганини ҳеч ким пайқамаетганиди.

-- Ўзбекни шарманда қилсанда-а? Мана сенга.

Аскар унинг бикинига туширди.

— Имм... м... во она...

Кимдир энкайган Сайдалини ортига тепди. У гушиллаб қулади. Бошқалар ҳам тепкилай бошлашди. У ҳолсиз инкиллаб ётган жойида айланар, ҳар зарбдан сўнг кўтарилиб-кўтарилиб тушарди.

-- Юзига белги қолдирманглар, ҳеч ким сезмасин, -- деди учинчи взводдаги пулемётчи.

Сайдали қошток сингари тешиқлар ичида қолди. Мен аскарларга ҳеч нарса деёлмадим. Мен дунёда йўқдай эдим гўё. Қоронғуда тўмпайиб ётган Сайдалининг жуссасига қараб тош бўлиб туравердим.

Бир оздан сўнг, Жалолободдан келган тўрт жангчи Сайдалини кўтариб кетишди.

Казармада ҳеч нарса бўлмаган каби тўс-тўполон давом этарди.

Кечки йўқламада Жалолободдан келганлар орасида бир киши сафда йўқ эди. Рота командирига навбатчи сержант унинг касаллигини айтди. Сайдали казарма бурчагидаги охириги каравотда, тўшакка ўраб қўйилганди.

— Чёрт с ним -- тузалиб қолар, -- деди рота командири.

Казарма чироқлари ўчгунга қадар «Фрунзевец» газетасини варақлаб ўтирдим. Иттифок¹да бўлаётган майда-чуйда ҳарбий воқеалар гашимни келтирди. Турли-туман мусобақалар, ҳарбий тайёргарликлар, Совет аскарининг хулқ-атвори, жасоратли зобитлар ҳақидаги хаволанган мақола, хабарларни ўқиш қулғули туюлса-да, мен вақт ўтказиш учун уларга кўз югуртирдим. Энағарлар, ҳеч қачон аффон уруши ҳақидаги ҳақиқатнинг юздан бирини ҳам ёзишмайди. «Байналмилал» бурч деб, овиз кўчиртиришади, тупурдим сенларнинг «байналмилал»лигингга. Ўзаро ёрдамнинг шу бўлса, қирғин-баротинг, босқинчилигинг қандай бўлади. Армияни мақтаб, шон шавкатга кўмиб ташлашибди. О, буларнинг айтишича, Совет аскари нақадар ҳавас қилгудек, кучли, иродали, ҳар нарсани енгиб ўтади. Мақта-я, онағарлар, мақта.

¹ Иттифок -- собик СССР.

Мен газетани ёйжимлаб тумба устига ташладим. Этигимни тозалаб, ўрнимда одам ухлаётган каби тўшакни дўмшайтиб қўйдим. Йўлакка чиқмоқчи бўлувдим, ошпоқ ички кийимда югуриб келаётган Ринатга қўзим тушди. Казарма бурчагида, уч-тўрт аскар гувур-гувур килиб гаплашишар, аллақандай саросимали вазият пайдо бўлганди. Мен эътибор бермасликка ҳаракат қилсам-да, кўнглим алланечук совуқ воқеани сезганди.

- Ҳа, нима бунча, арвоҳга ўхшаб, ёймирлаб қолдинглар, - дедим Ринатга.

- Секироқ гапир. Иш пачава. Анови, Сайдали борку, Жалолободдан келган. Ўша, ўлиб қолибди.

Ринат серрайиб турарди. Баданим музлаб кетди.

- Нега ўлади? Нима учун ўлади?

Секироқ. Ҳозир ҳеч жойга бормай тур. Навбатчи командир ротани хабардор қилгани кетди. Ахвол чағоқ.

Бошимга оғир гурзи тунган каби зириллаб оғриди. Қутилмаган хабар, миямни зиркиратиб ўтди.

- Сенинг бу ишга дахлинг йўр-а, - дедим зўрға.

- Нима деясан? - Ринат орқага тисарилди.

- Нега кўрқаясан?..

- Бошқаларга жабр бўлади-да.

Борини кўришади. Ах, жонга тегди.

Мен ҳеч нарсани ўйламасликка ҳаракат қилсам ҳам, холсизланиб ўрнимга чўзилдим. Казарма ичидаги ўлик сукунатга ваҳм кўриқчилик қиларди. Ҳамма нарсадан хабардор ротанинг тенг ярми нафасини ичига ютиб, энди буёғи нима бўлиши, қандай воқеа рўй беришини кутарди.

Ярим соат ўтар-ўтмас наватчи келиб, ҳамма сержантларни турғизиб, йўлак охиридаги зобитлар хонасига бошлаб кетди. Казармага жимлик чўккан, тунгача ғала ғовур босилмайдиган ётоқ, бу кеча тиқиб қолганди. Аскарлар ўзини ухлаганга солиб ётишарди.

Казармага замбил кўтарган икки аскар ва зобитлар кириб келишди. Мен бири қисм табобат нуқтасидаги врач зобит эканига шубҳа қилмадим. Бири рота командири, қолганлари штабдан келишган. Улар бурчакдаги каравотда ётган ўлик теласида сўзсиз туришди. Аскарлар мурдани ортиқча шовқинсиз замбилга солиб олиб кетишди. Уларнинг изидан худди шундай ҳаракат билан зобитлар чиқдилар. Фақат казармадан ташқарида, йўлакда рота командирининг ялишишга мойил овози эшитилди.

— Ўртоқ майор. Ахир эртага жангга чиқамиз. Буни йўлини килиш керак. Мен аскарларнинг қайси бирини айблай оламан. Ротага ёмон таъсир қилади.

— Ахир, одам ўлган-ку. Жангга ўлмаган, — деди дўриллок овоз.

— Ўртоқ майор, тушунинг. Жанг олдида мен бу иш билан шуғуллана олмайман. Қолаверса, кимни.

Буни Сен ўзинг ҳал қиласан.

— Тушундим ўртоқ майор, бу галги жангга энг қийин жойга менинг ротам боради. Кечаги гапга розиман.

— Бу бошқа гап. Ўзингга келдинг, энди. Ха, майли ҳаракат қиламиз. Буёнига эҳтиёт бўлинглар. Агар Иттифокда бўлганда борми, ҳаммаи кетардинг.

XI

Эрталаб карнайнинг совук вангиллаши аскарларни саф майдонига чорлади. Нонуштага хали анча бор эди. Тасиргусур килиб, қуролларни елкага осиб, казармадан ташқарига отилган аскарлар қандай воқеа содир бўлганидан беҳабар эдилар. Миномётчилар, танкчилар, артиллериячилар аллақачон тизилган. Қисм жанубидан разведкачи ва сапёрлар ротаси ҳаллослаб югуриб келарди. Ҳар галгидай шиддалар бошқалардан кейин сафга чиқди. Минбар олдида қисмнинг барча зобитлари лавозимига қараб тизилдилар. Қисм саф тортгач, командирлар илгаб бошлиғига ҳисобот беришди.

Зобитлар юзида саросима пайдо бўлганди. Бу йиғин на олдинда рўй берадиган жанг, на ҳарбий тайёргарлик, на эрталабки нонуштага ишора эмаслиги сезилиб турарди.

— Бир фалокат бўлганга ўхшайди, — деди менинг ортимда турган Ринат.

— Агар кечаги иш газак олган бўлса, ҳудо урди, ойна.

— Йўқ-е. Бу иш учун эмасдир.

— Унда яна кимдир қўлга тушган ёки шўро аскарини сўйиб кетишган.

— Балки жангга чиқармиз.

— Агар жангга борсак, олдиндан хабар келарди. Йўқ, бу ерда бошқа гап бор.

Қисмга «Смирно» таъкиди қайтадан берилди. Минбар томондан полк командири чиқиб келди. У бир оз сукут сақлаб қалдини ростлади. Овозини авжга чиқариб, деди:

— Ўртоқ солдатлар, жангчилар. Кеча полкимизда энг

мудхип воқеа содир бўлди. Одам тилга олишга ҳам уялади. Совет аскарининг шаънини туширадиган бу иш сизу биз учун ҳақоратдир. Кеча разведкачилар ротасидан, ҳа, ҳа, разведкачилар командири ўртоқ Гендулин, эшитинг сиз, бу сизга тааллуқли, бир солдат, қисмимизга яқин манови қишлоққа оралаб, савдо-сотик билан шуғулланмоқчи бўлган. У ишгадан автомат ўғирлаган ва сотиш учун бачалар билан тил бириктирган. Оқибат мана.

Минбар ортидан замбил кўтарган иккита дўхтир аскар ва бир зобит саф майдонига кириб келишди. Сафнинг сўл қаноти -- разведкачилар томонга юришди ва тизилган аскарларга замбилни кўрасатиб кела бошладилар. Улар бизнинг рота аскарлари олдига келишгач, мен замбилга чўзилиб қарадим. Замбилда манглайдан ўк еган ва ўк теккан жой ўйилиб кетган, ўкка ўн афғони¹ бурчак шаклида қайтарилиб, тикиб қўйилган эди. Аскарининг кўзлари осмонга битиб, аянчли, хор ахволда ётарди.

Замбил полкдаги ҳамма аскарларга кўрсатилди.

- Энди у ўқиган мактаб, яшаган шаҳар ижрокўми, комсомол кўмитасига хат ёзамиз. Оддий аскар Игнатев тартиб интизомга бўйсунмагани, армия уставини тан олмагани ҳамда ўз командирларининг буйруғига қулоқ тутмагани, жангчи дўстларини кадрламагани учун ҳалок бўлди, деб хабар қиламиз. Агар бу солдат ўз онасини ҳурмат қилганда эди, шу ишга қўл урмасди. Ва ниҳоят, Шўро аскарининг шаънига иснод келтирди, лойиқ ўлим топди. Мен Сизлардан интизомни бўшаштирмаслик, командирлар буйруғи ва уставга риоя қилишларингизни талаб қиламан.

Қисм командири ваъз ўқиб бўлгач, ҳар бир ротада нонуштага доғур ярим соатлик сиёсий дарс ўтилиши белгиланди. Мен замполитнинг ачиган фалсафасини ўлгудай ёмон кўрардим. Сасиган оғиздан ириган гап чиқади, деганларидай у фақат ўлим ва фалокатдан гапирарди.

Рота казарма охиридаги хонага қамалди. Навбатчидан ташқари ҳамма замполитнинг нутқ ирод қилишига кўзи учиб ўтирарди. Мен хонанинг бурчагига Ринат билан ёнмаёن ўтириб олиб, уйга хат ёза бошладим. Замполит кириб келгач, ҳамма ўрнидан дувуллаб турди. Мен олдимдаги тик турган аскар панасида ўрнимдан кўзғолмай ёзишни давом эттирдим. Рота кимир этмай тик турарди, хонага жимлик чўкди. Столга бағримни тираб, серрайган аскарлар орасидан замполитга кўз қиримни ташладим. У мени қир-

ғий караш қилиб кузатиб турганди. Хеч нарса бўлмагани каби ёзавердим, ўрнимдан даст туриб тик қотишга бўйним ёр бермади, замполитни ижирғаниб, ёмон кўришимни яна бир бор ҳис қилдим. Ҳозир у менга эрмак учун қитми гап айтишини, дакки беришини, устимга мағзава ағдариб, пичинг қилишини билиб турардим.

— Қани тур, ўрнингдан тур, солдат.

Мен эшитмаганга олиб, бошимни янада қуйи эгдим. Ёзганларимни жўрттага пичирлаб ўқийвердим. Бошқалар музлаб оёқда тик туришар, ҳеч ким кимир этмас, «Вольно» таъкидини кутишарди. Замполит тутакиб такрорлади.

— Ўрнингдан тур, солдат! Ўртоқ, бу сенга тааллуқли. Етар майнавозчилик.

Мен ўрнимдан турдим. Замполит бошимни чайкаб, ўзича ранжиган киши бўлди. Юзига қаҳр туси бериб, менга тикилиб деди:

— Ҳа, солдат. Мунча шошмасанг. Хизмат охирлади деб, қўйиб қўйиш керак экан-да-а?

— Нимани қўйиб — қўйдим.

— Ротанинг офицерларига, қуролдошларинг, қолаверса, уставга кўндалангига қўйиб қўйдинг.

— Мен ҳали ҳеч нарсага қўймадим, ўртоқ катта лейтенант.

— Ну чёрт побери, ты уже слишком борзым стал. Ҳозир нима билан шуғулланиб ўтирибсан. Сен учун офицер сариқ чакага тенг, шундайми?

— Никак нет, ўртоқ катта лейтенант. Уйга хат ёзиб олайин девдим.

— Менинг кирганимни кўрмадингми.

— Кўрдим, ўртоқ катта лейтенант.

— С этим мне й положил-да, солдат?

— Никак нет!

— Айтдим-ку, уйга хат ёзаётувдим деб.

— Бўпти, машғулотдан сўнг гаплашамиз, ўртоқ солдат.

Ринат биқинимдан туртди. Замполит билан жағ уриштиргим келди. Негадир хумордан чиқиб, унинг асабига тегишни жуда хоҳлаётгандим.

— Ўртоқ катта лейтенант, бу ердагилар учун Сиёсий маъруза тинглашдан кўра, бирор фойдали иш билан шуғулланиш яхшироқ, масалан, қурол тозалаш ёки уст бошини ювиш, уйга хат ёзиш. Бир хонага тикилиб, эснаб ўтиришнинг нима кераги бор.

— Хаа... шундай денг, философ бўл кетинг, ўртоқ оддий аскар. Демак, сизга керак эмас.

— Худди шундай, ўртоқ катта лейтенант.

Замполитнинг юзидан қони қочиб, қазаби тошди.

— Хамма ўтирсин. Сен, ов, сенга рухсат бермадим. Тур ўрнингдан. Чик хонадан. Бор, йўқол. Мен сени. Мен сени.

— Кетсам кетавераман.

Мен столдаги яримлаган хат ва ручкани олиб, эшикка томон юрдим.

— Тўхта, аскар, — деди замполит столга чертиб, ҳозир тўғри рота командирининг олдига бориб, мени катта лейтенант Церстюк машгулотдан чиқазиб юборди, де. Тартиб интизомни унутиб қўйсанман, де.

— Хўп бўлади, ўртоқ лейтенант. Шундай дейман.

— Катта лейтенант!

— Хўп бўлади, ўртоқ катта лейтенант, фарқи нима?

Йўлакка чиқиб, ўзимни анча енгил ҳис қилдим. Ринатнинг тумбасидан «Сиси» олиб ичдим-да, бўш қутига сув тўлғазиб, жойига қўйдим. Замполит «ока»сининг машгулотидан чанқаб чиқса ичади. Мени роса сўкса керак. Каравотда чўзилиб ётсам, тагин бирортаси мияда ёниқ чакмасин, деб ташқарига чиқдим. Навбатчи аскарга мени кўрганнинг йўқ, деб уқтирдим.

Ташқарига чиқиб, бетон йўлак бўйлаб бурилгандим ҳамки, зобитлар хонасининг деразаси тақиллади. Бурилиб қарадим — ичкарида рота командири мени имляпти.

— Нега бўш юрибсан, — деди у стулда оёғини чалиштириб ўтирган кўйи кулдонга папиросини эзгилаб.

Мен димиққан хона ва бўшаган «Столичный» диккайган стол ва газаклар, балик қилтанокларига кўз югуртирдим. Ичкарида кийим-кечак, хамма нарса пала-партиш сочилиб ётарди.

— Ўзим ташқарига чиқаётувдим. Халиги, замполит машгулотидан чиқазиб юборди. Сизга доклад қилмоқчийдим, навбатчи ротный хонасидамас деди.

— Ундан бўлса яхши. У бармоқларини нозик ҳаракат билан бир-бирига теккизиб, тирсагини столга тиради, — нималар қилаялсанлар ўзи. Шунчалик жонга тегдики, бу интизомсизликларинг. Тўғри, яхши жангчисанлар. Хамманг тушунасан кўп нарсани. Жангда ботирлик қиласанлар, лекин, армиядасанлар, аскарсанлар. Қуюшқондан чиқиб кет-

маслик керак. Ҳамманг халигидан чекасан, ичасан, офицерни менсимай қўйгансанлар. Уруш одамни чарчатади, буни яхши тушунаман. Бирок, ҳар нарсани ўйлаганимиздай амалга оширили ҳуқуқини бермайди бу. Атроф билан ҳисоблашишга мажбурмиз. Жангчи ҳар томонлама етук бўлиши керак. Тушундингми, ов?

У лабининг четига «Ростов на Дону» қистириб, олифтагарчилик билан оркага тирсалди. Уйқусизликдан қизарган кўзларини бир нуқтага қадади. Манглайи тиришди. Оғир ух тортди. Сигарет тутунини шифтга узун туфлаб, деди:

Уйланмагансан-а?

— Бўйдоқман.

— Менинг болаларим бор. Хотиним қараяпти. Умуман, уларни ўйласам афсусланаман, урушда ўзидан бошқа ҳеч кими йўқ одамгина бошқалардан кўра иродалироқ бўлади. Ота-онанг бордир?

Мен рота командирининг тез ўзгариб қолганини, мен билан кўнгиладан суҳбатлашиш иштиёқи туғилганига хайрон эдим.

— Ота-онам бор. Оиламизда ўн жонмиз.

Ўзбеклар болани яхши кўришади, биламан. Ғалати халқ. Сен хафа бўлма гапимдан, лекин бунчалик ўз жонига жабр қилиш нимага керак.

— Бизда бола-чақаси кўп одам бадавлат ҳисобланади.

— Ҳа, майли. Менга қара, билдирмай бориб, битта «Столичный» топиб кел. Комбатга кўринма.

У чўнтагидан юз чек чиқариб, столга қўйди. Мен пулни олиб, ташқарига чиқдим-да, хона деразаси олдига келгач, сигарет тутатиб, секин юрдим. Аскарлар кафасга солинган қушлар каби жовдирабгина маъруза тинглашяпти.

Мен «Столичный» олиб келганимда, рота командири деразаларни очиб, каравотда ётиб китоб ўқирди. Ароқли столга қўйиб, кетишга руҳсат сўровдим, у қўли билан «ўтир» ишорасини қилди. Стулга чўкиб, идишларни тартибга солдим. Куддон ва балик қолдиқлари уюлган ликопчаларни тозаладим. Командир рўпарамга келиб, шишани очди.

Шкафни кўр, қадах бор, ол буёққа.

У менга қадах узатди. Сира кутмагандим. Ичмайман, дейишга ҳожат йўқ эди, командирнинг муносабати самимий эканлигини хис қилдим.

– Хаа.., шундай деиғ, философ бўп кетинг, ўртоқ оддий аскар. Демак, сизга керак эмас.

– Худди шундай, ўртоқ катта лейтенант.

Замполитнинг юзидан қони қочиб, ғазаби тошди.

– Хамма ўтирсин. Сен, ов, сенга рухсат бермадим. Тур ўрнингдан. Чиқ хонадан. Бор, йўкол. Мен сени. Мен сени.

– Кетсам кетавераман.

Мен столдаги яримлаган хат ва ручкани олиб, эшикка томон юрдим.

– Тўхта, аскар, – деди замполит столга чертиб, hozир тўғри рота командирининг олдиға бориб, мени катта лейтенант Шерстюк машғулотдан чиқазиб юборди, де. Тартиб интизомни унутиб қўйганман, де.

– Хўп бўлади, ўртоқ лейтенант. Шундай дейман.

– Катта лейтенант!

– Хўп бўлади, ўртоқ катта лейтенант, фарқи нима?

Йўлакка чиқиб, ўзимни анча енгил хис қилдим. Ринатнинг тумбасидан «Сиси» олиб ичдим-да, бўш қутиға сув тўлғазиб, жойиға қўйдим. Замполит «ока»сининг машғулотида чанқаб чиқса ичади. Мени роса сўкса керак. Каравотда чўзилиб ётсам, тағин бироргаси мияда ёнғоқ чакмасин, деб ташқарига чиқдим. Навбатчи аскарға мени кўрганнинг йўқ, деб уқтирдим.

Ташқарига чиқиб, бетон йўлак бўйлаб бурилгандим хамки, зобитлар хонасининг деразаси тақиллади. Бурилиб қарадим – ичкарида рота командири мени имляпти.

– Нега бўш юрибсан, – деди у стулда оёғини чалиштириб ўтирган қўйи кулдонға папиросини эзғилаб.

Мен димикқан хона ва бўшаган «Столичный» диккайган стол ва газаклар, балиқ қилтанокларига кўз югуртирдим. Ичкарида кийим-кечак, хамма нарса пала-партиш сочилиб ётарди.

– Ўзим ташқарига чиқаётувдим. Халиги, замполит машғулотида чиқазиб юборди. Сизға доклад қилмоқчийдим, навбатчи ротный хонасидамас деди.

– Ундан бўлса яхши. У бармоқларини нозик ҳаракат билан бир-бириға теккизиб, тирсагини столға тиради, – нималар қидаяпсанлар ўзи. Шунчалик жонға тегдики, бу интизомсизликларинг. Тўғри, яхши жангчисанлар. Хамманг тушунасан кўп нарсани. Жангда ботирлик қиласанлар, лекин, армиядасанлар, аскарсанлар. Қуюшқондан чиқиб кет-

маслик керак. Ҳамманг халигидан чекасан, ичасан, офицерни менсимай кўйгансанлар. Уруш одамни чарчатади, буни яхши тушунаман. Бироқ, ҳар нарсани ўйлаганимиздай амалга ошириш ҳуқуқини бермайди бу. Атроф билан ҳисоблашишга мажбурмиз. Жангчи ҳар томонлама стук бўлиши керак. Тушундингми, ов?

У лабининг четига «Ростов на Дону» кистириб, олифтагарчилик билан орқага тирсалди. Уйқусизликдан қизарган кўзларини бир нуқтага қадади. Манглайи тиринди. Овир ух тортди. Сигарет тутунини шифтга узун туфлаб, деди:

— Уйланмагансан-а?

— Бўйдоқман.

— Менинг болаларим бор. Хотиним қараяпти. Умуман, уларни ўйласам афеусланаман, урушда ўзидан бошқа ҳеч кими йўқ одамгина бошқалардан кўра иродалироқ бўлади. Ота-онанг бордир?

Мен рота командирининг тез ўзгариб қолганини, мен билан кўнгилдан суҳбатлашиш иштиёқи тугилганига ҳайрон эдим.

— Ота-онам бор. Оиламизда ўн жонмиз.

— Ўзбеклар болани яхши кўришади, биламан. Ғалати халқ. Сен хафа бўлма гапимдан, лекин бунчалик ўз жонига жабр қилиш нимага керак.

— Бизда бола-чакаси кўн одам бадавлат ҳисобланади.

— Ҳа, майли. Менга қара, билдирмай бориб, битта «Столичный» тошиб кел. Комбатга кўринма.

У чўнтагидан юз чек чиқариб, столга қўйди. Мен пулни олиб, ташқарига чиқдим-да, хона деразаси олдига келгач, сигарет тутатиб, секин юрдим. Аскарлар кафасга солинган қушлар каби жовдирабгина маъруза тинглашяпти.

Мен «Столичный» олиб келганимда, рота командири деразаларни очиб, каравотда ётиб китоб ўқирди. Ароқни столга қўйиб, кетишга руҳсат сўровдим, у қўли билан «ўтир» ишорасини қилди. Стулга чўкиб, идишларни тартибга солдим. Қулдон ва балиқ қолдиқлари уюлган ликопчаларни тозаладим. Командир рўпарамга келиб, шишани очди.

— Шкафни кўр, қадах бор, ол буёққа.

У менга қадах узатди. Сира кутмагандим. Ичмайман, дейишга ҳожат йўқ эди, командирнинг муносабати самимий эканлигини хис қилдим.

- Олдик, қани, уйга сов-саломат қайтишимиз учун, олдиндаги жанг талафотсиз ўтсин.

Биз кўтардик. Мен карам салатини газак қилиб, «Сиси» ичдим. Хаяжонланганимни сездирмаслик учун, хонанинг у ёқ-бу ёрига алангладим. Командир тағин қуйди. Биз тағин ичдик.

- Эртага жанг қиламизми, дўстим, — деди командир шифтга тикилиб, сигарет тутунини пуфларкан.

- Қилаверамиз, биригисимас-ку, ўртоқ катта лейтенант.

Бу сафаргисининг фарқи шуки, фақат разведкачилар ва бизнинг рота боради. Бир ҳафтадан кейин Пағмонга юрини мўлжаллабмоқда. Бутун армия рейдга чиқади. Бизга вазиятни билиб қайтиш, йўлларни текшириш топширилади.

Мен бор-йўғи иккита ротанинг жангга бориши хавфли демокчи бўлдим, бироқ командир олдида бундай дейишга иймандим.

- Пағмон бўлса, Пағмонда, ўртоқ катта лейтенант. Бораверамиз. Ҳеч қандай кўрқинчли жойи йўқ.

- Ҳа, кечаги ноҳус воқеалар учун бизга бу оғир топшириқни беришди. Мен ҳозир тартибсизлиги учун ҳеч қандай аскарни жанг олдидан жазолай олмайман. Менга тўполончи бўлсаям, ботир, отишни биладиган, жасур жангчилар керак.

— Бизнинг ротадаги аскарларга ишонса бўлади, ўртоқ катта лейтенант.

- Одамларни оз оламиз. Ҳар битта машинага учтадан пиёда аскар етади. Ҳамма машина жангга чиқади. Пағмон текис жой. БМП-2 билан жанг қилсак қулай. Операторларга боғлиқ кўп нарса. Сенинг машинанг қалай. Камчилиги йўқ бўлса керак-а?

- Худди шундай. Машина зўр, ишонаман. Снарядлар тўлиқ юкланган, отув миля тозаланган, алоқа яхши ишлайди.

— Унда сенинг машинангда бораман. Ринатга айт, ёқилги ва аккумуляторни текшириб кўрсин.

- Қачон жўнаймиз?

— Кечкурун учда, Нонуштадан сўнг пиёдалар, механик ва операторлар паркка боришади. Офицерлар назорат қилишади. Кун бўйи паркда ишлаймиз. Қани ол, икковимиз бир кемага тушамиз, омон қайтайлик, жангдан сўнг мановининг ярмини ичиш насиб қилсин иккаламизга, — рота

командири қадахни бир кўтаришда симириб, яримлаган «Столичный»ни шкафга солиб қўйди.

Мен рухсат сўраб, ўрнимдан турдим. Арок яхшигина кайф берди. Бошим анчагина енгиллашиб қолганди.

Қорнинг тўқми, сўради рота командири эшик кесакисига қўл чўзганимда.

Худди шундай, ўрток катта лейтенант. Тушликкача бемалол юрсам бўлади.

Унда соат ўн биргача дамингни ол. Рота попуштадан қайтгач, паркка кетади. Эсингдан чиқмасин, соат аниқ ўн бирда паркда бўл.

Хўн бўлади, ўрток катта лейтенант. Раҳмат сизга.

Ҳечкиси йўқ. Бор эди, замполитга ўзим айтиб қўяман.

Казарма йўлагига «кафасдаги қушлар» бетоқат аскарлар хонадан чувиллаб чиқдилар. Мен замполитга кўринмаслик учун эшик ортидан бекишиб турдим. У мени йўлакка чиққан захотим кўрган шекилли, чийиллаб кичқирди:

Оддий аскар Норкобилов! Қани мени олдимга кел!

Ҳеч нарсани билмаган каби замполитнинг рўпарасида турдим.

— Мурожаат қилишга рухсат беринг, ўрток катта лейтенант!

— Айтдингми, ротний¹га?..

— Нима деб?

— Мен сенга нима девдим, солдат! Замполит машғулотдан чиқариб юборди, деб.

— Эй, албатта-да.

— Тўғри тур, нега майнавозчилик қиласан.

— Нимаси майнавозчилик, ротний дамингни ол, деди. Ёқмаган бўлса, майли, машғулотга кирма деди, умуман ротний сизнинг маърузангизни тингламаганимдан хабардор. Кетаверайми.

— Қаёққа?..

— Ухлайман.

— Аҳмоқмисан?

— Ким аҳмоқ? Мен ротнийнинг буйруғини бажараман. Сиз эса уни рад қилаянсиз.

— Ах, чёрт побери. Ҳозир катта лейтенант Сидировдан сўрайман.

¹ Ротний — рота командири.

– Ихтиёрингиз. Бу сизнинг вазифангизга киради, ўрток катта лейтенант.

– Ах, ҳақиқатанам калондимов бўлиб кетибсанлар, солдат. Тағин сени «Жасорати учун»га ёзиб ўтирибман. Шу хулқинг учун бекор қилишим мумкин.

– Мен уни жанг қилиб олдим.

Замполит кўзларини чакчайтирди, бўйин томирлари бўртиб, юзи кип-қизариб кетди.

– Шунақа де.

– Ҳа, умуман, мне не нужен ваш медаль.

Замполит ғазаб билан менга қараб турди-да, шаҳдам қадам ташлаб, зобитлар хонаси томон юриб кетди. Бурчакда бизнинг айгицувимизни кузатиб турган Мўмин, Ринат, Юра ҳоҳолаб кулди. Хонадан энди чиқиб келган Нурмахон уларга қараб аланглаб турарди. Ротанинг ягона дарди эргалабки понуштага олдинроқ бориш эди. Ҳамма карнайнинг овқатга чорлашини сабрсизлик билан кутяпти.

XII

Замполитни куйдирганимдан сўнг, ташқарига димовим чов бўлиб чиқдим. Ҳаво тоза, атроф чаровон. Осмон типтиник. Қуёш дунёни эргалабки илиқ нурларга фарқ қилган. Сарғиш казармалар бесарҳад океан узра лопиллаётган кемаларга ўхшайди.

Дилияни зобитлар оиҳонасидан топдим. У шинам смакхонадаги столларга овқат таксимлаётганди. Мени кўриши билан кўлидаги патисени столга қўйиб, бир оз тик турди. Мен бевақт келганлигимни анигласам-да, барибир чиқиб кетишни ҳаёлимга ҳам келтирмасдим.

– Нега келдинг, тинчликми? – деди у кўзлари пирпираб.

Унинг қўлидан ушладим. Ҳайратланиб қаради.

– Сен билан гаплашаман дедим. Яхшиси, ўриндикка ўтирайлик.

У енгил ҳаракат билан ичкари хонадан шиша кўзачада апелсин шарбаги олиб келди.

– Ҳозир вақти эмас. Полк командири ҳамда катта офицерлар овқатланади. Ўн дақиқадан сўнг бу ерда бўлишади. Ол, ич, мазали шарбат. Бунақасини аскарларга беришмайди. Сен аскар эмассан, генералсан. Ич.

Шарбатга тўла сирли кружкани унинг юзига теккиздим.

- Мен кечқурун жангга кетаянман.
- Нега, хали вақт бор-ку, — у тикилиб қолди.
- Кечқурун, разведкачилар билан борамиз.
- Ўша, сизларнинг ротани белгилашдими? Пағмон деган жойга-я? Айтишларича, икки хафтадан кейин армия йўлга тушаркан.
- Сен дивизия штабида ишлайсан, шекилли, — дедим сочини силаб.
- Ҳаммасидан хабарим бор. Сен қол! Мен сени олиб қоламан.
- Қандай қилиб?
- Санчаптадаги врач-офицер бор-ку, подполковник. Ўшанга айтаман. Унинг гапи гап, даволанасан, тамом.
- Мен соғман.
- Нима қипти. У сенинг соғ ёки бестоблигингни текширмайди. Жангга жўнатмайди, тамом.
- Йўқ, Лил, бораман. Тушун, ротний билан бирга чиқаман. У менинг машинада бўлади. Қолиш мумкин эмас.
- Причём здесь твой ротний? У бошқалар билан боради.
- Лил, қўй, керакмас. Хайрлашамиз. Қайтиб келгунимча...
- Жуда хохлаяпсанми кетишни, ахир у ерда.
- Хохламасам-да, боришим шарт.
- У бошини кўксимга қўйди. Мен кўлларини сиқдим. Кўзлари чиройлидан чиройли эди.
- Келасан. Сен келасан. Ол, яна битта ич. Истасанг, врачга.
- Йўқ.

Биз оғир хайрлашдик. Ташкари файзсиз ва ғариб кўринди. Назаримда бир зумда зулмат чўккандай эди. Штаб тарафдан қисм командири ва бир тўда зобит тамадди қилиш учун келишарди. Рота казарма олдида эрталабки нонуштага саф тортганди. Билагига қизил латта болаган навбатчи сержант, аскарлар ошхонаси эшигини очиб қўйди. Бутун қисм емакхонага кўз тутганди. Мен казармага кириб ухлашни хоҳлардим.

XIII

Кечаси йўл унумли бўлади. Белгиланган муддатдан хийла барвақт кўзгалган рота тонгги ғира-ширада Пағмонга етиб келди. Қалин деворли кўрғонлар, насткам ва хароба уй-

лар, дов-дарахтлар, адл кад тераклар узра ёйилган тун чодирини кўнғир тусга кира бошлаган эди. Қишлоққа аллақачон хабар етган, ваҳм оралаган кўчалар узра тизилган кулбаларнинг эшиги очик ҳолда ётар, одатдагидай аҳоли тоққа қочиб кетган эди. Атрофи тоғлар билан тўсилган Пағмон кимсасиз ва ғариб аҳволда кўринарди. Биз қишлоқнинг кўрғонлардан холи, беҳавотир текис жойида ўрнашдик. Разведкачилар биздан ичкарироқ, икки чакирим пастликка тушдилар. Сукунатнинг ваҳимага тўла кўйнида ҳар сония рўпарангда кутилмаган даҳшат содир бўлишидан чўчийсан. Юрагинг сиқилиб, асабларинг зўриқади. Қишлоқ бизни эрмак қилиб ўтирган, истаган маҳали ютишга шай аждарҳога ўхшарди.

Тонг ёришгунга қадар ниёдалардан тўрт жангчи, разведкачилар билан биргаликда кузатишга юборилиши керак эди. БМП-2лар ҳар кеча ўт очишга шай қилинди. Ҳар бир машинага бор-йўғи иккитадан ниёда, биттадан зобит ва праноршчик тақсимланган. Жанг бошланиши билан улар машиналарнинг десант бўлмасига кириб олишади ва махсус туйнукчалардан ўт очишади. Хали номаълум вазиятда ниёдаларнинг техникалардан ташқарида туриши мумкин эмас, акс ҳолда улар қирилиб кетишлари турган гап эди. Душманни оғир артиллерия ва самолётларсиз, фақат БМП-2лар билан тўсишга мажбур эдик. Танкчилар батальони колонна олдида юриш учун фақатгина битта танк берди. Бесарҳад қишлоқ ичкарисидан иккита ротанинг тир тўзғиши, кириб ташланиши ҳеч гап эмасди. Хуллас, бу тонг бу жанг олдида ҳар ким ўз ўлимини бўйнига олиб қўйганди.

Рота бир дақиқага бизнинг машина панасида йиғилди. Командир аскарларга чўккалаб ўтиришга буйруқ берди. Бешовқин, ими-жимидан қандай ҳаракат қилишимизни келишиб олдик. Замполит, сержант Юра, тагин икки аскарга қишлоқ ичкарисиданги кўрғонларни кузатиб келиш топширилди. Улар хавф туғилса кўкка яшил мушак отишлари керак эди. Кўкда қизил мушак ёниши, биз қайтиб борулмаймиз, деган маънони аёнлаштириши беизох тушунидик.

Мен Юрани кучоқлашиб кузатдим. У ҳеч нарса демасди, фақат елкаларимни сиқиб қўйди.

Рота кузатувга кетаётганлар билан бирма-бир бағирлашди.

Атроф ёруғлашиб, қишлоқ манзараси аниқ намоён бўлди. Биздан олдинда хира-ширада кўрилмаган, паст-баландлик

қабристон экан. Аскарлар машиналарга ўрнашиб, буйрукни кутишяпти. Кетганлардан дарак йўқ эди.

Мен оператор хонасида кузатув ойнаси орқали кўрғонга қарадим. Айланасига ўралган деворларга снаряд зиён етказолмаса керак, деб ўйладим. Ёнимда рота командири алокани қулоғига тутиб ўтирибди. Миқ этмайди. Хаяжонланганини яшириш учун менга бош силкиб, кўз қисиб кўяди. Бугун бошли ротанинг, жангга чиққан қирқ инсоннинг қисмати елкасига юкланганини ҳис қилган зобит учун қирғинбарот уруш олдида рўй берадиган жчмлик нақадар дахшатли эканини сезиш қийин эмас. У ўлимдан кўра, рота тақдири, бугунги жанг қандай яқун тошиши, ҳамда бугуннинг қандай ўтишини ўйлаб қайғурарди. Ахён-ахёнда замполитни алоқага чақиради, жавоб бўлавермагач, сўкинар, разведкачиларнинг ҳимояда қолган қисми броня¹ билан боғланарди.

Мен алоқа орқали ҳозирча тинчлик, ҳеч қандай воқеа содир бўлмаётганини билиб турардим. Кўрғон жим жит. Қишлоқ қотиб қолган, сеҳрлангандай эди гўё. На ит ҳуради, на бошқа бир овоз бор.

Алоқада чўзик, қисқа-юлуқ товуш эшитилди. Мен замполитнинг овозини танидим. Рота командири дарҳол ундан вазиятни сўради.

– Розмах, Розмах, мен Рапира. Нуқтага келдим. Ноль, ўттиз етти... – деди замполит.

-- Рапира тушундим, -- деди рота командири ҳовликиб.

– Ўзинг билан битта қаламни олиб нуқтага етмиш уч ёрдамчи қалам билан, тагин бир қалам ташқарида турсин. Агар осойишта бўлса, сендан кейин улар нуқтага етмиш уч.

- Тушундим, Розмах, -- деди замполит.

Менинг замполитга меҳрим товланди. Ишқилиб, омон бўлсин.

- Яшавор, Сергей. Ўзингни эҳтиётла, Сергей. Илдамроқ ҳаракат қил, мен билан алокани узма, -- деди рота командири.

Бир маҳал ўтиб қишлоқдан ўк овози эшитилди. Сўнгра отишма авжга чиқди, гумбурлаш содир бўлди.

Мен кузатув ойнаси орқали кўрғон томондан тутун ўрлаганини кўрдим. Бир зумда бошимиздан ўклар уча бошлади. Миномёт снарядлари ёғилди. Кўрғоннинг баланд де-

ворларига урилган қизил мушак, бурчак шаклида йўналишини ўзгартириб, хавога чизик тортди. Рота командири ихраб юборди. Техникалардан дуч келган жойга ўқ отдик. Мен ён томондаги мачит деворларидан олиб тушаётган қуролли одамларни кўрдим.

- От, — деди командир, тезроқ от. Механик машинани юргиз. Тўғри, мачитга қараб хайда. Сен тинимсиз отавер.

Мен мачитга қарата ўқ отиб, биз томонга эмаклаб келаётганларни тўхтатиб турдим. Ринат машинани уларга қарши юргизди.

- Хамма, хамма! Розмах қутиларга, меини эшитинг! Фақат ҳаракатда бўлинглар, тинимсиз ўқ отинглар. Рапира, Рапира, мен Розмах. Сергей жавоб бер, Сергей, — командир шошиб қолди.

- Розмах, мен — Розмах ўн олти. Операторим уч юз йигирма, қутичани синдиришди.

Учинчи взвод командири Анишин қуршовда қолганлигини хабар қилди. Мен қалтираб кетдим. Уч юз йигирма — демак, Нурмахонни ўлдиришибди. Бсихтиёр отув нуқтасини куч билан итардим. Пулемётни ишга солдим. Қабр панасига беркинган душман чекина бошлади.

— Розмахўн олти, ўзингни химояла. Механик тирикми?

— Тирик. Машина ишдан чиқди.

- Тўшундим. Яқин атрофингдаги қутичани ёрдамга чакир. Панароқ жойда тур.

Душман ҳар томондан сиқувга олар, разведкачилар томонда эса вазият бундан баттар эди. Биз қуршовда қолдик. Душман билан рўпарама-рўпара олишардик. Машиналар ини бузилган чумолидай тўзғиб кетди. Тўхтовсиз ҳаракат қилар, биз бир амаллаб қишлоқ ичкараси — қалъага боришимиз керак эди. Кузатувга кетганлар дом-дараксиз, биз уларни ташлаб чиқишни хаёлга ҳам келтирмасдик.

- Хамма, хамма Розмах қутиларга. Мен Розмах — ўн уч. Мачит томон етмиш уч. Қаламлар кетган нуқтагача етмиш уч. Буюраман.

Душман орка томондан зарб берар, биз жин кўча оркали, ўқ ёмгинини оралаб қалъа тарафга юрдик. Йўлнинг иккала томонидан душман ўт очар, учта БМП-2 ни уриб ташлашди. Бирининг механиги ўлди, иккитасининг оператори яраланди.

Кўрғонга яқинлашишимиз ҳамон қиёмат қўнди. Душман бизни кутиб турарди. Девор устига чиқиб олиб, гран-

тамётдан бизга ҳамла қилди. Уларнинг бақирлиқлари эшитилиб турарди. Қишлоқда душман тўдалари жойланиб олгани аниқ эди. Сўл тарафдан разведкачилар ҳужумга ўтди. Қўрғонга тинимсиз снаряд тушар, ёпирилиб келаётган техникаларга қарага душман жол-жаҳди билан қаршилиқ кўрсатаяпти. Бу ердан қайтиб чиқишга кўзим етмади. Мен тезроқ машинага снаряд тушиши ёки портлаб кетишимизни, ҳаммасидан қутилишни истардим, ичим қуйиб, қалтирай бошладим, тапамда мадор қолмади.

Хавода вертолётлар кўринди. Мен йиғлаб юбордим. Тимсоҳсавлат темир кушлар қўрғон тенасига қолганда тезлик билан пастга шўнғиб, тумшугидан ўт очар эди. Қишлоқ устида вертолётлар кўпайиб кетди. Хар қайсиси биздан холи, душман жойлашган нуқталарга ҳужум қилаверди. Уларнинг ҳимоясида қўрғондагиларни олиб чиқиш учун разведкачилар ичкарига киришди.

Разведкачилар қўрғонга тушганда вертолётлар атрофни шиддат билан ўққа тутди. БМП-2лар тинимсиз ҳаракат қилар, қўрғон теварагини айланар, отув милларидан бесаноқ снарядлар учарди. Беш дақиқа ўтар ўтмас, разведкачиларнинг қўрғонга кирган БМП-2си ўқдай отилиб чиқди. Биз орқага ҳаракат қила бошладик. Ишдан чиққан тўртта машина портлатиб юборилди. Ярадорлар ва ўликлар машиналарга жойланди, рота тезлик билан орқага чекинди. Вертолётлар қишлоқни ҳамон ўққа тутар, борлиқни гумбурлашлар, даҳшатли портлашлар тутиб кетганди. Биз разведкачилар билан қишлоқ четидаги яланг жойда туташдик.

Мен Нурмахоннинг мурдаси тепасида йиғлай олмадим. Кузатувга кетган замполит, Юра ҳамда икки аскарнинг қонга бўялган бошсиз танасига қараб ганғиб турардим. Вертолётга чиқарилаётган мурдалар ичида замбилда ётган Мўминни қучоқлаб, ўкириб йиғладим. Унинг қонсиз юзи ҳамда оғрик сезган кўзлари юрак бағримни тивлаб юборди.

Ринат шлюмофон билан юзини тўсиб олган, елкалари силкинаяпти. Машина тепасида турган рота командири, тирик қолган ҳамма аскарларнинг тиришган юзлари ва кўзларига қараш маҳол эди. Ҳеч ким чурқ этмасди. Тириклар ҳам ўлган эди ўша кун. Ўша кун биз жангдан қайтмагандик.

Колонна йўлга тушди. БМП-2 оғир силтанаяпти. Рота командири мум тишлагандай миқ этмайди. Кўз олдимдан

узун ва кенг кўйлак-иштон кийиб, қурол кўтарган одамлар липиллаб ўтаяпти. Гоҳо Мўмин, Нурмахон, Юра қуюк туман ичида фарқ бўлиб кетади. Сўнгра, замполит пайдо бўлади.

Мен чўнгагимдан тугмадай қилиб қотирилган наша олиб, командирга кўрсатдим.

- Чекамизми?..
- Яхшилаб ўра.

XVI

Колонна кечқурун полкка қайтиб келди. Қисмдошлар бизни ачиниш билан кутиб олишди. Полк командири ҳар бир аскар билан қучоқлашиб кўришди.

Казармада олтига каравот бўш қолди.

Рота командири бизни зобитлар хонасига таклиф қилди. Шкафдаги яримлаган «Столичный»ни биз сўзсиз си-мирдик.

— Мен энди жангга чикмайман. Уйга кетишга оз қолди, ўртоқ қагга лейтенант.

- Бу менга боғлиқмас-да!
- Санчагга ётаман.

У уйга ботиб ўтирар, овози анча ҳорғин эди.

— Ўзинг биласан.

Ярим кечаси кимнингдир турткилашидан уйғониб кетдим. Тепамда навбагчи йигит серрайиб турибди.

Нима дейсан.

— Сени казарма олдида бир аёл сўраяпти.

Донг қотиб ухлаётган, алахсираётган казармадан бешовқин ташқарига чиқдим. Казарманинг чироқ нурлари тушмайдиган, қоронғу бурчида Лилия деворга суяниб турибди. У бошига қора рўмол ташлаб олган, уст боши қора эди. У менинг қора кунимга аталган либосларини бугун кийишга журъат этганди.

— Лилия. Нега шундай бўлди, Лилия! Нима учун? -- Мен овозсиз йиғлардим.

У менга қўлини чўзди. Бошимни бағрига босиб, силай бошлади. Кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди.

- Энди нима қиласан? - - деди у негандир.
- Билмайман Лил, ҳеч нарсаги билмайман.
- Эртага санчагга ётасанми? Бир марта хўп де. Бор-йўғи бир ойдан сўнг уйингга жавоб беришади. Оз қолди,

у йиғи аралаш ялинар, қўлларимни юзига суртарди. — Ох, худойим, одам ҳам шунча қайсар бўладими?

— Истасанг, — дедим мен.

У бир оз жим турди ва енгил тин олди.

Сўнг охишта бурилиб, ётови томон юра бошлади.

Мен ўзимни хўрлангандай сезардим, силкиниб-силкиниб йиғлардим. Қоронғуда офир қадамлар билан бир қора шарпа кетиб борарди. Назаримда, менинг хаётим мана шу, мен учун қайғуриб яшаётган аёлга боғланиб қолганга ўхшарди. Бу тош қотган дунёда музлаган юрагимни фақатгина у уйғота бошлаган эди.

2004 йил

ҚОРДАГИ ЛОЛА

Деразанинг бир канотини қия очиб, тўртинчи каватдан ташқарига қарадим. Ух, совук. Қаҳратошнинг қаҳри юмшамаган. Кечаси катрондай қотган йўлак ва кенг кўча, довдарахтлар — бутун борлиқ аёзга таслим бўлган. Қор десаам қорга ўхшамайди, нимадир чирсиллаб ёвляпти. Деразанинг ойчаларига тирсиллаб уриляпти. Тошёмғир. Тинкиллаган ташқарида тошёмғир сим-симлаб, шиғалаб, ёкимли ёвади. Ха, бу тошёмғир. Қор ва ёмғир орасидаги қаҳриазоб бу.

Шамсия тутмаганимни ҳисобга олмаганда, рисоладагидек кўчага чиқдим. Ёмғирли кунлар шамсия кўтариб юрмайман, негадир юрагим сикизлади, хаво етишмайдими-ей, атрофим зимистон тортаверадими-ей, ишқилиб, менинг шу пайтгача ёвингарчиликда шамсиядан паноҳ тошиб юрганимни биров кўрмаган. Хатто, уйимиз ёнидаги бозорчада салат сотаётган корейс хотини ҳам шундай намгарчиликда шамсиясиз чиққаним учун бошимдаги қимматбаҳо товланма телпагимга ачиниб қараб қўйди. Эгимдаги қалин, чарм пиджакдан эса ёмғир тугул, осмон ўқ отса ҳам сезилмас эди.

Ишга бугун ҳам кеч бордим. Бутун мамлакатга янгилик тарқатадиган газеталар тахририяти биносининг ойнаванд фойсси олдида хамишагидай одам гавжум. Рухсатнома олиш учун навбатга туришибди. Ичкарига қираётиб миршаб билан бош силкиб саломлашдим, ички телефонда рақам тираётган жувоига кўз қирим билан қараб ўтиб кетдим. Келбатли, қадди қамоли адл бу рус аёли ҳам шу лаҳзада менга ялт этиб қаради. Кейин, яна рақам теринида давом этди.

Лифтда учинчи каватга кўтарилдим. Доимгидай бугун қилишим зарур бўлган ишлар режасини ёзиб, столим устидаги ойна тагига қистирдим. Газетанинг янги сонини кўздан кечира бошладим. Шу пайт хонамга қотиба шошиб кириб келди. Ваҳимаси дунёни бузади:

- Қаерларда юрибсиз? Доим кечикасиз-а?
- Тинчликми? Каллаи саҳарлаб кимга керак бўлдим?

Катта сўраяптими-ё?

— Қанакасига каллаи саҳар бўлсин! Соат ўндан ошди. Катта эмас, сизни бир ўрис аёл пастга кутиб турибди. Шўрлик бир соатдан бери телефон қилади. Юринг, ички телефонни олинг. Нега караб турибсиз? Қабулхонага чопмайсизми?

Пича тараддудланиб қолдим. Котибанинг қатъиятли иддоаси таъсирида қабулхонага югурдим.

- Эшитаман, — дедим одатий охангда.
- Алло, бу сенмисан, Толик — деди аёл лўнда қилиб.
- Ха, менман... Сиз ўзингиз кимсиз? — таажжубландим.

— Менман. Пастга туш. Тушоласанми? — Аёлнинг сенсираси, ўзига яқин олиши энсамни котирди. Шу билан бирга овозидаги сокинлик, алланечук титроқ кўнглимда оний лахзада илиқлик уйғотди.

- Кечирасиз, мен Сизни...

Гапим оғзимда қолди:

— Худойим-ей, мен Москвадан келдим... Мана, ниҳоят, сени топдим. Иринаман!

Аёл гўшакни қўйиб қўйди.

Эсанкирадим. Москвада менинг Ирина деган танишим йўқ эди. Ўйлаб қарасам, умуман, ҳеч кимим йўқ экан Москвада. Қаршимда котиба маъноли жилмайиб турибди. Ҳардамхаёл бўлиб пастга тушдим. Фойе хийла совуқ эди. Эгнимга пиджагимни олиш ҳам ёдимдан кўтарилибди. Таниш-билиш ҳамкасблар билан йўл-йўлакай сўрашиб ойнаванд эшик томон юрдим. Миршаб рўпарасидаги аёлга кўзим тушди. Эгнидаги мўйнаёқали пальтосининг бари ерга тегай-тегай деб турибди. Бошига кимматбаҳо оқ сур телпак кийиб, бўйнига яшил шарф ташлаб олган. Миршаб аёлга алланималар деб, мен томонга қўл чўзиб, имлади. Лахзада баланд бўйли аёлнинг ўзига ярашикли уст-бошини қаддибастини назардан ўтказдим. У менга илқис қаради. Кўнглимда вапшиқ аралаш кизиқиш уйғонди. Ойнаванд эшикка яқинлашдим. У менга кимнидир эслатарди.

Кўзлари катта-катта. Тим қора. Ёник. Порлаб турибди. Чехраси тин-тиник. Қора, қалин қошлари ёйдай эгилган. Қиррабурни юзига мос, қалин лабларига хиёл табассум

инган. Ок сур телпаги остидан чикиб турган бир тутам сочи силлиқ манглайини тўсган, шундан бўлса керак, кўзлари янада чарақлаб боқаётганга ўхшайди. Чехрасига нурли табассум ёйилган бу аёлни канказликларнинг гўзал вакиласига ўхшатиш мумкин эди. Аёлга маҳлиё бўлиб караб туравердим. Сукутни унинг хаяжонли овози бузди:

— Салом, мени танидингми? — У ўзини нечоғлик кувноқ тутишга уринмасин юзидаги ифода қисқа сонияда ўзгариб, лаблари пирпираб кетганини ҳис этдим. Ёниб турган қора кўзларидаги сир-асрор мени ўз қомига тортиб кетаётганди. Сохта табассум билан ўзимни бепарвороқ тутишга уриниб елка учирдим. Бош силкиб, «йўк, танимадим» ишорасини қилдим.

— Ана шунақа!.. Мен эса сени унутмадим. — Аёл ўта вазмин, озгина гина-қудрат оҳангида сўз қотди. Аммо, юзидаги табассум сўлиш олгани йўк. — Ҳа, майли, эслаб кўр... 1987 йил. Ёз. Файзобод. Ирина Михайловна. Энди ёдингга тушгандир?..

Миямга чакмоқ ургандай бўлди. Чайқалиб кетдим. Ичимда нимадир узилиб кетди, гўё. Бейхтиёр ихраб юбордим. Тиззаларим калтираб, мадорсизландим. Қаршимдаги сулув хилқат, ўша — буздан ўн олти йил аввалги Ирина Михайловна эканлигини хануз тасаввуримга сиғдиролмай гангиб турардим. Туйқус, оний бир қудрат кўмагида тасаввуримда ўн олти йил аввалги Ирина гавдаланди. Ҳа, бу ўша. Тим қора кўзларида сехрли бир маъно. Чехрасининг чароғонлиги, қарашлари, кулгулари ўша-ўша. Бироқ тўлинибди, чиройи янада очилибди. Кўриниши анчагина салобатли. Устидаги қимматбаҳо кийим-бошлар янада жозибали кўрсатиб турибди.

Ўзимни йўқотиб кўяёзим. Қўлларини маҳкам сиқиб, юзимга яқин олиб келдим. Атрофдагилар, ён-веримдагиларни ҳам унутиб қўйдим... Дар-дар титраган куйи дедим:

... Қандай топдинг? Бу сенми ахир?.. Ох, худойимей... Ҳозир, Ирина... Ҳозир... Шошма, ўйлаб олай... Ҳа-я, сен! Шу ерда тура тур. Мен кийиниб тушаман... Кир, ичкарига кир, ана, бурчакдаги ўриндикда ўтир. Мен ҳозир. Ярим дақиқада қайтаман.

Эсим кирди-чиқди бўлиб, лифтни ҳам кутмай, зина узра юқорига югурдим. Шоша-пиша пиджагимни кийиб,

сейфдаги бор пулимни чўнтагимга урдим. Йўлакка чиқшим билан котибага йўликдим:

— Ким сўраса ҳам айтинг, мен йўқман... Бугун мен йўқман..

— Туу-шуун-аарли!, — деди котиба киноя аралаш.

Мен унга эътибор бермай оёғимни кўлимга олиб фойсга қараб чоңдим.

Назаримда, у кетиб қоладигандай, умуман, бу англашилмовчилик, у мени излаб келмагандай эди, гўё. Йўқ, ана у мени кутиб турибди.

— Кетдик, Ирина. Ташқарига чиқамиз..., кўлидан тутиб ташқарига бошладим. Юрагим дукиллаб урар, ҳалигача ўзимни кўлга ола билмаган эдим. Ёмғир корга айланган, совуқнинг захри бироз пасайган. Бироқ, шамол аралаш ураётган қор кўз очирмасди.

Ишхона рўпарасидаги катта йўлда такси тўхтатдим. Биз орқа ўриндиққа ўтирдик. Шофёрга «Қаёққа бўлса ҳам хайданг. Шу ердан тезроқ кетайлик!..» дедим. У анграйиб қўйди-да, машинани юргизди.

Иринага разм соламан. Унинг ҳам хаяжонланаётгани сезилиб турибди, фақат билдирмаслик учун жилмайгани жилмайган. Қора кўзлари тубида юракни ўртатувчи жозоба бор. Буни сўз билан ифодалаш жуда ҳам оғир, жуда ҳам кийин... Мен унинг юзларига қўл теккиздим. Бошини хиёл эгиб, кўксимга қўйди-да, кўлларимни каттиқ сиқди.

— Савдо марказига келдик. Энди қаерга юрай?, — миқ этмай келаётган ҳайдовчи тилга кирди.

— Хўш, хўш. Энг яхши ресторанга!

Шаҳардаги энг нуфузли ресторанларнинг бири... Залда деярли ҳеч ким йўқ. Хилватроқ бўлсин учун бурчакдан жой танладим. Шоҳона зал шифтининг бор бўйига кўзгу тиркалган. Унга осилган айланма биллур кандиллардан таралган ёрдулар, стол-стулларда таҳланган кумуш ликопчалар, қошиқ-санчки, пичоқларга тегиб сарғимтир, оқиш тусда жилоланади. Деворларига копланган қимматбаҳо кўкимтир матоҳ, юмшоқ, чарм креслолар, итальянча стол-стуллар, столлар устига терилган соф, биллур қадахлар рестораннынг бир қадар замонавий ва ўзига хослигини билдиради. Табиийки, кишининг кайфиятига ҳам виқор ва шукуҳ, ажиб кўтаринкилик бахшида этади.

Кўлларим калтираяпти. Қордай ошпоқ мато тортилган столнинг бир четини черта бошладим. Ирина самимийгина,

кўзи чакнаб-чарақлаб, кулимсирайди, холос. Телпаги, шарфи, сарғиш чарм пальтосини ечганидан сўнг янаям гўзал бўлиб кетди. Тим қора сочлари эғнида шовуллаб турибди. Бўйнидаги тилла маржон, яшил кофтасининг икки кўксига ўрилатилган қип-қизил атиргулларнинг қоқ ўртаси, гулкосасига жойлаштирилган ям-яшил ёқуткўзлар қандилларнинг ўткир нурида яраклаб нур сочади. Ирнанинг қаршисида ўзимни кичрайиб бораётгандай сезаман. Ёнимизга келиб қакқайиб турган навнихолгина қиз, ресторан хизматчиси менга саволомуз қараб турибди. Стол четидаги қора хошияли жилди очиб таомлар турига кўз ташладим-да, сўнгра таомномани Иринага узатдим.

— Сен ўзинг нима танлаган бўлсанг, менга ҳам шу.

— Яхши, дедим, — ичимликни айт, бунисини сен танлайсан.

Вино бўла қолсин. Ўзбекларнинг виносини тотиб кўрайлик-чи.

— Вино бўлса, вино-да. «Минг бир кеча», ёнига битта «Сижжак» ҳам қўшамиз. Маъкулини танлайсан... Мен ароқ ичаман. Ирина, hozir хаяжонимни ароқдан бошқа нарса босолмайди, — дедим хушчакчакликка уриниб.

Дастурхонга бир зумда файз кирди, таомлар, егулик-ичкилик тортилди. Қадахларни тўлатиб қўйдим. Соғлик-омонлик тилаги бажо айлангач бир кўтаришда қилкиллаб турган «Тошкент» ароғини сипқордим. Ирина лаб теккизиб винони бир хўшлади. Бошим кизигандай бўлди, бироқ хануз ўзимга келолмай тургандим, хаяжон харорати пассайган эди. Таомлар газакбон, ўткир, иштахани очади. Иккинчи қадахни тўлатиб, Иринадан «бахтли тасодиф» шарафига кўтаришимизни илтимос қилдим. Унинг чиройи янаям очилиб кетди. Юрагимдаги ваҳимага ўхшаш тугунлар ечила бошлади. Кўзларига тик қараб туравердим. Журъатим ошгандай бўлди.

— Шундай қилиб ёзувчиман, де, — у самимият билан сўради.

— Ҳа, шу... Бошқа нарса кўлдан келмайди, — тилимга келгани шу ган бўлди.

У қулиб юборди.

— Яхши одам бўлишингни, аниқроғи, яхши бола эканлигингни ўшандаёқ сезганман. Ҳа-я, сен мендан уч ёш кичкинасан-а?..

— Тўғриси, галати бўлиб кетаялман. Ирина, мени қандай қилиб топдинг?

— Нимайди? Москвада яшаётган аёл қандай қилиб, қутилмаганда бу ерда пайдо бўлиб қолди, демокчимсан?

— Ҳа балким. Эй, йўқ, нима десам экан, каловландим.

— Менда адресинг бор. Униб-ўстаи жойингга қўнғирок қилдим. Тошкентда дейишди. Нима, Москвадан қўнғирок қилиш қийин эканми?

— Сен яшаш жойимни... Ҳалиги. Эй, тўхта, уф-ф... Нима десам экан...

Топдим. Ҳа, шундай. Буни кейин билиб оласан. Мен сенга учрамай, топмасдан қийналиб яшашга қурбим етмаслигини сездим. Тушунаяпсанми? Мен ҳеч қачон тақдиринг, сенинг олдинда, ўз виждоним олдида қарздор бўлиб яшашга дош беролмас эканман.

— Бу нима деганинг, ахир?

Кейин билиб оласан... Ол, е... Овқатинг совуб қолди, жаноб ёзувчи, -- у қулди-да, қўлидаги яримлаган қадахни ҳаволатди. Мен «нима бўлса бўлди», дегандай қилиб ўз қадахимни яна лик тўлдириб даст кўтариб сиққориб юбордим. Чунки айни ҳолатда ўзимни туш ва ҳуш оралиғида қолгандай сезаётгандим.

— Майли, сен айтгандай бўла қолсин... Лекин, Тошкентга қачон келдинг?

— Кеча. Меҳмонхонага жойландим. Сенинг ишхонага яқин экан. «Интерконтинентал». Яхши жой. Энди, сен ўзинг ҳақингда гапир. Менга шуниси кизик. Сен ўзинг, ҳаётинг, яшаш тарзинг тўғрисида сўзласанг-чи... Худога шукур, соғ-омон экансан. Кўз тегмасин. Анча куч-қувватга тўлибсан, очиги, унчалик ҳам ўзгармагансан. Яхши-я, ба-рибир ҳаёт, яшаш яхши-я? Дарвоқе, оиланг, фарзандларинг бордир?

— Бор... Ирина. Бор. Тўхта, Сен, нима десам экан, ўзинг қандай яшаяпсан? Москвада нима иш қилаяпсан?

— Асосан савдо. Эрим Франция билан ҳамкорликда тузилган кўшма корхонанинг бош директори. Ўзимнинг фирмам бор. Европа давлатлари билан савдо-сотик қиламан. Ҳозирча ишлар чаккimas. Икки нафар фарзандим бор. Очиги, сен билан бир йилдан буён учрашмоқчи бўлгандим. Иш. иш... Фурсат тополмадим. Охири кўзимни чирт юмиб Тошкентга учдим. Вакти соати келган экан, мана

қаршингда турибман. Тўғри, кўнғироқ қилсам ҳам бўларди. Бироқ, ўзим келишим керак эди. Ха, шундай...

Ичимлик менга таъсир қила бошлаганди. Мен унинг қўлларини ушладим. Нигоҳига термулдим. Ёш қалкиганини пайқадим. Ичимдан бир оғрикли хаво кўтарилди. Ўпкам тўлиб, димоғим ачишди. Кўзларимдан ёш сизди. Ёнига ўтиб, сочларини силадим. Юзини ўзимга қаратдим. У оппоқ узун-узун бармоқлари билан юзимни сийпалай бошлади. Эс-хушимни йўқотиб қўйдим. Биз харорагли эхтирос измига ўзни тошширдик. Такдирнинг мархамати билан олис йиллардан сўнг юз берган учрашувда ана шундай ходиса рўй бериши табиий, албатта.

Кўз олдимни туман қошлади. У менинг бўйнимдан, кулоқларимдан қаттиқ чимчилади.

— Бўлди... бўлди. Жойингга ўтир... илтимос... Қўй. Ўзингни қўлга ол. Эҳ, сен менинг... ўтмишимнинг ёрқин ва мунгли хотирасисан... — у бирдан кулгуга олди. — Ха, дарвоқе, ёзувчилар шунақа гапиришади-я?..

Мен ўз ўрнимдан жой олдим. Иринанинг юзларида хорғинликми, ўйчанлик ифодасими қалқиб турарди. У нигоҳини бир нуктага тикди. Жим-жит. Оғир ух тортди. Елкасидан нафас олди.

Билмадим, тилимга шу сўз қаёқданам келди:

— Бахтлимисан? — деб юбордим.

У бош силкиди. Тўзниган сочларини текислаб тирсагини столга қўйди-да, қўли билан пешонасини ушлади. Юм-юм йиғлаяпти.

— Йўқ, деди яна бош чайқаб, — йўқ... Умуман олганда, ким билсин, ҳаётни кўриб туришнинг, тирикликнинг ўзи бахтдир, шундаймасми? Тўқлик, фаровонлик, бойлик, яхши яшаш бахт бўлса, агар шундай деб тушунилса, мен бахтлиман. Лекин, инсонни доимо азоблаб тургувчи бошқа нарсалар ҳам кўп ҳаётда. Кимдир камбағал, базўр кунини кўради. Лекин, кўнгли хотиржам. Хотира оғриғи йўқ унда. Шунинг учун ҳам у бой-бодавлат бўлмаса-да, назаримда, мендан кўра бахтлироқдир. У эса ўз ўйича мени қайғу хасрати йўқ, бахтиёр аёл деб ўйлайди.

— Чиройлисан. Сен жудаям гўзалсан, — дедим гапни бошқа ёққа буриб.

У яна жилмайди.

— Ҳимм. Шундай де. Йўқ, сенинг кайфинг ошмаган. Атайлаб чалғитаяпсан. Майли, дийдиёни тўхтамин. Қўй,

шу яхши гаплардан суҳбатлашайлик. Айт, яна қандай саволинг бор?

Мен бу учрашув бундан кейин қандай давом этишини тасаввуримга ҳам сиғдиролмаётгандим. Хўп, кечгача бирга ўтиришимиз мумкин. Кейин-чи? Умуман, юрагимда оғрикли туйғуларни аланга олдирган, хаётимнинг оғир, қайғули чоғларида мен билан бирга, йўлдош бўлган аёлга, тақдирим йўлида учраган энг қадрдон инсонга айти дам нима дейишимни билмасдим. Баъзида нимадир демоқчи бўласану, суҳбатдошинг, айникса, у кўнглингга яқин бўлса, ҳеч нарса деёлмайсан, у эса нима демоқчи эканлигингни бир қараидаёқ билиб олади. Ортикча гап сўзларга ҳожат қолмайди. Ирина иккимизнинг орамизда ҳам зиёда гапларга ўрин қолмагани. Биз, дунёнинг икки бурчида яшаётган икки хотирдош, орадан ўн олти йил ўтиб бир-биримиз билан топишгандик. Индамасдан, шундай -- бир-биримизга қараб ҳам сўзсиз суҳбатлашишимиз мумкин эди.

Ирина жимликни бузди:

— Тохир, нимадир дегин... Майли ичайлик, ҳеч бўлмаса қадах сўзи айт...

— Кел, ол хаёт учун ичайлик. Тириклик учун ичайлик.

-- Мен учун-чи?

· Сен учун. Сенинг гўзаллигинг учун, Ирина!

-- Сен учун ҳам Тохир. Мана, қара мен ҳам ичаялман, Тохир.

— Ох, ана, ўзбекча мусика янгради... Сенга ёқаяптими? Бемалол, ҳеч нарсани ўйлама... Бугун сенга куну тун Тошкентни томоша қилдираман. Тошкент зўр шаҳар... гўзал. Айникса, ёнимда сен борсан... Ўзимгаям дунё бошқача туюлаяпти. Тошкент сенинг Москвангдан қолишмайди... Тошкентнинг ўзига хос жойларини кўрсатаман...

У яйраб кулди. Чехраси яшнаб кетди.

— Шошма. Мен сенга бир гап айтаман...

— Айт.

— Соатинг неча бўлди?

— Бирга яқинлашди.

— О, демак... Мени меҳмонхонагача кузатиб қўй. Иккида эрим, Володя кўнғироқ қилади. У Тошкентга атайлаб, сени излаб келганимни билади. Ҳаммасидан хабардор. Сен билан учрашишимни унга айтганман.

Мен нима дейишимни билмай қолдим. Иринанинг жиддий тус олган чехрасида самимият балкиб турибди.

— Нега энди соат иккигача?

— Мана, сен билан юз кўришдик. Сухбатлашдик... Ё сен бундан хафамисан?

— Йўқ. Ахир, сен, бемалол ўтиролмаяпсан...

— Вақт сен билан менга бўйсунмайди... Нима қилай, иш. Ишбилармон аёлман, яъни, айтишади-ку, «янги рус»ларнинг ишбилармон вакиласи, — у энди атайлаб чехрасига жиддий тус бериб, ковоғини уйгандай бўлди, гўё. Кейин яна, ух тортиб, овози юмшади. — Ха, майли. Мен сенга бир гап айтайми?

— Айт, айтавер.

— Ишхонангда менинг ёнимга келаётганигда юришинга эътибор бердим. Кейин, зинадан югуриб чиқаётганигни кўриб жуда қувониб кетдим. Ишонасанми, сен қайтиб тушгунингча йиглаб ҳам олдим.

— Шуям сенинг эсингдами? — дедим. Томоғимга нимадир тикилди.

— Эҳ. Сен билмайсан. Балки, ишонмассан. Ўша жойни эсласам, энг аввало ёдимга сен тушасан. Афсуски, эсламасликнинг иложи йўқ.

Яна уф тортиди. Қўлларимни сиқиб, кўзларимга тик каради. Қароқларидан ёш думалади. Бир хиёлда бўлиб кетдим. Мен ўрнимдан туриб унинг ёнига ўтдим. Қўлини яна кафтим орасига олиб, манглайдан ўпдим. Юрагим минг азобда қоврилаётганди. Ялиндим:

— Қўй, Ирина. Ҳозир мавриди эмас. Қўй, шуни эслама, умуман эслама, қара, ахир Сен чиройлисан, бошқа нарсадан гапир, Ирина. Ке, ахир сен менинг меҳмонимсан, олисдан келдинг. Йиғлама, йиғламагин.

Ирина мунгли қиёфада котиб турди-да, тирсагимдан кўтарди. Ўрнимдан турдим. Тик туриб бошини қучдим. Ирина қўли билан сўл оёғимни ушлаб, шимим почасини кўтара бошлади.

— Тохир... хўп десанг оёғингни кўрсам. Тиззангинг насти, сўл оёғинг эди-а?

Ха, сўл оёғим...

— Мана... оҳ бечорагинам. Мана... чапдик, чукурча бўлиб қолибди-да? Қўлим билан ушлаб ҳам сезаяпман, анча жабр кўргансан... Ҳозир оғримайдими?

Йўқ. Совуқда оз-моз билинади.

Ундай бўлса, нега шимининг ичидан қалин иштон киймадинг...

— Хўп, кияман. Ўйлама. Яхши бўлади. Ҳа, сен ўзинг нима билан савдо-сотик қилишингни айтмадинг-ку, — мен уни чалғитмоқчи бўлиб тилимга келган гапни айтиб юбордим.

Ирина зумда қатъиятли бир ҳолатга қайтмоққа уринди, лекин эплай олмади.

— Буни сенга мутлако кизиги йўқ-ку! Тўғрими? Ҳа, майли... Москвадаги асосий супермаркетларнинг деярли барчаси, қаршингда турган ақлсиз аёлники. Шу ақлсиз аёлнинг эри Владимир Павлович Семёнов эса пойтахтнинг машҳур саноатчиларидан. Яна нима дейин?

— Яхши. Мама билиб олдим.

— Азбаройи шунчаки сўрадинг. Қани энди, мухтарам ёқимтой мезбон, мени меҳмонхонага кузатасанми?

Ташқари оппоқ. Қор майдалаб ёвар, ер сатҳидаги юнка қорни шамол тўзғитиб ўйнарди.

Россиянинг совуғига ўхшаяптими? — дедим зина-поядан Иринани етаклаб тушаётиб, — кўз очирмаяпти-ку!

— Йўқ, унчаликмас. Россиянинг кини билан хазиллаша кўрма, — деди Ирина кулгига олиб.

Такси ушлаб, меҳмонхонага йўл олди. Ирина орка ойнага бош тираб ташқарини кузатиб бораяпти. Шамол дарахтларнинг яланғоч повдаларига ўрнашиб музлай бошлаган қорни, минг бора силкисин, барибир учириб, тўзғитолмайди. Машина деразаларига изиллаб изирин урилади. Қор қуюн бўлиб ёғаяпти. Қахратон ҳамласида ўз хаётини давом этказаётган шаҳарнинг коқ маркази «Амир Темура» хиёбонидаги курант соат мили ўн беш минут кам иккини кўрсатарди. Ирина ресторандан чиққанимиздан бери кўзини ташқаридан олгани йўқ, миқ этмайди, бошини ойнага тираб олган, қайрилиб қарамайди. Мен елкасидан қўлимни ўтказиб, уни ўзимга тортдим. У кескин бурилиб, менга тикилди. Кўзларидан ёш шошқатор оқаяпти. Юзи жикқа хўл. Ютиводи, қалтирайди. Ютинади, қалтирайди. У ўзини, бағримга ташлаб ўкириб йиғлаб юборди. Хайдовчи аланглаб бизга қараб, шартта тормоз берди. Хайдовчи рус эди:

— Нима бўлди? Ўзини ёмон ҳис этаяптими?

— Юринг, ана, етиб келдик... Хаммаси, яхши, дедим.

— Ха, мен ўзимни ҳамиша ёмон ҳис этганман, ҳамиша шундай бўлган, — деди Ирина хикиллаб, елкалари силкилиб.

Машина меҳмонхона тўғрисида тўхтади. Ирина бироз ўзига келиши учун, шофёрдан жилла оёқ илишни илтимос қилди. Тилло тасмали чарм сумкасидан лаббўёқ ва аллақандай крем-уналар олиб ўзига оро берди. Сўнг юзига жилмайиш бериб қўлимни кисди...

— Ана энди тушсак бўлади. Қани, юр.

Маҳобатли меҳмонхона эшигидан ҳатлашимиз билан, эшикбон Иринага тавозе-ю таъзим бажо айлаб, жилмайди. Фойеда чарм диванда ўтирган иккита барзағи йигит ўрнидан санчиб туришди. Иккови ҳам бир хил кийинган. Узун ва ёқадор чарм пиджак, бошида чарм кепка, бўйнида оқ шарф. Оқ-сарикдан келган, бир-бирига икки томчи сувдай ўхшап бу икки қорувли йигитни Ирина билан бирга келишганини пайқадим. Йигитлар биз томонга икки-уч қадам ташланди-да, Ирина оҳиста бурилиб ёнқарап қилгач, жойида таққа-тақ тўхтади. Бири қўл соатига қаради. Уларнинг юз ифодасидан ҳеч бир маъно укмасам-да, кўнглимда ғашлик уйғонди.

Ирина биқинимдан туртиб, эркалаган кўйи майин оҳангда сўз қотди:

— Хеей, болакай!.. Сен уларга эътибор берма. Сени маст деб ўйлашди, чоғи. Қани, қўлингни узат, хайрлашамиз.

— Сен қачон кетасан?

— Эртага, — унинг овози қалтиради. Қўллари ҳам титрайпти.

— Ҳозир нима қиласан?

— Айтдим-ку, Москвадан телефон бўлади...

— Кейин-чи?

— Тохир, кечқурунгача энди менинг вақтим йўқ.

Ирина ўқинч билан айни лахзада ялинган кўйи сўзлаётганини пайқашим қийин эмасди.

— Айт, мен қачон келай?.. Қайси хонадасан?

— Кечқурун... Соат олтида. Эшикбонга учраш. Нима қилишинг лозимлигини айтади.

Ирина эшикбон томонга бош ирғаб кўйди. Сўнг шарт бурилиб ҳалиги барзанги йигитлар томон юрди, уларнинг қуршовида лифтга кирди. Мен унинг ортидан музтар бўлиб қараб қолдим. Эшикка яқинлашиб, эшикбондан сўрадим.

— Ановилар ким?

— Хонимнинг ёнидагиларми?

— Ҳа, ўшалар.

— Эй-е, сиз билан бирга келишди-ку... Сиз ва хонимдан икки дақиқа аввал кириб келишди. Эрталаб хоним билан бирга чикиб кетишганди.

— Тушунамадим?..

— Улар хонимнинг кўрикчилари-ку...

— Шундай денг...

Эшикбон «Шунчалар гўлмисан», — дегандай тикилди. Мен нималар бўлаётганини англаб-англамай ташқарига чиқдим. Демак, Ирина ишхонага ҳам кўрикчилари билан келган. Ресторанда мен билан овқаланаётганда ҳам кўрикчилар кузатувида бўлган. Мен уларни нега кўрмадим? Залда биздан бошқа ҳеч ким йўқ эди-ку... Тушунарли, улар ресторан эшиги ёнида, ташқарида кузатишган. Ташқарида туришган. Энди кечқурунгача нима қиламан? Соат икки бўлди. У Москва билан гаплашяпти. Ҳар бир қадами назоратда экан.

...Ёз қуёши жизганаги чиққан борлиқни жизиллатиб куйдирмоқда. Жазирамада йўл юрганимизга ҳам уч соатдан ошди. Кун оға бошлади ҳамки, ҳарорат пасаяй демайди. Бунинг устига йўлнинг билқ-билқ тупроқлигини айтмайсизми... Олдинда кетаётган машина ортидан қуюқ чанг кўтарилди. Уст-бошимизга қараб бўлмайди — худди атайлаб тупроққа думалаб олганга ўхшаймиз. Афт-ангоримиз афтода ҳол — юзимиздан лой тер оқади. Олдинда тошбақа юриш қилиб бизни чангга кўмиб кетаётган машинанинг «онаси»ни обориб-олиб келганини фойдаси йўқ. Қани қувиб ўтиб кўр-чи, буларнинг қайси биридан илгарилаб кетиш мумкин, экан, йўқ, умуман мумкин эмас. Тартиб шунақа. Колойнада кетаяпмиз. Жанговар ҳолат. Ўз ўрнида биз ҳам орқада келаётганларнинг тупроққа кўмиб, расвоирадди рақасини чиқараяпмиз. Хуллас калом, йўлнинг учтўрт чақирим масофадаги жойидан кўкка чанг-тўзон ўрлар, кимсасиз кишлоқларга дағдаға солиб шўро армиясининг битта полки алланечук сирли топширикни бажаргани йўлга чиққан эди. Ана шу полкнинг саноксиз обир техникалари

тизилган йўлда, колоннанинг қоқ ўртасида камина командирлик қилаётган БМП-2 ҳам буйруққа итоат этган ҳолда, колоннанинг измига бўйсуниб, тоҳ тўхтар, тоҳ ҳаракатга келарди.

Қуёш борлиқни куйдириб кул қилишга касдлашгандай эди, назаримда. Лабларим қуруқшаб, ютинсам бўғзимда лой таъмини туярдим. Чанг-тупрок ютаверганимдан димомим ачишар, борлиқ олов селига фарқ бўлгандай эди. Бундай пайтда, қани машина устида — башняда ўтириб кўрчи, думбанг чўянда жизиллаб куяди. Люк БМП-2нинг ичкарасига тушиладиган қопқа эшикни очиб кузатув бўлма-сига тушдим. Бу жой ташқаридан ҳам багтар; дим, ҳаво йўқ, порох хиди, двигателдан тарқалган ачимтир тутун ва снаряд жойланган мослама тагига тўкилган куюк ёқилгининг сассиқ бўйидан кўнглим айнади. Чидаслмай яна ташқарига, машина устига чиқдим. Сўл томондаги люкни очиб, куролини илиб қўйган, қисм табобат пункти шифокори Ирина Михайловна ёнимда — башняда бемалол ўтирибди. У менниг тажаниглигим тугаётганини кузатиб келаяпти чоғи, кулиб қўйди. Қарасам, тагига бронжилети (зирхийим)ни тўшаб олибди. Мен ҳам худди шундай қилдим... Чўянда кўтарилган иссиқни бронжилет ўтказмас экап. Орқа томонимда, башнядан пастда жанг тўрвалар устида сапёр йигит Саша тунд қиёфада уйқусирайди. Эғнимдаги тупроктус қалин бўз матодан тикилган аскар кийим (хб)ни кеча тоза бўлиш учун бензинда ювгандим. Иссиқда баданимни шундай куйдирдики, ҳаво ўтмаганидан аъзойи-баданим ачишиб-қичишиб кетаяпти. Бунинг устига ёқилгининг қўланса хиди бутун бор-будимга сингигандай. Машина чанг-тўзон ичида яна тўхтади. Ирина Михайловна бепарво, қўлидаги дурбин билан кунботардаги қишлоқни кузатаяпти... Аксига олиб аёл киши билан бирга жангга чиққаним янада асабимни қўзитди. «Бир камимиз машинада ярадор ёки ўлик ташиш қолувди... Дўхтир хотиннинг буйруғига итоат этиб, олдига тушиб югургалагандан кўра жангга кирган, жанг қилган минг марга афзал. Катта лейтенант бўлсанг, ўзингга. Аёл киши бўлмаганингда аллақачон суробингни тўғри-лаб қўярдим. Уч мартадан бери айнан бизнинг машинага ёпишиб олади...», деган ўй устига-устак вазабимни тоширди.

Эргалаб қисм четдаги ялангликда офир техникалар тизилди. Ниёда аскарлар деярли жангга чиқмаслиги эълон

қилинди. Ҳар битта Танк, БМП-2, БТРга биттадан пиёда аскар олинадиган бўлди. Қисмдан беш юз чакирим олисдаги Файзобод деган жойга борарканмиз, ўша ердаги кузатув нукталари (постлар)га душман бостириб кирибди, аскарларимизни кириб ташлабди. Демак, вазифа аниқ... Бир ҳафталик озиқ-овқат олдиқ. Ўқ-дори етарлича. Йўлга тушишимизга чорак дақиқа қолганда колоннанинг олди томонидан иккита аскарга юк халта, асбоб анжомларини кўтариб келаётган қисмимиз табобат пункти врач, қапта лейтенант Ирина Михайловнага кўзим тушди. Этим увишди. Нахотки, бу гал ҳам шу макиён билан бирга борсак?

Ранжиганим сабаби, бошқаларни билмадим, мен учун дўхтирлар билан жангга чиқишдан ўзга азоб йўқ. Жанг пайтда қаерда ярадор бўлса ўша ерга етиб борасан, шўрлик жангчини ўлик-тиригига қарамай машинага ортиб киёмат қойимшинг ичидан олиб чиқасан-да, хилватроқ жойда ўрнашган кўчма тиббиёт нуктасига етказасан... Кейин яна, ўзингни ўқ ёмғири ичига, жаҳаннамга урасан, ярадор ташийверасан... Уст-бошинг қонга чайилиб, шалаббо бўлиб кетади. Бошқалар бекиниб, бир жойда туриб, имкон даражасида ўзини химоя этиб жанг қилади. Сен эса миёнага тушган борми, ўқ тегиб чиррақ бўлган борми, миномёт отишмасида темирнарчаси қулаётган борми, уф, худо-ей, неки, кўрғиликка дуч келиб ўлим талвасасига тушганларни ахтариб изғиганинг изғиган. Чор тарафдан бошланган сўқасўқда майдоннинг қоқ ўртасида қолиб кетасан. Гўёки сен ўлмайдигандай. Жангдан сўнг эса бир неча кун ақли-хушингдан айрилиб юрасан, кечалари мижджа қоқолмайсан, кўзинг илинса бас, қон дарёсига фарқ бўласанми-ей, ёки ўликлар ичида ётасанми-ей, кўлсиз-оёқсиз, қонига беланган оломон ичида қолиб кетасанми-ей, тоҳида сени ҳам тўрт мучанг соғ бўлса-да, мана шу Ирина Михайловна ҳамкорлигида икки аскар оёқ қўлингдан ушлаб ярадорлар сафига киритиб юборишадими-ей, хуллас, азоб, азоб! Буни биргина мен биламан, худо билади...

Ҳа, айтганимдай бўлди. Ирина Михайловна бизнинг БМП-2 ёнига келгач, ёнидаги ҳаммол аскарларига юкларини машина устига ташлашни буюрди. У менинг кўзимга бало қазодай кўринди. Механик бўлмасида ўтирган хайдовчи Ринат ҳам люкни очиб бошини чиқарди-да, вазабини яширолмай, қудраниб сўқинди, ерга чирт эткириб туфла-

ди. Аёл кишини русчасига «С» ҳарфи билан ҳақорат қилишади-ку, шунақа сўз айтганини эшитдим.

Ирина Михайловна башняча ўрнатилган снаряд отадиган мосламадан ушлаб машинага чиқди. Ёнбошимга ўтириб люкни очди. Қуролини осиб қўйди. Иягини люк қирғоғига тираб колоннанинг олд қисмига термулиб турди. Сўнгра ёнида мен борлигим ёдига тушган каби секин бурилиб, жилмайинқиради.

— Толик, қалайсан?..

Эшитмасликка олиб, машина ичкарасига бошимни тикиб кузатув ойнасини артишга киришдим...

— Толик. Толик, — у секин, сипойилик билан сўзлай бошлади, — эшитаянсанми?..

— Ҳа, эшитаянман, нимаиди? — дедим кўрс оҳангда.

— Толик, бу сафар ҳам сен билан биргаликда жанг қиламиз...

— Биринчидан, менинг исмим Толик эмас, Тохир. Ҳа, Тохир! Иккинчидан, агар сиз билан бирга бўлсак, биз жанг қилмаймиз, ўликларни, ярадорларни ташиймиз, дедим зардам қайнаб...

Ирина Михайловна анграйиб қолди. Йигирма икки ёшлар чамасидаги кора кўз, корақош, чувакюз, кирра бурун жозибадор бу навжувонни исми фамилиясини айтмаганда кавказ аёли, фирт кавказлик дейиш мумкин эди. Билмадим, она томондан тоғли халққа томири туташганми, ҳар ҳолда қисмдаги барча аскарлар ортидан ўлиб тирилдиган, Ирина Михайловнани кейинги пайтлар менинг жиним суймай қўйганди. Кўрсам жиним қўзи эди. У билан бирга урушга кира бошлаганимиздан бери худди мана шундай унга нисбатан зада бир кайфият пайдо бўлганди менда. Тўғри, авваллари, унга овзим ланг очилиб маҳлиё бўлиб қолардим. То офицерлар емакхонасига кириб кетгунча казарма деразасидан бошимни чиқариб ортидан қараб тураверардим.

Ирина Михайловнанинг юзидаги жилмайиш сўниш олди. Қаҳр уйғонгандай бўлди.

— Хўп, майли Тохир бўла қолсин исминг. Айт мен нима қилай? Қисм командирининг буйруғи, бу. Уруш, уруш бари-бир. Ярадорлар, ўлганлар бўлиши табиий. Бу иш билан шуғулланиш бизнинг вазифамиз, — деди у синик товушда.

-- Менинг ҳам вазифамми?

— Ҳа, буйруқ бу, солдат!

— Бу буйруқни, полк командири буйруғини айнан менинг машинамда, мен билан бажаришингиз шартми, — дедим йиғлағудай бўлиб...

— Ҳа, сен билан бажараман. Айнан, сен билан...

— Полк командирининг буйруғими, бу?

— Йўқ!..

— Ундай бўлса...

— Жим бўл, солдат... Жим бўл... Мен Сенга буйруқ бераман... — Ирина Михайловнанинг лаб-лунжи пирираб овози хастахол чиқди. Катта, қора кўзлари негадир қаҳрли ялт этди... Кейин, чуқур нафас олди-да, лабларини тинч-лаб, юзини тескари буриб, бош эгиб, жим бўлиб қолди.

Колонна йўлга тушгандан бери на у, на мен миқ этмай келавердик.

Шундай қилиб, эрталабдан милтигим тоб еди. Ирина Михайловна билан жикиллашиб олдим. Куннинг куйиб бораётгани эса дард устига чипқон бўлди. Жанг олдидан кайфиятни бузиш яхшилик аломати эмас. Ўчакишгандай колонна ярим соатда икки-уч чақирим йўл босаяпти. Чанг ютиб қуёш тигида ҳолсизланишнинг азобини кўз олдингизга бир келтиринг. Сувдондаги сув ҳам исиб қолган, ичсанг оғзингда лой таъмини туясан. Шундай ҳолатда алоқадан туришинг шарт, аммо бошингдаги шилемофон (танчилар киядиган махсус бош кийим десам тушунасиз)ни ечишни ҳечам иложи йўқлиги, хўрлик устига ҳақоратдир. Ташқи алоқани узмаслик керак. Ҳар ўн дақиқада қисм ва батальон командири вазиятни сўраб турибди... Бу ҳам майли, устимдаги исқоти қалин харбийча бўз (хб)ни яланғоч баданимга кийганман. Баданим худди бензинда буғланаётгандай бўлаяпти, куйиб, қовжираб бераяпти. «Кийимингни бензинда юв, чилт янги бўлади», деб ўргатган мана шу — механик Ринат. Кеча шунинг гапига кирибман. Шилемофонни ташқи алоқадан узиб, механик хонасидаги ички алоқага уланиб, Ринат билан боғландим. Заҳримни сочдим:

— Ринат, сенинг падарингга минг лаънат. Ахир баданим куйиб кетди. Маслаҳатинг бошингни сени, ҳайвон... Бензин ҳаво ўткизмаскан... Орқам ўт ёнгандай ачишяпти. Танамда доначалар пайдо бўлди. Қанинавериб теримни яра қилиб ташладим... Сен мени кизамикқа йўликиб ўлсин,

деган бўлсанг керак... Сенга ишонсам, олдинроқ гўрга тикарсан-ку, лаънати!

Сўкинма, жигар. Отам барибир эшитмайди. Йўк отамни лаънатлама. Бу урушда ҳаммамиз биргаликда гўрга кирадиганга ўхшаймиз. Фарқи нима? Қизамиқдан ўлдинг нима-ю, ўкка учиб ўлдинг нима? Кўп жирилламай устингдагини ечиб қўй, кутиласан, азобдан...

Ёнимда, манови алвасти қўққайиб ўтирибди... Минг қилсаям аёл киши.

– Эй, унга эътибор бераверма. Юзи қотиб кетган. Ярадор бўлсанг, халиги жойингви ҳам боғлаб қўяди-ку. Дўхтирнинг аёл-эркаги бўлмайди...

Ринат билан алоқани уздим. Безовталаниб қашинаётганимни пайқаган Ирина Михайловна жеркиб берди.

– Еч, устингдагини. Тамом, вассалом.

Кийимимни ечиб, орқада мулгилаб келаётган Сашанинг бошига таппладим. У чўчиб тушиб автоматига ёниди-да, кейин афтини бужмайтирди. Ёлкасидаги кийимни олиб ерга улоқтирди. Ирина Михайловна қах-қах уриб қулиб юборди. Баданим кпш-қизариб, доначалар пайдо бўлган, қашиган жойларим шилиниб, қонгалаш бўлиб кетганди. Ирина Михайловна лабини тишлаб бош чайқаб қўйди. Сўнг чўнгандан «БТ» сигаретини олиб тутатди. Менга хумор қилаётганди. Ўзимнинг даст навли аскарларга бериладиган «Охотничье» филтросиз сигаретимни чекишга номусим йўл қўймади. Суқим кетганини сизди шекилли, Ирина Михайловна битта «БТ» сигарети олиб узатди.

– Чекмайман. Ўзимда бор, – дедим.

– Ма, ол чекавер... Меники тугаса сен ҳам берасан, – деди у дўстона оҳангда.

– Сиз унақасини чеколмайсиз. Сизга тўғри келмайди, – дедим юмшаб.

– Нега энди? Истасанг алмашамиз, ол, – у мулойим ва меҳрибонлик билан бир қути «БТ»ни узатди.

– Йўк, раҳмат... Майли, бир дона бера қолинг...

Мен энг сифатли «Булвортабак»ни мириқиб чека бошладим. Аёлнинг юзига кулги югурди. У менга қўлини узатди:

– Ке, энди, яраша қолайлик. Сен ҳақиқий жангчисан. Жангчилар аёлларни хафа қилишмайди, – деди ва қўшиб қўйди. – Кечиришади.

Кўнглим алланечук бўлиб кетди. Назаримда, қаршимдаги аёл менинг химоямга мухтождай, мендан бир яхшилик сўраётгандай эди.

— Эрталабки қилган кўноллигим учун мени кечиринг, ўрток катта лейтенант, — дедим бўшашиб.

— Катта лейтенант дема, хўп десанг, самимий гаплашайлик.

· Келишдик, Ирина Михайловна дейман энди...

— Толик, расмиятчиликни кўй... Оддий қилиб, исминини айтиб чақиравер.

· Ирина...

— Хўп, нима демокчисан?

— Ирина, мени кечир...

· Ох, зўр бўлди. Энди доим Ирина деб чақир. Мана шундай, сенсираб гапир. Тушундингми? Сен мени сенсираб гапир... Биласанми сен довурак, яхши боласан. Мен буни биламан. Шунинг учун доим сен билан, сизларнинг машинада жангга чиқаман... Энди менга қаттиқ гапирмайсан-а?

Юрагимни нимадир ўртаб, ичим куйгандай бўлди. Эрталаб терз гапириб, уни ранжитганимдан уялиб кетдим. У кўнгилчаклик билан сўзларди. Ирина мен томонга яқинроқ сурилди. Кепкаси оқтидан чиқиб турган қора сочлари ҳамда юзига чанг ўрнашган, юлдуздай ёниқ кўзлари илтижоли боқарди. Мен кўзимни олиб кочдим. Ерга қарадим. Нима қилишимни билмай люкдан машина ичкарисига тушиб бир қути «Охотничье»ни олиб чиқдим. Уни олиб лабимга сигарет қистирдим. Ирина гугурт узатди.

— Менга ҳам сигарет бер, — деди у.

— Эй, қўйсанг-чи. Сен бу аччиқ сигаретни чеколмайсан.

Чекаман...

· Ўзингникини чек. «БТ»дан зўри борми?

— Йўқ. Сен билан бирга, сен чеккан сигаретни чекким келаяпти.

Ирина сигарет тутатди. Қўлимни қисиб қўйди.

— Чанқаб кетдим. Шунақаям иссиқ бўладими! Сув борми?

— Бор, лекин қайнаб қолган... Ичаверасанми?

Бер-чи...

Мен башня ёнида қўлни куйдирар даражада исиган темир сувдонни олдим. Шу маҳал хавода ваҳимали шангиллаган овоз эшитилди. Ўнг томондан, қишлоқ ичкарисиги-

дан миномёт ўт очганди. Биздан ўн-ўн беш қадам нарида снаряд портлади. Ирина иккаламиз бир пайтда ўзимизни люк орқали машина ичкарасига урдик. Люкни ёпиб БМП-2 милини қишлоққа тўғриладим. Миномёт ишлаб қолган томонга ўт оча бошладим. Шилемофон симини алоқага уладим. Ташқи алоқада қий-чув бошланиб кетган эди. Бир маҳал батальон командирининг хириллаган овозини эшитдим: «Хамма Бубенлар диққатига! Мен Бубен бирман! Соқоллилар бодринг иргитишди. Қутилар таёғи уч. Қутилар таёғи уч!» (Душман миномёт отаяпти. БМЛ-2лар милини ўнга қаратинглар дегани). Бир оздан сўнг у бизнинг аҳволимизни сўради. «Таблетка, таблетка! Мен Бубен бирман...» «Бубен бир мен таблеткаман». «Нима бўлди? Таблетка?» «Бубен бир, қути томондан соат уч. Кичик масофа ўн-ўн беш. Серсоқоллар бодринг иргитди. Ҳозирча нол ўттиз етти...» (Душман отган миномёт снаряди мендан ўн-ўн беш метр нарига тушди. Ҳозирча ҳаммаси яхши). «Таблетка!» «Бубен бир, мен таблетка». «Гапимни эшит, таблетка! Иб бўйлаб катта масофага беш. Сўнгра соат уч, кичик ўн беш, нол олтмиш бир. Нуқта». «Бубен бир тушундим, Сизни». («Беш километрдан кейин йўлдан ўнга бурилиб ўн беш метр юриб тўхтайсан. Ўша ерда ўрнашасан. Жанг майдонига етиб келдик», дегани).

Батальон командирининг буйруғини Иринага айтдим. У автоматини сўл қўлига олиб, ўнг қўли билан эса люк ушлагичини қисиб борарди.

Ваҳима пасайгандай бўлди. Бошқа отишма юз бермади. Белгиланган жойда машинани тўхтатдик. Мен БМП-2 отув мили (пушка)ни рўпарадаги қўрғонга тўғриладим. Люкдан бошимни чиқариб атрофни сиңчиклаб кузатдим. Чап тарафда биздан юз қадамлар нарида разветкачилар взводи, ўнг томонда эса тахминан шунча масофада миномётчилар ўрнашганди. Олдимизда тупроқ кўча кўзга ташланарди. Кўча анча баландликда эди. Шунинг учун тўғридаги қишлоқдан душман хужум қилган тақдирда ҳам биз талафот кўрмаслигимиз мумкин эди. Мен ўзимча шундай тахмин қилдим. Орқа томон уфққа туташиб кетган яланглик. Душман бу ёқдан хужумга ўтолмайди. Биргина хавф қишлоқдан кутилмоқда.

Биз помидор поянинг қоқ ўртасида жойлашдик. Катта арикнинг нариги бетида эса пиёз, булғори қалампир, картошка мавж уриб ўсиб ётибди. Машинага ариқ четида

қаторасига ўсган олма, олча, ёнғоқ дарахтларининг соялари тегай-тегай деб турибди. Қуёш уфққа оғиб борар, ҳарорат анча пасайган. Ирина дурбин билан атрофни обдон кузатиб чиқди. Саша эса сапёрларнинг таёғи учига махсус симни бураб ўрнатди-да, ҳар жой ҳар жойга сукиб кўра бошлади. Одат бўйича сапёр теваракни қўлидаги таёксим билан текшириб чиққандан сўнг, биз ерга тушимиз керак. У анчагача сермаланиб юрди. Кейин биз бемалол юришимиз мумкин бўлган ҳудудни айланасига белгилаб, «чегара» тортди.

— Бўлди, энди. Қўркманглар, топ-тоза, — деди у жанг тўрвасини олаётиб.

— Нимаси бўлди? Худди қатта холагнинг томорқасида юргандай бамайлихотирсан... Яхшилаб текшир, — деди Ринат механик хонасидан машина устига чиқаётиб.

— Саша, манови зорманда ашаратурангни нега олиб келдинг ўзи? Қутичангни қулоғинга ўрнатиб, анави швабрангни қўлингга олиб текширмадинг-ку... Ким айтади сени сапёр деб? Бу ўйининг ўтмайди, ошнам, — дедим Ринатнинг гапини тасдиқлаб.

— Швабра эмас бу... Бу жойларга мина қўйилмаганига кафилман. Тушавер, мен жавоб бераман...

Минага тушиб портлаб кетганимдан сўнг жавоб берганингни бошимга ураманми? Гапни кўпайтирма. Симчўпингни йиғишгир. Манови ашқол-дашқолларинг билан яна бир марта жиддий тарзда текшириб чиқ! — зардам кайнади.

Саша тўнғиллаб махсус ашаратура ва сезгир электр таёкни қўлига олди. Атрофни яна бир қарра айланиб чиқди. Бошидаги ашаратура қурилмасини ечиб сўқинди:

— Қўнгилларинг жойига тушдимиз энди? Қайси аҳмоқ ўз томорқасини миналаштириб кетади.

— Томорқасидан ҳосил ололмаслигига кўзи етиб, сенга ўхшаганлар пайхонлаб кетишини сезгач, манови помидору картопка пиёзларини ҳам захарлаб жўнавориши мумкин, — деди Ринат кесатиб.

Сашанинг жиғибийрони чиқди. У ҳазилни жиддий қабул қилар, жаҳли бурнининг учида эди.

Мен сапёрман, билдингми? Помидор билан ишим йўқ... Химзаводни чақир, текшириб беради. Индамаса, одамни аҳмоққа чиқарсанлар...

– Саша, илтимос дўстим, битта помидор еб кўрсат. Агар ўлмасанг, биз настга тушамиз. Агар асафаласофингга равона бўлсанг қахрамонларча халок бўлди, деб кафиллик берамиз, – Ринат хазил деса жони кирадиганлар хилидан эди.

Саша ўзини базўр тийди. Бўралаб сўкмокчи эди-ю, Иринадан истихола қилди. Бу тортишувни кузатиб турган Ирина қах-ках уриб кулиб юборди. Саша изза бўлди. Мен машинадан сакраб тушдим. Сапёрнинг елкасига қоқиб хафа бўлма, қани симтаёғингни ол, ариққа борамиз, дедим.

Ирина ўзига тегишли жанг тўрваларни олиб менга узатди. Бирида чодир тиклаш учун брезент, яна бирида доридармонлар, бирида озиқ-овқат, кийимбош, жангчига керакли анжомлар. Айниқса, оғир тўрвани елкалаганимда оғриқнинг зўридан инграб юбордим. Ирина буни сизди. Тўрвани ерга қўйганимдан сўнг, чидаёлмай курагимнинг ўртасини қашилай бошладим... Ирина ёнимга келди. Қўл теккизиб:

– Оғрияптими? – деди.

-- Ҳа, куйган шекилли.

- Офтобда яланғоч юрганинг учун шундай бўлаяпти. Ана елканг пўст ташлаб, қизариб қолибди. Энди бундан кейин кийимингни бензинга ювма, - деди у.

Мен Иринанинг юз ифодасидан ҳеч канақа кинояни сезмадим. У менга ачинаётганини ҳис қилдим. Қанчалаб оғир ярадорларни кўриб дийдаси қотган Иринанинг шу арзимаган нарса учун куйинаётганидан кўнглим кўтарилди. У мени ўзига яқин олаётганини тушунгандай бўлдим. Шу маҳал Ринат яна қитмирлик қилди:

– Орқанг олапес бўлиб қолибди. Опангинангнинг раҳми келаяпти. Эрталаб бўғиб ўлдирадигандай бўлиб турувдинг, энди унинг олдида мунча илжайганинг-илжайган. Ё кўнглинг кетдими? Комбат билса, оёғиндан осадди. У комбатга тегишли, - деди ўзбекчалаб. Ирина ҳеч нимани тушунмай гоҳ менга, гоҳ Ринатга қаради.

- Ўчир овозингни! - дедим.

Ҳар ҳолда Ирина бизнинг жанжаллашаётганимизни сизди.

Бўлди қилинлар, болакайлар. Сен сапёр билан бирга бориб чўмилиб ол. Ринат иккимиз қишлоқни кузатиб турамыз.

Мен сапёр билан чўмилгани бордим. Ариқ унчалик чуқур эмас, эни эса бир ярим метр чамаси келар, бироқ,

сув муздай эди. Мазза қилиб чўмилдим. Тани-жоним ором олди. Арик бўйидаги ўрик, гилос дарахтларининг мевалари шигил, гарқ пишган. Кўринишидан бу жойлар кишлоқнинг қатта бойларидан бирига тегишли эди.

Жангда кўзга ташланмасликлари учун асосан разведкачиларга бериладиган баргранг олачинор халатни кийдим. Махсус тўрмагодан кенг килиб тикилган бу халат менга қўйиб қўйгандай мос, шими ҳам айнан бош тушди. Унга қараб санёр анграйиб қолди. Хаваси келди. Бундай масхалат нигеда аскарларнинг етти ушлаб тушига ҳам кирмас эди.

– Ох-хо, ян-янги масхалат. Разведкачиларники-ку... Қаердан тоқдинг.

– Разведкачилар полкидаги хамюрт офицер совға қилди.

Саша уст-бошимга анчагача суқланиб қаради. Масхалатни кизиксиниб ушлаб ҳам кўрди.

– Қани бўл, автоматингни бер... Тезроқ чўмилиб ол, анавилар кутиб қолди.

Саша сувга тушди. Мен икки елкамда автомат осиб атрофга назар солиб турдим. Ариқнинг икки томонида кета-кетгунча мевали дарахтлар экилган. Кун ботар кенг бедазор. Ариқнинг биз турган томони эса йўл чети бўйлаб кўз илғамас полздан иборат. Ана шу полиз ичида ҳар эллик-юз қадам ораликда қисмимизга қарашди БМП-2 ва танклар, саушка ҳамда МТЛБлар қисм аскарлари полизларни ер билан яқсон қилади, мевачевани битта қўймай териб кетади, деган хаёлга бордим. Саша чўмилиб бўлди. У асил-ташил кийингач, олма дарахти танасига тирмашди. Пастроқдаги шохга чиқиб олди. Сувга тўпиллаб олмалар тўқилди. Саша тик туриб, шошиб-пишиб олма узиб қўйнига сола бошлади. Бир зумда турган жойида қимир этмай қотиб қолди.

– Шима бўлди? — Туш энди.

– Толик! Толик! Толик, анавини кара! Кўрғонда одам юрибди, унинг овози кўркувдан титраб кетди.

– Туш, сакра!

Толик тапиллаб ерга тушди. Энтикиб, оғир нафас олди. Кўркиб кетганди.

Ўзингни бос, Саша... Кўрғонда одам кўинми?

– Битта чолни кўрдим.

– Машинанинг тўғрисидаги кўрғондами?

- Ха.
- Қуроли борми?
- Билмадим.

– Ма, автоматингни ол. Қани, кетдик. Сапа, ваҳима қилма, кишлоқда тинч ахоли қолган. Чол деясан-ку, чолнинг қўлидан нима иш келарди? – дедим ҳам ўзимни, ҳам уни юпатиб йўл-йўлакай. – Олмадан бермайсанми. Қани? О, зўр, ширин экан. Егин ўзинг ҳам.

Машина ёнига келганимизда Ирина менга хайрат билан қараб қолди.

– Қойилман... Жангчи дегани мана бундай бўпти, – деди бош бармоғини зўр маъносида кўрсатиб.

Ринат иккала машина орқасида, пана жойда ўчоқ қазиб, қозон осигга ҳам улгуришибди. Помидор, картошка, пиёз териб келишиб, тўғрашибди. Ринат қозонга ёғ солаятти. Ирина кунлик овқат учун берилган паштет ва қайнатилган гўшт солинган темир идишларни очаятти.

– Ох-о, устингдагини қаердан ўвирладинг... Боя ахволингга маймунлар йиғлаётувди, ўзингмисан шу туришингда... А?, – Ринатнинг шайтонлиги тутди.

– Анави ерда соғаятти. Борсанг сенга ҳам кийгизиб юборишади, – дедим.

Фақат сенинг куйган бадавнингга шундай кийимбош хайф-да ошнам. Майли, агар кир бўлса, бунисини керосинда юв. Яхши бўлади. Теринг шилиниб тушиб қўя қолади.

Ринатга гап топиб бериш маҳол эди. Қўл силкиб машина устига чиқдим. Сашанинг кайфияти йўқ... Қўйнидаги олмаларни тўпиллатиб, қозон атрофига тўкди-да, чурк этмай ўчоққа ўтин ташлайверди. Мен башняга ўтириб шилефонни кийдим. Батальон командирига алоқага чиқдим. Вазиятни командирга махсус рақамлар орқали тушунтирдим. У менга алоқадан жилмаслигимни, доимо жанговар ҳолатда шай туришимни, зарурат тувилса, ҳеч қандай буйруқни кутиб ўтирмай ўзимча ҳаракат қилишимни, ўт очшимни буюрди.

Менинг ахборотимдан сўнг алоқа орқали бутун батальонга жанговар ҳолат эълон қилинди.

БМП-2 отув милини Сапа айтган қўрғоннинг деразасига тўғрилаб қўйдим. Траншилендан қараб орадаги масофа 350 - 400 метрлар чамасида эканлигини аниқладим. БМП-2 учун бу масофага чўт эмас. Гугурт қутисини ҳам беҳато урса бўларди. Мен махсус кузатувдаги бурчакчани дераза-

нинг нақд ўртасига олиб бордим. ОФЗ снарядларини лента орқали юқорига, пушканинг ишлаш қисмига ... снаряд тушадиган механизмга киритдим. Агар юқори тезлик шкаласи бўйича отсам бир дақиқа ичида уч юз олтмишта ОФЗ (оскалкали, фугасли, ёнувчи) снаряд чиқиб кетарди. Бу эса кўрғонни отин-устун қилиб ташларди. Кўнглим бироз таскин топди. Башняга чиқиб орқага қарадим. Ирина ўчоқ бошида. Ринат билан Саша Иринага чодир тиклашяпти. Ирина менга қараб жилмайиб қўйди. Кўнглимда барибир ғашлик уйғонди. «Кечаси эҳтиёт бўлишимиз керак», деган ўй кечди.

Иринанинг чодир тикланди. Ринат Сашанинг кузатувида чўмилгани кетди. Мен кўрғондан кўз узмай дурбин билан ҳар бир шубҳали жойни назоратдан ўтказдим. Бирор тирик зот кўринмайди. Бошимдан шилемофонни ечганим йўқ... Алоқада унчалик аҳамиятсиз гаплар, ҳар дақиқада ўзаро суруштирув, вазиятнинг яхшилиги ҳақида кичик командирларнинг ўзидан юқоридагиларга берган ахбороти. Шу, бошқа гап йўқ. Қуёш ботиб борарди.

— Тоҳир, менга қара! Нега сен машинадан тушмаясан, миҳланиб қолдинг? Қара, атрофимизда ана, разведкачилар, миномётчилар туришибди. Қишлоқ тинч. Йўлдан дамбадам техникларимиз ўтиб турибди. Кел, менга ёрдамлаш. Ирина қўлидаги темир косани машинага тарақалатиб урди.

— Ирина, мен алоқадан жилмаслигим керак. Бубен-бир буюрди, дедим орқамга бурилиб.

— Тинчликми... Нима гап!

— Ҳеч қанақа гап йўқ. Бироқ, Ирина ўйлаб кўргин-а, шундай, мева-чеваси фарқ этишиб, полизларда ҳосили мўл катта қишлоқнинг одамлари қаёққа қойиб бўлди. Йўлнинг нариги четига қара, поёнсиз буғдойзор. Халқ ўз ризқини осонликча оёқ остида топтатиб қўймайди-ку... Хўш, биз икки-уч ой шу ерда қолиб кетсак, нима бўлади? Қишлоқ аҳли барибир қайтиши керак-ку. Уларнинг қайтмаслиги мумкин эмас. Биз уларнинг уйини бузаяпмиз...

— Нега менга бу гапларни айтаяпсан? Биласан-ку, кўшин киргач, ҳар қандай қишлоқда ҳам одамлар қочиб чиқиб кетади. Биринчи бор кўраётганинг йўқ-ку.

— Ирина, биз мехмон бўлиб турган жойнинг мезбоши бор экан.

Ирина санчиб ўрнидан турди. Менга ялт этиб қаради.

— Қасрда!

– Анави кўрғонда.
У эгчиллик билан машина устига сакраб чиқди.
– Қани, дурбинни бер-чи... Кўрдингми?
– Йўқ, Саша кўрди. Хали олма олаётганида кўрибди.
Кўрғонда битта чол юрибди экан.
– Шундай де, — Ирина машина устида тик туриб кўрғондан кўз узолмаяпти. Сўнг юзимга тикилиб сўради:
– Нима қилиш керак дейсан?
– Кўркитув учун шу томонга пулемётдан ўқ отиб кўрмоқчиман...
– Балки, шунчаки бир чолдир?
– Балким.
У елкамга қўлни қўйди. Чалғитиш учун дели:
– Масхалатинг чиройли экан. Ярашибди...
– Ха, майли, кўявер, анавилар кела қолсайди. Овқат тайёрми?
– Тайёр бўп қолди.
– Ирина, бугун махсус алоқа частотасига ўтиб гаплашиш учун парол қандай?
Ким билан гаплашмоқчисан?
– Батальон командири билан.
«Кечки салом», дейсан. У сенга «Салом, кечки...», деб жавоб қайтаради. Кейин келишилган частотани толасан...
Ўша частотанинг печалигини билмайсанми?
Олти юз ўттиз олти.
– О, яшавор, Ирина!
Командирдан рухсат олдим. Қоронғу тушмасдан кўрғонни БМП-2 дан ўққа тутдим. Бу билан «кўрғонда одам борлигини биламан», - демоқчи эдим. Кўрғон чанг-тўзон, тутун ичида қолди. Деразалар чил-чил тўкилди. Снаряд бостирма устидаги хашакни тўзвитиб юборди. Яна ўнта снаряд отдим. Ирина дурбинда кузатди. Ринат механик хонасида, Саша эса машина ёнбошида туриб кўрғондан кўз узмай туришди. Бизга разведкачилар ҳамда ёнимиздаги миномётчилар ҳам қўшилишди. Кўрғон ёнғин ичида қолди. Алоқада «Отишимани тўхтатинглар», деган буйруқ янгради. Катта йўлдан бизга қўшни бўлган, бир юз саксон биринчи полк ўта бошлади. Колоннадаги овир техниккалар, шёда аскарларнинг қўллигидан душман қуршовга олган постларимизни бир юз саксон биринчи полк озод қилади, асосий жангда шулар қатнашади, деган фикрга келдим.

Кечки овқатдан сўнг Ринат билан Саша соат ўнгача мизғиб оладиган бўлишди. Ирина мен билан коровулликда туради. У соат ўндан кейин ухлайди. Биз уч йигит эрталабгача икки кишидан галма-гал, биримиз ухлаб, иккала-миз постда туришга келишдик.

Ирина башняда алока билан банд бўлди. Мен атрофни айланиб юрдим. Кун бўйи толиққанман. Кўзларим юмилиб-юмилиб бораяпти, баъзида тик турган жойимда уйку босади, силтаниб кетаман. Бир гал силтанганимда кўлимдаги автомат отилиб кетди. Ирина хар ўн беш минутда алока орқали батальон командирини бу ердаги ахволдан хабардор этаяпти. Иринага нимадир дейишни хохлайман, лекин коровулда турганда гаплашни мумкин эмас, деган қоида фикримдан кайтаради. У ҳам офицерлик маъсулияти, харбий бурчдан келиб чиқиб миқ этмайди. Чекишнинг хумори тутади. Бирок постда чекиш мумкин эмас. Кечаси ялтираган чўғ душманга кўл келади. Жангтўрвамдан қурук чой олиб тилимнинг тагига тапладим. Уйқуни қувгандай бўлдим. Хуллас, сирли ва сокин қишлоқда биринчи кечамизнинг дастлабки соати осойишталик билан ўтди. Постни шерикларга топширдик.

Мен қон кўрпамни машина устига тўшадим. Худо кўрсатмасин, бир гап бўлса, башняни зудлик ишлатишга тўғри келади. Шунинг учун механик ва отувчи-оператор доимо машинада тунаши лозим.

Атроф сокин, юлдузлар чарақлаб турибди. Ёш тушининг салқин экинлари чарчок оғушида ухлаган одамга ором бахш этади. Эҳ, худойим, шундай гўзал, тинч дунё қадрига етмаймиз, уруш ўтини ёкамиз. Ўзимизни ҳам, ўзгаларни ҳам хароб қиламиз. Нима кераги бор экан бу азобларнинг? Ҳаммамиз, барча одамлар бир-бирига кўл бериб, мана шундай серюлдуз осмонларга боқиб, шундай ернинг салқин елларида ором олиб хотиржам яшасак бўлмайдимизми? Эҳ, одамлар...

Чодирдан нимадир тарақлаб Иринанинг овози келди:

– Тохир! Ухламаясанми?

– Ҳа.

– Ухламай тур. Ҳозир ёнингга чиқаман. Орканга дори суртаман деб ёдимдан чиқибди.

– Керакмас, Ирина. Эрталабгача яхши бўлиб қолади. Ухлайвер.

Ирина машинага чиқиб келди. Мен юзтубан ётдим. У масхалатимни остига кўл юборди. Кўл чўғдай иссиқ ва ёқимли эди.

- Чидайсанми?.. - Орқанга дори кўяман.

- Майли.

Оҳ! Нимадир баданимни ловуллаптиб куйдирди. Кўзимдан олов чиқиб кетди. У бутун танамни спирт билан тозалаб чиқди. Сўнг изида аллақандай маз суртиб, кўли билан танамга ёя бошлади.

Шундай офир, шундай чиркин, шундай мусибатли уруш даҳшати ичида кечаётган умрнинг энг хароратли ва лаззатли онлари эди бу. Мен аёл қалби тафтини, аёлнинг мухаббатга тўлиқ меҳри куч-қудрати йигитга қанчалар куч, ирода бахш этиши мумкинлигини англадим. Ирина тобора менга яқинлашиб, узилмас бир ип билан боғланиб бораётган эди.

- Мана бўлди. Энди ўнгланиб ётиб ол. Эрталабгача ҳеч қандай оғриқ сезмайсан.

- Майли, раҳмат Ирина. Ухлайвер. Автоматингни ёнингга олиб ёт. Мени барибир икки соатдан сўнг уйғотишади.

- Йўқ. Улар яхши болалар экан. Сени уйғотишмайди. Ўринингга мен тураман... Тўғри тушун... Орқанг шунчаки иссиқда кўймаган. Агар олдини олмасанг йиринглаб кетади. Сен айтаётган дончаларнинг илдизи қасрдалигини билмайсан... Қисмга омон-эсон етиб борсак, сени ўзим даволайман. Ухла.

Қовоғим офирлашиб, оғзимда таҳир таъм туяётгандим. Хароратим борга ўхшайди. Кўзим юмук бўлгани билан хаёлимда ҳар хил манзаралар айланар, толиққан эдим. Чарчоқ ва ҳорғинлик устун келди. Ухлаб қолибман.

Чиндан ҳам эрталабгача мени ҳеч ким уйғотмабди. Саша башня устида шилемафонни кийиб ўтирибди. Минг бор хижолат билан ўрнимдан турдим. Тоғ орти қизариб кўринарди. Сашанинг елкасидан миннатдорчилик маъносида каттиқ сиқиб кўйдим. Анча енгил тортган эдим. Ринат механик хонасида уйқуга кетганди. Иринанинг чодирига қарайдим. Йўқ. Саша уни ариққа ювингани кетди, деб айтди. Мен катта ариқ томонга юрдим. Ирина чуқурлиги сонигача келадиган ариқнинг қок ўртасида кич-яланғоч бўлиб ҳовучига сув олиб баданини ювар, сувнинг совуклигиданми, ўз-ўзидан қийқириб юборарди. Мен ақли хушимдан айрилиб унга махлиё бўлиб қараб туравердим. Сарвқад,

бадани мармардай тилик, тимқора сочлари елкаларига шовуллаб тўкилган, кулгулари жарангдор малак-санам уруш ичида даҳшат ва изтиробдан бошқа нарсани кўрмаган ўсмирга қандай таъсир қилишини тасаввурингизга келтиринг. Мен унга қараб бақрайиб туравердим. Ирина менга кўзи тушиши ҳамона сувга ўтириб олди. Мен индамай ортимга қайтдим. Сувдан қуйиб олиб ювиндим. Сашага, нонуштагача ухлайвер, алоқада мен тураман, дедим.

- Яхши, ухлаб турдингми? Тузалиб қолдингми?

Чодир ёнида Ирина турибди. Қўлида сочиқ. Елкасида автомат. Бошяланг, ҳўл сочлари тўзвиган, Этигини счиб оёғига оқ красовка кийиб олибди.

- Раҳмат, Ирина. Анча яхшиман. Кечаги хизматларинг учун нима қилсам хурсанд бўласан?

- Соғ-омон юрсанг. Сен яшасанг, бас...

Шу тонг хурмати, ойдай балкиб турган аёл бу сўзларни бутун борлиғи, дил-дилидан, халол гапирётганди. Юрагим гушиллаб уриб кетди. Шу тонгда унга кўнглимдан тўкилган гапиларни айтгим келди. Бўғзим нимадир қуйдириб ўтди.

- Сен... Сен яхшисан, Ирина. Сен зулматдан бу дунёмда порлаган нурсан. Уруш қомида қолган ҳаётимда севги-муҳаббат тимсолисан. Сен, сен, агар мана шу ҳаётимда севги-муҳаббат чўкиши муқаррар ҳаётимда очилиб турган гулсан, ошпоқ атиргулсан... Сен Ирина, уф худоимей, яхшисан...

У қафтини юзи билан тўсиб олди, елкалари учиб тушаяпти, йиғлади. Менинг ҳам кўзларимга ёш қуйилди. Йиғлаб юбордим. Кўзимни олиб қочдим. Ирина бош эгиб чодирга кириб кетди. Бироздан сўнг чодирдан овоз келди.

- Тоҳир, чекасанми?

- Албатта.

- Йўқ демасанг, ён дафтаримни оиб чиқаман уй адресингни ёзиб берасанми?

- Айтиб турса, ёзиб оласанми?

- Йўқ. Ўз дасхатинг билан ёз.

- Унда чодирингдан чиқ, олиб кел ён дафтарингни...

Шу пайт рўпарамдаги йўлдан бир юз саксон биринчи полк ортга қайтиб ўта бошлади.

Кеча роса бизникилар ичкаридаги қишлоқни самолёт ва оғир артиллериядан бомбардимон қилинди. Чарчаб ухлаган экансан, сезмадинг ҳам... Уч-тўрт марта бошингга

келдим. Хароратинг баланд эди. Манави полк ўша ёқдан чиқиб келаяпти. Бугун булардан кейин биз ҳам йўлга тушамиз. Худога шукур, урушга кирмадик. Кўз тегмасин.

Мен унинг ён дафтарига уй адресим, ўқиш жойимни ёзиб қўйдим. «Худо умримни берган бўлса, Сен ҳақингда битта китоб ёзаман. Бу асар ижодимнинг чўккиси бўлади. Мени Назаримда, севги мавзусида барча китоблар аслида сенга бағишлангандир», деб ёзиб имзо қўйдим.

У ён дафтарни ўқиб кўзларини чирт юмиб олди. Кейин бирдан бошини елкамга қўйди.

– Чодирга кирсам майлими? .. Йиғлагим келаяпти. Кўн йиғлагим келаяпти, — деди лаблари пирпилаб. Кўзларида хасрат-қайғу надомат чўкиб ётгандай эди.

.. Бор, боравер. Дам ол. Ухла. Қайтаётганимизда уй-отаман. Нонуштани йўлда қиламиз. Шартмас. Ухла. Ана, бир юз саксон биринчининг ҳам охириги батальони чиқаяпти. Изидан навбат бизга келади.

У чодирга кириб кетди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас Иринанинг чодирдан яна овози эшитилди...

Тохир! Узр, эсимдан чиқибди. Ахир сен сигарет сўрадинг-ку.

Керакмас, ухла. Мана, ўзимниқидан чекаман.

– Йўқ... Икковимиз бирга чекамиз. «БТ» чекамиз. Тоқдим.

Ирина яна ёнимга келиб ўтирди. Менинг диққат-эътиборим алоқада эди. Ирина менга сигарет тутатиб узатди. Ўзи ҳам чека бошлади. Шу маҳал худди олисда кимдир чўзиб хуштак чалаётгандай бўлди. Сесканиб кетдим. Чийиллаган овоз сония ичида бизга яқинлашиб келаверди. Мен узок масофани беҳато урадиган «РС» (ракета снаряд) тўғри бизнинг бошимизга тушаётганини англаб улгурдим. Жон ҳолатда ўзимни Иринанинг устига ташлаб, уни тўсиб олдим. Атроф гумбурлаб кетди. Назаримда ер кўтарилиб тушгандай бўлди — кулоғим том битди. Ҳеч нарса кўринмай қолди. Автоматларнинг тариллаши, гранатамётнинг портлаши эшитилди. Иринанинг елкасидан ушлаб силкиладим.. У карахт бўлиб қолганди. У бапняга караб югурди-да, машинани ичкарисига кириб олди. Ортидан ўқдай отилиб мен кирдим. Арик томондан гранатамёт ишлаб қолди.

Ринаг машинани ёндирди. Алоқада батальон командирига душман бизга хужум бошлаганини маълум қилдим. Ҳали-

ги РС снаряди чодирнинг кок ўртасига тушган. Чодир титилиб кетганди.

Иринанинг чодирни ловуллаб ёнарди. Мен рўнарамдаги қўрғондан иккита оқ иштон-кўйлак кийган душман гранатамёт кўтариб девор панасига ўтганини кўрдим. Пушкани ўша ерга тўғрилаб кетма-кет снаряд отдим. Деворнинг уст қисми ўгирилиб тушди. Душманнынг бири чайқалиб йиқилганини кўрдим.

Ринат хайда, кўрғонда душман бор. Бизни кўриб турибди, машинани четга ол, – деб бақирдим.

Ўнг томондан, полиз ичидан автоматдан ўк отилганини сездим. Кузатув ойнасида караб Ирина кичкириб юборди.

– Ана, иккитаси ўт ичига ётиб олишди. Ўнга, ўнга олсангчи... от энди!

Мен тусмоллаб отдим. Снаряд тушган жойдан тўрт-беш кадам нарида иккита душман санчиб тушиб, жойини ўзгартирди. Мен ўша ёққа автоматик равишда снаряд ёғдирдим.

Ринат, унга полизга хайда, дедим. Халиги мен отган жойга хайда!

Ринат машинани учириб борди. Мен пулемётдан тўхтовсиз отардим. Полизнинг кок ўртасида халиги иккаласи қизил қошига бўялиб ётарди. Бирининг боши мажақланиб кетган.

– Устига хайда, Ринат. Эзфила, – деб бақирдим ички алоқада.

Бир маҳал Ирина силкилаяпти. Юзимга тарсаки тортиб юборди. Мен қутириб кетган эдим. Ирина бақириб йиғлаб юборди. Шундагина ўзимга келдим.

Саша йўқ. Саша қолиб кетди, деди Ирина.

Ринат орқага хайда. Халиги жойга хайда, Саша йўқ...

Чодир портлаган жойга қайтиб бордик... Люкни очиб ташқарига отилдим. Ирина ортимдан сакради. Снаряд тушган жойдан икки-уч кадам берида Саша ўлиб ётибди. Боши кок ўртасидаги бўлинган. Юзининг бир томони йўқ. Жасадни десаиш бўлмасига жойладик. Машина йўл томонга юрди. Шу пайт кўрғондан яна битта гранатамёт отилди. Машинанинг ёнгинасида портлади. Мен башняни кўрғонга буриб тўхтовсиз ота бошладим. Алоқада комбат кўрғон олдида учинчи взвод машинаси портлатиб юборилгани айтди. Ярадорлар бор экан.

— Ринат, қўрғон олдига юр. Ярадорлар бор. Учинчи взвод машинаси ёнида тўхта!

Қўрғон ёнидаги чуқурликда БМП-2 тутяпти. Машина олдида взвод командири ҳамда механик ўлиб ётибди. Ирина пастга тушди. Мен атрофга ўт очиб турдим. Командирдан ёрдам сўрадим... Шу маҳал қўрғондаги ховли ўртасида тут панасига кимдир чолиб ўтди. Дарахт ортидан гранатамёт чикиб турибди. Буни Ринат ҳам кўрган экан, туйқус машинани тезлик билан ортга олди. Мен тутни белгилаб ўт очдим. Ҳеч нарса сезмадим. Пушкани тутга тўғрилаб турдим. Люкдаги ички ойна орқали ортга қарадим. Ирина ўликларни икки аскар ёрдамида машинага олиб келди. Тут орқасидан кимдир эмаклаб чиқди. Ҳалиги бекинган душман ярадор бўлганлигини пайқадим. Шу пайт уни бир аёл уй эшиги томон судрай бошлади. Мен пушкани уларга тўғриладим. Ирина ҳам кўриб турибди. У қўлимга тармашиб, отма, илтимос қиламан, отма деб ялинади, кўзидан дув-дув ёш оқар... дир-дир қалтирар эди. Мен люкни очиб машинадан тушдим-да, автоматни олиб ҳозиргина ярадор кирган уй томон югурдим. Нега шундай қилаётганимни ўзим ҳам англамасдим. Қўрғоннинг ўша ярадор кирган эшигини шахд билан тепдим. Очик экан. Кўзим ҳеч нарса-ни кўрмасди. Бу хонадан ўтиб чапдаги эшикни очдим. Кенг унинг қок ўртасида соқоли бир киши бужмайиб олган кўйи зир қақшаб қалтирарди. Остона ва гилам қишқизил қон. Бурчакка тикилиб олган ёш жувон кўлида эмизикли боласи билан даҳшатли даражада дол солиб йиғларди. Мен нима қилишимни билмасдим. Уй ўртасида оғзидан қон оқиб силтанаётган, соқоли ҳам қонга бўялган кимсанинг оғриқ қотган кўзлари баттар асабимга буров соларди.

Бир маҳал бурчакдаги кўк кўйлакли ёш жувон жимиб қолди. Мен қаҳрли нигоҳини тикди. Бир менга, бир ердаги ярадор эрига қараб гўдаги оғзига сўл кўксини тутди. Кейин шоша-пиша чакалокқа бу кўкрагини берди. Мен гарангсирадим, эсим кирди-чиқди эди... Аёл боласини ерга қўйди-да, эрининг ёнига чўкди. Қўлларини кўкка чўзиб нимадир деб пичирлай бошлади. Сўнг эрини қонли юзларини силаб бағрига босди. Эшик қарсиллаб очилди. Икки разведкачи ва Ирина кириб келди. Мен сапчиб туриб разведкачиларга отманглар, деб бақирдим. Ҳалиги ярадорни танам билан тўсиб олдим. Ирина разведкачилар қуролларини пастга

туширишди. Ирина мени ўрнимдан турғизмоқчи бўлди. Сўл оёғимни босиб чап ёнимга гупиллаб йиқилдим. Оғрикнинг зўридан инграб юбордим. Чап тиззамнинг пастидан қон оқар, ботинкам ичи ҳам билч-билч қон эди. Мен чап оёғимдан яраланибман. Оғрикни шу маҳалгача сезмагандим. Разведкачиларнинг бири мени кўтариб чиқди. Ирина йўл-йўлакай тиззамнинг пастига иккита оғрикни қолдирадиган ампула урди... Оғрик сусая бошлади, кўзим тиниб борарди.

Қишлоқдан чиққандан кейин кўзимни очибман. Яланглик... Замбилдаман... Бошимда Ирина турибди. Нимадир дейди. Йиғлайди, жилмаяди... кўлим билан сув бер деб, ишора қилдим. У сув келтирди. Муздай сув... Ичим ёнаётган эди. Ютоқиб ичдим.

Оғрияптими? — деди.

Бопи силкидим.

Озгина чида. Ҳозир вертолёт келади.

Ирина, менга айт, қачон яраландим?

Биринчи гал... РС тушганда, — деди у лаби титраб. Ҳатто мен ҳам сезмабман... Мени кечир... ахир... Сен мени деб яраландинг...

.. Кўй шу гапни... Вертолёт қачон келади?

— Ҳозир ўн дақиқада. Яхшиси сенга укол қилиб қўяй. У бояғидай ампулани яна тиззам атрофига санчиди.

Уйкуга кетибман...

Қишнинг куни қисқа бўлади. Қор тўхтаган. Кечки аёз бошланган. Музлаган қуруқ қор оёқ остида қотирдайди. Мен хашаматли меҳмонхонага кириб келганимда қоронғу тушиб қолган эди. Қоп-қора ойнали эшикни очиб ичкариладим. Кенг ва ёруғ зал шифтига осилган улкан кандиллар нурида ёғдуланар, залнинг мрамор сатхи жимирлаб товланарди. Ичкаридан ёқимли, дилни сархуш қиладиган бўй таралади.

Мени кўриб эшикбон ўрнидан турди. Таъзим қилиб, салом берди. Юзида мулойимлик, базўр бўлса-да, илжайиб турибди.

— Келдингизми, ока?

— Ҳа, Ирина Михайловнага учрашмоқчи эдим.

— Хоним кетдилар, ока...

— Нима-а-а? Нима деярсиз, ўзи? — чинқириб юбордим.

Устимдан биров совуқ сув қуйиб юборгандай бўлди. Турган жойимда типирчилай бошладим.

— Менга каранг нега кетади, адашяисиз чоғи? Ахир ҳозир учрашишимиз керак эди-ку... Ҳалиги аёлни айтаяман. Эсингиздами, мен келгандим-ку, бирга! Ирина Михайловна!

Гапим оғзимда қолди:

— Хоним бугун соат учда учиб кетди. Сизнинг келишингизни айтувди. Мана, Сизга қолдириб кетди.

Эшикбон тортмадан конверт олиб узатди. Кўз олдим хиралашди. Дағ-дағ титрайман. Вужудимдан совуқ тер оқди.

— Тушунмадим... Тушунмадим... — дердим ақлу ҳушим учиб... Зал четидаги чарм диван сари юрдим. Назаримда оёқларим ўзимга бўйсунмаётгандай эди. Ўзимни диванга ташладим. Қўлларим қалтираб конвертни очдим. Конверт ичидан сурат чикди. Қирқ ёшлар чамасидаги истараси иссиқ жувон билан ўғли бўлса керак, аёлга жуда ўхшап ўспириннинг бирга тушган суврати. Иккови ҳам кулиб туришибди. Сурат ортида арабий имлода нималардир деб ёзилган эди. Конвертда жуда чиройли дасхат билан Ирина ёзиб қолдирилган мактуб ҳам бор эди.

«Салом Тоҳир, азизим! Бугун — ҳаётимнинг энг гўзал куни бўлиб қолади. Орадан шунча йиллар ўтиб сен билан бирга бўлдим. Сени кўрдим. Жуда хурсандман. Соғ-саломат экансан. Юрагинг, ўша, ажойиб, инсоний туйғуларни асраб қолгансан. Биласанми, сен жуда яхши одамсан. Бугун менинг туғилган куним. Туғилган кунимни эса сен билан бирга ўтказдим, ниҳоят. Кейинги йиллар, фақат шу учрашувни кутиб яшадим. Эримга ёлвордим — мен учун энг яхши совға, бугун Тошкентга бориб сени кўриб келишимга изн беришини сўрадим. Рухсат берди. У яхши киши. Мени тушунади. Сен ҳақингда гапириб берганман.

Тоҳир, ўзингни эҳтиёт қил! Мен ярим соатдан кейин учиб кетаман. Шундай бўлгани яхши.

Тоҳир, қўлингдаги суратга яхшилаб разм сол. Танимадинг, тўғри. Бу аёлнинг исми — Шафиқа. Ёнидаги ўғли — Аҳмад. Улар Лондонда яшашади. Худди мен сингари уларнинг ҳаётида ҳам сен — яхши одам (ха, бошқача ибора тополмадим) бўлиб қолгансан. Бу тўғри — шундай бўлиши керак, улар сени бир умр унитишмайди. Унитиши мумкин ҳам эмас.

Шафиқа ўша, сен отиб ташламаган афғон аёли, унинг кўкрагидаги гўдак эса сен сувратда кўриб турган йигит — Аҳмад! Улар мени топишди. Эсингдами, чодирга снаряд

тушиб, (эй, худойим-ей, эсласам титрок босади) чодир портлаб кетган эди. Ўшанда ҳамма нарса чодирда қолган эди. Шафика биз чиқиб кетгач, ўша жойдан менинг ярми ёниб ётган дафтарчам, шунга ўхшаш нарсаларни топиб олади. Унинг айтишича, у бизни барибир топмоқни ният қилган.

Ўтган йили менга мактуб ёзди. Ишонасанми, ақлдан озай дедим. Манави суратни эса сенга бериб қўйишимни илтимос қилганди. Унинг ортида «Ҳаётимизнинг энг оғир лаҳзаларида бирга шафқат қилган мард ва меҳрибон инсонга улкан миннатдорчилик ва қарздорлик билан ташаккур айтамыз...», — деб ёзилган.

Тохир, Шафикага қўнғироқ қил. Мана телефон рақами (.....).

Биз Сени эрим билан истаган пайтнингда Москвада кутамиз...

Мени кечир, ҳозир менга нақадар оғирлигини ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди. Шу билан бирга сени кўриб елкамни босиб турган тоғдай оғир юкдан холос бўлдим.

Тохир, сен яхши одамсан, яхши ёзувчи бўласан. Эсингдами, ваъда бергандинг...

Менинг фикримча, дунёнинг қайси чеккасида яшаётганларидан қатъи назар одамлар урушсиз, тинч-тотув кун кечирришлари керак. Уруш инсоннинг бир-бирига ёвуз ва шафқатсиз қилиб қўяди. Ўйлаб қарасам, одамлар бир-бирига меҳрибон бўлсалар, бир-бирини отмасалар... бу ҳаётда инсон бўлиб яшай билдилар...

Узр... Сен мендан ранжима... Сени Москвада кутамиз... Омон бўл! Ирина. 16.02.03 й».

Кўча совуқ эди. Йўл четида тизилган симёғочлар шаҳар кўчасини чароғон этган. Чироқлар нурида қор учқунлари сирли жимирлайди. Мен қорли йўлакда қарахт ҳолда кетиб борардим. Қаёққа бораётганимни ўзим ҳам билмасдик.

2005 йил

БОСИНҚИРАШ

Ҳикоя

I

Мен тагин қанча яшайман, билмадим, бироқ жуда кўн яшадим. 24 йил умр кечирганим ёлғон, бир ёки икки асрдан ўтдим. Ҳануз юрагимда болалаётган мусибатнинг моҳиятини англай олмай карахтман. Кўнглимни остин-устун қилиб ташлаган фожиянинг таг-тубига қачон стаман. Мен ўзимни қачон тушунаман? Менга нима бўлган ўзи?

Ҳаётда ортикчалик қилиб яшаш оғир. Йўқ, ҳаётда эмас, ўзинг учун кераксизлигингни ҳис этиб туриш, нақадар... (ёзолмадим).

Кўзларимда қотиб қолгани шу; мен — жангчи, қуролимни кўксимга босиб эмгаклайвераман, теграмдан ўқлар учади... Хориганман юзларим кир-чир, аллақайёқларга жангга кетаяпман, жангдан қайтаяпман, тоғлар, гумбирлашлар, қонлар, яралар, ўликлар, нигоҳлари тошга айланиб қолган, юракларида ваҳм урчиган тириклар...

— Қўчқор, сен ёшсан!

— Ўн тўққизга кирдим, ўртоқ майор.

— Мен уч боламга ачинаман.

— Мен онамни соғиндим, ўлишдан қўрқаман.

— Онанг кексайиб қолганми?

— Ўттиз етти ёшда...

— Даҳшат...

— Бизни ушлаб олсалар, нима қиламиз.

— Бунақаси кетмайди. Ўлиш ё қолиш... Ўзингни отасан, тамом...

...Уруш азоблари хотирага айланмайди, аксинча ҳар куни давом этаверади. Мен хали урушдан қайтиб келмадим. Онажон, неча ёшдасиз. Ўнта ўн тўққиздан ошиқроқ яшадим. Яна қанча йилдан кейин ҳаммаси интиҳо топади. Юрагим оғрияпти. Онажон, уруш тугамаяпти, Сизни соғинаяпман. Ёшингиз ўттиз еттидами, ҳалиям, Онажон?

...Хотинимга гул совға қиламан ва яна ёлғон табассум, шеър ўқийман, ошнолар даврасида май сипқориб сўз айтаман, тамаки тутатаман... бироқ, менга нима бўлган, рухиягимни туманлар қоплаган... Урушларга кетиб қолавераман. Йўқ, жанг тугамаган. Эртага биз отишгани кетаяпмиз. Бу гал ўламан, ҳеч бўлмаганда яраланиб қайтсам керак. Кеча Шухрат билан Аваз ҳалок бўлди, олдингиси Вася ҳамда Зайцевнинг бошига етди.

Ҳамиша фожианинг ичида юрсанг, без бўлиб бораверар экансан. Ҳеч нарса кўрқинчли бўлмай туюлади. Жамики ваҳмларнинг сўнгги манзили — ўлим эканлигини англасанг мушқулиниг осонлашади. Нима кишти бир бошга битта ўлим. Бугун ё эртага, нари борса индин... ўламан. Мен урушда одам эмас эдим: бемаъно, бемақсад ивирсиган, инсоний туйғуларидан жуда, томирида қони музлаб бораётган маҳлуқ эдим, холос. Агар XX аср фожиасига хайкал изласалар, менинг симбатим ҳар қандай рамзийликни ўн чандон босиб кетади. Уруш... фожа... мен... унчалик ваҳимали туюлмаган... қурбонлик...

Ўн саккиз ёш..., хали нигоҳлари дунё рангларини фаҳмлаб улгурмаган маъсумликда, туғилганига пушаймонлар еб, ич-ичига титроқ тушган, тентакнамо бўлиб қолган йигит... чекаётган наشانгдан бир тортарлик қолдир. Бу зилзалворли дунёдан бироз баландлайлик... парвоз қилайлик. Мен сенга сувдонимдан қолган сўнгги қултумни бераман. Ўзимми? Тишимни лабларимга каттиқроқ боссам ҳам сизади... ичаман.

Онажон... ёшингиз хануз ўттиз еттидами? Сочларингиз ўша кунни мен олисларда ажал билан олишган, фақатгина Сиздан мадад сўраган кезлари оқариб кетдими? Мен 24 ёшда эмасман, мен жаҳаннам чангалидан тасодиф туфайли, Сизнинг бахтингиз ва ўзимнинг бахтсизлигим учун тирик қолганман. Тақдирнинг қалтис ўйини — ўлиш машқини бажараётганимда ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси нақадар узунлигини, ер юзида барча одамларнинг умрини кўшганда ҳам, улардан кўпроқ яшаб қўйганимни англадим.

Баъзида урушни соғинаман... Ишонинглар, одамлар, тоғларга чиқиб кимларнидир отгим келади. Тасаввур қилолмайсиз, жангдан хорғин киёфада, соғ-омон қайтиш, кўрқув даҳшат билан ўлим сари интилиш, ҳеч нарсани англаш маҳол, бемаъно, сўниқ киёфаларни кўз олдимга келтириш менга ҳузур бағишлайди.

Мен қуролни яхши кўриб қолганман. Портлашларни тур-турига бемалол ажрата оламан, бомба, мина, миномёт, «эрэс» снаряди, АГСлар. Улар ҳар куни рухимда портлайди.

... Ичамизми?

— Қуй, Иқбол.

— Нимага индамайсан.

Иқбол, мен гапирмайин, қуй-да, жим ўтир. Хаммаси кўз олдимга келаяпти... Фақат ўзим билан сўзлашишни хоҳлайман. Ҳа, ошнам, чарчадим... Одам боласини хотира эзғиларкан... Биласанми, урушда қатнашганлар — бир-бирига дуч келиб қолишса, ботинан оғринадилар, юрагини таталаётган ўкинчдан кўзларига мунг тошади. Улар таҳқирланишгани, хўрлик азобини тортишгани учун ҳам бу дунёга сизмай қолишганини билишади. Уруш инсонни ҳар қайси жамиятда ҳам чиқиндига айлантириб ташлайди.

Мен ошиқчаман, сенинг қўлларинг тоза — қуй Иқбол, тахир майдан қуй, кўнгил мени зулматдан олиб чиқсин.

II

УРУШ

(баллада)

Ҳуши учар заминнинг
Зириллаб тўзғир ҳаво.
Қулар ярадор тоғлар
Замбил ахтарар дунё.
Чинкиради майсалар —
Тўйиб кетар жонидан.
Бир хўплам қон... томади
Осмоннинг сувдонидан.

III

Кеча Хемингуэй келди уйимга. Тонггача гаплашдик. Мен айтдим, урушда тирик қайтиш билан урушда ўлишнинг фарқи йўқ, дедим. У уруш дахшатини англаб улгурганлар ақлдан озадилар, деди. (Бу содир бўлиши муқаррар ҳақиқатлигига, ишонаман).

Урушдан омон қолган кишининг яшаши азобдир, дедим. Бундан нима қилиб қутулса бўлади, нахотки?..

У, сира ҳам иложи йўк. Уруш ҳақиқатни ёзиш, айтиш мушкул бўлган энг оғир мавзу, деди.

— «Алвидо, қурол» уруш фожиясини ҳамда азобланиётган инсон юрагини очиб ташлаган шох асар.

— Мен уни ёзаётганимда ҳаётимда кўп мусибатларни кўрдим: Отам ўзини отди, хотиним ўлди, бироқ шунчалик оғир изтиробларга ҳам чалғий олмадим.

— Уруш ларзага солган кўнгил фожияси олдида барча оғриғу кўргуликлар хасрати чекинади, демокчисиз.

— Ҳа, шундай. Одамни енгиб бўлмайди.

— Мен урушда ҳеч ким галаба қилмайди. Уруш одамзод устидан ҳар доим волиб келган, деб ўйлайман...

Хемингуэй «Алвидо, қурол»ни ташлаб кетди. Мен китобни «Ассалом, қурол» деб очдим.

IV

Уруш ҳақидаги ягона киссамни қачон тугатаман, билмадим. Роса қийналаялман. Кечалари тушларим ҳам айнади буни устига. Ҳаёлим ўзимда эмас, чамамда, атрофимдагиларни унутиб қўяялман. Сўнги бўлими тугасайди, бирор жойга кетардим. Дам оламан, ҳеч ким менга халал бермайди. Чалғини учун дўхтирда маслаҳат беришса, ёмон бўлмасди.

Урушни тасвирлаш ўлимдан ҳам беибаттарроқ. Оёқ-кўлим бўшашиб, ичимни нимадир беаёв кемираверади. Мен ҳақиқатни, мусибатни бор бўйи билан кўрсатиб беролмай қийналаялман. Ўз кўзим билан кўрган воқеаларни бошқаларнинг кўзи, юраги, кўнглига сингдириб юбориш, ҳеч бўлмаса ўзинг ҳис қилган оғриқнинг ярмини англашлари учун жонингни қиймалашинг зарур экан.

Кўзим олдида тўхтаб қолган совуқ манзара, лоҳас сукунат. Чайқалаётган замишу осмон тобора бир-бирига яқинлашаверади — ҳозир қапишиб кетади. Ўлик жимлик бағридан ажал хиди анқийди. Қорачўғинг тортишиб оғрийди. Кўзларинг бу совуқ ва дилни сескантирувчи борлиқдан кўрқади. Иродангнинг кириндилари тўкила бошлайди. Қўрқувдан қафандай оқарган юзингдан ҳеч қандай ҳолни англаб бўлмайди. Ўзингни кўярга жой тополмай қолсан, ичингдан тўкила бошлайсан.

Бироз ўтади — хавони зириллатиб сараяуд учади. Дунёни остин-устун қилган портлашдан бакири юборасан. Одамзоднинг кўрқувидан чинқирган кезлари юзлари тири-

шиб, сочлари сонияда оқариб кетади. Қонлари тўхтаган томирингдан совуқ тер отилиб, баданинг шилмишиқлашиб қолади. Сен — тирик мурдасан. Ўлим шунчалик қўрқинчлими? Яна вангиллаб снаряд учаяпти. Пазарингда хавони йиртиб ташлаётгандай. Шу снаряд худди сенга келиб тегадигандай ерга ётиб олиб, бошингни бекитасан.

Жанг бошланади. Бечора заминнинг кўксини пайхонлаб оғир техникалар иддамлайди. Кий-чув, кўкка учган чанг-тўзон, қуюк ва ачимтир тутун, визиллаган ўқлар, ох-вохлар — бари-барисидан эсинг оккудай бўлиб, ўзингни урушнинг ихтиёрига топширасан.

...Хеч нарсани идрок қилолмай ўзимни дарахт панасига оғдим. Тенадан шалдур-шуддур қилиб шохлар синиб туша япти. Иўсти титилиб ичидан оқ ўзаги кўриниб қолган синиқ новдаларга юзингни яқинроқ келтирсанг, порох хидини туясан. Агар одамнинг кўл-оёғини ҳам темир парчаси чўрт узиб кетса нима бўларкин. Томирлари кўриниб, ичидан суяк бўртиб чиққан, узилган оёқнинг қони тенага сачраса керак.

Мен нима деяман ўзи? Худди шундай бўлувди-ку? Ўқдан бошимни ерга паналатиб «ўлмайин»лаб тиловатлар қилиб ётгандим. Хаёлимда агар юзимга ўқ тегса, ўрни кавак бўлиб қолади, ёки ўқ кирган жойда кичкина тешик пайдо бўлиб чиққан жойни ўпириб, суякларим пайрахадай сочилиб кетса керак деган ўй ўрнашиб қолганди. Чаккамдан ўқ тешиб ўтса калламнинг бир томони қўпорилиб, кўзим косасидан чиқиб кетади. Оғриқни сезмаёқ бир силтаниб ўлсам керак. Йўқ, бошимдан жуда-жуда қиска сонияда нимадир қарсиллаб, атроф ёришиб, кўзимдан олов отилиб чиқади. Дунё оппоқ туман ичига фарқ бўлади. Бир пастда хаммаси тугайди. Хаёлимни тиглаб ўтган лахзалик ўйлар шунчалик қўрқинчли эдики, мен ўлимни кутавериб чарчадим. Бир махал дарахт танасининг ердан икки-уч қарич баландаги қисмидан иўстлоқлари сачраб кетди. Ўқ танага миҳ каби ёриб кирди. Мен вахима ичида ерни шунчалик чангаллаб оғдимки, бармоқларим зирқираб оғриди. Ёнимда чанг кўтарилиб даҳшатли гумбурлаш тўлқинидан беихтиёр отилиб кетдим. Чалқанча ётардим, осмон чириллаб айлана-япти. Қорнимда нимадир босиб турибди. Қулоқни ёргудай чинқириқдан ён-веримга алашладим. Хамротам Зайцев тунроққа беланиб тўлғониб ётибди. Унинг чинқириғи ҳар қандай гумбурлаш ва портлашни босиб кетган. Жанггоҳда

Зайцевнинг хайратли даражада ўқириши ҳоким. Ўрнидан сўзгалиш учун бошимни кўтардим. Қорнимда босиб турган нарса ёнбошимга оёди. Юзимга иссиқ ва шилимшиқ, этни жунжиктирадиган суюқлик сачради. Сапчиб ўрнидан турдим. Олдимда сонидан узилиб кетган оёқ ётарди. Унинг ҳилвираб гўшти чиқиб турган жойдан тизиллаб қон отилаяпти. Ранги дока тусига кетган оёқ ўрнида кўрсаткич бармоқ узунлигидан суяк оқариб чиқиб турибди. унинг иштиги ва гимнастёркаси шилвираб кетган эди. Тупроқ қизил-кизил қон билан қоринган. Мен танадан айрилиб қолган оёқни мурда ёнига қўйдим. Оёқ зил-замбил оғир эди, отини бўлаётганини мутлақо унутдим. Дарахтлар қасирлар, осмондан темир парчалари ётарди.

V

Кечаси ташқарига чиқиндан кўркаман. Зинапоядан учинчи қаватга бир оёқ дурсиллаб чиқиб келаётгандай бўлади. У мени тоҳида таъкиб қилади. Остонада пойабзал кияётсам баъзан тумшувим тагида пайдо бўлиб қолади. Тик турган кўйи тебранаверади. Кўзларим тиниб кетади, бақириб юбораман. Оёқ хамиша кўнжи қолга ботган этик ҳамда Зайцевнинг ўша жигарранг шимининг бир томонини кийиб келади.

Соат неча бўлдийкин. 12 дан ўтгандир... Бир нима дурсиллаяпти. Иккинчи қаватга етди... Мапа учинчи қават зиналарига кўтарилди... ҳозир, ҳозир... менинг эшигимга ўзини уради. А-а-а-а-аа!

VI

Бугун шоир Эшқобил Шукур билан инсон ва адабиёт хақида гаплашдик. У шеър ўқиди. Мен ҳеч нарса ёзолмаяпман дедим. Буни шоир руҳиятга йўйди. Баъзан одамда шундай ҳол кечаркан. Ойлаб бир мисра ҳам битолмай юрасиз, деди. Мен нега бундай аҳволга тушганимни билмадим, бироқ кўнглим хижил, умуман қаерларгадир бош олиб кетишни истайман, қаерга, ўзим тушунмайман, дедим. Ниманидир таъсирида қолгансиз, хаёлингизни чалғитинг деди шоир. Мен урушда кўрган воқсаларни тез-тез эслайдиган бўлиб қолганман, очиги, жанггоҳларни кўмсаяпман, одам ўзига мунчалик мусибатлар келтирган кунларга қайтишни хохлаб қолиши мумкинми, деб сўрадим. У менга

анграйиб қаради, сўнгра нигоҳини олиб қочди. Айтдики, фожиялар ўтиб кетгандан кейин, бир куни ардоқли хотирага айланиши ҳам мумкин. Мен овриқдан лаззатланиш — азоб, инсон учун бундан ортиқ кўргулик бўлмаса керак, УРУШ барибир башарият устидан валаба қилишига имон келтирияман дедим. Эшқобил Шукур эшитмаганга олди.

VII

Тақдир, менинг қўлимга 18 ёшда қурол тутказганиндаёқ, ёзиғимга уруш исканжасида қолиб кетиш битилган экан. Мен қанча кишини отган бўлсам, шунча марта отилганман. Қўлим қон, кўзим қон, оғзим қон... асрим сен ҳам қонсан. Бизлар қотилмиз.

Юрагим санчияпти. Хали кўксимдаги отилмай қолган ўқлар хуруж қилаяпти. Уларни барибир отишим керак. Кимга, қаерга?

VIII

— Қўчқор, уйимизни соғиндим, тезроқ қутулсайдик. Охиригача омон қоламамизми?

— Менам чарчадим, баридан. Бошда борици кўрамиз, дўст.

— Бу лаънати урушдан бирга қайтсак, Тошкентга тушибок оёқдан қолгунча ичардик.

— Қанийди, дўст... ҳаммамиз тус-тугал борсак.

— Агар орамиздан ҳеч ким ўлиб кетмаса: биргалашиб ресторанга кирардик-а?

— Ха.

— Сенинг шоирлигинг қўзиб шеър айтардинг.

— Албатта, чекишдан қолдир.

— Насиб қилармикин?

— Совуқ ният қилма, Шухрат! Кўрасан. Ҳаммаси тугайди.

Мен бор овоз билан шеър айтаман.

Одамлар хайрон қолишса керак?

Қизиғи йўқ менга. Сенлар истасанглар стол устига чиқиб шеър ўқийман. Фақатгина омон қолсак, бас.

— Ростданми?

— Рост, ошналар, рост. Ресторану барлар, кинотеатрлар, чиройли нигоҳлар бари бариси — бизники бўлади!

— Айтганинг келсин. Эҳ-ха...

Йўқ, Шухрат, йўқ, айтганинг келмади. Бизнинг тенг ярмимиз у ерларда қолиб кетдик. Менинг кўнглим ярим бўлиб қолди. Дунёнинг бир томони кўпорилган энди, дўст. Гўримга, очик мазоримга шеър айтайинми, Шухрат. Шеър айтгилигим қолдими мени, Шухрат. Юрак дардга, касидага эмас — марсияга тўла, Шухрат. Сўнги бор кўзларинг юмилаётган пайт нега менинг кўлларимни бунчалик қаттиқ қисдинг, кадрдон. Юрак бағрим зирқираб, кўзларимдан ёш тирқиради, бўғзимга тиф санчилди. Сенинг ўлгинг келмаётганди, сенга насиб қилмаган ҳаётда мен тирик қолаётгандим. Шухрат, дўст, сен манови осмону булутлар билан лаҳза ичида видолашаётиб, лабларинг қалтиради: «СЕН БАРИБИР ШЕЪР АЙТГИН». Айтаман, дўст, айтаман, ёниблар айтаман, куйиблар айтаман, тўзғиблар айтаман. Алвидо, дўст, алвидо!!!

IX

Хўш, нима истайсиз, йиғитча.

· Яхши қиз, олтига графин пиво.

· Битта ўзингизгами..?

— Ҳа, нима қипти. Мен бугун майхонангизни ёндираман.

— ...

Дастёр қизнинг кўзлари олайиб кетади... У мени озроқ етишмаса керак, деб ўйлади. Барибир столга 6 графин пиво олиб келди. Ёв қувгандай пулини ҳисоб-китоб қилди. Дунё чайқалаяпти. Дунё гўё океан қаърига чўкишга маҳкум кемадай омонат. Одамлар оёқлари осмонда, бошлари билан юришмоқда... Одам-лаааррр, бошлаариини билаанн юришмоқ-да-да. Бош-ш-лаа-рии билааннн-нухх! Куфффф!

X

Бўғзимда қирқ жоним потирлаётир,

Қароғим-ла осмон, тоғу-тош ёнар.

Онам мени шу дам хотирлаётир,

Хайр, онам учун йиғланг, ошналар.

Дунё тирноғимга арзигани йўқ --

Не кўрдим.

Дунёси қилавсрди қасд.

Мени кўкрагимга қадалга шу ўқ
Онамнинг кўксини тилкар бехос.

Розийдим, шу ерда чириблар ётсам,
Бир лаҳза бошимга келса Ватаним.
Ўлаяниман, онамнинг бағрини қўмсар
Қонимга чайилиб хор бўлган таним,
Хайр, онам учун йиғланг, ошналар!!!

XI

Кема бир чайкалиб, стол билан қўшилиб куладим. Устимга бўм-бўш графинлар чангирлаб тушди. Шифт гириллаб айланаяпти. Тепамда шифт билан бирга кимларнингдир симбати гириллаяпти. Миршабларга ўхшайди. Ҳа, худди ўшалар. Тошдай оғир бошимга бир нарса урилди, кўзимда ўт чакнади, бироз хушимга келдим. Уртўқмоқ ушлаган икки миршабни аниқ кўриб турибман. Улар мени тенкилаб-сепкилаб эшикка судрацааяпти. Иккаласидан бири қўйиб бири силкалаяпти.

- Кетганича ич-да, аҳмоқ.
- Э, бу журналист экан-ку?
- Қўявер, ўзини билмай ётибди, аҳмоқ бўлиб қолган.
- Опанинг журналида ишларкан.
- Чўнтагидаги нарсаларини қайтариб сол.

XII

Бу кеча сира ҳам уйқум келмаяпти. Баданимда сувараклар ўрмалаб уйқу бермаяпти. Бурга талаб ташлади. Юзимга нима томаяптийкин? Нега бунча иссиқ — Шифтда осилиб турган нарса нега тебранаяпти? Нима ўзи у... А-а-а-а?! Одамнинг кўлими, одамнинг кўлини. Онажоо — он!

XIII

Кўшин Али Хилидан қайтаётиб бир қишлоқни вайронага айлантриб ташлади. Уйлар, деворлар ўпирилиб қолди. Танклар ҳовли экинларини важилаб ўтди. Мол-холларни отиб кетавердик. Боғлардаги меваларни ўзимизники сингари ўйнаб тердик. Биз киришимиздан аввал артиллерия ва самолётлар, тик учарлар ўққа тутган қишлоқда одам зоти қолмаганди. Взвод деразалари чил-чил синиб тўкилган кулба олдидан ўтаётганда Бачкарев менга ярми ўпирилган девор

томошни кўли билан кўрсатиб, бақрайиб тураверди. Унинг гапиришга мажоли йўқ эди. Мен Бачкарев имо қилаётган томонга қарадим. Девор тагида уч яшарлар чамасидаги кип-яланғоч болача, ичак-чавағи чиқиб ўлиб ётарди. Мен юзимни беркитиб олдим. Оёқларим қалтираб, бошим айланиб кетди. Дам-бадам ўхчирдим. Жағим тақиллаб, баданимдан совуқ тер оқа бошлади. Мен бутун бошли взвод, бутун бошли армиямизни ер ўз комига тортиб кетишини жуда-жуда хоҳлардим. Менга тирикликнинг қизиғи қолмаганди.

Кўзларимда қотиб қолган бу манзарани ҳеч нарса йўқота олмайди. Мен уни ўзим билан олиб кетаман. Қулаган девор ва...

Оёқларимга аллақандай юмшоқ нарса тегиб турибди. Мана, энди тиззаларимга довур эмаклаб келди. Баданим музлаб бораяпти. Қарашга кўрқаман. У қорнимга ўрмалаб келади, ёнбошимга ағанаб, мен билан ётаверади. Этим дургиб, сескана-сескана қарайман. Шунда... ириб-сириб ётган, тимсоҳ терисига ўхшаш баданларидан суюклик сизаётган, қоп-қорайиб кетган чақалоқ иккала кўли билан юзимга чанг солади. Бўғилиб кетаман. Овозим чикмайди...

...Нима бўлди Сизга?

— Сув опке, хотин, сув, — босинқирадим.

Хотиним уйқусираб ошхонага югуради. Ёнимда ётган ўфилчам чинқириб йиғлайди. Мен хануз ўзимга келолмай боламни юпатаман.

... Уха қил, ўғлим. Қани, уха қил, энди...

— Мана, сув, ичиб олинг. Э худо, юрагимни чиқариб юбордингиз... Бутунам кўрқдингизми?

— ...

Мен жимман. Тонггача ўғлим ва хотинимнинг бошида ўтириб чиқаман. Кўзим илинишидан кўрқаман.

XIV

Урушнинг яна бир мусибати бор. Фожиа шундаки, уруш инсон қони орқали ўтиб авлодлар ирқида ҳам ўз асоратини қолдиради.

Ҳар лаҳзаси йиллардай чўзилиб ўтган уруш манзараси инсонни ҳайвоний қиёфага айлангириб, қарахт қилиб ташлайди. Жанг кўрганлар бир умр урушнинг исканжасида яшайдилар.

Хали икки ёшга тўлмаган ўғлимнинг ўйинчок автомат-

ларга ёпишиб олишига ҳайрон қоламан. У камазлар, юразлар, турли машиналардан кўра, ҳозирдан қурол билан ўйнашни яхши кўради. Ўғлимнинг кўнглидаги қизиқиш, менинг қонимда гоҳ-гоҳида хуруж қилаётган асов галаён орқали ўтмадимикин.

— Болам, ташла, қўлингдагини. Ахир қурол... Бу билан мен, сен, ойингга ўхшаш одамларни отадилар (Йўк, мен отганман).

XV

Мен афғон уруши ҳақида нима ёзган бўлмайин, ўзимни босқинчи армиянинг, гуноҳи беадад сиёсатнинг қўли қон аскарлари деб ҳисоблаганман. Биз босқинчимиз. Тамом. Бошқа ҳеч қанақа шарҳу изоҳни хохламайман. Фақат афғон уруши қатнашчиларини тағин хўрламанглар — байналмилал жангчилар деманглар. Сенларга давлат мурувват кўрсатаётгани, деб майдаланманглар.

Афғонда жанг қилган шоир Наби Жалолиддин, одамлар бизга раҳм қилинг, ҳар нарса деб оптимиздан гапирманг, агар биз ортиқчалик қилаётган бўлсак (?) мустақиллик майдонига тўплаб отиб ташланглар деб ёзди. Йўк, Наби, бизни отишолмайдилар. Агар афғон урушининг ҳақиқий гуноҳкорлари керак экан, Наби, Сену менга ўқ етмай қолади. Қанчалаб министрлар, генералларнинг, ақлли бошлар отилиши керак. Мен охирида ўзимни ўққа тутиб бераман. Шундаям, ҳали дунёнинг разилликларидан беҳабар ўғлимнинг тинч ва осуда ҳаёти учун, болаи ҳеч қандай урушни кўрмайди, деган мамлакат учун.

Наби Жалолиддин! Бу урушнинг гуноҳкорлари беҳисоб, жўра!

XVI

Ёмғир эзиб ёғаяпти. Шом чоғи. Сақичоқ лойтепаликка чиқаяпман. Одам боласининг қораси кўринмайди. Негадир елкамда қуролим, ёнимда ўғилчам ҳам бор. Совут нимча ҳам кийиб олганман. Бир маҳал рўпарамда қурол тутган, соқолли кишилар пайдо бўлди. Уларга қарата ўқ отай десам, автоматим ишламайди. Ўғлимни кўтариб гандирак-лаб пастликка югурдим. Улар бизни қувиб келишарди.

1988 йил.

АСОРАТ

*Ёзиш — азоб. Ёзиш ҳам ўйлаш
каби жонимга теғди.*

Муаллиф

Новелла

I

Уйқум келаяпти, кўзимни юмишга кўрқаярман. Суку-
натнинг кўйнида ваҳм. Тун ором олишимни пойлаяпти,
чамаси бўғиб ташлашга шай тургандай. Чирокни ўчирмай-
ман, мен ухламаслигим керак... Онажон, бу азобнинг чеки-
чегараси бормикин? Ҳозир ҳамма одамларнинг жонларига
тун оро кирган маҳал, яъни, кундузни ғурбат деб билгув-
чилар мана шу жимликнинг қоп-қора кучоғидан ҳузур-
ҳаловат кўришмоқда. Нега улар кундуздан беғиб қолиш-
ган, шомни пойлашади?.. Мен доимо кундуз бўлишини,
кишилар бир-бирига дуч келиб юришларини хоҳлайман.
Кўчаларда ҳаёт қайнасин. Ҳамма ухлаб қолганда тун кўйни-
да, ер юзидаги барча жонзодлардан кўпроқ шарпалар пай-
до бўлади. Улар истаган маҳали, деразангдан мўралаб қарай-
дилар, эшигингнинг ўн жойидан қулф урсанг-да, товуш
чиқармай ичкарига кириб оладилар, тўшагингни охишта кўта-
риб, темир панжалари билан бўға бошлашади... Овозинг
чикмай тўлгонасан. Сенга ҳеч ким ёрдам беролмайди...
Нафасинг қайтиб, зўриқасан, шарпалар кўзларинг олдида
липиллаб ўтиб туришади... улар жуда кўн.

II

Бу кеча чирокни ўчирмадим...

Тиқиллаётган нима? Эшик очилгандай бўлди... Соат
учдан ўтаяпти. Хонада кимнингдир оёқ товуши эшитилди.
Дарпарда ўз-ўзидан йиғилиб қолмайди. Эшик тагин очил-
ди... Кўзларим уйқухона остонасида. Балким дераздан ту-

шар. Йўқ, деразага бурилиб қарасам, чалғийман... Уйкухона эшигидан қайтсин-да, ишқилиб... у нима бўлса ҳам. Дарвоза вийқиллаб очилапти... Қўрқувдан кўзларим юмилиб кетди... Шу аснода юзимга совуқ, шилимшиқ бир нарса шапиллаб тушди. Жон ухмида қўлимни юзимга босдим, қотиб турган, аъзои баданимни музлатиб юборган шилимшиқ бир лаҳзада қимирлаб, юз-қўлимни орасида пиллаб бошлади. Нақадар даҳшат. Бейхтиёр уни баттар юзларимда эзгилаб ташладим. Қанларимдан бўйнимгача илмиқ қуюқ сув тирқираб сочилди. Жон талвасасида бақриб уйғондим... Тўшагимда эзгиланган, оғзи очилиб ўлиб қолган калтакесак чалқанча ётарди. Томирларим бўртиб кетди, мен бунчалик айтиш ожиз ахволда ўзимни йўқотиб чинқирмагандим. Хона чирпирак бўлиб айланаётганди. Хона ёп-ёруғ эди. Мен чирокни ўчирмай ухлагандим.

III

...Икки кундирки, мижду қоқмадим. Қовоғим оғирлашиб бораяпти. Лаънати уруш нега менинг бошимда бунчалик ўралашиб қолди.

Ўздаш керак, ҳозир тонг ёришади, кундуз, одамлар, иш... чалғиса бўлади. Бироқ анави Қўчқор шунчалик кўшиқиб кетганки, урушда юриб ҳам менчалик азобланмаяпти. У ҳаммасини яхши билади, лекин идрок қилиш учун имкони йўқ. Уруш ҳаётлари бир умрга расво бўлган жангчиларга содир бўлаётган фожиани ҳис қилиш, фахмлаш учун сира ҳам вақт бермайди. Урушда дастлаб инсоний тафаккур деворлари қулаб, ботиний исён алангаси ўчирилади. Одамлар қуролга айланиб қолишади, яъни автомат қўндоқидан тутиб, тепкини босиш учун, ўлиш ва ўлдириш учун жангга сочиб юборилган қурол.

Мен ҳам қурол эдимми?.. албатта... Мен қурол эдим, урушнинг қўлидаги одамлар ясаган қурол эдим, холос. Темир қуроллар дош беролмаган жанглардан омон чиқдим, кўзларим қотиб қолди, юрагимнинг борлигини унутиб қўйдим. Танклар ёнди, замбараклар портлади, самолётлар қулади — урушнинг юраги ачишди, аммо мен йиқилдим, мен йиғладим, мен ўлиб-тирилдим — урушнинг раҳми келмади... Мен шунда ўзимнинг кўзларим, юрагим, қўл-оёқларим борлигига — одам эканлигимга, нафас олаётганимга ишонмай қўйдим.

Анави Қўчқор урушнинг қўлида эрмак бўлганини, тахкирланганини, гуноҳлари оёғидан осмонга етиб қолганини фахмлай олмаяпти. У бир куни, худди мана шундай пайтлари ўз юрагини ўзи еб, тўлғонишидан беҳабар. Ҳаммаси учун кийналиши, ўз ёғида қоврилишидан огоҳ бўлганда эди, ўзини отиб ўлдирарди ё эсидан оғиб қоларди... Ҳеч ким ҳеч қачон урушдан қайтиб келмаган.

Мен чекаяман, нариги хонада ўғлим, хотиним дам олаяпти. Улар мен ўша куни жангдан қайтаётиб бахтли санаган, оёқ узатиб ухлаётган одамлар... Бошпанангиз бахтсиз бўлган бахтли одамлар, нега мен сиздан узилиб қолдим. Уруш менинг ҳаётимда қачон тугайди? Нахотки...

IV

Тонг ёришди. Учинчи қават деразасини ланг очиб охириги сигаретани чекаяман. Заминнинг туюлари -- тераклар кўкка санчилган кўйи, шитирлаб турибди. Олис осмоннинг бурчи қиш-қизил. Қон тиркираб отилган. Худди у ёқларда жанг бўлаётгандай. Осмон яраланган. Салқин шабада олислардан уруш ҳидини — ўлакса сукунатнинг бағрида яширинган кўркувни олиб келади... Орадан жуда кўплаб тонглар отгандай... Мен яна аввалгидек бўлиб ўтган ёки ҳали яна кўп тонглар отиши билан юз бериши мумкин кунларни кўраяман. Мен тушунолмаяпман, мен қачон урушга борганман, ё қачон урушга бораман. Нега вақт ўтган, тонглар отган сайин мен учун уруш бошланаверади? Умуман, мен ўзимни қаердан топишим керак? Уруш тугаганига фалон йил бўлдими, ё бошланишига шунча вақт қолдими?

Ўғлим йиғлаяпти. Уйғонди. Эшик очилди. Хотиним ётоқхонани йиғиштираяпти. У ҳам менинг бу савдойи кайфиятим, аҳволимдан тўйиб кетган кўринади. Тўғриси, мен уларга қандай шароит яратиб бераяман. Ўз дардим гирдобида уларни ҳам бир куни гарқ қилиб юбормасайдим. Уруш энди менинг тонгларимни ҳам юлқиб олаяпти. Кечаларим, кундузларим аллақачон урушники бўлиб кетган.

V

Ишхонада шоир Рустам Мусурмон билан суҳбатлашмаяпмиз. У менинг кеча қоралаганларимни ўқиб у ер-бу ерига хулоса ясади... Мен ёш шоир ва адабиётчига ёзган-

ларим маъқул келганлигини пайқадим. Рустам афрон урушида қатнашганларнинг ҳаммаси унинг фожиасини англаганларида эди, дунёни уларнинг ох-воҳлари тутиб кетарди, деди.

– Дўст Сизга чинданам кийин, — деди у.

– Хамма қатори... бир мен урушга борганманми?

Сизга шунинг учун ҳам кийинки, фожиаки, сиз ёза биласиз... Уруш хақида ёзишга маҳкумсиз. Энди Сизни бошқа бирор мавзу чалғитолмайди. Ёзиб овунасиэ. Бу ўша урушга кирган пайтдагидан ўн баробар оғирроқдир. Эслаш даҳшат нарсаларнинг яралари юракдан сира ҳам кетмайди.

Мен дўстимнинг гапларида сунъий тантанаворлик кўрмадим. У менинг юрагимдаги оғриқли ҳақиқатни гапираётти.

– Рустам...

– Эшигаман, дўст...

– Ёзиш азоб... ёзмаслик ундан ҳам азоб.

Рустам жим қолди. Қўлёмани давомини кўздан кечира бошлади. Ора-сира жиринглаган кўнғироқларга ҳам эътибор бермайди... Бир маҳал, орадан ҳеч вақт ўтмай у кириб келди. Худди эргалабқидай қуролини елкасига осиб олган, бошида шлемофон... уст-боши кир-чир. Эзвин аҳволда босиб-босиб тутатаяпти. Кўзлари мунгли. У ҳозир Файзободга урушга кетаяпти. Бугун число... 1987 йил. Ҳа, худди шу пайт у Файзобод йўлида қуршовда қолади. Унга қараб туриб йиғлагим келаяпти. Э менинг жигарим, ёш бошинг билан хали шундай мусибатларни кўрасан. Эҳ менинг қалрдоним... Сен тои-тоза эдинг. Ке, бағримга босай жигар... Мен Сени тез-тез соғиниб қолаяпман... жигар, чида энди, сенга раҳмим келгани учун бир оз йиғлаяпман, сен... яхши боласан Қўчқор... Уруш бизни шу кўйга солиб ташлади... Ҳаммасига минг лаънат, Қўчқор. Ҳа, урушнинг...

У кўзларидан ғам тошиб менга термулиб турибди. Бориб бағримга тортай десам, ич-ичимдан тўкилаяпман. Мадорим йўқ. Мен уни шунчалик соғинаяпманки, ботинимдан олов хуруж қилиб, юрагим гурсиллаб кетаяпти. Мен ҳозир ҳеч жойга сизмай қолаяпман.

– Жигар, ўзингга эҳтиёт бўл. Мени десанг ўзингни асра...

— Ҳечқиси йўқ. Пешанада борини кўрамиз. Қўчқор, биз кеч соат учда Файзободда бўламиз. Ҳозир йўлдамиз. Баъзида отиб туришибди. Мен нима кўрган бўлсам, кундаликка ёзиб кетаялман.

Ҳаммасини қайтадан бошланиши, бир куни яна бари такрорланиши, сарғайиб қолган тамакиранг қоғоздаги хотираларни китоб қилиб ёзишинг учун керак бўлади... Ўзингни ўзинг азоблашинг учун заруратдир бу.

— Мен кетаялман... Сени соғингандим. Майли, омон-эсон юр.

-- Майли жигар... Кўп чекмагин... Урушдан кейин ҳам «яшашинг» керак...

...

У хона ичида пайдо бўлган оқ туман ичида кўринмай қолди. Гўё ҳозир оппоқ нурга айланди-ю хонадаги ҳамма нарса — шкаф, стол-стул, эшик, девор, китоб жовони ва қоғозларга сингиб кетгандай... Унинг кўзлари, фамгин юзи қароқларимда ўрнашиб қолди...

— Дуруст, дўст... Файзободдаги жанг лавҳасини дахнатли тасвирлабсиз. Уруш азоби вақт ўтган сайин инсон руҳиятида кучайиб боради... бу — ҳақиқатни барча уруш ҳақида ёзадиган ёзувчилар исботлаган, — деди Рустам сокин қиёфада.

— Сиз ўқиган бўлимни мен жанг пайти ёзганман. Нимани кўрган, қандай ҳолатда турган бўлсам, шундай қилиб қоғозга туширганман.

Рустам жим, қоғозга тикилиб сигарет тортаяпти. Рустам барибир қаршисида мен йўқлигимдан бехабар. Рустам, Сенинг ҳузурингда мана шу хотира дафтар қолган ҳолос. Қаршингдаги Мен, ўриндикда ўтириб сигарет тутатаётганим ёлгон. Мен урушдаман, дўст. Сенинг адабиётдаги ҳеч қанака изоҳингнинг зарурати бўлмайди, менинг урушдан қайтиб келмаётганимга... Мен ўзимнинг ичимдаман, дўст. Қўй, яхшиси менинг ёзганларим, тасвирларим ҳақида гапирма!..

Рустам ўрнидан оғир қўзғалди. Мен — айти дам Файзободда, атрофи тоғлар билан ўралган қишлоққа кираверишдаги кўчаларнинг бирида, қўрқувдан титраб ўлимимни кутаялман. Ҳар тарафдан чийиллаб снарядлар учаяпти. Йўл такалган олдадаги тепаликка қочиб чиқаётган тинч аҳолини қатта сержант Ехумик пулемёт билан битталаб ер тишлата-

япти. Сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетган. Боғлар ёнаяпти, уйлар қулаяпти, тинч халқ қирилаяпти. Самолётлар бомба ташлашдан эринмайди. Шундай ваҳимали қарсиллашу портлашлардан тентаксираб қоласан. Назаримда рўпарамдаги юксак тоғлар уруш яна озгина давом этса ўрнидан бомбалар тафтидан кизиб кетган. Порох хиди димокни ёради... Мен бошимни кўтаролмайман.

Кўзим олдида онам пайдо бўлди... Бошида гарди рўмол. Онам менга мададга келди. Онам мени асрайди... Онажон, мени кечиринг. Сизни кўп кийнадим... Кунларингиз захарзакқум бўлиб кечаётганига мен айбдорман. Онажон ёрдам беринг, кутқазинг. Ўлиб кетмайин, ўзингиз қувват бўлинг, асранг мени, жон Она...

...Мени ҳамиша, ҳар бир жангда мунис, жигарпора Онам асраган. Агар менга Онам олислардан кўл кўрсатмаганда, тепамга келиб турмаганда, менга отилган ҳар бир ўққа кўксини тутмаганда, ёлворишларим, чорлашларимни эшитмаганда ўлиб кетардим. Бироқ волидаи улугимнинг урушларга чорлаган, оворан сарсон қилган мен мана шу мисраларни ёзаётган кун кадрдон қилган халоскоримнинг, онамнинг неча ёшга кирганларини билолмайман. Мен 19—20 да уруш кўргандим. Ўшанда онам 37 ёшда эди. Бугун менинг ёшим номаълум, онам эса неча бор 37 дан ўтди, фақат ўзи билади. Фарзандлардан олдин оналар кексаядилар...

Она сочларингизга қиров тушибди. Менинг ҳам бошимга оқ оралади. Она, мен ҳамма одамлардан кўра кўпроқ яшадим. Она, бироқ Сиз мендан кўра юз баробар кўп нарсани кўрдингиз, Она — Сиз эрта кексайдингиз. Она, Сизни урушларга эргаштириб кетган, доим ўзи билан бирга олиб юрган ўғлингизни кечиринг...

VI

Бу кеча ҳам хона чироқларини ўчирмадим... Уйқум келмаяпти. Умуман мен ҳеч қачон ухламаганман. Бу кеча ўзим жангдан келаман... Эртага ҳам, индинга ҳам, ҳар кун менинг ҳаётим бир зайлда ўтади. Мен ўзимни Сизнинг орангизда юрганимга, ҳаммангиз қатори ҳаётингиздаги ташвишлар билан ўралашиб, умр кечираётганимга-да ишонмайман. Мен йўқман, фақат битта Кўчқор бор. Урушларда қолиб кетган Кўчқор. У ҳар куни ҳузуримга келади.

1988 йил.

ХУН

Менинг уйимга ҳар кеча танк кириб келади...

...Сенинг уйингга ҳар доим мен кириб бораман.

Мен ёзишга човланганимда соат тунги бирдан йигирма дақиқа ўтганди. Одатдагидай у ташқаридан қайтиб келди. Ҳаво анча совуқ эди. Куз ёмғири эзиб ёғади. Айрим уйғок хонадонлар даричасидан таралган хира ёғду, ҳаводан чиррик хазон ҳидининг анқиши унинг юрагини баттар ғаш қилди. У шаҳарнинг марказий кўчаси бўйлаб кетган йўлакда узок тентигач, ёзиш керак деган ўйга борди. Ёмғирини ўши ёқасини кўтариб, чўнтагидан паширос чиқазиб чарсиллатиб гугурт ёқди... Шаҳдам қадамлар билан «артистлар ётоқхонаси» (ўзи яшаётган жойни шундай дейди)га қайтди. Ётоқ гуноҳу савобини бўйнига олиб донг қотиб ухларди. Саккизинчи қават йўлагидан тасир-тусур қилиб хонага кирди. Соат тунги бирдан йигирма дақиқа ўтганди. У ёзишга човланди... Майли, у ёзаверсин. Унинг кўзида тонг отади энди... Биз эса, азизим, бугунги бўлиб ўтган воқеага қайтамиз.

...Соат ўн бирда келдинг...

Сен сўзсиз қараб турдинг...

Мен сўзсиз қотиб турдим...

Сен журналинглар яхши чиқаяпти деддинг.

Мен балким дедим.

— Ишлар қалай?

— Кетаяпти.

— Нималар қилаяпсиз?

— Ҳеч нарса.

— Мана, олиб келдим, қиссангизни — елим халгачангдан қўлёмаларни олиб узатдинг.

Мен ҳеч нарса демадим. Сен давом этдинг.

— Умуман, яхши. Яхши ёзилган.

— ...

— Сизга чинданам қийин, — деддинг ерга қараб.

— ...Уйдагилар яхшими?

— Ёмонмас... Мен Сизга бир нарса айтмоқчийдим, агар кўнглингизга олмасангиз.., — бир оз жим турдинг, кейин, — энди бошқа мавзуда ҳам ёзишга уриниб кўринг. Ишонаман, Сиз бошқа нарсалар хақида ҳам чиройли ёзасиз. Масалан, мухаббат, болалик... шунга ўхшаш тушунчалар ҳам бор-ку ҳаётда. Ҳа, шунақа гаплар...

— Мен гўзал ҳаёт тўғрисида ёзиб кўрмаганман-да. Келинг адабиётдан четлашайлик.

— Э, йўқ. Мен фикримни тугатай. Фақат зулмат, йўқ зулмат эмас, нима десамийкин, ҳа, халиги, фожиа, ўлим, даҳшат, уруш, кўрқинчли воқеалар хақида ҳикоя қилавериш, дунёни фақат совуқ қилиб тасвирлаш билан ҳеч нарса ютиб бўлмайди.

-- Кимдир ютқазса нимаси ёмон.

-- Мана кўрдингизми, Сизнинг миянгизда пессимистик қараш ўрнашиб қолган. Бу ҳамма ёзганларингизда сезилиб туради.

· Мен оптимистман.

— Тўғридир, лекин совуқ манзаралар, ўлим, кишининг этини музлатадиган кўполдан-кўпол диологлар, хуллас мушибатнинг сувратини беришга интилиш, кечирасиз, ўқувчининг асабига тегиши мумкин.

— Бўлги, бундан кейин ёзмайман.

-- Ёзинг. Фақат уруш хақидамас.

-- Одам ўзини алдай оладими?

— Йўқ.

-- Демак, бошқаларни ҳам вирт... кечирасиз ноқулай-ку!

— Адабиёт — бу санъат!

— Шу билан бирга ҳаёт. Мен ўзим хақимда ёзаётиб бошқалар хақида ёзган бўлишим керак. Хеменгуэйни ўқигансиз-ку.

— Хеменгуэй унчалик ёкмайди. Қапақадир совуқ-рок...

Мен Сизга бошқа ҳеч нарса демадим... Сиз узок гапирдинг. Гапларингни тушунмадим. Мен ўзимни зулматда чоҳга қулаган йўловчидай ҳис қилдим. Қизиқ, нега шу пайтгача Сенинг ёзувчилигинг, руҳиятинг мени қизиқтирмади? Умуман, Сени нега кутдим, ўзи? Мен бугун мутлақ иккита кутб эканлигимизни тушундим — биз бошқа одамлармиз.

Очирги, менга раҳмингиз келиши, оналар каби бошимни силаб эркалатишга мойиллигинг борлиги боис шундай муносабатда бўлишингни пайкагач, ўзимни шу қадар ожиз сездимки, ҳатто ички бир вазелик уйғонди. Нима, мен ёш боламанми?.. Яхши ёки ёмон ёзишим сени қизиқтиришини истамасдим. Мен энага эмас, туну кун руҳиягимни банд этган, танк ва самолёт, портлашларни четга суриб хаёлимга бостириб кирган бир санамни сабрсизлик билан кутаётгандим. Икки йилдан бери мен Сенга қаттиқ боғланиб қолгандим.

— Тушушинг фақат мен Сизга ёрдам беролмайман. Ҳаётни бунчалик фожиага айланторманг. Ишонинг Сиз иродалисиз. Агар бунга ишонмаганимдайди ўзимни қийнаб ўтирмасдим.

— Цегга ўзингизни қийнаясиз?..

Сиз қарахтсиз. Одамлар ичига қайтинг. Бу кетишда қўп нарсани йўқотасиз.

— Тушунмадим.

Мени кечиринг... дилингизни оғритдим. Бугун барибир айтишим керак эди. Мен яхши кўраман Сизни... Одамларнинг шафқатига зормасиз Сиз... — овозинг қалтираб чиқди. — Одамлар Сизни тасвирлаётган, ўзингиз иштирок этган даҳшатлардан ижирғанишади. Эй худоим, бунчалик жирканч ўйинлари бор-а, ҳаётнинг. Мен ҳарҳолда адабиётни тушунаман... Лекин, лекин, одам ўлдирганингиз, ваҳшийликлар ҳақида ҳикоя қилишинг нима кераги бор... Одам ўз қотиллигини ёзиши мумкинми?

Ҳа.

— Бош чайқаб, орқага тисарилдинг. Юзингда афсус-надомат белгиси зоҳир эди.

— Энди шу кетишда ёзавериб, ҳаётни давом эттираман деб ўйлайсизми?

— Ҳа, нима, ҳаёт тўхтаб қоладими?..

Оғир уф тортиб, бўшашдинг. Назаримда мунғайиб қолгандай эдинг.

— Кўрасиз, ёзганларингиз шухрат топмайди...

Мен нечоғлик ўзимни босишга уринмай, гапларингни назарга илмасликка ҳаракат қилмай, бу бемаъни суҳбатга чек қўйиш керак эди.

...Сен кетдинг. Ташқарида ёмғир ёғарди... Ҳазон тўшалган йўлакдан тез-тез қадам ташлаб кетишингни саккизинчи

кават деразасидан кузатиб турардим... Мен ўзимни тугалмай йиғлардим. Мен тавин бир ўрганиб қолган одамимни йўқотганим учун хўрлигим келиб йиғлаяпман.

...Ташқарида ёмғир шитирлайди. У устма-уст папиростортиб столга мук тушган кўйи ёзиб ўтирибди. Гоҳ сўниқ кўзларини деворга қадаб жим қолади, гоҳ қўнишиб олиб ёзишга тушади. Хона ичкарисини тамаки тутуни қоплаган. Бундай эзинди киёфада ўтириб ишлаш ўзига марокли туюлаяпти чамаси, бармоқлари орасидаги «Прима»ни лабига тез-тез олиб боради, чўзиб тутун чиқаради. Кулдон вази-фасини ўтовчи пиёла тамаки қолдиқларига тўлган. Хонада ҳамма нарса тартибсиз, коса-товок, кийим-кечаклар аралаш-қуралаш бўлиб сочилиб ётибди. Фақатгина девордаги уч кават қилиб осилган узун осма жавонда китоблар дид билан терилган.

Унинг кўзларида ёш филтиллади. Сўл қўлини чеккасига тираб телбацамо бўлиб ўтирибди. Девордан ёшли кўзларини ололмай, қўли билан стол устидаги сигаретни пайнаслаб топди-да, лабига қистирди. Хазин нигоҳини тагин қоғозга тикди.

...Ойдин тун қўйнида қорайиб кўринган тепалиқда икки шарпа липиллаб ўтди. Кейин яна иккитаси... Бир оздан сўнг тагин икки шарпа енгил ҳаракат билан ҳандакка тушди. Ихраган овоз эшитилди. Қоровуллар хандакда уйқуга кетганини сезган душман уларни ўқ овозисиз, абжирлик билан қўлга олди. Оёқ-қўли танғилган иккала аскарни хандакдан судраб чиқинди-да, тепаликнинг орқа тарафига олиб ўттиди. Тепаликнинг хандак жойлашган томонида - сайхонликда биринчи ўқчи взводи орқага қайтишга тайёрланаётган эди. Яшил мушак кўкка отилиши билан қоровуллар тушиб боришлари керак эди... Энди қоровуллар тушолмайдилар...

Душман Жалол билан Виталийни сўкмок бўйлаб қишлоқнинг бошланишидаги харобалардан бирига олиб кирди. Қўл-оёғини счишди, Жалолнинг темир нимчасига осилган каскани олиб, шу яқин ўртадан сув келтирди. Галма-гал иккаласининг бошидан қуйди. Қўрқувдан нафасларини ичига ютиб тахта бўлиб қолган иккала аскар хансирар, беихтиёр инғиллаб қўйишарди. Улар тепасида турган узун қўйлак-иштон кийиб олган олтита духни кўргач талвасага тушиб қолишди. Виталий деворни пайнаслаб эмаклаб қоча бошла-

да. Ҳарқасендан тушган оғир зарбдан бели кийшайиб кетди. Оғрикнинг зўридан инграб йиқилди. Жалол чўккалаб олиб қимир этмай ўтирарди. Эси кирарли-чиқарли, дармони қуриб борарди.

Кўкда тўлини ой туриб қолгандай. Атроф сутдай ёруғ. Душман алланималар деб рудуллашди... Икковини ҳам деворга тираб қўл-оёғини яна танғиб боғладилар. Жалол жон ухмида ерга таппа ташладида йиғлаб бақира бошлади:

-- Ўлдирманглар! Ўлдирманглар! Мен мусулмон! Мен мусулмон, у душман оёғи остида тўлғонар, қалтираб зор қакшарди... -- алхамдуллоҳ мусулмон, аз.

Рўнарада автомат ушлаб турган душман унинг оёғига тешиб юборди. Чалқанча ўгирилган Жалол изиллаб йиғларди.

Онажон! Онажон... Ўлдирмасинлар. Ўлдирманглар!!!

Анчагача туңгу қар қотиб турган Виталий чўккалаб олиб ялиниб ёлворди.

-- Я не шурави, я дўст... Я бахшиш. Не убивайте... Не убивайте меня. Я никого не стрелял.

Икки душман уни елкасидан маҳкам тутди. Учтинчиси автомати милига ўрнатилган шомполни суғуриб унга яқинлашди. Оёқ-қўли танғиб боғланган Виталий ҳарчанд уринмасин душманнынг чайир ва оёғин қўлларидан юлқиниб чиқолмади. Ҳалиги, шомполни қўлига олган дух унга яқинлашиб келди-да, шомполни унинг қулоғига тикиб, автомат қўндоғи билан иккинчи учидан зарб билан урди. Виталий бир силтаниб ерга кундадай ағанади. Оёғидан қуюқ ва қора қон сизди. Сўнгра, мурданинг шимини ечдилар-да олотини кесиб олиб, ёнига қўйдилар. Бу ёвуз ижро хансираб, ўқчиётган Жалолнинг кўз ўнгида бажарилди.

Виталийни тинчитган учала духдан бири кичик жуссани «ялангбош» хароба бурчига тепалик тарафга кузатиш учун чакқонлик билан чошиб борди. Қулаган девор панасида атрофга алаңлаб, бирор ҳалик йўқлигига ишонди чоғи, шерикларига ўтрилди. Мурда тепасида чўккайиб олиб ер титаётган икки душман бир зумда унга қараб қолишди. Қузатувчи ҳеч ким йўқ ишорасини килиб қўлини ҳаволатди. Шериклар бараварига уни қўли билан имладилар. Ялангбош девор олдида энгашди. Нимадир тақирлади. У аллақандай қолни кўтариб шериклари олдига зиниллаб келди. Шериклар қолни сабрсизлик билан очдилар-да, учта тўнка-

рилган товоқсимон нарсани олдилар. Хатто «тўнқарилган товоқ»нинг ўртасидан чиқиб турган тикин ҳам ой ёруғида алайна кўриниб турарди... Ялангбош чўнқайиб олиб учала «товоқ»нинг ҳам «тикин»ни бураб, нималардир килди. Шериклар мурда атрофига учала «товоқ»ни ҳам кўмиб қўйдилар.

Жалол холсизланиб йиқилди... Жалолнинг тепасида турган душманлардан бири уни ёнбош қилиб ётқизди-да, бикинидан пичоғини сугирди. Пичоқ тиғи яркираб кўринди. Қўрқувдан мутлақ хаёлотга бўлиб қолган йигитнинг кўзлари олайиб кетди.

Виталийни саранжом қилганлар девор панасидан тепаликни кузатиб туришди. Улардан бири бу ёқдагилар -- хароба ўртасидагиларга «пишинг»¹ деб қўйди.

Пичоқ ялтиларди. Оёқ-кўли чандиб боғланган Жалол харсиллаб тўлғонди. У ётган жойида бошини ўнгу сўлга ташлаб бакира бошлади. Тепасида энгашаётган духнинг совук тиржайиши жонини сувуриб олгандай бўлди. Дух бандининг манглайдан қаттиқ босиб орқага итарди. Шериклари эса оғир, лорсиллаб-лорсиллаб, талвасага тушаётган йигитнинг танасини маҳкамрок ушладилар.

— Аллоҳу акбар! - душман пичокни жуда қисқа лаҳзада хаволатиб омин ўкиди-да, Жалолнинг бўғзига тортиди. Пихиллаган овоз эшитилди. Духнинг биллагига иссик қон сачради. Йигитнинг калласи сўлга оёди. Унинг тили чиқиб қолганди. Душман қорачини орқага тортиб кетган каллага бир оз қараб турди-да, чиқиб қолган тилни кесиб олди.

...Улар сўкмоқ бўйлаб қишлоқ томонга югуриб кетишаётган маҳал, кўкка яшил мушак отилди. Тепалик жим эди. Кўп ўтмади, сайхонликдан яна яшил мушак учди. Техникалар кетишга шай ҳолда саф торган. Взвод икки аскарнинг тепаликдан қайтишини қутаяпти. Қисм командири алоқа орқали йўлга тушишга рухсат берди -- взвод белгиланган жойда разведкачилар билан учрашади, сўнг қишлоқнинг жануб томонидан айланиб қисмга қўпилади.

Тепалик сеҳрлангандай... жим эди. Пастдагилар «уйкуга чўмган» қоровулларни энасини ахтариб, кетма-кет огоҳлантирувчи ўқ уздилар.

¹ Пишинг -- тезрок, тез бўл маъноснда.

— Бу кандай отишма бўлди, тагин? — сўради кишлок четида разведкачилар билан бирга химояда турган комбат алоқа орқали.

— Ҳаммаси жойида. Ҳозир йўлга тушиш олдидан нуктадаги қаламларни¹ чиқараяпмиз, — жавоб қилди взвод.

— Қаламларни таёк² билан чакириш керакми? Балки улар ухлашаётгандир, — зардаси тошди баталион командирининг.

— Асло! Ҳозир тушишади, кейин... — комбат алокани узиб қўйди, бошқа эшитмади, — хо, онангни.., — сўкинди қулоғидан алоқа қурилмасини олаётиб взвод командири Ермилен.

Тепаликка юборилган олти аскар қоровулларни топилмади... Ермилен довдираб қолди... Взводга ваҳм оради. Машиналар устига чиқиб мудраётган аскарлар тагин хандақларга беркинишди... химояда туришди. Ермилен «иккита қалам»нинг изсиз йўқолганини комбатга маълум қилди. Комбатнинг фигони фалакни тутди.

Топасан! Беш минут — вақт ичида топасан! Йўқса...й тебе награда, — деди у чийиллаб.

Ермиленни хаяжон босди. Нима қилиш керак. Агар бирор нарса ундириш илинжида кишлокқа киришган бўлса, мушак отилди, кўришгандир... тез қайтишади. Кишлокда душман зоти йўқ, ҳаммаси қари-қартанг, аёллар ва болалар... Бемалол юришгандир. Ермилен ўз ўйларини ҳақиқатга айланишини истарди.

— Мушак отинглар, — буюрди у.

Ҳавони кетма-кет шифиллаган овоз тутиб, кўкда яшил мушаклар порлади. Энди кишлок четида, комбат жойлашган тарафда ҳам мушаклар отилаверди. Орадан ўн дақиқа ўтди ҳамки, аскарлардан дарак бўлмади... Ермилен ҳеч бир ўзгариш йўқлигини айтди Комбатга. Майор унга захрини сочди, шундай сўқдики, лейтенантнинг бадани жунжикиб кетди. Қисм командири алоқада Комбатни онасини фалон қилди. Охир-оқибат армия кўмондони дивизия командирига кишлоқни ўққа тутишни, қандай қилиб бўлмасин йўқолганларни ўлик ё тиригини топиб ҳисобот беришини буюрди.

¹ Нуктадаги қаламлар - тепаликдаги аскарлар.

² Таёк - қурол, қуролдан ўк отиб.

Артиллерия ишга киришди. Қишлоқ аҳли кутилмаган бало-қазонинг ичида қолди. Гумбурлаган портлашлар, снарядларнинг олов пуркаб ёрилиши ҳамда сўлокмондай темир парчаларининг ҳар томонга визиллаб учиши қиёматқойимнинг ўзгинаси эди. Пастқам кулбаларнинг том ва деворлари кулаб тушар, атрофни кий-чув, дод-фарёд тутганди. Одамлар даҳшат ёмғири ичида қолишганди гўё. Пана-пастқамга беркиниб олишнинг сираям чораси йўқ. Қишлоқни артиллерия элақдан ўтказаятганди. Бироздан сўнг ҳар тарафдан мўлжалга олиб ўт очаётган тўнлар ҳамда ураганларнинг уни ўчди. Одатдагидай қисмнинг разведкачи ва пиёдалар қишлоққа оралади, беркинди...

...Взвод қишлоқ чеккасидан айланиб изга қайтараётганда Ермилен аскарларга харобани текшириб кўришни буюрди. Ичкаридан халлослаб югуриб чиққан аскарнинг жони бўғзига тикилиб қолганди.

– Шу ерда! Икковиниям ўлиги ётибди, ўртоқ лейтенант, – аскар хансирар эди, – ўлдиришибди.

Взвод ичкарига кирди. Аянчли аҳволда ётган мурдаларнинг ёнига ҳеч ким юрак ютиб яқинлашолмасди. Вазиятни сезган Ермилен «томошабин»ларга ўшқирди.

– Нима учун қараб турибсанлар. Олиб чиқинглар.

Жалолни уч ўзбек аскарини олиб Виталийнинг тепасига келди. Улар мурдани кўтаришгани ҳамонро атроф бирдан ёришиб ваҳимали портлаш эшитилди. Миналаштирилган жасад ҳамда уч жангчи одам бўйи баробар кўтарилиб тушди. Ичак-чавоғи чиқиб қолган Ермилен шу захоти жон таслим қилди. Аскарларнинг бирини икки оёғи узилиб тушган, қип-қизил қонга бўялган юзига қараб бўлмасди. У ахён-ахёнда оғзини очар, жон беролмай қийналарди. Қон унинг атрофида халқоб бўлиб қолганди. Учинчи жангчининг икки оёғи ажралиб кетган, шими почасидан шовуллаб қон сизарди. У тамом бўлган эди.

Тонг пайти... Жасадларни машинага жойлашди... Батальон тагин қишлоқни оралаб юриш қилди...

...У... бошини қўллари орасига олиб турди-да, кўзларини чирт юмди. Ваҳмли сукунат. Юрагинг тарс ёрилай дейди... Эзгинди алфозда ўрнидан кўзғолди. Ётоқ деразасида ёмғир сизарди. Ташқари зим-зиё тун. Чўнтагидан папирос олиб чекди. Хона ўртасида тик турар, бошининг зир

қақшиб оғриётганига чидай олмасди. У... хонанинг сувоқлари кўчаётган деворига ёжиниб каради. Шаҳд билан стол ёнига келиб ҳалиги қўлёмани майда-майда килиб йиртиб ташлади. Боши ғувуллаб, юзи чўғдай қизиб юрарди. Ухланга қанчалик уринмасин, барибир хаёлида турли хил манзаралар намоён бўлар, у турли-туман воқеаларнинг айқаш-уйқаш тасвирини ажратиб ололмасди.

Эшик тақиллагандай бўлди. У ўрнидан туришга қанча уринмасин зил-замбил бошини кўтаролмади. Нимадир гурилларди. Кўзларини очиб қаради. Кенг майдон... Унга танк яқинлашиб келарли. У ўрнидан туриб қочмоқчи бўлди. Бироқ танк унча жудаям яқинлашиб қолди. У аниқ кўрди — танк устида оппоқ афғон аёли либосида Сен ўтирибсан. Қўлингда бир тутам қоғоз — hozиргина йиртиб ташланган ҳикоянинг қўлёмаси. У қимирлай олмасди. Танк ёлдирагига кийдирилган тимсоҳ терисига монанд занжирнинг дахшатли айланиши уни эзғилаб ташлашини хис килиб қўлларини кўтариб бақира бошлади.

...Танк унинг дастлаб оёғидан босди... кейин... У жони борича бақириб ўрнидан туриб кетди. Эшик устма-уст тақиллади... У эшикни очиши ҳамона тахта бўлиб қолди. Остонада, Ермилен, Жалол, Виталий ҳамда мианага учган икки йигит туришибди — аскарларнинг ички оқ кийимида... Қўл-оёғи увишиб кетди. Эшикка суяниб йиғлайберди. Уларнинг қарашлари сокин ва беозор, юзларидан нур ёғиларди гўё. Улар бир зумда ғойиб бўлишди. Тағин гур-гурлаган овоз эшитилди. Ётоқ йўлагига қиш-қизил — қонга ботириб олинган кичкина танкчалар саф тортиб келишарди. Танкчалар — ўйинчокқа ўхшамасди, ичида одамиям бор. У эшикни ёпиб, стол панасига бекиниб олди. Танкчалар эшикни ўчириб киришди... Ҳаммаси хона ўртасида тизилишди. Уларнинг миллари столга тўғриланган эди... У кўзларини чирт юмиб бақира бошлади... Ҳозир танкчалар ўт очишини, тилка-пораси чиқиб кетишини ўйлаб, баданини жикқа тер босди. У қанча пайт бақирганини билмайди, кўзини очиб қараса, хонада қонга беланган чақалоқлар эмгаклаб юришарди...

Кейин у ўзига келолмади... Анчагача нимани англай олмай ётди...

...Кўрка-писа кўзларини очганда эса дераза ойнасида бир парча осмон кўриниб турарди. Худога шукр, тонг

отибди. Ёмғир ҳам тинибди. У ўрнидан тураётиб лабига учуқ тошиб кетганини сизди. Илкис столга қаради: Кеча ёқиб юборган қўлёзма тахланиб турарди. У стол ёнига югуриб келди.

Қўлёманинг ўчирилган, чизилган, тузатилган жойлари ҳам аввалгидай. У хикояни қўлига олди – унинг тагида кечаги – ёниб тамом бўлган қўлёманинг кули ётарди. Кулга теккан бармоқлари коп-кора доғ бўлди. У жигарранг шлангини эгнига илиб, хикояни қўйнига солди.

Унга ҳаво етишмаётгандай эди. У кеча танкчалар ўрмалаган йўлак бўйлаб оёни остига қарамай тез-тез юриб лифт тугмасини босди.

Ҳаво намхуш ва тоза эди. Тонги кўчаларни тўлдириб кетаётган бахтли одамлар орасида мен телбанамо бўлиб, кечаги рўй берган воқеалар исканжасидан қутиллолмаё бо-рардим. Дастлаб Сен ишхонамга келдинг... кейин... кет-динг... Мен уйга кайтдим... Тунги соат биру йигирмада ёзинга тушдим... Кейин... кейин... Миямда оғрик турди. Ҳазонларга қориниқ йўлакларда тунги ёмғирдан сўнг қўлмакчалар пайдо бўлган эди. Мен то сенинг уйингга етгунга қадар ҳеч нарса эслаё olmadим. Фақат хикояни ёққанимни биламан. Унда манови қўйнимдаги нима? Мен қўлёмани яна бир марта қўйнимга қўл солиб ушлаб кўрдим.

Қўнғирок тугмасини узок босдим...

- Ким у?

- Мен...

.. Сиз?! - қия очилган остонада ҳайрон қараб турар-динг, -- кининг, ичкарига. Тинчликми?

– Мен кеча хикоя ёздим, – Сенга қўлёмани узат-дим, -- олинг жуда чарчадим... Шунини бериб кетай дедим.

Ажабсиниб қарадинг.

– Шунинг учун... Уф, бу кетишда... ахир... – юзинг-да ачиниш ҳисси зоҳир бўлди.

Мен ҳеч нима демай орқамга бурилдим. Зинапоядан настга тушгунимча ортимдан қараб турганингни ҳис қил-дим. Катта йўлга туташ йўлак четидаги ўриндикқа бориб ўтирдим. Негадир ҳолсизлигимданми ё бошқа бир сабаб бўлибми, бир қадам ҳам юргим келмасди -- оёғим тортма-ётгани ҳеч қасрга...

Бошқа чора йўқ, дедим, нега, нима учун шу ўйга келганимни билмайман. Ниманинг чораси, қандай чора...

Мен ўрнимдан турдим... зинапоядан, худди ўз уйимга бо-
раётгандай кўтарилдим. Кўнғиронинг тугмасини босдим.
Худди шуни кутиб ўтирган каби эшикни дарров очдинг.

- Келинг...

- Келдим... Энди Сизникида қоламан...

Сен тош қотиб турардинг... тилинг калимага келмай
колди. Мен бош эгдим...

- Сизга нима бўлди, дединг... ниҳоят.

- Кўрқаяман!

Бироз довдирадинг... сўнг рангинг окарди ва ниҳоят
йиғлаб юбординг.

1989 йил

ҚУЁШНИ КИМ УЙФОТАДИ?

Ёзувчи кундаликларидан

Эхтимол, ёзувчи учун бошидан ўтган воқеаларни гапириб бериш осондир. Лекин, бошқаларнинг тасаввурида ўзи кўрган ходисаларни худди ўшандай, айнан ҳаётий тасвирлай билиш жудаям машаққатли иш.

Мен кўпинча оқ қоғоз билан ёлғиз қолганимда юрагимда чўкиб ётган хотира юкини ҳаёлим дарёсига олиб чиқмоқчи бўламан. Кейин бирдан: «Нима кераги бор? Шуларни ёзиш шартмикин?», — деган ўй ишдан совитади — қоғозга бетлай олмай юраман. Баъзида: «Хўш, унда мен нимани ёзишим керак? Мен ўзим ҳақимда ёзишга юрагим дош беролмай, бардошим етмай тургач, нимани қойиллатиб ёзишим мумкин?» деб ўзимни азоблайман. Тунлар мижжа қокмайман.

Изтиробга тўлиқ аччиқ ҳақиқатнинг кўзига тик қараганингдагина сен ўзингнинг кимлигингни билиб оласан.

Инсониятга инсоннинг кимлиги ҳақида рўй-рост ҳикоя қилолмаган асарларнинг ҳаммаси ёлғон.

Кўкрагидан ўқ еб ерга қулаган қуш билан бирга унинг парвози ҳам ҳалок бўлади. Қушнинг қушлигига нисбат берувчи улуғ тушунча унинг парвози эмасмиди? Адабиётнинг ҳам адабиёт эканлигини эслатувчи куч унинг гулллаб уриб турган юраги ҳақиқатдир...

Муаллиф

* * *

Сиз мени тушунишга уриниб кўрганингиздан хурсанд бўламан. Тушуна олмаганингиздан эса хафа эмасман. Баъзида ўзимга офирлик қилаётган ҳаёт йўлим — хотиралар гирдобидан омон чиқишнинг ягона йўли бепарволик деб ўйлайманда, одамлар дарёсининг ҳаёт оқимида ҳамма қатори яшашга чоғлана бошлайман.

Мунтазам спорт билан шуғулланаман. Яхши дам оламан. Дала ховли. Шанба-якшанба — сайри саёҳат. Табиатнинг энг гўзал чизгилари — ёмғирлар, қорлар, шамоллар, булут ва хоказолар хақидаги шеърлар...

Ҳаётда ўз холингча ҳам яшаб бўлмас экан. Баъзида сен учун ўта майда туюлган икир-чикирлардан одамлар улкан муаммо ясайдилар, дард, оғриқ пайдо қиладилар... Сенга ўзларининг боғлиқликларини кўрсатиб қўймоқчи бўлишиб, сени ҳам кўринмас, алланечук ришта билан ўз давралари сари торта бошлайдилар. Ҳа, майли, бу ҳақда тўхталиб ўтиришнинг нафи йўқ. Фақат, гоҳида бундай кимсаларга карата: «Нега бунчалар майда ва насткаш бўлиб туғилгансиз? Нега қум заррасини тоғ деб ўйлайсиз? Нега бошқа бировнинг юрагида дард борлигини хис қилмайсиз?.. Ахир одамзот одам бўлиб яшаши учун нахотки бирор бир фожияни кўриши, бирор бир мусибатни бошдан кечириши керак?..» — дегим келади.

Ёшим ўттиз бешга етди. Дўстларимнинг айримлари ақлдан оғаяпти. Касалхонада асаб, бош зўриқиш касалига чалиниб даволанишяпти. Мен уларнинг абгор бўлиб бораётган ҳаётини кўриб чидай олмайман. Кечаси ухлолмайдилар. Бақириб-чақиривади. Алахсирашади. Босинқираб уйғониб кетадилар. Улар хотира жароҳати хасталигига йўлиқишган.

Ўттиз беш ёшга кириб ҳаёти вайрон бўлган дўстларим. Йўқ, аслида, анча йиллар илгари ўн саккиз ёшда уруш билан илк бор юзма-юз келиб, юракда қўрқув ўрмалаб, ботинда нимадир чирт узилиб кетган палладаёқ ҳаётимиз издан чиқиб кетган эди.

Орадан шунча йиллар ўтаяпти. Вақт ўтган сайин хотиралар қайтадан уйғонишини, уруш кўрган одамлар умр бўйи урушда яшани, урушдан ортирилган дарднинг тузалмас оғриқ эканини ҳамма ҳам билавермайди.

Баъзида бу ҳаётнинг шунчаки қийинчиликларига дуч келсам, мен урушда шу бугун, шу нарсани кўришим учун ҳам ўлиб кетмаган бўлсам ажабмас... шунга шунча сиқилишим керакмикин, деб қўл силкиб қўя қоламан. Бу бир томондан яхши. Бир томондан эса кишида ҳаётга нисбатан ҳафсаласизлик уйғотади.

Гоҳида бу кунларни кўрмаслигим ҳам мумкин эди. Ўлиб кетишим ҳам мумкин эди-ку, деган ўй билан ўзимга таскин

бераман. Қатъият билан харакат қиламан. Ўзимга ишюнчим ортади.

Баъзида худога шукр дейман. Мен айрим дўстларимга ўхшаб ақлдан озаётганим йўқ. Хотира хуружининг оғриғига дош бераман. Тилим бормаяпти, лекин айтаман, ҳаётда кераксиз кимсага айланиб қолмаганман.

Кечалари ортимдан қувлашади, отишади, рўпарамда қурол ўқталиб туришади, портлатишади, танклар билан устимга бостириб келишади, хуллас, алахсийман. Бехосият тушлар...

Уруш тугаганига, яъни, урушдан қайтганимга 15 йил бўлди, лекин менинг умримда уруш тугагани йўқ. Хар куни урушни эсламан. Мажбур бўламан эслашга. Нега шундай, билмайман.

Бугун икки минг учинчи йилнинг ўн иккинчи майи. Буидан ўн олти йил муқаддам, айнан шу бугун Чорикордаги бутазорда қуршовда қолган эдим — душман ўраб олди. Мен оператор-отувчилик қилаётган БМП-2 ни грантамёт билан уриб, дабдаласини чиқариб ташлашди. Ташқарига базъўр қутилиб чиқдим. Атрофда ўқ ёғилаяпти. Машина ёнаяпти. Арик ичида бош кўтаролмайман. Рўпарамдаги кўрғонда беш-олти нафар душман мен томонга югуриб келаяпти. Бир зумда ўзимни йўқотдим. Ўлим олдида, қисқа сонияда одамнинг шуури чакмоқдай чарақлаб, идроки лаҳзада тиниқ тортаркан. Мени илоҳий бир куч бошқара бошлади. Дастлаб эмаклаб ортга қочдим. Кейин ўрнимдан даст туриб ўқ ёмғири, портлашлар шамолида ўқдан тезроқ югурдим. Яраландим. Оғрикни ҳам сезмайман, жон жаҳдим билан ўзимни тош панасига олиш учун югуриб борардим. Ўша жангда дўстларимнинг кўпини йўқотдим. Ўшанда ҳам баҳор эди. Қизғалдоқлар очилган. Ўнгирларга қизиллик югурган. Чорикор боғларининг тизза бўйи қоплаган ўтлоқларида кўксига лолақизғалдоқ тўкилгани каби ўққа учган аскарлар ўлиб ётар, улар ўз ҳаётининг сўнгги баҳори билан бегона юртда хайрлашган эдилар.

Мен ҳар йили ўн иккинчи май куни аллахаёл бўлиб юраман. Ўзимни кўярга жой тополмайман. Ўша даҳшатли жангни, порох хиди, юзимга урилган ачқимтир оловни, кўйлагимни йиртиб ўтган снаряд парчасини, атрофимда ўлиб ётган аскарларни, ернинг лопиллаб кўтарилиб тушишини, ёнаётган машинални, атрофдаги қий-чув, сўз билан

тавирлаб беришим мушкул қиёмат-қойимни hozир ҳам хаёмдан кечираяиман. Ич-ичимдан бир оғрик қўзғолаяпти.

Мен эски қўлёмаларим ичидан авайлаб асраб келаётганим кўк муқовали қалин жилдли иккита кундаликлар дафтариمنى олиб варақлаяиман. Мен уни урушда тутганман. Деярли хар куни бир, бир ярим саҳифа ўзим гувоҳ воқеаларни қорозга тушурганман. Хуллас, йўлини топиб, шаклини ўйлаб кўрсам душа-дуруст роман чиқади.

Шу кундаликлардан айрим воқеаларни эълон қилишга журъат этдим. Мен бу орқали инсон тақдири, инсон юрагининг оғриқлари, хаётни севиш, қадрлаш, сабр ва матонат ҳақида фикр юритмоқчиман. Қолаверса, урушнинг нечорлик даҳшат ва фожиа эканини изоҳлашнинг ҳожати бўлмаган керак.

Дарвоқе, кеча ҳам ёмон туш кўрдим. Алахсиб уйғондим. Анвал мана шу туш ҳақида қисқагина сўзлаб, кейин кундаликларни варақласам.

* * *

Шаҳар. Кўп қаватли бино бурчида пойдеворга ўнг оёқамни бериб, улала тушиб ётибман. Ўзимни панага олашиман.

Сўл тарафим, ярим қадам наридаги йўлакдан қум араши бетон зарралари ҳавога кўтарилди. Рўпарадаги асфальт йўл четдаги бинолардан биридан бизни мўлжалга олиб ўк уличаяпти. Шерикларимнинг кимлигини аниқ билмайман. Хар ҳолда ён-атрофимда уч-тўрт киши бор. Улардан бири ўкка учди. Мен деворга қалишиб ётибман. Ўк егишиб турган жойга оёғимни узатсам стади. Бундай қалтис пайтда урушда орттирган тажрибам — ўз жойимни ўлгартиришим керак деган ўй билан ўнг томондаги йўлакка ўтдим. Тўғридаги осмонўлар ойнаванд бино томон югурдим. Қарасам, ортимдан сон-саноксиз одамлар югуриб келишяпти. Улар ҳам шу бино ичкарасида жон сақламоқчи бўлишганини пайқадим. Бино ичкараси кенг. Ойнаванд йўлакнинг охири кўринмайди. Одамлар шу йўлак бўйлаб қонишмоқда. Хамма бир томонга қараб югураяпти. Мен ҳам уларнинг сафига қўшилдим.

Бир маҳал бошқалардан орқада қолиб кетдим. Жон налвасасида қочаётган оломон ичидан мен томонга келаёт-

ган қизалоғим Севинчни кўрдим. Унга қоч ишорасини қилиб қўлимни силкидим. Бақирай десам овозим чикмайди. Юғурай десам оёқларим зил-замбил, оғир. Жойимдан жиллолмайман.

Севинч ёнимга келди. Анграйиб турибди. Менга ҳеч нарса демади. Худди танимагандай. У бизни қувиб келаётганлар томонга қараб юрмоқчи. Мен жоним бўғзимга тикилиб ўзимни унинг устига ташладим...

— Қайт болам, борма болам!..

Ўқ овози эшитилди... Елкаларимда жимиллаган оғрик турди. Бақириб уйғондим.

Хона чирояни ёққан хотиним бир пиёла сув олиб келиб узатди. Пешонамга қўлини қўйиб харорагимни ўлчагандай бўлди.

— Тушингизда яна кўркдингизми?

Ташқарида тарновдан сув шалдираб оқаяпти, деразага ёмғир томчилари урилади.

Мен дала ҳовлининг иккинчи қаватига кўтарилиб Севинчининг ховасига кириб чирокни ёқаман. У ширин уйқуда. Тиниқ чехрасида сокинлик нури. Ўпкам тўлиб, елкаларим силкина боцлайди. Димовим ачишиб, кўз ёшларим шошкатор бўлиб оқаверади.

Зинада оёқ товуши эшитилди. Хотиним келаяпти. Мен унга нимадир деб, ўзимни ҳам, уни ҳам овутомқчи бўлман.

Хўш нима дейин?

Бирок, у мени тушунади. Бу тушунининг ўзи нақадар азоб эканлиги менга аён.

Менинг шундай беҳаловат тунларимга кўникиб-кўниколмаётган яқинларимга сабр-тоқат тилаган ҳолда, нима сабабдан тунларимнинг ороми бузилиб, уйқуларимнинг ҳам ўққа учганлигини кундаликлардаги айрим воқеаларга кўз ташлаган ўқувчи тушуниб олади.

11 май, 2003 йил. Кеч соат 3³⁰

* * *

Афғонистонга олиб ўтишганига бир ой бўлди. Урушга чиққанимиз йўқ. Ҳолбуки, қисмдамиз.

Ўқув машғулотларини Туркманистоннинг Тежен шаҳрида ўтадик. Тежен — қоқ чўлнинг ўртасидаги шаҳарча.

Иккимиз яхшимас. Иссиқ. Борлик ёнаман дейди. Казарма-миз шаҳарчадан анча олис, саҳрода жойлашган.

Ичимлик суви йўқ. Тиконни қайнатиб ичиришарди. Ичмасак мажбурлашади. Кейин кўникиб кетдик. Қисмдаги аскарларнинг тенг ярми сарик касалига йўлиқди. Камина ҳам.

Ашхабодда бир ой даволашди. Яна бир ой дам олиб дармонга қайтишимиз керак эди. Буни реабилитация дейишаркан.

Бизни афғонга олишмаса керак деб ўйловдим. Сарик касали чакана дард эмас. Тўғриси, сарикқа чалинганимда қувонгандим. СССРнинг соя-салқин, чиройли шаҳарларининг бирига хизматнинг қолганини ўташга жўнатишса керак, деган хаёлга боргандим.

Хаёлим чиппакка чиқди. Мингга яқин аскарни госпиталнинг ўзидан қисмга олиб келишди. Бир кечада сафга тизилди. Вокзалга жўнадик. Тежен вокзалидан Тошкентга қараб йўлга тушдик.

Тошкентга яқинлашгач, офицерлар бизни шунчаки кўрқитишибди, ахир сарик касални ҳам афғонга олишадими, хизматни Тошкентда ўтайдиган бўлибмиз, деб ич-ичимга сирмай қувондим.

Тошкент вокзалга тонг саҳарда етиб келдик. Вокзалдан бир қадам ҳам жилмаслик ҳақида буйруқ берилди. Бизни юк машиналарига чақиришди. Тузел аэропортига олиб бориб, юк ташувчи самолётга рўбарў қилишди.

Самолёт Кобулга келиб кўнди. Самолётдан тушишим ҳамон юзимга ўлим шарпаси урилгандай бўлди.

Бизни подадай қилиб аэропорт ёнидаги казармаларга ҳайдашди. Бу ердаги аскарларнинг рангида қон йўқ, кўрқувданми, безариб-гезариб кетишган, умуман, афғондаги «соғлом» жангчиларнинг юзидан «сарик»қа йўлиққан бизнинг юзимиз авлороқ эди.

Мана, бир ой бўлди, жанговар батальондаман. Эрталабки уч километрлик югуришдан сўнг чарчаб қолаяпман. Жигарим оврияпти. Дармонсизман. Кеча биз билан келганлардан бири югуриш давомида йиқилиб қолди. Қисм санчастида жони узилибди.

Қисм жангга чиқиб кетган. Айтишларича аҳвол танг экан. Бизни, янги келган касалвандларни ёрдамга юборишади. Эрталаб Тохир исмли бола сафга чиқмади. Ўрнидан

туролмади. Нонуштадан қайтиб келсак, ранги оппок, кимирламай ётибди. Пешонасига кўлимни қўйдим. Муздай. Сесканиб кетдим. Тохир ўлиб қолибди. Бу менинг биринчи бор ўлик кўришим.

Ана, каравоти бўм-бўш. Менинг ёнимда. Ухлолмаянман.

6 декабр, 1986 йил

* * *

Ниҳоят жангга чиқдик. Саланг деган жойга юраяпмиз. Кобул, Баграм, Чорикор, Жабалсарой деган жойлардан ўтдик. Ҳар икки чети юксак тоғлар билан ўралган доvon йўли музлаган. Тойринчок.

Мен оператор-отувчилик қилаётган БМП-2 нинг занжирлари — «тиши» йўқ, юқорига юриш амри махол. Занжир турган жойда айланади, БМП-2 кимир этмайди. Орқадан судровчи махсус танк зарб билан келиб урилади. БМП-2 эса музда айланган тошдай чархпалак бўлиб кетади. БМП-2 нинг тумшуғи, отув мили тоғи орқага, тоғ тоғ томонга қарайди, тоғида машина йўл четига сурилиб таг-туби кўринмайдиган жарлик ёқасига келиб қолади. Кўзларимни чирт юмиб оламан. Худони ҳеч кимга бермай, ичимда дуо ўқийман. Ёнимдаги офицернинг эса парвойи фалак.

Механигим Ринат ҳам аффонга мен билан бирга келган. Бизга эски, яроқсиз БМП-2 ни беришибди.

Мен БМП-2 га биринчи бор чиқишим. Ҳарбий ўқув машқлари даврида уч ой танк командири мутахассислигини ўргатишган эди.

Совуқ. Оёқларимдан совуқ ўтиб кетди. Қахратонда тоғ совуғига бардош бериш — азобнинг азоби.

Орқадаги танк яна келиб урилди. БМП-2 муз йўлда беш-олти кадам сирпаниб ўн тарафга, тоғ этагига тиркалиб қолди. Учи қуйруғи йўқ колоннага йўл очилди. Филдирагига занжир боғлаган «Урал», «Камаз» ва мен русумини билмаган турли хил машиналар ўта бошлади. Ҳар бешта филдиракли машин орасида биттадан танк жойлаштирилган.

Командирга алоқа орқали колоннадан қолиб кетаётганимни маълум қилдим. У сўкинди.

Колонна ўтаяпти. Ҳеч кимнинг биз билан иши йўқ. Қўрқдим. Бунақада қолиб кетишимиз ҳеч гап эмас.

Колонна охирлаб қолди. Танк ёнимизга тўхтади. Бизни шатакка олди. Танк механиги ўзбек экан.

Мен ваҳима аралаш йўлни босиб қолгудай бўлиб турган юксак чўққиларга қарайман. Шу чўққиларда туриб ўт очиш у ёқда турсин, тош ташласалар ҳам бизнинг абжаримизни чиқаришади.

Бир маҳал гумбирлаган овоз эшитилди. Бир зумда тоғни кетма-кет гумбирлашлар, автоматларнинг тариллаши, ўқларнинг совуқ чийиллаб учиши тутиб кетди. Ўзимни БМП-2 ичкарасига урдим.

— От! От!!! — қичқирди ёнимдаги командир.

Қаёққа отишни билмайман. Атроф тоғ.

— От! Галварс! Отсанг-чи! — зобит бошимга мушт туширди.

Мен отув милини юқорига кўтариб, тоққа тўғриладим. Дуч келган томонга отавердим.

Зобит мени силкилай бошлади.

Нима қилаяпсан?! Жиннимисан?! унинг жазаваси тугди.

Ўнгга ол. Хув ана. Чўққи ортига от!

БМП-2 олдида снаряд портлади. Башня устига тақур-туқур қилиб тош, темир парчалари келиб тушди. Қуловим шангиллаб қолди. Машина силтанди. На орқага, на олдинга йўл бор. Колонна жойида туриб қолди. Бизни ярим соатлар чамаси ўққа тутишди. Техникалар тизилган йўл олов ичида қолган, ёқилғи ва озиқ-овқат ташиётган машиналар гуриллаб ёнаяпти.

Ўт кетган машиналарни танклар билан суриб жарга улоқтиришди. Йўл тозаланди. Деярли барча ёқилғи ортилган сивимли мошинлар ёниб кетди. Биз ортга қайтишга мажбур бўлдик. Салангга ўтолмадик.

Биз биринчи жангдаёқ мағлубиятга учрадик. Уқувсиз аскарлигимни ҳис қилдим. Бир ҳисобдан орқага қайтаётганимиздан хурсанд эдим.

Қуйи эгилган бошини икки қўли билан сиқаётган зобит анчагача чурқ этмади. Сўнг бошини кўтариб мен томонга қаради. Қўрқиб кетдим. Ортга силтаниб бошимни машина ичкарасидаги алоқа қурилмасига уриб олдим. Зобитнинг ияги сўл томонга оғиб, оғзи қийшайиб қолибди. У аяшчли ахволга тушганди.

Колонна хилватроқ жойда оёқ илди. Зобитни вертолётга чиқаришди. Госпиталга олиб кетишди.

Биринчи жанг шундай тугади.

Олдинда нималар кутаяпти, худо билади...

10 декабр, 1986 йил

* * *

Қисм штаби биноти томига ўрнатилган карнай ваҳима-ли увиллади. Хавф-хатардан хабар бермоқда. Буни русчасига «Теревого» дейишади.

Ўрнимдан санчиб туриб кетдим. Казарма ичи тўс-тўнолон, шовкин суронга тўлди. Бўлималар, взводлар командирлари сержантлар галма-галига қичкиришади:

– Теревого!!

– Теревого!!

Деворлари калин картондан тикланган казарма дахлиздаги қуролхонага югурдим. Эшик олди тирбанд. Аскарлар бир-бирига урилиб-сурилиб ўзини ичкарига уришади. Тикилишда қўлимга дуч келган зирхийим (бронжилет), зирхкапюк (каска), ўқлон ва автоматни олиб ташқарига югурдим. Зирхийим чўнтагида тўртта 1 дона Ф-1 гранатаси ҳам бор эди. Казарма эшигидан чиқаётиб, эшик тепасидаги чироқ ёруғида автомат рақамига кўз югуртирдим.

Ўзимникини эмас, бошқа аскарнинг автоматини олиб чиқибман. Шошганда ким қуролнинг рақамига қараб ўтирибди. Отса бўлди-да.

Автомат торткичи (загвор)ни шарақлатиб тортиб кўрдим. Яхши. Ҳаммаси жойида.

Хира-ширада саф майдонига тизилдик. «Ростлан» буйрувидан сўнг тондай қотиб турибмиз. Саф майдонида қисм командири ўринбосари майор Купин чиқиб келди.

У совет армиясига иснод келтирган, Ватан хоини, кўрқоқ ва ярамас аскар ҳақида зардаси қайнаб, жаҳл билан гапира бошлади. Сўзини тугатиб: «Мана унинг ахволи, ўз кўзларинг билан кўринглар», деди. Шу маҳал саф майдонида тўрт аскар замбил кўтариб киришди. Улар тизилиб турган жангчилар олдидан ўтишди.

Замбилга қараб сесканиб кетдим. Замбил ичидаги ўлиб ётган аскарни танидим. У сариқ касалига чалиниб, Ашхободдаги госпиталда мен билан бирга ётган Саламатин Зух-

роб деган татар йигит эди. Афғонга ҳам бирга келган эдик.

Зухроб улфат йигит эди. Адабиётни яхши кўрарди. Тошкентда университетда тахсил оларди.

Майор Купин Зухробни қоровулда турган пайти «пост»ни ташлаб агрофдаги қишлоққа қурол сотгани борган «душман»ларнинг алдовига учгани учун жазосини олди, деб айтди. Кимки қишлоққа очкўзлик қилиб у-бу нарса сотгани борса, шундай ит ўлимини топади деб қўшиб қўйди.

— Ёлғон гапираяпти. «Дух»лар (душманлар) полк агрофида ҳам изғиб юрибди. У ухлаб қолган. Отиб ташлашган. Қалласини узиб олиб кетишлари ҳам мумкин эди. Янги келганларни қоровулга қўймаслик керак эди, — деди ёнимдаги «қария» аскарлардан бири.

Қоқ манглайини ўк ўйиб ўтган Зухробнинг мурдаси кун бўйи кўз ўнгимдан нари кетмади. Аллахиёл бўлиб юрдим.

Уйқум қочаяпти. Назаримда кўзим илинса казарма ичкарисига духлар бостириб кириб ҳаммамизни, мени ҳам сўйиб кетадигандай.

Ринат қора қаламнинг ўртасидаги бўёқчўпга ўхшаб кетадиган, гусурт чўпи узунлигидаги бир нарсани қўлимга тутди. «Яхшилаб эзғилаб, сигарет тамакисига аралаштириб чек. Чарчовинг чиқади. Яхши ухлайсан... «қария»лардан олдим. «Чарс» деганлари шу бўлади...», — деди.

Мен Ринат айтгандай қилиб халиги мойсимоқ қора «чўп»ни кафтимда эзғилаб, «Ростов на Дону» сигарети тамакиси билан аралаштириб чекдим. Юзим музлаб, кўз олдим туманланди. Аъзойи баданим енгил тортди. Бейхтиёр кула бошладим.

Мен умримда биринчи бор наша чекдим...

15 декабр, 1986 йил

* * *

Тонг пайти йўлга тушдик.

Пулихумри, Қундуз, Файзобод вилоятлари ортда қолди.

Ўрта аср кўринишидаги шаҳарлар, пастқам уйлар ва кўримсиз кулбалардан иборат бесанок қишлоқлардан ўтдик.

Минг чақиримга яқин йўл юриб Али-Хили деган жойга кунботарда етиб келдик. Ўнг томонда Панжшер тоғлари, Афғонистонни Покистон билан ажратиб турган осмонга туташ чўққилар. Тоғлар қалин қор билан қопланган.

Кечкурунги изғирин юзимизга игна санчгандай бўлади. Аёз шамоли этни жунжиқтириб, суяк-суягимизгача қақшатади.

Мен шундай аёзда қалин қор босган тоғларга нима сабабдан келганимизни тушунолмаяман.

Техникаларни тоғ этагига жойлаштирдик. Ҳар бир взвод ва бўлиналарда чодир тикланди. Чодир ичи ва машиналар панасида гулханлар ёнди. Кечки овқатга ҳозирлик кўрдик.

Разведкачилар тизза бўйи қор оралаб тоққа чиқиб кетишди. Пиёда аскарлар кўтарилиши мумкин бўлган жойларга оғир артиллерия билан ўт очишди. Бир оздан сўнг бизни ўраб турган тоғларга самолётлар бомба ташлай бошлади. Ҳар гал портлаш содир бўлганда атроф яшин ургандай ёришиб кетарди. Чўққилардан кўкка олов сачрайди. Тоғлар аланга ичида қолди.

Назаримда, бомбалар остида қолган баланд тоғлар кўтарилиб тушаётганга, ёниб қулга айланаётганга ўхшайди.

Гумбурлашлар остида қулоқ қоматга келади. Қиёматқойим.

— Тоғни ёриб Покистонга йўл очамиз шекилли... Бунча дағдаға қилишмаса. Ҳар ҳолда шундай совуқда душман мойгини музлатиб бизга ўхшаб тоғма-тоғ тентираб юрмаса керак. Ахмоқларгина қаҳратонда тоққа чиқади, — деди гулханга этигини тоблаб турган пиёда аскар Юхумик.

— Пешонанда борини кўрасан. Қулоғингга пахта тикиб ухла. Ҳозирча соғ-омонсан. Эртага худо билади, гапни чўрт кесди гулхан атрофидаги Бочкарёв, — яхшиси ма, чарсдан бир тортиб кўр, зўр экан...

— Бу кетишда банги бўлиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Қани ол-чи... О, зўр... Нима бало, курук ўзини чекаялсанми?

— Бу ҳам пешонада бори-да...

— Нега бунча, пешона-пешона деб асабга тегаверасан, галварс. Бу билан пешонангга мана шу тоғда музлаб ўлиш ёзилган демоқчимисан? — Юхумик ўрнидан ирғиб туриб чодирга қараб юрди.

· Бўлиши мумкин. Нима фарқи бор, ўқ тегиб ўлдинг нима-ю, музлаб ўлдинг нима?..

— Ўчир овозингни!

Миномёт снарядининг ваҳимали увиллаши эшитилди. Мен ўзимни БМП-2 тагига урмоқчи бўлиб югурдим. Улгуролмадим. Атроф ёришиб, портлаш содир бўлди, ён-теваракка бошимдаги зирхкалпоққа темир бўлакча, тош-шағаллар келиб урилди. Жон талвасасида қўлларимни, оёқларимни қимирлатиб кўрдим. Худога шукр, тирик қолдим.

Кимдир дахшатли тарзда чиқираяпти. Фарёдига чидаб бўлмайди. Шу пайт ёнимда нимадир қимирлаётгандай бўлди. Чап биқиним ёнида кимнингдир узилиб тушган қўли сувсизликда жон таслим қилаётган балиқ сингари билтанглаб сакраб-сакраб тушаяпти.

Қўл бармоқлари аянчли тарзда калтирайди. Қўл эгидан узилган кип-кизил қонга бўялган, гўшти чиқиб ётибди. Қўл бир силтаниб юзимга урилди. Чинқириб юбордим. Ўрнидан туриб телбанамо куйи қичқириб БМП-2 ни айлаиб югура бошладим.

Тонггача мижжа қокмадим. Хароратим кўтарилди. Механик Ринат ян-янги қон кўриасини берди. Ичига кириб олдим. Ўзимники билан устимни ёпдим. Сапёр бушлатини ҳам берди. Қисм дўхтири келиб укол қилди. Кўзим юмилиши билан узилган қўл юзимга чанг солади.

Тонгда вертолёт келди. Мен ва яна икки аскарни қисмга қайтарадиган бўлишди. Юхумикнинг мурдасини оқ магтога ўраб, замбилга солишди. Қўлни ҳам ўлик ёнига қўйишди.

Кечаси гулхан ўн чақирим нарида ҳам кўришиб туради. Душман тепалиқдан гулхани мўлжалга олган. Снаряд тўғри Юхумикнинг елкасига келиб тушган эди. Ким билсин, балки у Бачкарёв билан ўчакишиб ўрнидан турмаганида, тирик қолармиди?

Мени госпиталга олиб келишди. Бошим сувиллаяпти. Уйқум қочган. Шифтда Юхумикнинг бир қўли осилиб турибди. Кўзимни юмсам юзимга қон томчилагандай бўлаяпти. Ҳамширани чақирдим. У ҳозиргина тинчлантирувчи укол ва дори берганини айтди. Мен яна укол беринг, дори беринг, деб илгимос қилдим.

26 декабр, 1986 йил.

Госпитал. Кечки соат 24⁰⁰

Полкда бир кун турдим. Зерикарли. Аскарлар ошхонасида ишлаш, ён-атрофни тозалаш, нари борса қоровулда туриш жонга тегди.

Қисм табобат пунктидаги аскарларимизга дори-дармон олиб кираётган дўхтирларга қўшилдим. Кўнгилли бўлиб жанг майдонига ошиқаётганимдан уларнинг таажжуби ортди.

— Бу бемаъни урушда қахрамонлик кўрсатишга иштиёқмандликка бало борми? Ёш экан, ҳали хом. Бир кун тушуниб етади, — тўнвиллади жанг тўрвасини елкалаётган майор.

Мен нимани тушуниб олишга ақлим етмаганини англай олмай кайфиятим тушди.

Ахир биз интернационал бурчимизни бажараяймиз, аффон халқи, яъниким, аффон инқилобчилари сафидамиз-ку...

Ўзимни қанча овузмай майорнинг истеҳзоли гапи тагида ханузгача менга маълум бўлмаган сир бор...

Гўёки, майор совет солдатларини таҳқирлагандай бўлди.

Ўзимни ҳақоратлангандай ҳис қилдим. Майорга ўқрайиб қарадим, шекилли, у киноя аралаш жилмайди.

— Ха, нега қовоғингни осасан. Гапни сирасини айтаялман. Ўша жойдан госпиталга қайтаришган экан, худонинг раҳми келгани шу деб, даволанавермайсанми? Нима қилардинг қисмга қайтиб? Мана, энди, урушга бораман деб турибсан... Разведкачилар взводининг деярли тенг ярми қирилиб кетибди...

Майор «ўзинг биласан» дегандай қилиб қўл силтади-да табобат пункти ёнидаги БМП-2 томон юрди.

— Петя, нима кераги бор шу гапларни... Жин урсин, бола шўрликнинг юрагига ғулув солиб нима қиласан?..

— Гапни сирасини айтаялман, — деди майор такқа тўхтаб, — жанг тўрвасига керакли анжомларни жойлаётган катта лейтенантга.

Шу топда катта лейтенант менга далда бераётган, меҳрибонлик қилаётган энг яқин дўстимдай туюлди. Оқкувадан келган, чехрасида самимият балқиган, кўк кўзлари беозор боқиб турган бу йигитни ўзимга яқин олдим. Унга бир қути «Ростов на Дону» сигаретини узатдим. Госпиталдан қайтаётганимда Кобул шахридан сотиб олгандим.

О, зўр-ку. Катта раҳмат, аскар, — катта лейтенант сигарет қутисини ҳидлаб кўриб чўнтагига солди.

БМП-2 ҳамда қисм табобат пунктига тегишли ёнбошига тиббиёт тамғаси урилган усти ёпик «Урал» ўрнидан жилди.

Менга йўл-йўлакай «бемаъни уруш, бемаъни қаҳрамонлик...» деган кинояли ибора тинчлик бермаяпти.

Бу урушнинг нимаси бемаънилик?

Менинг нимага ақлим етмаяпти?

Майор нега менга қараб ачиниш ҳисси билан бош чайқаб қўйди?

30 декабр, 1986 йил.

* * *

Али-Хили тоғларида қаҳратоннинг қаҳри кўзиган. Бизнинг взвод тоғнинг энг баланд чўққисига ўрнашибди. Мени озиқ-овқат юкланган вертолётда ўзимизникилар сафига олиб боришди. Взводда олти нафар аскар яраланибди. Кобулга жўнатишибди. Уч киши ҳалок бўлибди. Кечкурунлар взвод ўрнашган нуктага душман «РС» ва миномётлар билан ҳамла қилаяпти дейишди.

Совуқ. Жангчиларнинг юзлари зарҳал тус. Қўллари ёрилиб кетган. Покистон томондан ҳатто душман вертолётлари ҳам кўзга чалиниб қолади. Агар тоғ ортидаги йўлни узиб тащлашса тамом бўламиз — қуршовда қоламиз.

Тушга яқин тўртта «РС» снаряди тушди. Битта жангчи яраланди. Вертолёт чақиринишнинг иложи бўлмади. Санёрлар кўмагида уни пастга, техникалар ўрнашган жойга олиб тушишди.

Биз тоғ этагидаги озиқ-овқат олиб ўтиладиган йўлни кўриқлаянимиз. Тоғнинг энг баланд чўққисидамиз. Агар душман ўт очса, энг аввало бизни мўлжалга олади. Биз биринчи ҳимоя чизигадамиз. Биз жонли девормиз, аслида. Жанг тақдири бизга боғлиқ.

Кўрқинчли. Биз юксакдамиз. Рўпарамиздаги янада юксак чўққида душман бизни кузатиб турибди. Жангчиларнинг кайфияти мутлақо тушиб кетган.

Тоғдаги ертўламиз бошпана вазифасини ўтаяпти. Душман ҳужуми кутилган кунчиқар тарафга қарата хандиқлар қазилган. Жангчилар ўт очишга шай бўлиб жанговар ҳолатда туришибди.

Мен ертўладаман. Кузатув навбатим келгунга кадар мизғиб олмоқчи эдим. Қаёқда... Кўнгил хотиржам бўлмагач кўз илинармиди? Шу махал ер-кўкни зириллатиб ҳавода снаряд учди. Атроф гумбирлаб кетди. Бизни нишонга олишяпти. Ўзимни овутиш учун жанг тўрвамни титкилаб егулик ахтардим. Томоғимдан овқат ўтмади. Яна битта снаряд учди. Буниси узоқроққа тушди. Тепангда снаряд учиб турганда қанчалик ваҳимага тушмагин, у сендан олисроққа тушганда таскин топасан, шукр қиласан, бу снаряд сенга аталмаган, гўёки аллақаёқдан тасодиф туфайли учиб келаётгандай туюлади. Шундай ҳаёллар билан аллақаёқдан тасодиф туфайли учиб келаётгандай туюлади. Шундай ҳаёллар билан овунасан. Учинчи снаряд тўппа-тўғри тепамизга келиб тушди. Ертўла ер билан қўшилиб силтаниб кетгандай бўлди.

Қалин арчалар ташланиб, шох-шабба тўшалган томига одам бўйи баландликда тупроқ ташланган ертўла анчагина мустаҳкам эди. Шундай бўлса-да, ичкари чанг-тўзонга тўлди. Тепамиздан тупроқ тўкилди.

Ичимда азобли оғриқ уйғонди. Алам қилади. Бошимга қачон ажал ёпирилади, деб ўлимимни кутиб ётиш азоб.

Душманга қарши биринчи артиллериямиз ҳам зарба бераяпти. Кўкда град, ураган снарядлари учаяпти. Тўпларнинг гумбур-гумбури бошланиб кетди.

Мен ертўладан хандакка чиқдим. Кузатувда турган жангчига дурбин ва алоқани қолдириб ертўла томон юрдим.

Чўққи ортида олов пайдо бўлди. Снаряд учди. Душман ўрнашган қоя ортини аниқ кўриб турибман. Артиллериямиз эса, нишондан анча нарини ишғол қилаяпти. Душман ҳужумга ўтаётган нуқтани алоқада полк командирига маълум қилдим.

Дурбин орқали халиги чўққидан кўз узмайман. Яна олов пайдо бўлди. Яна снаряд учди, ертўла ёнида портлаш юз берди. Мен хандак ичида вужанак бўлиб, бошимни беркитиб олдим.

Тагин душман ўт очаётган жойга назар солдим. Дурбинда тоғ ён бағирларига қарадим. Қияликдан анча пастда арчалар қалин ўсган нишабликдан тушиб келаётган ўн чорли душманни кўриб қолдим. Мен уларни аниқ-тиниқ кўриб турибман. Гоҳ арчалар панасига ўзларини уришади. Гоҳ эмаклаб биз томонга ҳаракат қилишади. Мен взводни душман яқинлашиб келаётганидан огоҳ этдим.

Жангга шай турибмиз. Душман тўдаси рўпарадаги тоғдан ошиб тушди. Синчковлик билан кузатилса биз жойлашган тоғ этагидан энди юқорига, биз томонга келишаётганини дурбинсиз ҳам кўриш мумкин. Улар эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишмоқда. Кузатиб турганимиздан беҳабар.

Баландликнинг ўнғай ерига «угёс», «АГС», пулемёт ва огномётларни ўрнатдик. Мен снайпер билан душманларнинг бирини мўлжалга олдим. Снайпер ишончли қурол. Кузатув ойнаси орқали нишонга олсанг ўқинг беҳато кетади.

Юқоридан снарядлар изиллаб учаяпти. Бизни чалғитишаяпти. Талотўи ичида пастдан ўрмалаб чиқаётганларни кўрмай қолишимиз учун душман олисдан, тоғ ортидан туриб бизга артиллерия ҳужуми уюштираяпти. Бироқ, биз ўзимиз жойлашиб олган тоғ адоғидан кўтарилиб келаётган душманни аниқ кўраяпмиз.

Улар яқинлашаяпти. Пастликда, икки юз қадамлар чамаси ораликда арчалар ва бутазорлар панасида юқорига чиқаётган душманни чўққидан туриб бемалол ер тишлатиш мумкин.

Мен снайпер кўзгусида нишонга олинган душманни кўздан қочирмаяпман. У жудаям чаққон ҳаракат қилаяпти. Мушукдай эпчил.

Душман галаси тобора яқин келди. Бу орада уларнинг ортида химояда туриб бизга снаряд ёндираётганлар икки жангчининг бошига етди. Хандакларнинг бирига снаряд тушиб, молдован Сасин ва украин Демчук ҳалок бўлди. Довистонлик Разахонов ярадор. Оғзига темир парчаси тегди. Думбалок ошиб худди кучук боласидай аянчли ахволда ванфиллаяпти. Взводдаги дўхтир унинг бир томони ўйилиб кетган юзига оғриксизлантирувчи амцула урди. Разахонов телбона бош чайқаб ҳушидан кетди. Яна битта снаряд мен турган хандак ёнида портлади. Юзимга оловли шамол урилди. Миямда зиркираб оғрик кўзғолди.

Эмаклаб, гоҳ қисқа сакраш қилиб юқорилаётган душман гуруҳи бизга анча яқинлашиб қолди. Мен алоқа орқали тоғнинг орқа томонида, пастда сайхонликда жойлашган қисм штабига душман билан юзма-юз турганлигимизни махсус атамалар орқали, сирли тарзда тушунтирдим. Штаб бошлиғи вазиятдан келиб чиқиб ўз ҳолимча ҳаракат қилишим лозимлигини уқтирди.

Тоғда саккиз аскар қолдик. Лейтенант, взвод командири яраланди. Ташаббусни ўз қўлимизга олишимиз зарур. Душман билан орамиз энди юз кадамдан нари-бери.

Мен снайпер ойнасидан душманнинг юз тузилишини ҳам аниқ кўриб турибман. Кетмон соқолли, афт-ангорини жун қоплаган, салласимон бош кийими остидан тушган сочлари елкасида, дўнг пешона бу одам менинг таъқибимдан қочиб қутулиши даргумон. У ҳозир ҳаёти менинг қўлимдалигини, мен уни отиб ўлдиришимни билмайди, лекин ички бир хавотир билан биз томонга, баланд чўққиларга қараб кўйди. Мен ҳатто унинг кўзларини ҳам ойнак орқали кўрдим. Этим жимиради. Душманнинг кўзига қараш жуда оғир бўларкан. Танамга ваҳима ўрлади.

Иложим йўқ. Отишим керак. Ана у, юқорилаяпти. Қор қопланган харсанг панасига ўтиб беркиниб олди. Ёнидаги шериклари ҳам жанг пайтидаги «қиска сакраш» усулини қўллаб, кўтарилиб келишмоқда. У тош ортидан ўтиб бир сакраб арча танаси ортига яширинди. Энди чиқиши билан отаман. Ана чиқди, чакқонлик билан қорда эмакляпти. Қоқ манглайини нишонга олдим. Бармоғимни отув илмоғига олиб бордим. Қўлим қалтираб снайпер мўлжалдан адашяпти. Бир лаҳза нафас олмай турдим. Мен снайперни унинг юзига тўғриладим. У чўққига қаради. Шу тобда унинг кўзларини аниқ кўрдим. Юрагим қинидан чиқиб кетгудай алфозда гупиллаб ураяпти. Ёнимдаги хандақда автомат тариллади. Менинг жонли нишоним ночор ахволда атрофга бир аланглаб олазарак бўлиб, ўмганини кўтариб ортга қайрилмоққа шайланди. Шу заҳоти мен унинг бошини мўлжаллаб тепкини босдим. Қўлимдаги снайпер силтаниб кетди. Мен снайпер ойнасидан душман бир чайқалиб қимирамай қолганини кўрдим. Ҳа. Бошининг сўл чаккагидан сачраган қон томчилари, оппоқ қор устига қип-қизил атиргулнинг ситилиб тўкилганига ўхшарди. Мен кўзимни чирт юмиб ўзимни хандақ ичига ташладим.

Душман йўлини тўсиб қолдик. Лекин кечки пайт яна шундай бўлса, биз ўзимизни ҳимоя қилолмаймиз. Шунинг учун кечқурун баландликни тарк этдик.

Пастга, техникалар жойлашган қисм штаби ёнидаги ялангликка тушиб келдик.

Кеч кирди. Ваҳима ва қўрқув билан мижжа қоқмаймиз, тик этган товушни эшитамиз. Гулхан ёқмадик. Қоп-

коронғу тун ичида аёз шаклидаги ажал шарпаси кезиб юрганга ўхшайди.

Хеч кимнинг кўнглига кил сиғмайди. Мен БМП-2 ичига кириб, махсус чироқни ёкиб бугун бошимдан ўтказганларимни қовозга тушираяпман. Соат кечки ўнга яқинлашмаяпти.

Шу тундан омон-эсон ўтиб олсайдик.

Икки соатдан кейин эса янги йил киради. Янги йил!

Биз янги йилни байрам қилолмаймиз. Биз янги йилни ажал қўйнида, ўлим билан юзма-юз келиб кутиб олаяпмиз. Биз умуман, янги йилни кутиб олганимиз йўқ.

Бугун кўп дўстларим янги йил остонасида халок бўлишди. Мени, ҳаммамизни ўлим вахимаси адои тамом қилаяпти.

31 декабр, 1986 йил.

Кечки соат 22⁰⁰

* * *

Тонг отди. Ортга қайтаяпмиз. Ҳамишагидай нега келиб нега кетаётганимизни тушунолмаяпмиз.

Янги йилнинг биринчи тонгида даҳшатли манзарага рўбарў келдик.

Кеча иккинчи взводдаги Степанов ҳамда Бурсук деган ротадошларимиз арча шохини олиб келгани чиқишибди. Ертўлада янги йил кутишмоқчи бўлишган.

Хуллас, улар тонггача қайтмади. Иккала жангчининг йўқолиб қолгани маълум бўлди.

Тўполон бошланиб кетди. Ён-атрофни кўздан кечирдик. Разведкачилар уларнинг ўлигини топиб келишди. Иккала жангчининг ҳам танаси бошсиз. Душман уларнинг бошини кесиб, арчага оёғидан осиб кетган экан. Тонггача дарахтда осилиб ётган тана совуқда тараша бўлиб музлаб қолган эди.

Дўстларимизнинг бошсиз танасини қалин матога ўраб БМП-2 га орддик.

Менинг юрагим музлаб бораяпти. Назаримда, бошқа бир одамга айланаяпман.

1 январ, 1987 йил

* * *

Икки ойдан кўпроқ полкда бўлдик. Зерикарли. Куннинг ўтиши қийин кечаяпти — асаб толикади. Ҳеч нарса ёқмаяпти. Очиғи, жангни қўмсаяпмиз. Тўғри, тўрт марта рейдга чиқдик. Деярли отишма юз бермади. Қишлоқларда қари-қартанг, ёш бола ва хотин-халаж қолганди. Эркаклар тоғларга қочиб кетишганди.

Пағманда жанг бўлиб ўтди. Узоқ давом этмади. Қишлоқнинг кулини кўкка совурдик. Битта БТРни грантамётда уришгани туфайли аҳолини ёппасига қириб ташладик. Дуч келганни отиб кетавердик. Токзорларни танк ва оғир техникалар занжири остида эзгилаб ўтдик.

Қишлоқ харобага айланди. Аҳолининг мол-ҳолини ҳам жазавага тушиб ўлдиравердик. Уруш бизни қутуртириб юборди.

20 феврал, 1987 йил

* * *

Кеча менинг тувилган куним эди. Мени эргалабки югуришга уйғотишмади. Саф майдонига ҳам чиқмадим. Казармада кун бўйи ётдим. Қуролдошлар техника паркига машиналарни таъмирлаш учун кетипди. Пиёда аскарларнинг бир қисми ташқарида қуролларини тозалаб, мойлашаяпти.

Механик Ринат, яқин дўстим қисм дўконидан бир қути, яъни, ўн дона «Сиси» ичимлиги, иккита «Столичный» деган ўрис ароғи ҳамда битта Югославия мураббосини олиб келиб каравотим бошидаги тумбага солиб қўйди. Қозоқ йигити Нурмахон бир блок «Стардюсса» сигарети совға қилди. Мўмин деган тошкентлик ўртоғим етти мусикали япон соатини қўлимга тақиб қўйди. АГСчилар бўлинма командири Шевцов кросовка хадя этди: «Буни кийсанг ўқдан ҳам тез учасан. Ўк сенга етолмайди...», деди у. Хуллас, каравотим таги совға саломга тўлиб кетди. Иккинчи взводдагилар пул йиғишибди. Беш юз чек. Бу катта пул. Доғистонлик Султон (у Расул Ҳамзатов деган машҳур шоирнинг овуллоши) яп-янги харбий кийимбош олиб келиб кийгизди. «Сарпо ўрнида қабул қил дўст! Худо хоҳласа, Доғистонга борсанг кавказча чакмон ва қалпоқ кийгизиб, белинга ханжарли камар тақаман», деди, елкамга қўл ташлаб. Тўртинчи взводдагилар қисмдаги бообрў командирлардан бирининг жазмани, офицерлар ошхонасида

ишлайдиган полкимиз маликаси Лилияга торт буюртма беришибди.

Полк штаби томидаги карнай ванфиллаб аскарларни тушликка чорлади.

Казарма сув сепгандай. Сокинлик. Мен тумбадаги арокни очиб, стаканга гўлдириб куйдим. Бир кўтаришда ичиб юбордим. Кайфиятим яхши эди. «Галита» печени ва «Сиси» ичимлигини газак қилдим. Аъзойи-баданим хузурланди. Бошим енгил тортиди. Анчагача чалқанча ётдим. Стаканни яна лиммо-лим қилиб зарб билан кўтардим. Тумбада жанг пайти бериладиган, махсус темир идишчаларда сакланадиган гўшт, картошка, гречка ва куюқ сутдан тортиб, узум шарбатигача бор. Хеч нарса тановул қилмадим. Сигарет чекдим.

Арок таъсирини ўтказа бошлади.

Казарма эшигида турган қоровулни чакирдим. Тумбадан пул олиб узатдим. Қисм дўконидан кечкурунги зиёфат учун нима керак бўлса хаммасини харид қилишни илтимос қилдим. Арождан кўпроқ ол деб тайинладим.

Кечкурун Ленин хонасида зиёфат бўлди. Батальон командиридан тортиб ротадаги хамма офицерлар қатнашди. Улар хона ўртасига ўрнатилган узун столнинг тўридан жой олишди. Дастурхон кўнгилдагидай тузатилди.

Зиёфатга Лилия торт олиб келганда хамма ўрнидан туриб қарсак чалишди. У батальон командирининг ёнида ўтиртирди. Бир оздан сўнг бошқа офицерларнинг ҳам яқинлари — бир-биридан гўзал хонимлар келишди. Ўтириш кўнгилхушлик билан бошланди. Стол устидаги бир литрлик «Столичный» ароғи, турли-туман хорижий коньяклар дамба-дам қадахларга қуйилаяпти. Магнитофонда «Каскад» гуруҳи Афғонистон мавзусидаги офир ва ғамгин кўшиқни куйлаяпти. Йиғилганлар менинг шаънимга илик гаплар айтишди. Уйга омон-эсон қайтишимни ният қилишди.

Даврада хушчакчак кайфият хукмрон. Спиртли ичимликлар офицер ва аскарларнинг, давранинг гули бўлган хонимларнинг қулфи-дилини очиб юборди.

Биз хаммамиз бир-биримизга кадрдон, дўсти биродарлик риштаси билан борланган эдик. Бошқа ротадагиларни билмадиму, лекин бизнинг ротада аскарларнинг туғилган куни, байрамлар ана шундай хушхол алфозда, тантана билан нишонланади.

Ленин хонасида сиёсий сабоқ пайтида миямизнинг қатини чиқариб юборадиган замполит (рота командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари) Шерстокнинг ҳам кайфи тароқ эди. У қисм табобат пунктидаги ҳамшира Аняни кучоклаб олган. Кулоғига нималардир деб шивирлайди. Қаҳ-қаҳ уриб кулади. Доғистонлик анчагина киришимли йигит Султон ароқ қуйиш баҳонасида аёлларнинг ёнидан бери келмайди. Замполит даврабошликни давом этказиб Аняга сўз берди. Аня қўлида қадах билан менинг ёнимга келди. Ўрнимдан турдим. У менга, барча даврадагиларга омонлик тилади. Урушдан уйга омон қайтиш насиб қилишини ният қилиб узок гапирди. У сўзлаётиб кўз ёш тўкди. Аня ўн саккиз-йигирма ёшли болакайларнинг юртидан олис сарсону саргардон бўлиб, ўлим билан олишаётганига аёллик туйғуси билан ачинар, тақдир бизни қоронғу кўчалардан бошлаганини тилда айтмаса-да, дили, нигоҳи орқали сўзлаётганини пайқашимиз қийин эмасди.

Батальон командири майор Монохин бизни ҳақиқий эркаклар эканлигимизни, ҳар қандай вазиятда ҳам эркак бўлиб қолишимизни муқаррарлигини айтиб Анянинг сўзларига кўтаринкилик бахш этмоқчи бўлди.

Бироқ даврадаги аёллар биз аскарларга ачиниб қарашади. Тақдиримиз эрта-индин нима бўлишини, урушнинг яна қандай даҳшатлари бизни қарши олишини аввалдан сезган каби алланечук раҳмдиллик ва меҳрибонлик билан кўнглимизни хушнуд қилмоқчи бўлишади.

Ўйин-кулги ярим тунгача давом этди. Менга ароқдан сўнг кимдир чекиш учун «чарс» берганга ўхшайди. Кейин нима бўлганини эслай олмаяпман. Ўрнимдан туриб чайқалиб кетганим ёдимда, кейин... кейин, Султон Лилияни кучоклаб олди. Кейин клубда ишлайдиган Нина кўшиқ айтди. Мўмин унинг бўйнига тилла занжир тақди. Хира-шира эслайман: Ринат манглайини столга тираб ухлаб қолди. Лилияни қўлтиқлаб олган батальон командири...

Демак, эслайман. Нима бўлса-да, охирида бўлган. Қайсидир нодон кайф устида наша тутатган. Камина ҳам четда турмаган.

Ҳозир тушликка чорлашади. Кўнглим айнияти. Юрагим ҳолсизланаяпти. Кўп ичибман. Бошим хум. Тушликка боролмасам керак. Ичим ёниб кетаяпти. Бир дона «Сиси»

ичимлиги бўлсайди. Афғонга яқинда келган ёш аскарлардан биридан илтимос қиламан. Битта ароқ ҳам кўшиб олса яхши бўларди.

6 март, 1987 йил

* * *

Хозир қисмдаги аёллар модули (ётоқхонаси)дан келдик. Казармадагилар донг қотиб ухляяпти.

Қисм навбатчиси аёллар модули ёнида бизни ушлаб олди. Модул деразасидан чиқмаслигимиз керак эди. Бошқа йўл ҳам йўқ эди-да. Эшикда кўриқчи турибди. Қизик, туппа-тузук солдат ўзига ор билмай кечаси билан аёлларнинг халигисини кўриқласа. Хизматдан қайтгач, мен Афғонистонда ундай қилдим, бундай қилдим, деб қариллаб мактанса керак. Аслида эса хизматни манавинақа ахволда, аёллар модули эшигида кучуклик қилиб ўтказаяпти.

Шунга ўхшаш икки-уч исноди аскар модулнинг доимий кўриқчиси. Ахир урушга чиқаман деса, бу ерда офицерлар аскарнинг раъйини қайтаришмайди. Ҳеч қандай солдатга мана шундай уят юмушни мажбурлаб топширишмайди.

Қисқаси, мен кўш карнайли «Панасоник» магнитофони ни харид қилдим. Ринат эса Финляндияда тикилган жуда зўр спортчилар уст-бошини сотиб олди. Бизга уларни кеча Кобул шаҳрига чиққан разведкачилар взводидаги прапоршик олиб келди. Байрам муносабати билан Лилия ҳамда қисм штабида ишлайдиган Иринани табрикламокчи бўлдик.

Вақт алламаҳал бўлганлиги учун кўриқчи эшикдан киритмади. Кўзини шамғалат қилиб деразадан ошдик. Лилия эшикни очди, кўрсаткич бармоғини лабига теккизиб «жим» ишорасини қилди. Ичкаридан вала-говур эшитилди. Батальон командири ва яна икки офицер ичкарида аёллар билан базми-жамшид қилаётган экан. Лилия шивирлаб узр сўради, уйига кўймаслигини айтди. Лекин йўқлаганимиздан анча хурсанд эди, жилмайди. Тим кора кўзлари чакнаб кетгандай бўлди. Бизнинг ҳам кайфиятимиз тиник тортди. Совгани унга топшириб деразадан пастга тушишимиз ҳамон қаршимизда қисмнинг навбатчи офицери ва автоматини бизга тўғрилаган иккита тунги қоровулга дуч келдик. Улар бизни гаунахтага олиб кетмокчи бўлишди. Минг ёлворсак ҳам, ҳатто дўқ-пўписа қилсак ҳам фойдаси йўқ. Қочишга

уринсак отиб ўлдиришдан ҳам тап тортишмайди. Афғонистонда одамни отиб ташлаш унчалик ҳам муаммо эмас... Кечки пайт, коронғуда душман деб ўйлабмиз дейишади, вассалом.

Қарасак, ҳеч иложи йўқ. Бизни кўйиб юборишмайди. Мажбур бўлдик, мен қисм навбатчисининг чўнтагига юз чек солдим, қоровул аскарларни эса Ринат рози қилди. Ҳар бирига эллик чекдан узатибди.

Ринат ўзини каравотга ташлаётиб норизо охангда тўнғиллади. — Ифлослар, юз чекнинг бошига етишди. Беш юз чек берсанг, бутун аёллар модулига кўшиб ўзларини ҳам сотиб юборишади...

Мен ўзимни тўхтатолмай кулиб юбордим.

Кўшни каравотда ётган Мўмин уйқуси безовта бўлгани учун гудранди:

— Ётсанг ўласанларми? Кечаси ҳам итдай санғийсанлар... Охири бир балони ортириб тинчийсанлар...

Ринат чидаб туролмади. Мўминга захрини сочди:

— Овозингни ўчир, қари чол! Энди сен етмай турувдинг.

Мўмин бошига тўшакни тортиб ўгирилиб олди:

— Менга деса ўлиб кетмайсанларми... Менга нима? Фақат унларинг ўчса бўлди. Уйқуни белига тепдинглар...

Ринат яна нималарнидир деб сўқинди. Мўмин эшитмасликка олиб хуррак ота бошлади.

Қизик, урушда ҳам кимгадир нимадир, масалан, пора берсанг ишинг юришади.

Полкда айрим аскарларнинг орден ва медалларни таниш-билиш, нул орқали олишади, деган гаплар юради. Балки, ростдир.

Уйқум келмаяпти.

8 март, 1987 йил.

Тунги соат 1³⁰

* * *

Кун кўнғилхиралик билан ўтди. Ёмон бўлди.

Взводимиздаги Валерий Проскуряков ўзини-ўзи портлатиб юборди. Воқеа бутун бошли ротанинг кўз ўнгида юз берди.

Дала машқида эдик. Тушликка чиқдик. Оғир машғулотдан кейин ҳеч нарса ёқмайди. Овқатдан сўнг бироз мизғиб олсанг.

Машгулотнинг асосий қисми тугаган. Пиёдалар баландликка югуриб чиқиши керак. Броня (БМП-2лар) эса пастликдаги нишонларни йўқ қилиб пиёда аскарларга йўл очиб бериши керак. Булар тушликдан кейин бажарилиши лозим топшириқлар.

Хамма овқатга боши билан «шўнғиган». Валерий бир чеккада осмонга қараб ётибди. Ранги синик. Авзойи яхшимас. Мен ундан тобинг йўқми, деб сўрадим. Қўл силтаб қўйди. Сўнгра ён чўнтагидан битта сурат олиб менга узатди. Жудаям хушрўй, кадди-комати келишган санам кўзлари чарақлаб турибди. Чехрасига ним табассум инган, калта сочини тарам қилиб икки ёнидан ўриб олган ёш ва гўзал жувонни мактабни битираётган шаддод қизга қиёс қилиш ҳам мумкин эди. Унинг ёнгинасида қўвирчоқдай, дўмбоқкина қизалоқ. Она бола рангли сувратда худди бир бутокдан ўсган қизил атиргул ва унинг гунчаси янглиғ бир-бирига ярашикли бўлиб турибди. Менинг Валерийга ҳавасим келди. Ҳаётни кўришга ҳам улгурибди. Биз жувонмаргларга қараганда тинч ҳаётнинг кўрки -- оила завқини тагиб кўрган. Унга оталик насиб қилган. Худо кўрсатмасин, афшонда унга бир гап бўлса, изидан ёниқ қоладиган чироғи бор, қизалоғи бор... Биз-чи, биз эҳ, жонга тегиб кетди.

Валерий ҳали ҳам осмонга термулиб ётибди. Кўзларининг туб-тубигача ўй. Қайғу, андуҳга чўмган. Мен Валерийга бир гап бўлганлигини англадим.

— Бирор нарса есанг-чи, нега аза тутиб олдинг?

Жанг пайти бериладиган қурук таом (сухой паёк) қутусидан темир идишдаги биқтирилган гўшт ва қуюк сут олиб узатдим. У қўлимни нари сурди.

— Дўст, сендан бир илтимосим бор. Бугун кечқурун қўлингдаги сувратни ва манови хатни менинг уйимга жўнатвор...

Унинг юзига разм солдим. Ранги оқариб кетган. Бирок, зўрма-зўраки илжайиб турибди. Юзидан ҳеч бир маъно укмадим. Телбанамо қарашидан кўнглим бир нарсани сезгандай бўлди, ҳар ҳолда унинг бу ҳолати яхшилик аломати эмас. Нима қиларимни билмай, биздан нарироқда овқатланаётган взводдошларимга қарадим. Хаммасининг парвойи фалак. Шу пайт Валерий ўкириб йиғлаб юборди. Борлик ларзага келди. Чўчиб кетдим. Жойимда тошдай

котиб колдим. У ерга юзтубан ётиб олиб тўлганаяпти, ерни муштглаяпти. Оғзига келган гапни қайтармай сўкина-япти. Бақирганига чидай олмайсан. Юрагимга зириллаган оғриқ чўкди. Гангиган кўйи ўзимни Валерийнинг устига ташладим. У мени бир силкиб анча нарига улоктириб юборди. Бошқалар ҳам хангу манг бўлиб қолишди. Ҳеч ким Валерийга яқинлашолмаяпти. У ўрнидан дик этиб турди. Қўлида Ф-1 гранатаси. Халқасини тортиб олди. Тиграб қақшаб йиғлаяпти. Зор қақшаяпти. Бундай оғриқли ҳолатни умрим бино бўлиб кўрмагандим.

— Минг лаънат! Минг лаънат! Ҳамма-ҳаммасига минг лаънат! Шуям ҳаётми?! Шуям ҳаётми?! Менинг ҳаётим йўқ. Ҳаётим тугади. Ҳеч кимим қолмади!.. Уруш менинг бошимни еди...

Валерий газабдан дағ-дағ титраяпти.

Взвод командири ўзингни қўлга ол деб, унга яқинлашган эди ҳамки, баттар жазавага миқди. Граната тутган қўлини ҳаволатди.

— Яқинлашма! Биттанг ҳам яқинлашма! Яшашни истасанг, яқинлашма менга! Мана, ҳозир менинг ҳаётим тугайди. Сенлар эса, яшайсанлар!.. Яшайверинглар!!! Ох, мен чидай олмайман! Жонимга тегди! Уруш, хиёнат! Ҳа, яқинларинг хиёнат қилса ёмон... Ифлослик... Мен қандай эркак бўлдим, мен қандай одамман ўзи?!

Валерий шундай деб граната ушлаган қўлини қорнига олиб келди. Биз, ҳаммамиз бутун взвод эсанкираб турибмиз.

— Алвидо, Римма! Алвидо, кизалоғим Зора! А-а-а-а!!!

Лахза ичида портлаш содир бўлди. Йўқ, аввал Валерий чакмоқ чакқандай ёлқинга айланди, ксйин портлади. Унинг танаси тилка-пора бўлиб кетган. Боши билан ярим бели анча нарида ётибди. Куйиндига айланган ерда қон сачраган. Атрофда гўшт, кип-қизил гўшт царчалари. Димокни порохнинг ачқимтир хиди ўртайди. Тананинг ярмида қолиб кетган аскарча кўйлак тутаяпти. Кўнгилни беҳузур қиладиган аянчли ахвол деярли барчамизнинг аклимизни шоштириб қўйди. Мен лоқас бўлиб жойимдан кимирламай, қарахт ҳолга тушиб қолдим. Қўлимда ҳозиргина ярим дақиқа олдин оёғида тик турган инсон — Валерий узатган сурат. Бунинг ҳаммаси жудаям қисқа вақт ичида содир бўлди.

Украиналик Юра Станогин ўкириб йиғлаб юборди. У қўлидаги автоматини ҳавода силтаб ақдан озган каби айланиб югурди, бақириб йиғлаяпти. Сўкинади. Важдоҳати аянчли.

— Ўлдираман! Ўлдирамаанни! Уни... қанжикни ўлдираман... Омон қайтсам, ўлдираман!!! Оҳ, жодугар, лаънати. Ж...б! Эҳ...

Юра йиғлаган кўйи айланиб чопар, нима қилаётганини англай олмасди. Вазод командири уни ушлаб бўйнидан бўғиб олди.

— Ўзингни бос! Нима қилаяпсан, ахмоқмисан... Ўзингни кўлга ол...

У Юрани силтаб юборди. Юра чўккалаб ўтириб олди. Ҳикиллаб йиғлаяпти. Манглайини сўл қўли билан ушлаб олган ўнг қўли эса ерни муштлайди.

— Лаънати хотин. Ифлос! Валерийга хиёнат қилди. Онангни фалон қилай, ж...б! Бошқасига илакишибди. Валерийга очиқ-ойдин ёзибди. Сенда кўнглим йўқ эди деб ёзибди. Бошқа шаҳарга кўчиб кетаяпман, излама, деб ёзибди. Кеча менга Валерийнинг ўзи айтиб берди...

Юра изиллаб йиғлаяпти. У жаҳл билан ўрнидан туриб менга ўнқирди:

— Суратни бер!..

Мен суратни Юрага бердим. У суратни ерга ташлаб автоматининг милини теккизди. Суратни отмоқчи... Юра ўзини йўқотиб қўйган эди.

Сапёрлар Валерийнинг тилкаланиб тўзғиган танасини териб замбилга жойлашаяпти. Қарашга юрагим бетламади.

Юра суратни отолмади. Назаримда суратда онаси ёнида жилмайиб турган қизалоқ унинг шаштини қайтарди.

Юра қанчалар баджаҳл бўлмасин, шунчалар кўнгилчан. Ҳар қандай пайтда бошқаларга яхшилик қила оладиган, бу билан кўнгли чоғ бўладиган йигит. Сен ўзбек, сен украин, сен ўрис деб айримчалик қилиб ўтирмайди. Одамга эл бўлиб кетаверади. Юра ҳозир Валерийнинг, ўз жонига қасд қилган Валерийнинг завол топган умри учун ҳаммамиздан кўра кўпроқ қайғуриб, ич-ичидан куйиб-ёниб кетаётган эди.

Дала машини тўхтатдик. Урушнинг яна бир қурбони билан казармага қайтдик.

26 март, 1987 йил

* * *

Кечкурун Ленин хонасига кириб уйга хат ёзишга чоғланган эдим, ҳовлиқиб Ринат кириб келди.

— Йўлдалиев ўлиб қолди? Энди нима қиламиз?

— Қайси Йўлдалиев, нима деяпсан ўзи?

— Анови бор-ку, тунов куни Жалолободдаги постдан бизга сургун қилинган. Учинчи батальондаги Йўлдалиев.

— Нега ўлади? Урдиларингми?

— Шундай шекилли...

— Нима кераги бор эди. Шунчалар ёвузлик қилиш шартми? Худо урганни бандаси ҳам урадимми?

Мен ўрнимдан туриб Ринатга эргандим. Ташқарига чикдик. Казарма бурчагида қора шарчалар куйманглашяпти. Бордим. Йўлдалиевнинг мурдаси тепасида разведкачилар взводидаги сержант ҳамда бизнинг ротадан учта аскар туришибди.

— Биз унга нега постда қоровулликда ухладинг? Нега сени алмаштиришга келаётган аскарни отиб ташладинг... Сен ЧМОсан (ҳақоратли сўз) дедик. Иванов бир туртган эди, казарма бурчагига бориб йикилди. Бир чеким наша берсаларинг ҳаммасини айтаман деди.

Разведкачи сержантнинг изоҳи ғазабимни тоширди. Тилимни тийдим.

— Кейин бурчакка тикилиб икки-уч бор наша тортиди. Юрагини ушлаб ётиб қолди. Юраги чаток экан, — деди Иванов.

Хуллас Йўлдалиев учинчи батальонда қоровуллик пайти ўзимизникини отиб қўйгани ва у ёқдан бизга юборишганидан бери, ротадагиларнинг уч кундирки тана-дашномини эшитавериб силласи қуриган эди.

Наша зўриққан юракка овирлик қилган чоғи. Эрталаб унинг ўлигини қисм табобат пунктидагилар Совет Иттифоқига жўнатишди.

Юрак хасталиги туфайли ҳалок бўлди деб таъхис қўйишди. Аслида ротадаги аскарлари уни уриб ўлдиришганди.

Кечалари уни ҳақоратлаб, дейишиб эшак қилиб минишибди. Афғонистонда аскарлар бир-бирига қанчалар меҳрибон бўлмасин, жангчилик шаънини ерга урадиган ножўя хатти-харакатни эса асло кечиринмайди. Айниқса, бошқа жойни билмадиму, бизнинг жанговар батальоннинг ўзига

хос темир қонуниятлари бор. Бу қонуниятни ҳеч ким бу-
золмайди.

2 апрел, 1987 йил

* * *

Қишлоқни кесиб ўтдик. Йўлнинг икки четидаги ўт-
ўланлар белга уради. Уфққа чирмашиб кетган чаманзор,
осмон гумбази остидаги бахмал кенгликларга шафақ шуъ-
ласи янаям жозоба бахш этган. Лолақизғалдоқлар охиста
чайқалади. Ернинг алвон гилами шамолда хилшираб тур-
гандай туюлади. Кўкнинг хар жой-хар жойида қуёш тилла-
ри санчилиб қирмиз тусда товланган булутлар осмонда
очилган улкан, катта-катта кип-қизил атиргулларга ўхшай-
ди. Оқшом чўкиш олдидан еру кўк оралиғи оловтус ёғду-
га чўмган. Жуда гўзал. Афсонавий манзарага боқиб таби-
атнинг буюк ва бетакрор рассом эканлиғига яна бир бор
имон келтирдим. Худди мана шу гўзалликнинг айни кўри-
нишини, табиат деган истеъдодли рассом илҳом лаҳзалари-
да қалби нурга тўлиб чизганга ўхшайди.

Бундай тирик, жозибали манзарадан кўнгилга яшаш
завқли, деган титроқли ўй чўқади. Ҳа, яшаш завқли. Одам-
зот мана шундай тип-тиник ҳаётнинг қадрига етмайди. Бир-
бири билан уришади, бир-бирини отади, қонини тўқади,
ўлдиради.

Табиат бизга шавққа тўлиб яша, чиройимдан бахраманд
бўл, деб бағрини очиб турган бир паллада уруш оловини
ёқамиз, мана шу гулу гўзалликни пайхон қиламиз, ёнамиз,
кулини кўкка совурамиз. Шундай мафтункорликни қун-
поёкун қилиб эзғилаймиз.

Оғир қарвон техникалар гуриллаб, танк ва БМП-2,
БТРлар заминни зириллатиб ўтаяпти.

Шафаққа чўмилган бахмал кенгликларда нафис титра-
ган қизғалдоқлар орасидан сенинг қок манглайингни мўлжал-
га олиб турган автомат мили ажал ўтини очиши ҳам мум-
кин. Тенангда, қирмизи осмонда кип-қизил атиргуллардай
очишиб, порлаб турган шафақда силқиган уюм-уюм булут-
лардан туйқус ажал ёмғирлари ёғиб қолиши ҳеч гап эмас.
Урушда ҳамма нарсани кутса бўлади. Бир-биримизни таъқ-
иб қилаётган, қираётган биз одамлар бундай пайтда айбни
урушнинг елкасига юклаб, менинг гуноҳим нима эди, дсб

қайғуга ботамиз, афсус ва надоматлар чекиб қисматни қар-
ғаймиз. Урушни лаънатлаймиз.

Ер юзини табиат гўзалликка буркаб, апрел оқшомини
шафак рангга чайиб олган пайтда биз ажал уруғини сочиб,
кимларнингдир ёстиғини қуритиш учун (жумладан, ўзимиз-
нинг ҳам) қаерларгадир кетиб бораяпмиз...

Бизга нима керак? Тушунолмаяман.

Манови кизғалдоқзорда юрган қурт-кумурскалар, коса-
гулчалар теграсида айланаётган капалаклар, боларилар ҳам
биздан кўра бахтлироқ бўлса керак. Улар кўрқувни бил-
майди. Улар ўлимдан беркиниб, минг бир ҳадик билан
азоб тортишмайди. Уларга хавасим келади.

Мен одамман, лекин кўкдаги парку булутга, заминдаги
гулга, кизғалдоққа, тизза бўйи ўсиб чайқалган ўт-ўланга
айланиб қолгим келаяпти.

19 апрел, 1987 йил.

Кечки соат 17. Баграм йўли

* * *

Ярим тунда Баграм вилоятининг марказига яқин қиш-
лоққа кириб келдик. Ёмғир майдалаб ёғаяпти. Уст-боши-
миз шалаббо бўлиб кетди. Боши охири йўқ колоннада
тизилган техникаларнинг чироғи ўчган. Зулмат кўйнида
хар бир взвод ўзига тегишли техникалар билан алоҳида-
алоҳида ҳимояда турибди.

Мен БМП-2 башняси устида ўрнатилган олисни ёри-
тувчи чироқни ёқиб атрофни кузата бошлаган ҳам эдимки,
алоқада батальон командирининг сўкиниб бакирганини эшит-
дим. Ичимда «Мен ҳам сенинг онангани...» дедим-да, чи-
роқни ўчирдим. Шу қисқа фурсат ичида ёнимиздаги қалъа,
тўғримиздаги пастқам кулбани, биз жойлашган ер атрофи
баланд деворлар билан ўралган кўрғон эканини билиб ол-
дим.

Ёмғир тинай демайди. Кўпчиган лой ерда юриш маҳол.
Взвод командири янги келган отувчи-операторни БМП-2
да қолишини айтди. Менга эса шунда аскарлар билан ёни-
миздаги қалъага киришимни таъкидлади. Бу гап менга
малол келди. Кўрқоклик келаяпти, деган хаёлга бормасин,
ноилож машинадан тушдим. Кийим бошим ёмғирда ивиган.
Этим жунжикаяпти.

Тимирскиланиб қалъа ичкарисига кирдик. Юқорига кўтарилган лой зина орқали қалъанинг иккинчи қаватига чиқдик. Тўғридаги кулбага рўпарама-рўпара ўрнашдик. Қалъа томи девор билан ўралган эди.

Ёмғир тинай демайди. Тагимизга жанг тўрвани кўйиб, деворга суяниб ўтирдик. Ёнимда калугалик Анишин деган ўрис бола. Зайцев билан Ахмадулин деган татар йигит пастда қолишди.

Икковимиз ҳам миқ этмай ўтирибмиз. Мен автоматимни кулба томонга тўғрилаб кўндоғидан маҳкам қисиб олганман. Қанчалар тикилмайин ҳеч нарсани кўрмайман. Ёмғирнинг шитир-шитири юрагимга баттар ваҳима солади. Асабларим қакшаб, кўзим зўриқиб оғрияпти. Шундай бўлсада башня чироғи нурида кўрганим кулба томондан кўз узмаяпман.

Толиқдим. Елкамни яна деворга тирадим. Назаримда, тун кўйнида кимдир биз томонга юриб келаётгандай туюлаверди. Ёмғирда эғнимдаги зирҳкийимим оғирлашиб қолди.

Ёнимдаги Анишин ҳам тош қотиб ўтирибди. Ичидан нима ўтаётганини ўзи билади. Ўзимни илк бор бенажот ҳис қилдим. Фақат кўлимдаги қурол менга далда бериб турибди. Зирҳкийим чўнтагидаги гранаталарни ушлаб кўйдим. Агар бирор қор-ҳол юз берса кўкка отишим лозим бўлган хабармушакларга ҳам қўл теккизиб кўйдим, жойида!

Анишин елкамдан туртиб шивирлади:

— Совуқ едим. Чидай олмайман. Хамма ёғим шалаббо...

Овози қалтираяпти.

— Сабр қил... Чида. Бошқа иложимиз йўқ. Озгина мизғиб ол. Мен қараб тураман, — дедим.

— Шу ёмғирда лойга беланиб ухлаб бўларканми? Ёмғирдан панароқ жой қуриб кетганмиди... Ҳе, онасини...

Мен эшитмаганга олдим. У менга яқинроқ сурилди. Дир-дир қалтираганини сезиб турибман. Ўрнимдан кўзғолиб жанг тўрвамни титкиладим. «Атиргул суви» деган одеколони топиб Анишинга узатдим.

— Ма, ичиб ол. Исийсан.

У одеколони олиб ичди. Бироз жимиб қолди. Сўнг:

— Яна ичсам майлими? — деди ялиниш оҳангида.

— Ич. Факат озроғини қолдир, — дедим мен.

...Анишин бошини елкамга тираб пинакка кетди. Мен атрофни кузатиб турибман. Тезроқ тонг отишини жондим билан истаяпман. Агар тонгга етиб олсак, жонимиз омон қоладигандай, агар тонг отса ҳаммаси тугайдигандай. Вақт эса жуда секин, имиллаб ўтаяпти.

Оёкларим акашак бўлиб кетди. Ўзимни чалғитай деб қанчалик уринмай, ваҳм ичида хаёлимга ҳеч бир ёруғ ўй келмаяпти.

Бошим лўкиллаб оғрияпти. Зирхқалпоқни ечиб, ёнимга қўйдим. Деворга суяниб оёкларимни узатдим. Ёмғирда ивиған девордан сирғалиб тушган суюқ лой гимнастёркам ёқасидан баданимга оқиб кирди. Қимирлашга мажолим йўқ. Бўғинларим қакшаб оғрияпти.

Тун чекинаёй демайди. Елкамдан зах ўтиб кетди. Тишларим тақиллаб, қалтироқ тутди. Бир томонга оғиб йиқилдим. Қўлим қўлмакка ботиб, юзим лойга беланди. Анишин уйғонди. У нимадир деб асабий ғудранди. Шу маҳал гургурт чақиб сигарет тутатди.

— Ўчир сигаретни, нима қилаяпсан?! Аҳмоқ, жонингдан тўйдингми?..

Ўзимни тутолмай қўндоқ билан бошига туширдим. Зирх қалпоғи тарақлаб кетди.

Анишин ўрнидан туриб телбанамо қичкириб юборди...

-- Ха! Ха! Жонимдан тўйдим. Янаш жонимга тегди... Мен сил бўлиб ўлишни хохламайман, билдингми... Лаънатилар, жонга тегдиларинг... Ҳамманг. Ҳаммасидан тўйиб кетдим!!!

— Ҳали замон тонг отади. Қуёш чиқади, Анишин. Чида ошна, чида!

- Қуёшимиз чикмади. Бизнинг қуёшимиз сўлганга ўхшайди...

— Ўзингки қўлла ол. Тонг отади. Оз қолди.

— Тонг отмайди. Менинг қуёшим ҳам юймайди. Уни ҳеч ким уй ютолмайди. Билдингми? Ким уйғотади, қуёшни? Сенми, бошқаларми, командирларингми? Жонга тегдиларинг.

Сигарет чўғида қалтираган қўли ва юзи лахзада элас кўзга чалинди.

Тўғримизда, ўттиз қадамлар чамаси нарида учкун сачрагандай бўлди. Ҳавода кетма-кет отилган ўқ овози чийил-

лади. Саноксиз ўқлар деворга келиб урилди. Лой парчалари ташиллаб кўчиб тушди. Мен ерга юзгубан бўлиб қапишиб олдим. Оний ҳолатда душман бизни пайқаганини сезиб улгурдим. Жон ҳолатда ерга санчилган бармоқларим зиркираб оғриди. Мен айна дам лой ичига кириб кетгудай бўлиб ерга тирмашардим.

Яна ҳавони йиртиб ваҳимали чийиллаб тепамдан ўқ учиб ўта бошлади. Яна деворнинг ўқлар чишиллаб ёпишган жойидан лой бўлаклари устимга оғиб тушди. Шу захоти Анишиннинг оғриқ билан ихраб юборганини эшитдим ва у менинг ёнимга гупиллаб қулади. Ётган жойида хириллаб, чилёсин бўлиб тиширчилаяпти. Бирдан силтана бошлади. Мен унинг шилтаси чиқиб ивиган кийим бошини пайпаслаб қаеридан ўқ еганини билолмадим. У энди ҳансираб нафас олаяпти. Кўкраги кўтарилиб тушаяпти. Ўқчияпти. Мен унинг бошидан зирх қалпоқни счиб олдим. Нима қилишимни билмай қолдим. Бошини тиззамга қўйиб юзини силадим. Қўлимга илимлик нарса тегди. Оғзидан қон оқаяпти. Уни силтай бошладим. Бир лаҳза керишиб, қотиб қолдида, сўнг танаси шилқиллаб бўшади. Анишиннинг жони узилди. Бошини қўлимдан ташлаб юбордим.

Кўкка қизил мушак отиб, танг аҳволда қолганимни пастдагиларга хабар бердим. Душман ўқ отган жойни нишонга олиб кетма-кет ўқ уздим. Битта ўқдон бўшади. Иккинчи ўқдонда қоронғуда нур чизиб учадиган ўқ жойлаган эди. Мен ёнувчи ўқ ота бошладим. Қоронғуда отилган ўқлар кўкимтир из қолдириб қулба деворларига санчилар, баъзилари нишонга теккач, ўз йўналишини ўзгартириб кўкка сапчирди. Бу билан пастдаги техникаларга душман худди мана шу ерда беркинганига ишора қилдим. Зум ўтмай атроф ёришиб БМП-2 ва танклар қулба томонга ўт очди. Борлиқ гумбурлашлар ичида зир титради. Тун пардасини ёриб учган снарядлар зимистонлик ичра сапчир, дарахт шохларидан учқун сачраб қарсиллаб синар, снарядлар тушган жойдан олов ўрлар эди. Оғир техникаларга артиллерия ҳам қўшилди. Гумбурлаган замбараклар касос ўтида ёнаётган юрагимнинг ховурини босаяпти. Мен вайронага айланиб олов ичида қолган қишлоққа қарата узлуксиз ўқ отаяпман. Автоматим мили чўғ бўлиб қизиб кетди. Жанг тўрвамда охирги ўқдоним қолди. Яна отмоқчи бўлган эдим. Қуролим мили қизиб кетибди.

Мен лойга чапланиб Анишиннинг танасини қалъа бурчига судрадим. Пастга тушадиган лой билқиган зинапоя олдига олиб келиб уни елкаламоқчи бўлдим. Тиззаларим қалтиради. Мажолим йўқ. Қаердандир адашган дайди ўқ чийиллаб бошимни ялаб ўтди. Йўқ у дайди ўқ эмас эди. Артиллерия отишмасидан омон қолган душман қалъани тусмоллаб ўқ узаяпти. Бир маҳал қалъа ичкараси ёришиб кетди. Гранатомёт портлади. Мен гупиллаб пастга қуладим.

Устимдан Анишиннинг ўлиги босиб қолди. Сўнг қўлим лат сди. Тепада яна портлаш содир бўлди. Билч-билч лойда эмаклаб ўликни судраяпман.

Атрофда тавин ўқ овозлари янгради. Душман қора тунда бизни сиқиб келаётганини англадим. Взвод қуршовда қолган эди. Кўкка яна қизилмушак отдим. Шу маҳал теграмда чийиллаган ўқ ёмғирлари ёғди. Ўнг биқиним чимиллаб оғриди. Олов ютгандай бўлдим. Оғрикка чидай олмай дод солиб бакира бошладим. Жонҳолатда сўнгги хабармушак халқасини тортдим. Чалқайрамон ётиб тўлғонарканман, кўкка учган қизилмушакни кўрдим.

Кимдир мени силкилаяпти.

Оғрик сезилмаяпти. Қовоғим оғирлашган. Кўз очолмайман. Фақат тарақ-туруқлар остида чайқалаётганимни базўр ҳис қиламан. Мени қасрғадир олиб кетишаётганини англаб-англамайман.

... Кўзимни очдим. Ёруғлик. Ўнг биқиним жизиллаб оғрияпти. Мен оқ чойшабга ўраниб ётибман. Тушга ўхшайди. Яна кўзим илинди.

Орадан уч кун ўтиб ўзимга келдим. Баграмдаги госпиталда тонг маҳали операция қилишибди. Ўнг биқинимдан яраланибман.

Госпиталда бир ой ётдим. Палатада ярадорлар кўпайгач, мени қисм табобат пунктига қайтаришди. Қазармала ётибман. Ярамни боғлатиш учун кундуз кунлари катнаяпман. Қисмдагилар Қундуз вилоятига жангга кетишди.

20 май, 1987 йил

* * *

Ёз келди. Боғлар яшнади. Дов-дарахтлар япроғи куч олди. Меваларга хол урди. Яна Баграмнинг ям-яшил қиш-

лоқларнинг бирига кириб келдик. Қишлоқ ичи бир зумда чанг-тўзон, қуюқ тутун ичида қолди. Шовқин-сурон, кий-чув ичида дағдаға билан деворларни ўпириб, паҳса уйли ховлилар шийпонларини синдириб, тоқлари ер бағирлаб ўсган узумзорларни пайхонлаб ўтган оғир техникалар қишлоққа киргин солиб, ҳамма ёқни остин-устун қилиб юборди. Деворларга суяниб шох ташлаган гилосларнинг қирмиз меваларига техникалар устидаги аскарлар очкўзлик билан қўл чўзишади, новдаларни синдириб олишади, шиғил-шиғил мунчокдай-мунчокдай тизилган гилосларни чангаллаб оғзига тикишади. Новдаларида ивиша бошлаган ўрикларни авваллари сира кўрмагани сингари шохи билан синдириб олишади. Еганини еб, қолганини чўнтақларига уришади. Айримлари зирхқалпоқларини ечиб, ичига гилосми, ўрикми, олма гўрасиними, дуч келган мевани териш билан оввора.

Армия жангга эмас, талончиликка чиққан. Машиналар устидаги командирларнинг ҳам парвойи фалак. Кулбаларнинг кичик дарчаларига парда тортилган. Ховлиларда ҳеч ким кўзга ташлабмайди. Одамлар беркиниб олишган. Кўра-қўтонларда гарангсиб қолган кўй-кўзилар безовта бўлиб ўзини ҳар ёққа уради.

Бизнинг ўзимиз хон, кўланкамиз майдон. Қишлоқда кўнглимиз тусаган ишни қилдик. Фақат кулбалар ичига кириб боришга, кўрвонларга яқинлашишга юрагимиз дов бермади.

Қишлоқ аҳли қаршилик қилмади. Анчагача ҳеч кимнинг қораси ҳам кўринмади. Қишлоқда душман йўқлигига, аҳоли биздан кўрқаётганига ишонч ҳосил қилдик. Машиналар ёнига чодир тикиб, тушликка ҳозирлик кўра бошладик. Гулханлар ёқдик. Гўшт, картошка, гуруч, гречка солиб беркитилган темир идишларни очиб оловга қўйдик. Атрофга иштахани очадиган ёқимли бўй таралди. Ҳар жой-ҳар жойдаги қоровуллардан ташқари ҳамма овқатланиш билан банд.

Пиёда аскарлар ўзига яқин қуролдошлар билан тўда-тўда бўлиб ўтириб овқатланишмоқда. Аскар учун ҳаётнинг маъноси фақат ухлаш, тўйиб овқатлавишда. Бошқаси галва. Жонга тегади. Урушда эса ҳар дақиқанинг ўтиши азоб-уқубат. Кун санайсан. Эртага нима бўлишини билмайсан. Кеча-кундуз жонинг хавотир ўтида қоврилади.

Шохлари тарвакайлаган қари тут соясидан жой топган БМП-2 устида ўтириб тушлик қилаяпмиз. Шабада эсади. Қип-қизил пишган тут мевалари тўкилади. Уст-бошимиз қизил доғ бўлиб қолди. Машина устига тўкилган тут меваларидан қизғин шарбат сизади. Тутдай тўкилди, дсб бежиз айтишмаган экан. Ҳамма жойим худди қон томчилагандай — қип-қизил. Худога шукр, қон томчиламапти. Қон томишидан худо асрасин.

Ўқ овози эшитилди. Ўзимни машина ичига урдим. Гранатомёт отилди. Яна кетма-кет, чийиллаб ўқлар учди. Отишма бошланди. Хотиржамликка берилган кўшин қаерга бош уришини билмай қолди. Ҳар томондан зарбага учраяпмиз. Дарахтларнинг қуюқ шох-бутоқлари, одам бўйи баробар ўт-ўланлар ичидаги боғнинг қай томонидан ўқ отилаётганини сезиб бўлмас эди. Гўё ҳар бир девор, дарахт, тошу кесак, ўт-ўланга жон битиб бизга ўт очаётгандай. Биз бундай ҳолатга кўп тушганмиз. Неча бор бамайлихотирликка чалиниб панд еганмиз. Бугун ҳам шундай бўлди.

Тўғримиздаги ховлидан ҳам гранатомёт ўт очиб қолди. Девор ёриғидан ўқ отилди. Мен хамишагидай кўзим илган жойни мўлжалга олиб, БМП-2 отув милини тўғрилаб кетма-кстин, бирваракайига ўт очавердим.

Кулба чанг тўзон ичида қолиб кетди. Деворининг бир томони ўширилиб тушди. Томидан тутун ўрлади. Деразаси букилиб бўлди. Уйдан мункайган кўйи югуриб чиққан қора халат кийган соқолли киши эгнига грантамётни кўйиб биз томонга ўт очди. Мен шошиб қолганимдан пулемёт билан бирга кўшиб пушкани ҳам ишлатдим. Ўқ ва снарядлар кулба томон учди. Халиги, грантамёт кўтарган одам турган жойда қуюқ тутун ва чангдан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолди. У шубҳасиз ер тишлаган эди. Шу пайт кулба томи устида югураётган беш-олти ёшлар чамасидаги қизалоққа кўзим тушди. У том устига қандай чиқиб олдийкин? Ичкарида олов кўтарилди. Кулба ичи ёнапти. Ён тарафдан яна отишма бошланди. Душман аёвсиз олишишга шайланганини ортимиздан, кун ботар томондан миномётлар ҳам ўт очаётганидан пайкашимиз кийин эмас эди. Демак душман бизни кўриб турибди. Қишлоқда аҳоли йўк ҳисоби. Шу боис ҳам бизга қандай номаъқулчилик қилсак ҳам деярли қаршилиқ кўрсатишмаган.

Яна битта снаряд машинанинг ёнига келиб тушди. Димовимга куйинди хиди урилди. Машина устидаги Овченко деган украин аскар хаво зарбидан ерга кулади.

Мен тўғридаги ёниб бораётган кулба томидаги кизалокка карадим. У том ўртасида ўтириб олган. Иккала қўли билан кулоқларини беркитиб, бошини тиззалари орасига олиб, қимирламай ўтирибди. Нозиккина, қотма елкачаларига тушган тим қора сочлари ва курагининг чуқурчасини кузатув ойнаси орқали яққол кўриб турибман.

Атрофда жаҳаннам олови ўрлайди. Қизалок қимир этмайди. Карахт бўлиб қотиб қолган. Кулба эса ёниб борапти.

Шу тонда ёнимдаги танк пушкаси ёнаётган кулбага тўғриланди. Аъзойи баданим қалтираб кетди.

– Қутича, отма... Отма, қутича... Том устида кизалок бор! Қутича... Қутича... – дедим ҳансираб алоқада.

Оғзингни юм, Бубен — 1! Ишингни билиб қил, — танк командирининг қахрли жавоби эшитилди.

Қизалок батгар кичрайиб бораяпти. БМП-2 кузатув ойнасидан унинг муштдеккина озғин жуссаси, тиззалари орасига бошини яшириб, кулоқларини нозик қўлчалари билан беркитиб, дағ-дағ титраётганини яққол кузатиб турибман. Қизалокка сўнгги бор карадим. Қаёкка беркинишини билмай, мажолсиз қолган шўрликка жоним ачишди.

Шу пайт ёнимдаги танк гумбирлаб, силтаниб кетди. Томнинг кизалок турган жойи тир-тўзғиб, кули-кўкка соврилди. Қизалокнинг ҳам танаси титилиб кетганини англаб, бошим зирқираб, кўз олдим қоронғуланди. Мен кўзларимни чирт юмиб олдим...

Ҳаминагидай яна... Қишлоқдан қочиб чиқдик.

6 май, 1987 йил. Баграм

* * *

12 май куни бўлган воқеалар ҳақида ҳеч нарса ёзолмайман. Эсласам этим жўнжикаяпти. Қиёмат-қойимнинг ўзгинаси. Бунақанги жангни сира кўрмагандим. Душман билан юзма-юз турдим. БМП-2 ёниб кетди. Ўт ичидан, душман қўл остидан қандай чиқиб кетганимни, қутилиб қолганимни билмайман. Худонинг раҳми келди. Жоним омон қолди.

Машинани тўртта жойидан грантамёт билан уришди. Мен ичкарида эдим. Ёшимга автоматимни тик қилиб қўйгандим. БМП-2 ичини тешиб кирган снаряд парчаси ёнбошимда тиралиб турган автоматим милини ёриб юборган эди.

Қуриовдан, ўқ ёмғирлари ичидан омон-эсон чиққанамга ўзим ҳам ишонмадим. Худонинг қудрати бекиёс. Яратган эгам, Парвардигорим-а, шу ерларда ўлиб кетмайин. Ўзинг асра!

20 май, 1987 йил. Кобул

* * *

Яна Баграмга чиқдик. Пушталаб ўсган токзорнинг кок ўртасида машинани тўхтатдик.

— Шу ер бизнинг химояда туражак нуқтамиз. Бир кадам ҳам силжймаймиз.

Хар доимгидай дўк-пўнса, кўз кўрқди қилиб ён-атрофдаги қишлоқларга техникалар, пулемёт ва автоматлардан ўт очдик. Машина тагидан хандақ казидик. БМП-2 ни шох-шаббалар билан кўмиб қўйдик.

Токзорда оқ кишимиз пишиб қолган эди. Хоҳлаганимизча узиб олиб еялмиз. Машина ортидаги иккита эллик литрга чамаланган сув идиш қопқовини очиб, ичига узум солиб эзгиладик. Озгина ачитқи қўшиб оғзини яна қайтадан маҳкамлаб ташладик.

Харорат жуда баланд. Еру кўк орасидаги ҳаёт ҳансираб нафас олади. Токқа туташ олис-олислар худди денгиз сатҳидан қайтган нур каби қорамтир тусда жимирлайди. Бу — жизғанаги чиққан жазираманинг июл қуёшида чайқалган елвизак. Борлиқ жазирамада сув бўлиб эрийман дейди. Кўнглинг лоҳас тортади.

Жимирлаётган кенгликда биз томонга бошини қуйи солиб бир тўда қўй келаяпти. Мен дурбин орқали қўйларни қайта-қайта санадим. Еттита.

Улар ёнгинамиздаги қишлоқдан чиққан ёки ҳув олис тоғ ён-бағирларида ўз сурувидан адашиб қолган. Нима бўлганда ҳам қўйлар галаси сувсизликка дош беролмай тап-тақир биёбонда биз томонга келарди.

Қўйлар тўхтаб қолди. Бизга яқинлашолмади. Аскарлардан бири уларни ҳайдаб келди. Взвод командири алоқада батальон командирини бу «янгилик»дан бохабар этди. Иккита қўйни қисм штабига жўнатдик. Иккитасини эса оёғини боғлаб батальон командири юборган БМП-2 устига ташла-

дик. Битта қўйни ёнимизда ҳимояда турган разведкачиларга улашдик.

Ҳамюртимиз Саид семиз қўйни ётқизиб, бўғзига пичок тортди. Пичок жуда ўтмас эди, базўр сувни кесарди. Пичок бўлганда ҳам «штыкнож» автомат милига ўрнатиладиган пичок.

Қўйни шу пичок билан сўйиш азоб бўлди. Қўй типирчилайвериб роса қийналди. Жони узилиши қийин кечди. Пичок қўйнинг бўғзини кесолмади. Чалажон қилиб ташлади. Қони гўштига уриб кетди.

Қўйнинг қонига чўмилган Саид, унинг терисини шилинганга киришди. Гўшт қип-қизил, қон аралашиб қолган эди. Қимдир бу гўштни сиб бўлмайди деди. Гўштни шундайлигича боғ этагига олиб бориб ташладик.

Гўшт ейишнинг осон йўли топилди. Яна бир семиз қўйни хандақдан беш ўн кадам нарига қўйдик. Саид автоматни олиб қўйни қоқ манглайдан кетма-кет отди. Қўй турган жойидан уч кадам отилиб кетди. Қўйнинг ўлигини оёридан БМП-2 отув милига олиб терисини шилдик.

Машина тагига иккита қозон осдик. Бир қўйнинг гўштини сиб тугатиш осон кечмади. Қон иссиқ эмасми, гўшт меъдамизга тегиб қолди. Ҳар ҳолда қўй гўштига тўйиб олдик.

Биз Баграмда бир ой қолиб кетдик. Отишма содир бўлмади. Бир ой, қўрқув ва ҳадиксиз яшадик. Ёнимизда узумзор, ундан нарида аҳолиси ташлаб қочиб кетган қишлоқ. Томорқаларда помидор ва бодрингдан тортиб ҳамма нарса пишиб етилган. Ҳар куни қишлоққа тушамиз. Керакли емакни ортмалаб, гоҳо машинага босиб олиб келамиз. Бир кун товуқ гўшти, бир кун қўй гўшти дегандай, қозонимизнинг жази баланд.

Биз бундай ишга ўрганиб қолганмиз. Урушда талончилик одатий ҳол. Ахир бошқа нима қилиш керак?

1 август, 1987 йил, Баграм

* * *

Билмайман, нега шундай? Тилло топган тентакдай Баграмга серкатнов бўлиб қолдик. Бугун 15 август куни аэродром яқинидаги қишлоққа йўл олдик. Қишлоққа киргуни-мизга қадар сокинлик ҳукм сурди. Тарғибот взводдаги БТР башнясига ўрналган қарнайнинг жағи ёпилмади... Қиш-

лоқ ичига бош суккунга кадар ялангликда ярим соатлар чамаси оёқ илдик. Радиокарнайнинг «чакаги» ўчмади... Аскарларни рухлантириш учун «Боевик награждаются орденами» деган русча қўшиқ қайтма-қайт янграйверди. Топишган қўшиғини қара-ю, тепангдан ўқ учиб, жонинг халқумингга тикилиб, ичинг идраб турганда кўзингга орден-медаль кўринадими? Тасодиф содир бўлиб, қишлоқ ичкарисига кирмай изимизга қайтиб кетсак, қанийди... Агар оркага қайтамиз, буйруғи янграса имоним комилки, бутун бошли қисм жангчилари шодлигидан ўзларини кўярга жой тополмай қолишлари аниқ эди. Шахсан мен бу хушxabарни ич-ичимга сиймай қабул қилардим, жангда чиқишдан кўрққан десалар ҳам майли «урра» деб бақириб юборишдан ҳам ўзимни тия олмасам керак. Нега хурсанд бўлмайин: кўра била туриб, беҳудадан беҳуда ажал чапғалига ўзини тошириш ҳам ғирт аҳмоқлик эмасми? Баграмда неча бора жангга кирдик. Лекин ҳар гал шарманда бўлиб ортимизга қочиб чиқдик. Умуман, бундай жангларнинг нима кераги бор?

Қишлоқ ҳудудини ҳадлаб, кўрғон ёнидаги узун хандакка бекинган батальонимиз қақшатқич зарбага учради. Тепамизда қиёмат шамоли гувуллайди. Ўқ, снарядлар ҳаводаги қилнинг қирқ жойидан тегиб ўтади. Бош кўтариш ҳақида ўйлаш беъманилик.

Танклар оғир техникаларнинг «жазавага мишиши», оғзидан олов пурқаб гумбурлаши ҳам қор қилмади.

Яхшиям, хандак бор. Агар урушда хандаклар бўлмаганда, қисмлар, бутун бошли дивизияларнинг кирилиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Юрагимда ваҳм, ичимдан қириқди ўғиб бошимни зирхқалпоқ билан тўсиб, бир тутам бўлиб юзтубан ётибман.

Хандак бошида гумбурлаган портлаш рўй берди. Қуюқ қора тутун кўтарилди. Хандакқа «РС» снаряди тушди. Хандак четидаги тупроқ уюми устида кимнингдир автомати ва зирхқалпоғи ётибди. Берироқда эса тиззадан настидан чўрт узилиб кетган оёқ. Оёқдаги ботиқка боғичидан ерга шилқиллаб қон сизаяпти. Нақадар аянчли. Лекин, жонинг таҳликада тургач, унча-мунча нарса кўрқинчли бўлиб туюлмайди, без бўлиб қараб тураверасан.

Хандак бошида энкайган кўйи батальон командири шилдираб югуриб келаяпти. У менга яқинлашиб келди. Ранги доқадай бўлиб оқариб кетган. Ўзини йўқотиб кўйгани се-

зилиб турарди. Уни менинг олдимга келиб тўхтаса керак, деб ўйладим. Юзтубан ётавердим. Командир елкаларини сўли-ўнг килиб, букчайиб чошиб келаяпти. У тўхтамади. Менга ҳам эътибор бермай бошимни, зирхқалпоғимни бошиб, устимдан тасур-тусур килиб ўтиб кетди. Хеч нимани англамай ётган жойимда ортимга қарадим. Командир бошқаларнинг ҳам устидан тепкилаб орқага чошиб бораяпти. Бошқалар ҳам унга эрганиб қоча бошлади. Батальонни ташлаб қочган командир ортидан мен ҳам югурдим. Яхшиямки, оғир техникалар қишлоққа кирмаган эди. Улар бизни чакалакзор четидаги очик майдонда кутиб турарди. Хар ким ўзига тегишли БМП-2, БТР га чиқиб олди. Ортга қайтдик. Катта йўлга чиққач, колонна тўхтади. Батальон командири алоқада юкоридагиларга топширик бажарилганини маълум қилди. Қанақа топширик эканлигини эса худо билади.

Мен БМП-2 дан тушиб йўл четидаги дарахт панасига ўтмокчи бўлдим. Батальон командири менга қараб турган экан, имлаб чақирди. Колонна бошига бордим. Командир БМП-2 дан тушиб менга валати қараш қилди. Юзида алланечук хижолатли ифодани сезгандай бўлдим. Нимадир демокчи-ю, айтолмаяпти. Елкамга кўлини кўйиб, ерга қаради. Кўзимга тикилолмаяпти.

— Порқобилов, дўст! Ўзинг тушунасан... Уфф, жонимдан ўтиб кетди... Яқинда уйга қайтаман... Сени «Жасорати учун» медалига тавсия қиламан. Халиги... халиги... Жангда хар хил тафсилотлар бўлиши мумкин. Тушундингми? — деди у хамон ерга қараб.

- Тушундим, ўртоқ майор!

- Бор энди...

Майор «жангни ташлаб қочганимни гапириб юрма...» деган маънода мени чақирганини тушундим.

15 август, 1987 йил. Баграм

* * *

Батальон командири ўша жангдан сўнг «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланди. Кўпчилик аскарлар мукофотланди. Улар ичида мен ҳам борман. Тўғриси айтганда, бугун шу мукофотни олишимдан уялаяпман.

29 август, 1987 йил. Кобул

Кун ёниб борапти -- иссиқ. Ерда ўт тафти бор. Атрофимиз тоғлар билан ўралганига карамай қилт этган шамол йўқ.

Жалолобод Афғонистондаги энг иссиқ ва қуруқ иқлимга эга ҳудуд. Олов селидан жон саклаш учун ўзимизни апельсинзор ичига урамиз. Димикқан апельсинзорда куннинг қайтишини ҳансираб кутиб ётибмиз. Совуқ ўлкалардан келган аскарларнинг ахволи жуда танг. Бечоралар сувсизликда жон таслим қилаётган балиқдай беҳузур бўлиб овир-овир нафас олишади.

Техникалар жойлашган тап-тақир ялангликда сув тўлғазилган ясама мешҳовузларга ҳар ўн-ўн беш дақиқада тушиб чиқамиз. Айлана мешҳовузлардаги сувлар ҳам илиб қолган.

Бу ерда шўро армиясининг махсус бригадаси жойлашган Жалолободдаги энг катта қўшин шу. Хайронман, бу ернинг иссиғига бригада аскарлари қандай чидаркан. Ўриси ҳам, ўзбеги ҳам, бошқа миллат вакиллари ҳам бир хил: ҳаммаси офтобда майизтон бўлиб қорайиб кетган. Шу холига ярим белигача яланғоч юришибди. Елкалари оланес бўлиб кетган, қават-қават пўст ташлаган.

Мен ҳам ярим яланғоч бўлиб, устимдан зирҳкийим (бронжилет)ни ташлаб олдим. Бронжилет ичидаги чўянинг иссиғи брезент сиртдан ўтиб баданимни жизиллатиб қуйдираяпти. Автоматим мили ҳам чўғдай қизиб кетган.

Зирҳкийимни ҳам ечмай, бор будум билан ўзимни мешҳовузга ташладим. Ҳар ҳолда жоним ором ола бошлади. Анчагача мешҳовуз ичидан чиқмай ётдим. Сафга тизилинглари деган буйруқ янгради. Апельсинзор ичидаги аскарлар ёв қувгандай тиркираб югуришиб чиқишди. Рота бир каторга тизилди. Айни тол тушда офтобнинг тагига тизиб қўйган командирни бир мен эмас, бошқалар ҳам ичида онасини ахтариб сўкинганини хис қилдим. Кимга ёқади жазирама иссиқда таёкдай қотиб туриш? Ниҳоят, командир ўсмоқчилаб жанговар ҳолатда, ҳар қандай ҳужумга шай бўлиб туришимиз зарурлигини таъкидлади. Вазият қалтис деди у. Жалолободдаги каллакесар банда раҳбарларидан бирининг тўксон ёшли отаси казо қилибди. Махфий маълумотларга кўра бугун Афғонистондаги барча жангари тўдаларнинг бошликлари жанозада катнашар экан. Хув, ана, яқингина-

да, кўзга ташланиб турган тоғ ортидаги қишлоқда дафн маросими бўлаяпти.

Бутун Афғонистон бўйича жангариларнинг тўдабошилари йиғилгани, улар айнан шу ерга, бизга яқин жойда тургани аскарларда нафақат нохуш кайфият, кўнглида кўрқув ҳам уйғотди. Қисм жангчилари кутилмаган хабардан саросимага тушиб қолишди. Энди шу етмай турувди. Бу лаънатилар бирлашса қисм тугул, армияни ҳам ёлпасига мияси қуртлаган сурувдай гандираклатиб ташлани мумкин.

Кун бўйи диккинафас бўлиб юрдик. Бир донаям ўк отмадик. Хабармушак учирмадик. Тоғ ортидан кўз узмадик. Тонггача мижжа қоқмадик. Зобитлар коровулларни ҳар ўн минутда текшириб туришди. Кўзим илинган экан.

Град ва ураганларнинг шанғиллашидан уйғониб кетдим. Тоғ ортини вайрон қилишмаяпти. Бироздан сўнг замбаракларнинг гумбур-гумбури ҳам қўшилди.

Тоғ тепасидан бизга қарата қарши ҳужумга ўтган душман мўлжалга беҳато ура бошлади — биз ердан бош кўтаролмай қолдик — машиналар тагига бекиндик. Машиналар тагида ҳам жон сақлаш мушкул бўлиб қолди. Миномётлар тўша-тўғри келиб техникалар устига тушмаяпти. Жаҳаннамнинг ўзгинаси. Тирик қолишимга кўзим етмади. Апельсинзор томон эмакладим. Қисмнинг тенг ярми апельсинзорга қочиб кирибди. Буни пайқаган «дух»лар апельсинзорга ҳам ўт очди. Устимиз новдалар қулай бошлади. Ярадорларнинг дод-войи, снаряд парчаларининг зирхқалпоқ ёхуд зирхнимчаларга тарақлаб урилиши эшитилади, шовқин-сурон ичида карахт ахволга тушиб қолдик. Биз шунчалар ожиз эдикки, рўнарамиздаги тоғ тепасида турган душманга қарши ҳужумга ўтолмаймиз. Қанақасига ҳужумга ўтамиз, бошимизни кўтаришга имкон беришмаяпти.

Техникалар талафот кўрди. Халок бўлганлар ва ярадорлар учун учиб келган вертолётни, душман портлатиб юборди.

Ярим тунгача ҳолдан тойдик. Ишдан чиққан техникаларни жойида қолдириб, ўликлар ва ярадорларни БМП-2ларга юкладик. Тезроқ жуфтакни ростламасак, қуршовда қоламиз. Ҳаммамизни қириб ташлашади.

Зим-зиё тунда, урилиб-сурилиб, чироқларни ҳам ёкмай

йўлга чиқдик. Взводнинг дсярли тснг ярми ўкка учди, ярадор бўлди.

Мен тушунмайман, Жалолободга нега келдик? Нега кетаямиз? Шу азоб-уқубатларнинг нима кераги бор?

Худо ҳаққи, мен бу ерларда нима қилиб юрганимни айта олмаянман... Инқилоб дейишади, инқилоб бўлса, аффонларнинг ўзлари қилаверишмайдами, инқилобини... биз аффон халқининг тинчини буздик, бир халқдан дўсту-душман ясадик. Халқни бир-бирига гиж-гижладик... Йўк, бундай эмас, бу халқ, менимча инқилоб нима эканлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Бизни аффон халқига қандай қилиб ёрдам қўлини узатаётганимизни ҳам тушунмайди.

Биз бу ерга нима мақсадда келганмиз? Билолмаянман. Ёки биз бу ерга бостириб кирдикмики? Менимча шундай, аслида. Тавба, нималар деянман, ўзи?

3 сентябр, 1987 йил

* * *

Гарdez теварагидаги қишлоқларнинг бири. Зим-зиё тунда сойнинг шарқираб оқиши кечки сукунатни босиб кетган. Ёмони, атрофдаги бошқа товушларни эшитиб бўлмайди. Ойни булут тўсган. Юлдузларнинг кўзи юмиқ. Борлик қоп-қоронғу.

Кўрқа-писа чодирлар атрофини айланиб юрибман, кўриқлаянман. Қисм тунаётган жой ўзимизнинг батальонга тегишли худудини сиңчиклаб кузатаянман. Икки соатлик қоровуллик муддатининг ўтиши шунчалар чўзилиб кетдики, борган сайин ваҳм ҳамласи холдан тойдираяпти. Бир амаллаб ўтказсам эди, худо хоҳласа, мазза қилиб ухлардим. Кун бўйи йўл юриб роса хориганман. Қовоқларим тортилиб, бошим овирлашиб бораяпти. Тик турган кўйи кўзим илинган экан, турган жойимда бир махал силтаниб, мувозанатимни йўқотиб, сапчиб кетдим. Тик турган жойингизда уйқу зўрлик қилса шундай бўлади — турган жойингиздан анча нарига отилиб кетасиз.

Имиллаб-симиллаб вақт ўтди. Менинг ўрнимга разведкачилар взводидаги сержант қоровулликка турди. Мен БМП-2 нинг десант бўлмасига кириб, ўзимни ўк қутилар устига ташлаб уйқуга кетдим.

Эрталабки талатўндан уйғониб кетдим. Кеча сой ичидан чиқиб келган бўлиши керак, душман мени алмаштир-

ган сержантни чаваклар ташлабди. Сўнг чодирга кириб битта бўлинмадаги етти нафар аскарни сўйиб кетишибди. Хеч ким сезмай қолган эди.

Тонг сахардан жойимизни ўзгарттирдик. Тушдан сўнг Файзобод томонга йўл олдик. Юриш давомида қишлоқлардан онда-сонда отишмалар бўлиб турди. Бу унчалик хавфли эмас эди. Мен отишмаларга кўникиб бораётганимни хис қилдим.

24 сентябр, 1987 йил

* * *

Файзободга киролмадик. Йўлда қаршилиққа учрадик. Болалар ҳам кўлига қурол олиб бизга ўк узаяпти. Бу ердаги халқ маҳаллий аҳоли бир варақайига қирилиб кетса ҳамки, бизга қишлоқдан кесиб ўтишга йўл бермаслиги аниқ эди. Ортга қайтдик.

Биз афвон тупроғида ортикчалик қилаётганимизни англаб етаянман.

Ерлик аҳоли бизга хеч қачон эл бўлолмайдди.

25 сентябр, 1987 йил

* * *

Бугун ғалати воқеа содир бўлди. Гардез деган жойдан ўтаётганимизда отишма бошланди. Орқада келаётган БМП-2 ни яқингинамизда пойлаб турган душман грантамёт билан икки марта урди. Машина ишдан чиқди. Унинг устида турган уч нафар аскар ҳалок бўлди. Хайдовчи яраланди.

Мен елкасига қурол олган афвон боланинг девор устидан эңчиллик билан сакраб ўтиб, кўрғон ичига югуриб кирганини кўриб турибман. Бола ўн тўрт-ўн беш ёшларда. Устида кенг маҳаллий кийим-бош. Бошида қора ранида қалпоқ. Мушукдай чакконлиги ўпирилган девор уюмлари устидан эңчил сакраб ўтишидан ҳам билиниб турибди.

Мен ички алоқада хайдовчига БМП-2 ни кўрғон томонга бошқаришни буюрдим. Деворларни ўпириб, тўғри кўрғон ичига кириб бордик. Атрофни қисқа лаҳзаларда кўз остидан ўтказиб улгурдим. Машинадан сакраб тушиб кўрғон ичидаги кичкина, тор эшикли хонага югуриб кирдим. Хона ичи қоронғу эди. Остонада туриб ичкарига кетма-кет ўк уздим. Нимадир тарақлагандай бўлди.

Граната оволишни унутган эканман. Яна нимадир тарак-турук қилди. Мен ичкарида кимдир борлигини пайқадим. Остона ортида ётиб олиб, ичкарини кузата бошладим. Қоронгуга кўзим кўникди. Бурчакда дўпнайиб турган қора нарсага кўзим тушди. Йўқ, бу одам. Букчайиб турган одам. Қурол милини унга тўғриладим. Энди тепкини босаман деган эдим, бурчакка тикилиб олган одам (у мени остона орти, ёруғда кўриб турибди) аффончалаб гапириб, зор қакшаб йиғлай бошлади. Баданимни совуқ тер босиб кетди. Қўлим қалтираб, худди кимдир ортимдан менга қурол ўқталиб тургандай, ўрнимдан сапчиб турдим. Ўзимни эшик панасига олдим. Одам шарпасидан кўз узмадим. Чик дедим, бу ёкка чик, отмайман, дедим аффончалаб.

* * *

Кунни полкда ўтказдик. Ҳамма тафсилотларни айтиб, гапни майдалаб ўтирмайин. Шундай бўлди: техника паркида машиналарни навбатдаги жангга тайёрлашимиз керак. Отувчи-операторлар снарядлар юклашиб, БМП-2 отув милини тозалашди. Машиналарга ўқ-дори ортишди. Хайдовчилар эса ҳаммашагидай двигателни, ток узатувчи қурилмаларни текширишди. Тушликка яқин қолди. Шу пайт парк ичида БМП-2 га ўрнатилган пулемёт тариллаб қолди. Хангу манг бўлиб, ўқ овози эшитилган томонга қарадим. Иккинчи взводдаги Галдинов деган туркман бола БМП-2 устида ток ургандай силтаниб чалқайрамон бўлиб қуладида, машина устидан ерга думбалок ошиб тушди. Кетма-кет отилган пулемёт ўқи Галдиновнинг баданини илма-тешик қилиб ташлаганди.

У пушкага суяниб, машина устида тик турарди. Пушка тагида ўрнатилган пулемёт оғзи Галдиновнинг қок белига рўпара бўлиб қолган. Ичкарида пушка ва пулемёт отув механизмини тозалаётган отувчи-оператор Голубков, пулемётнинг ўқланиб турганини сезмай, бехосдан пулемётнинг отув нуқтасини босиб юборади. Лентадаги ўқлар отилиб, Галдиновнинг танасини титиб ташлади.

Шу заҳоти батальондаги иккита туркман йигити югуриб келиб, башняга чиқиб, Голубковнинг ёқасидан ушлаб ичкаридан тортиб чиқивди. Юзинг-кўзинг демай, дўппослай бошлашди. Голубков чайқалиб йиқилди. Бошига тушган тепкилар зарбидан ҳушини йўқотди.

Голубковни туркманларнинг калтагидан зўрға ажратиб олдик.

Голубковни медсанбатга олиб кетишди.

2 октябр, 1987 йил. Кобул

* * *

Кун ёнапти. Куёш осмонда тўхтаб қолгандай. Эгнимдаги зирхкийим, бошимдаги зирхкалпоқ қизиб кетди. Нафасим қайтаяпти. Кимёвий қурол ишлатилса кийиладиган махсус елим уст-бош билан бирга бериладиган, одамнинг белигача келадиган елим этикнинг бир пойига сув тўлдириб, елкамга ташлаб олганман.

Эгнимдаги жанг тўрва зил-замбил. Оёғим қалтирайди. Базўр юкорига кўтариламан. Баданимдан тер оқади. Кўзим тиниб, баланд чўққиларга қарайман. Уларга чикқунга қадар бўларимча бўлсам керак.

Токқа чиқаётганда чидаш лозим. Чанқамок тугул, қақшаб-қуриб қолсанг ҳам иложи бўлса сув ичма. Йўқса, нафасинг тикилиб, йиқилиб қоласан.

Пагман тоғлари ҳам Панжшер қояларидай осмон билан бўйлашиб кетган.

Оғзимдан ўт пуркалиб, силлаи мадорим қурияпти. Ёнимда келаятган аскарларнинг айримлари ярим йўлда йиқилиб қолишди. Украиналик Шевцов деган солдат ётволиб ҳеч жойга бормайман, отиб ташланглар деб дод солди. Нима бўлган тақдирда ҳам чидаши керак эди. Ўзини шарманда қилди. Иродаси кучсиз экан... Энди бошқаларнинг кўзига қандай қарайди. Бошқалар уни ёмон кўриб қолади.

Мен биз чиқишимиз лозим бўлган чўққини чамалаб кўрдим. Яна шунча йўл босиб кўтарилишимиз керак. Сув тўлғазилган елим этикнинг бўрбойидаги ишни ечиб, бошимни хўлладим. Сув ҳам илимлиқ.

Техникалар пастда қолган. Қишлоқда туриб бизни мудофаа қиляпти. Қишлоқдаги эркаклар токқа қочиб чикқанлиги ҳақида хабар олгандик. Шуларни қувиб кетаяпмиз. Агар улар бизга чўққидан туриб ўт очишса, БМП-2, БТР, ТАНК, МТЛБлар билан пастда турган бизникилар қишлоқларни илма тешиқ қилиб элакдан ўтказишади. Хотин бола-чақа, қари-қартанг демай кириб ташлайди. Душман буни яхши билади. Шунинг учун ҳам бизга ҳозирча ўқ отганича йўқ. Ўқ отолмайди ҳам.

Чўқкига қаршиликсиз чиқдик. Хеч зот йўқ. Қояда хуруллаб шамол эсади. Бироз салкин. Жазирама пастликда қолди. Қоядаги улкан тош соясига зирхийимимни тўшаб, худди ўзимни атрофни кузатаётгандай қилиб, юзтубан ётиб олдим. Елим ҳиди анқиган илиқ сувдан ютокиб ичдим. Чарчоқ босди. Қўзим илинибди.

Бир махал тасур-тўсур тўполондан уйғониб кетдим. Ёнимда икки кўли танасига чирмаб боғланган кўкимтир желак ва кенг иштон кийиб, бошига қора салла ўраган, соқоли кўксига тушадиган ўттиз беш ёшлардаги аффон кишиси думалаб ётибди. Афт-ангорига қараб бўлмайди. Моматалоқ бўлиб кетган. Қон сизаяпти. Чакчайган кўзида изтироб ва даҳшат акс этади. Қўзларини ола-кула қилиб менга қараб турибди.

Аффонни разведкачилар тутиб келишибди. Пастга олиб тушишмоқчи экан. Уни душман дейишди.

Мен «душман»га қизиқсиниб қарайдим. Нималардир деб менга илтижо қилаяпти. «Рафиқ, раҳм, – деган сўзларидан — мен душман эмасман, шафқат қилинглар», деб ялинаётганини фахмладим.

Разведкачи уни энг баланд чўққидаги харсанг ёнига кўйди. Сўнг қуролини тўғрилади. Мен кўзимни юмиб олдим. Банди дод-вой солиб чўққалаб ўтириб олди. Дағ-дағ титраб йиғлаяпти. Мен разведкачига отма, пастга олиб туш, командирларга топшир, дедим. У гашимга қўлоқ тутмади. Бандига тур ишорасини қилиб, автоматини кўтарди. Ҳалиги тутқун яна қалтанглаб-салтанглаб оёққа турди. Тел-банамо бўлиб разведкачига анграйиб қараб турибди.

Разведкачи қурол ўқталиб яқинлашаверди. Банди орқага тисарилди. Охири чўққининг кирғовига келди. Разведкачи унга тобора яқинлашиб бораверди. Бечора банди олазарак бўлиб нима қилишини билмай, оёқлари қалтираб, тиззалаб олди. Яна титраб-қақшаб йиғлади. Тишлари тақиллаб, кўз ёшлари соқолидан сизиб тушаяпти.

Разведкачи бир оз ўзини орқага олиб, бандининг кўкрагига тепди. Кутилмаган тепкидан банди орқасига, чўққидан тубанга учди. Мен ўнинг боши мажақланиб, танаси тошларга урилиб, қип-қизил қонига беланиб, пастга қулашини кўриб турдим.

10 июнь, 1987 йил. Пагмон

* * *

Уч кун бўлди, Кобулдаги совет элчихонасини кўриклаб турибмиз. Элчихона шаҳарнинг қок марказида эмас, кунчиқар томонида. Атрофи баланд бетон девор билан ўралган бу жойнинг ичкарасида ҳаёт қандай давом этаётгани бизга қоронғу, умуман, бу ҳаётни баланд деворлар тўсган, шу деворлар ортида эса бизнинг БМП-2 турибди. Биз деганим — мен, ҳайдовчи Ринат, Забиоров деган тожик ҳамда Ғалиев исмли туркман бола.

Байрам арафасида шундай бўлади. Элчихонани кўриклаш учун жанговар ҳолатдаги битта БМП-2 ва икки-уч шафар аскар юборишади.

Хуллас, октябр инқилоби (7 ноябр) айёми муносабати билан биз элчихонанинг орқа томонида қоқилган қозикдай ҳозирю нозирмиз.

Кунчиқарда, биздан эллик қадамлар нарида мухташамгина ҳовли. Томорқаси эллик-олтмиш сотих келади. Ҳар ҳолда Кобул пойтахтда. Ҳовли ва тикланган иморат чаккимас. Қишлоқларда кўравериш кўзимиз кўникиш қолган ғарибу ғубаро кулбалардан кескин фарқ килади.

Томорқада уй эгалари доимо ғимирлаб юришади. Уй юмушлари албатта. Униси у, буниси бу иш билан банд.

БМП-2 нинг отув мили ҳовли ва унинг ёнидан ўтган йўлга қаратилган. Йўл уйлари бетартиб қурилган маҳаллага туташган. Элчихона учун бирдан-бир хавф ана шу томондан туғилиши мумкин.

Дастлаб рўпарасига келиб кўкқайиш туриб олган шўро аскардан ҳадикланган уй соҳиблари ҳовлида кўзга кўринмай турди. Сўнг кўника бошлашди чоғи, ҳовлида пайдо бўлиб қолишди. Кейин-кейин улар томорқага ўтиб ишлашди, бизга яқинроқ кела бошладилар. Ҳовли соҳиби ерга омоч солди, гўнг сепиш чикди. Ҳайдалган ерда ўқарик тортиб текислади. Ҳовлида эса доимо бўй етган икки опасингил куйманлагани куйманлаган. Мен дурбин орқали уларни диққат билан кузатаман. Қизларнинг етилган ёноқи олмадай тарсиллаган даври эди. Баъзи пайтлар юзи шафақдай нурланган бу икки соҳибжамолнинг хуснига боқиб, кўнглим ўртаниш кетади. Бегубор туйғуларим сойлар шарқироғи ичра сеҳр-тароватига тўлган боғлар сари бошлайди. Дунё мафтункорлик нурига чўмган, мен ой деса ойдай, кун деса кундай бир сулувнинг тиззаларига бош қўйиб,

тим қора қолдуздай ёниқ кўзларига термулиб чалқанча ётибман.

Нимадир тараклаб кетади. Санчиб тушаман. Ринат ўқдори қутисини ташлаб юборади.

— Хой, мунча шу ёққа термулганинг термулган. Пишириб қўйибдими? Дурбинни қўйиб, анови қутини ол. Туш пастга. Нега хардамхаёл бўлиб турибсан...

Мен ерга тушиб кетган ўқ дори юкланган темир қутини олиб машина устига ташладим. Галиев тушлик тайёрлаяпти.

Тушлик пайтида элчихонадан келган лейтенант мени ва Забиоровни ўзи билан бирга олиб кетди. Ринат билан Галиев машинада қолишди.

Элчихона ҳовлисига кириб хангу манг бўлиб анграйиб қолдим. Забиоровга карасам, у ҳам оғзини очиб хайратини яширолмапти.

Элчихонанинг кенг ҳовлисига чим ётқизилган. Атроф ноябр бўлишига қарамай ям-яшил. Йўлакларга бетон тортилиб, ҳар қадамда ошноқ қилиб бўялган қувур тўсинларга айлана шаклдаги сутранг калпоқчироклар ўрнатилган. Фавворалар отилаяпти. Ҳовлидаги чиройли буталган гуллардан тортиб сосна ва пальма дарахтлари теп-текис ҳолда бир сафда тизилган. Бу ернинг хатто ҳавоси ҳам ташқаридан кескин фарқ қилади. Худди тинч ва гўзал шаҳарлардаги каби кафе-барлар, рақс майдончаси, ёзги меҳмонхона, ресторан, сайрбоғ, икки четига ўриндиклар ўрнатилиб тошлар ётқизилган йўлаклар, куз қуёшида товланган мрамор деворлар, улкан иморатлар айвонининг тепа қисми -- шифтига ўрнатилган ёнар тошлар -- бари-бари афсонавий, эртакдаги бир шаҳарчанинг ўпца-ўзи. Хайратланарлиси, шаҳарчада чиройли-чиройли бўй етган қизлар, пишиб стилган симбати симбиллаган санамлар, озода ва тоза кийинган бола-бақра дунёдаги воқеа-ҳодисалардан айрича ҳолда яшаётгандай юришибди. Шаҳарча ташқарисида мутлақо ўзгача олам. Кир-чир одамлар, хароба-вайроналар, уруш, ўққа учаётган аскарлар, хуллас, хавфу хатар, ўлим...

Бизни ўта чиройли услубда қурилган, хашаматли бинога олиб киришди. Бунақанги файени киноларда кўрганман. Еру шифт, деворлари мрамартус, ялтирайди. Файега туташ йўлак орқали бинонинг ичкарисига ўтдик. Кенг залда узун стол дид билан безатилган. Йўқ таомнинг ўзи йўқ.

Бизга хамрох бўлиб келган ёшгина зобит, дастурхонга таклиф қилди. Аскарнинг овқат ва уйқудан қайтганини ким кўрибди. Кўрмагандай бўлиб овқатга ёшиқдик. Бир пастда хиқиллаб қолдик. Кейин ховлига чиқиб бошқа бир бинога кирдик. Бино ичкараси хаддан зиёд кенг бўлиб худди спорт майдончасига ўхшаб кетарди. Биз ёшиқ майдончада ярим яланғоч юрган қиз-жувонлар, ёш-ялангларга оғзимизни очиб, анграйиб қараймиз. Улар эса бепарво ўтиб кетаверишади. Ниҳоят майдонча эннигини очиб яна ичкариладик ва бошқа бир мўъжизага дуч келдик: сувга лик тўлдирилган бош-адоғи йўқ кенг мрамар ховуз. Ховуз четдаги силлиқ тошли йўлакларда яп-яланғоч бўлиб, оёқларини сувга тикиб ўтирган жувонлар, ховузда ҳам айримлари турфа нафмалар қилиб чўмилишяпти.

Бунчалар маишат, иззаг-икромга кўникмаган, гандираклар турган биз нотавон аскарларга бу ердагиларнинг шунчалар илтифот кўрсатаётганини ақлимга сиғдиrolмаяпман. Худди туш кўраётганга ўхшайман. Бизни бошлаб келган ёш зобит счиниш хонасини кўрсатиб кўлимизга чўмилишга кийиш учун ички кийим берди. Тиззагача тушадиган аскар трусигини ечиб, халиғи, кулай ички иштончани кийиб олдик.

Сув анча илиқ эди. Шунча аёлнинг ичида биздан бошқа яна иккита эркак бор. Улар чамамда элчихонада ишлашса керак.

Танамда роҳатбахшлик туйдим. Кўнгилхушлик авжга чиқди. Бу ерда ҳамма нарса гўзал, ҳамма нарса самимий.

Ташқарида эса, ташқарида... Мана шу девор кир-чир дунёни, ўлим ва қонхўрлик, мусибатларга тўлиқ ҳаётни, ичкаридаги нозкарашмали ҳаётдан мутлоқ тўсиб турарди.

Ичкаридаги ҳаётнинг ойимтиллалари ўлим чангалида жон олиб жон беришимизни яхши англаганлиги боис ҳам бизни шу ерга таклиф қилишганди. Улар бизга ўта меҳрибонлик қилишиб, силаб-сийпалашди. Бу билан балки бугун ёки эртага ўлиб кетиши мумкин бўлган пўрликларга раҳми келганликлари учун ҳам шундай қилишяпти.

Чўмилиб бўлгач, бизни яна дастурхонга таклиф қилишди. Шаҳарча ховлисидаги рақс майдончасида дискотека уюштиришди. Тотли таом ва лаззатли шарбатлар, ўткир ичимликлар, ўрис ароғига аралаштириб ичилган немис пиволари бизнинг кайфиятимизни чоғ қилиб юборди. Рақс майдонида ўйин-қулғи авжга чиқди. Атрофдаги хушрўй

қиз-жувонлар ардоқлаб, меҳр-мурувват билан муомалада бўлишади. Бу кўнглимизга шунчалар хуш ёқади. Анча пайтдан бери, ҳаётни шу бугунгидай гўзал кўрмагандик. Айни чоғ инсондай эъзоз топиб турганимни ҳис қилдим.

Элчихонадан кечқурун қайтдик. Бизга турли-туман ичимлик ва ноз-неъматларга тўла иккита қутини бериб юборишди.

Элчихонадагиларнинг бизга раҳми келиши, жони ачишидан очиги, менинг хўрлигим келди.

4 ноябр, 1987 йил

* * *

Элчихонани кўриқлаяпмиз. Эрталаб ёнимиздаги афғон армиясига тегишли постда турган «Сарандой» (афғон аскарри) келди. Унинг исми Саттор экан. Москвада ўқиган. Ўрисчани қийналмай гапиради. У хушомадни ҳам жойига кўяркан. Юзи кулиб турибди. Лекин ичида нима гапи борлиги номаълум. Одам оласи ичида, дейишади-ку...

Саттор билан анчагача гаплашиб ўтирдик. Тушунчаси унчалик баледемас. Ўзининг фойдасини ўйлайди. Гап асносида бизни унчалик ёқтирмаслигини пайқаб олдим.

— Мусулмонмисан? — деб сўради у.

— Алҳамдулиллаҳ, мусулмонман, — деб жавоб бердим...

— Калима қайтар, — деди.

Калима қайтардим. Чехраси ёришгандай бўлди. Лекин кўп ўтмай яна тундлашди.

— Сен мусулмонсан... Лекин шўрависан (шўро аскарисан демокчи). Сен шўравига бўйсупасан, — деди қазабини яширишга уриниб. Юзида қаҳр туси жонлангандай бўлди.

— Шўравини ёмон кўрасанми? Агар шўрави бўлмаганда, сен аллақачон нариги дунёга равона бўлардинг...

— Ҳеч қачон ундай бўлмасди. Фақат сизлар шундай деб ўйлайсизлар. Аслида эса ундай эмас, — деди Саттор кинояли жилмайиб.

Сўнг унга икки қути консерва, узум шарбати ва оқ қанд бердим. Саттор эвазига бизга наша бериб кетди.

Сатторнинг шўравини ёмон кўриши, жумладан, шўро аскарри бўлганлигим учун ҳам мени ҳам ёқтирмаслиги маълум бўлди.

5 ноябр, 1987 йил

Файзобод. Анорзорларга файз кирган. Полизларда пишикчилик. Қовун-тарвузлар касмалдакдай-касмадакдай бўлиб полизда думалаб ётибди. Кузги картошка дейсизми, кечки помидор ва булғор каламшири дейсизми, бесархадлик ичра ястанган ноз-неъматлар тўкин-сочин далалар бизнинг ихтиёримизда. Яқин-атрофдаги қишлоқларда одам зоти қолмаган. Ҳатто хотин-халаж, қари қартанг, бола-бақранинг ҳам қораси кўринмайди. Хув анови, кун ботиш томондаги Денов қишлоғи тепасида қад ростлаган тоғлар этагига қарасангиз, Файзобод аҳолисининг кўч-кўронини ортмалаб кетиб бораётганини кўрасиз. Узокдан худди наstdан юқорига араб қалин ип тортилганга ўхшаб кўринади. Эгри-бугри сўкмоқдан ўрмалаб бораётган аҳоли иссиқ жойини совутган шунчалар сарсон-саргардон қилган, бизни, шўро аскарини минг бир маломат билан қарғаб бораётганига шубҳа қилмасак ҳам бўлади.

Бу ҳам етмагандай, «одамлар иши»га оғир артиллерия ўт очди. Тоғ этагида тутун ўрлаб, портлашлар содир бўлди. Ип узилиб одамлар тумтарақай бўлиб қочди. Мен дурбин орқали снарядларнинг беҳато тушаётгани, тоғ ён бағирларидан учқун сачраб, портлаш юз бераётганини кўриб турибман. Снарядлар хавода ҳам портлаб, тутун из қолдирайти. Демак аҳоли тепасида шрапнель-игна ёмғир ёнаяпти. Шрапнель снаряд мўлжалга тушмасдан ўн-ўн беш метр баландликда портлайди. Снаряд ёрилиб, ичидан ўнг минглаб игначалар ерга ёғилади. Игначаларнинг учи билан тушиши учун кичкинагина парашютчалар ўрнатилган. Хавода портлаб кетган снаряддан тушаётган игна ёмғирлар одамнинг танасига санчилиб, кириб кетади. Бу қурол асосан аҳолиси зич қишлоқлар, шаҳарларда қўлланилади... Нима бўлаётганини ҳеч ким билмайди, атрофда на бир ёнғин, на бир қўпорилиш содир бўлмаса-да, одамлар қирилиб кетаверади. Танага санчилган игнача тобора ичкарилаб боради. Жароҳат олган шўрлик минг бир азоб исқанжасида тўлғаниб, жон таслим қилади. Инсон аъзойи баданига қадалган ўнлаб игналардан халос бўлишнинг жанг пайти умуман имкони йўқ.

Ҳозир бизникилар тоққа қочиб чиқаётган кишилар тепасидан ана шу қуролни ишлатишди.

Бўм-бўш қишлоқда хоҳлаган ишимизни қилдик. Қўрғонларга кириб қўлга илашган нарсани олиб чиқдик. Хонадонларни таладик. Сандиқларни чиқариб ўт қўйдик. Қимматбаҳо матолар, эрони гиламларни машиналарга юкладдик.

Файзободда уч кун турдик. Ҳар куни эрталаб қишлоқдан товук олиб келиб сўямиз. Ён теварагимиз эса турли-туман маҳсулотлар етилган поллиз. Понуштага хуштаъм овқат тайёрлаймиз. Туш пайтида қўй (сўймаймиз) отамиз. Гўшт қовурамиз. Қайнатма шўрва қиламиз. Дастурхонда ертўлалардан топилган асал, сариёғ, турли-туман мевалардан тайёрланган мураббо, узум шинниси, хуллас, зиёфатнинг зўри бизники. Қоринни тўқ қилиб тўйдириб, узала тушиб ётамиз-да, наппа чекамиз. Кейин жазавамиз тутати. Ғазабимиз тошати. Қутурамиз. Кимсасиз қишлоққа БМП-2 ва танклардан ўт очамиз.

Кечқурунлари қишлоқ тутаб, ҳар жой-ҳар жойдан ёнғин кўтарилади. Тун бўйи қишлоқ ичкарисида кулбаларнинг, қўрғон томларининг чарсиллаб ёниши кўзга таппаниб туради.

Чўққилар ортига чиқиб беркинган одамлар ўз хонадонларининг кули кўкка соврилиб, қишлоқлари ўт ичида қолганини кўриб туришганини ҳис қиламиз. Уларнинг бизга қарши ҳужумга ўтишолмаётганидан хурсанд ҳам бўламиз. Лекин, қишлоқда чиндан ҳам душман бўлганда эди, нега биз билан жанг қилмади? Хўш, қишлоқда душман йўқ дейлик, унда нега аҳоли қишлоқни ташлаб тоққа қочиб кетди?

Биз бу жойларга яқинлашишимиздан олдин, артиллерия қишлоқларни ўққа тутати, самолётлар бомбардимон қилади. Омон қолган аҳоли жонини саклаш учун қишлоқни тарк этишга мажбур бўлади-да.

Биз кейинги пайтлар очиги, босқинчилик урушини олиб бораямиз.

10 ноябр, 1987 йил

* * *

Эртага батальондаги офицерлардан бири жўнаб кетади. Юкларини казармадаги омборхонага олиб келиб қўйди. Ҳар бири эллик-юз килолик юкка мўлжалланган тўртта улкан боғлама жомадон, иккита япон дипломат ва иккита

жанг тўрва. Кечкурун халиги офицерни қисм дўкони ёнида учратдим. Казармага бирга келдик. Омборхонага кирдик.

У билан кўп бора офир жангларда бирга бўлганмиз. Мард -- кўрқув нималигини билмайди. Майда-чуйда гап қилиб асабингга ҳам тегавермайди.

У омборхонадаги аскарга жомадонлардан бирини очиб ичидан бир литрлик «Столичный» ароғини олиб беришни буюрди. Биз ароқни майдалаб, бир қўл кўтардик. Иккинчи қўлни ҳам индамай ичдик. Учинчи гал офицер эртага кетишини айтди, мен билан хайри-хушлашди. Курскка борсам, албатта уйига киришимни, у ерда ота-онаси, оиласи яшашини айтиб, манзилни ёзиб берди. Тўртинчи қўлда мен ҳам унга оқ йўл тиладим.

Битта «бир литрлик»ни охирлатдик. Кайфимиз авж. Дунёда офицер билан икковимиздан ўзга бир-бирига иноқ ва меҳрибон одам йўқ. Хира-шира эслайман, дипломатларнинг бирини оч, деди. Мен стол устига олиб келиб дипломатни очдим. Дипломат ичи қора дорига лик тўла. Биз кулчадай қора дорининг уватиб «Ростов на Дону» сигаретига юкладик.

...Кейин нима бўлганини билмайман. Мана, ётибман. Бошим тарс ёрилай деяпти. Рота тушки овқатланишга кетибди, чоғи, казармада сув қуйгандай, ичим ёниб кетаяпти. Қорним оч. Ринат келса, бирор егулик топиб келишини илтимос қиламан.

20 ноябр, 1987 йил

* * *

Чорикорда бўлиб ўтган жангнинг тафсилотини ёзишнинг ҳожати йўқ... Шармандалик. Взводнинг тенг ярми қирилиб кетди. Тирик қолганларнинг барчасини мукофотга ёзишди.

Қочиб чиқдик. Шип-нийдон боғлар ичида ўлик ва ярадорлар тўлиб кетди. Қочиб чиқаётиб ўқ еб қулаган ўз аскарларимизни БМП-2 ва танклар билан босиб ўтишга мажбур бўлдик. Разведкачилар взводидаги Сасин деган дўстимнинг мурдасини БМП-2 мажаклаб, эзғилаб ўтганда, телбанамо кўйда бақириб юбордим.

На илож, қочиб чиқишимиз керак эди. Душман сиқувга олди.

Кейин, жангдан сўнг узок музокаралар бошланди. Катта пул ва яна алламабалолар эвазига мурдаларни сотиб олдик. Ярадорларни эса душманнинг тирик қолдирмаслиги аниқ. Минг азобда хўрлаб ўлдирди, бошини кессишади ёки уятли жойи — ички аъзоларини кесиб ташлашади. Хуллас, биз ярадорларни эмас, ўликларни кайтариб ололдик. (Ярадорлар йўқ эди, гўё...) Икки нафар аскар бедарак йўқолди. Қанчалар музокара олиб борилмасин ҳеч қандай натижа бермади...

1 декабр, 1987 йил

* * *

Панжшер тоғларидан ҳеч қачон талафот кўрмай қайтмаганмиз. Афғонистондаги энг дахшатли ва кўрқинчли жой — шу ер.

Уч кун олдин Панжшерда бўлдик. Бизни вертолётдан тапшлашди. Миномётчилар, разведкачилар ва сапёрлардан сўнг бизнинг вертолёт белгиланган жойга учиб келди. Тоғдаги яссирок жойни мўлжаллаб вертолётдан сакрай бошладик. Тоққа тушишим захоти жанг тўрвамга кетма-кет ўк тегди. Душман бизни кузатиб турганини англаб, ўзимни харсанг панасига олиб, бошимни кўтармай ётдим.

Хавотир аралаш вертолётга қарадим. Эшиқдан Нурмахон сакради. Сакраш учун навбат кутиб турганлар Ахмадулин деган туркман, бухоролик отдоним ҳамда взвод командири, лейтенант, тожикистонлик Бахтиёр Акрамовга кўзим тушди.

Шу пайт теямизда қулоқни қоматга келтирар даражада панкиллаган овоз эшитилиб, қучли портлаш содир бўлдида, вертолёт оловга айланди. Олов ичида тевааракка чирпираб учган темир парчаларига кўзим тушди.

Мен ётган жойимда кўзимни чирт юмиб, қулоқларимни беркитиб олдим.

Вертолёт титилиб, лахча-лахча чўққа айланиб кетди. Бошимиздан темир-терсаклар туша бошлади. Дўстларимизнинг мурдаси парча-парча бўлиб қолганди.

Панжшерда қакшаттич жанг бўлди. Мен кўрқувни унутиб, қаҳри вазаб ўтида ёнардим. Ёнгинамдан визиллаб учаётган ўқларга ҳам нарво қилмай қўйдим. Карахт ахволда душмандан ўч олиш учун ўқни аямасдим. Кейин нима қилиш лозимлигини хаёлимга ҳам келтирмадим.

Пастдан, батальон штабидан ялангликка тушишимиз хақида алоҳида буйрук беришди. Мен тоғдан тушаётиб, паналамадим. Бекинмадим. Очиғи, ўққа учишга ҳам рози эдим. Бошим зирқираб оғрир, қулоқларим ҳеч нарса эшитмасди.

Қисмга келиб ўн кун полк табобат пунктида даволандим.

Янги йил киришига оз қолди. Тезроқ тугасайди.

25 декабр, 1987 йил

* * *

Техника паркида қоровулда турибман. Нарвон орқали кузатув жойига чиқдим. Ярим соатдан кейин постни топшираман.

Қишлоқ томондан кимнингдир қораси кўринди. Мен қисмнинг нон заводида ишлайдиган аскарлардан бири бўлса керак деб ўйладим. Нон завод техника парк билан ёнмаёти.

Ҳалиги шарпа яқинлашиб келаяпти. Мен ундан паролни сўраб қичқирдим. У жойида такка-так тўхтади. Қимир этмай туриб қолди. Сўнг яна нон заводи томоқ қараб юра бошлади. Мен парол неча эканлигини айтиб, яна қичқирдим. Қора шарпа энди тезлашди. Заводга қараб югираяпти. Паролни айт, тўхта, деб яна уч марта қичқирдим. Тенасидан огохлантириб ўк уздим. У тўхтамасдан физиллаб югураяпти. У завод ҳовлисининг деворига тирмашди. Хаёлимдан қишлоқдан чиқиб келган душман заводни портлатиб юбормоқчи, деган ўй ўтди. Қоронғуда қисм аскарлари бу ерларда тимирскиланиб юрмайди, қолаверса, қора шарпа қишлоқ томондан келди. Мен уни мўлжаллаб кетма-кет ўк уздим. Шарпа девор устидан гупиллаб қулади.

Нон заводи ҳовлисидан югуриб чиққан аскар сўкина-сўкина қора шарпа қулаган томонга қараб чопди. Мен ҳам кузатув шийпончасидан нарвон орқали пастга тушиб нонвой аскарнинг ортидан бордим. У ўққа учган ҳалиги нота ниш кимса тенасида турибди. Гугурт чақдим. Юрагим ўйнаб, сесканиб кетдим. Қисқа лаҳзалик гугурт чўп ёруғида жун босган юзидан соқоли аралаш қон оқаётган, жонсиз нигоҳлари бақрайиб қотиб қолган мурданинг аянчли қиёфасини кўрдим.

— У мендан ҳар кеча нон сотиб оларди. Сен ярамасни огоҳлантириб қўйсам бўларкан, — деди нонвой тўнғиллаб. — Ярамас экансан, аблаҳ, у ҳеч кимга ёмонлик қилмасди. Бизга Кобулдан у бу нарсаларни ҳам шу одам олиб келарди. Яқинда уйга кетаман, менга Кобулдан кийим-кечак, совға-салом олиб келиб бермоқчийди... Сен унинг бошига етдинг... Эсингдан чиқдим, мендан сув текинга красовка ҳамда панасоник сотиб олган эдинг? Уларни мана шу, Исмоил олиб келган эди. Энди нима қиламиз? Нега қоқилган қозикдай бўлиб турибсан?

— Нима ҳам қилардим, қисм навбатчисига айтаман. Барибир у билиши керак, — дедим.

— Йўқ, асло ундай кила кўрма, дўст. Сен сотқин эмассан, офицерларга аскарни сотмайсан. Номард эмассан, шундай эмасми? Агар айтсанг мени қамашади. Ахир, яқинда уйга кетаман. Жон дўст, ундай қилмагин...

У ялина бошлади.

— Кўп чайналма! Мурдани нима қиласан? Ҳозир менин қоровуллик вақтим тугайди. Бошқа аскар келади. Бу сиригдан яна бошқа бир одам ҳам хабар топади, — дедим совуққонлик билан.

Аскар мурдани техника паркиннинг бурчагидаги ахлатхона ёнидан чуқур қазиб кўймоқчи бўлди. Мен нима қилсанг, қилавер, ўзинг биласан, деб қўл силкидим.

28 декабр, 1987 йил

* * *

Эрталаб қисм ҳудудига снаряд келиб тушди. Душман ҳаво ҳужумига ўтди. Полкда ваҳима бошланди. Доимо биз бостириб борардик, шу пайтгача аввал душман ҳамла қилганини сира кўрмаганман. Бунинг устига, нақд қисм ҳудудини беҳато нишонга олишарди.

Тушликкача тўс-тўполон, ҳаво жанги тинмади. Вақт пешиндан оққач тинчиди. Қисм атрофидаги махсус ертўллалардан чиқиб, казармаларга йўл олди. Кутилмаганда, кўкқисдан қилинган ҳужум додиратиб қўяркан.

Бугун кечкурун кун ботардаги, душман бизга ўт очган Нагман тоғ тизмаларига жангга чиқишимиз ҳақида хабар тарқалди. Биз тайёргарлик кўраяпмиз.

Янги йил кечаси жангга чиқиб, саргардон бўлиб юриш ҳеч кимга ёқмаяпти. Байрамнинг ҳам расвоси чиқди.

Аскарлар ошхонасида янги йилни кутиб олиш учун зўр тайёргарлик кўриляётганди. Буям колди, энди. Ошимизга захар кўшилди.

Минг лаънат бўлсин, бундай хаётга. Урушнинг хар бир дақиқасида режаларинг бузилиб, остин-устун бўлиб кетди.

Тақдиринг урушнинг кўлида. Сен урушнинг кўлидаги куралисан.

31 декабр, 1987 йил. Кечки соат 21³⁰

* * *

Бугун синглимнинг туғилган куни. Ҳозир ётоқдаги талаба дугоналари, тенг-тўшлари билан туғилган кунини нишонлаётгандир. Мени эслаяптимикин? У менга меҳрибон эди. Хар холда кўнглининг бир бурчагида хижиллик тугуни қотиб турган бўлса керак. Ҳа, шундай, дунёнинг аллақайси жойларида қон оралаб юрган жигарини сингил айнан мана шундай кунларда кўпроқ эслайди.

Синглим, туғилган кунинг билан қутлайман. Ҳеч қачон бу хаётда гам кўрма. Бу хаётнинг қайғу аламларининг барчасини мен елкалаб кўрдим. Керак бўлса, бутун авлодаждодимга етарли гам юкини кўтардим. Сизлар, ҳаммаларинг учун тақдирнинг захар-заққумини татиб кўрдим. Менга бу хаётнинг қизиги қолмади. Баъзида жонимдан тўйиб кетаман. Игна еган итдай типирчилаб, жоним оғриб, ўзимни кўярга жой тополмай қоламан. Хар куни кўрқув, хар куни жонингни ховучлаб, ичингда худога илтижо қилиб яшаш, асабларингнинг зор қақшаши, эй, қўй, нимасини айтайин — турган-битгани азоб.

Бугун, мана шу ёниб кул бўлгур Чорикорда бўлдик. Хар бир дарахт бизга ўқ отади, хар бир уй бизни кураол билан қарши олади. Ердан ҳам ўқ ўсиб чиққандай бўлади. Кўкдан ҳам ўқ ёғади. Дахшат. Дўзахнинг ўзи шу — Чорикор. Жоним, халқумимга келди. Ана ўлдим, мана ўлдим деб кунни ўтказдим.

Синглим, кўрқув — ёмон туйғу. Йигирмага кирмай сочим оқарди. Қошларим ҳам оқариб қолибди. Хар доим жанга киришдан олдин нафасим қайтиб, ичимдан бир нарса узилиб кетаётгандай бўлаверади.

Синглим, сени уйимизни, ота-онам, қишлоқдошларим, дўсти-ёрларимни эслаб кўнглимни совинч ўти ўртайди. Ху-

дога шукр, Сизлар соғ-омон, тинч, эмин-эркин ҳаётда яша-
япсизлар. Шунинг ўзи катта бахт.

Сингилжон, мен сенга ана шу боқий бахт — тинчлик,
хотиржамлик ва омонлик тилайман.

27 феврал, 1988 йил. Кеч соат 21⁰⁰

* * *

Чорикор жангида кўп талафот кўрдик. Бугун кун бўйи
БМП-2 билан Баграм госпиталига ярадорларни ташидик.
Уларнинг айримлари госпиталга етмай ярми йўлда жон
берди. Шўрликларнинг оғриқнинг зўридан буруксиб, кўка-
риб гезарган юзига, нури сўниб бораётган олазарак кўзла-
рига караш нақадар даҳшат. Худди мен уларни ҳаётда
олиб қоладигандай, айримлари мажолсиз қўлларини чўзиб
нимадир, дейишади. Баъзилари алахсийди, чинқиради, сўки-
ниб-бақиради. Хаёли кирарли чиқарли бўлиб жон талваса-
сида ўлим билан олишишади. Сўнги бор ҳаётга разм сол-
моққа чоғланган кўзларининг қорачиклари кенгайиб бора-
веради ва туйқус бир нуқтада қотиб қолади.

Биз ярадорларни ташияпмиз. Кеч кирди. Жанг тугаган-
га ўхшайди. Қисм Баграм йўлига чиқди. Шу ерда тунайдиган
бўлдик.

Уйқум келмаяпти. Қовоқларим оғирлашиб, асабим та-
ранглашяпти. Ринат қисм врачлари ва менга бир тортимдан
ҳалиги исқотидан узатди. Чеқдик. Енгил торгдик.

28 февраль, 1988 йил. Кеч соат 2⁰⁰

* * *

Бугун байрам. Рота командири, Мен, разведкачилар
взводидаги Сергей Кобулга келдик. Дивизия штабига ал-
лақандай ҳужжатни топшириш керак. Командир қисмимиз
остонасидаги каби қўриқчилар сергак ва шай турган дар-
возадан атрофи баланд деворлар билан ўраган дивизия
штабига кириб кетди.

Офицер ҳа деганда чиқавермади. Бир қисмдаги аёллар-
га совға олиш учун йўл четидаги дўконга кирдик. Полк
табобат пунктидаги Аняга чиройли рўмол совға қилмоқчи
бўлдим. У менга неча бор яхшилик қилди. Неча бор даво-
лади? Ўз опамдай меҳр кўсатди. Аня билан оғир жанглар-
да ҳам бир неча бор бирга бўлдик... Шундай кунда уни

эсламаслик нодонликдан бошқа нарса эмас. Бошқаларни билмадиму, мен шундай ўй билан дўконга кирдим.

Дўконда қимматбаҳо моллар пала-партиш ҳолда айқаш-уйқаш бўлиб ётибди. Юзига қора чодир тортиб олган дўкончи аёл биз киришимиз билан бурчакка бориб турди. Сергей раста устидаги мато ўлчагич чўпни олиб дўкондаги у бу нарсаларга теккизиб нархини сўрагандай бўлди. Аёл терс қараб нимадир илди-да, яна биз томонга бурилиб миқ этмади. Мен билганимча афғончалаб, ундан бизга чиройли зар рўмол танлаб беришини сўрадим. Аёл индамади. Юзига тортилган паранжи тўридан қиёфасини кўришининг иложи йўқ.

— Гунгмисан, нега гапирмайсан? — деб ўшқирди Ринат.

Сергей ўрисчалаб чап-чапаничасига сўкинди. Мен аёлга яна нимадир демокчи эдим, унинг «Сенларга ҳеч нарса бермайман, дўконимни ҳаром қилманглар», — деган маънодаги гапини англадим.

— Кетдик бу ердан. Бошқа дўконга кирамиз, — дедим Сергейга.

— Нега?

— Юрсанг-чи, гапни кўпайтирмагин...

Сергей билан Ринат раста устидаги қимматбаҳо молларни атайлаб аёлнинг жигига тегиниш учун титкилай бошладди. Сергей кўлидаги ўлчов чўпни аёлнинг юзига теккизиб паранжисини сидирмоқчи бўлди. Аёл жаҳл билан бошидаги паранжисини олиб ерга улоқтирди-да, ўнг кўлини ҳаволатди. Учаламиз ҳам бир зум қотиб қолдик. Юзи ойдаи тип-тиник, кўзлари юлдуздай ёник ва чиройли, қонлари гулгун юзига муносиб, қайрилма киширик бу санам кўлида халқаси суғрилган Ф-1 гранатасини ушлаб олган эди.

Мен турган жойимда қалтираб кетдим. Оний ҳолатда агар биз буни отиб қўйсак, кўлидаги халқасиз граната тушиб кетади, биз ҳам ҳалок бўламиз деган хаёл ўтди...

Сергей ўзини эшикка урди, ортидан Ринат кочиб чиқди. Мен жойимда қотиб турибман. Қиз қаҳрли жилмайиб, кўлидаги граната халқасини жойига қўйди. Чаққонлик билан раста устидаги паранжисини бошига илиб, кўлига яна гранатани ушлади. Мен ўнғайсиз ҳолда орқага тисарилиб эшиккача бордим. Эшикка етишим билан шарт бурилиб,

машина томон югурдим. Сергей ва Ринат БМП-2да мени кузатиб туришган экан. Хатти-харакатимдан котиб кулишяпти.

Мен сўкиниб машинага чиқдим. Кўра била туриб ажал билан ўйнашганимиз — ахлоқликдан бошқа хеч нарса эмас.

— Энди полкка бурунга қўл тикиб бораверамизми? — деди Ринат.

— Нима, бурнингга граната тикилишини хохлаяпсанми? — дедим газабим қайнаб.

— Намунча юрагинг ёрилмаса, ана, бошқа дўконлар бор-ку, — деди Сергей.

Мен хеч канака дўкон-пўконга кирмайман. Дўкони бошини есин.

Командир дивизия штабидан чиққач, йўлга тушдик. Сергей командирни нимадир деб авради шекилли, машина одам гавжум бозор ёнидаги чоррахада тўхтади. Афғонлар бизга ёвқараш қилиб, айримлари қизиқсиниб қараб ўтиб кетаяпти. Қаршимиздаги дўконларни сотувчилар бизни кўриши билан така-так ёпиб, эшик ва дераза устидан том ёғочларига боғланган камиш тўсиқ бўйрани ташлаб қўйишади. Кўнглим бир нохушликни сизди. Сергей билан Ринат норизо оҳангда нималардир деб тўнғиллашади. Офицер бепарво. Атрофни шунчаки, эринчоқлик билан кузатиб сигарет тутатяпти. Афтидан кеча қўл ичворганга ўхшайди, юзи шишинкираган, тунд, кўзи қизарган. Хафсаласиз ҳолатда ўтирибди.

Сергей машинадан тушди. Дўконлар томон юра бошлади. Ўн беш кадамлар юриб ортига бурилиб, Ринатни имлади. Шу пайт кетма-кет чийиллаб учган ўк овози эшитилди. Дўкондор бўйра билан тўсилган дўкон ичидан туриб Сергейни отиб ташлади — Сергей турган жойида ток ургандай силганиб-силганиб йиқилди.

Биз ўзимизни машина ичига урдик. Мен пушкани тўғрилаб дўконга ўт очавердим. Ринат машинани Сергейнинг жасади ёнига ҳайдади. Мен ўк отиб тўсиб турдим, командир тушиб Сергейнинг жасадини машинага олди.

Бозорни қок ёриб дуч келган кишини босиб, отиб, дўконларни вайрон қилиб, полк йўлига тушиб олдик.

Қисмда Кобул йўлида бизга ҳужумга ўтди, деган гап тарқатдик.

Қисмдаги бошлиқлар биздан бошқа ҳеч нарса сўрашмади. Топшириқни бажариб, мардонавор жанг қилганимиз учун миннатдорчилик билдиришди. Сергей эса ўлимидан сўнг «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланди.

8 март 1988 йил.

* * *

Апрел ойигача жангга чиқмадик. Қисмда жуда кўп бемаъни воқеалар содир бўлди. Ичкиликбозлик, олди-соғди, полкдаги нарсаларни ўғирлаб, яқин-атрофдаги қишлоқларга олиб боришлар, гиёхвандлик, ҳатто полк ҳудудуида аёллар модулидаги айтишга тил бормайдиган гап-сўзлар... Буларнинг бари шунчалар зерикарли, айна дамда даҳшатли эди. Мен ақлдан озиб қолишим мумкинлигидан хавотир ола бошладим. Ҳар дақиқа хаёлимда ўз уйим, ота-онам, яқинларим гаудаланиб тураверар, соғинч ҳисси юрагимни ўртаб, азоб-уқубат ўтида ковуларди.

Орада бир марта жангга чиқдик. Ўт-олов ичида яна бир неча дўстларимиздан жудо бўлдик. Тақдирда бор экан, шу сўнги жангдан ҳам омон чиқдим. Энди уйга кетишга тайёрланаман.

Ўн кун ичида менга жавоб беришлари маълум бўлди. Шу ўн куннинг ўтиши эса... нечоғлик қийин кечаётганини билсангиз эди...

4 май 1988 йил

* * *

...Ва ниҳоят Кобул аэродромидаман. Юк ташувчи самолёт келиб қўнди. Икки юзга яқин аскарни юк ташувчи «Ил»га чиқаришди. Мен ҳарбий билетимни назоратчи қўлидан олиб, самолёт зинасига оёқ қўйгунимча уйга қайтаётганимга ишонмайман. Мана самолётга чиқдим. Юрагим кинидан чиқиб кетай деб, гупиллаб ураяпти.

Самолёт ўрнидан қўзғала қолсайди... Мана самолёт ҳаракатга келди. Ҳозирча у ерда. Тезлашди. Эҳ, худойим, тезроқ хаволасайди... Ердан кўтарилди. Ишқилиб душман «РС» снарядлари урилмаса бўлди? Самолёт учаяпти. Ҳали у осмонда. Мен уруш деган жаҳаннамни тарк этаётганимга ишонмаяпман. Эҳ, худойим, тезроқ афғон ҳудудидан чиқиб кетсайдик... Ҳеч ким миқ этмайди. Икки юз чоғли аскарнинг бари бир нуқтага тикилиб, ўзи билан бўлиб

сукут саклаб келаяпти. Хар бири омон-эсон кўнишимиз учун Худога илтижо қилаётгани аниқ...

Самолёт бир силтанди. Жон-поним чиқиб кетди. Ёнимдагиларнинг ҳам юзида ранг йўқ. Ўпкам узилиб кетгандай бўлди.

Самолёт мотори гириллаб овоз чиқаради. Полапонлардай бўлиб икки юз чорли аскар юк самолёти ичида бир-биримизнинг пинжимизга тикилиб кўнишиб турибмиз. Шу икки юз чорли аскар дини, миллатидан қатъий назар битта сўз, битта ном билан бир-бирига боғланган — аскар! Бир-бирига биродар, бир-бирини тушунадиган, хар бирининг айни дам ҳаёти хавода учаётган мана шу самолётнинг бешикаст ерга кўниши билан боғлиқ — аскар!...

...Ва ниҳоят самолёт моторининг гириллаши ичра радиоалокада учувчилардан бирининг хаяжонли овози янгради.

— Азиз жангчилар! Биродарлар! Сиз учаётган ҳаво кемаси СССР чегарасини кесиб ўтди. Табриклаймиз!!!

Мен бошқа сўзларни эшитмадим. Беихтиёр ўрнимдан санчиб туриб бақириб юбордим. Ёнимдагилар ҳам бор овоз билан бақиринлар, ўкириб-ўкириб йиғлашар, бир-бириши қучоқлаб юз кўзларидан ўлар, худди офир жангдан сўнг телбанамо бўлиб йиғлаган каби ўзимизни йўқотиб қўйгандик. Самолёт кўрқув ва офирлардан сўнг шодлик каршисида ич-ичида тўкилиб йиғлаётган аскарларнинг хайқиригини олиб, тинч ва осуда осмон узра учиб борарди. Бу менинг ҳаётимнинг ҳеч бир шодиёна ва бахт билан алмаштириб бўлмайдиган энг қувончли дақиқалари эди...

Буни ўша самолётда мен билан бирга учган икки юз нафарга яқин аскар, умуман ўз уйига урушдан қайтаётиб, ўз Ватани сарҳадини кесиб ўтган жангчилар яхши англашади...

Тошкент, 1988 йил, 14 май.

Талабалар ётоқхонаси

МУНДАРИЖА

Қиссалар

Дарё ортидаги йиғи	5
Кулиб тур, азизим	74
Ўн саккизга кирмаган мен бор	161
Қордаги лола	257

Ҳикоялар

Ёсинкираш	291
Аросат	302
Хун	316
Қуёнини ким уйғотади?	327

Адабий-бадший нашр

Қўшор Норқобил

ҚУЁШНИ КИМ УЙФОТАДИ?

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2007

Мухаррир *Рустам Бойтўра*
Бадший мухаррир *Баҳром Бобожонов*
Техник мухаррир *Диана Габдрахманова*
Саҳифаловчи *Любовь Бацева*

Босишга 17.12.2006 да руҳсат этилди. Бичими 84x108^{1/32}. Таймс
гарнитура. Оффсет босма. Шартли босма тобқок 20,16. Нашр босма то-
бови 19,8. Жами 5000 нусха. Буюртма № 2940. Баҳоси шартнома
асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100083, Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41.

ҚҰЧҚОР НОРҚОБИЛ

*Қуёшни қим
уйғотади?*



